Қ. РАЖАБОВ, Б. ҚАНДОВ,
И. ШОЙМАРДОНОВ, О. НОРМАТОВ

# ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ МУҲИМ САНАЛАРИ



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қ. РАЖАБОВ, Б. ҚАНДОВ,
И. ШОЙМАРДОНОВ, О. НОРМАТОВ

# ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ МУҲИМ САНАЛАРИ

## (ЭНГ ҚАДИМГИ ДАВРЛАРДАН БУГУНГИ КУНГАЧА)

ТОШКЕНТ — «O'ZBEKISTON» — 2011

www.ziyouz.com kutubxonasi

УДК 94(И)
ББК 63.3(0)
Ж 39

Масъул муҳаррирлар:
*Раҳмон Фармонов* – тарих фанлари доктори, профессор
*Чори Кўчаров* – сиёсатшунослик фанлари доктори

Тақризчилар:
*Адҳам Аширов* – тарих фанлари доктори
*Тўлқин Боборматов* – тарих фанлари номзоди, доцент
*Фахриддин Ҳасанов* – тарих фанлари номзоди

Ж 39 **Жаҳон тарихининг муҳим саналари** (энг қадимги даврлардан бугунги кунгача) /Қ. Ражабов [ва бошқ.]; масъул муҳаррирлар Р. Фармонов, Ч. Кўчаров.– Т. Ўзбекистон, 2011.– 616 б.

Мазкур китобда жаҳон тарихининг энг қадимги даврларидан то бугунги кунгача бўлган хронологияси (йилномаси) ихчам тарзда баён қилинган. Унда жаҳон тарихидаги муҳим воқеалар, давлат арбоблари, шоирлар, олимлар ва бошқа тарихий шахслар ҳақидаги маълумотлар мавжуд.

Ушбу китоб умумтаълим мактаблари, лицей ва коллежлар ўқувчилари ҳамда олий ўқув юртлари талабаларига мўлжалланган. Шунингдек, китоб материалларидан жаҳон тарихи билан қизиқувчи барча китобхонлар ҳам фойдаланишлари мумкин.

**УДК 94(И)**
**ББК 63.3(0)**

ISBN 978-9943-01-630-9

© «O‘ZBEKISTON» НМИУ, 2011

www.ziyouz.com kutubxonasi

# СЎЗ БОШИ

*Азиз ўқувчилар!*

Тарих фани шундай бепоён уммонки, унинг сарҳадлари чексиз, мазмуни теран ва улуғвор ҳисобланади. Тарих фанининг ажралмас қисмини Жаҳон тарихи ташкил қилади. Бугунги кунда Ер юзида 193 давлат БМТ аъзоси бўлиб (аслида Ер юзидаги мустақил давлатларнинг сони 230 дан ортиқ), уларнинг ҳар бири жаҳон сиёсий майдонида ўзининг муайян овозига эга. Беш қитъада жойлашган ушбу давлатлар тарихи эса бугунги кунда кўпчиликни қизиқтиради.

Мана шу қизиқиш ва эҳтиёжни назарда тутган ҳолда биз – бир гуруҳ тарихчилар *«Жаҳон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача)»* номли ушбу китобни тартиб бердик. Бундай китоб ҳозиргача нафақат Ўзбекистонда, балки Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигида ҳам яратилмаган. Кўп йиллик изланишлар натижасида аниқлашимизча, ҳозиргача фақат Францияда шундай китоб француз тилида нашрдан чиққан экан (Париж, 1987). Бизнинг ихтиёримизда мазкур китобнинг русча нашри (Москва: «Радуга», 2002) мавжуд бўлиб, бу китобни тузишда ундан ҳам фойдаланилди.

Жаҳон тарихидаги муҳим саналарни ажратиб олишда ва китоб структурасини тузишда бугунги кунда Ўзбекистондаги умумтаълим мактабларида ўқитилаётган «Жаҳон тарихи» дарсликлари ва турли ўқув қўлланмалари асос қилиб олинди. Шунингдек, «Ўзбекистон миллий энциклопедияси», «Жаҳон мамлакатлари» ва рус тилида нашр қилинган «Тарих энциклопедияси», «Бутунжаҳон тарихи» ҳамда бошқа тарихий адабиётлардан ҳам фойдаланилди.

Бундан ташқари, Туркистон ва Ўзбекистон тарихига оид турли фундаментал тадқиқотлар, дарсликлар ва ўқув



www.ziyouz.com kutubxonasi

қўлланмалар материаллари ҳам истифода этилди. Жаҳон тарихига оид айрим дарсликларда мавжуд бўлган хронологик саналарга оид турли чалкашлик ҳамда хатолар бошқа адабиётларга солиштирилган ҳолатда тузатилди ва тартибга солинди.

Китобга тартиб беришда Интернет ва даврий матбуот материалларидан ҳам унумли фойдаланилди. Ахборот ва информация асри бўлган XXI асрда бундай бўлиши табиий ҳолдир. Лотин Америкаси, Африка, Европа, Осиё давлатларининг президентлари, бош вазирлари ёки бошқа давлат арбобларини изчил бир тизимда кўрсатиш учун бугунги кунда Интернет маълумотлари муҳим аҳамият касб этади. Бу маълумотларни ушбу китобда келтиришдан аввал муайян давлатнинг тарихига оид яратилган турли тарихий тадқиқотлар билан ўзаро таққосланди, Интернет материалларидаги баъзи камчилик ва хатолар тузатилди.

Китобни тайёрлашда Қадимги дунё тарихини ёритишга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, Қадимги Шарқ (Қадимги Миср, Қадимги Месопотамия, Қадимги Эрон ва Турон, Қадимги Ҳиндистон, Қадимги Хитой) ҳамда Қадимги Юнонистон ва Рим тарихи муайян бир тизимда хронологик изчилликда илк марта кўрсатиб ўтилди. Шунингдек, жаҳон тарихидаги воқеа-ҳодисаларни кўрсатиш ва ажратиб олишда Европа халқлари тарихидаги муҳим воқеаларни баён этиш билан бирга Шарқ халқлари тарихидаги асосий саналарни ёритишга алоҳида эътибор қаратилди. Турон ва Туркистон тарихи (хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудуди)да юз берган энг муҳим воқеалар жаҳон тарихининг ажралмас қисми бўлганлиги учун ҳам китоб саҳифаларида уларга алоҳида ўрин ажратилди.

Китобнинг муҳим жиҳатларидан яна бири, унда турли давлатларни бошқарган кўплаб сулолалар фаолиятини ёритишга муҳим ўрин ажратилди. Шарқ халқлари ва Туркистон тарихида ўтган сулолалар билан бирга Европада ўрта асрлар ва янги тарихда ҳокимият тепасида турган турли сулолалар вакилларининг номлари ҳам китобга киритилди. Хусусан, Мовароуннаҳр, Хоразм ва Хуросонда ўзбек халқи томони-



www.ziyouz.com kutubxonasi

дан асос солинган туркий сулолалар ва мусулмон сулолалар фаолиятини ёритишга алоҳида эътибор қаратилди. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш жоизки, тарих фанида ҳозиргача Шарқ давлатлари ҳамда сулолалари тарихи бундай изчил тизимга солинмаган ва ўрганилмаган эди.

Шунингдек, XVIII – XIX асрларда жаҳон тарихида, хусусан, Европа мамлакатларида юз берган муҳим саналар (Англия инқилоби, Буюк Француз инқилоби, Наполеон юришлари ва б.) китобнинг салмоқли қисмини ташкил этади. XX асрда Россияда, кейинчалик СССРда (Ўзбекистон ССР ҳам унинг таркибида бўлган) юз берган ҳамда Ер шаридаги ижтимоий ва сиёсий жараёнларга таъсир қилган муҳим сиёсий воқеалар, турли инқилоблар ва урушлар, шунингдек, Биринчи ва Иккинчи жаҳон урушлари, Осиё, Африка ва Лотин Америкасидаги миллий озодлик ҳаракатлари тарихи ҳам китобдан ўз муносиб ўрнини топди.

Ниҳоят, китобда XX аср охири ва XXI аср бошларида жаҳон тарихидаги сиёсий жараёнларни ёритишга, янги учинчи минг йилликнинг дастлабки ўн йиллиги воқеаларини сарҳисоб қилишга, мустақил Ўзбекистон Республикаси фаолиятини жаҳон ҳамжамияти доирасида ёритишга ҳам махсус жой ажратилди. Шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирган Россия Федерацияси, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ҳамда яқин қўшнимиз – Афғонистон тарихини ёритишга алоҳида эътибор қаратилди. Китобнинг хронологик доираси 2011 йил февраль ойигача бўлган воқеаларни ўз ичига қамраб олади.

*Муҳтарам китобхон!* Сизда қўлингиздаги ушбу китобни янада такомиллаштириш борасида бирон фикр пайдо бўлса, ўз мулоҳазаларингизни «Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳамда муаллифлар номига юборишингизни сўраймиз. Китобни янада мукаммаллаштиришга қаратилган фикр-мулоҳазалар кейинги нашрларда, албатта, эътиборга олинади.

*Муаллифлар*

www.ziyouz.com kutubxonasi

**6 миллион йил олдин** – Ер юзида австралопитек афаренсислар (австралопитек африка одамлари) яшаган. Уларнинг қолдиқлари Африка қитъасидан (Сомалининг шимолида) топилган.

**5 миллион йил олдин** – Шарқий ва Жанубий Африкада австралопитеклар яшаган.

**3 миллион йил олдин** – Шарқий ва Жанубий Африкада австралопитек африка одамлари яшаган. И. Коппанснинг фикрича, улар «ишбилармон одамлар»нинг аждодлари эди.

**3 миллион йил олдин** – инсоният тарихида палеолит даври бошланди.

**2,7 миллион йил олдин** – илк палеолит (Олдувай маданияти) даври.

**2,2 миллион йил олдин** – ер юзида «ишбилармон одамлар» *(Homo habilis)* яшаган. Улар Шарқий Африка (Кения, Танзаниянинг Олдувай дараси, Эфиопиянинг Омо дарёси воҳаси) ва Жанубий Африкада топилган. Археологлар томонидан дастлаб топилган бу одам қолдиқлари Танзаниянинг Зинж номли қишлоғида жойлашгани учун уни шу жойнинг номи билан Зинжантроп одами деб ҳам атаганлар. Уларнинг суяк қолдиқлари ёнидан тош қуроллар ва ҳар хил ҳайвон суяклари ҳам топилган.

**2 миллион йил олдин** – Жанубий Африкада австралопитек робустуслар пайдо бўлган. Улар 1,5 млн. йил муқаддам йўқолиб кетган.

**2 миллион йил олдин** – Африка ва Осиёдан 1 млн. йил кейин Европада палеолит даври бошланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1,9 миллион йил олдин** – Африкада «тўғри юрувчи одам» *(Homo erectus)* пайдо бўлган. Олимларнинг фикрича, улар бутун ер юзига, хусусан, Осиё ва Европага тарқалганлар. Осиёда улар синантроп («пекин одами») ва питекантроп («ява одами») номи билан машҳур бўлган. Бу одамларнинг қолдиқлари илк бор Хитой ва Ява оролидан топилган. Шунингдек, инсоният аждодларининг қадимги излари Марказий ва Жанубий Европадан ҳам топилган. Улар одам тараққиётининг иккинчи босқичи вакиллари ҳисобланади.

**1,7 миллион йил олдин** – «ишбилармон одамлар» томонидан ясалган илк меҳнат қуроллари Эфиопиядан топилган.

**1,4 миллион йил олдин** – инсон томонидан оловдан фойдаланишнинг энг қадимги излари Кения ва Эфиопиядан топилган.

**1,4 миллион йил олдин** – Европада илк палеолит даври. Ашель маданияти бошланди.

**1 миллион йил олдин** – Африка (Жанубий Африка ва Мағриб) ҳамда Яқин Шарқда кремнийдан меҳнат қуроллари тайёрланган.

**Милоддан аввалги 900 минг йиллик** – қадимги одамларнинг Европадаги дастлабки маконлари Франциянинг Юқори Лаура департаментида топилган.

**Милоддан аввалги 700 минг йиллик** – Ашель маданиятининг Европада тарқалган даври.

**Милоддан аввалги 500 минг йиллик** – «тўғри юрувчи одам»дан ақлли одамзот *(Homo sapiens)*нинг қуйидаги икки бўғини ажралиб чиққан: Европада пренеандерталлар ва Ўрта Шарқда протокроманьонлар. Ҳозирги Хитой ҳудудида пекин *Homo erectusлари* яшаган, улар олов ва унда овқат пиширишни билганлар.

**Милоддан аввалги 200 минг йиллик** – ўрта палеолит даври.

**Милоддан аввалги 80 минг йиллик** – Европа ҳудудида неандерталлар *(Homo sapiens neandertalensis)* тарқалган. Улар биринчи бўлиб ўлган одамларни дафн этишган. (Тах-



www.ziyouz.com kutubxonasi

минан милоддан 30 минг йил аввал неандерталлар бутунлай қирилиб кетган.)

**Милоддан аввалги 80 минг йиллик** – Европада Мустье маданияти. Турли меҳнат қуроллари ясалган.

**Милоддан аввалги 65 минг йиллик** – Америка қитъасига дастлабки одамлар келиб ўрнашган. Олимларнинг фикрича, улар Осиёдан Беринг бўғози орқали бу янги қитъага ўтишган. Американинг туб аҳолиси – ҳиндулар билан Евроосиё даштларида яшаган туркий халқларнинг аждодлари битта протохалқдан келиб чиққан.

**Милоддан аввалги 40 минг йиллик** – замонавий қиёфадаги одамлар яшаганлар, улар фан тилида кроманьонлар *(Homo sapiens sapiens)* деб номланадилар. Уларнинг дастлабки қазилма суяклари ва маконлари Франция жанубидаги Кро-Маньон ғоридан топилган. Улар Европа, Осиё, Америка ва Австралияга тарқалишган. Улар дастлаб неандерталлар, сўнгра кроманьон одамлар дейилган. Улар ташқи қиёфалари, жисмоний тузилиши, бош миясининг ривожланганлиги билан ҳозирги одамларга ўхшаш бўлишган. Уларнинг онги, тили ривожланган бўлиб, бирбирлари билан бурро-бурро сўзлашганлар. Улар «ақлидрокли кишилар» деб ҳам аталганлар.

**Милоддан аввалги 40 минг йиллик** – «ақл-идрокли одамлар» пайдо бўлиши билан ибтидоий санъат юзага келди.

**Милоддан аввалги 40–35 минг йилликлар** – ер юзига тарқалган одамзод учта катта ирққа: қора, сариқ ва оқ ирқларга бўлинган. Ирқ сўзи асли арабча бўлиб, томир, илдиз ва асос деган маъноларни билдиради. Ирқ тушунчасини биринчи бўлиб, одамзодга нисбатан 1675 йили француз олими Ф. Берне қўллаган. Сариқ, оқ ва қора ирқ тушунчасини фанга 1800 йилда француз табиатшунос олими Жорж Кюве киритган.

**Милоддан аввалги 40–35 минг йилликлар** – бир неча миллион йил давом этган энг қадимги одамларнинг тўда даври ўрнида уруғ жамоалари шаклланган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги 40–12 минг йилликлар** – сўнгги палеолит даври.

**Милоддан аввалги 40–4 минг йилликлар** – она уруғи (матриархат) жамоаси даври.

**Милоддан аввалги 18–10 минг йилликлар** – Мадлен маданияти тарқалган давр.

**Милоддан аввалги 12–9 минг йилликлар** – мезолит даври. «Мезолит» юнонча «mezos» – ўрта, «litos» – тош, яъни ўрта тош даври. Бу даврда ўқ-ёй ясалди, якка овчилик, дайди ҳаёт юзага келди, ёввойи ҳайвонлар қўлга ўргатила бошланди, бошоқли ўсимликларни ўстириш ўрганилди, қоятош суратлари пайдо бўлди.

**Милоддан аввалги 9 минг йиллик** – Яқин Шарқдаги серҳосил ерлар – Тигр ва Фрот дарёлари ўртасида (бу ҳудуд кейинчалик Икки дарё оралиғи ёки Месопотамия номи билан машҳур бўлган) неолит даврининг бошларида деҳқончилик вужудга келди. Иерихон (Фаластин) ва Мурейбит (Сурия) каби қишлоқ хўжалик манзилгоҳларидаги аҳоли ўтроқ турмуш тарзига ўтди. Мурейбитда дастлабки уйлар қурилди. Неолит даври бошланди.

**Милоддан аввалги 9–4 минг йилликлар** – неолит даври. «Неolit» юнонча «neos» – янги, «litos» – тош, яъни янги тош даври. Бу давр она уруғи ривожланган давр ҳисобланади, яна тош болта ва теша, сопол идишлар ясалди, деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунармандчилик вужудга келди, ўтроқлашиш бошланди ва ишлаб чиқариш хўжалиги шаклланди.

**Милоддан аввалги 8 минг йиллик** – Яқин Шарқда ҳайвонлар (эчки, қўй)ни хонакилаштириш жараёни давом эттирилди ва чорвачилик ривожланди. Ганждара (Эрон) ва Мурейбит (Сурия)да биринчи кулолчилик устахоналари вужудга келди.

**Милоддан аввалги 8 минг йиллик** – Анатолия (Кичик Осиёнинг қадимги номи)да неолит даври бошланди, дастлабки манзилгоҳлар пайдо бўлди (Ҳожилар, Азиқли).

**Милоддан аввалги 8–7 минг йилликлар** – Ўрта ер денгизининг шарқий соҳилидаги ўлкаларда илк ўтроқ



www.ziyouz.com kutubxonasi

деҳқончилик маданияти, чорвачилик ва савдо-сотиқ қарор топди.

**Милоддан аввалги 8–6 минг йилликлар** – Эроннинг ибтидоий қабилалари деҳқончилик ва чорвачиликка ўта бошлаганлар.

**Милоддан аввалги 7 минг йиллик** – Анатолияда дастлабки йирик манзилгоҳ – Чатал-Гуюк пайдо бўлди.

**Милоддан аввалги 7–6 минг йилликлар** – Месопотамияда деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ анча ривожланди.

**Милоддан аввалги 6–5 минг йилликлар** – Ўрта ер денгизидаги Крит оролига Кичик Осиёдан одамлар сузиб келишди.

**Милоддан аввалги 6–4 минг йилликлар** – Оссурияда деҳқончилик, чорвачилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ ривожланди.

**Милоддан аввалги 6500 йил** – Жанубий Месопотамияда дастлабки манзилгоҳ (бўлғуси Урук шаҳри ўрнида) пайдо бўлди.

**Милоддан аввалги 6 минг йиллик** – Ҳинд дарёси воҳасида лой (гил)дан идишлар ясалди. Бу пайтда Хитойда неолит даври бошланди.

**Милоддан аввалги 6 минг йиллик** – Эроннинг жануби-ғарбий ҳудудларида хўжалик ривожланиб, хусусий мулк, мулкий тенгсизлик ва табақаланиш жараёни содир бўлди.

**Милоддан аввалги 6–5 минг йилликлар** – Мисрда аҳоли анча кўпайиб, дастлабки қишлоқлар пайдо бўлди. Хўжаликнинг ривожланиши натижасида Мисрда илк давлатларнинг ташкил топиши учун зарурий шароит вужудга келди.

**Милоддан аввалги 5500 йил** – мис асри (халколит) бошланди. Мис ва темир асрлари прототарихий давр (тарихигача бўлган давр) дейилган. Бу пайтда неолит маданияти тарқалди ва ривожланди.

**Милоддан аввалги 5 минг йиллик** – неолит даври бутун Ўрта ер денгизи ҳавзасига тарқалди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги 5–4 минг йилликлар** – Ўрта ер денгизининг шарқий соҳилида хўжалик янада ривожланиб, катта-кичик қишлоқлар пайдо бўлди. Деҳқонлар экин майдонларини кенгайтириб, буғдой ва арпадан ташқари тариқ ҳамда зиғир ҳам экканлар.

**Милоддан аввалги 4–1 минг йилликлар** – ота уруғи (патриархат) жамоаси даври.

**Милоддан аввалги 4 минг йиллик ва 3 минг йилликнинг биринчи ярми** – Энеолит – тош-мис даври. Энеолит сўзи юнонча-лотинча сўз бўлиб, энеус – мис, литос – тош деган маънони билдиради. Мисдан қуроллар ясалган. Матриархатдан патриархатга ўтилди.

**Милоддан аввалги 4 минг йиллик** – Эрон (Сиалк-Тепа) ва Месопотамияда мисдан меҳнат қуроллари (болта, мотига, пичоқлар) ясалди.

**Милоддан аввалги 4000 йил атрофида** – мис асридан бронзага ўтиш даври: Месопотамияда (мил. авв. 3750 йил олдин), Эронда (мил. авв. 3200 йил олдин), Ҳинд дарёси воҳасида (мил. авв. 3000 йил олдин).

**Милоддан аввалги 3700 йил** – Жанубий Месопотамияда манзилгоҳлар доимий равишда шаҳарларга айланиб борди. Бу шаҳарларнинг ичида энг йириги Урук шаҳри бўлиб, унда тахминан 10 000 киши яшаган.

**Милоддан аввалги 3 минг йиллик ўрталаридан милодий 1 минг йиллик бошларигача** – жез (бронза) даври. У инсониятнинг энг қадимги даврининг сўнгги босқичларидан бири ҳисобланади. Бу даврда жез қуроллардан фойдаланиш Жануби-Ғарбий Эрон, Месопотамияда милоддан аввалги III минг йиллик ўрталарида бошланган. Сурия, Кичик Осиё, Кипр ва Критда эса милоддан аввалги III минг йиллик охири – II минг йилликдан бошланган. Худди шу даврдан бошлаб Ўрта Осиё қабилалари ҳам жездан фойдалана бошлаганлар. Миср, Европа ва Ҳиндистон каби мамлакатларда бу маъдандан фойдаланиш милоддан аввалги II минг йилликка тўғри келса, Америкада милодий I минг йилликка тўғри келади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ҚАДИМГИ ШАРҚ

**Милоддан аввалги IV минг йиллик – милоднинг V асри** – қадимги давр тарихи. Бу даврда Қадимги Шарқ инсоният маданиятининг бешиги ҳисобланган.

## Қадимги Миср

**Милоддан аввалги IV минг йиллик** – Мисрда дастлабки шифохоналар бўлган.

**Милоддан аввалги IV минг йиллик бошлари** – Мисрда 42 та шаҳар-давлатлар бўлган.

**Милоддан аввалги 3600 йил** – Мемфис шаҳрида афсонавий табиб Имхотеб шарафига махсус ибодатхона қурилди.

**Милоддан аввалги 3200 йил** – Нармер (уни Менес ҳам дейишган) Юқори ва Қуйи Миср подшоликларини бирлаштириб, фиръавнлар давлатига асос солган. Тин сулоласи даври бошланди.

**Милоддан аввалги 3200–2778 йиллар** – Тин сулоласининг ҳукмронлик даври. Мисрда илк подшолик даври. Бирлашган давлатнинг янги пойтахти Мемфис шаҳри бўлди.

**Милоддан аввалги 3200 йил** – Мисрда иероглиф ёзуви пайдо бўлди, у папирус қоғозига ёзилган.

**Милоддан аввалги 2778 йил** – Мисрда III сулоланинг биринчи фиръавни Жосер марказий ҳокимиятни мустаҳкамлади (Қадимги подшолик даври бошланди). Жосернинг ўнг қўли ва олий амалдор Имхотеп бўлган.

**Милоддан авалги 2778–2269 йиллар** – Мисрда Қадимги подшолик даври давом этиб, унда 3–6 сулола фиръавнлари ҳукмронлик қилганлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги 2600 йил** – Мемфис шаҳри яқинида тўртинчи сулола фиръавни Хуфу энг катта эҳром қурдирди. Мақбара ўзининг улканлиги ва ҳашамати билан кишиларни лол қолдирди. Ўз даврида унинг баландлиги 150 метрдан зиёд бўлиб, ҳозирги ҳолати 146 метрдир.

**Милоддан аввалги XXIV–XXIII асрлар** – Мисрда подшолик кучсизланиб, Қадимги Миср давлати парчалана бошлади. Қадимги Миср майда давлатчаларга бўлиниб кетди.

**Милоддан аввалги XXI аср охирлари** – Мисрни янгидан бирлаштириш учун кураш бошланди.

**Милоддан аввалги 2160–1785 йиллар** – Мисрда Ўрта подшолик даври. Фива XI сулоласининг ҳукмронлик даври.

**Милоддан аввалги XIX аср** – Арабистон шимоли-шарқида гиксосларнинг ҳарбий иттифоқи ташкил топди.

**Милоддан аввалги XIX асрнинг иккинчи ярми** – Ўрта подшолик таназзулга юз тутди.

**Милоддан аввалги 1785–1580 йиллар** – Мисрда иккинчи ўтиш даври. Мамлакатда ҳокимиятни гиксос қабилалари иттифоқи эгаллаб олди.

**Милоддан аввалги 1750 йил** – Мисрда оғир жабр-зулм ва қийинчиликлардан сабр косаси тўлган меҳнаткаш халқ қўзғолон кўтарди.

**Милоддан аввалги 1710–1580 йиллар** – Миср гиксослар ҳукмронлиги остида. «Гиксос» сўзи мисрча бўлиб, «чўпонларнинг ҳокимлари», «чўл мамлакатининг ҳукмронлари» деган маънони билдирган. Бу даврда Мисрда 15–16-сулолага мансуб фиръавнлар гиксослардан эди.

**Милоддан аввалги XVI аср бошлари** – Мисрда озодлик, мустақиллик учун гиксосларга қарши кураш бошланди.

**Милоддан аввалги 1580 йил** – фиръавн Яхмос I гиксосларни Мисрдан қувиб чиқарди. Пойтахт Фивага кўчирилди. Янги подшолик даври бошланди.

**Милоддан аввалги 1580–1085 йиллар** – Мисрда Янги подшолик даври. Унда 18–20-сулоладан чиққан фиръавнлар



www.ziyouz.com kutubxonasi

подшолик қилган. Янги подшолик даврида Миср давлати ва маданияти ўзининг юқори чўққисига чиқди.

**Милоддан аввалги XVI аср ўрталари** – Мисрда аҳвол оғирлашган. Сурия, Фаластин ва Нубия мамлакатлари Мисрга итоат этмай қўйган. Ана шундай оғир шароитда номархларнинг зодагон уруғидан бўлган Хоремхеб тўнтариш ясаб, Миср тахтига ўтирди.

**Милоддан аввалги XV аср бошлари** – Миср фиръавни Тутмос III қўшинлари гиксосларни енгиб, Фаластин, Финикия ва Сурияда ўз ҳукмронлигини ўрнатди.

**Милоддан аввалги 1380 йил** – Луксорда фиръавн Аменхотеп III томонидан Амон ибодатхонаси барпо қилинди.

**Милоддан аввалги 1372–1354 йиллар** – Миср фиръавни Аменхотеп IV (Эхнатон)нинг ҳукмронлик даври. Мамлакатда ягона худо Атонга сиғиниш жорий қилинди, Атон ўзида қуёшни ифодалаган. Давлат пойтахти Ахетатон (Тель-эль-Амарна) шаҳри бўлди.

**Милоддан аввалги 1350 йил** – Мисрда Атон эътиқоди тақиқланиб, эски Амон-Ра эътиқоди тикланиб, унинг руҳонийларига катта имтиёзлар берилди.

**Милоддан аввалги 1338 йил** – фиръавн Хоремхеб вафот этди. Унинг ворислари Рамзес I, Сети I даврида Миср ҳам ҳарбий, ҳам иқтисодий жиҳатдан кучайди.

**Милоддан аввалги 1337–1317 йиллар** – фиръавн Сети I нинг Мисрда ҳукмронлик даври.

**Милоддан аввалги 1301–1235 йиллар** – фиръавн Рамзес II нинг Мисрда ҳукмронлик даври. Рамзес II даврида Миср гуллаб-яшнади. Давлат пойтахти Пер-Рамзес шаҳри бўлиб, у Нил ҳавзасида, мамлакат шимолида эди.

**Милоддан аввалги 1296 йил** – Рамзес II Кичик Осиёдаги хеттлар билан бўлиб ўтган жангда мағлубиятга учради.

**Милоддан аввалги 1296–1280 йиллар** – Миср билан Хетт давлатлари ўртасида қонли жанглар бўлиб ўтди.

**Милоддан аввалги 1283 йил** – Рамзес II билан Хетт подшоси Хаттусили III ўртасида тинчлик ва дўстлик би-



www.ziyouz.com kutubxonasi

тими тузилди. Битим ўзаро никоҳ ришталари билан мустаҳкамланди.

**Милоддан аввалги 1280 йил** – Миср-Хетт сулҳ шартномаси тузилди.

**Милоддан аввалги 1250 йил** – Библия ривоятларига кўра, яҳудийлар Мусо бошчилигида Мисрни тарк этишди.

**Милоддан аввалги 1235 йил** – Рамзес II вафот этди. Тахтга унинг ўғли Мернептах ўтирди. Фиръавн Мернептах даврида Мисрнинг куч-қудрати сусайди.

**Милоддан аввалги XIII аср охири** – ғарбдан Кичик Осиё, Ўрта ер денгизининг шарқий соҳилидаги мамлакатлар ва «денгиз халқлари» Мисрга ҳужум бошладилар.

**Милоддан аввалги 1198–1166 йиллар** – Сетнахтнинг ўғли Рамзес III ҳукмронлик қилган йиллар.

**Милоддан аввалги 1166 йил** – Мисрда фитначилар Рамзес III га суиқасд қилиб, уни ўлдирганлар.

**Милоддан аввалги 1085 йил** – Рамзес XI вафотидан сўнг, ягона Миср давлати иккига бўлиниб кетди. 21-сулола фиръавнлари мамлакатни Қуйи Миср (пойтахти – Танис) ва Юқори Миср (пойтахти – Фива)га бўлиб юбордилар. Миср чет элликлар таъсирига тушиб қолган.

**Милоддан аввалги 1085–332 йиллар** – Мисрда Сўнгги подшолик даври. Бу давр Ливия-Саис ва Эрон даври ҳам дейилади.

**Милоддан аввалги 950–730 йиллар** – Ливия сулоласи Мисрда ҳукмронлик қилган. Улар Бубастис шаҳрини ўз давлатларининг пойтахти қилиб танлади.

**Милоддан аввалги 930 йил** – Миср фиръавни Шешонк қўшинлари Фаластинга бостириб кириб, шаҳар ва қишлоқларни талаб, уларни вайрон қилди.

**Милоддан аввалги VIII аср** – Мисрда ҳукмронлик қилган 24-сулола вакилларидан Бокхорис даврида (мил. авв. 721–715 й.) мамлакатни инқироз botқоғидан қутқариш учун айрим ислоҳотлар ўтказилди.

**Милоддан аввалги VIII–VII асрлар** – Юқори Миср жанубида Эфиопия (Куш) давлати равнақ топди. Эфиопия



www.ziyouz.com kutubxonasi

подшоси Пианхи ва унинг вориси Шабаклар даврида (мил.авв. 740–720 й.) Миср давлати Эфиопия қўшинлари томонидан босиб олинди.

**Милоддан аввалги 715 йил** – Миср қўшинлари Эфиопия қўшинлари томонидан тор-мор қилиниб, фиръавн Бокхорис асир олинди.

**Милоддан аввалги 715–664 йиллар** – эфиопия сулоласи Мисрни бошқарди.

**Милоддан аввалги 569 йил** – Миср тахтини саркардалардан бўлган Яхмос II эгаллади. У милоддан аввалги 569–525 йилларда подшолик қилди.

**Милоддан аввалги 525 йил** – Эрон қўшинлари Пелусия ёнида бўлган жангда Миср қўшинларини тор-мор этди.

**Милоддан аввалги 404 йил** – Мисрда маҳаллий сулолалар ҳокимияти тикланди. Саис ҳукумати Амиртей форсларни қувиб юбориб, 23-сулолага асос солди. Миср ўз мустақиллигини мил.авв. 343 йилгача сақлаб турди.

**Милоддан аввалги 341 йил** – 30-сулоланинг сўнгги фиръавни Нектанеб II Эрон шоҳи Артаксеркс III томонидан ҳокимиятдан маҳрум қилинди. Мисрда Эрон ҳукмдорлигининг 2-босқичи Александр Македонский босқинигача давом этди.

**Милоддан аввалги 332 йил** – Миср Александр Македонский давлати таркибига кириб, Александр вафотидан кейин бу ерда Птолемейлар давлати қарор топди.

**Милоддан аввалги 48 йил** – Искандария кутубхонасида катта ёнғин бўлди.

**Милодий 395 йил** – Миср Византия таъсирига тушиб қолди.

Қадимги Миср тарихида фиръавнларнинг 30-сулоласи ҳукмронлик қилган:

*Қадимги Миср ҳукмдорлари. Илк подшолик.* 1-сулола: Менее, Жер, Ден, Семерхет, Ка. 2-сулола: Хотеп-Сехемун, Небра, Перибсен, Хасехем, Хасехемуи.

*Қадимги подшолик.* 3-сулола: Жосер, Сехемхет, Неферка. 4-сулола (мил. авв. 28–26 аср ўрталари): Снофру, Хе-



www.ziyouz.com kutubxonasi

опс (Хуфу), Хафра (Хефрен), Микерин (Менкаура), Шебеескаф. 5-сулола (мил.авв. 26–25 асрлар): Усеркаф, Нефериркара, Неусерра, Исеси, Уна. 6-сулола (мил. авв. 25–23 аср ўрталари): Тети I, Пиопи I, Меренра I, Пиопи II, Меренра II. 7, 8, 9-сулолалар (мил. авв. 23–22 аср ўрталари). 10-сулола (мил. авв. 22–21 аср ўрталари). 11-сулола: Антеф 1 Сехертауи, Менхухотеп III Небхепетра.

*Ўрта подшолик.* 11-сулола: Ментухотеп IV Санхкара (2015–2007), Ментухотеп V Небтауира (2007–2000). 12-сулола (2000–1787): Аменемхет I (2000–1970), Сенусерт I (1970–1934), Аменемхет II (1934–1896), Сенусерт III (1884–1849), Аменемхет III (1849–1801). 13-сулола (1785–1700). 14-сулола (1680 йилгача). 15- ва 16-(гиксослар) сулола (1700–?). 17-сулола (1680–1580): Сенененра, Камос.

*Янги подшолик.* 18-сулола: (1580 – 14 аср ўрталари): Яхмос I (1580–1559), Аменхотеп I (1559–1538), Тутмос I (1538–1525), Тутмос II ва Хатшепсут (1523–1503), Тутмос III (1503–1491), Аменхотеп III (1455–1419), Аменхотеп IV (Эхнатон, 1419–1400), Тутанхамон (1400–1392), Хоремхеб (14 аср ўрталари). 19-сулола (1342–1206): Сети I (1337–1317), Рамзес II (1290–1224). 20-сулола (1204–1085): Рамзес IV (1204–1180), Рамзес XII (1112–1070).

*Сўнгги подшолик* (мил.авв. 11–4 асрлар). 21-сулола (1085–950): Херихор (Фива), Смендес (Танис) (1035–1054). 22-(ливиялик) сулола (950–730): Шешоик (950–929). Осоркон I (929–893), Такелот 1 (893–870), Осоркон II (870–847), Шешоик III (823–772). 23-сулола (817–730): Педубаст (817–763), Шешоик IV (763–757). 24-сулола (730–715): Бокхорис (720–715). 25-(нубийлар) сулола (751–656): Пианхи (751–716), Шабака (716–701), Шабатака (701–689), Тахарка (689–663), Танутамон (663–656). 26-(саис) сулола (663–525): Псамметих I (663–610), Нехо II (610–594), Псамметих II (594–588), Априй (588–569), Яхмос II (569–525). 27-(форслар) сулола (525–404), 28-сулола (404–398). 29-сулола (398–378). 30-сулола (378–341).


17 Инв. № 329286
www.ziyouz.com kutubxonasi

## Қадимги Месопотамия

**Милоддан аввалги IV минг йиллик бошлари** – Месопотамияда янги ерлар ўзлаштирилиб, катта-кичик канал, ариқ, сув омборлари ва иншоотлар қурилди.

**Милоддан аввалги 3500 йил** – Жанубий Месопотамияга Шарқдан шумерлар келиб ўрнашди. *«Шумер»* сўзи туркча бўлиб, *сув+ер* ёки *сув+эр* маъноларини билдиради. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, шумерларнинг аждодлари прототурклар (туркларнинг аждодлари) бўлган.

**Милоддан аввалги IV минг йиллик ўрталари** – Месопотамияда катта- кичик қишлоқлар ўрнида Урук, Ур, Эреду, Ларса, Лагаш, Исин ва Киш каби дастлабки шаҳар-давлатлар вужудга келди. Улар Ер юзидаги илк давлатлар эди.

**Милоддан аввалги IV минг йиллик ўрталари** – дастлабки ёзув Шумерда кашф этилди. Шумер (Сумер) Жанубий Месопотамия (ҳозирги Ироқнинг жанубий қисми) даги тарихий вилоят бўлиб, бу ерда шумерлар ва қисман шарқий самийлар – аккадлар яшаган. Кейинчалик Шумер Қадимги Бобил давлати таркибига қўшиб олинган.

**Милоддан аввалги 3300 йил** – Ўрта Шарқ халқлари (асосан шумерлар)да дастлабки ёзув пайдо бўлган.

**Милоддан аввалги IV минг йиллик** – Месопотамияда адабий асарларнинг энг қадимгиси яратилди.

**Милоддан аввалги IV–II минг йилликлар** – Урук, Эл-Убайд, Аккад, Ур, Эшунна, Мари ва бошқа жойларда ибодатхоналар қурилди.

**Милоддан аввалги III минг йиллик** – Шумерда арифметика (ўнлик ва олтмишлик саноқ тартиби) пайдо бўлди. Шумер тилида астрономиядан илмий асарлар яратилди.

**Милоддан аввалги III минг йиллик** – фаластинликлар жез, кейинчалик темирни кашф этишди.

**Милоддан аввалги III–II минг йилликлар** – Фаластинда деҳқончилик, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ ва чорвачилик анча ривож топди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги III минг йилликнинг иккинчи ярми** – Оссурияда дастлабки давлат ташкил топди.

**Милоддан аввалги 2900–2300 йиллар** – Яқин Шарқда ҳукмронлик учун Шумер жанубидаги шаҳар-давлатлар (Урук, Ур, Нишпур, Лагаш) Шимолий Месопотамиядаги семит шаҳарлари (Киш, Мари, Эбла) билан ўзаро кураш олиб борди.

**Милоддан аввалги 2800–2700 йиллар** – Месопотамияда Киш шаҳар-давлати кучайди.

**Милоддан аввалги 2700 –2600 йиллар** – Урук шаҳар-давлати кучайди.

**Милоддан аввалги 2700 –2300 йил** – Киш подшолари Жанубий Месопотамияда ҳукмронлик қилдилар.

**Милоддан аввалги 2700 –2300 йил** – Шумер давлатида илк сулолалар ҳукмронлиги даври.

**Милоддан аввалги 2400 йил** – Месопотамияда Ур шаҳар-давлати кучайиб, Ур I сулоласи вакиллари Шумерда ҳукмронлик қилди.

**Милоддан аввалги XXIV аср охири** – Месопотамияда Лагаш шаҳар-давлати кучсизланиб, мамлакатда норозилик кучайди. Лағашда давлат тўнтариши бўлиб, ҳокимият тепасига Уринимгин келди. У Лагашда милоддан аввалги 2318–2312 йилларда ҳукмронлик қилди.

**Милоддан аввалги 2450 йил** – Фрот дарёси ўрта оқимида жойлашган Мари шаҳри Икки дарё оралиғидаги кучли давлат пойтахтига айланди.

**Милоддан аввалги XXIV аср ўрталари** – шумерлар билан аккадлар ўртасида шиддатли урушлар бўлиб ўтди.

**Милоддан аввалги XXIV аср охири** – Месопотамияда Умма шаҳар-давлати кучайиб, Шумер устидан ҳукмронлик қилди.

**Милоддан аввалги XXIV – XXII асрлар охири** – Аккад давлати Месопотамия ва Эламда фаолият кўрсатди. Аккад давлатининг маркази Аккад шаҳри бўлган. Аккад (Агаде) шаҳри ҳозирги Боғдоднинг жануби-ғарбидаги Абу-Ҳабба ўрнида жойлашган. Аккад номи кейинчалик Жанубий Месопотамиянинг бутун шимолий ҳудудига ўтган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги 2316 йил** – ҳарбий саркарда Саргон I Аккад давлатига асос солди.

**Милоддан аввалги 2261 йил** – Саргон I вафот этди.

**Милоддан аввалги 2250 йил** – Вавилонда бўлғуси Пифагор теоремасининг дастлабки белгилари шаклланган.

**Милоддан аввалги 2200 йил** – Аккадда Нарам-Суэна ёдгорлик тоши ўрнатилди.

**Милоддан аввалги XXII аср бошлари** – Аккад ҳукмдори Нарам-Суэн ўз давлати таркибига Суза шаҳри ва Эбла (Сурия) давлатини қўшиб олди. Бу пайтда Аккад подшолиги ва маданияти ўзининг энг юқори чўққисига чиқди.

**Милоддан аввалги XXII аср охири** – ярим кўчманчи гутий қабилалари Аккад подшолигига бостириб кирдилар ва уни ўзларига тобе қилдилар.

**Милоддан аввалги XXII–XVI асрлар** – илк Оссурия подшолиги даври.

**Милоддан аввалги 2111 йил** – Ур-Намму Урдаги III сулоланинг асосчисига айланди.

**Милоддан аввалги 2111 йил** – Ур шаҳрида зиккурата (дастлабки ибодатхона) қурилди.

**Милоддан аввалги 2109 йил** – Урук подшоси Утухенгал гутейларни енгиб, уларнинг ҳукмдори Тириканни асир олди.

**Милоддан аввалги 2109/2093–2046 йиллар** – Ур III сулоласи вакили Шулги ҳукумронлиги даврида Сурия, Фаластин, Элам, Кичик Осиё ва бошқа ўлкалар ҳисобига Шумер ва Аккад подшолиги ерларини кенгайтирди.

**Милоддан аввалги III минг йиллик охири** – Мари шаҳар-давлатида сарой қурилди.

**Милоддан аввалги II минг йиллик бошлари** – Сурияда 29 белгидан иборат алифбо кашф этилди.

**Милоддан аввалги II минг йиллик бошлари** – Месопотамияга шимоли-ғарбдан аморий қабилалари бостириб кирдилар.

**Милоддан аввалги II минг йиллик бошлари – Милоддан аввалги 538 йил** – Месопотамиянинг жанубий



www.ziyouz.com kutubxonasi

қисми (ҳозирги Ироқ ҳудуди)да Қадимги Бобил (Вавилон) давлати фаолият кўрсатган. Давлатнинг номи унинг пойтахти Бобил шаҳри номидан олинган. Бобил сўзи шумерча Кадингирра, аккадча Бабилу бўлиб, айнан таржимаси «тангри дарвозаси» демакдир. Бу шаҳар айни пайтда Хилда шаҳри (Ироқ) ўрнида бўлган.

**Милоддан аввалги XX– XVIII асрлар** – Оссурия давлатининг кучайиши.

**Милоддан аввалги XX аср охири – XIX аср бошлари** – Месопотамияда Шумер – Аккад подшолиги парчаланиб, кучсизланиб қолди.

**Милоддан аввалги XX–XVI аср бошлари** – Финикия ва Суриянинг айрим шаҳар-давлатлари, хусусан, Библ Мисрга тобе бўлди.

**Милоддан аввалги XX–VII асрлар** – Месопотамиянинг шимоли ва Дажла дарёсининг юқори оқимида Оссурия давлати бўлган. Оссурия сўзи Ашшур (Ассур) шаҳар-давлати номидан олинган.

**Милоддан аввалги XIX–XVII асрлар** – Фаластин шаҳарлари гуллаб-яшнади.

**Милоддан аввалги II минг йилликнинг биринчи ярми** – Бобил марказлашган давлатга айланди.

**Милоддан аввалги 2000 йил** – Суриядаги Эбла шаҳри Аморийлар давлатининг пойтахтига айланди.

**Милоддан аввалги 1895–1595 йиллар** – Месопотамияда Қадимги Бобил [Қадимги Вавилон] подшолиги ҳукм сурди. Биринчи Бобил сулоласи даври.

**Милоддан аввалги 1895–538 йиллар** – Қадимги Бобил [Қадимги Вавилон] подшолиги фаолият кўрсатган. Подшоликни 10 та сулола вакиллари 1357 йил давомида бошқарганлар.

*Қадимги Бобил [Вавилон] подшолигининг сулолалари:* 1. Бобил [Вавилон] (аморийлар) сулоласи (мил. авв. 1895–1595 й.). 2. Бобил [Вавилон] сулоласи [Денгиз мамлакатлари I сулоласи]. 3. Бобил [Вавилон] (кассетлар) сулоласи (мил. авв. 1595–1157 й.). 4. Бобил [Вавилон] сулоласи [Исин II



www.ziyouz.com kutubxonasi

сулоласи] (мил. авв. 1156–1026 й.). 5. Бобил [Вавилон] сулоласи [Денгиз мамлакатлари II сулоласи] (мил. авв. 1025–1004 й.). 6. Бобил [Вавилон] сулоласи [Бази сулоласи] (мил. авв. 1004 –984 й.). 7. Бобил [Вавилон] сулоласи [Элам сулоласи] (мил. авв. 984 –979 й.). 8. Бобил [Вавилон] сулоласи [Элам сулоласи] (мил. авв. 979 –732 й.). 9. Бобил [Вавилон] сулоласи (мил. авв. 732–627 й.). 10. Янги Бобил [Янги Вавилон] (холдейлар) сулоласи (мил. авв. 626 –538 й.).

**Милоддан аввалги 1822–1763 йиллар** – Элам подшоси Римсин яшаган, у Шумерни истило қилган.

**Милоддан аввалги 1800 йил** – шумер-аккад тилида Гильгамиш ҳақидаги афсона яратилди. Тадқиқотчиларнинг фикрича, «Гильгамиш» ва «Алпомиш» эпосларининг илдизи битта.

**Милоддан аввалги XVIII аср охирлари** – Ямхад давлати емирилиб, ўз мустақиллигини йўқотди.

**Милоддан аввалги XVIII–XVII асрлар** – Ямхаддан жанубдаги поёнсиз жойларда гиксос қабилаларининг ҳарбий иттифоқи ташкил топди.

**Милоддан аввалги 1792–1750 йиллар** – Бобил подшоси Хаммурапининг ҳукмронлик даври. У аморийлар сулоласининг 6-ҳукмдори ҳисобланади.

**Милоддан аввалги 1785 йил** – Хаммурапи Бобилда мустаҳкам ўрнашиб, Месопотамиянинг қолган шаҳар-давлатлари (Иссин, Ларса, Мари)ни ўзига бўйсундириб, Эски Бобил подшолигига асос солди. Эски Бобил давлатининг пойтахти Бобил (Вавилон) шаҳри бўлган. Хаммурапи томонидан ўша йили қонунлар тўплами қабул қилинган.

**Милоддан аввалги 1759 йил** – Хаммурапи собиқ иттифоқчиси Зимрилим қўшинларини енгиб, Марини босиб олди.

**Милоддан аввалги 1750 йил** – Хаммурапи вафот этди. Бобил подшолиги тахтига унинг ўғли Самсуилун ўтирди.

**Милоддан аввалги 1600 йил** – Шимолий Месопотамия (ҳозирги Шимолий Сурия)даги қадимги Хурритлар подшолиги ўрнида Митанни давлати ташкил топди.

**Милоддан аввалги XVI–XV асрлар** – Месопотамиядаги Митанни давлатига Оссурия подшолиги қарам бўлган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Митанни подшоси Шаушшатар оссуриялик Ашшур қўшинларини тор-мор этиб, подшо саройининг олтин ва кумушдан ясалган дарвозасини ўз юртига олиб кетган.

**Милоддан аввалги XVI аср охири – XV аср бошлари –** Оссурия кучая бориб, Бобил ва Митанни асоратидан озод бўлди.

**Милоддан аввалги XVI–XV асрлар** – Митанни давлати кучайди.

**Милоддан аввалги XVI аср охири** – шимолдан хеттлар Шимолий Сурияга бостириб кириб, уни ўзларига тобе қилиб олди.

**Милоддан аввалги XVI–XIII асрлар** – Финикия ва Сурияни талашиб Миср билан Хетт давлати ўртасида қаттиқ жанглар бўлди.

**Милоддан аввалги 1595 йил –** Эски Бобил (Вавилон) давлати шимоли-ғарбдан хеттлар, шарқдан эса кассит қабилаларининг шиддатли ҳужумлари натижасида қулади. Вавилон шаҳри вайрон қилинди. Эски Бобил подшолигидаги аморийлар сулоласи барҳам топди.

**Милоддан аввалги 1595 йил** – Месопотамияда касситлар ҳукмронлиги бошланди.

**Милоддан аввалги XV аср –** гиксосларнинг ҳарбий иттифоқи барҳам топди.

**Милоддан аввалги XV аср** – Митанни давлати гоҳ Миср, гоҳ Хетт, гоҳ Бобил, гоҳ Оссурия давлатлари билан урушлар олиб борди.

**Милоддан аввалги XIV аср охири – XIII аср бошлари** –Месопотамияда касситлар ҳукмронлиги кучсизланди.

**Милоддан аввалги 1365 йил** – хеттлар томонидан Митанни забт этилди.

**Милоддан аввалги 1365–1330 йиллар** – Ашшур-Убаллит I ҳукмронлиги даврида Оссурия давлати вужудга келди. Хеттларга қарши кураш бошланди.

**Милоддан аввалги 1350 йил** – Вавилоннинг Кассит подшолари Сузани эгаллашди. Вавилон ва Оссурия ўртасида рақобат пайдо бўлди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги XIII аср** – Фрот дарёси ортида яшаган кўчманчи яҳудий қабилалари Фаластинга бостириб кирди.

**Милоддан аввалги XIII аср** – ғарбдан «денгиз халқлари»нинг истилоси бошланиб, Сурия ва Финикиянинг қирғоқ бўйи шаҳарлари таланди ва вайрон этилди.

**Милоддан аввалги XIII аср** – Митанни давлати парчаланиб, майда давлатчаларга бўлиниб кетди.

**Милоддан аввалги XIII аср** – оссурия қўшинлари Бобил ва Элам устига бир неча бор талончилик урушларини уюштирди.

**Милоддан аввалги XIII аср** – аморий қабилаларининг катта гуруҳи Шимолий Сурияга бостириб кирди.

**Милоддан аввалги 1290 йил** – эламликлар Вавилондан Сузани тортиб олишди.

**Милоддан аввалги 1127–1105 йиллар** – Навуходоносор I нинг ҳукмронлик даври. У эламликларни Бобилдан қувиб чиқарди ва Вавилоннинг шуҳратини қисман қайта тиклади.

**Милоддан аввалги XII аср** – Оссурия подшоси Тиглатпаласар I Ван кўли атрофига бостириб кириб, ўз жанговар аравалари ва саройлари бўлган 23 нафар подшо устидан ғалаба қилганлиги ҳақида қояга ёздириб қолдирди.

**Милоддан аввалги XI аср бошлари** – ғарб томондан бостириб келган арамейларнинг зарбалари натижасида Оссурия шаҳар ва қишлоқлари вайрон этилди.

**Милоддан аввалги 1084 йил** – Месопотамияга арамейларнинг босқини натижасида биринчи Оссурия давлати қулади.

**Милоддан аввалги 1000 йил** – Саул вафотидан сўнг унинг куёви Довуд Фаластинни бирлаштириб, Яҳудий подшолигини ташкил қилди.

**Милоддан аввалги X аср охирлари** – Арамейлар давлати кучсизланиб, тушкунликка учради. Бу вазиятдан фойдаланиб оссурийлар ўзларини ўнглаб олдилар ва Янги Оссурия подшолигига асос солдилар.

**Милоддан аввалги 965 –936 йиллар** – Хирам I даврида Тир-Сидан подшолиги равнақ топди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги 931 йил** – Фаластинда подшо ва пайғамбар Сулаймон вафот этди, тахтга ўғли Ровоам ўтирди.

**Милоддан аввалги IX аср бошлари** – Форс кўлтиғи соҳилида яшаган холдей қабилалари Жанубий Месопотамияга келиб жойлашди.

**Милоддан аввалги IX аср охири – VIII аср бошлари** – Финикияда 24 белгидан иборат ёзув-алифбо кашф этилди.

**Милоддан аввалги 883 йил** – Оссуриянинг иккинчи марта юксалиши. Ашшур-Насирпал II ўз давлати чегараларини Ўрта ер денгизигача кенгайтирди.

**Милоддан аввалги 853 йил** – Оссурия билан Сурия ҳарбий кучлари Фаластин – Миср бирлашган қўшинлари билан Қарқара шаҳри яқинида тўқнашди.

**Милоддан аввалги 745 – 727 йиллар** – Оссурия давлатининг Тиглатпарасар III даврида учинчи марта юксалиши (Мидиянинг бож тўлаши, Урартуга қарши ҳарбий юришлар).

**Милоддан аввалги 729 йил** – Оссурия подшоси Тиглатпарасар III Вавилонни босиб олди.

**Милоддан аввалги 721 йил** – Оссурия подшоси Саргон II Самарияни вайрон қилди (Исроил подшолигининг охири).

**Милоддан аввалги 720 йил** – Эламнинг Дер қалъаси ёнида бўлган жангда эламликлар Оссурия қўшинларини енгди.

**Милоддан аввалги 710 – 709 йиллар** – Оссурия подшоси Саргон II Бобилни иккинчи марта эгаллади. Оссуриянинг янги пойтахти Дур-Шаррукин (ҳозирги Хорсабод) шаҳри бўлди.

**Милоддан аввалги 703 йил** – Халдейлар давлати подшоси Мардуқ-апал-иддин оссурийларга зарба бериб, Бобилни озод қилди.

**Милоддан аввалги 671 – 655 йиллар** – Оссурия подшоларининг Мисрдаги ҳукмронлиги давом этди.

**Милоддан аввалги 663 йил** – Оссурия қўшинлари билан Тахарканинг вориси Танутамон қўшинлари ўртасида қаттиқ жанг бўлиб, жангда оссурийлар ғалаба қозондилар. Мамлакат 20 ном (вилоят)га бўлиниб кетди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги 669–627 йиллар** – Ашшурбанипал ўзидан олдингилар бошлаган босқинчилик юришларини якунлайди. Бу даврда Оссурия давлати ўз шуҳрат чўққисига чиқиб, унинг ҳудуди Нилдан то Форс кўрфазигача борди.

**Милоддан аввалги 648 йил** – оссурийлар билан бўлган жангда Бобил вайрон этилди.

**Милоддан аввалги 631 йил** – Кирена (Ливия) шаҳрига дорийлар манзилгоҳи ўрнида асос солинди.

**Милоддан аввалги 628 йил** – оссурийларнинг жабр-зулмига қарши Холдей ҳукмдори Набопаласар бошчилигида қўзғолон кўтарилди.

**Милоддан аввалги 627 йил** – Бобил (Вавилон)да холдейлар ёки Янги Вавилон сулоласи ҳокимият тепасига келди.

**Милоддан аввалги 612 йил** – Мидия шоҳи Киаксар Ашшур (мил.авв. 614 й.) ва Ниневия (мил. авв. 612 й.) шаҳарларини эгаллаб, Буюк Оссурия давлатини қулатди. Ўрта Шарқда Бобил (Вавилон)нинг хўжайинлик даври.

**Милоддан аввалги 612 йил** – Оссурия пойтахти Ашшур иттифоқчилар томонидан ишғол қилинди.

**Милоддан аввалги 612–609 йиллар** – Бобил ва Мидия қўшинлари оссурий қўшинларини енгиб, Оссуриядаги Ниневия ва Ашшур шаҳарларини яна вайрон қилдилар.

**Милоддан аввалги 605 йил** – Мидия – Бобил қўшинлари Миср – Оссурия қўшинларини тор-мор этдилар. Шу билан Яқин Шарқ мамлакатларини даҳшатга солиб турган Оссурия давлати барҳам топди.

**Милоддан аввалги 605 йил** – Набопаласар вафот этиб, тахтга унинг ўғли Навуходоносор II (ҳукмронлик даври: 605 – 562) ўтирди.

**Милоддан аввалги 587 йил** – Бобил подшоси Навуходоносор II Қуддус (Иерусалим)ни босиб олди. Яҳудий подшолиги таназзулга учради. Яҳудийларнинг Бобилдаги асирлиги (1-Диаспора) бошланди.

**Милоддан аввалги 562 йил** – Янги Бобил подшолигининг сўнгги подшоси Навуходоносор II оламдан ўтди. Бобил тахтига Набонид ўтирди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги VI аср** – милетлик машҳур математик, физик, астроном ва файласуф Фалес яшаган. У асли финикиялик бўлган.

**Милоддан аввалги V аср ўрталари** – Карфаген Финикия давлатининг марказига айланди.

**Милоддан аввалги III аср** – Карфагенда худо Молох санами (ҳайкали) олдида болаларни гулханга ташлаб, куйдириб қурбон қилганлар.

**Милодий III–VII асрлар** – Месопотамия Сосонийлар давлати таркибида бўлди.

**Милоддан аввалги II асрнинг биринчи ярми** – римликлар Месопотамияга икки марта бостириб кириб, унинг пойтахти Ктесифонни талаб, вайрон қилдилар.

## Кичик Осиё ва Олд Осиё мамлакатлари

**Милоддан аввалги IV минг йиллик** – Троя шаҳри Троада вилоятининг маркази бўлган. (Милоддан аввалги XXII асрда шаҳар душманлар томонидан таланиб, вайрон қилиниб, ёндирилган. Кейинчалик Троя ўзини тиклаб олган.)

**Милоддан аввалги 3200 йил** – Эгей денгизи атрофида илк Эллада цивилизацияси ривожланди. Бу цивилизация мил. авв. 2000 йилгача давом этди.

**Милоддан аввалги IV минг йиллик охири – III минг йилликнинг биринчи ярми** – Крит оролида деҳқончилик, ҳунармандчилик ва савдо-сотиқ анча ривожланди.

**Милоддан аввалги III минг йиллик охири – II минг йиллик бошлари** – Кичик Осиёда катта-кичик шаҳар-давлатлар ташкил топди.

**Милоддан аввалги III минг йиллик охири-II минг йиллик бошлари** – ҳинд-европа ва туркий тилларда гаплашадиган халқлар оммавий равишда кўчишди: юнонларнинг аждодлари Эгей денгизи атрофларига ўрнашди, хеттлар ва лувийлар Анатолияга жойлашди. Протоэронлар Эроннинг шимоли-ғарбига ўрнашди. Прототурклар Олтой ва Уралдан



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кавказ ва Эрон ҳудудига тарқалди. Арийлар Ҳинд дарёси воҳасига отланди.

**Милоддан аввалги III минг йиллик охири – II минг йиллик бошлари** – Кичик Осиёда яшаётган жуда кўп қабилалар бирлашиб Неса, Каниш Бурусханд, Куссар ва Хаттуса каби алоҳида шаҳар-давлатларни ташкил этганлар.

**Милоддан аввалги 2300 –2100 йиллар** – Эгей денгизи атрофида Троя II (тўққизта маданий қатламнинг иккинчиси) гуллаб-яшнаган.

**Милоддан аввалги 2230 йил** – Элам ҳукмдори Хита Аккад подшоси Нарам-Суен билан шартнома тузди.

**Милоддан аввалги XXII аср бошлари** – Кутик-Иншушинак Эламни бирлаштириб, уни ягона давлатга айлантирди.

**Милоддан аввалги XXI аср охири** – Элам давлати кучайиб, мустақилликка эришди, у Урни ўзига қаратди ва Жанубий Шумерни босиб олди.

**Милоддан аввалги 2000 йил** – Эгей денгизи соҳилларида крит цивилизацияси вужудга келди. Ўрта миной даври (бронза асри)нинг бошланиши. У мил. авв. 1600 йилгача давом этди.

**Милоддан аввалги II минг йиллик** – Кичик Осиёда йилқичилик ва отларнинг турли зотларини етиштириш ривожлантирилди.

**Милоддан аввалги II минг йилликнинг биринчи ярми** – Жанубий Кавказда яшаган қабилалар орасида ҳам табақаланиш содир бўла бошлади.

**Милоддан аввалги II минг йиллик ўрталари** – Македония ва Фригиядан жуда кўп қабилалар Кичик Осиёга кўчиб келиб, ўзларини фригейлар деб аташган.

**Милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярми** – фригийлар Фригия подшолигига асос солдилар.

**Милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярми** – Кичик Осиё ярим оролига ахейлар, «денгиз халқлари», фригийлар ва киммерийлар, эронийлар, юнонлар ва римликлар кириб келиб жойлашдилар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги II минг йилликнинг иккинчи ярми** – Урартуда от, кейинчалик туялар қўлга ўргатилди.

**Милоддан аввалги XIX–XVIII асрлар** – хеттлар Хаттусас (Халис дарёси ҳавзаси)ни эгаллашди ва бу ерда ўз давлатларига асос солишди.

**Милоддан аввалги 1730 – 1700 йиллар** – Элам қўшинлари Месопотамияга бостириб кириб, Аккадгача бўлган ерларни босиб олдилар.

**Милоддан аввалги XVIII аср бошлари** – Куссар ҳукмдори ўзини подшо деб эълон қилди.

**Милоддан аввалги XVIII – XIII асрлар** – Троя подшолиги гуллаб-яшнади.

**Милоддан аввалги XVIII – XIII асрлар** – Троя подшолигида деҳқончилик, ҳунармандчилик, чорвачилик ва савдо-сотиқ ривожланди.

**Милоддан аввалги 1680 – 1650 йиллар** – подшо Лаборна (Таборна) мамлакатни бирлаштиришни охирига етказди. Кейинчалик подшо Хаттусили I ва Мурсили I даврларида, шунингдек, подшо Телепен даврида ҳам Хетт подшолиги кучайди. Телепен вафотидан сўнг унинг ўғиллари ўртасида тож-тахт учун кураш бошланди.

**Милоддан аввалги 1640 йил** – хеттлар подшоси Хаттусили I ўз давлатини бирлаштиришни якунлади ва Шимолий Суриядаги аморийларнинг шаҳар-давлатлари (Эбла, Алеппо)ни эгаллади.

**Милоддан аввалги 1600 – 1100 йиллар** – Критда сўнгги миной даври. Критлик денгизчилар Ўрта ер денгизининг хўжайинлари бўлишган.

**Милоддан аввалги XV–XIV асрлар** – Кавказ тоғлари ортидаги Севан, Ван ва Урмид кўллари атрофида урарту номи билан машҳур бўлган жуда кўп жанговар қабилалар яшаган.

**Милоддан аввалги XV – X асрлар** – Ван кўли атрофида яшаган қабилалар Урарту атрофида бирлашдилар. Бирлашган Урарту давлатининг биринчи ҳукмдори Араму эди. Араму милоддан аввалги 864 – 845 йилларда Урартуда ҳукмронлик қилган. У Оссурия подшоси Саламансар III нинг



www.ziyouz.com kutubxonasi

Урартуга бостириб кирган қўшинларига қаттиқ зарбалар берган.

**Милоддан аввалги 1400 –1200 йиллар** – Микен цивилизацияси гуллаб-яшнади. Бу цивилизация Қадимги Юнонистон ҳудудидан ташқари унга қўшни бўлган Крит, Кипр, Сицилия, Жанубий Италияда ҳам кенг тарқалди.

**Милоддан аввалги 1440 йил** – Хетт давлати қайта тикланди. У қўшниси хурритларнинг Митанни давлати юксалган пайтда (мил. авв. 1490 йиллардан бошлаб) таназзулга юз тутган эди.

**Милоддан аввалги 1440 –1198 йиллар** – Янги Хетт подшолиги даври.

**Милоддан аввалги 1300 йил** – Трояда каттиқ зилзила бўлиб, шаҳар катта талафот кўрди.

**Милоддан аввалги XIII аср** – оссурий қўшинлари бир неча бор урарту қабилалари устига бостириб келганлар ва жанг қилганлар.

**Милоддан аввалги XIII аср** – Сарди шаҳри Ассува (Осиё) мамлакатининг пойтахти бўлган.

**Милоддан аввалги XIII аср** – Ассува хеттлар томонидан тор-мор этилиб, Сарди шаҳрига ўт қўйилди.

**Милоддан аввалги 1280 йил** – Троя вайрон қилинди (VI қатлам). Троя қайта тикланди (VII қатлам). Эҳтимол Гомер поэмасида тасвирланган Троя уруши шу даврга тўғри келади.

**Милоддан аввалги 1260 йил** – Юнон – Троя уруши. Микен шоҳи Агамемнон бошлиқ юнон шаҳар-давлатларининг флоти Троя устига бостириб келди.

**Милоддан аввалги XII –VII асрлар** – Хетт подшолиги майда-майда давлатларга бўлиниб кетди.

**Милоддан аввалги XII аср охири** – Фригия қўшинларининг Шарққа уюштирган ҳужумлари оссурийлар томонидан тўхтатилган.

**Милоддан аввалги 1190 йил** – «денгиз халқлари»нинг лашкарлари Хетт подшолиги маркази Хаттусани ишғол қилиб, уни вайронага айлантирди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги 1040 йил** – сўнгги Исроил судьяси Самуил – Қадимги Исроилнинг биринчи подшоси Саулнинг ҳукмронлик даври.

**Милоддан аввалги 1010–970 йиллар** – Исроил – Иудея давлати подшо Довуд томонидан ташкил қилинди. Давлатнинг пойтахти Қуддус (Иерусалим) бўлган.

**Милоддан аввалги X–VIII асрлар** – Фригия подшолиги кучайди.

**Милоддан аввалги 969–931 йиллар** – Сулаймон (Саломон) подшонинг ҳукмронлик даври. Довуд пайғамбарнинг ўғли бўлган Сулаймон айни пайтда пайғамбар ва подшоҳ бўлган. У Қуддусда Биринчи ибодатхонага асос солган.

**Милоддан аввалги 931 йил** – Сулаймон вафот этгандан сўнг унинг подшолиги 2 қисмга ажралди: Исроил (пойтахти Самария) ва Иудея (пойтахти Қуддус).

**Милоддан аввалги IX аср ўрталари** – Шарқий Анатолияда (Ван кўли атрофида) Урарту давлати ташкил топди. Урарту мустақил давлат даражасига кўтарилди.

**Милоддан аввалги IX аср охири** – Ўрта ер денгизида финикияликларнинг мавқеи кучайди (Кипр ва Эгей атрофларида).

**Милоддан аввалги IX аср** – Мидия ҳудудида майда давлатчалар мавжуд бўлиб, оссурлар бу ерга тез-тез ҳужум уюштириб турган.

**Милоддан аввалги IX–VI асрлар** – Ғарбий Осиёда Урарту давлати фаолият кўрсатди. Давлат пойтахти – Тушпа шаҳри (ҳозирги Туркиядаги Ван шаҳри) бўлган.

**Милоддан аввалги 825–810 йиллар** – Урарту давлати мустаҳкамланди. Ишпуинининг ўғли Менуа даврида Урарту давлати ҳар жиҳатдан кучайди.

**Милоддан аввалги 814 йил** – финикияликлар томонидан Карфагенга асос солинди.

**Милоддан аввалги 768–764 йиллар** – Аргишти I Урартуда ҳукмронлик қилди. Аргишти I даврида Урарту давлати янада кучайди.

**Милоддан аввалги 764–735 йиллар** – Сардури II (Аргишти I нинг ўғли) Урартуда ҳукмронлик қилди. У



www.ziyouz.com kutubxonasi

подшолик қилган даврида Урарту давлатининг қудратини мустаҳкамлаш борасида отасининг сиёсатини юритди.

**Милоддан аввалги VIII асрнинг иккинчи ярми** – Урарту жанубидаги Оссурия кучая бошлади. Тиглатпаласар III қўшинни қайта тузиб, милоддан аввалги 743 йил Суриянинг Арпада шаҳри яқинида бўлган жангда Сардури II иттифоқчилари қўшини устидан ғалаба қозонди.

**Милоддан аввалги 753 йил** – Мидия шоҳи Каштарити оссурлар устига қўшин тортди, бу жангда Мидия қўшинлари енгилди.

**Милоддан аввалги 735 йил** – Оссурия қўшини Урартуга бостириб кириб, Урарту қўшинини енгди. Сардури II вафотидан сўнг Урарту тахтига унинг ўғли Руса I ўтирди.

**Милоддан аввалги 714 йил** – Оссурия подшоси Саргон II Урартуга қарши қўшин тортиб келган.

**Милоддан аввалги 700 йил** – юнонлар Троя ўрнида Янги Илион деган шаҳар барпо қилишди.

**Милоддан аввалги VII аср бошлари** – Фригия подшолиги кучсизланиб, дастлаб Лидия таъсирига, кейинчалик эронийлар, юнон-македонлар, римликлар ва византияликлар таъсирига тушиб қолди.

**Милоддан аввалги VII аср** – Лидияда шоҳ Гигес даврида олтин ва кумушнинг табиий қотишмаси электрумдан танга зарб этилган.

**Милоддан аввалги 692 – 654 йиллар** – Лидия подшолигининг равнақ топган даври Мермнад сулоласининг асосчиси Гигес подшолик қилган пайтга тўғри келган.

**Милоддан аввалги 654 – 605 йиллар** – Гигеснинг ўғли Ардис ҳукмронлик қилган давр.

**Милоддан аввалги 540 йил** – Коринфда Аполлон ибодатхонаси қурилди.

**Милоддан аввалги 520 йил** – яҳудийлар томонидан Қуддус ибодатхонаси (Иккинчи ибодатхона) қурилди.

**Милоддан аввалги 300 йил** – Салавка I томонидан Ахтиохия (ҳозирги Туркиядаги Анталия) шаҳрига – Салавкийлар давлати пойтахтига асос солинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги 253 йил** – Птоломей II Филадельф Кичик Осиёни Антиох II га беришга мажбур бўлди.

**Милоддан аввалги 223 йил** – Салавка III Сотер Пергам подшоси Аттала I га қарши ҳарбий ҳаракатлар пайтида ўлдирилди. Антиох III Буюкнинг ҳукмронлик даври бошланди. Бу пайтда Салавкийлар давлати ўз қудратининг чўққисига чиқди.

**Милоддан аввалги 198 йил** – Салавкийлар подшоси Антиох III Неон Сурияга бостириб кирди ва уни эгаллади.

**Милоддан аввалги 188 йил** – Апамейский сулҳи (ҳозирги Туркиянинг Динор шаҳрида) тузилди. Сулҳга кўра Салавкийлар подшоси Кичик Осиёдаги ўз мулкларидан воз кечишга мажбур бўлди. Бу ҳолат Рим ва унинг тарафдорлари (Родос, Пергам)га қўл келди.

**380 – 620 йиллар** – Хирта (Шарқий Арабистон)да Лахмидлар давлати фаолият кўрсатган. Давлат пойтахти – Аль-Хира шаҳри. Бу давлат Византия ва Сосонийлар Эрони ўртасида буфер (қалқон бўлиб турувчи) давлат бўлган.

*Лахмидлар сулоласи:* Имрул Қайс (380 – 405), Нуъмон ибн Имрул Қайс (405 – 433), Мундар ибн Нуъмон (433 – 473), Асвад ибн Мундар (473 – 494), Мундар ибн Мундар (494 – 500), Нуъмон ибн Асвад (500 – 503), Абу Йафур (503 – 505), Мундар ибн Нуъмон (505 – 554), Амр ибн Мундар (554 – 569), Қобус ибн Мундар (569 – 574), Мундар ибн Мундар (574 – 580), Нуъмон ибн Мундар (580 – 602).

## Қадимги Эрон ва Турон

**Милоддан аввалги IV минг йиллик** – Эроннинг Карун ва Керха дарёлари бўйиларида яшовчи аҳоли суғорма деҳқончилик билан шуғуллана бошлаган.

**Милоддан аввалги III–И минг йилликлар** – Эрон ҳудудида, хусусан, Элам ва Мидияда деҳқончилик, чорвачилик янада ривож топди.

**Милоддан аввалги III минг йиллик** – эламликлар 150 белги расмдан иборат мустақил ёзувга эга бўлди.


www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги II минг йиллик бошлари** – Эроннинг жануби-ғарбида пойтахти Суза бўлган Элам давлати ташкил топди. Бу давлат дастлаб Шумер ва Аккад давлатларига қарам бўлиб қолди.

**Милоддан аввалги XXIII–XXII асрлар** – эламликлар шумер-аккаднинг михсимон ёзувидан фойдаланганлар. Улар аккад миххатини ўзлаштириб, 42 белгидан иборат ўз алифболарини яратганлар.

**Милоддан аввалги 1180 йил** – Элам шоҳи Шутрук-нахунта I Бобил қўшинларини мамлакатдан қувиб чиқарди.

**Милоддан аввалги 1155–1115 йиллар** – Элам подшолигининг гуллаб-яшнаган даври.

**Милоддан аввалги 1115 йил** – эламликлар бобилликлардан енгилиб, эламликлар ўз мустақиллигини йўқотдилар.

**Милоддан аввалги XI–III асрлар** – Даштиота (Дуньхуан) ва Наньшан (Чиланьшан) тоғлари атрофида туркий қавм ди томонидан ташкил қилинган Юечжи давлати фаолият кўрсатди. Бу давлат турли манбаларда юэчжи, юйчжи, ёвчи, рутзиё, рузие номи билан ҳам тилга олинади. Хитой манбасида бу давлат Улуғ Юечжи (Даюечжи) давлати деб номланган. Кейинчалик Бақтрия, Кушон, Эфталийлар, Тоҳаристон давлатларини Улуғ Юечжилар барпо этган. Милоддан аввалги III асрда бу давлат хуннлар томонидан тугатилган. Бақтрияни эгаллаган Улуғ Юечжилар, хитой манбаларида ёзилишича, бу ҳудудни қуйидаги 5 ёбғулик (жабғулик)ка бўлиб идора этишган: 1) Вахан (Сюми), маркази – Мўченг шаҳри; 2) Шуангми (Сямака), маркази – Шуангми шаҳри; 3) Кушон (Гуйшуанг), маркази – Кандут (Хуцао) шаҳри; 4) Парвон (Сидун), маркази – Бичжу шаҳри; 5) Думи ёбғулиги (Хитой манбалари). Орадан 100 йил ўтгач, Кушон ёбгулиги 5 ёбғуликни бирлаштириб, Кушон подшолигига асос солган.

**Милоддан аввалги VIII аср** – Элам мустақиллигини тиклади ва Бобил билан иттифоқ тузиб, оссурийларга қарши кураш бошлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги VIII аср охири** – Мидияга киммерийлар, кейинчалик эса скиф қабилалари бостириб келган.

**Милоддан аввалги VIII–VII асрлар** – Каспий денгизидан жануби-шарқий ҳудудларда парн-парфия қабилалари яшаган.

**Милоддан аввалги VII–VI асрлар** – форслар Парсуа (кейинчалик Форс) вилоятига кўчиб, ўз уруғидан чиққан сардор – Ахмон атрофида бирлашган. Улар Шимолий Эламни бошқарганлар. Уларнинг дастлабки подшолари Кайхусрав I (Кир I) бўлган. У милоддан аввалги 600–559 йилларда ҳукмронлик қилган. Қадимги Шарқнинг кўпгина мамлакатларини босиб олган Кайхусрав II (Кир II) Ахоманийлар салтанатини барпо этган (тахминан мил. авв. 558–550 й.).

**Милоддан аввалги VII–IV асрлар** – Эронда ташқи савдо ҳам ривож топиб, савдогарлар савдо ишларини олиб борганлар.

**Тахминан милоддан аввалги 730–550 йиллар** – Мидия подшолиги барпо этилиб, пойтахти Экбатона (ҳозирги Ҳамадон) бўлган.

**Милоддан аввалги 727–675 йиллар** – Дейок Мидия подшолигига асос солиб, унинг биринчи ҳукмдори бўлган (Геродот маълумоти).

**Милоддан аввалги 720 йил** – Элам қўшинлари Дер яқинидаги даҳшатли жангда оссурийларни тор-мор этди.

**Милоддан аввалги 672 йил** – мидияликлар Каштарит раҳбарлигида оссурийларга қарши кураш бошлаб, уларни Мидиядан ҳайдаб чиқаришди.

**Милоддан аввалги VII аср ўрталари** – Мидия Қадимги Шарқдаги қудратли давлатга айланди.

**Милоддан аввалги 653–625 йиллар** – Мидия скифлар таъсирида қолди.

**Милоддан аввалги 639 йил** – Элам оссурийлар, кейинчалик бобилликлар, эронийлар томонидан босиб олинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги 626 йил** – Турон давлати ҳукмдори Алп Эр Тўнга (Афросиёб) ўз давлатининг ғарбий қисмида (ҳозирги Озарбайжон ҳудуди) эронликларга қарши бўлган жангларнинг бирида ўлдирилди. Турон давлатини унинг ўлимидан сўнг Аморг, Тўмарис, Шу ва бошқалар бошқарди.

**Милоддан аввалги 625 йил** – Каштарити ўғли Киаксар Мидия подшоси бўлди ва скифларни мамлакатдан қувиб чиқарди.

**Милоддан аввалги 625 – 585 йиллар** – Мидия подшоси Киаксарнинг ҳукмронлик даври. У Мидиянинг энг буюк подшоси бўлди. Ҳарбий ислоҳотлар ўтказди.

**Милоддан аввалги тахминан 618 – 554 йиллар** – зардуштийлик динининг асосчиси Зардушт (Заратуштра) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**Милоддан аввалги 614 йил** – Киаксар қўшинлари Оссурияга бостириб кириб, унинг пойтахти Ашшурни вайрон қилди ва талади.

**Милоддан аввалги 605 йил** – Миср ва Оссурия қўшинлари билан Мидия ва Бобил қўшинлари ўртасида Кархимеш ёнида жанг бўлди.

**Милоддан аввалги 590 йил** – Урарту Мидия томонидан босиб олинди ва барҳам топди.

**Милоддан аввалги 590 – 585 йиллар** – Мидия ва Лидия уруши содир бўлди.

**Милоддан аввалги 585 йил** – подшо Киаксар вафот этиб, Мидия тахтини унинг ўғли Аслак эгаллади.

**Милоддан аввалги 585 йил 28 май** – Мидия-Лидия сулҳ шартномаси тузилган пайт қуёш тутилиши вақтига тўғри келди.

**Милоддан аввалги 558 йил** – Парсуа (Форс) тахтига Кайхусрав II (Кир II) ўтириб, Пасаргада шаҳрини барпо этди ва уни давлат пойтахтига айлантирди.

**Милоддан аввалги 558 – 530 йиллар** – ахоманийларнинг Форс давлати асосчиси Кайхусрав II (Кир II)нинг ҳукмронлик даври.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги 558–330 йиллар** – Ахоманийлар давлатининг ҳукмронлик даври.

*Ахоманийлар сулоласи:* Кир II (мил. авв. 550 – 530, Форс ва Аншанда мил. авв. 558 йилдан ҳокимлик қилган), Камбиз II (мил. авв. 530 – 522), Доро I (мил. авв. 522 – 486), Ксеркс I (мил. авв. 486 – 465), Артаксеркс I (мил. авв. 465 – 424), Ксеркс II (мил. авв. 424), Суғдиён ёхуд Секудиан (мил. авв. 424 – 423), Доро II (мил. авв. 423 – 404), Артаксеркс II (мил. авв. 404 – 358), Артаксеркс III (мил. авв. 358 – 338), Арсес (мил. авв. 338 – 336), Доро III (мил. авв. 336 – 330).

**Милоддан аввалги 553–549 йиллар** – ўзаро урушларда Кайхусрав II бобоси Астиаг қўшинларини енгиб, Мидия ва Эламни Парсуа (Форс)га қўшиб олди.

**Милоддан аввалги 546 йил** – Эрон шоҳи Кайхусрав II (Кир II) подшо Крезни Сарди ёнидаги жангда мағлубиятга учратиб, Лидияни босиб олди (Анатолиядаги Форс мулклари мил. авв. 333 йилгача мавжуд бўлган). Даҳшатли жангдан сўнг 150 йил ҳукм сурган Лидия подшолиги барҳам топди.

**Милоддан аввалги 539 – 538 йиллар** – Кайхусрав II (Кир II) Бобил (Вавилон)ни ҳам забт этиб, яҳудийларга қайта тикланган Қуддусни топширди.

**Милоддан аввалги 530 – 529 йиллар** – Кайхусрав II нинг Туронга қилган юриши эронийларнинг массагетлардан енгилиши ва Кайхусравнинг ўлдирилиши билан тугади.

**Милоддан аввалги 529 – 522 йиллар** – Эрон шоҳи Камбиз II ўз фаолияти давомида тобе эттирилган мамлакатлар ва Эрондаги йсёнларни шафқатсизлик билан бостирди.

**Милоддан аввалги 525 йил** – Эрон шоҳи Камбиз II Мисрни босиб олди. Миср Форс давлати таркибида мил.авв. 404 йилгача бўлган.

**Милоддан аввалги 522 йил** – Камбиз II Мисрда эканида Гаумата бошлиқ эронийлар исён кўтардилар, исённи бостириш учун Эронга қайтаётган Камбиз II йўлда ўлдирилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги 522 йил 29 сентябрь** – Камбиз II ўлдирилгач, Гаумата Эрон тахтига ўтирди ва кўп ўтмай у ҳам фитначилар томонидан ўлдирилди.

**Милоддан аввалги 522 – 486 йиллар** – Доро I нинг Эронда ҳукмронлик даври. Бу даврда Форс империяси ҳудуди Ҳинд дарёсидан Дунайгача чўзилди. Давлат сатрапликларга бўлинди. Солиқ тизими йўлга қўйилди. Империя учун ягона пул бирлиги – дорика қабул қилинди. Янги пойтахт – Парсуа (Форс)га асос солинди (мил. авв. 513 й.).

**Милоддан аввалги VI аср бошлари** – Турон ва Эроннинг шарқида Зардушт – Заратуштра (юнонча Зороастр) томонидан зардуштийлик динига асос солинди. Зардуштийликнинг диний ислоҳотлари мидиялик коҳинлар томонидан ҳам қувватланди.

**Милоддан аввалги 486 йил** – Мисрда эронийларга қарши қўзғолон бошланди.

**Милоддан аввалги 486 йил** – Доро I 64 ёшида вафот этди.

**Милоддан аввалги 486 – 465 йиллар** – Ксеркс Эронда подшолик қилди.

**Милоддан аввалги 484 – 481 йиллар** – Миср ва Месопотамияда жуда катта исёнлар кўтарилди. Ксеркс уларни зўр қийинчилик билан бостирди.

**Милоддан аввалги 480 йил** – Ксеркс жуда катта қўшин билан Юнонистонга бостириб кирди.

**Милоддан аввалги 465 йил** – Ксеркс ўлдирилгач, Эрон тахтига Артаксеркс I ўтирди (мил. авв. 465 – 424 й. ҳукмронлик қилди).

**Милоддан аввалги 449 йил** – Юнон – Эрон уруши тўхтаб-тўхтаб давом этиб, эронийларнинг мағлубияти билан якунланди.

**Милоддан аввалги 449 йил** – Сузада бўлган «Каллий сулҳи»га кўра, Эрон Кичик Осиёдаги кўп жойлардан ажралиб, унинг ҳарбий денгиз флоти Эгей денгизида сузишдан маҳрум этилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги IV аср** – Ўрта Осиёнинг шимолида хунн қабилаларининг ҳарбий иттифоқи ташкил топди.

**Милоддан аввалги IV – III асрлар** – шак қавмларига мансуб юечжи қабилалари Марказий Осиёнинг ғарбий қисмида яшаган.

**Милоддан аввалги 358/354 – 280 йиллар** – машҳур саркарда ва давлат арбоби Салавк I Никатор Музаффар) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**Милоддан аввалги 334 йил** – Македония ҳукмдори Александр Македонский 30 минг пиёда, 5 минг отлиқ аскар ва 160 ҳарбий кемадан иборат куч билан Кичик Осиёга ўтиб, Эронга уруш эълон қилди.

**Милоддан аввалги 334 – 332 йиллар** – даҳшатли жанглар натижасида Александр Кичик Осиёни ҳамда Киликия, Сурия, Финикия ва Фаластин каби давлатларни босиб олди.

**Милоддан аввалги 331 йил 1 октябрь** – Гавгамел ёнидаги даҳшатли жангда эрон қўшинлари юнон қўшини томонидан яна тор-мор этилди.

**Милоддан аввалги 329 – 327 йиллар** – Александр Туроннинг бир қисмини, кейинчалик эса Ҳиндистоннинг ғарбий вилоятларини босиб олди.

**Милоддан аввалги 325 йил** – Александр Икки дарё оралиғи (Месопотамия)га қайтиб, Бобилни буюк салтанат пойтахтига айлантирди. Александр буюк салтанатни янги пойтахтдан туриб атиги 2 йил бошқаргач, милоддан аввалги 323 йилда вафот этди.

**Милоддан аввалги 312 йил октябрь** – Бобилнинг лашкарбоши Салавка I Никатор томонидан босиб олиниши билан Салавкийлар давлати ҳукмронлиги бошланган. Бу давлатга Александр Македонскийнинг саркардаси Салавка (Салавк I ) асос солган. У ўз давлати чегарасини Сирдарё ва Ҳинд дарёсига қадар кенгайтиришга эришди.

**Милоддан аввалги 312 – 250 йиллар** – Ўрта Осиёда Салавкийлар давлатининг ҳукмронлиги.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги 312 – 64 йиллар** – Яқин ва Ўрта Шарқ (асосан Сурия ҳудуди)да Салавкийлар давлати фаолият кўрсатди. Бу давлатни Салавкийлар сулоласи бошқарган. Александр Македонский тузган салтанат таназзулга учрагач, пайдо бўлган. Давлат пойтахтлари – Дажла дарёси соҳилидаги Салавкия (мил. авв. 312 – 299), Оронт дарёси бўйидаги Антиохия (мил. авв. 300 йилдан). Бу давлат баъзан асосий ҳудудининг номи билан Сурия подшолиги деб ҳам юритилган. Давлат асосчиси Салавка I Мидия, Сузиана, Форсия (Персида), кейинчалик Ўрта Осиёнинг жанубий қисми Бақтрияни босиб олган. Мил. авв. 301 й. Месопотамия ва Сурия, мил. авв. 281 й. Кичик Осиё ҳам Салавкийлар давлатига қўшиб олинган. Мил. авв. 64 йил Салавкийлар давлатининг охирги ҳудуди – Сурия Рим провинциясига айлантирилди.

*Салавкийлар сулоласи (мил. авв. 312 – 64 йиллар):* Салавка I Никатор (мил. авв. 312 – мил. авв. 280), Антиох I Сотер (мил. авв. 280 – мил. авв. 261), Антиох II Теос (мил. авв. 261 – мил. авв. 246), Салавка II Каллиник (мил. авв. 246 – мил. авв. 226), Салавка III Сотер (мил. авв. 226 – мил. авв. 223), Буюк Антиох III (мил. авв. 223 – мил. авв.187), Салавка IV Филопатор (мил. авв. 187 – мил. авв. 175), Антиох IV Эпифан (мил. авв. 175 – мил. авв. 163), Антиох V Евпатор (мил. авв. 163 – 162), Деметрий I Сотер (мил. авв. 162 – 150), Александр Балас (мил. авв. 150 – 145), Деметрий II Никатор (мил. авв. 145 – 139), Антиох VII Сидет (мил. авв. 139 – 129), Деметрий II Никатор (мил. авв. 129 – 125; 2-марта), Салавка V (мил. авв. 125), Антиох VIII Грип (мил. авв. 125 – 96), Антиох IX Кизикский (мил. авв. 115 – 95; баъзи ҳудудларда), Антиох III Азиатский (мил. авв. 69 – 64) ва бошқалар.

**Милоддан аввалги III аср ўрталари** – Салавкийлар давлатининг кучсизланиши.

**Милоддан аввалги 293 йил** – Салавкийлар давлати асосчиси Салавка I ўғли Антиох I ни Ўрта Осиё ерларига ҳоким қилиб тайинлаган.

**Милоддан аввалги 250 йил** – Хитой кўчманчи хунн ёки ионн қабилаларига катта миқдорда солиқ тўлашга мажбур бўлган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги тахминан 250 йил** – Салавкийлар давлатидан Парфия ҳудуди ажралиб чиқди. Парфия давлати вужудга келди. Бу давлатга кўчманчи сак қавмларидан парндах – парн қабиласининг бошлиги Аршак асос солган ва давлатни аршакийлар сулоласи бошқарган. Аршак сўзи «шакларнинг ботири» маъносини англатади.

**Милоддан аввалги 250 – милодий 224 йиллар** – Парфия давлатида аршакийлар сулоласи ҳукмронлик қилган давр.

*Аршакийлар сулоласи:* Аршак I (мил. авв. 250 – мил. авв. 248/247), Тиридат I (мил. авв. 248/247 – мил. авв. 211), Артабон I (мил. авв. 211 – мил. авв. 191), Прианат (мил. авв. 191 – мил. авв. 176), Фраат I (мил. авв. 175 – мил. авв. 170), Митридат I (мил. авв. 170 – мил. авв. 138/137), Фраат II (мил. авв. 138/137 – мил. авв. 128), Артабон II (мил. авв. 128 – мил. авв. 124/123), Митридат II (мил. авв. 124/123 – мил. авв. 88/87), Фраат III (мил. авв. 70/69 – мил. авв. 58/57), Ород II (мил. авв. 58/57 – мил. авв. 37/36), Фраат V (мил. авв. 2 – милодий 4), Вонон I (7/8 – 12), Артабон III (12 – 38), Готарз II (38 – 51), Вологес I (51/52 – 79/80), Митридат IV (128/129 – 147), Вологес III (148 – 192), Вологес IV (192 – 207/208), Вологес V (207/208 – 222), Артабон V (222 – 224) ва бошқалар.

**Милоддан аввалги тахминан 250 йил** – Салавкийлар давлатининг Бақтриядаги сатрапи Диодот томонидан Юнон-Бақтрия подшолигига асос солинди. Бақтрия ва Суғдиёнадаги ҳукмрон юнонлар Салавкийлар подшолиги таркибидан чиқиб, ўз мустақил давлатларини тузишди. Диодот ўзини Бақтрия подшоси деб эълон қилди.

**Милоддан аввалги 250 – 140 йиллар** – Юнон-Бақтрия подшолиги мавжуд бўлди.

*Юнон-Бақтрия подшолиги ҳукмдорлари:* Диодот (мил. авв. 250 – мил. авв. 230), Евтидем (мил. авв. 230 – мил. авв. 200), Деметрий (мил. авв. 200 – мил. авв. 185), Евкрадит (мил. авв. 185 – мил. авв. 171), Гелиокл (мил. авв. 171 – мил. авв. 155) ва бошқалар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги 240 йил – милодий 216 йил –** Улуғ Хунн хоқонлиги (Хуннлар давлати) фаолият кўрсатган давр. Бу давлат Тангриқут Хунн давлати номи билан ҳам машҳур. Европа манбаларида бу давлат Гуннлар давлати номи билан келтирилади. [Милодий 48 йилда Улуғ Хунн хоқонлиги давлати иккига: Шарқий Хунн Тангриқут давлати ва Ғарбий Хунн Тангриқут давлатига бўлиниб кетди.]

*Хунн Тангриқут ҳукмдорлари (мил. авв. 240 – милодий 48 йиллар):* Туман (мил. авв. 240 – 210/209), Ботур Тангриқут (Модэ хоқон; Ўғузхон – мил. авв. 210/209 – 174), Кўкхон (мил. авв. 174 – 161), Кунхон (мил. авв. 161 – 126), Элчиши (мил. авв. 126 – 114), Ови (мил. авв. 114 – 105), Уйшилар (мил. авв. 105 – 102), Кулигу (мил. авв. 102 – 101), Кутигу (мил. авв. 101 – 96), Гулику (мил. авв. 96 – 85), Гуянди (мил. авв. 85 – 68), Шолой Канкуй (мил. авв. 68 – 60), Уякути (мил. авв. 60 – 58), Когошар (Хухейи I – мил. авв. 58 – 38), Кутиош (мил. авв. 38 – 31), Пожулоноти (мил. авв. 31 – 20), Шужуноти (мил. авв. 20 – 12), Кияноти (мил. авв. 12 – 8), Ужилоноти (мил. авв. 8 – милодий 13), Улуноти (13 – 18), Гудуарши Давганоти (18 – 21), Удатку (21 – 46/48).

*Шарқий Хунн Тангриқут ҳукмдорлари (48 – 216 й.):* Бай (Хухайи II; 48–56), Чупуноти (56 – 57), Илга Улути (57 – 59), Шитонси Суйготи (59 – 63), Кучи Килинди (63), Гуши Шису Кути (63 – 85), Илту Улути (85 – 88), Шулан Шису Кути (88 – 93), Арку (93 – 94), Тинду Шису Кути (94 – 98), Ванчи Шису Кути (98 – 124), Ужику Шису Кути (124 – 128), Кутино Шису Кути (128 – 140), Горанно Шису Кути (143 – 147), Иллин Шису Кути (147 – 172), Утино Шису Кути (172 – 178), Гужин (178 – 179), Канкуй (179 – 188), Кизи Шису Кути (188 – 195), Гучукан (195 – 216).

*Ғарбий Хунн Тангриқут ҳукмдорлари (48 – 216 й.):* Пану (48 – 83), Санмоло Отзи (83 – 84), Улук (84 – 89), Шимолий Тангриқут (89 – 91), Эл Текин (91 – 93), Пангу (93 – 118) ва бошқалар.

**Милоддан аввалги 230 йил** – Суғдиёна ноиби Евтидем I қўшинлари Диодот II қўшинларини енгиб, Бақтрия тахтини эгаллади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги 209 – 174 йиллар** – Улуғ Хунн хоқонлиги (Хуннлар давлати) асосчиси Модэ хоқон (Ботур Тангриқут; Ўғузхон) ҳукмронлик қилган давр.

**Милоддан аввалги 209 йил** – Салавкийлар давлати подшоларидан Антиох III Парфия устига қўшин тортди. Жангда Парфия қўшинлари енгилди.

**Милоддан аввалги 208 – 206 йиллар** – салавкийлар подшоси Антиох III билан Евтидем I ўртасидаги юзага келган уруш сулҳ билан тугади.

**Милоддан аввалги III – милодий V аср ўрталари** – Сирдарёнинг ўрта ҳавзасида Қанғҳа (Кангуй) давлати мавжуд бўлган. Бу давлат Қанғ давлати номи билан машҳур бўлган.

**Милоддан аввалги II асрнинг иккинчи ярми** – Бақтриянинг юнон подшоси Менандр Юқори Гангадан то Паталипутра (ҳозирги Патна) ҳудудигача бостириб кирди. У томонидан қабул қилинган буддавийлик дини эллин маданияти билан уйғунлашиб кетди.

**Милоддан аввалги II аср** – Буюк Ипак йўлининг очилиши алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

**Милоддан аввалги 171 – 138 йиллар** – Парфияда шоҳ Митридат I ҳукмронлик қилди.

**Милоддан аввалги 171 йил** – Евкрадит билан ўғли Гелиокл ўртасида жанжал чиқди. Евкрадит Гелиокл томонидан ўлдирилди. Гелиокл Юнон-Бақтрия давлати ҳукмдори бўлади.

**Милоддан аввалги 165 йил** – кўчманчи туркий қавм юечжиларнинг хуннлар томонидан тор-мор қилиниши; юечжи қабилаларининг Фарғона водийси ва Сирдарё ҳавзаси орқали ўтиб, Суғдни эгаллаши ва Бақтрияга ҳужуми.

**Милоддан аввалги 162 йил** – Юнон-Бақтрия подшоси Евкрадит Панжобга қўшин тортиб, уни босиб олди.

**Милоддан аввалги 141 йил** – Парфия шоҳи Митридат I Мидия билан Бобилни босиб олди ва ўзини Бобил подшоси деб эълон қилди. У Бобил (Вавилон)дан салавкийларни қувиб чиқарди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги 140 – 130 йиллар** – Юнон-Бақтрия давлатига шимоли-шарқ ва шимол томондан сак ва юечжи қабилаларининг шиддатли ҳужумлари бошланди. Бу ҳужумлар натижасида Юнон-Бақтрия давлати ағдариб ташланди.

**Милоддан аввалги 123 – 87 йиллар** – Митридат II ҳукмронлиги даврида Парфия қўшинлари салавкийлар қўшинларини енгди. Улар Эрон ва Месопотамияни ишғол қилди.

**Милоддан аввалги 53 йил** – машҳур саркарда Красс бошлиқ Рим қўшинлари билан Парфия подшоси Ород (ҳукмронлик даври: милоддан аввалги 55 – 37) қўшинлари ўртасида жанглар бошланиб кетди.

**Милоддан аввалги 38 йил** – парфияликларнинг Мидияга қилган юришлари маглубият билан тугади.

**Милоддан аввалги I аср охири – милодий I асрнинг биринчи ярми** – Кушон подшолигининг асосчиси Кужула Кадфиз (Кадфиз I) яшаган давр.

**Милодий I аср бошлари** – Кушон подшолигига асос солинди. Бу давлатга кўчманчи юечжилар (тохарлар)нинг гуйшуан (кушон) қабиласи етакчиси Кужула Кадфиз асос солган.

**Милодий I – III асрлар** – Кушон подшолиги даври.

*Кушон подшолари:* Кужула Кадфиз I (15 – 45/51), Вима Кадфиз II (45/51 – 78), Канишка I (78 – 123); Хувишка (151 – 190), Васудева (191 – 231), Канишка II (229/231 – 247), Канишка III ва бошқалар.

**Милодий 48 йил** – Улуғ Хунн хоқонлиги давлати иккига: Шарқий Хунн Тангриқут давлати ва Ғарбий Хунн Тангриқут давлатига бўлиниб кетди.

**Милодий 58 йил** – Парфия шоҳи Вологез I Рим империясига қарши курашди.

**78 – 123 йиллар** – Кушон подшоси Канишка I нинг ҳукмронлик даври. Бу даврда Кушон-Бақтрия тили давлат тили сифатида қабул қилинди, буддизмнинг янги мазҳаби – маҳаяна расмийлаштирилди. Давлат пойтахти Далварзин-



www.ziyouz.com kutubxonasi

тепа (ҳозирги Сурхондарё вилоятининг Шўрчи тумани ҳудуди)дан Пешовар шаҳрига кўчирилди.

**164 йил** – Парфиянинг пойтахти Ктесифон римликлар томонидан вайрон қилинди ва ёқиб ташланди.

**II аср охири – III аср бошлари** – ички ўзаро урушлар Парфия давлатининг кучсизланиб қолишига олиб келди.

**208 йил** – Парфия давлати икки қисмга бўлинди.

**Тахминан 216 – 277 йиллар** – Моний ибн Фатак яшаган ва у монийлик таълимотига асос солган.

**224 йил** – Парфиянинг жануби-ғарбида Парсуа (Форс) вилояти қайта юксалиб, сосонийлар сулоласига асос солган давлат ташкил топди. Сосонийлар уруғидан бўлган Форс шоҳи Ардашер Парфия шоҳи Артабон IV ҳокимиятига қарши чиқди. Аршакийлар сулоласи Парфияда ўз ҳокимиятини тугатди. Сосонийлар сулоласи ҳокимиятни эгаллади.

**224 – 239 йиллар** – Ардашер I нинг ҳукмронлик даври. У Сосонийлар давлатига асос солди. Давлатнинг номи Парсуа вилояти (Форс)нинг сосонийлар уруғидан бўлган биринчи шоҳи Папакнинг отаси Сосон номи билан аталган.

**224 – 651 йиллар** – Сосонийлар давлати ҳукмронлиги даври.

*Сосонийлар сулоласи:* Ардашер I (224 – 239), Шопур I (239 – 272), Ҳурмузд I (272 – 273), Баҳром I (273 – 276), Баҳром II (276 – 293), Баҳром III (293), Нарсе (293 – 302), Ҳурмузд II (302 – 309), Шопур II (309 – 379), Ардашер II (379 – 383), Шопур III (383 – 388), Баҳром IV (388 – 399), Яздигард I (399 – 420), Баҳром Гўр (421 – 439), Яздигард II (439 – 457), Ҳурмузд III (457 – 459), Феруз (459 – 484), Балаш (484 – 488), Қубод I (488 – 496; 498 – 531), Замасп (496 – 498), Хусрав I Ануширвон (531 – 579), Ҳурмузд IV (579 – 590), Хусрав II Парвиз (591 – 628), Қубод II (628), Ардашер III (628 – 632), Яздиғард III (632 – 651).

**226 йил** – Ардашер I Ктесифонни босиб олиб, ўзини шаҳаншоҳ (шоҳлар шоҳи) деб эълон қилди ва бутун Эрон-



www.ziyouz.com kutubxonasi

да ҳокимиятни эгаллади. Ардашер I пойтахтни Стахр шаҳридан Дажла дарёси бўйидаги Ктесифонга кўчирди.

**239 – 272 йиллар** – Ардашер I вафотидан кейин Сосонийлар давлати тахтига унинг ўғли Шопур I ўтирди ва ҳукмронлик қилди.

**242 – 243 йиллар** – шиддатли жангларда сосонийлар шоҳи Шопур I Кушон подшолиги устидан ғалаба қозонди. Ички низолар, гарбдан сосонийлар ва шимолдан кўчманчи қабилаларнинг шиддатли ҳужумлари туфайли кейинчалик Кушон подшолиги емирилиб, батамом барҳам топди (III аср охири).

**244 – 251 йиллар** – сосоний қўшинлари Жанубий Арманистон ва Қадимги Оссурияни босиб олди.

**III асрнинг иккинчи ярми ва IV аср** – Сосонийлар давлати Шарқдаги энг қудратли давлатга айланди.

**Тахминан 255 йил** – Эрон шоҳи Шопур I Пешовар (Покистон)ни босиб олди. Айрим тарихчиларнинг ёзишича, унинг қўшинлари Самарқанд, Бухоро ва Тошкент (ҳозирги Ўзбекистон худуди)га ҳам бостириб кирган.

**260 йил** – Шопур I Рим императори Валерианни Месопотамиянинг шимолидаги Эдесса шаҳри яқинида бўлган жангда асирга олди.

**273 йил** – Эрон тахтига Ҳурмузд I нинг ўрнига унинг укаси Баҳром I (ҳукмронлик даври: 273 – 276) ўтирди.

**III аср охирлари** – ички курашлар ва гарбдан сосоний қўшинларининг берган қақшатқич зарбалари остида Кушон салтанати емирилиб, унинг ўрнида катта-кичик давлатлар ташкил топди.

**309 – 379 йиллар** – Эронда сосонийлар шоҳи Шопур II нинг ҳукмронлик даври.

**325 йил** – Шопур II миллий синод (диний кенгаш) чақириб, зардуштийликнинг муқаддас китоби Авестонинг сўнгги таҳрирдаги матнини қабул қилди.

**IV асрнинг 60 – 70-йиллари** – сосоний қўшинлари римликлар билан яна тўқнашиб, Арманистон ва Месопотамиянинг кўп жойларини босиб олди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**394 – 555 йиллар** – Биринчи Авар хоқонлиги фаолият кўрсатди. Бу давлат баъзи манбаларда Авар хонлиги (Жужан хонлиги) ҳам дейилади. Хонлик ҳудуди шарқда Корея, шимолда Байкал кўли, жанубда Мўғулистон чўллари, ғарбда Қорашаҳаргача бўлган ҳудудни эгаллаган.

*Авар хоқонлари:* Толун I (394 – 410), Холиу (410 – 414), Талан (414 – 429), Ути (429 – 444), Тогачин (444 – 464), Учин (464 – 485), Толун II (485 – 492), Нагай (492 – 506), Токхан (506 – 508), Чуну (508 – 520), Бирахман (520 – 521), Ай Нагай (521 – 552), Тоба (552 – 553), Динхо (553), Кут (553), Диншузи (553 – 555) ва б.

**399 йил** – Эрон тахтини Баҳром IV ўрнига Яздигард I (Шопур III нинг ўғли) эгаллади.

**418 – 468 йиллар** – Кидарийлар давлати фаолият кўрсатган. Давлат пойтахти ҳозирги Қарши воҳасида бўлган.

**420 – 579 йиллар** – Ўрта Осиёда Эфталийлар давлати фаолият кўрсатди. Бу давлат манбаларда Оқ хуннлар давлати деб ҳам айтилади. Унга эфталийлар, эфталитлар, хайталлар, абдаллар, йе-да каби турли номлар билан айтилган Эфталийлар қабилалар иттифоқи асос солган. Эфталийлар туркий давлатининг пойтахти аввал Бухоро яқинидаги Пойкенд ва Варахша шаҳарлари, сўнгра Ҳиндистондаги Шакала шаҳри (ҳозирги Сиалкат) бўлган. Бу давлатга Ўрта Осиёдан ташқари Шарқий Туркистон, Афғонистон, Шимолий Ҳиндистон ва ҳозирги Покистон ҳудудлари ҳам кирган.

*Эфталий ҳукмдорлар:* Оқ Сивар (420 – 470), Эфталон (470 – 490), Тўрамон [Торомана] (490 – 515), Михиракула [Меҳрикор] (515 – 540), Гатфар (540 – 565), Фаганиш (565), Вахшунвор [Ахшунвар; Хушнавоз] (565 – 579) ва бошқалар.

**421 – 439 йиллар** – Эронда Яздигард I нинг ўғли Баҳром V (Баҳром Гўр)нинг ҳукмронлик даври.

**428 йил** – арман зодагонлари ўз мамлакатларини бошқаришни сосонийлар сулоласига топширдилар.

**Тахминан V аср биринчи ярми – 800 йил** – Суғд ихшидлари конфедерацияси мавжуд бўлган. Суғднинг мар-



www.ziyouz.com kutubxonasi

казий пойтахтлари Самарқанд, Бухоро ва Кеш шаҳарлари бўлган. Суғд мамлакати 3 тарихий-географик ҳудуд: Самарқанд Суғди, Бухоро Суғди ва Кеш-Нахшаб Суғдини бирлаштирган.

*Суғд ихшидлари (435 – 800 йиллар):* Гайвуди (435 – 440); Шифу-ти (VI аср сўнгги чораги); Тайшеби (VI аср охири), Каймочжо [Кюе-му-чжи; Чюмучжи/Цюймучжи] (600 – 620); Шишпир [Шашеби/Шишбир] (640/642 – 650/655), Аварху-ман [Вархуман/Фухуман] (650/655 – 675), Урк Вартрамука (675–695), Тукаспадак [Дусабати] (695 – 698), Мастич Унаш [Ўнўк] + Нинешиш [Нинйешиши] (698 – 700); Тархун [Тухун] (700 – 710), Ғурак [Улэга] (710 – 738), Турғар [Улэга] (738 – 750); Баничур [Мо-чжо/Йазид] (780 – 800) ва бошқалар.

*Кеш ихшидлари [ҳукмдорлари] (640 – 760 йиллар):* Тичо (640 – 642), Шишпир (642 – 655), Чжаоу Шиагйе (656 – 660); Хуттал подшосининг амакиваччаси (660 – 680); номаълум ҳукмдор (700 – 720); Вик (720 – 727), Ахубидо [Ахурпат] (727 – 730), Йаньтунь (731/732 – 738), Хубо Йаньтунь ўғли (738 – 739), Сицзиньти – ал-Ишканд (739 – 746/747), Ихрид (747 – 752), Таран (752 – 760) ва бошқалар.

**V асрнинг иккинчи ярми** – Эрон қўшинлари хионийлар, кидарийлар ва эфталийлар билан ҳам шиддатли жанглар олиб борган.

**470 – 529 йиллар** – маздакийлик таълимотининг асосчиси ҳамда маздакийлар ҳаракатининг раҳбари Маздак ибн Ҳамадон яшаган ва фаолият кўрсатган. Зардушт коҳинлари ҳамда зодагонларига қарши деҳқон ва ҳунармандлар қўзголонига бошчилик қилган Маздак 529 йили қўзғолон бостирилгач, қатл этилган.

## Қадимги Ҳиндистон

**Милоддан аввалги III – II минг йилликлар** – ҳинд воҳасида ҳисоб сананинг ўнлик тизими мавжуд бўлган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан авалги III минг йилликнинг иккинчи ярми** – қадимги Панжоб ва Ҳинд дарёси водийси тепасида подшо бошқарадиган давлатлар вужудга келди.

**Милоддан аввалги 2400 – 1800 йилликлар** – Ҳинд дарёси соҳилларида (ҳозирги Ҳиндистон ва Покистонда) кўплаб шаҳарлар бўлган. Уларнинг энг йириклари: Хараппа ва Мохенжо-Доро шаҳарлари ҳисобланган.

**Милоддан аввалги XVI – XIII асрлар** – Хараппа ва Мохенжо-Доро шаҳарлари харобазорга айланиб, **инқирозга** юз тутди.

**Милоддан аввалги 1500 йил** – Турондан келган арийлар Ҳиндистоннинг шимоли-ғарбий районларига бостириб кирди. Уларнинг бир қисми Помир, Ҳиндикуш ва Жанубий Бадахшондан ўтиб, Панжоб вилоятини босиб олди.

**Милоддан аввалги I минг йиллик ўрталари** – Шимолий Ҳиндистонда 20 дан ортиқ катта-кичик давлатлар ташкил топди.

**Милоддан аввалги I минг йиллик ўрталари** – деҳқончилик Ганг водийси хўжалигининг асосий тармоғига айланди.

**Милоддан аввалги I минг йиллик бошлари** – Ҳиндистонда подшо бошқарадиган давлатлар қайтадан ташкил топди.

**Милоддан аввалги IX – VI асрлар** – Ганг воҳаси ва Шимолий Ҳиндистонда хўжалик аста-секинлик билан ривожланди.

**Милоддан аввалги IX – VII асрлар** – Ҳиндистонда брахманизм (барахманлик) дини вужудга келган. Брахманизмда асосан уч худо: Брахма, Шива ва Вишну эътиборли ҳисобланган. Брахма яратувчи ва бошқарувчи олий худо ҳисобланган.

**Милоддан аввалги 623 – 544 йиллар** – буддавийлик (буддизм) динининг асосчиси Сиддҳартҳа Гаутама (Будда) яшаган ва фаолият кўрсатган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги VII – VI асрлар** – Ҳиндистонда буддизм дини вужудга келган. Унга Будда асос солган. Будда санскритча сўз бўлиб, хотиржам, нурланган, олий ҳақиқатга эришган маъносини беради.

**Милоддан аввалги VI аср** – Ганг – Жамна воҳаси ва Шимолий Ҳиндистонда 20 дан ортиқ катта-кичик давлатлар бўлган.

**Милоддан аввалги VI – V асрлар** – Шимолий Ҳиндистонда ҳукмронликни қўлга олиш учун давлатлар ўртасида шиддатли жанглар бўлди. Подшо Бимбасара даврида Магадха кучайди ва у Ганг воҳасидан Бенгалгача бўлган ҳудудни босиб олди.

**Милоддан аввалги 527 йил** – Ҳиндистонда жайнизм таълимотининг асосчиси Махавира вафот этди.

**Милоддан аввалги 525 йил** – ҳинд шаҳзодаси Сиддҳартҳа Гаутама Бодхи кишлогида ўз янги таълимотини эълон қилиб, Буддага айланди. Сиддҳартҳа Гаутама будда динининг асосчиси ҳисобланаган

**Милоддан аввалги VI – V асрлар** – Ҳиндистонда ички ва ташқи савдо ҳам муттасил ривожланиб борди.

**Милоддан аввалги VI аср охири – V аср бошлари** – Ҳиндистонда кумуш тангалар ҳам зарб этилди.

**Милоддан аввалги VI – IV асрлар** – Ҳинд водийси ва Панжоб вилоятида майда давлатлар мавжуд бўлган.

**Милоддан аввалги VI – IV асрлар** – Ҳиндистондаги давлатлар сув ва қуруқлик орқали савдо-сотиқ ишларини олиб борганлар.

**Милоддан аввалги V аср** – Ҳиндистонда брахми, кхарошти, арамей, гупта ва бошқа ёзувлардан фойдаланилган.

**Милоддан аввалги IV аср бошлари** – санскрит тилидаги ҳинд эпоси «Махабхарата» яратила бошланди. Бу эпосга мил. авв. IV асрдан то милодий IV асргача тартиб берилган.

**Милоддан аввалги 345 йил** – Уграсен Нанд Магадха подшосини енгиб, тахтни эгаллади. У кудратли Нанд подшолигига асос солди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги 329 – 327 йиллар** – Македония подшоси Александр Македонский Турондаги истилолардан сўнг, 120 минг кишилик қўшин билан Ҳиндикуш ва Помир тоғларидан ошиб ўтди.

**Милоддан аввалги 325 йил** – Александр Ҳинд ва Панжобда озроқ қўшин тортиб тургач, Ҳиндистонни тарк этиб, Бобилга қайтди.

**Милоддан аввалги IV – II асрлар** – Қадимги Ҳиндистонда йирик Мауриялар империяси бўлган.

**Тахминан милоддан аввалги 317 йил** – Ҳиндистонда Чандрагупта бошчилигида қўзғолон кўтарилиб, юнон-македон қўшинлари Ҳинд воҳасидан бутунлай қувиб чиқарилди. Магадҳа ҳукмдори Чандрагупта катта қўшин билан Нанд шоҳи аскарларини енгиб, тахтни эгаллади, дастлабки буюк ҳинд давлати – Мауриялар империясига асос солди. Бу давлатнинг пойтахти Паталипутра шаҳри бўлган.

*Мауриялар [Маурья] сулоласи:* Чандрагупта (мил. авв. 317 – 293), Биндусара (мил. авв. 293 – 268), Ашока (мил. авв. 268 – 232), Брихадратҳа (мил. авв. 231 – 180) ва б.

**Милоддан аввалги 317 – 293 йиллар** – Ҳиндистонда подшо Чандрагуптанинг ҳукмронлиги даври.

**Милоддан аввалги 293 – 268 йиллар** – Маурия подшоси Биндусара ҳукмронлиги даври.

**Милоддан аввалги 268 – 232 йиллар** – Маурия подшоси Ашока ҳукмронлиги даври. Бу даврда мауриялар сулоласининг ҳукмронлиги ўз чўққисига чиқди. Ашока будда динини қабул қилди ва унинг кенг тарқатилишига ҳомийлик қилди.

**Милоддан аввалги 180 – 68 йиллар** – Ҳиндистонда шунглар сулоласи мамлакатни бошқарди. Лашкарбоши Пушьямитра томонидан Мауриялар сулоласининг сўнгги ҳукмдори Брихадратҳа ўлдирилган ва янги шунглар сулоласига асос солинган.

**Милоддан аввалги 175 йил** – подшо Деметрий Ҳиндистонда жанг олиб борди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**IV – V асрлар** – севги санъати ҳақидаги трактат – «Камасутра» санскрит тилида яратилди.

**Тахминан 320 йил** – Шимолий Ҳиндистонда гупталар сулоласига Чандрагупта I асос солган. Бу давлатнинг пойтахти ҳам Каталипутра шаҳри бўлган. Бу пайтда ҳиндуизм таълимоти пайдо бўлди.

**IV – VI асрлар** – қадимги ҳинд империяси – Гупталар давлати бўлган.

*Гупталар сулоласи:* Чандрагупта I (320 – 350), Самудрагупта (350 – 380), Чандрагупта II Викрамадитья (380 – 415), Кумарагупта I (415 – 455), Скандагупта (455 – 470), Кумарагупта II (470 – 475), Будхагупта (475 – 500), Вайньягупта (500 – 515), Нарасимхагупта (515 – 530), Кумарагупта III (530 – 540), Вишнугупта (540 – 550) ва б.

**320 – 350 йиллар** – Ҳиндистонда Чандрагупта I ҳукмронлиги даври.

**350 – 380 йиллар** – Ҳиндистонда Самудрагупта ҳукмронлиги даври.

**Тахминан 380 – 415 йиллар** – Чандрагупта II подшолик қилган давр. Бу пайтда Гупталар давлати гуллаб-яшнади.

**415 – 455 йиллар** – Ҳиндистонда Кумарагупта I нинг ҳукмронлик даври. У мамлакатнинг шимоли-гарбига ҳужум қилган кўчманчи эфталий қабилалари билан кураш олиб борди.

**455 – 470 йиллар** – Скандагупта подшолик қилган давр.

**465 – 550 йиллар** – Ҳинд дарёси воҳасини эгаллаган хуннлар бу ҳудудни бошқардилар.

## Қадимги Хитой

**Милоддан аввалги III минг йиллик** – Хитойдаги қабилалар тарқоқ ҳолда яшаганлар.

**Милоддан аввалги III – II минг йилликлар** – хуннларнинг аждодлари овчилик, деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланиб, тирикчилик ўтказганлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги II минг йиллик бошлари** – Ся хонадонига мансуб кишилар қабилаларни бирлаштириб, Шарқий Хитойда давлат барпо этди.

**Милоддан аввалги XXI – XVI асрлар** – Хитойда афсонавий Ся сулоласи ҳукмронлик қилди.

**Милоддан аввалги II минг йиллик** – Хитойда дастлабки ёзув кашф этилди.

**Милоддан аввалги II минг йиллик** – Хитойда астрономик кузатишлар бошланди.

**Милоддан аввалги I минг йилликнинг биринчи ярми** – хуннларнинг асосий қисми кўчманчи чорвадор кўринишида яшаган.

**Милоддан аввалги XVIII аср охири – 1025 йиллар** – Шан-Инь сулоласининг ҳукмронлиги даври. Хитойда бронзадан буюмлар ясалган.

**Милоддан аввалги 1766 – 1122 йиллар** – Хуанхэ дарёсининг ўрта оқимида даставвал Шанг, сўнгра Инь деб номланган (Шанг-Инь даври) илк давлат тузуми ташкил топди. Бу давлатни Чен Тан номли киши барпо этиб, уни ўз қабиласи Шанг номи билан атади. Бу давлатни кейинчалик Инь сулоласи бошқарди.

**Милоддан аввалги XVI – XI асрлар** – Хитойда Инь (Шанг-Инь) сулоласининг ҳукмронлик даври. Милоддан аввалги 1027 йилда Чжоу қабиласи Инь сулоласини ҳокимиятдан ағдариб ташлади.

**Милоддан аввалги тахминан 1500 йил – милоднинг V асри** – хуннлар Осиё ва Европа тарихида муҳим роль ўйнади. Бу даврда хуннлар Хитойдаги қадимги давлатлар: Ся сулоласи (мил. авв. XXI – XVI асрлар), Инь сулоласи (мил. авв. XVI – XI асрлар), Чжоу сулоласи (мил. авв. XI аср – мил. авв. 256 йил), Цинь сулоласи (мил. авв. 221 – 207 йиллар), Ханъ сулоласи (мил. авв. 206 йил – милоднинг 220 йили) билан қўшничилик муносабатида бўлишди.

**Милоддан аввалги XIII аср охири ва XII аср бошлари** – Хитойда Шанг-Инь давлати кучсизланиб қолди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги XII аср бошлари** – Хитойда чжоу қабилалари ҳукмдор Чан – «Маърифатпарвар ҳукмдор» бошчилигида бирлашиб кучайди.

**Милоддан аввалги XII – VIII асрлар** – Хитойда Ғарбий Чжоу подшолиги даври.

**Милоддан аввалги 1027 йил** – У-Ван – «Жанубий ҳукмдор» бошчилигида катта қўшин Шанг-Инга бостириб кирган.

**Милоддан аввалги 1027 – 256/247 йиллар** – Хитойда Чжоу сулоласининг ҳукмронлик даври. Сулолага Чжоу қабиласининг сардори У-Ван томонидан милоддан аввалги 1027 йилда асос солинди. Чжоу сулоласи икки даврга бўлинади: Ғарбий Чжоу сулоласи (милоддан аввалги 1027 – 771 йиллар) ва Шарқий Чжоу сулоласи (милоддан аввалги 770 – 256/249 йиллар). Чжоу сулоласи Цинь подшолиги томонидан тугатилди.

**Милоддан аввалги VIII аср** – Чжоу давлатининг ерлари 9 та вилоятга бўлинди.

**Милоддан аввалги VIII аср бошлари** – Хуанхе дарёсининг юқори оқимида яшаган кўчманчи жун қабилалари Чжоу ерларига бостириб кирди. Ю-Ван подшолиги даврида чжоулар ярим кўчманчи жунлар билан жанг олиб борди.

**Милоддан аввалги VIII – III асрлар** – Хитойда Шарқий Чжоу подшолиги даври.

**Милоддан аввалги 770 йил** – подшо Пин-Ван жунлар ҳужумидан безор бўлиб, подшолик пойтахтини Хаодан Лоянга, яъни шарққа кўчирди.

**Милоддан аввалги VII – IV асрлар** – Шарқий Хитой майда подшоликларга бўлиниб кетди.

**Милоддан аввалги 517 йил** – Хитойда даосизм таълимотининг асосчиси Лао Цзи вафот этди.

**Милоддан аввалги V аср** – хитойликлар ипакдан тайёрланган шойи парчасига битиклар ёзишган.

**Милоддан аввалги 479 йил** – Хитойда конфуцийлик таълимотининг асосчиси Конфуций вафот этди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги 403 – 221 йиллар** – Хитойда Чжоу сулоласи ҳукмронлиги пайтида Чжаньго (Курашаётган подшоликлар) даври. Чжаньго даврида мамлакатда ҳукмронлик қилиш учун курашаётган еттита подшолик ажралиб чиққан. Еттита қудратли ҳукмдор минтақада гегемон бўлиш учун ўзаро курашдилар. Ўзаро урушлар Цинь империясининг барпо этилиши билан якунланди.

**Милоддан аввалги IV асрнинг биринчи ярми** – Хитойни ягона бир давлатга бирлаштириш ғояси туғилди.

**Милоддан аввалги 361 – 338 йиллар** – Хитойда подшо Сао-Чун даврида Син подшолиги бирмунча кучайди.

**Милоддан аввалги IV аср охирлари – III аср бошлари** – Хитойда Чжоу подшолиги ҳам кучсизланиб барҳам топди.

**Милоддан аввалги III – II асрлар** – Хитойга Ҳиндистондан Ўрта Осиё орқали будда дини кириб келди ва кенг ёйилди.

**Милоддан аввалги 246 йил** – Хитойда Син подшолиги тахтига 13 ёшли Ин Чжен ўтирди.

**Милоддан аввалғи 240 – милодий 216 йиллар** – Улуғ Хунн хоқонлиги (Хуннлар давлати) фаолият кўрсатди.

**Милоддан аввалги 230 йил** – Син подшоси Ин Чжен Хан подшолиги қўшинларига қаттиқ зарба бериб, унинг ерларини босиб олди.

**Милоддан аввалги 228 – 221 йиллар** – Син подшоси Ин Чжен томонидан олиб борилган шиддатли урушлар натижасида Шарқий Хитойдаги Чжао Вэй, Чу, Си, Ян подшоликларининг қўшинлари тор-мор этилди.

**Милоддан аввалги 221 йил** – Шарқий Хитойни бирлаштириш жараёни ниҳоясига етди. Бу ишни ўша йили тахтга ўтирган 1-Хитой императори Цинь Шихуанди амалга оширди.

**Милоддан аввалги 221 – 207 йиллар** – Хитойда Цинь императорлар сулоласи ҳукмронлик қилди. Сулолага Цинь Шихуанди асос солди. Пойтахти – Сяньян шаҳри. Цинь сулоласи ҳукмронлиги даврида Хитойда илк марта марказ-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лашган давлат тузилди. Милоддан аввалги 207 йил октябрида қўзғолончиларнинг Лю Бан бошчилигидаги армияси Цинь сулоласига барҳам берди.

*Цинь сулоласи императорлари:* Цинь Шихуанди (ҳақиқий исми – Ин Чжян: милоддан аввалги 221 – 210 йиллар; Цинь подшолиги ҳукмдори – милоддан аввалги 246 йилдан); Эр-ши (Ху Хай; милоддан аввалги 209 – 207 йиллар); Цзи Ин (милоддан аввалги 207 йил).

**Милоддан аввалги 221 йил –** Буюк Хитой деворининг қурилиши Цинь Шихуанди императорлиги даврида бошланди. Бу девор Хитойни хуннлар ва бошқа кўчманчи қабилалар ҳужумидан ҳимоя қилди. Девор бундан 2300 – 2200 йиллар илгари қуриб битказилганига қарамай, унинг кўп қисми ҳозиргача ҳам яхши сақланиб қолган.

**Милоддан аввалги 210 йил –** Хитой подшоси Цинь Шихуанди оғир касалликдан сўнг 48 ёшида вафот этди. У Шэньси провинциясидаги Чанъянь (Сиань) деган жойга минглаб ҳарбий аскарларнинг ҳайкаллари билан биргаликда дафн этилди.

**Милоддан аввалги 209 йил –** Хитойда подшоликнинг турли жойларида қўзғолонлар бошланиб кетди.

**Милоддан аввалги 207 йил** – Хитойда қўзғолончилар Сяньян шаҳрини ишғол қилди.

**Милоддан аввалги 206 йил** – қўзғолончилар ўз раҳбарлари Лю Банни «Хань ҳокими» – «Хань вани» деб эълон қилишди. Хитойда Цинь сулоласи тугатилди, Лю Бан (у кейинчалик Хань Гао цзу деб аталган) янги Хань сулоласига асос солди.

**Милоддан аввалги 206 йил – милодий 220 йил** – Хитойда Хань императорлар сулоласи ҳукмронлик қилди. Хань сулоласи Хань давлатини бошқарган ва Хитой халқининг номи ҳам хань (хани) бўлган. Сулола икки босқичдан иборат бўлган: Катта Хань сулоласи ва Кичик Хань сулоласи. Хань сулоласи уч даврга бўлинади: Ғарбий Хань – Сихань (милоддан аввалги 206 йил – милодий 8 йил); «Янги» Синь – Цяньхань (милодий 9 – 23 йиллар); Шарқий Хань –



www.ziyouz.com kutubxonasi

Дунхань (25 – 220 йиллар). Биринчи Хань сулоласининг асосчиси Лю Бан бўлиб, у Гао цзу номи билан милоддан аввалги 206 – 195 йилларда, иккинчи Хань сулоласининг асосчиси Лю Сю бўлиб, у Гуян У-Ди номи билан милодий 25 – 57 йилларда мамлакатни бошқарган. Ҳар икки сулола деҳқонлар қўзғолонлари натижасида юзага келган ва тугатилган. «Сариқ белбогликлар» қўзғолони натижасида Хань сулоласи милодий 220 йилда тугатилган ва Хитойда Уч подшолик даври бошланган.

**Милоддан аввалги 202 йил январь** – Гайся ёнидаги жангда Лю Бан қўшинлари Сянь Юй қўшинлари устидан галаба қозонди.

**Милоддан аввалги 200 йил** – Хитойда Лю Бан – Гао цзу ўз қўшинлари билан хуннлар устига бостириб борган. Ўша йили Хань сулоласи ҳукмдорлари пойтахтни Чаньянь (ҳозирги Сиань) шаҳрига кўчирди.

**Милоддан аввалги 200 йил** – Хань подшоси Лю Бан хуннлар устига қўшин тортди.

**Милоддан аввалги II аср** – Хитойда «Математиканинг тўққиз китоби» деган асар яратилди.

**Милоддан аввалги II асрнинг биринчи ярми** – Хуннлар давлатининг энг кучайган даври.

**Милоддан аввалги II аср ўрталари – I аср бошлари** – Хань қўшинлари юришлар уюштириб, салтанат чегараларини анча кенгайтирди.

**Милоддан аввалги 197 – 10 йиллар** – Усун Кунбеклари (гуньмолари) давлати фаолият кўрсатди. Бу давлатга кўчманчи туркий усунлар (усун қабиласи) асос солган. Тангритоғнинг шарқида яшаган усунлар мил. авв. III аср охири – II аср бошларида шарққа силжиб, хуннлар орасига (ҳозирги Ганьсу ўлкасининг шимоли-шарқидаги Эрсин яйлови) бориб жойлашган. Усунларнинг гуньмоси (кунбеги, хони) Нандубей юэйжилар томонидан ўлдирилган. Усунлар кейинчалик ўзбек халқи таркибидаги уйшун уруғини ташкил этган.

*Усун кунбеклари:* Надоми [Нандубей] (мил. авв. 197 – 177); Лие-Жиаобек (177/160 – 150); Рагоми (мил. авв. 150 –



www.ziyouz.com kutubxonasi

104), Куншуми (мил. авв. 104 – 93), Унгуми (мил. авв. 93 – 60), Ними (мил. авв. 60 – 53), Уйгут (мил. авв. 53 – 33), Янгуми (мил. авв. 53 – 51), Шинми (мил. авв. 51 – 33), Жисуми (мил. авв. 33 – 16), Эл Коми (мил. авв. 16 – 10) ва б.

**Милоддан аввалги 174–161 йиллар** – хуннлар йўлбошчиси Маошин подшолик қилган. Унинг даврида юэйжилар билан 25 йил давомида уруш олиб борилган давр.

**Милоддан аввалги 145 – 90 йиллар** – Хитой тарихчиси Сим Сянь яшаган давр. У «Тарихий хотиралар» китобини ёзган. Бу китобда Хитойнинг энг қадимги давридан то милоддан аввалги II аср охиригача бўлган тарихи баён этилган.

**Милоддан аввалги 140 – 87 йиллар** – Хитойда Хань салтанатида У-Ди подшолик қилган.

**Милоддан аввалги 138 йил** – Хитой императори У-Ди Чжан Сянь бошлиқ ўз элчиларини Ўрта Осиё ва Қашгарга юборган.

**Милоддан аввалги 138 – 125 йиллар** – Хитой сайёҳи Чжан Сянь Қанғ, Юэйжи, Кушон, Довон ва Бактрия ҳукмдорлари ҳузурида бўлган.

**Милоддан аввалги 130 – 111 йиллар** – Хитой императори У-Ди жануби-ғарбдаги кўчманчилар устига икки марта қўшин юборган.

**Милоддан аввалги 127 – 119 йиллар** – хитойликлар хуннларни енгиб, дастлабки ғалабага эришган.

**Милоддан аввалги 126 йил** – Хань қўшини Ганьсуни босиб олди ва Шарқий Туркистонда тўхтатилди.

**Милоддан аввалги 123 йил** – Хитой қўшинлари хуннларни Хань салтанатининг шимолий чегараларидан суриб чиқардилар.

**Милоддан аввалги 120 – 119 йиллар** – Хань қўшинлари Дунхуангача бўлган ерларни босиб олдилар.

**Милоддан аввалги 119 йил** – кўчманчи хуннлар ёки сюннлар Шимолий Хитой ҳудудида Хань давлатидан мағлубиятга учради. Буюк Ипак йўли устидан назорат вақтинчалик Хань империяси ихтиёрига ўтди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалғи 115 йил** – хитойлик Чжан Сянь илгари ўзи юрган йўлдан Ўрта Осиёга яна қайта борган.

**Милоддан аввалги 109 йил** – Хань давлати (Хитой) қўшини Чосон мамлакати (биринчи корейс давлати)ни босиб олди.

**Милоддан аввалги 104 – 101 йиллар** – Хитой императори У-Ди қўшинлари Довон (Фарғона) мамлакатига ўтиб, унинг пойтахти Эршини қамал қилди.

**Милоддан аввалги 99 – 90 йиллар** – хуннлар билан хитойликлар ўртасида қақшатқич урушлар бўлиб ўтди ва унда кўпинча хуннлар ғолиб чиқдилар.

**Милоддан аввалги 71 йил** – хитойликлар Енисейбўйи қабилалари билан ҳарбий иттифоқ тузиб, хуннларга уч томондан ҳужум бошлаганлар.

**Милоддан аввалги 32 – 39 йиллар** – тарихчи Бан Гу яшаган. У «Хань подшолари тарихи» асарини ёзган.

**Милоддан аввалги I аср** – хитойликлар қоғозни кашф этишган.

**Милоднинг I асри** – хуннлар ўзларини бир оз тиклаб олганлар.

**Милодий 8 йил** – Хитойда кўтарилган қўзғолон натижасида ҳокимият тепасига чиққан Ван Ман бир қанча ислоҳотлар ўтказди.

**18 йил** – Шандунда Фан Чун бошчилигида қўзғолон бошланган. У «Қизил қошлар» қўзғолони номини олган.

**22 йил** – Хитойда император Ван Ман қўзғолончилар устига юз минг кишилик қўшин юборди.

**23 йил** – Ван Ман қўшинлари билан қўзғолончилар ўртасида даҳшатли жанг бўлиб, подшо қўшинлари тор-мор этилган. Қўзғолончилар Чаньянь шаҳрини эгаллаган. Подшо Ван Ман ўлдирилган.

**25 йил** – Хитойда Лю Сю ўзини подшо деб эълон қилган ва пойтахтни Чаньяндан Лоянга кўчирди. Шарқий ёки Кичик Хань сулоласи ҳукмронлиги бошланди.

**25 – 220 йиллар** – Хитойда Кичик Хань сулоласи ҳукмронлик қилган. Асосчиси Лю Сю Гуан У-Ди номи билан подшоликни 25 – 57 йилларда бошқарган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**58 – 75 йиллар** – Хитойда Мин Ди (Лю Чжуан)нинг императорлик даври. Бу пайтда хитойликлар Тарим дарёси воҳасини босиб олишди, лашкарбоши Бань Чао хуннлар қўшинини янчиб, Шарқий Туркистонни босиб олди.

**87 – 93 йиллар** – хитойлар сянби ва динликлар билан иттифоқ бўлиб, хуннларни тор-мор келтирди.

**148 – 535 йиллар** – Сянби (сайибиллар) подшолиги даври. Бу давлат Сянби империяси ҳам дейилган. Бу давлатга қадимги Хитой шимолида яшаган туркий қабилалар иттифоқи Сянби (сайибиллар) асос солган. Сянби атамаси Хитойнинг шимоли-шарқидаги тоғ номидан олинган. Сянбиларнинг тўба сянби деб аталган қисми Мўғулистонда қолиб, Сўнгги Ян (Хоуян), Ғарбий Ян (Сиян), Жанубий Ян (Нанян) каби хонликларни барпо этган. Сянбиларнинг мурун қабиласи III асрнинг биринчи ярмида ҳозирги ХХРнинг Кўкйўл ўлкасига кўчиб, у ердаги чянларни тобе қилган ва Туюй Ғун давлатини ташкил этган. Тўба Сянбилар 386 йили Тўба Гўй бошчилигида Шимолий Вэй хонлиги (Тўба хоқонлиги)ни ташкил этишган (хоқонлик 386 – 535 йилларда мавжуд бўлган).

*Сянби империяси хоқонлари (148 – 235 йиллар):* Таншигуй (148 – 181), Горан (181 – 216), Куйту ва Будокин (216 – 233; биргаликда), Кибанин (233 – 235).

*Тўба Сянби ҳукмдорлари* (235 – 394 йиллар): Кипан (236 – 261), Ливи (261 – 277); Лифу, Чав, Фу (учаласи 277 – 297 йилларда ҳукмрон бўлган), Ута (Йиту; 297 – 310), Йилу ва Лагван (310 – 316; биргаликда), Юлу (316 – 325), Гоно (325 – 330), Кекина (330 – 335; 337 – 338), Йихэй (335 – 337; 338 – 376), Текин (378 – 380), Фугин (380 – 386), Кейи (386 – 394).

*Тўба давлати хоқонлари* (386 – 535 йиллар): Тўба Гўй (Дао У-Ди; 386 – 409), Тўба Си (Мин Юань-Ди; 409 – 423), Тўба Тав (Тай У-Ди; 423 – 452), Тўба юй (Инь; 452), Тўба Цзюнь (Вэнь Чэн-Ди; 452 – 465), Тўба Хун (Сянь Вэнь-Ди; 465 – 471), Юань Хуан (Сяо Вэнь-Ди; 471 – 499), Тўба Ко (Сюань У-Ди; 499 – 515), Тўба Сюй (Сяо Мин-Ди; 515 – 528),



www.ziyouz.com kutubxonasi

Тўба Цзи-Ю (Сяо Чжуан-Ди; 528 – 531), Юань Е (Дунхай-Ван; 530 – 531), Цзэ Минь-Ди, Юань Гун (Цянь Фэй-Ди; 531 – 532), Юань Лан (Хоу Фэй-Ди; 531 – 532), Юань Сю (Сяо У-Ди; 532 – 535).

**184 йил** – Хитойда қўзғолон бошланиб, унга «оқил ва шахсий муаллим» деб ном олган, машҳур табиб Чжан Сзяо ва унинг икки укаси раҳбарлик қилган. Қўзғолон 20 йил давом этган.

**185 йил** – Хитойда қўзғолончилар билан бўлган жанглар натижасида қўзголон раҳбари Чжан Сзяо ҳалок бўлган, кейинчалик қўзғолончилар ҳам енгилган.

**188–207 йиллар** – Хитойда Ханъ подшолигининг кўп жойларида катта-катта қўзғолонлар бўлиб ўтди.

**I–II асрлар** – қўшни туркий халқларнинг арфа каби мусиқа асбоблари Хитойга кириб борган.

**II аср** – Хитойда Чжан Хен яшаган. У астрономия ва математикага оид асарида 124 та юлдуз туркуми, 2500 та юлдузларнинг номини эслатиб ўтган.

**II асрнинг иккинчи ярми** – Ханъ салтанатида жабр-зулм кучайиб, вазият анча кескинлашган.

**III аср бошлари** – Ханъ подшолигидан Вэй, Шу, У каби давлатлар ажралиб чиқди.

**220 – 265/280 йиллар** – Хитойда Уч подшолик ёки Сань-го даври. Уч подшолик (Вэй подшолиги – 220–225 йиллар; Шу подшолиги – 221–263 йиллар; У подшолиги – 222–280 йиллар) даври 265/280 йилда тугаб, мамлакат Ғарбий Цзинь сулоласи ҳукмронлиги остига бирлаштирилди.

**220–581 йиллар** – Хитойда ички можаролар даври бошланди. Уч подшолик даври (220 – 280 й.)да империя учта мустақил давлатга бўлинди: шимолий – Вэй (пойтахти – Лоян), уни Цао Цаонинг ўғли Цао Пэй бошқарди; марказий – Шу (пойтахти – Чэнду), шаҳзода Ханъ Лю Бэен томонидан асос солинди; жанубий – У (пойтахти – Вуманг, сўнгра Нанкин).

**229 йил** – Нанкин шаҳри Хитойдаги У давлатининг пойтахти деб эълон қилинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**265 йил** – Вэй подшолиги тугатилди. Ҳокимиятни эгаллаган Сима Ян янги сулола – Ғарбий Цзинь давлатига асос солди.

**265–420 йиллар** – Хитойда Цзинь императорлар сулоласи ҳукмронлик қилган. Цзинь сулоласи икки даврга бўлинади: Ғарбий Цзинь сулоласи (265–316) ва Шарқий Цзинь сулоласи (317–420). Ғарбий Цзинь сулоласига лашкарбоши Сима Ян асос солди, у У-Ди номи билан 265 – 280 йилларда император бўлди. Давлат пойтахти – Лоян шаҳри. Кўчманчи хуннлар томонидан 316 йили Ғарбий Цзинь сулоласи ағдариб ташланади. Империя амалдорларидан бири Сима Жуй 317 йилда Шарқий Цзинь сулоласига асос солиб, Юань-Ди номи билан тахтга ўтирди. Давлат пойтахти – Цзянканг (ҳозирги Нанкин) шаҳри. Шимолий Хитойда 386 йили хитой бўлмаган сулолалар ҳокимият тепасига келди. Ички курашлар оқибатида Шарқий Цзинь сулоласи тугатилиб, 420 йилда Сун сулоласи ҳокимиятга келди.

**280 йил** – Ғарбий Цзинь сулоласи императорлари Хитой ҳудудининг яхлит бутунлигини тиклади.

**308 йил** – жанубий хуннлар Шимолий Хитойни эгаллади.

**313 йил** – Когурё давлати (Корея)дан хитойликлар суриб чиқарилди. Кейинчалик Когурё ҳар жиҳатдан ривожланган давлатга айланди.

**316 йил** – Лоян шаҳри Чаньянь (Сиань) [Шимолий Хитой]дан бўлган ҳуннлар лашкарбошиси томонидан эгалланди.

**317–589 йиллар** – Хитойда жанубий ва шимолий сулолалар ҳукмронлиги даври.

**386 йил** – Тўба Гўй бошчилигида туркий сянби қабилалари Шимолий Хитойда Шимолий Вэй давлатига асос солдилар. Хитойда Шимолий Вэй сулоласи ўз давлатининг пойтахти қилиб Чаньянь (Хоэндан ғарбда жойлашган) шаҳрини эълон қилди.

**386 – 535 йиллар** – Тўба Сянбиларнинг Шимолий Вэй хонлиги (Тўба хоқонлиги) фаолият кўрсатди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**386–589 йиллар ва 420–589 йиллар** – Хитойда Жанубий ва Шимолий сулолалар даври. Жанубий Хитойда Сун сулоласи (420 – 479), Ци сулоласи (479 – 502), Лян сулоласи (502 – 556), Чэнь сулоласи (557– 589) фаолият кўрсатган. Пойтахти – Цзянканг (ҳозирги Нанкин) шаҳри. Шимолий Хитойда ажнабий халқларнинг сулолалари ҳукмронлик қилган. Сэньби туркий қабилалари Шимолий Хитойда Тўба Вэй ёки Шимолий Вэй сулоласи (386–535), Шарқий Вэй сулоласи (534–550), Ғарбий Вэй сулоласи (535–557), Шимолий Ци сулоласи (550–577), Шимолий Чжоу сулоласи (557– 581)га асос солдилар. Бу сулолаларнинг пойтахтлари Пинчэн (ҳозирги Датун), Лоян, Е (ҳозирги Хэнань провинциясида), Чаньянь шаҳарлари бўлган.

**386–581 йиллар** – *Шимолий Хитойда Шимолий сулолалар ҳукмронлиги даври* (Шимолий сулолалар кўчманчи туркий халқлар томонидан тузилган):

*Шимолий Хитойда Шимолий Вэй (Тўба Вэй ёки Юань Вэй) сулоласи* ва давлати (386–535 йиллар)нинг ҳукмронлик даври. Бу давлатнинг асосчиси туркий сяньби қабилалари иттифоқига кирган тўбалар қабиласининг доҳийси Тўба Гўй ҳисобланади. У Дао У-Ди номи билан давлатни 386–409 йилларда бошқарди. Тўба хоқонлиги (Тўба Вэй давлати) 534–535 йилларда икки подшолик: Шарқий Вэй (534–550) ва Ғарбий Вэй (535–557) давлатларига ажралиб кетди;

*Шимолий Хитойда Шарқий Вэй (Тўба Вэй) сулоласи* ва давлати (534–550 йиллар)нинг ҳукмронлик даври. Бу сулолага Сяо Цзин-Ди (Юань Шань-Цзянь) асос солиб, 534–550 йилларда ҳукмронлик қилди;

*Шимолий Хитойда Ғарбий Вэй (Тўба Вэй) сулоласи* ва давлати (535–557 йиллар)нинг ҳукмронлик даври. Бу сулолага Вэнь-Ди (Юань Бао-Цзюй) асос солиб, 535–551 йилларда ҳукмронлик қилди.

*Ғарбий Вэй (Тўба Вэй) сулоласи:* Вэнь-Ди (Юань Бао-Цзюй) (535–551), Фэй-Ди (Юань-Цинь) (552–554), Гунн-Ди (Юань Ко) (554–557);

*Шимолий Хитойда Шимолий Ци сулоласи* (550–577 йиллар)нинг ҳукмронлик даври. Бу сулолага Минь-Ди (Юй-



www.ziyouz.com kutubxonasi

вэнь Цзюэ) 557 йилда асос солган. 581 йилда Шимолий Чжоу сулоласи ҳам Суй сулоласи томонидан тугатилган. Шу билан Хитойда икки аср ҳукмронлик қилган кўчманчи туркий халқларнинг сулолалари тугатилди.

*Шимолий Хитойда Шимолий Чжоу сулоласи* (557–581 йиллар)нинг ҳукмронлик даври.

Бу сулолага Минь-Ди (Юйвень Цзюэ) 557 йилда асос солган. 581 йилда Шимолий Чжоу сулоласи ҳам Суй сулоласи томонидан тугатилган. Шу билан Хитойда икки аср ҳукмронлик қилган кўчманчи туркий халқларнинг сулолалари тугатилди.

**420–589 йиллар** – *Жанубий Хитойда Жанубий сулолалар ҳукмронлиги даври:*

*Жанубий Хитойда Сун сулоласи* ва давлати (420–479 йиллар)нинг ҳукмронлик даври. Сун сулоласига ҳарбий қўмондон Лю Юй томонидан асос солинди, у У-Ди (жанговар хоқон) номи билан 420–422 йилларда тахтга ўтирди. Сун сулоласи халқ ўртасида Лю Сунг сулоласи деб ҳам номланади. Давлат пойтахти – Цзянканг шаҳри. Бу сулола ўзаро низолар натижасида Ци сулоласи томонидан 479 йилда тугатилди;

*Жанубий Хитойда Ци сулоласи* ва давлати (479–502 йиллар)нинг ҳукмронлик даври. Бу сулолани Нань Ци (Жанубий Ци) сулоласи деб ҳам айтишади. Сулолага Сяо Дагэн асос солди, у Гао-Ди номи билан 479–482 йилларда давлатни бошқарди. Пойтахти – Цзянканг шаҳри. Бу сулола 502 йилда Лян сулоласи томонидан тугатилди;

*Жанубий Хитойда Лян сулоласи* ва давлати (502–557 йиллар)нинг ҳукмронлик даври. Сулолага Сяо Янь асос солиб, у У-Ди номи билан 502–549 йилларда давлатни бошқарди. Лян сулоласи 557 йил Чэнь сулоласи томонидан тугатилди;

*Жанубий Хитойда Чэнь сулоласи* ва давлати (557–589 йиллар)нинг ҳукмронлик даври. Лашкарбоши Лэн Чэнь Басянь томонидан сулолага асос солинган, у У-Ди номи билан 557–559 йилларда давлатни бошқарди. 589 йилда Чэнь сулоласи Суй сулоласи қўшини томонидан тугатилиб, Хитойни бирлаштириш тугалланди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ҚАДИМГИ ЮНОНИСТОН ВА РИМ

## Қадимги Юнонистон

**Милоддан аввалги IV–III минг йилликлар** – Жанубий Юнонистонда ибтидоий уруғ жамоаси емирила бошлади.

**Милоддан аввалги III минг йиллик охири – минг йиллик бошлари** – Юнонистонда қулчилик вужудга келди.

**Милоддан аввалги III минг йиллик охири – II минг йиллик бошлари** – Юнонистон марказларида дастлабки қулдорлик давлатчалари ташкил топди.

**Милоддан аввалги III минг йиллик охири** – Юнонистонда Микен шаҳар-давлатига Дунай бўйидан келган ахей ва маҳаллий юнон қабилалари асос солди.

**Милоддан аввалги III минг йиллик охири – II минг йилликнинг биринчи ярми** – Юнонистонда Пилос шаҳар-давлати ташкил топди.

**Милоддан аввалги III–II минг йилликлар** – Крит-микен маданияти равнақ топди.

**Милоддан аввалги II минг йиллик** – Аттиканинг ғарбидаги текислик ўртасидаги тепаликда катта бир қалъа қурилди. Юнонлар уни Акрополь дейишган. Кейинчалик у Афина шахрига асос бўлди.

**Милоддан аввалги 2000 йил** – Критда Кносс ҳукмдорининг улкан ва муҳташам саройи қурилди.

**Милоддан аввалги 1750 йил** – Критда қаттиқ зилзила бўлиб, Кносс саройи ҳам вайрон бўлди.

**Милоддан аввалги XVIII асрнинг иккинчи ярми** – Критдаги вайрон бўлган саройлар қайта тикланди.

**Милоддан аввалги XVI–XV асрлар** – Крит Ўрта ер денгизи ҳавзасида энг кучли қулдорлик давлатига айланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги XVI–XIII асрлар** – Юнонистонда Пилос давлати равнақ топди.

**Милоддан аввалги XV–XIII асрлар** – Юнонистонда Микен қулдорлик давлати гуллаб-яшнади.

**Милоддан аввалги XV асрнинг иккинчи ярми** – Крит давлати зилзила, вулқон ва денгиз тўлқинлари натижасида емирилди.

**Милоддан аввалги XIV–XIII асрлар** – Юнонистонда Пилос давлати заифлашди ва дорийлар ҳужуми натижасида емирилди.

**Милоддан аввалги XIII–XII асрлар** – Дунай бўйидаги дорий қабилалари ўз бошларидан ибтидоий жамоа тузумининг сўнгги босқичини кечиришди.

**Милоддан аввалги XIII–XII асрлар** – дорийлар Юнонистонга ҳужум қилиб, уни босиб ола бошладилар.

**Милоддан аввалги XII–XI асрлар** – Юнонистонга темир кириб келди ва ундан фойдаланиш ҳунармандчиликнинг ривожига жуда катта таъсир кўрсатди.

**Милоддан аввалги XI–IX асрлар** – Афинани оқсоқоллар кенгаши ва шу кенгаш сайлаб қўйган 9 ҳоким идора қилди.

**Милоддан аввалги IX–VIII асрлар** – хўжаликнинг ривожлана бориши муносабати билан Юнон шаҳар-давлатлари ташкил топди.

**Милоддан аввалги IX–VIII асрлар** – Афина Аттиканинг бош шаҳри ва марказига айланиб, тез ривожлана бошлади.

**Милоддан аввалги IX–VIII асрлар** – юнонлар Қора ва Ўрта ер денгизи соҳилларида ўзларининг дастлабки манзилгоҳларини қуриб, маҳаллий аҳоли билан савдо-сотиқ ва алмашув ишларини олиб бордилар.

**Милоддан аввалги VIII–V асрлар** – Ўрта ер денгизининг шимолий соҳиллари – Корсика, Сардиния, Сицилия ороллари, Апеннин ярим ороли соҳилларида ташкил топган манзилгоҳ – шаҳарларнинг ривожланиши.

**Милоддан аввалги 776 йил** – Юнонистон (Греция) да биринчи Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтди. У Олимпия



www.ziyouz.com kutubxonasi

шаҳрида худо Зевс шарафига уюштирилган эди. Олимпиада ўйинлари ҳар 4 йил давомида мунтазам равишда ўтказилди (милодий 394 йилгача). Ўйинлар 5 кун давом этган.

**Милоддан аввалги 750 йил** – юнон колонияларининг вужудга келиши: Қум (Жанубий Италия), Киклид архипелагидаги Наксос ороли, Сиракуз ва Сицилия (Буюк Грецияда).

**Милоддан аввалги VIII аср** – юнонларда «ўрта асрлар даври» тугади. Юнон дунёси эндиликда шаҳар полислари асосида қуриладиган бўлди.

**Милоддан аввалги VIII–VII асрлар** – Афинада зўрликка асосланган давлат қарор топди.

**Милоддан аввалги VIII аср охири – VII аср бошлари** – юнон адабиётининг йирик намояндаларидан бири Гесиод яшаган давр.

**Милоддан аввалги VII аср** – Афинада Дракон исмли ҳоким томонидан тузилган «Дракон қонунлари»да жиноятчиларни жазолаш учун каттиқ жазолар белгиланди.

**Милоддан аввалги VII аср охирлари** – Юнонистонда бойлар ва аслзода деҳқонлар Аттикадаги ерларнинг катта қисмини эгаллаб олдилар.

**Милоддан аввалги VII аср** – Мессения (Юнонистон) да жуда катта қўзғолон кўтарилди.

**Милоддан аввалги VII–VI асрлар** – Спартада кучли қулдорлик давлати вужудга келди.

**Милоддан аввалги VII–VI асрлар** – қадимги юнон театри пайдо бўлди.

**Милоддан аввалги VII–IV асрлар** – Юнонистон Гомер, Гесиод, Геродот, Демокрит, Протагор, Гиппократ, Сукрот, Платон (Афлотун) ва Аристотель (Арасту) каби улуғ сиймоларни инсониятга етказиб берди.

**Милоддан аввалги 660 йил** – Босфор бўғозининг Европа соҳилида Византий шаҳри дастлаб юнон полиси сифатида ташкил топди. Бу шаҳар кейинчалик Константинополь, Истанбул номи билан ўрта асрларда Европадаги энг машҳур пойтахт шаҳар бўлди.

**Милоддан аввалги 600 йил** – Олимпия шаҳри (Греция)да Гера ибодатхонаси қурилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги VI–V асрлар** – Кичик Осиёнинг ғарбий соҳилидаги Милет шаҳри илм-фан марказига айланди.

**Милоддан аввалги VI–II асрлар** – санъатда скиф «ҳайвон услуби» шаклланди.

**Милоддан аввалги VI–I асрлар** – Лаконика вилояти (Пелопоннес ярим ороли)да Спарта (Лакедемон) юнон шаҳар-давлати фаолият кўрсатган. Спартани агидлар ва еврипонтидлар сулоласи вакиллари бошқарган. Спарта давлати римликлар томонидан босиб олинган ва мил. авв. 27 йил Рим империясининг Ахайя провинцияси таркибига кирган.

*Спарта шаҳар-давлат подшолари – агидлар сулоласи:* Лев ( мил. авв. VI аср); Анаксандрид (мил. авв. 560– 520 й.), Клеомен I (мил. авв. 520–491 й.), Леонид I (мил. авв. 491–480 й.), Плистарх (мил. авв. 480–459 й.), Плистоанакт (мил. авв. 459–409 й.), Павсаний (мил. авв. 409–395 й.), Агесиполид I (мил. авв. 395–380 й.), Клеомброт (мил. авв. 380–371 й.), Агесиполид II (мил. авв. 371–370 й.), Клеомен II (мил. авв. 370–309 й.), Арей I (мил. авв. 309–265 й.), Акротат (мил. авв. 265–262 й.), Арей II (мил. авв. 264/262 – 254 й.), Леонид II (мил. авв. 254–243 й.), Клеомброт II (мил. авв. 243–241 й.), Леонид II (иккинчи марта; мил. авв. 241–235 й.), Клеомен III (мил. авв. 235–221 й.), Эвклид (мил. авв. 221–219 й.), Агесиполид III (мил. авв. 219–215 й.) ва бошқалар;

*Спарта шаҳар-давлат подшолари – еврипонтидлар сулоласи:* Агасикл (VI аср бошлари); Аристон (мил. авв. 550–515 й.), Демарат (мил. авв. 515–491 й.), Левтихид (мил. авв. 491–469 й.), Архидам II (мил. авв. 469–427 й.), Агис II (мил. авв. 427–399 й.), Агесилай II (мил. авв. 399 – 360 й.), Архидам III (мил. авв. 360–338 й.), Агис III (мил. авв. 338 – 331 й.), Эвдамид I (мил. авв. 331–305 й.), Архидам IV (мил. авв. 305 – 275 й.), Евдамид II (мил. авв. 275–244 й.), Агис IV (мил. авв. 244–241 й.), Евдамид III (мил. авв. 241–228 й.), Архидам V (мил. авв. 228–227 й.), Евклид (мил. авв. 227 – 221 й.); Ликург (мил. авв. 219–212 й.), Маханид (мил. авв.



www.ziyouz.com kutubxonasi

212–206 й.), Пелоп (мил. авв. 212–200 й.), Набис (мил. авв. 195–192 й.) ва бошқалар.

**Милоддан аввалги VI аср бошлари** – шиддатли жанглар ва ўтказилган ислоҳотлар натижасида Аттика демоси (оддий халқи) катта ғалабани қўлга киритди.

**Милоддан аввалги 594 йил** – Афинада шоир Солон ҳоким (архонт) этиб тайинланди. У зодагонларга хос барча имтиёзларни тугатиб, қулдорлик демократияси тараққиёти учун катта йўл очиб берди.

**Милоддан аввалги 525–456 йиллар** – юнон адабиётининг йирик намояндаларидан бири Эсхил яшаган. У «трагедия отаси» сифатида машҳур.

**Милоддан аввалги 500–480 йиллар** – Афайи (Эгина) да Афина ибодатхонаси қурилди.

**Милоддан аввалги V–IV асрлар** – Афина ва Юнонистоннинг бошқа шаҳарларида тепаси очиқ театр бинолари қурилди.

**Милоддан аввалги V–IV асрлар** – юнон ҳайкалтарошлигининг гуллаган даври.

**Милоддан аввалги V–IV асрлар** – юнон рассомчилиги ўз тараққиётининг юқори босқичига кўтарилган давр.

**Милоддан аввалги V аср** – Мирон, Поликлет ва Фидий каби ҳайкалтарошлар яшаб ижод этган давр. Улар Юнонистоннинг энг машҳур ҳайкалтарошлари ҳисобланадилар.

**Милоддан аввалги V–II асрлар** – Боспор подшолари сулоласи Спартокийлар ҳокимият тепасида турган. Сулолага Спарток I асос солган.

*Спартокийлар сулоласи:* Спарток I (мил. авв. 438–433), Сатир I (мил. авв. 433–389), Левкон I (мил. авв. 389–349), Спарток II (мил. авв. 349–344), Перисад I (мил. авв. 344–310), Евмел (мил. авв. 310–304), Спарток III (мил. авв. 304–284), Перисад II (мил. авв. 284–245), Спарток IV (мил. авв. 245–240), Левкон II (мил. авв. 240–220), Спарток V, Перисад III, Перисад IV; Перисад V (мил. авв. 125–109) ва бошқалар.

**Милоддан аввалги V аср** – Афина қулдорлик демократияси ўзининг энг юқори поғонасига кўтарилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги V–II асрлар** – Болқон ярим оролининг шимоли-шарқида Қадимги Македония давлати мавжуд бўлган. Аргеадлар (Теменидлар) сулоласи вакиллари дастлаб ҳокимият тепасида бўлишган. Александр I даврида Қуйи Македония ҳудуди бирлаштирилган. Сўнгра Македония давлатини Антипатридлар, Антигонидлар ва бошқа сулола вакиллари бошқарган. Македония ҳудуди мил. авв. 148 йилда Эпир ва Жанубий Иллирия билан биргаликда Рим вилоятига айлантирилган.

*Аргеадлар (Теменидлар) сулоласи:* Аминта I (мил. авв. 547–498 й.), Александр I (мил. авв. 498–454 й.), Пердикка II (мил. авв. 454–413 й.), Архелай (мил. авв. 413–399 й.), Орест (мил. авв. 399–396 й.), Аероп II [Архелай II] (мил. авв. 396–393 й.), Павсаний (мил. авв. 393 й.), Аминта II (мил. авв. 393–392 й.), Аминта III (мил. авв. 392–369 й.), Александр II Македонский (мил. авв. 369/368 й.), Птолемей I Алорит (мил. авв. 368–365 й.), Пердикка III (мил. авв. 365–359 й.), Филипп II Македонский (мил. авв. 359–336 й.), Буюк Александр III Македонский (мил. авв. 336–323 й.), Филипп III Арридей (мил. авв. 323–317 й.), Александр IV (мил. авв. 316–309 й.).

*Антипатридлар сулоласи:* Кассандр (мил. авв. 316–298 й.), Филипп IV (мил. авв. 298–295 й.), Антипатр I (мил. авв. 295–294 й.), Александр V (мил. авв. 295–294 й.).

*Антигонидлар сулоласи:* Антигон II Гонат (мил. авв. 277–273 й.), Пирр I (мил. авв. 273–272 й.), Антигон II Гонат (мил. авв. 272–239 й.), Деметрий II (мил. авв. 239–229 й.), Антигон III Досон (мил. авв. 229–221 й.), Филипп V (мил. авв. 221–179 й.), Персей (мил. авв. 179–168 й.) ва бошқалар.

**Милоддан аввалги 496 – 406 йиллар** – Юнонистоннинг яна бир шоир ва драматурги Софокл яшаб ижод этган давр.

**Милоддан аввалги 490 йил** – биринчи юнон – эрон уруши бошланди. Стратег Мильтиад Эрон шоҳи Доро I қўшинларини Марафон жангида мағлубиятга учратди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги 490–425 йиллар** – тарихчи олим Геродот Кичик Осиёдаги Галикарнас шаҳрида ва Афинада яшаб ижод этган. У машҳур «Тарих» асарининг муаллифи бўлиб, «тарих отаси» деб ном олган.

**Милоддан аввалги 481 йил** – Афина билан Спарта ўртасида иттифоқ тузилди. Бу иттифоққа бошқа полислар ҳам қўшилдилар.

**Милоддан аввалги 480 йил** – иккинчи юнон – эрон уруши. Ксеркс I қўшини Геллеспонт (ҳозирги Дарданелл) бўғозини кесиб ўтди. Афина форслар флотини Саламана жангида маглубиятга учратди.

**Милоддан аввалги тахминан 445–385 йиллар** – юнон комедия жанрининг йирик намояндаларидан бири шоир Аристофан яшаб ижод этган. У «комедия отаси» сифатида машҳур бўлган.

**Милоддан аввалги 479 йил** – Мардоний бошлиқ эрон қўшинлари Аттикага бостириб кириб, Афинани вақтинча ишғол қилишди.

**Милоддан аввалги 478 йил** – юнон – эрон урушида иштирок этган юнон полислари, Кичик Осиёдаги юнон шаҳарлари ва Эгей денгизидаги орол-давлатлар Афина бошчилигида иттифоқ тузди.

**Милоддан аввалги 477–455 йиллар** – Геродот Миср, Бобил, Сурия ва Қора денгиз соҳилларидаги мамлакатларга саёҳат қилди.

**Милоддан аввалги 470–399 йиллар** – машҳур файласуф Сократ (Суқрот) яшаган ва ижод қилган. Суқрот номи кейинги даврлар учун донишмандлик тимсоли бўлиб қолган.

**Милоддан аввалги 460 – 400 йиллар** – юнон тарихчиси Фукидид яшаб ижод этган.

**Милоддан аввалги 460–370 йиллар** – файласуф олим Демокрит яшаб ижод этган. У ўша даврда мавжуд бўлган ҳамма фанлар билан шуғулланган тенги йўқ олим эди. Атомистик назария асосчиларидан бири.

**Милоддан аввалги 460–377 йиллар** – Гиппократ яшаб,



www.ziyouz.com kutubxonasi

ижод этган. У Кичик Осиё соҳилига яқин жойдаги Косда туғилган машҳур табиб бўлган.

**Милоддан аввалги 449 йил** – юнон – эрон урушлари тугади. Сузада сулҳ тузилиб, у юнон томонининг вакили Каллий номи билан Каллий сулҳи деб аталди.

**Милоддан аввалги 446 йил** – машҳур тарихчи олим, географ ва этнолог Геродот Афинага келди.

**Милоддан аввалги 443–429 йиллар** – аслзода ва бадавлат оиладан чиққан Перикл халқ йиғини томонидан Афинанинг бош стратеги қилиб кетма-кет 15 марта шу лавозимга сайланди. Перикл даврида юнон классик санъати ўз чўққисига чиқди.

**Милоддан аввалги 431 йил** – Пелопоннес уруши бошланди.

**Милоддан аввалги 431–421 йиллар** – Пелопоннес урушининг биринчи босқичи.

**Милоддан аввалги 431–404 йиллар** – Афина ва Спарта ўртасида Пелопоннес уруши бўлди. Афина стратеги Перикл Афина ва Аттика аҳолисини ўзаро бирлаштирди.

**Милоддан аввалги 431 йил** – Афина билан Спарта иттифоқига бирлашган давлатлар ўртасида қарама-қаршилик кучайиб кетди.

**Милоддан аввалги 430–426 йиллар** – Афина қўшинлари Пелопоннеснинг ғарбий соҳилларида ғолибона урушлар олиб бориб, Кефалления ва Закинф оролларини, Навпакт ва Соллий шаҳарларини босиб олди.

**Милоддан аввалги 429 йил** – Афина бош стратеги Перикл юқумли касаллик натижасида вафот этди.

**Милоддан аввалги 427–424 йиллар** – афиналиклар Сицилияга қарши бир неча бор муваффақиятли юриш қилишди.

**Милоддан аввалги 427–347 йиллар** – юнон файласуфи Платон (Афлотун) яшаган. У платонизм асосчиси, Суқротнинг шогирди сифатида машҳур бўлган.

**Милоддан аввалги 426 йил** – Лесбос оролидаги Митилена шаҳрида Афинага қарши қўзғолон кўтарилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги 425–424 йиллар** – афиналиклар Коринф ва Делинда бўлган жангларда енгилди.

**Милоддан аввалги 424 йил** – афиналиклар жанубдаги Кифера Сфактерия оролини ҳам босиб олди.

**Милоддан аввалги 422 йил** – Амфиопол афиналиклар қўлидан кетди.

**Милоддан аввалги 421 йил** – Афина билан Спарта ўртасида 50 йилга мўлжалланган сулҳ шартномаси – Никия битими тузилди. Бироқ бу битим мил. авв. 415 йилгача амал қилди.

**Милоддан аввалги 415–404 йиллар** – Пелопоннес урушининг иккинчи босқичи.

**Милоддан аввалги 415 йил** – афиналиклар 260 ҳарбий кема, 32 минг кишилик катта қўшин билан Сицилия ороли томон юриш қилди.

**Милоддан аввалги 413 йил** – Демосфен бошлиқ Афина флоти Спарта ва иттифоқчилари томонидан тор-мор этилди.

**Милоддан аввалги 413 йил** – Спарта қўшинлари Афинадан 22 км наридаги Декелея қишлоғини босиб олди.

**Милоддан аввалги 405 йил** – Спарта ва унинг Форс иттифоқчилари Афина устидан Эгоспотомах жангида ғалаба қозонди. Сиракузада ҳокимият тепасига тиран Дионисий I Катта (ҳукмронлик даври: мил. авв. 405–367 й.) ўтирди.

**Милоддан аввалги 404 йил** – афиналиклар ўз флотларини спарталикларга топширишга мажбур бўлишди ва аристократ (олигарх) бошқарувига рози бўлишди. Ўттизлар тиранияси ўрнатилди. Пелопоннес уруши тугади. Спартанинг гегемонлик даври бошланди.

**Милоддан аввалги 403 йил** – Фрассибул Афинада демократияни қайта тиклади.

**Милоддан аввалги 399 йил** – Суқрот (Сократ) сохта айблов натижасида ўлимга ҳукм қилинди.

**Милоддан аввалги 387 йил** – Афинада Платон (Афлотун) томонидан Академия очилди. У Афлотун академияси номи билан машҳур бўлди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги 384–322 йиллар** – машҳур файласуф Аристотель (Арасту) яшаб ижод этди.

**Милоддан аввалги 359 йил** – Македония тахтини Филипп II эгаллади.

**Милоддан аввалги 356–323 йиллар** – таникли саркарда ва давлат арбоби Александр Македонский яшади ва фаолият кўрсатди. У юнон файласуфи Аристотель қўлида тарбияланди. Буюк Александр сифатида жаҳон тарихига кирди.

**Милоддан аввалги 338 йил** – Македония қўшинлари Филипп II бошчилигида Беотияга бостириб кирди. Херония шаҳри яқинида юнон иттифоқи қўшини билан Македония аскарлари ўртасида жанг бўлди. Филипп II нинг 18 ёшли ўгли Александр аскарларининг жангга кириши уруш оқибатини македонияликлар фойдасига ҳал қилди. Юнон шаҳарларининг мустақиллиги тугади. Улар эндиликда Филипп II бошчилигида Коринф иттифоқига бирлашди.

**Милоддан аввалги 337 йил** – Коринфда юнон шаҳар-давлатларининг конгресси чақирилди.

**Милоддан аввалги 336 йил** – Филипп II ўз қизининг никоҳ тўйи вақтида фитначилар томонидан ўлдирилгач, Македония тахтига унинг 20 ёшли ўғли Александр ўтирди. У кейинчалик Буюк Александр, Александр Македонский сифатида дунё тарихига кирди.

**Милоддан аввалги 336–334 йиллар** – Македонияга туташ бўлган давлатларни, шунингдек, бутун Юнонистонни Александр Македонский ўзига тобе қилди.

**Милоддан аввалги 335 йил** – Александр Македонский Иллирия ва Фракия устига қўшин тортиб, ўзига қарам қилди.

**Милоддан аввалги 334–325 йиллар** – Александр Македонский Шарққа юриш қилиб, кўп мамлакатларни босиб олди.

**Милоддан аввалги 334 йил** – Александр Македонский 30 минг пиёда, 5 минг отлиқ, 165 ҳарбий кемадан иборат қўшин билан Геллеспонт бўғозидан сузиб, Кичик Осиё соҳилларига ўтди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги 333 йил** – Александр Кичик Осиёнинг ўртасидаги Каппидония вилоятини ишғол қилди. У ўз эътиборини эндиликда фақат Осиёга қаратди.

**Милоддан аввалги 333 йил** – эрон ва македон қўшинлари Киликиянинг Исса шаҳри яқинида тўқнашди. Бу жангда Александр Македонский Эрон шоҳи Доро III қўшинини тор-мор қилди.

**Милоддан аввалги 332 йил** – Александр Македонский қўшинлари Мисрга кириб борди. Унинг буйруги билан Мисрда Искандария (Александрия) шаҳрига асос солинди.

**Милоддан аввалги 331 йил** – Александр Мисрдан чиқиб, Месопотамияга қўшин тортди. Гавгамела (Оссурия) жангида Александр Эрон шоҳи Доро III қўшинини тор-мор келтирди ва уни Эрон ҳудудида таъқиб қила бошлади. Доро III ўз сатрапи Бесс томонидан ўлдирилди. Александр Парси шаҳрини вайрон қилди. Бу шаҳар кейинчалик Персеполь (вайронадаги шаҳар) номини олди.

**Милоддан аввалги 330 йил** – Эрон шоҳлиги (Ахоманийлар сулоласи) барҳам топди.

**Милоддан аввалги 329 йил** – Александр Амударёни кечиб ўтиб, Навтака деган шаҳарда Бессни қўлга тушириб, қатл эттирди.

**Милоддан аввалги 329–327 йиллар** – Александр Туронда қонли жанглар олиб борди. Суғдиёна ва Бақтрияда Александр Македонский босқинига қарши Спитамен бошчилигида қўзғолон кўтарилди.

**Милоддан аввалги 327 йил** – Буюк Александр Ҳиндикуш тогларидан ошиб, Панжоб, Ҳинд воҳасига кириб борди. У ахоманийларга илгари тобе бўлган бу ҳудудларни ўзига бўйсундирди.

**Милоддан аввалги 325 йил** – Буюк Александр Ҳиндистонда озгина қўшин қолдириб, Бобилга қайтди. У асос солган катта салтанатни янги пойтахт Бобил (Вавилон)дан туриб бошқарди.

**Милоддан аввалги 323 йил** – Александр Македонский 33 ёшида янги пойтахти Бобил шаҳрида номаълум касал-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ликдан вафот этди. Шарқ мамлакатларини унинг ҳарбий саркардаси Пердикка, Греция ва Македонияни Антипатр бошқара бошлади.

**Милоддан аввалги 321 йил** – Пердикка ўлдирилди. Буюк Александрнинг давлати унинг ҳарбий лашкарбошилари – диодохлар ўртасида тақсимланди: Антипатр – Македонияни; Салавка – Сурия, Эрон ва Туронни; Антигон Биркўзли – Кичик Осиёни; Птоломей – Мисрни; Ласимах – Фракияни қўлга киритди.

**Милоддан аввалги 321 йил** – Александр Македонскийнинг қудратли давлати ҳарбий лашкарбошилар ўртасида тақсимлангач, Эллин даври бошланди. Юнон маданияти фақат Эгей денгизи атрофларида эмас, балки Шарққа ҳам кенг ёйилди.

**Милоддан аввалги 306 йил** – ҳар бир македон лашкарбошиси ўзини подшо деб эълон қилди. Птоломей I Сотер Мисрда лагидлар сулоласига (мил. авв. 305– 30 й.). Салавка I Никатор Сурия, Эрон ва Мисрда салавкийлар сулоласига асос солди.

**Милоддан аввалги 306 йил** – Эпикур Самос Афинада фалсафа мактаби (Эпикур боғи)ни ташкил қилди ва эпикуреизм ривожланди.

**Милоддан аввалги 303 йил** – Сурияни ўз давлатининг маркази деб эълон қилган Салавка I ҳинд ҳукмдори Чандрагуптага Афғонистон ва Белужистон (ҳозирги Покистон) ҳудудларини беришга мажбур бўлди.

**Милоддан аввалги 301 йил** – Ипса (Кичик Осиё)да бўлган жангда Антигон Биркўзли бошқа диадох иттифоқчилари қўшинини енгди. Македония ва Греция учун ўзаро жанглар кучайди. Салавкийлар ва лагидлар ўртасида Жанубий Сурияни эгаллаш учун кураш қизиди.

**Милоддан аввалги III аср** – Мисрдаги Искандария шаҳри Эллин дунёсининг маданият марказига айланди.

**Милоддан аввалги II асрнинг 70-йиллари** – Македонияда норозилик кучайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

## Қадимги Рим

**Милоддан аввалги II минг йиллик охири – I минг йилликнинг биринчи ярми** – Апеннин ярим оролида лигур, этруск, венит, лотин, самнит ва бошқа қабилалар яшаганлар. Этрусклар ўзларини «турша» (турклар) деб аташган. Айрим итальян олимларининг фикрича, этрусклар ҳам худди шумерлардек прототурклар бўлган.

**Милоддан аввалги IX аср** – Финикиянинг Тир шаҳри ҳукмдорлари Шимолий Африкадаги кичик ярим оролда ўз манзилгоҳларини барпо этиб, уни Кар-Хадашев – «Янги шаҳар» деб атаганлар.

**Милоддан аввалги VIII–VII асрлар** – этруск, оск ва лотин ёзувлари яратилди.

**Милоддан аввалги 753 йил** – Рим шаҳрига ака-ука Ромул ва Рем томонидан асос солинди.

**Милоддан аввалги VII–VI асрлар** – этрусклар кучайиб, Ласий ва унинг бош шаҳри Римни, кейинчалик Кампанияни босиб олиб, Капуя шаҳрини барпо қилганлар.

**Милоддан аввалги VI аср охирлари** – шимолдан галлар, жанубдан эса юнонларнинг ҳужумлари натижасида этрусклар давлати кучсизланди.

**Милоддан аввалги VI–V асрлар** – Римда плебейлар ўз ҳимоячилари – халқ трибунларини сайлаш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

**Милоддан аввалги VI аср бошлари** – этрусклар Рим ерларига бостириб кириб, унинг баъзи жойларини босиб олдилар.

**Милоддан аввалги VI–V асрлар** – Италиянинг шимолидаги Альп тоғлари ортида жанговар галл-кельт қабилалари яшаган.

**Милоддан аввалги VI аср охири – III аср бошлари** – Римнинг қуллардан бошқа барча аҳолиси тенг ҳуқуқли бўлган.

**Милоддан аввалги 575 йил** – Рим Тарквиний Приск бошчилигида этрусклар ҳокимияти остига ўтди. Этрусклар ҳукмронлигининг чўққиси.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги 509 йил** – римликлар сўнгги этруск қироли Тарквиний Такаббурни қувиб юбордилар. Бу сана Рим республикаси вужудга келишининг бошланиши деб қабул қилинди.

**Милоддан аввалги V–IV асрлар** – кўзга кўринган адабиёт намояндалари Андроник, Енней, Плавт, Катулл ва бошқалар яшаган ва ижод қилган.

**Милоддан аввалги V–III асрлар** – Рим қулдорлар ва аслзодалар республикасига айланди.

**Милоддан аввалги 449 йил** – плебейлар манфаатини ҳимоя қилувчи 12 та мис лавҳага ёзилган қонунлар форумга – халқ йиғиладиган майдонга қўйилган ва қабул қилинган.

**Милоддан аввалги 390 йил** – кельтлар Рим устига қўшин тортиб, Аллия дарёси бўйидаги жангда итальян қабилаларининг бирлашган қўшинини тор-мор этганлар.

**Милоддан аввалги 343 йил** – Апеннин ярим оролидаги самнитлар Кампанияга бостириб кирганлар. Самнит уруши бошланди.

**Милоддан аввалги 343 – 341 йиллар** – римликларнинг қадимги итальян қабилаларига қарши Биринчи Самнит уруши даври.

**Милоддан аввалги 343–290 йиллар** – Самнит урушлари бўлган. Бу уруш 53 йил давом этиб, самнитлар ва иттифоқчиларининг мағлубияти билан тугаган.

**Милоддан аввалги 341–288 йиллар** – Рим қўшинлари Шимолий Италияни ўзларига тобе қилиб, По дарёсидан Луканиягача бўлган ерларни Рим республикаси таркибига қўшиб олганлар.

**Милоддан аввалги 340–338 йиллар** – лотин иттифоқига кирган итальян шаҳарлари Римга қарши кураш бошлади.

**Милоддан аввалги 326–304 йиллар** – Иккинчи Самнит уруши. Самнитлар бир қанча қабилалар билан бирлашиб, Римга қарши кураш олиб бордилар.

**Милоддан аввалги 326 йил** – плебейлар янги қонун



www.ziyouz.com kutubxonasi

қабул қилдилар. Унда «қарз учун қарздорнинг тан-жони эмас, мол-мулки жавобгар бўлиши керак» дейилган.

**Милоддан аввалги 321 йил** – самнит қўшинлари Кавдий шаҳри яқинидаги тоғ-ўрмон дарасида Рим қўшинларини ўраб олиб, тор-мор этди.

**Милоддан аввалги 298–290 йиллар** – Учинчи Самнит уруши. Самнитлар кельт ва итальян қабилалари билан иттифоқ бўлиб, Учинчи Самнит урушини бошлаб юбордилар.

**Милоддан аввалги 290 йил** – Учинчи Самнит уруши тугади. Бу урушда ғалаба қозонган Рим бутун Марказий Италияни ўзига бўйсундирди, унинг мулклари юнонларнинг Жанубий Италиядаги шаҳарлари билан ўзаро чегараланди.

**Милоддан аввалги III асрнинг 80-йиллари** – Апеннин ярим оролининг жанубида яшовчи луканлар юнонларнинг Италиядаги манзилгоҳи Фурейнорт шаҳрига ҳужум қилди.

**Милоддан аввалги 281 йил** – Рим Тарэнтга қарши уруш эълон қилди.

**Милоддан аввалги 280 йил** – Эпир подшоси Пирр ўзининг сараланган отлиқ аскарлари ва жанговар филларидан иборат катта қўшини билан Тарэнтга ёрдамга келди.

**Милоддан аввалги 280 йил** – Гераклия яқинида бўлган жангда Пирр қўшини римликларни тор-мор этди.

**Милоддан аввалги 280 йил** – юнон шаҳар-давлатларининг Ахея иттифоқи ташкил топди.

**Милоддан аввалги 279 йил** – Пирр қўшинлари Аускул шаҳри яқинидаги даҳшатли жангда Рим қўшинларини тор-мор этди.

**Милоддан аввалги 275 йил** – Пирр Италияга қайтиб келиб, ўзининг суворийлари ва жанговар филларини Рим қўшинларига қарши қўллади.

**Милоддан аввалги 270–260 йиллар** – римликлар Жанубий Италияни босиб олди.

**Милоддан аввалги III аср** – Карфаген бир оз заифлашиб қолди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги III–II асрлар** – римликлар олиб борган урушлар натижасида Ўрта ер денгизи ҳавзасидаги мамлакатларнинг кўпчилиги вайрон этилди.

**Милоддан аввалги III–II асрлар** – Римда қулчилик ўзининг энг юқори поғонасига кўтарилди.

**Милоддан аввалги 264–241 йиллар** – Биринчи Пуни уруши. Сицилия ҳавзасида ҳукмронлик учун Рим ва Карфаген ўртасида уруш бошланиб, у 23 йил давом этди.

**Милоддан аввалги 260 йил** – Мила бурнидаги денгиз жангида римликлар Карфаген устидан ғалаба қозонди.

**Милоддан аввалги 256 йил** – римликларнинг 360 та ҳарбий кемаси Карфаген томон йўл олди.

**Милоддан аввалги 255 йил** – Карфагеннинг ёлланма аскарлари Рим қўшинларига ҳужум қилиб, уларни тор-мор этди.

**Милоддан аввалги 251 йил** – Егада ороли яқинидаги денгиз жангида Карфаген флоти Рим флотидан маглубиятга учради. Карфаген Римга сулҳ тузишни таклиф этди.

**Милоддан аввалги 241 йил** – Рим – Карфаген сулҳи тузилди. Биринчи Пуни уруши тугади. Унда ғалаба қилган Рим Сицилия, Корсика ва Сардинияни босиб олди.

**Милоддан аввалги 237 йил** – Карфаген лашкарбошиси Гамилкар ўз қўшинлари билан Иберияга келиб жойлашди ва Янги Карфаген шаҳрини барпо этди.

**Милоддан аввалги 229 йил** – жангларнинг бирида карфагенлик Гамилкар ҳалок бўлди.

**Милоддан аввалги 219 йил** – Карфаген қўшини саркардаси Ганнибал Рим билан иттифоқда бўлган Сагнут шаҳрини босиб олди ва шаҳар аҳолисини қул қилиб сотиб юборди.

**Милоддан аввалги 218–201 йиллар** – Иккинчи Пуни уруши Рим –Карфаген ўртасида бўлди. Уруш аввал Испания ва Италия, сўнгра Африка ҳудудида бўлди. Уруш тугагач, Карфаген билан Рим ўртасида сулҳ тузилди. Бу урушда Рим галаба қозонди. Карфагеннинг Испаниядаги мулклари Рим ихтиёрига ўтди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги 218 йил** – Ганнибал ўз қўшинлари ва жанговар филлари билан Янги Карфагендан йўлга чиқиб, Пиреней тоғларидан ошиб ўтди.

**Милоддан аввалги 217 йил** – Карфаген саркардаси Ганнибал Тразименский кўли атрофи (Этрурия)да римликлар қўшини устидан ғалаба қозонди.

**Милоддан аввалги 216 йил** – Ганнибал қўшинлари римликларнинг кичик-кичик ҳужумларини қайтариб, Жанубий Италияга ўтиб олишга ҳаракат қилди. Ганнибал қўшинлари Жанубий Италиядаги Канна қишлоғига кириб келди. Унинг ихтиёрида 40 минг пиёда ва 10 минг отлиқ жангчи бўлган. Канна (Апулия)да бўлган жангда Ганнибал римликлар қўшинини янчиб ташлади.

**Милоддан аввалги 206 йил** – римликлар Иберия соҳилларини эгаллаш учун келиб, маҳаллий аҳолининг қақшатқич зарбасига дуч келишди.

**Милоддан аввалги 204 йил** – Карфаген – Рим ўртасидаги уруш ҳаракатлари Шимолий Африкага кўчирилди.

**Милоддан аввалги 202 йил** – Зама шаҳри яқинида (Нумидия) Ганнибал бошлиқ карфагенликлар билан Пубний Корнелий Суипион Африканский қўшини ўртасида аёвсиз жанг бўлди. Бу жангда Ганнибал енгилди.

**Милоддан аввалги 197 йил** – римликлар айрим юнон полислари билан иттифоқ тузиб, Фессалияга қўшин туширди.

**Милоддан аввалги 195 йил** – қочоқликда юрган Ганнибал римликлар таъқибидан қутулиш учун салавкийлар подшоси Антиох III ҳузуридан паноҳ топди.

**Милоддан аввалги 190 йил** – римликлар билан Салавкийлар подшолиги қўшинлари Магнесия шаҳарчаси ёнида тўқнашди.

**Милоддан аввалги 188 йил** – римликлар ва салавкийлар ўртасида сулҳ тузилди.

**Милоддан аввалги 183 йил** – Ганнибал заҳар ичиб ўлди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги 168 йил** – Персей қўшинлари билан Рим легионлари ўртасида қаттиқ жанг бўлиб, унда македонияликлар енгилди.

**Милоддан аввалги 162–133 йиллар** – Тиберий Гракх яшаган ва фаолият кўрсатган. У Римда ер ислоҳоти тарафдори бўлган.

**Милоддан аввалги 154 йил** – иберияликлар Римга қарши қўзғолон кўтарди.

**Милоддан аввалги 153 йил** – Рим сенатори ва ёзувчиси Марк Катон Карфагенга келди.

**Милоддан аввалги 153–121 йиллар** – Гай Гракх яшаган ва фаолият кўрсатган. У акаси Тиберийнинг ишини давом эттирди.

**Милоддан аввалги 150 йил** – Пиреней ярим оролининг ғарбидаги Лузитания вилоятида Вириат раҳбарлигида римликларга қарши жуда катта қўзғолон бошланди.

**Милоддан аввалги 149 йил** – Учинчи Пуни уруши бошланиб, римликлар Карфаген шаҳрини қамал қилди.

**Милоддан аввалги 149–146 йиллар** – Учинчи Пуни уруши бўлди.

**Милоддан аввалги 148 йил** – Македония, Эпир ва Фессалия Римнинг провинцияларига айланди.

**Милоддан аввалги 146 йил** –Ахея иттифоқи давлатлари римликларнинг жабр-зулмига қарши қўзғолон кўтарди.

**Милоддан аввалги 146 йил** – Рим қўшинлари Суипион Эмилиан бошчилигида Карфагенга ҳар томондан ҳужум қилиб, ёриб кирди. Карфаген шаҳри ер билан яксон қилинди. Шаҳар ҳудуди Африка провинциясига айлантирилди. Пуни урушлари тугади.

**Милоддан аввалги 146 йил** – Рим ҳокимиятига қарши чиққан Коринф шаҳри сенат буйруғи билан вайрон қилинди ва ёндирилди. Юнонистон (Греция) бутунлай Римга бўйсундирилди.

**Милоддан аввалги II асрнинг биринчи ярми** – римликлар Иберияга бир неча бор бостириб киришди.

**Милоддан аввалги 138–132 йиллар** – Сицилия оролида римликларга қарши қўзғолон бўлди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги 133 йил** – Испанияга Римнинг машҳур саркардаси Публий Корнелий Сеисон юборилди.

**Милоддан аввалги 133 йил** – Тиберий Гракх Римда халқ трибуни лавозимига сайланди.

**Милоддан аввалги 132–130 йиллар** – Пергамда Аристаник бошлиқ катта қўзғолон бўлиб ўтди.

**Милоддан аввалги 123 йил** – Римда Гай Гракх халқ трибуни бўлиш учун ўз номзодини қўйди ва бу лавозимга сайланди. У Тарент, Карфаген ва Коринфда колониялар ташкил қилиш ҳамда ғалла нархини камайтириш тарафдори бўлган.

**Милоддан аввалги 121 йил** – ажойиб ислоҳотчи, камбағаллар ва қулларнинг дўсти Гай Гракх ўз буйруғига биноан хизматкори томонидан ўлдирилди.

**Милоддан аввалги 106–48 йиллар** – машҳур Рим саркардаси ҳамда сиёсат арбоби Гней Помпей яшаган ва фаолият кўрсатган.

**Милоддан аввалги 102/100–44 йиллар** – таникли саркарда ва давлат арбоби Юлий Цезарь яшаган ва фаолият кўрсатган.

**Милоддан аввалги 102 йил** – Рим лашкарбошиси Гай Марий Аквах Секстиев (ҳозирги Экс-ян-Прованс)да тевтон қабилаларини тор-мор қилди.

**Милоддан аввалги II–I асрлар** – Италияда фалсафий асарлар яратилди. Бу жиҳатдан Лукреций Кар (мил. авв. 99–55 й.)нинг асарлари диққатга сазовор.

**Милоддан аввалги 92 йил** – Фрот дарёси Парфия ва Рим ўртасидаги чегара чизиғи қилиб белгиланди.

**Милоддан аввалги 87–85 йиллар** – бир йил олдин Рим консули қилиб сайланган Сулла Парфия подшоси Митридат VI га қарши уруш олиб борди.

**Милоддан аввалги 86 йил** – узоқ давом этган қамалдан кейин Сулла Афинани эгаллади.

**Милоддан аввалги 82–79 йиллар** – Римда Сулла диктатураси ўрнатилди. У ўз душманларини шафқатсизларча жазолади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги 74 йил** – Италияда қурғоқчилик туфайли ҳосил бўлмади ва очарчилик бошланди.

**Милоддан аввалги 74 йил** – Капуядаги қамоқ-мактабнинг гладиаторлари Спартак бошчилигида у ердан Везувийга кочиб кетишди. Фракиялик Спартак раҳбарлигида Рим империясига қарши қўзғолон кўтарилди.

**Милоддан аввалги 73 йил** – Спартак бошчилигидаги қўзголончилар сони 10 мингга етди.

**Милоддан аввалги 73–71 йиллар** – Спартак бошчилигида Римда қуллар қўзголони бўлди.

**Милоддан аввалги 71 йил баҳори** – Спартак Испания ва Фракиядан келган Рим қўшинлари Красс қўшинлари билан қўшилмаслиги учун жанг бошлади. Бу жангда Спартак армияси (тахминан 60 000 киши) мағлубиятга учради ва унинг ўзи жангда ҳалок бўлди. Қўзғолон тарқоқ ҳолда яна бир неча йил давом этди.

**Милоддан аввалги 70 йил** – Гней Помпей ва Марк Лициний Красс Рим консуллари қилиб сайландилар.

**Милоддан аввалги 70–60-йиллар** – Ўрта ер денгизида қароқчилик авж олди.

**Милоддан аввалги 64 йил** – Помпей Сурияни Римнинг яна бир провинциясига айлантирди. Салавкийлар сулоласининг ҳукмронлиги тугатилди.

**Милоддан аввалги 63 йил** – Цицерон Рим консули бўлди. Помпей Қуддусни эгаллаб, Фаластинни Римга бўйсундирди. Унинг ҳаракатлари билан янги провинция – Понт-и-Вифиния ташкил топди.

**Милоддан аввалги 63 йил – милодий 14 йил** – машҳур саркарда ва давлат арбоби Октавиан Август яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**Милоддан аввалги 62 йил** – саркарда Помпей Кичик Осиё, Кавказ, Сурия ва бошқа жойлардаги голибона урушларидан сўнг Римга қайтди.

**Милоддан аввалги 60 йил** – Римда Помпей, Красс ва Цезарлар Сенатга қарши кураш учун ўзаро махфий иттифоқ (биринчи триумвират) тузишди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги 59 йил** – Римда Красс ва Помпейларнинг тавсияси билан Гай Юлий Цезарь консулликка сайланди.

**Милоддан аввалги 58 йил** – Рим лашкарбошиси Цезарь ўз легионларини Галлия, Германия ва Британия устига бошлаб борди.

**Милоддан аввалги 55–54 йиллар** – Рим лашкарбошиси Цезарь Британия оролига икки марта юриш қилди.

**Милоддан аввалги 53 йил** – Рим лашкарбошиси Публий Красс Карр (Месопотамия)да парфияликлар билан бўлган жангда ҳалок бўлди. Рим қўшини (7 легион) янчиб ташланди.

**Милоддан аввалги 52 йил** – консул Помпей Римда тартиб ўрнатишга ҳаракат қилди. Бу пайтда Цезарь Галлияда жанг қилаётган эди.

**Милоддан аввалги 49 йил** – Цезарь Италиядан ўз легионлари билан Рим томон юрди.

**Милоддан аввалги 49, 48–46, 45, 44 йиллар** – Цезарь Рим диктатори қилиб сайланди.

**Милоддан аввалги 48 йил** – Фарсалда Цезарь ўз рақиби Помпей армиясини мағлубиятга учратди ва Рим давлатининг ягона ҳукмдорига айланди. Мисрга қочган Помпей Птоломей III юборган центурион (хос соқчи) томонидан ўлдирилди.

**Милоддан аввалги 46 йил** – Рим диктатори Юлий Цезарь мисрлик астроном Созигеннинг маслаҳатига кўра, Рим тақвимини ислоҳ қилди. Юлий Цезарь йил бошини 1 январга кўчирган, шу кундан бошлаб консуллар хизмат вазифасига киришган ва Рим империясининг хўжалик йили бошланган. Бу тақвим Юлий календари номи билан машҳур. Юлий календарига 1582 йил 4 октябргача амал қилинган.

**Милоддан аввалги 44 йил** – Цезарь Шарқ юриши олдидан Юпитер байрами куни (15 мартда) Сенат мажлисига борди. Кассий ва Брут бошлиқ фитначилар Цезарни ўраб олиб, кийимлари остига яширган ханжарлари билан уни 23 жойидан ярадор қилиб ўлдирдилар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**Милоддан аввалги 43–31 йиллар** – Римда император тарафдорлари билан республика тарафдорлари ўртасида шиддатли кураш давом этди. Бу кураш фуқаролар уруши даражасига кўтарилди.

**Милоддан аввалги 43 йил** – Римда Октавиан (Юлий Цезарнинг тутинган ўғли), Марк Антоний ва Лепидлардан иборат учлар иттифоқи (иккинчи триумвират) ташкил топди.

**Милоддан аввалги 43 йил – милодий 18 йил** – атоқли рим шоирларидан бири Овидий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**Милоддан аввалги 42 йил** – Октавиан ва Марк Антоний қўшинлари Македонияга йўл олди ва Цезарни ўлдирганларга қарши курашишга ваъда берди. Кейинчалик Марк Антоний ва Октавиан ҳокимият учун курашда ашаддий рақибга айланди. Филиппдаги жангда республикачилар армияси мағлубиятга учради. Брут ва Кассит ўз жонларига қасд қилишди.

**Милоддан аввалги 41 йил** – триумвир Марк Антоний билан Миср маликаси Клеопатра учрашди.

**Милоддан аввалги 40-йиллар** – римликлар Ўрта ер денгизининг шарқий соҳилидаги мамлакатларда ва Кичик Осиёда ўз мавқеини қайта тиклаб олди.

**Милоддан аввалги 36 йил** – Марк Антоний парфияликларга қарши юриш қилди.

**Милоддан аввалги 31 йил** – Юнонистоннинг ғарбидаги Акций бурни яқинида Октавиан Август ва Марк Антоний қўшинлари ўртасида ҳал қилувчи денгиз жанги бўлди. Бу жангда Октавиан Август ғалаба қозонди.

**Милоддан аввалги 31 йил** – Октавиан Акцияда Марк Антоний ва Клеопатра флоти устидан ҳал қилувчи галабага эришди.

**Милоддан аввалги 30 йил** – Клеопатранинг ўлимидан сўнг Миср бутунлай Рим ҳокимияти ихтиёрига ўтди.

**Милоддан аввалги 27 йил** – Октавиан Римда ўзининг ягона ҳукмронлигини ўрнатди ва ғалаба байрамини ўтказди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Император Октавиан ўзига Август номини олди. Давлат ҳокимияти ва провинциялар Октавиан ва Сенат ўртасида тасдиқланди. Римда республика бошқаруви йўқолиб, у империяга айлана борди.

**Милоддан аввалги 27 йил – милодий 14 йил** – Рим императори Октавиан Августнинг ҳукмронлик даври.

**Милоддан аввалги 27 йил – милодий 476 йил** – Рим империясида императорларнинг ҳукмронлик даври.

*Рим императорлари. Юлий-Клавдийлар сулоласи (мил. авв. 27 йил – милодий 68 йил):* Август [Октавиан] (мил. авв. 27 йил – милодий 14 йил), Тиберий (14–37), Калигула (37–41), Клавдий I (41–54), Нерон (54–68). *Фуқаролар уруши даври императорлари (68–69):* Гальба (68–69); Отон (69), Вителлий (69). *Флавийлар сулоласи (69–96):* Веспасиан (69–79), Тит (79–81), Домициан (81–96). *Антонинлар сулоласи (96–192):* Нерва (96–98), Траян (98–117), Адриан (117–138), Антонин Пий (138–161), Марк Аврелий (161–180); Луций Вер (161–169), Коммод (180– 192). *Фуқаролар уруши даври императорлари (193–197):* Пертинакс (193); Дидий Юлиан (193), Клодий Альбин (193–197); Песценний Нигер (193–194). *Северлар сулоласи (193–235):* Септимий Север (193–211), Каракалла (211–217); Гета (211–212), Макрин (217–218); Элагабал (218–222), Александр Север (222–235). *Солдат императорлари даври (235–284):* Максимин (235–238), Гордиан I (238), Гордиан II (238), Пупиен (238), Бальбин (238), Гордиан III (238–244), Филипп Араб (244–259); Филипп Кичик (247–249), Деций (249–251), Деций Кичик (251), Гостилиан (251), Требониан Галл (251–253); Волузиан (251–253), Эмилиан (253), Валериан (253–260), Галлиен (253–268); Постум (Галлияда; 258–268), Викторин (Галлияда; 268–270), Клавдий II (268–270), Тетрик (Галлияда; 270–273), Квинтилл (270), Аврелиан (270–275), Тацит (275–276), Флориан (276), Проб (276–282), Кар (282–283), Карин (283–285), Нимериан (283–284), Диоклетиан (284–305), Максимиан (286– 305; 307–310), Галерий (293–311), Констанций Хлор



www.ziyouz.com kutubxonasi

(298–306), Караузий (Британияда; 286–293), Аллект (Британияда; 293 –296), Флавий Север (305–307), Максимин Дая (305–313), Максенций (307–312), Александр (Африкада; 308–311), Лициний (308–324), Константин I (306–337), Константин II (337–340), Констант (337–350), Констанций (337–361), Магненций (350–353), Юлиан (361–363), Иовиан (363–364), Валентиниан I (364–375), Валент (364–378), Грациан (367–383); Валентиниан II Кичик (375–392), Магн Максим (383–388), Флавий Виктор (384–388), Евгений (392–394), Феодосий I (379–395). *Ғарбий Рим империяси императорлари:* Гонорий (395–423); Константин III (407–411), Приск Аттал (409–410; 414–415), Констанций III (421); Иоанн (423 – 425), Валентиниан III (425–455), Петроний Максим (455), Авит (455–456), Майориан (457–461), Либий Север III (461–465), Прокопий Антемий (467–472), Олибрий (472), Глицерий (473–474), Непот (474–475), Ромул Августул (475–476).

**Милодий 1 йилнинг 1 январи** – Исо пайғамбар (Иисус Христос)нинг туғилган кунидан бошлаб кейинчалик Европада, ҳозирги пайтда деярли бутун дунёда юритиладиган милодий йил ҳисобининг боши ва йил ҳисоби системаси. Милод сўзи арабча бўлиб, «туғилиш» маъносини билдиради. Исо пайғамбар (Иисус Христос)нинг туғилган кунидан бошланади; Исо туғилған кун 1-йилнинг 1 январи деб қабул қилинган. Тарихнинг мана шу санасигача даври эски эра (милоддан аввал), кейинги даври янги эра, бизнинг эра (милодий, милодий йил) деб аталади.

**Милодий 1–30 ёки 37 йиллар** – пайғамбар Исо Масиҳ (Иисус Христос) яшаган ва фаолият кўрсатган давр. Исломда Муҳаммад (сав)дан олдинги пайғамбар сифатида алоҳида эъзозланади. Қуръонда тилга олинған пайғамбарлардан бири. Қуръонга кўра, Исо Масиҳ – Аллоҳнинг ўғли эмас, Худо ҳам эмас. Исога Инжил нозил қилинган.

Христианликда у Иисус Христос номи билан юритилиб, христианлик асосчиси ҳисобланади («Христос» сўзи юнонча бўлиб, ўзбек тилида «халоскор» маъносини англа-



www.ziyouz.com kutubxonasi

тади. Инжилга кўра, Исо Худонинг ўғли бўлган, Вифлеем (ҳозирги Бейт Лакм) шаҳрида дурадгор Иосиф (Юсуф)нинг хотини Мариядан туғилган.

Фанда Исонинг тарихийлиги эътироф этилади. У I асрнинг биринчи ярмида Фаластиннинг Галилея минтақасида Иисус (Иешуа) исми билан сайёр даъватчи сифатида фаолият кўрсатди. У яҳудийларни нотўғри йўлдан қайтариб, ҳалол ва ҳаромни тушунтира бошлади ҳамда янги дин – масиҳийликка даъват этди.

**6 йил** – Яҳудия Рим провинциясига айланди.

**14 йил** – Октавиан Рим шаҳри яқинидаги Ноле шаҳарчасидаги қароргоҳида вафот этди.

**26 йил** – Понтий Пилат Яҳудия (Исроил)нинг прокуратори (ноиби) бўлди.

**26–27 йиллар** – Тиберий Римни тарк этиб, Капри оролига ўрнашди.

**27 йил** – Иордания дарёси соҳилларида Иоанн Креститель одамларни чўқинтирган. Иисус Христос (Исо пайғамбар)нинг чўқинтирилиши.

**30 ёки 33 йил** – Исо пайгамбар чормихга тортилди.

**37–41 йиллар** – Тиберийнинг ўлимидан сўнг Калигул Римда императорлик қилди. У 41 йилда фитначилар томонидан ўлдирилди ва Клавдий император бўлди.

**49 йил** – Клавдий яҳудийларни таъқиб қилди. У ўз хотини Мессалинани ўлдириб, жияни Агриппинага уйланди.

**50 йил** – Рейн дарёси бўйида Кёльн шаҳрига асос солинди.

**54 йил** – Римда Клавдийнинг ўгай ўгли Нерон император деб эълон қилинди. Клавдий заҳарлаб ўлдирилди.

**55 йил** – император Нерон Клавдий ва Агриппинанинг ўғли Британикани ўлдирди.

**Милодий 56–117 йиллар** – Публий Корнелий Тацит яшаган ва фаолият кўрсатган. У «Тарих» китобида 68 – 69 йиллардаги фуқаролар уруши ва флавийлар сулоласининг тарихини баён этган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**68 йил** – Нероннинг ўлимидан сўнг Римда фуқаролар уруши бўлди (68–69 й.).

**69 йил** – Римнинг шарқий вилоятлари аслзодалари Флавий Веспасианни император этиб сайладилар. У Юлий Клавдийлар сулоласини (27–69 й.) Флавийлар сулоласига (69–96 й.) айлантирди.

**70 йил** – Қуддуси шариф (Иерусалим) шаҳри Веспасианнинг ўғли Тит бошчилигидаги Рим легионлари томонидан эгалланди ва вайрон қилинди. Шаҳар ва иккинчи Ибодатхона бузилди.

**79–81 йиллар** – Римда Тит Флавий тахтга ўтириб, императорлик қилди ва отасининг ишини давом эттирди.

**79 йил** – Италияда табиий офат юз бериб, Везувий вулқони отилди. Помпей, Геркуланум, Стабия шаҳарлари кул остида қолди.

**96 йил** – Римда суиқасд уюштирилиб, император Домициан ўз саройида фитначилар томонидан ўлдирилди. Домициан ўлдирилгач, сенатор Нерва император деб эълон қилинди. У атиги 2 йил ҳокимиятни бошқарди. Нерва Антонинлар сулоласи (96–192 й.)га асос солди.

**98–117 йиллар** – Рим тахтини Траян бошқарди.

**I аср охири ва II аср бошлари** – Исо пайғамбар (Иисус Христос) ҳақидаги ривоятлар ёзиб олинди. Бу ривоятлар юнонча «Евангелие» – «Хушхабар» деган маънони билдиради.

**101 йил** – Рим императори Траян Дакия шоҳи Десебал билан уруш олиб бориб, уни мағлубиятга учратди.

**106–107 йиллар** – Траян қўшинлари Дакия (Руминия) ни қайтадан истило қилди.

**114–116 йиллар** – Траян дастлаб Арманистонни босиб олиб, кейинчалик Месопотамияга қўшин тортди. Рим қўшинлари Парфия пойтахти Ктесифонни эгаллаб, Месопотамияни Римга қўшиб олди. Оссурия, Арманистон ва Месопотамия провинциялари ташкил қилинди.

**116–117 йиллар** – Шарқий вилоятларда Рим империяси зулмига қарши қўзғолон бошланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**117 йил** – Рим императори Траян Римга қайтаётиб, Кичик Осиёнинг Киликия вилоятида касалга чалиниб, вафот этди. Адриан Рим императори бўлди, у давлат ислоҳотлари ўтказди.

**132–135 йиллар** – римликларга қарши Қуддусда бўлган Симон бошлиқ яҳудийлар қўзғолони шафқатсизларча бостирилди.

**138 йил** – Рим императори Адриан вафот этди. Адриан даврида Римда ҳар жиҳатдан юксалган шаҳар барпо қилинди. Адрианнинг тутинган ўғли Антонин Пий император бўлди. У 138–165 йилларда «Рим дунёси»ни бошқарди.

**155–235 йиллар** – машҳур Рим тарихчиларидан бири Дион Кассий яшаган ва фаолият кўрсатган.

**II аср ўрталари** – Римга шимол ва шимоли-шарқдан франк, герман ва дунай қабилаларининг тазйиқи кучайди.

**II аср ўрталари** – Ғарбий Испания, Галлия ва Британияни ўз ичига олган мустақил Галлия давлати ташкил топди.

**161–180 йиллар** – Марк Аврелийнинғ Римдаги императорлик даври.

**169–175 йиллар** – Марк Аврелий Марказий Европада маркоман, квад ва сарматларга қарши жанглар олиб борди.

**180–192 йиллар** – Коммоднинг императорлик даври.

**192 йил** – Рим императори Коммод фитначилар томонидан ўлдирилди ва сўнгги Империя даври бошланди. Рим тахтини Шимолий Африканинг Улуғ Лептис шаҳридан чиққан Септимей Север эгаллади.

**II аср охири – III аср боши** – Рим салтанати таназзулга юз тутди.

**II–III асрлар** – Римда қуллар кўп бўлиб, қулдорлар уларнинг меҳнатидан хўжаликнинг ҳамма соҳаларида кенг фойдаланганлар. Бу даврга келиб қуллар меҳнатининг унумдорлиги камайиб кета бошлади.

**II–III асрлар** – Римда колонлар (камбағал деҳқонлар) нинг сони тобора ортиб борди.

**196 йил** – Септимей Север Византияни босиб олиб, шаҳар деворларини бузиб ташлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**197 йил** – Септимей Север Парфияга қарши ҳарбий юришлар қилди.

**211 йил** – Септимей Север Эбуракум (Йорк) шаҳрида ўз ажали билан ўлди. Унинг ўғли Каракалла Рим императори бўлди. Каракалла Пальмира (ҳозирги Сурия) шаҳрига Рим колонияси мақомини берди.

**215 йил** – Рим қўшинлари Месопотамияга бостириб кирди.

**216–217 йиллар** – Каракалла бошлиқ римликлар Парфияга қарши қайта уруш эълон қилди.

**217 йил** – Рим императори Каракаллага суиқасд уюштирилиб, у ўлдирилди. Римда ҳокимиятни суиқасд ташкилотчиси претория префекти Макрин эгаллади.

**222–235 йиллар** – Римда Александр Север император бўлди. Суиқасд натижасида унинг амакиваччаси император Элагабал ўлдирилган эди.

**235–238 йиллар** – Рим тахтини ҳарбийлардан бири Максим бошқарди. Ўзаро урушлар даврида Максим ҳам ҳалок бўлди.

**235–284 йиллар** – Рим тахтига 19 император ва 30 дан ортиқ ҳукмдор келиб-кетди. Тарихчилар бу даврни «солдат императорлар» даври деб аташди.

**253–268 йиллар** – Римда императорлик қилган Галлиен Римни таназзулдан қутқариб қолишга уриниб кўрди. Аммо унинг барча ҳаракатлари беҳуда кетди.

**270–275 йиллар** – Римда императорлик қилган Аврелиан халқ ҳаракатларини бостириб, салтанат бирлигини тиклашга уриниб кўрди.

**273 йил** – Аврелиан қўшинлари Суриядаги Пальмира шаҳрини ишғол қилиб, уни вайрон қилдилар. Аврелианнинг душманлари фитна уюштириб, уни ўлдирдилар (275 йил).

**276 йил** – Римда Проб император деб эълон қилинди. Аммо Проб фаолиятидан норози бўлган ҳарбийлар уни ўлдиришди (282 йил).



www.ziyouz.com kutubxonasi

**284 йил** – ҳарбий легионерлар қўшин қўмондонларидан бири Диоклетианни император деб эълон қилдилар. У Римни 21 йил давомида бошқарди.

**Тахминан 285–337 йиллар** – таниқли давлат арбоби Буюк Константин I яшаган ва фаолият кўрсатган.

**III аср** – готлар номи билан машҳур бўлган герман қабилалари Скандинавиядан Қора денгиз шимолидаги ерларга келиб жойлашди.

**III аср ўрталари** – Галлиядаги «багаудлар» – оддий деҳқонлар, колонлар ва қуллар ўз сардорлари Аманд билан Елианни император деб эълон қилдилар.

**III асрнинг иккинчи ярми** – Миср билан Пальмира ҳам Римдан ажралиб кетди.

**306–337 йиллар** – Буюк Константин I Рим империясини бошқарди.

**313 йил** – Милан эдикти (шартномаси) қабул қилиниб, унга кўра христианлик Рим империяси ҳудудида эркин эътиқодга айланди.

**324 йил 18 сентябрь** – Византия империяси ташкил топди.

**324–1453 йиллар** – Византия империяси фаолият кўрсатди.

*Византия императорлари:* Константин I (324–337), Констанций I (337–361), Юлиан (361–363), Иовиан (363–364), Валентиниан I (364 йил февраль – март), Валент (364– 378), Феодосий I (379–395), Аркадий (395–408), Феодосий II (408–450), Маркиан (450–457), Лев I (457–474), Лев II (474 йил январь – ноябрь), Зенон (474–475; 476– 491), Василиск (475–476), Анастасий (491–518), Юстин I (518–527), Юстиниан I (527–565), Юстин II (565–578), Тиберий (578–582), Маврикий (582–602), Фока (602–610), Ираклий (610–641), Константин III – Ираклий (641 йил февраль – май), Ираклион (641 йил май – сентябрь), Констас II (641–668), Константин IV (668–685), Юстиниан II (685–695; 705–711), Леонтий (695–698), Тиберий III (698–705), Филиппик (711–713), Анастасий II (713–715), Феодосий III (715–716).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Исаврийлар (Сурия) сулоласи:* Лев III (716–741), Константин V (741–742; 743–775), Артавазд (742–743), Лев IV (775–780), Константин VI ва Ирина (780–790), Ирина (790 йил январь – декабрь), Константин VI (790–797), Ирина (797–802), Никифор I (802–811), Ставракий (811 йил июль – октябрь), Михаил I (811–813), Лев V (813–820), Михаил II (820–829), Феофил (829–842), Фёдор ва Михаил III (842 –856), Михаил III (856–867).

*Македония сулоласи:* Василий I (867–886), Лев VI (886–912), Александр (912–913), Константин VII [Туғма Қирмизи] (913–920; мустақил ўзи: 945–959), Роман I [Лакапин] (920–944), Роман II (959–963), Василий II (963 йил март – август; 976–1025), Никифор II Фока (963–969), Иоанн I Цимисхий (969–976), Константин VIII (1025 – 1028), Роман III Аргир (1028–1034), Михаил IV Пафлагонянин (1034–1041), Михаил V Калафат (1041–1042), Зоя (1042 йил апрель – июнь), Константин IX [Мономах] (1042–1055), Феодора (1055–1056), Михаил VI [Стратиотик] (1056 – 1057), Исаак I Комнин (1057–1059), Константин X Дука (1059–1067), Евдокия (1067 йил май – декабрь; 1071 йил август – октябрь), Роман IV (1068–1071), Михаил VII Дука [Парапинак] (1071–1078), Никифор Вотаниат (1078–1081).

*Комнинлар сулоласи:* Алексей I (1081–1118), Иоанн II (1118–1143), Мануил I (1143–1180), Алексей II (1180–1183), Андроник 1 (1183–1185).

*Ангеллар сулоласи:* Исаак II Ангел (1185–1195), Алексей III (1195–1203), Исаак II ва Алексей IV (1203–1204), Алексей V Мурдзуфл (1204 йил январь – апрель).

*Никея императорлари:* Феодор Ласкарис (1204–1222), Иоанн III Ватадзис (1222–1254), Феодор II (1254–1258), Иоанн IV (1258 йил август – декабрь), Михаил VIII Палеолог (1258–1261).

*Константинополь императорлари. Палеологлар сулоласи:* Михаил VIII (1261–1282), Андроник II (1282–1328), Андроник III (1328–1341), Иоанн V (1341–1354; 1355– 1376; 1379–1390), Иоанн VI Кантакузин (1341–1355), Андроник



www.ziyouz.com kutubxonasi

IV (1376–1379), Иоанн VII (1390 йил апрель – сентябрь), Мануил II (1391–1425), Иоанн VIII (1425–1448), Константин XI Драгас (1449–1453).

*Трапезунт императорлари (Комнинлар):* Алексей I (1204–1222), Андроник I (1235 йилгача), Иоанн I Акзух (1238 йилгача), Мануил I (1263 йилгача), Андроник II (1267 йилгача), Георгий I (1280 йилгача), Иоанн II (1297 йилгача), Алексей II (1330 йилгача), Андроник III (1332 йилгача), Мануил II (1332 йилгача), Василий I (1340 йилгача), Ирина Палеолог (1341 йилгача), Анна ва Михаил (1342 йилгача), Иоанн II (1342 йилгача), Михаил (1349 йилгача), Иоанн Алексей III (1390 йилгача), Мануил III (1412 йилгача), Алексей IV (1429 йилгача), Иоанн IV (1458 йилгача), Давид (1461 йилгача).

*Константинополдаги Лотин империяси императорлари:* Болдуин I, Фландрский (1204–205), Генрих (1216 йилгача), Пётр де Куртне (1217 йилгача), Иоланта (1219 йилгача), Роберт Куртне (1221–1228), Болдуин Куртне (1228; мустакил ўзи: 1240–1261).

**325 йил 22 май – 25 август** – биринчи Никей собори (Вифиния)да император Константиннинг талаби билан ария (арианчилик) таълимоти муҳокама қилинди. Бу таълимот Ота худо ва Ўғил худо бирлигини қоралаган.

**330 йил** – Буюк Константин Византий шаҳри ўрнида янги шаҳар – Константинополга асос солди. У Рим империяси пойтахтини Римдан Шарққа – Константинополга кўчирди. Бу шаҳар кейинчалик Истанбул номи билан бутун дунёга машҳур бўлди.

**337 йил** – Буюк Константин ўлими олдидан христиан динини қабул қилди. Рим империяси унинг учта ўғли: Констанций II – шарқий қисм, Констант I – ғарбий қисм ва Константин II ўртасида тақсимланди.

**353 йил** – император Констанций II Рим империяси яхлитлигини қайта тиклади.

**361 йил** – Констанций II вафотидан сўнг Юлиан ягона император бўлди. У христианликдан воз кечди ва мажусийликни тиклади. Шунинг учун Муртад лақабини олди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**374 йил** – муқаддас Амвросий Медиоланский Миланнинг епископи бўлди.

**375 йил** – хуннлар томонидан вестгот ва остготлар мағлубиятга учратилди. Вестготларнинг катта қисми Дунай дарёсини кечиб ўтишга мажбур бўлди.

**375 йил** – хуннлар сардори Баламбер ўз қўшинлари билан Шимолий Қора денгиз бўйларини эгаллади.

**378 йил** – Готлар Константинополь томон йўл олдилар.

**378 йил** – Адрионополь (ҳозирги Туркиянинг Эдирна) шаҳри яқинида Шарқий империя императори Валентнинг сараланган қўшини билан готлар ўртасида шиддатли жанг бўлиб ўтди. Бу жангда Валент ҳалок бўлди.

**379–395 йиллар** – Феодосий императорлик қилди. У готлар билан сулҳ тузиб, Иллирияни уларга берди.

**381 йил** – Константинополда бўлган иккинчи Веселенский собори (христианларнинг олий диний йиғилиши) арианчилик ҳақида охирги ҳукмини чиқарди. (Арианчилик таълимотига Искандарияда руҳоний Ария томонидан 318 йилда асос солинган бўлиб, у христианликдаги оқимлардан бирини ташкил қилган. Бу оқим Никея черкови томонидан биринчи Веселенский соборида рад қилинган эди. Иккинчи соборда бу таълимот даҳрийлик деб эълон қилинди.) Григорий Назионзик Константинополь патриархи деб эълон қилинди.

**384 йил** – Рим епископи биринчи марта ўзини «папа» деб атади. Муқаддас Сириций 384–399 йилларда Рим папаси бўлди.

**387–390 йиллар** – Арманистон Рим ва сосонийлар Эрони ўртасида тақсимланди. Бу иш Эрон шоҳи Шопур III ёки Баҳром IV Чўбин ва Рим императори Феодосий I битимига биноан амалга оширилди.

**391–406 йиллар** – Библия лотин тилига таржима қилинди. Бу таржимани Иероним бажарди, у «Вульгат» номи билан машҳур бўлган. Рим черкови таржиманинг қонунийлигини тасдиқлади.

**392 йил** – Феодосий I христианлик динини Рим империясида ягона диний эътиқод сифатида эълон қилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**395 йил** – Қадимги Рим империяси икки қисмга: шарқий ва ғарбий қисмларга бўлиниб кетди. Шарқий Рим Византия империяси, ғарбий қисм Рим империяси номини олди.

**395–453 йиллар** – хуннлар йўлбошчиси Аттила (лақаби: Худонинг ғазаби) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**396 йил** – руҳоний Августин Гиппон (ҳозирги Анноба) шаҳри епископи бўлди.

**397 йил** – руҳоний Иоанн Златоуст Константинополь патриархи бўлди.

**IV асрнинг 30 – 40-йиллари** – Шимолий Африкадаги Нумибияда, кейинчалик эса Мавританияда Рим ҳукмронлигига қарши жуда катта халқ қўзғолонлари бўлди.

**IV аср ўрталари** – тожу тахт учун кураш, порахўрлик, фаҳш ва дабдаба, разолат ва ўғрилик ҳамда табақавий курашлар Римни заифлаштириб юборди.

**IV асрнинг иккинчи ярми** – Рим, Константинополь, Антиохия, Болқон ярим ороли, Кичик Осиё, Искандария ҳамда салтанатнинг бошқа шаҳар ва қишлоқларида ҳам тез-тез ғалаёнлар бўлиб турди.

**IV аср охири** – Римда Зевсга бағишланган Олимпия ўйинлари ўтказиш тақиқланди.

**IV–V асрлар** – Римдаги халқ ҳаракатларида қўзғолончиларнинг варварлар билан иттифоқи кўзга ташланди.

**IV–VI асрлар** – Европада халқларнинг буюк кўчиши.

**Тахминан 400–534 йиллар** – Вандаллар давлати мавжуд бўлган.

*Вандаллар қабиласи етакчилари [Вандал қироллари]:* Годагисл (? –407), Гундерих (407–428), Гейзерих (42–477), Кунерих (477–484), Гунтамунд (484–496), Тразамунд (496–523), Хильдерих (523–530), Гелимер (530–534).

**402 йил** – шарқий герман қабилаларидан бири готларнинг Италияга биринчи ҳужуми уюштирилди.

**402 йил** – император Гонорий томонидан Равенна шаҳри Ғарбий Рим империясининг пойтахти деб эълон қилинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**406 йил** – вандал, свев, алан каби герман қабилалари Рейн дарёсини кечиб ўтиб, Галлияга бостириб кирдилар. Улар ўз йўлларидаги барча нарсани талаб, Испаниягача бордилар.

**407 йил** – Рим легионлари Британияни тарк этиб, варварларга қарши курашга отланди.

**408–450 йиллар** – Шарқий Рим империяси тахтини отаси Аркадий ўрнига Феодосий II бошқарди.

**408 йил** – вестготлар Аларих бошчилигида Римга бостириб кириб, уни талаб қайтдилар.

**410 йил** – вестготлар Аларих бошчилигида Римга учинчи марта бостириб кириб, шаҳарни 3 кун талаб, Италия жанубига қараб қўшин тортишди.

**418 йил** – Рим вестготларнинг Аквитаниядаги ҳокимиятини тан олишга мажбур бўлди. Ғарбий империя ҳудудида биринчи Варвар давлати пайдо бўлди. Унинг ҳукмдори Теодорих I эди.

**419 йил** – вестготларнинг Тулуза қироллигига асос солинди.

**420 йил** – вандаллар Бетикага чекинди. Бу жой ўша пайтдан бошлаб Андалусия (Вандалусия – вандаллар мамлакати) деб аталди.

**425 йил** – Феодосий II томонидан Константинополда христиан университети ташкил қилинди.

**425–455 йиллар** – Ғонорийнинг ўлимидан сўнг Валентиниан III Ғарбий империя ҳукмдори бўлди.

**429 йил** – Испанияни эгаллаган вандаллар ва аланлар Гибралтар бўғози орқали Шимолий Африкага ўтиб жойлашдилар.

**433–453 йиллар** – амакиси Ругила вафот этгач, тахтга Аттила ўтирди ва Хуннлар давлати подшоси бўлди. Аттила даврида Марказий Европанинг жуда кўп қабилалари хуннларга тобе бўлди. 451 йили хуннлар Галлияга бостириб кирди.

**434 йил** – лашкарбоши Аэций Флавий Ғарбий Рим империясининг амалдаги ҳукмдорига айланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**439 йил** – аланлар ва вандаллар Шимолий Африкада пойтахти Карфаген бўлган Алан-Вандал подшолигини туздилар.

**441–443 йиллар** – англ, ют ва сакс қабилалари Британия оролларини босиб олди. Британия аҳолисининг бир қисми Арморика (Британиянинг кельтча номи) дан бошпана топди.

**449 йил** – хуннлар подшоси Аттила Ўрта Дунай пасттекислигида жойлашиб, Шарқий империянинг ғарбий ерларини тарк этишга розилик берди.

**449 йил** – Британия англосакслар томонидан забт этилди.

**450–457 йиллар** – Византия императори Марцианнинг ҳукмронлик даври.

**V аср ўрталари** – Евроосиё даштларида ташкил топган Хуннлар давлати анча кучайди.

**451 йил 15 июнь** – Ғарбий Рим империяси ва унинг иттифоқчилари (франклар, вестготлар, бургундлар, аланлар ва б.) ҳамда Аттила бошчилигидаги хуннлар ва уларнинг иттифоқчилари (остготлар, гепидлар ва б.) ўртасида Каталаун жанги (Шимоли-Шарқий Франциянинг Труа шаҳри ғарбидаги Каталаун яланглигида) бўлиб ўтди. Каталаун жанги тарихда «халқлар жанги» номи билан машҳур бўлган. Бу жангда 180 000 киши ҳалок бўлди. Жангдан кейин Аттила Рейн ортига қайтди ва янги куч билан Шимолий Италияга бостириб кирди.

**452 йил** – Аттила қўшинлари Италияга бостириб кириб, унинг шимолидаги шаҳар ва қишлоқларни талаб, Дунай дарёси орқали ортга қайтди.

**453 йил** – Аттила вафот этгач, Хуннлар давлати кучсизланди. Унга тобе бўлган қабилалар мустақил бўлиш учун қўзғолон кўтарди. Хуннлар Париж ва Рим атрофларидан орқага чекиндилар. Хуннлар давлати таназзулга юз тутди. Уларнинг 455 йили Паннонияга, 469 йили Болқон ярим оролига қилган юришлари мағлубият билан тугади.

**V аср охирлари** – Европадаги Хуннлар давлати барҳам топди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**454 йил** – император Валентиниан III лашкарбоши Аэцийнинг куч-қудрати ва мавқеидан кўрқиб, уни қатл эттирди.

**455 йил** – Аттиланинг ўлимидан сўнг Гейзерих бошчилигидаги қадимги герман халқларининг шарқий тармоғига мансуб қабилалар – вандаллар Италияга бостириб кирдилар ва Римни ишгол қилиб, икки ҳафта давомида бойликларини талаб, шаҳарни вайрон қилдилар. [Шу туфайли маданий қадриятларни бекордан-бекорга йўқ қилинишини англатувчи *вандализм* тушунчаси пайдо бўлди.]

**457–474 йиллар** – Лев I нинг ҳукмронлик даври. У Константинополь патриархи томонидан тож кийдирилган дастлабки Шарқий Рим императори бўлди.

**Тахминан 457–751 йиллар** – Франк давлатидаги меровинглар биринчи қироллик сулоласининг ҳукмронлик даври. Сулоланинг афсонавий асосчиси – Меровей (сулола номи шундан). Сулоланинг амалдаги асосчиси Хильдерик I ҳисобланади. Сулола вакили Хлодвиг I эса Франк давлатига асос солди.

*Меровинглар сулоласи:* Хильдерик I (457–481), Хлодвиг I (481 – 511); Хильперик I (561–584; маркази Суарсон бўлган франклар ерининг бир қисмида); Сиғеберт (561–575; Австризияда); Хлотар II (584–629; Нейстрияда – 613 йилгача); Дагоберт I (629–639); Хильдерик III (743–751; Пипин Пакана томонидан тахти эгалланган) ва бошқалар.

**474–491 йиллар** – Византия императори Зенонинг ҳукмронлик даври.

**476 йил** – вандаллар доҳийси Ғейзерих Шарқий Рим империяси томонидан Африка, Корсика, Сардиния ва Балеар оролларида ўз ҳуқуқининг тан олинишига эришди.

**476 йил** – герман ёлланма аскарлари сардори Одоакр Рим шаҳрига бостириб кириб, Ғарбий Римнинг сўнгги императори 15 ёшли Ромул Августулни тахтдан ағдариб ташлади, Рим қулади. Ғарбий Рим империяси тугатилди. Шарқий Рим империяси эса Византия номи билан яна 1000 йилга яқин мавжуд бўлган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ИЛК ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ

## (V–VIII асрлар)

**476 йил** – Европада илк ўрта асрлар даври бошланди.

**479 йил** – Хитойда Сун сулоласи ўрнига Ци сулоласи ҳокимиятга келди.

**481 йил** – меровинглар уруғидан бўлган франклар қироли Хильдерик I вафот этди. Тахтга унинг ўғли Хлодвиг ўтирди.

**481–511 йиллар** – Франклар қироли Хлодвиг I ҳукмронлик қилди.

**486 йил** – Франклар давлати Хлодвиг I томонидан ташкил топди. Хлодвиг I Римнинг Галлиядаги сўнгги мулкларини эгаллади ва Шимолий Галлияда назоратни ўз қўлига олди.

**486 йил** – франклар Шимолий Галлияни Луара дарёсигача истило қилди.

**487–541 йиллар** – Биринчи Уйғур хоқонлиги даври («Аравалилар» давлати).

*Биринчи Уйғур хоқонлари:* Ай Ужру (487–508), Бариян (508–510), Ботур (510–516), Эл Бек (516–520), Юку (520–537), Багчи (537–541).

**493 йил** – остготлар доҳийси Теодорих I томонидан Одоакр ўлдирилди. У бутун Италиянинг (пойтахти – Равенна) ҳукмдорига айланди.

**493–555 йиллар** – Италияда Остготлар давлати.

**496 йил** – руҳоний Тақводор Реми (Ремигий) Рейнс шаҳрида Хлодвигни чўқинтирди. Варвар давлатлари ичида энг йириги бўлган Франк қироллиги христиан динини католик формасида биринчи бўлиб қабул қилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**VI аср боши** – славянлар Византияга бостириб кирди.

**502 йил** – Хитойда Лян сулоласи Ци сулоласини ағдариб ташлади. Император У-Ди мамлакатда буддавийликни кенг тарғиб қилди.

**507 йил** – франклар Жанубий Галлияни босиб олди. Вестготлар Пиреней ортига сиқиб чиқарилди.

**508 йил** – остготлар томонидан Прованс босиб олинди.

**517 йил** – Дунай атрофида славянлар илк марта пайдо бўлишди.

**518–527 йиллар** – Византия императори Юстин I нинг ҳукмронлик даври.

**527–565 йиллар** – Византияда император Юстиниан I нинг ҳукмронлик даври. Бу даврда Византия империяси гуллаб-яшнади. Византиянинг биринчи олтин асри.

**532 йил** – Константинополдаги Ника қўзғолони император Юстиниан I томонидан бостирилди. Император Эрон шоҳи Хусрав I билан абадий тинчлик сулҳи имзолади.

**532–537 йиллар** – Константинополда Муқаддас София ибодатхонаси қурилди. Меъморий обида ижодкорлари меъмор Анфелий Траллийский ва математик Исидор Милетский бўлган.

**534 йил** – франклар Бургундияни босиб олди.

**535–555 йиллар** – Италиядаги Остготлар давлатининг ҳудуди Византия томонидан босиб олинди.

**536 йил** – франклар томонидан Прованс вилояти ерлари босиб олинди.

**536–546 йиллар** – Константинополда Муқаддас Апостол ибодатхонаси қурилди.

**538 йил** – буддавийлик дини Кореядан Японияга кириб келди. Бу сана Япония тараққиётида қадимги давр (кўрғонлар даври)нинг тугаши ва тарихий даврнинг бошланиши сифатида эътироф этилади.

**550–800 йиллар** – Марказий ва Жанубий Ҳиндистонда паллавлар сулоласи ҳукмронлик қилди. Бу пайтда ҳинд цивилизацияси Жанубий Осиёга тарқалди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**VI аср ўртаси – VIII аср охири** – Иккинчи Авар хоқонлиги даври. Паннония (ҳозирги Венгрия, Югославия ва Австрия ҳудудининг бир қисми)да аварларнинг давлат бирлашмаси бўлган. Давлатга йирик саркарда Баёнхон асос солган.

**551 йил** – Бумин томонидан Буюк Турк хоқонлигига асос солинди. Давлатнинг маркази Олтойда бўлган. У тез орада Хитойдан Қора денгизгача бўлган ҳудудни эгаллаб, қудратли давлатга айланди.

**551–603 йиллар** – Биринчи Турк хоқонлиги даври.

**551–745 йиллар** – Буюк Турк хоқонлиги фаолият кўрсатан давр.

Бу давлат 603 йилда Шарқий Турк хоқонлиги ва Ғарбий Турк хоқонлигига бўлиниб кетди. Биринчи Турк хоқонлиги даври 551–745 йилларни, Иккинчи Турк хоқонлиги даври 603–748 йилларни ўз ичига олади.

*Буюк Турк хоқонлари (Кўк Турк хоқонлари):* Бумин (551–553), Муқан (553–572), Таспар (572–581), Савар Лохан (581–587), Чор Бага (587–588), Тўнга Турон (588–600), Кикин Тури (600–603).

*Шарқий Турк хоқонлари:* Кикин Тури (603–609), Сивар (Шиби; 609–619), Чулук (619–621), Эл-хоқон (620/621–630/639), Сирба (639–646), Чиби (646–647), Иби Толо (647–653), Чинжу ябғу (653–659), Асина Торчи (659–676), Тучи (676–678), Асина Низук (679–680), Асина Инан (680), Асина Қутлуқ (Қутлуғ Элтариш; 680–691), Бекчўр Қапаган (691–716), Билга (716–734), Асина Билга (734–739), Билга Қутлуг (739–741), Пан Кол (741–742), Суйин (742), Озмиш (742–744), Болмиш (744–745).

*Ғарбий Турк хоқонлари (Ўн ўқ бошқаруви ҳукмдорлари):* Истами ябғу (552–576), Билга Тарду (576–600) + Апа (576–593); Инал (593–600); Чолу [Чўра] (600–610), Шихэй (Шегуй; 610–618), Тун ябғу (618–630), Си ябғу (630–633), Багаша Толис (633–634), Ишпара Тириш Тунна (Эл-билга Ишбара; 634–641), Епи Толу (641–651), Асина Алп (Улуғ Ишбара; 651–657), Асина Миш (658–662), Асина Бор-



www.ziyouz.com kutubxonasi

кин (662–666), Асина Торчи (671–679), Асина Низук Бек (679–680); Асина Ялчин (686–693), Асина Хужилу (иккинчи марта; 686– 690), Асина Кайду (699–704), Асина Шан (704–710), Ужили (710), Соги (710–718), Сулухан (718–738), Асина Ўн Ўқ (738–742) ва б.

**561–584 йиллар** – франклар қироли Хилперикнинг ҳукмронлик даври.

**568 йил** – туркий қабилалар ҳисобланган аварлар ҳозирги Венгрияга келиб жойлашди.

**568 йил** – лангобардлар Шимолий Италияни истило қилди.

**570/571–632 йиллар** – ислом дини ва биринчи мусулмон жамоасининг асосчиси Пайғамбар Муҳаммад (сав) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**581 йил** – Хитойда саркарда Ян Цзянь томонидан Суй империяси вужудга келди. Хитойнинг бирлашиши.

**581–618 йиллар** – Хитойда Суй сулоласи ва Суй хонлиги ҳукмронлик қилди. Суй сулоласига Ян Цзянь (Янг Жян) асос солиб, у император Вэнь-Ди номи билан 581–604 йилларда ҳукмронлик қилди. 589 йилда Хитой жануби ва шимолини бирлаштириб, хитойлик бўлмаган элатларнинг шимолдаги ҳукмронлигига чек қўйди. Давлат пойтахти – Чаньян (ҳозирги Сиан) шаҳри бўлган. Деҳқонлар қўзғолонлари ва ички низолар натижасида Суй сулоласи барҳам топиб, 618 йилда Тайюань (ҳозирги Шаньси вилояти) ноиби Ли Юань ҳокимиятни эгаллаб, янги Тан сулоласига асос солди

*Суй сулоласи:* Вэнь-Ди (Ян Цзянь) (581–604), Ян-Ди (Ян Гуан) (605–617), Гун-Ди (Ян-Ю) (617–618).

**585–782 йиллар** – Бухоро шаҳри ва унинг атрофида мавжуд бўлган Бухорхудотлар подшолиги (ҳокимлиги) даври. Бу давлат Ғарбий Суғд (Бухоро воҳаси)да бўлган. Унинг пойтахти Бухоро ва Варахша шаҳарлари эди.

*Бухорхудотлар [Эларслонийлар] туркий сулоласи подшолари:* Эларслон (Шери Кишвар) (585–605); Шелидин/Шели (605–620), Нишу Гяна Шад/Кано (620–630), Хелинце (630–639/640), Ша/Шаба (639/640–660), Бидун (660–673),



www.ziyouz.com kutubxonasi

Малика Хотун [Қабаж Хотун; Хўтак Хотун] (673–692), Тағшода I ибн Бидун (692–724), Тағшода II (724–738), Қутайба ибн Тағшода (738–753), Тағшода III (753–768), Сукон (768–775), Бунёд (775–782) ва бошқалар.

**590–604 йиллар** – Григорий I Буюк Рим папаси бўлди.

**600 йил** – қора порох Хитойда илк марта тилга олинди.

**VI аср охири – VIII аср бошлари** – Бухоро воҳасининг шимоли-ғарбий қисмида Вардонхудотлар подшолиги (ҳокимлиги) фаолият кўрсатди.

*Вардонхудотлар подшолари:* Вардонхудот ва бошқалар.

**Тахминан 600–894 йиллар** – Уструшона мулки мавжуд бўлган ва уни афшинлар идора этган. Бу мулк ҳам аввал Турк хоқонлиги, сўнгра Араб халифалиги таркибида бўлган.

*Уструшона афшинлари [ҳукмдорлари] (600–894 йиллар):* Чирдмиш, Сатачари I, Раханч I; Сатачари II, Сатачари III, Раханч II, Раханч III; Харабуга [Қорабуға] (720–738), Ханахара [Хонқора] (738–800), Кобус (800–825), Ҳайдар [ал-Афшин] (825–840), Ҳасан (840–860), Абдуллоҳ (860–880), Сайр (880–894) ва бошқалар.

**603 йил** – Буюк Турк хоқонлиги давлати Шарқий Турк хоқонлиги ва Ғарбий Турк хоқонлигига бўлиниб кетди.

**Тахминан 605–741 йиллар** – Турк хоқонлиги таркибида Чоч мулки мавжуд бўлган.

*Чоч ҳукмдорлари (605–741 йиллар):* Тегин Тянчжини (605–609); Ган-тутун [Тўн тудун] (658); Мохеду тутун [Баҳодур тудун; Бадар тархон] (713–740), Инай тутун Кюйле [Инай тудун Кюлюк] (741) ва бошқалар.

**603–745 йиллар** – Иккинчи Турк хоқонлиги даври.

**605–846 йиллар** – Иккинчи Уйғур хоқонлиги даври (Уйғур – Урхун хоқонлиги). Шарқий Турк хоқонлиги ҳудудида Иккинчи Уйгур хоқонлиги 605 йилда ташкил топди. Унга Текин Аркин асос солди. Баъзи адабиётларда бу давлат Уйғур хоқонлиги деб аталиб, Босмил хоқонлиги (742–744) дан сўнг, 745 йилда ташкил топган ҳам дейилади. Хоқонлик пойтахти – Қоракурум шаҳри (Урхун дарёсининг чап қирғоғида). Уйгурлар ўтроқ ҳаёт кечиришга ўтди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Иккинчи Уйғур хоқонлари:* Текин Аркин (605– ?), Пуса (646– ?), Тумид (646–648), Баян (648–661), Базхан (661–681), Тогучи (681–715), Утибек (715–719), Чинзон (719– ?), Утинан (727– ?), Гошу (727– ?); Етимиш (742–747), Баянчур (747–759), Эл Текин (759–779), Тон Бага (779– 789), Тарас (789–790), Айчур (790–795), Қутлуқ (795– 805), Ҳазар Текин (824–832), Ху Текин (832–839), Кичик Текин (839–840), Уги Текин (841–844), Инан Текин (845– 846) ва б.

**607 йил** – Япониянинг Нара шаҳри атрофида Хоруиджи номли будда ибодатхонаси қурилди.

**610 йил** – Муҳаммад ибн Абдуллоҳ (сав) нинг пайғамбарлик фаолияти бошланди.

**610–641 йиллар** – Византия императори Ираклийнинг ҳукмронлик даври. У варварлар ва форсларга қарши курашди. Мамлакатда ҳаётни йўлга қўйди.

**610 йил** – император Ираклий ҳукмронлиги даврида Византия империясининг расмий тили бўлган лотин ўз ўрнини юнон (грек) тилига бўшатиб берди.

**611–613 йиллар** – Эрон шоҳи Хусрав II Ахтиокия, Каппадокия, Сицилия ва Фаластинни эгаллади.

**614 йил** – Хусрав II Қуддуси шарифни босиб олди ва Эронга муқаддас буюмларни олиб кетди.

**Тахминан 618–750 йиллар** – Турк хоқонлиги таркибида Тохаристон [Тўхористон] мулки мавжуд бўлган. Тохаристон тарихий вилоятига ҳозирги Жанубий Ўзбекистон, Жанубий Тожикистон ва Шимолий Афғонистон ҳудудлари кирган. VII аср бошларида Тохаристон 27 та алоҳида мулк: Балх, Қундуз, Термиз, Чағониён, Хутталон ва бошқалардан иборат бўлган.

*Тохаристон ябғулари [ҳукмдорлари] (618–750 йиллар):* Тегин [Деле] (VI аср сўнгги чораги); Тарду шод ябғу [Датуше] (618–630), Ишбара ябғу [Шабало-шеху] (630–650); Ашина Учебо (653–660); Гун Ишбара ябғу (VII аср сўнгги чораги), Надунили (700–720), Қутлуг Тун Тарду [Гудулу Тун Дату] (720–730); Шилиман Гало [Сулаймон – ?] (750) ва бошқалар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**618 йил** – Хитойда дастлабки чинни буюмлар тайёрланди (чинни буюмлар тайёрлаш техникаси X асрда юксак чўққига чиқди).

**618 йил** – Хитойда Ли Юаню томонидан Тан империяси ташкил қилинди.

**618 – 907 йиллар** – Хитойда Тан сулоласи ва марказлашган давлати ҳукмронлиги даври. Тан сулоласига 618 йил ноиб Ли Юань асос солиб, у Гао цзу номи билан 618–626 йилларда давлатни бошқарди. У туркий қавмлар ёрдамида ҳокимиятни эгаллади. Бу сулола Суй сулоласидан кейин ҳокимиятга келди. Давлат пойтахти Чаньян (ҳозирги Сиан) шаҳри. Тан сулоласи ўзаро низолар ва халқ қўзғолонлари натижасида 907 йил 15 та майда ҳокимликларга бўлиниб кетди.

*Тан сулоласи вакиллари (618–907):* Гао цзу [Ли Юань] (618–626), Тай-цзун [Ли Шиминь] (627–649), Гао-цзун [Ли Чжи] (650–683); Чжун-цзун [Ли Сянь] (684), Жуй-цзун [Ли Дань] (684/690); Цзэ Тянь-хоу [У Чжао] (684/690–705); Чжун-цзун [Ли Сянь/Ли Чжэ] (705–710), Вэнь-ван [Ли Чунмао] (710), Жуй-цзун [Ли Дань] (710–712), Сюань-цзун [Ли Луи-цзи] (712–756), Су-цзун [Ли Хэн] (756–762), Дай-цзун [Ли Юй] (763–779), Дэ-цзун [Ли Гуа] (780–805), Шунь-цзун [Ли Сун] (805), Сянь-цзун [Ли Чунь] (806–820), Му-цзун [Ли Хэн] (821–824), Цзин-цзун [Ли Чжань] (825– 827), Вэнь-цзун [Ли Ан] (827–840), У-цзун [Ли Чань] (841–846), Сюань-цзун [Ли Чэнь] (847–859), И-цзун [Ли Цуй] (860 – 873), Си-цзун [Ли Янь/Сюань] (874–888), Чжао-цзун [Ли Е/ Цзе] (889–904), Чжао Сюань-ди [Ли Чжу] (904–907).

**622 йил** – Византия императори Ираклий форсларни Кичик Осиёдан қувиб чиқарди.

**622 йил 16 июль** – Пайғамбаримиз Муҳаммад (сав) нинг Маккадан Мадинага ҳижратлари. Шу кундан мусулмонларнинг ҳижрий йил ҳисоби бошланди.

**629 йил** – буддавийлик дини Тибетга тарқалди.

**629–645 йиллар** – хитойлик будда монахи Сюань Цзан Ҳиндистонда зиёратда бўлди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**630 йил** – араб қабилалари пайғамбар Муҳаммад (сав) томонидан ягона давлатга бирлаштирилди.

**630 йил** – Марказий Осиё ва Хитойда несториан христиан жамоалари вужудга кела бошлади.

**Тахминан 630–745 йиллар** – Турк хоқонлиги таркибида Фарғона мулки мавжуд бўлган ва уни афшинлар идора этган.

*Фарғона афшинлари [ҳукмдорлари] (630–745 йиллар):* Ашина Шуни (630–645), Йебочжи (645–660), Аляоцен [Ҳуминда] (640–660), Алатар [Алутар] (700–720/726), Арслон Тархон [Асилян-даган] (726/739–745) ва бошқалар.

**632 йил** – Араб халифалиги ташкил топди. Халифаликнинг марказий шаҳри Мадина бўлган.

**632–661 йиллар** – *Хулафои рошидин («Тўғри йўлдан борувчи халифалар») даври:* Абу Бакр Сиддиқ (632–634), Умар ибн Хаттоб (634–644), Усмон ибн Аффон (644–656), Али ибн Абу Толиб (656–661).

**632–634 йиллар** – халифа Абу Бакр Сиддиқ ҳукмронлиги даври.

**634–644 йиллар** – халифа Умар ибн Хаттоб ҳукмронлиги даври. Бу даврда Сурия, Миср, Месопотамия ҳамда Эрон халифалик таркибига киритилди ва ислом динини қабул қилди.

**637 йил** – араб қўшинлари Кадесия яқинида бўлган жангда Эрон сосонийлари қўшинини енгиб, Месопотамияни қўлга киритди.

**637–651 йиллар** – Эрон араб қўшинлари томонидан босиб олинди.

**640–642 йиллар** – Византия Мисри араблар томонидан босиб олинди.

**642 йил** – Нехавонд яқинида бўлган жангда араблар сосонийлар сулоласининг сўнгги ҳукмдори Яздигард III қўшинини тор-мор келтирди.

**644–656 йиллар** – халифа Усмон ибн Аффон ҳукмронлиги даври. Бу даврда халифа Умарнинг сиёсати давом эттирилди. Қуръони карим матнига тартиб берилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**647–649 йиллар** – мусулмонларнинг биринчи денгиз экспедицияси Кипрни эгаллади.

**Тахминан 650 йил** – хазарлар (туркий тилли қабилалар) Дон дарёси қирғоқларига келиб ўрнашди.

**Тахминан VII аср ўрталари – X аср охири** – Хазар хоқонлиги фаолият кўрсатди. Бу давлат Ғарбий Турк хоқонлиги парчаланиши натижасида Қуйи Волгабўйи ва Шимолий Кавказнинг шарқий қисмида вужудга келган туркий халқларнинг илк ўрта аср давлати. Хоқонлик пойтахти Самандар (ҳозирги Доғистон), сўнгра Итиль шаҳри (Қуйи Волга) бўлган. Аҳоли туркий ҳазар тилида гаплашган.

**651 йил** – сосонийлар сулоласининг сўнгги шоҳи Яздигард III ўлдирилди. Сосонийлар давлати тугатилди. Эрон узил-кесил араблар ҳокимиятини тан олди. Зардуштийлик ўрнига ислом дини жорий қилинди.

**656–661 йиллар** – халифа Али ибн Абу Толиб ҳукмронлиги даври.

**657 йил** – хорижийлар (арабча – ажралиб чиққан, исёнчи) фирқаси халифа Али тарафдорлари ўртасидан ажралиб чиқиб, исломда илк оқимни вужудга келтирди. Халифа Али билан умавийлар ўртасида ҳокимият учун курашда улар ҳар икки томонга қарши муросасиз курашганлар. Хорижийлар фирқаси кескин фикрлари билан кўпчилик мусулмонларнинг норозилигига сабаб бўлган.

**660–688 йиллар** – Силла давлати томонидан Корея бирлаштирилди. Хитойнинг тин сулоласи вакиллари бу ишга ёрдамлашди.

**661 йил** – Али ибн Абу Толиб ёлланма қотиллар томонидан Куфада ўлдирилди. Халифаликда умавийлар сулоласи ҳокимият тепасига келди. Муовия I зўравонлик билан диний ва дунёвий ҳокимиятни эгаллади. Халифалик пойтахти Дамашққа кўчирилди. Али тарафдорлари шиалар деб аталди.

**661–750 йиллар** – умавий халифаларининг ҳукмронлиги даври. Бу даврда ислом Шимолий Африкага кенг тарқалди, халифалик пойтахти Дамашқ бўлган. Шу туфайли бу халифаликни Дамашқ халифалиги деб ҳам аташади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Умавий халифалари:* Муовия I (661–680), Язид I (680–683), Муовия II (683–684), Марвон I (684–685), Абдулмалик (685–705), Валид (705–715), Сулаймон (715–717), Умар (717–720), Язид II (720–724), Ҳишом (724 –743), Валид II (743–744), Язид III (744), Иброҳим (744), Марвон II (744–750).

**661–755 йиллар** – Умавийлар халифалиги томонидан тайинланган Хуросон ва Мовароуннаҳр ноиблари фаолияти.

*Умавийлар давридаги Хуросон ноиблари (ҳижрий 41–132/ милодий 661–755 йиллар):* Қайс ибн ал-Хайсам (41–42/661–663), Абдуллоҳ ибн Хазим ибн Забйон ас-Сулайми (43/663–664), Ибн Амир Аслам ибн Зуръа ал-Килабий (43–44/664–665), Ҳакам ибн Амр ал-Ғифорий (45/665–666), Хулайд ибн Абдуллоҳ ал-Ханафий (45–51/666–671); Ғолиб ибн Фадал ал-Лайсий (48/668–669); Рабиъ ибн Зиёд ал-Хорисий (51–53/671–672), Убайдуллоҳ ибн Рабиъ ибн Зиёд (53–55/672–675), Сайид ибн Усмон ибн Аффон (56–58/676–678), Абдурраҳмон ибн Зиёд ибн Сумайя (58–61/677–680), Салм ибн Зиёд [Абу Ҳарб] (61–63/680–682), Абдуллоҳ ибн Хазим ибн Забйон ас-Сулами (64–72/683–692), Букайр ибн Вишах ас-Саъдий (73–74/693–694), Умайя ибн Абдуллоҳ ибн Холид (74–78/694–697), Мухаллаб Абу Суфра ал-Аздий (78–82/698–702), Йазид ибн ал-Мухаллаб ибн Абу Суфра (82–85/702–704), Муфаддал ибн ал-Мухаллаб ибн Абу Суфра (85/704–705), Қутайба ибн Муслим ал-Боҳилий [Абу Хафс] (86–96/705–715), Йазид ибн ал-Мухаллаб ибн Абу Суфра (97–99/715–717), Жарроҳ ибн Абдуллоҳ ал-Ҳакамий (99–100/717–719), Абдурраҳмон ибн Нуайм ал-Ҳамидий (100–101/719), Саид ибн Абдулазиз ибн ал-Хорис [Хузайна] (101–102/719–721), Саид ибн Амр ибн ал-Асвод ал-Хароший (103–104/721–723), Муслим ибн Саид ибн Аслам ибн Зуръа ал-Килабий (104–105/723–724), Асад ибн Абдуллоҳ Абу Мунзир (105–109/724–728), Ашрас ибн Абдуллоҳ ас-Суламий (109–111/728–730), Жунайд ибн Абдурраҳмон ал-Муррий (111–115/730–734), Асим



www.ziyouz.com kutubxonasi

ибн Абдуллоҳ ибн Йазид ал-Ҳилолий (115–117/734–736), Асад ибн Абдуллоҳ Абу Мунзир (117–120/736–738), Жудия ибн Али Кермоний (120/737–738), Наср ибн Сайёр ал-Лайсий (121–131/739–748), Абу Муслим Абдурраҳмон (132–137/749–755).

**670 йил** – тибет ва хитойликлар Марказий Осиёда ўзаро тўқнашдилар.

**673–677 йиллар** – Константинополь мусулмонлар флоти томонидан биринчи марта қамал қилинди.

**Тахминан 680 йил** – булғорлар (туркий халқ) Византия армиясини мағлубиятга учратиб, Дунай воҳасига кирди ва Биринчи Булғор подшолигини тузди. (Булғорлар кейинчалик христиан динини қабул қилиб, ўз туркий тилларини унутди ва жанубий славян халқи – болгарларга айланди.)

**680–1018 йиллар** – Биринчи Булғор подшолиги. Булғорларнинг дастлабки давлати Болқон ярим оролининг шимолида ташкил топди. Давлат пойтахти Плиска, 893 йилдан Преслов шаҳри бўлган.

**685–687 йиллар** – Эроннинг Куфа шаҳрида камбағаллар ва ҳунармандлар қўзголон кўтарди.

**690 йил** – дастлабки мусулмон олтин тангалари зарб қилинди.

**690 йил** – ирланд денгизчилари Фаррер оролларини очишди.

**691–692 йиллар** – Қуддуси шарифда дастлабки ислом обидаси – Умар масжиди қурилди.

**698 йил** – араблар Карфагенни Византия империясидан бутунлай тортиб олдилар.

**699–766 йиллар** – Туркаш хоқонлиги фаолият кўрсатган давр. Бу туркий давлат ҳудуди Чочдан Жунғориягача бўлиб, унга туркаш қабилаларининг бошлиғи Уч Элиг асос солган.

**699–767 йиллар** – ҳанафийлик мазҳаби асосчиси Имом Аъзам Абу Ҳанифа (Собит ибн Нўъмон) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**VII аср** – Ҳиндистонда Харша империяси ташкил топди.

**VII–VIII асрлар** – Африкада Нигер ва Сенегал дарёлари ҳавзасида илк давлатлар: Гана, Мали, Сонгаилар ташкил топди.

**700– 1100 йиллар** – Америка қитъасида Анасизи маданияти: публо қабилалари.

**705 йил** – Дамашқда Умавийлар масжиди қурилди.

**709 йил** – мусулмонларнинг Марказий Осиёга (Эрондан) юриши, Мовароуннаҳр (Туркистон)нинг эгалланиши.

**710 йил** – Қуддуси шарифда Ал-Ақсо масжиди ва бошқа меъморий обидалар қурилди.

**711 йил** – мусулмон қўшини Гибралтар бўғозини кечиб ўтиб, вестготлар қироли Родерихни енгиб, Испанияни эгаллади. Араблар Жабал ут-Торик бошчилигида Испанияни босиб олди (Гибралтар бўғозининг номи унинг исми шарифидан олинган.)

**711–714 йиллар** – Испания араблар томонидан босиб олинди.

**712–713 йиллар** – араблар Ҳиндистонга бостириб кириб, Синд ва Панжобнинг бир қисмини эгаллади.

**715–741 йиллар** – франклар қироли Карл Мартелл ҳукмронлиги даври.

**717 йил** – Лев III Византияда ҳокимиятни босиб олди ва Исаврийский (Сурия) сулоласига асос солди.

**724–743 йиллар** – умавийлар сулоласи халифаси Ҳошимнинг ҳукмронлик даври.

**732 йил** – франклар қироли Карл Мартелл араблар ҳужумларига чек қўйди. Пуатье жангида араблар мағлубиятга учради. Пуатье мусулмонларнинг оёғи етган ғарбдаги энг чекка ҳудуд бўлди.

**741–768 йиллар** – франклар қироли Пипин Пакана ҳукмронлиги даври.

**742–743 йиллар** – илк ўрта асрлар даврида сўнгги оммавий вабо эпидемияси.

**745 йил** – Эронда шиалар қўзғолон кўтарди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**747–749 йиллар** – Хуросонда Абу Муслим қўзғолони. Бу қўғолон Араб халифалиги ҳокимиятига қарши кўтарилди.

**749–750 йиллар** – умавийлар ҳокимият тепасидан кетди. Аббосийлар халифалик ҳокимиятини эгаллади. Аббосийлардан 37 киши халифа бўлган. Улар ўз келиб чиқишларини Пайғамбар Муҳаммад (сав)нинг амакиси Аббос билан боглашади.

**749–1258 йиллар** – аббосийлар сулоласининг халифаликдаги ҳукмронлик даври. Бу пайтда пойтахт Бағдодга кўчирилди. Аббосийлар 1258 йилгача, номигагина 1517 йилгача халифалик қилишди.

*Аббосий халифалар*: ас-Саффоҳ (749–754), ал-Мансур (754–775), ал-Мадҳий (775–785), ал-Ҳодий (785–786), Ҳорун ар-Рашид (786–809), ал-Амин (809–813), ал-Маъмун (813–819), Иброҳим ибну-л Мадҳий (819–833), ал-Муътасим (833–842), ал-Васиқ (842–847), ал-Мутаваккил (847–861), ал-Мунтасир (861–862), ал-Мустаъин (862–866), ал- Муътазз (866–869), ал-Муҳтадий (869– 870), ал-Мўътамид (870–892), ал-Муътазид (892–902), ал-Муқтафий (902–908), ал-Муқтадир (908–932), ал-Қоҳир (932–934), ар-Розий (934–940), ал-Муттақий (940–944), ал-Мустақфий (944–946), ал-Мутиъ (946–974), ат-Тойиъ (974–991), ал-Қодир (991–1031), ал-Қойим (1031–1075), ал-Муқтадий (1075–1094), ал-Музтазҳир (1094–1118), ал-Мустаршид (1118–1135), ар-Рашид (1135–1136), ал-Муқтадий (1136–1160), ал-Мустанжид (1160–1170), ал-Мустазий (1170–1180), ан-Носир (1180–1225), аз-Зоҳир (1225–1226), ал-Мустансир (1226–1242), ал-Мутаъсим (1242–1258) ва б.

**751 йил июль** – Талас жанги. Бу жангда Зиёд ибн Солиҳ қўмондонлиги остидаги араб қўшини Гао Сяньчжининг хитойлар, фаргоналиклар, қашқарликлар, кўчарликлар ҳамда қарлуқлардан иборат йирик қўшини (араб манбаларига кўра 70.000 киши) билан Талас (Тароз) дарёси бўйида тўқнашди. Жанг 5 кун давом этди. Тўқнашув жараёнида Тан қўшини



www.ziyouz.com kutubxonasi

таркибидаги қарлуқлар арабларга қарши курашдан бош тортди ва хитойликларнинг арьергардига зарба берди. Хитой қўшини бутунлай яксон қилинди. Ибн ал-Асирнинг ёзишича, жангда хитойликлардан 50.000 киши ўлдирилиб, тахминан 20.600 киши асир олинган. Тан империяси (Хитой) нинг Ўрта Осиёга қарши тажовузкор сиёсати барбод бўлди. Ислом Марказий Осиё ҳудудига тарқала бошлади.

**751 йил** – Карл Мартелнинг ўғли Пипин Пакана меровинглар уругидан бўлган қирол Хольдевик III ни тахтдан агдарди. Пипин Пакана Франк давлатининг қироли деб эълон қилинди. Каролинглар сулоласи ҳокимият тепасига келди.

**751–987 йиллар** – каролинглар сулоласининг Франк давлатида қироллар (751 йилдан) ва императорлар (800 йилдан) сифатида ҳукмронлик даври. Пипин Пакана каролинглар сулоласининг биринчи қироли бўлган. Сулола меровинглардан кейин ҳокимият тепасига келган. Каролинглар номи Буюк Карл номидан олинган. Буюк Карл империяси парчалангач (843), каролинглар Италия (905 йилгача), Германия (911 йилгача), Франция (987 йилгача) ҳудудларида ҳукмронлик қилишган. X аср охирида сулола тугатилган.

*Каролинглар сулоласи қирол ва императорлари:*

*Франк қироллари ва императорлари (751–40):* Пипин Пакана (751–768), Буюк Карл (768–814 йилларда қирол; 771 йилгача укаси Карломан билан биргаликда; 800–814 йилларда император); Людовик I Тақводор (814–840; император).

*Каролингларнинг француз бўғини (843–987):* Карл II Кал, қирол (843–877), император (875–877); Людовик II Дудуқ, қирол (877–879); Людовик III, қирол (879–882); Карломан II, қирол (879–884; биргаликда); Карл Семиз, қирол (884–887); Карл Оддий, қирол (898–923); Людовик IV Заморский, қирол (936–954); Лотарь, қирол (954–986); Людовик V Дангаса (986–987).

*Каролингларнинг герман бўғини (843–911):* Людовик Немис, қирол (843–876); Карломан, қирол (876–880, гер-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ман ерларининг бир қисмида); Людовик III Кичик (876–882, герман ерларининг бир қисмида); Карл Семиз, қирол (876–887, 882 йилгача герман ерларининг бир қисмида), император (881–887); Арнульф, қирол (887–899); Людовик Болакай, қирол (900–911).

*Каролингларнинг итальян бўғини (840–905):* Лотарь I, қирол (844 йилгача), император (840–855); Людовик II, қирол (844–875), император (855–875); Лотарь II, Лотарингия қироли (855–869); Карл, Бургундия қироли (863 йил ўлган); Карл Семиз, қирол (879–887); Людовик III Кўр, Прованс қироли (887–05/928), Италия қироли (900–905), император (901–905).

**754–775 йиллар** – аббосийлар сулоласидан бўлган халифа ал-Мансурнинг ҳукмронлик даври.

**VIII аср ўрталари – X аср ўрталари** – Туркистон минтақасида Қарлуқлар давлати фаолият кўрсатган.

**756 йил** – Хитойда Ань Кушонь Чанъян шаҳрини эгаллаб, Тан сулоласи императори Сюань Цуна (Луицзи)ни тахтдан ағдарди.

**756 йил** – франклар қироли Пипин Пакана томонидан Рим лангобардлар қўлидан озод қилинди. Қирол озод қилинган ҳудудларни Папа ихтиёрига берди ва Папа вилояти ташкил қилинди.

**756 йил** – Испанияда Абдурраҳмон I томонидан араб Қурдоба амирлиги ташкил топди. Абдурраҳмон I умавийлар сулоласидан бўлган.

**756–1031 йиллар** – умавийлар халифалигининг Испанияда ҳукмронлик даври.

*Испаниядаги умавий халифалар:* Абдурраҳмон I ад-Дохил (756–788), Ҳишом I (788–796), ал-Ҳакам I (796–822), Абдурраҳмон II ал-Мутавассит (822–852), Муҳаммад I (852–886), ал-Мунзир (886–888), Абдуллоҳ (888–912), Абдурраҳмон III ан-Носир (912–961), ал-Ҳакам II ал-Мустансир (961–976), Ҳишом II ал-Муваййад (976–1009), Муҳаммад II ал-Маҳдий (1009), Сулаймону-л Мустаъин (1009–1010), Муҳаммад II (иккинчи марта: 1010), Ҳишом II



www.ziyouz.com kutubxonasi

(иккинчи марта: 1010–013), Сулаймон (иккинчи марта: 1013–1016), Ҳаммудий Али ан-Носир (1016–1018), Абдурраҳмон IV ал-Муртазо (1018), Ҳаммудий ал-Қосиму-л-Маъмун (1018–1021), Ҳаммудий ал-Йаҳйау-л-Муъталий (1021–1022), Ҳаммудий ал-Қосим (иккинчи марта: 1022–1023), Абдурраҳмон V ал-Мустаҳхир (1023–1024), Муҳаммад III ал-Мустақфий (1024–1025), Ҳаммудий Йаҳйо (иккинчи марта: 1025–1027), Ҳишом III ал-Муътадд (1027–1031).

**762 йил** – ал-Мансур томонидан Бағдод (мадинат ус-салом – тинчлик шаҳри)га асос солинди. Бағдод Аббосийлар халифалигининг пойтахтига айлантирилди. Аббосийлар халифаликнинг сиёсий ва ҳарбий ҳаётида араблар мавқеини пасайтириб, форслар ва туркларнинг мавқеини оширдилар.

**768 йил** – Пипин Пакана вафот этди. Унинг икки ўғли: Карл ва Карломан франклар қироли бўлишди.

**768–14 йиллар** – франклар қироли Буюк Карлнинг ҳукмронлик даври.

**769–783 йиллар** – Ўрта Осиёда Муқанна қўзғолони.

**771 йил** – Карломаннинг вафотидан сўнг унинг акаси Карл франк давлатининг тўлақонли ҳукмдори бўлди.

**772 йил** – франклар қироли Буюк Карл Лангобардлар қироллигига қарши уруш ҳаракатлари олиб борди.

**772–802 йиллар** – франклар қироли Буюк Карл Саксонияда урушлар олиб борди.

**772–802 йиллар** – Буюк Карл Саксонияда сакс қабилаларига қарши ўттиз йиллик уруш олиб борди.

**774 йил** – Буюк Карл томонидан лангобардлар қироли Дезидерий бутунлай тор-мор қилинди.

**776 йил** – Буюк Карл Италия ерларини ўз қироллигига қўшиб олди.

**778 йил** – Буюк Карл араблар Испаниясига қарши биринчи ҳарбий юриш қилди.

**781 йил** – араблардан мағлубиятга учраган Византия уларга катта миқдорда солиқ тўлай бошлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**783–850 йиллар** – буюк математик олим, астроном ва географ Муҳаммад Хоразмий (Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Мусо Хоразмий) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**785 йил** – Буюк Карл томонидан Саксония эгалланди. Саксонлар қироли Видукинд чўқинтирилди.

**785–812 йиллар** – Буюк Карл босиб олган Испания ҳудуди (ҳозирги Каталония) мусулмонлар ҳужумидан Каролинглар империясини сақлаб турди

**785–987 йиллар** – Қурдова (Кардова)да катта Жомеъ масжиди қурилди.

**786–809 йиллар** – Халифа Ҳорун ар-Рашиднинг ҳукмронлиги даври. У Бармакийлар хонадонининг вазирлик сулоласига чек қўйди.

**788 йил** – Карл Баварияни ўз ҳокимиятига бўйсундирди.

**789 йил** – Буюк Карл халқ мактабларини жорий этиш ҳақида қонун (капитулярий) чиқарди.

**794 йил** – император Камму-тэнно Хэйан (ҳозирги Киото) шаҳрига асос солиб, уни Япониянинг янги пойтахтига айлантирди.

**796 йил** – ўн йиллик ҳарбий ҳаракатлардан сўнг Карл аварларни ўзига бўйсундирди.

**Тахминан 797–865 йиллар** – буюк математик олим, астроном ва географ Аҳмад Фарғоний яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# РИВОЖЛАНГАН ЎРТА АСРЛАР ДАВРИ

## (IX аср – XV аср биринчи ярми)

**800 йил 25 декабрь** – Рим папаси Лев III томонидан Буюк Карл император деб эълон қилинди. Рим черкови Византия дунёсига эмас, балки каролинглар сулоласига ишонч билдирди.

**803 йил** – Буюк Карл томонидан Марказий Европа (ҳозирги Австрия) ҳудуди босиб олинди.

**803 йил** – Ҳорун ар-Рашид ўз вазири Жаъфар Бармакийни қатл эттирди.

**806 йил** – аббосийлар халифаси Ҳорун ар-Рашид император Никифор I қўшинларини янчиб ташлади ва Византия қайта солиқ тўлашга мажбур бўлди.

**809 йил** – халифа Ҳорун ар-Рашид вафот этди. Унинг ўгиллари Амин ва Маъмун ҳокимият учун кураш бошладилар. Кейинчалик бу курашда туркийларнинг ёрдамида Маъмун ғолиб чиқди.

**810 йил 21 июль – 870 йил 31 август** – ислом оламининғ йирик мутафаккири, буюк муҳаддис Имом Бухорий (Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**814 йил** – Буюк Карл ўзи қурдирган Ахен (Экс-ля-Шапель) шаҳрида вафот этди. Ҳокимият унинг ўғли Людовик Тақводор қўлига ўтди.

**814–840 йиллар** – Буюк Карлнинг ўғли Людовик Тақводорнинғ ҳукмронлик даври.

**815–837 йиллар** – Озарбайжонда арабларга қарши Бобек қўзғолони бўлди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**819 йил** – Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳокимият тепасига сомонийлар сулоласи келди. Сомонийлар сулоласининг оилавий нисбаси, яъни номи уларнинг аждоди (бобокалони) бўлмиш Сомонхудот исми билан боғлиқ. Тарихий манбаларда ёзилишича, Сомонхудот [Сомон-йабғу] (VII–VIII асрлар) Сосонийлар давлатининг машҳур туркий саркардаси Баҳром Чўбин (VI аср)нинг тўртинчи ёки бешинчи погонадаги авлоди бўлган. Баҳром Чўбиннинг келиб чиқиши ўғуз турклари ва туркий эфталийлар билан боғлиқ. Сомонхудотнинг ҳақиқий исми Арқуқ ёки Арқоқ бўлган, уни Кокилдор деб ҳам аташган. Сомонхудотнинг отаси Жаббохон исломгача Балх ҳокими бўлиб, унвони йабгу [жабгу], исми эса Тўғрул бўлган. Унинг она томонидаги қариндошлари Фарғонанинг Қубо шаҳрида истиқомат қилган.

**819–1005 йиллар** – Мовароуннаҳр ва Хуросонда туркий сомонийлар сулоласи ҳамда давлати ҳукмронлиги даври.

*Сомонийлар сулоласи:* Нуҳ ибн Асад (819–842), Аҳмад ибн Асад (842–864), Наср I ибн Аҳмад (864–892); Исмоил Сомоний (874–907), Аҳмад ибн Исмоил (907–914), Наср II ибн Аҳмад (914–943), Нуҳ ибн Наср (943–954), Абдулмалик ибн Нуҳ (954–961), Мансур ибн Наср (961–976), Нуҳ ибн Мансур (976–997), Мансур ибн Нуҳ (997–999), Абдулмалик ибн Мансур (999–1000); Исмоил Мунтасир (1000–1005).

**821 йил** – Тоҳир ибн Ҳусайн расман Аббосийлар халифалигига тобе бўлган Тоҳирийлар давлатига асос солди.

**821–873 йиллар** – Хуросонда тоҳирийлар сулоласи ва давлати ҳукмронлиги даври.

*Тоҳирийлар сулоласи:* Тоҳир ибн Ҳусайн (821–822), Талҳа ибн Ҳусайн (822–828), Аблуллоҳ ибн Тоҳир (828–844), Тоҳир II ибн Абдуллоҳ (844–862), Муҳаммад ибн Тоҳир (862–873).

**824–892 йиллар** – буюк муҳаддис Имом Термизий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**829 йил** – Англия ягона давлатга бирлаштирилди.

*Англия қироллари:* Уэссекс Экберт (802/829–839), Этельвульф (839–858), Этельбальд (858–861), Этельберт (860–866), Этельред I (866–871), Уэссекса Альфред (871–899), Эдуард Катта (899/900–925), Этельстан (925–939), Эдмунд (939–946), Эдред (946–955), Эдви (955–959), Эдгар Тинчликсевар (959–975), Эдуард Жафокаш (975–978/979), Этельред II Қулоқсиз (978/979–1016), Эдмунд Железнобокий (1016), Канут Датский (1016–1035; Данияликлар сулоласи), Гарольд Қуёноёқ (1035–1040), Гартакнут (1040–1042), Эдуард «Тавба қилувчи» (1042–1066; Англо-саксонслар сулоласи), Вильгельм Уильям I (1066–1087; Нормандлар сулоласи), Вильгельм II Малла (1087–1100), Генрих I (1100–1135), Стефан Блуа (1135–1153), Генрих II (1154–1189; Плантагенетлар сулоласи асосчиси) ва б.

**832 йил** – Багдодда халифа ал-Маъмун томонидан «Донишмандлик уйи» ташкил қилинди. У тарихда Бағдод Маъмун академияси номи билан машҳур. Бу академия фаолиятига ўзбек олимлари Муҳаммад Хоразмий ва Аҳмад Фаргоний раҳбарлик қилишди.

**834–841 йиллар** – норманлар (викинглар) Фризияга бостириб киришди.

**836–892 йиллар** – янги қурилган Самарра шаҳри (ҳозирги Ироқ ҳудуди) Аббосийлар халифалигининг пойтахти бўлди. Самаррада жуда улкан Жомеъ масжиди қурилди.

**836 йил** – Аббосийлар халифалигининг пойтахти Самаррага кўчирилди. Бу ерда турк аскарларидан иборат махсус гвардия мавжуд бўлган.

**838 йил** – халифа ал-Мутаъсим Византия империясидан Анкир (ҳозирги Анқара) шаҳрини тортиб олди.

**Тахминан 840–1212 йиллар** – қорахонийлар сулоласи ва давлати ҳукмронлиги.

*Буюк қорахоний хоқонлари сулоласи* (840–1040 йиллар): Кул Билга Қорахон (840–880); Бозирхон (? –910); Сотуқ Буғрохон (920–956), Мусо Буғрохон (956–958), Сулаймон



www.ziyouz.com kutubxonasi

Арслонхон (958–970), Али Арслонхон (970–998), Аҳмад Тўғонхон I (998–1018), Мансур Арслонхон (1018–1024), Аҳмад Тўғонхон II (1024–1025), Юсуф Қодирхон (1025–1032), Сулаймон Арслонхон (1032–1040).

*Шарқий қорахоний ҳукмдорлари* (1040 –1210 йиллар): Сулаймон Арслонхон (1040–1056), Муҳаммад Буғрохон (1056–1057), Иброҳимхон (1057–1058), Муҳаммадхон [Тўғрул Қорахон] (1058–1074), Умархон [Тўғрул Текин] (1074), Харон Буғрохон II (1074–1103), Аҳмадхон (1103–1129), Иброҳимхон II (1129–1159), Муҳаммадхон II (1159–1204), Юсуфхон (1205), Муҳаммадхон III (1205–1210).

*Ғарбий қорахоний ҳукмдорлари* (1040–212 йиллар): Муҳаммад ибн Наср (1040–1052), Иброҳим ибн Наср [Бора Текин] (1052–1068), Шамс Эл Мулук (1068–1080), Хизирхон (1080–1081), Аҳмадхон I (1081–1095), Ёқубхон (1089–?), Маъсудхон I (1095–1097), Сулаймонхон (1097–?), Маҳмудхон I (1097–1099), Жаброилхон (1099–1102), Муҳаммадхон II [Муҳаммад Арслонхон] (1102–1132), Иброҳимхон II (1132), Маҳмудхон II (1132–1141), Иброҳимхон III (1141–1156), Алихон (1156–1160), Маъсудхон II (1160–1178), Иброҳимхон IV (1178–1204), Усмон Буғрохон (1204–1212).

**843 йил** – Верден шартномасига кўра Каролинглар империяси бўлиниб кетди. Бўлғуси Франция Карл Калга, бўлғуси Германия Людовик Немисга, Лотарингия Лотар I га (у императорлик тожини ҳам сақлаб қолди) насиб этди.

**845 йил** – норманлар Парижни вайрон қилишди ва катта миқдорда ўлпон олишди.

**846 йил** – араблар томонидан Римдаги Муқаддас Пётр собори таланди.

**847 йил** – уйғурларнинг Гансуда Ганжау давлати ташкил топди.

**849 йил май – 897 йил 24 ноябрь** – Сомонийлар давлатининг асосчиси Исмоил Сомоний яшаган ва фаолият кўрсатган давр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**850 йил** – уйғурларнинг учинчи давлати – Уйғур Эдиқут [Идиқут] давлати (кўп манбаларда Турфон давлати) ташкил топди. Тибетликларнинг Шарқий Туркистондаги ҳукмронлиги барҳам топди.

**850–1335 йиллар** – Уйғур Эдиқут [Идиқут] давлати.

*Уйғур Эдиқут давлати хоқонлари:* Пан Текин (850–866), Боко Текин (866–871), Ирдимин (940–948), Арслонхон (948–985), Билга Текин (1126–?); Исан Томур [Баурчуқ Арт Текиннинг отаси]; Баурчуқ Арт Текин (1208–1235), Кусмайин (1235–1245), Салун Текин (1246–1255), Огрунж Текин (1255–1265), Мамурак Текин (1265–1266), Кожигар Текин (1266–1275), Нолин Текин (1275–1318), Томур Буқа (1318–1327), Санги Текин (1327 –1331), Тайпан (1331–1335) ва б.

**Тахминан 852 йил** – Папа Лев IV томонидан Ватиканга асос солинди.

**858–941 йиллар** – машҳур шоир Рудакий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**859–955 йиллар** – Қорахонийлар давлатининг асосчиларидан бири Абдулкарим Сотуқ Буғрохон яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**Тахминан 862 йил** – Новгород шаҳри (ҳозирги Россия)га варяглар йўлбошчиси Рюрик асос солди.

**862–882 йиллар** – Новгородда варяглар дружиналари конунги (йўлбошчиси) Рюрик ҳокимиятни эгаллаган ва қадимги Русда янги сулолага асос солган.

**Тахминан 863 йил** – ака-ука Кирилл ва Мефодий томонидан юнон алифбоси асосида кириллица алифбоси яратилди.

**863 йил** – ака-ука Кирилл ва Мефодий Моравия славянлари ўртасида миссионерлик фаолиятини бошладилар.

**863–867 йиллар** – Рим папаси билан Византия ўртасида биринчи ажралиш бўлди. Рим папаси Николай I Константинополь патриархи Фотийни Византия императори Михаил III ни қўллаб-қувватлаганлиги учун ўз ваколатидан маҳрум қилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**864 йил** – булғорлар (болгарлар) князи Борис христианлик (православ) динини қабул қилди ва чўқинтирилди.

**867 йил** – Византиянинг иккинчи олтин асри.

**867 йил** – Византия императори Михаил III Василий I томонидан ўлдирилди. Василий I ҳокимиятни эгаллаб, Македония сулоласига асос солди.

**867–1056 йиллар** – Византияда Македония сулоласининг ҳукмронлик даври.

**868 йил** – Аббосийлар халифалигининг Мисрдаги ноиби Аҳмад ибн Тулун янги сулола ва давлат – Тулунийлар давлатига асос солди. Аҳмад ибн Тулун туркий саркарда бўлиб, унинг отаси IX аср бошларида Бухородан халифалик марказига қул сифатида жўнатилган эди.

**868–905 йиллар** – Тулунийлар давлати Миср, Сурия, Ироқда мавжуд бўлди. Бу давлатнинг пойтахти Фустат (Эски Қоҳира) эди. Бу давр Миср тарихида олтин аср ҳисобланади.

*Тулунийлар сулоласи*: Аҳмад ибн Тулун (868–884), Хуморавайҳ (884–896), Жайм (896), Ҳорун (896–905), Шайбон (905).

**872–979 йиллар** – тулунийлар даври санъатининг энг ёрқин намунаси – Қоҳирада ибн Тулун масжиди қурилди.

**873 йил** – Тоҳирийлар давлатининг парчаланиб кетиши натижасида Хуросонда Саффорийлар давлати ташкил топди. Бу давлатга Яъқуб ибн Лайс ас-Саффор томонидан асос солинди.

**873–901 йиллар** – Саффорийлар давлати фаолият кўрсатган давр.

*Саффорийлар сулоласи:* Яъқуб ибн Лайс (861/873– 879), Амр ибн Лайс (879–901) ва бошқалар.

**873–950 йиллар** – улуғ мутафаккир ва қомусий олим Абу Наср Форобий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**874 йил** – шиаларнинг ўн иккинчи имоми Муҳаммад ал-Маҳдий ғойиб бўлди.

**874 йил** – Исмоил Сомоний Бухорода халифаликдан мустақил Сомонийлар давлатига асос солди. Туркий давлат ҳисобланган Сомонийлар давлатининг пойтахти Бу-



www.ziyouz.com kutubxonasi

хоро шаҳри бўлган. У бошқа бир туркий давлат бўлган Қорахонийлар давлати томонидан 999 йилда тугатилди.

**874–907 йиллар** – сомонийлар амири Исмоил Сомонийнинг ҳукмронлик даври.

**875–884 йиллар** – Хитойда Хуан Чао бошчилигида деҳқонлар қўзғолони бўлиб ўтди.

**Тахминан 882 йил** – Киев Руси (Қадимги Русь) давлати ташкил топди. Унга қадимги скандинав қабилаларидан бўлган варяг дружиналарининг конунги (йўлбошчилари) уч ака-ука: Рюрик, Синеус, Труворларнинг каттаси Рюрик асос солган. Рус йилномаларида ёзилишича, дастлаб, Рюрик Новгородда, Синеус Белоозерода, Трувор Изборскда ўз дружиналари билан қўним топган. Рюрик аввал Ладогани бошқарган, 862 йил у Новгородда ҳокимиятни эгаллаган. Унга тобе икки бояр: Аскольд ва Дир 862 йилда Днепр бўйидаги Царьградга юриш қилиб, йўлда Киев шаҳрини бўйсундирган. Рюрик вафот этгач, варяг конунги Олег Аскольд ва Дирни бартараф этиб, 882 йил Киевни босиб олган ва давлат пойтахти қилган. Хуллас, биринчи рус давлати IX аср охирида славянларнинг икки асосий маркази: Новгород ва Киевда шаклланган.

**882–1132 йиллар** – Киев Руси (Қадимги Русь) давлати мавжуд бўлди. Бу давлат 1132 йилда парчаланиб кетди. Киев Русидан Новгород республикаси, Владимир-Суздаль, Галич-Волинь, Рязань князликлари ва бошқа майда давлатчалар ажралиб чиқди.

*Рюриковичлар сулоласининг Русда ҳукмронлик даври (862/882–1598 йиллар):* Рюрик (862–879), Олег (879/882–912), Игор (912–945), Ольга (945–964), Святослав Игоревич (964–972), Ярополк (972–978/980), Владимир I Святославович (980–1015), Ярослав Доно [Мудрий] (1019–1054); Изяслав Ярославич, Святослав Ярославич, Всеволод Ярославич (1054–1078; триумвират); Всеволод Ярославич (1078–1093); Святополк II Изяславич (1093–1113), Владимир II Всеволодович Мономах (1113–1125), Мстислав Владимирович (1125–1132),



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ярополк (1132–1139), Юрий Владимирович Долгорукий (1125/1132–1157), Андрей Боголюбский (1157–1174), Всеволод Катта Уя (1176–1212); Юрий Всеволодович (1219–1238), Александр Ярославич Невский (1236–1263), Даниил Александрович (1263/1276–1303), Юрий Даниилович (1303–1325), Иван I Даниилович Калита (1325–1340; 1328 йилдан Москванинг Буюк князи), Семён Мағрур (1340–1353), Иван II Қизил (1353–1359), Дмитрий Иванович Донской (1359–1389), Василий I Дмитриевич (1389–1425), Василий II Қорамтир [Тёмний] (1425–1462), Иван III Васильевич (1462–1505), Василий III (1505–1533), Иван IV Даҳшатли [Грозний] (1533–1584), Фёдор Иванович (1584–1598) ва бошқалар.

**886–912 йиллар** – Византия императори Лев VI Донишманднинг ҳукмронлик даври.

**887 йил** – Франция қироли Карл III Семиз ҳокимиятдан четлаштирилди. Каролинглар империяси қулади.

**892 йил** – Бағдод яна Аббосийлар халифалигининг пойтахтига айланди.

**892–946 йиллар** – давлат арбоби Муҳаммад Ихшид ибн Туғж (Тағаш) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**894 йил – XI аср охири** – Қарматлар давлати Шарқий ва Марказий Арабистонда бўлган. Қарматлар исмоилийларнинг асосий шохобчаларидан бири бўлған. Қарматлар ҳаракати ашаддий шиаларнинг маҳдийлик ғояларига асосланган. Бу давлатни вужудга келтирган одам қарматлар ҳаракатининг асосчиси Ҳамдон ибн Ашъас (лақаби Қармат)нинг доийси (тарғиботчиси) Абу Саъид бўлган. Давлат маркази денгиз соҳилидаги Баҳрайнда эди.

**896 йил** – венгрлар (мадьярлар) Карпатдан ўтиб, Дунай воҳасига ўрнашдилар. Болгария князи Симеон (ҳукмронлик даври: 893–927) Византия устидан ғалаба қозонди.

**IX аср** – хитойликлар порохни селитра, олтингугурт ва майдаланган кўмирдан тайёрлашган. Хитойда милтиқ пайдо бўлди, кейинчалик эса ўқ отадиган тўп ихтиро қилинган деб ҳисобланади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**IX аср охири – X аср боши** – Сирдарё ҳавзаси ва Орол денгизи соҳилларида Ўғузлар давлати ташкил топди.

**Тахминан IX аср охири – X аср охири** – салжуқийлар бобокалони, ҳарбий саркарда Салжуқ (Салжуқбек ибн Дўкак) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**X аср** – Чехия ва Польша давлатлари вужудга келди.

**X аср** – Африкада Чад кўли атрофида сао маданияти гуллаб-яшнади.

**X–XI асрлар** – Мали давлати ташкил топди.

**X–XII асрлар** – Европада феодал жамияти даври хуруж бошлади.

**X–XIV асрлар** – Волга – Кама Булғорияси давлати фаолият кўрсатди. Бу давлатни Ўрта Волга ва Қуйи Кама ҳавзасида Волга булғорлари, фин-угор халқлари ва бошқалар барпо этган. Давлат пойтахти Булғор шаҳри (ҳозирги Татаристоннинг Булғорлар қишлоғи) бўлган. Бу давлат аҳолиси туркий қавмлардан иборат эди.

**902–908 йиллар** – венгрлар Буюк Моравия (Богемия, Моравия, Силезия ва Краков атрофлари)ни вайрон қилишди.

**905 йил** – Мисрда тулунийлар сулоласи тугатилди. Аббосийлар халифалигининг ҳокимияти яна қарор топди.

**907–960 йиллар** – *Хитойда бешта сулола ҳукмронлиги даври* [Бу давр У-дай ишго (Беш сулола ва ўнта ҳокимлик) даври деб аталади]:

*Лян сулоласи ҳукмронлиги (907–923 йиллар).* Сулолага Тай-цзу (Чжу Вэнь ёки Хуан) асос солиб, 907 – 912 йилларда ҳукмронлик қилган;

*Тан ёки Хоу Тан сулоласи ҳукмронлиги (923–937 йиллар).* Сулолага Чжуан-цзун (Ли Цунь-сюй) асос солиб, 923–926 йилларда ҳукмронлик қилган;

*Цзинь сулоласи ҳукмронлиги (936–947 йиллар).* Сулолага Гао-цзу (Ши Цзин-тан) асос солиб, 936–942 йилларда ҳукмронлик қилган;

*Хань сулоласи ҳукмронлиги (947–950 йиллар).* Сулолага Гао-цзу (Лю Чжи-юань) асос солиб, 947–948 йилларда ҳукмронлик қилган;



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Чжоу сулоласи ҳукмронлиги (951–960 йиллар).* Сулолага Тай-цзу (Ғо Вэй) асос солиб, 951–954 йилларда ҳукмронлик қилган.

**907–1211 йиллар** – Хитойда Ляо Киданлар (Кидонлар) давлатининг ҳукмронлиги даври. Киданлар мўғул қабиласи бўлиб, 907 йил қабила бошлиғи Ела-Буға ўзини император деб эълон қилди ва Кидан давлатига асос солди. Кидан салтанати 947 йилдан Буюк Ляо, 983 йилдан Киданларнинг Буюк давлати, 1066 йилдан яна Буюк Ляо деб аталган. Киданлар Хитойни енгиб, бу ерда ўз давлатларини ўрнатишган. Хитойликлар Кидан салтанатини 937 ёки 947 йилдан Ляо давлати, 1124–1211 йилларда Ғарбий Ляо давлати деб аташган. Киданлар давлатига 1125 йили чжурчжэнлар (жужанлар) кучли зарба беришган. Киданларнинг бир қисми Ғарбий Туркистонга қоракиданлар (улар қорахитойлар номи билан ҳам машҳур) номи билан кўчиб ўтган. Кидан номидан Хитойнинг русча атамаси – Китай келиб чиққан бўлиб, у мўғул ва туркий халқлар орқали русларга ўтган.

**909–910 йиллар** – Шимолий Африкада Фотимийлар халифалиги ташкил топди. Бу давлатга Убайдуллоҳ ал-Маҳдий томонидан асос солинди. У 909–931 йилларда бу давлатни бошқарди. Фотимийлар ўзларини ҳазрати Алининг авлодлари деб ҳисоблаганлар ва номларини пайғамбар Муҳаммад (сав)нинг қизлари, тўртинчи халифа Алининг хотини Фотима номидан олганлар. (Уларни исмоилийлар ёхуд убайдийун халифалари деб ҳам аташади.)

**909–1171 йиллар** – Фотимийлар халифалиги аввал Шимолий Африка, сўнгра Миср ва Сурияда фаолият кўрсатди.

*Фотимий халифалар:* Убайдуллоҳ ал-Маҳдий (909–934), ал-Қойим (934–946), ал-Мансур (946–953), ал-Муъизз (953–975), ал-Азиз (975–996), ал-Ҳоким (996–1021), аз-Зоҳир (1021–1036), ал-Мустансир (1036–1094), ал-Мустаълий (1094–1101), ал-Омир (1101–1130), ал-Ҳофиз (1131–1149), ал-Зофир (1149–1154), ал-Фойиз (1154–1160), ал-Озид (1160–1171).



www.ziyouz.com kutubxonasi

**929 йил** – Қурдоба халифалиги ташкил топди. Қурдоба амири Абдурраҳмон III (ҳукмронлик даври: 912–961) ўзини халифа деб эълон қилди. Қурдоба Пиреней ярим оролидаги мусулмон давлати эди. Қурдобада араб-андалус цивилизацияси пайдо бўлди. Халифалик пойтахти Кордова [Қурдоба] шаҳри ўз пайтида Бағдод ва Константинополь билан рақобатлашган.

**929–1031 йиллар** – Қурдоба халифалиги фаолият кўрсатган давр. Бу давлатни Испаниядаги умавий халифалари бошқарган.

**930 йил** – исмоилийлар мазҳабига мансуб бўлган карматлар Аббосийлар халифалигига қарши қўзғолон кўтариб, Маккадаги муқаддас қора тошни олиб кетишди. Бу тош ўз ўрнига фақат 20 йилдан кейин қайтарилди.

**932–1055 йиллар** – Ғарбий Эрон ва Ироқда бувайҳийлар сулоласи ҳукмронлик қилди. Сулолага ака-укалар Аҳмад, Ҳасан ва Али асос солганлар. Уларнинг отаси Бувайҳ (сулола номи унинг исмидан олинган) Эрон подшоҳи Баҳром Гўр наслидан бўлиб, Дайлам (Гилон вилоятининг тоғли қисми)даги жангари қавмлар сардори эди. Шу боисдан мазкур сулола вакиллари дайламийлар деб ҳам аталган.

**935 йил** – туркий ҳарбий оиладан келиб чиққан Муҳаммад Ихшид ибн Туғж Мисрда Ихшидийлар давлатига асос солди. Унинг аждодлари фарғоналик – Фарғона ихшидлари наслидан бўлган. Муҳаммаднинг бобоси Жофф Фарғона амирларидан бўлиб, халифа Муътасим қўшинида хизмат қилган.

**935–969 йиллар** – Ихшидийлар давлати Миср ва Сурияда мавжуд бўлган.

*Ихшидийлар сулоласи вакиллари:* Муҳаммад Ихшид ибн Туғж (935–946), Абулқосим Унгур ибн Ихшид (946–960), Абулҳасан Али ибн Ихшид (960–966), Абулмиск Кофур (966–968), Абулфаворис Аҳмад ибн Али (968–969).

**935 йил** – Ван Гон мамлакатни бирлаштириб, Корё (Корея номи шундан) давлатига асос солди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**936 йил** – Оттон I (Генрих I Қуштутарнинг ўғли) Германия қироли деб эълон қилинди.

**936–946 йиллар** – Кайфин (Хитой)да сўнгги Цзинь сулоласи ҳукмронлиги даври.

**940–997 йиллар** – Ғазнавийлар давлатининг асосчиси Сабуктегин яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**945 йил** – аббосийлар халифаси Бувайҳийлар (Буийлар) сулоласидан бўлган Эрон шиа амирларига ўз ваколатини бериб қўйди. Бу ҳолат 100 йилча давом этди.

**947 йил** – киданлар (татар-мўғул қабилалари) Хитой шимолида Ляо сулоласига асос солишди.

**947–1124 йиллар** – Хитойда Ляо сулоласи ҳукмронлиги даври.

**949–983 йиллар** – бувайҳийлар сулоласидан Адудуддавланинг ҳукмронлик даври. Бу пайтда бувайҳийлар томонидан Эрондаги барча улуслар бирлаштирилди.

**Тахминан 950 йил** – араб тарихчиси ва саёҳатчи Маъсудий Эрон, Ҳиндистон, Мовароуннаҳр, Цейлон (Шри Ланка) ва Хитой денгизи соҳилларига саёҳат қилди.

**X аср ўрталари** – «Минг бир кеча» араб эртаклари биринчи марта таҳрир қилинди.

**951 йил** – Италия Оттон I томонидан босиб олинди.

**960–966 йиллар** – Польша давлатига асос солинди.

**960–1279 йиллар** – Хитойда Сун сулоласи ва давлати ҳукмронлиги даври. Сун сулоласига (Шимолий Сун сулоласига) Сўнгги Чжоу хонлиги саркардаси Чжао Куан-инь (Куангйинг) томонидан 960 йилда асос солинди. У Тай-цзу номи билан ҳокимиятни 960–976 йилларда бошқарди. Давлат пойтахти – Кайфин (Кайфэн) шаҳри. Сун сулоласи икки даврга бўлинади: Шимолий Сун сулоласи (960–1127) ва Жанубий Сун сулоласи (1127–1279). Жанубий Сун сулоласига Чжао Гоу асос солиб, Гао-цзун номи билан 1127–1162 йилларда давлатни бошқарган. Жанубий Сун сулоласи 1127 йил пойтахтни Минъан (ҳоз. Ҳангчжоу) шаҳрига кўчирган. Сун сулоласи 1141 йил жужанларнинг Цзинь давлати вассалига айланган. Бу сулола мўғуллар томонидан 1279 йилда тугатилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**962–1186 йиллар** – ғазнавийлар сулоласи ва давлати ҳукмронлиги даври.

*Ғазнавийлар сулоласи:* Алптегин (962–963), Исҳоқтегин (963–966), Билгатегин (966–972), Пиритегин (972–977), Сабуктегин (977–997), Исмоил (997–998), Маҳмуд Ғазнавий (998–1030), Муҳаммад (1030), Масъуд Ғазнавий (1030–1041), Мавдуд (1041–1048), Масъуд II (1048), Али Абул Ҳасан (1048–1049), Абдур Рашид (1049–1053), Иброҳим (1059–1099), Масъуд III (1099–1114), Шерзод (1114–1115), Арслон (1115–1118), Баҳромшоҳ (1118–1152), Хусравшоҳ (1152–1160), Хусрав Малик (1160–1186) ва бошқалар.

**962 йил** – герман «Муқаддас Рим империяси» ташкил топди, Германия қироли Оттон I император деб эълон қилинди.

**962–1806 йиллар** – «Мукаддас Рим империяси» фаолият кўрсатган давр. У герман қироли Оттон I томонидан Шимолий ва Ўрта Италия (Рим билан бирга) бўйсундирилгач (962), ташкил топди. «Муқаддас Рим империяси» таркибига Чехия, Бургундия (Арелат), Нидерландия, Швейцария ерлари ҳам кирган. Бу империя герман зодагонлари манфаатини ҳимоя қилган ва босқинчилик сиёсати олиб борган. Сўнгги император Франц II тахтдан воз кечишга мажбур бўлгач, у расман тугатилган (1806).

*«Муқаддас Рим империяси» қироллари ва императорлар:*

*Каролинглар (843–918):* Людовик Немис (843–876), Карл Семиз (876–887) (879 йилдан Италияда, 885 йилдан Ғарбий Франк қироллигида қирол), Людовик III Кичик (865–882 йилларда Тюрингия, Саксония, Франкония, 879 йилдан Бавария, 880 йилдан Лотарингиянинг бир қисмида ҳукмронлик қилган), Арнульф Каринтийский (887–899), Людовик Болакай (900 – 911); Конрад I Франконский (911–918).

*Саксон сулоласи (919–1024):* Генрих I (919–936), Оттон I (936–973), Оттон II (973–983), Оттон III (983–1002), Генрих II (1002–1024).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Франконлар сулоласи (1024–1137):* Конрад II (1024–1039), Генрих III (1039–1056), Генрих IV (1056–1106), Генрих V (1106–1125); Лотарь III Саксонский (1125–1137).

*Штауфенлар (1138–1330):* Конрад III (1138–1152), Фридрих I Барбаросса (1152–1190), Генрих VI (1190–1197), Филипп Швабский (1198–1208); Оттон IV (1198–1218); Фридрих II Штауфен (1212–1250); Вильгельм Голландский (1247–1256); Конрад IV Штауфен (1250–1254); Ричард Корнуэльский (1257–1272), Альфонс Кастильский (1257–1274), Рудольф I Габсбург (1273–1291), Адольф Нассаулский (1291–1298), Альбрехт I Австрийский (1298–1308), Генрих VII Люксембургский (1308 –1313), Людвиг IV Баварский (1314–1347), Фридрих Чиройли Австрийский (1314–1330).

*Люксембурглар (1347–1437):* Карл IV (1347–1378), Вацлав (1378–1400); Рупрехт Пфальцский (1400–1410); Сигизмунд Люксембургский (1410–1437).

*Габсбурглар (1438–1745):* Альбрехт II (1438–1439), Фридрих III (1440–1493), Максимилиан I (1493–1519), Карл V (1519–1556), Фердинанд I (1556–1564), Максимилиан II (1564–1576), Рудольф II (1576–1612), Маттиас (1612–1619), Фердинанд II (1619–1637), Фердинанд III (1637–1657), Леопольд I (1658–1705), Иосиф I (1705–1711), Карл VI (1711–1740); Карл VII (1742–1745).

*Габсбург-Лотаринглар хонадони (1745–1806):* Франц I (1745–1765), Иосиф II (1765–1790), Леопольд II (1790 – 1792), Франц II (1792–1806).

*Герман императорлари. Гогенцоллернлар (1871–1918):* Вильгельм I (1871–1888), Фридрих III (1888 йил 9 март – 15 июнь), Вильгельм II (1888–1918).

**963 йил** – сомонийларнинг Хуросондаги сипоҳсолори Алптегин вафоти ва Сабуктегиннинг ҳокимият учун кураш бошлаши.

**967–1030 йиллар** – машҳур давлат арбоби Маҳмуд Газнавий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**967–1049 йиллар** – таникли мутасаввуф ва шоир Абу Сайид Абул Хайр (Мийна бобо) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**968–971 йиллар** – Киев Руси князи Святославнинг Византияга юриши.

**969 йил** – Мағриб ҳукмдори, фотимийлар халифаси ал-Муизз Миср, Фаластин ва Сурияни эгаллади. У Фустат шаҳри якинида Қоҳирага асос солди. Қоҳира бу пайтда «Миср ал-Қоҳира» («Ғолиб Миср») номи билан машҳур бўлган.

**969 йил** – Биринчи Булғор подшолиги икки давлатга: Шарқий Булғор подшолиги ва Ғарбий Булғор подшолигига бўлинди.

**973 йил 4 сентябрь – 1048 йил 11 декабрь** – ўрта асрнинг буюк даҳоларидан, мутафаккир олим Абу Райҳон Беруний яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**973 йил** – халифа ал-Муизз Фотимийлар давлатининг пойтахтини Қоҳирага кўчирди (шаҳар 973 – 1171 йилларда Фотимийлар халифалигининг пойтахти бўлган).

**973 йил** – Қоҳирада машҳур ал-Азҳар университети ташкил қилинди.

**973–983 йиллар** – Оттон II герман «Муқаддас Рим империяси»ни бошқарган давр.

**975–996 йиллар** – Мисрни фотимийлар халифаси ал-Азиз бошқарган давр. Бу пайтда ислом дини христиан ва яҳудийларга нисбатан бағрикенг муносабатда бўлган.

**976–1025 йиллар** – македонлар сулоласидан бўлган Византия императори Василий III нинг ҳукмронлик даври. Бу пайтда Византия юксак куч-қудрат чўққисига чиқди.

**977 йил 1 март** – Сабуктегин мустақил Ғазнавийлар давлатига асос солди.

**977 – 1186 йиллар** – Ғазнавийлар давлати ҳукмронлиғи.

**980 йил август – 1037 йил 18 июнь** – буюк мутафаккир олим, табиб, файласуф ва шоир Абу Али ибн Сино яшаган ва фаолият кўрсатган давр. У Европада Авиценна номи билан машҳур бўлган. «Медицина» атамаси унинг табиблик маҳорати (мадади Сино) дан олинган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**980–1015 йиллар** – Киев Руси давлатида князь Владимир Святославичнинг ҳукмронлик даври.

**982 йил** – скандинавиялик Эрик Малла Гренландияда викинглар колониясини ташкил қилди.

**987–1328 йиллар** – капетинглар француз қироллари сулоласининг ҳукмронлик даври. Сулолага Гуго Капет асос солган. Капетинглар сулоласини 1328 йилда уларнинг тармоғи валуа сулоласи алмаштирган.

*Капетинглар сулоласи:* Гуго Капет (987–996), Роберт II (996–1031), Генрих I (1031–1060), Филипп I (1060–1108), Людовик VI Семиз (1108–1137), Людовик VII (1137–1180), Филипп II Август (1180–1223), Людовик VIII (1223–1226), Людовик IX Тақводор (1226–1270), Филипп III Жасур (1270–1285), Филипп IV Чиройли (1285–1314), Людовик X (1314–1316), Филипп V (1316–1322), Карл IV (1322– 328).

**988 йил** – Русда Киев князи Владимир томонидан христианлик дини қабул қилинди.

**990–1040 йиллар** – Ўғузлар давлати (Ўғуз ябғулари) фаолият кўрсатди.

*Ўғуз ябғулари:* Исроил Арслон ябғу (990–1025), Юсуф Инонч ябгу (1025–1028), Мусо Инонч ябғу (1028–1032), Эртош ябғу (1032–1040).

**992–1025 йиллар** – Польша қироли Болеслав I Ботирнинг ҳукмронлик даври.

**993–1063 йиллар** – Салжуқийлар давлатининг асосчиси Тўғрулбек яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**995 йил** – Хоразмда африғийлар сулоласи тугатилди.

**995 йил** – хоразмшоҳ Маъмун ибн Муҳаммад Хоразмни бирлаштирди ҳамда африғийлар сулоласини тугатиб, маъмунийлар сулоласига асос солди.

**995–1017 йиллар** – Хоразмда маъмунийлар сулоласининг ҳукмронлик даври.

*Маъмунийлар сулоласи:* Маъмун ибн Муҳаммад (995–997), Али ибн Маъмун (997–999), Маъмун ибн Маъмун (999–1017).

**999 йил** – Сомонийлар давлати ҳукмронлиги барҳам



www.ziyouz.com kutubxonasi

топди. Мовароуннаҳр Қорахонийлар давлатига қўшиб олинди ва Илекхонлар [Элоқхонлар] ҳокимияти ўрнатилди.

**XI аср** – Европада шаҳарларнинг жамият тараққиётида муҳим омилга айланиш жараёни бошланди.

**XI аср** – Осиё мамлакатларида денгизчилар компасдан фойдаланишган.

**1001–1027 йиллар** – Ғазнавийлар давлати султони Маҳмуд Ғазнавий Шимолий Ҳиндистонга ҳарбий юришлар қилиб, Ганг дарёсигача бўлган ҳудудни эгаллади. Ҳиндистон (хусусан, ҳозирги Покистон)га ислом дини тарқалди.

**1003 йил** – скандинавиялик Эрик Малланинг ўғли Лейф Эриксон ҳозирги Америка қитъасининг Нюфаундленд ярим-оролини кашф қилди.

**1004 йил** – Гурганч (Кўҳна Урганч)да хоразмшоҳ Маъмун ибн Маъмун томонидан академия (Хоразм Маъмун академияси) ташкил топди. Беруний ва Абу Али ибн Сино академия фаолиятига раҳбарлик қилди.

**1005 йил** – сомонийлар сулоласининг сўнгги амири Мунтасир вафот этиши билан сомонийлар сулоласи барҳам топди.

**1006–1008 йиллар** – қорахонийларнинг Хуросонга 2 марта ҳарбий юриши. Балх, Тус ва Нишопур эгалланди. Маҳмуд Ғазнавий қорахонийларни енгиб, Чағониён, Хутталон, Қабодиён вилоятлари ва Термиз, Амулни ўз давлатига қўшиб олган.

**1014–1024 йиллар** – бухоролик Абу Али ибн Сино (Авиценна) томонидан машҳур «Тиб қонунлари» (5 жилддан иборат) асари яратилган. Бу асар лотин тилига таржима қилиниб, Европада XVII асргача жуда муҳим роль ўйнади.

**1017 йил** – Маҳмуд Ғазнавийнинг Хоразмга юриши ва Хоразмнинг Ғазнавийлар давлатига қўшиб олиниши. Маъмун академиясининг фаолияти тугатилган.

**1017–1041 йиллар** – Хоразмда ғазнавийларга қарам олтинтошлар (олтунтошлар) сулоласининг ҳукмронлик даври. Бу сулолага ҳожиб Олтунтош асос солган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Олтинтошлар сулоласи:* Олтунтош (1017–1032), Ҳорун (1032–1035), Исмоил Хандон (1035–1041).

**1017–1092 йиллар** – Салжуқийлар давлатининг машҳур вазири Низомулмулк яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1018 йил** – Биринчи Булғор подшолиги емирилди.

**1024 йил** – «Муқаддас Рим империяси»да франконлар сулоласи ҳокимият тепасига келди. Бу сулола сали сулоласи деб ҳам аталади. Франконлар сулоласи герман қироллари ва «Муқаддас Рим империяси» императорлари сулоласи ҳисобланиб, асосчиси Конрад II ҳисобланади.

**1024–1125 йиллар** – франконлар сулоласи «Муқаддас Рим империяси»ни бошқарди.

**1025 йил** – ғазнавийлар томонидан салжуқий қабилаларининг Бухородан Хуросонга кўчирилиши; Маҳмуд Ғазнавийнинг Самарқанд яқинида қорахонийлар ҳукмдори Қодирхон билан учрашуви; Шарқий Қорахонийлар давлати хоқони Қодирхон ва Маҳмуд Ғазнавий кўшинларининг Самарқанд яқинида қорахонийларнинг Самарқанддаги ноиби Алитегин ибн Ҳусайн устидан ғалабаси.

**1029–1072 йиллар** – Салжуқийлар давлатининг машҳур султони Алп Арслон яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1031–1060 йиллар** – Францияда капетинглар сулоласидан Генрих I нинг ҳукмронлик даври.

**1031 йил** – Қурдобадаги Умавийлар халифалиги тугатилди. Андалусия жуда кўп араб ва барбар давлатчаларига бўлиниб кетди.

**1036 йил** – Киевнинг буюк князи Ярослав Мудрий (ҳукмронлик даври: 1019 – 1054 й.) томонидан Днепр ва Дунай дарёлари ўртасида кўчиб юрган туркий печенеглар (қипчоқлар) тор-мор қилинди. Бу ҳолат Рус давлати тараққиётида муҳим роль ўйнади.

**1036–1094 йиллар** – фотимий халифалардан ал-Мустансирнинг ҳукмронлик даври.

**1038 йил** – Салжуқийлар давлати ташкил топди. Тўғрулбек Салжуқийлар давлати султони деб эълон қилинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1038–1157 йиллар** – Хуросонда Буюк Салжуқийлар сулоласи ҳукмронлик қилди.

**1038–1308 йиллар** – Салжуқийлар давлатининг ҳукмронлик даври.

*Хуросондаги Буюк салжуқийлар сулоласи* (1038–1157): Тўғрулбек (1038–1063), Алп Арслон (1063–1072), Маликшоҳ I (1072–1092), Маҳмуд (1092–1094), Барқиёруқ (1094–1104), Маликшоҳ II (1104–1105), Ғиёсиддин Муҳаммад (1105–1118), Султон Санжар (1118–1157);

*Кирмондаги салжуқийлар сулоласи* (1041–1187): Кавурбек (1041–1073), Кирмоншоҳ (1073), Ҳусайн (1073–1074), Султоншоҳ I (1074–1085), Туроншоҳ I (1085–1097), Эроншоҳ (1097–1101), Арслоншоҳ I (1101–1141), Муҳаммадшоҳ I (1141–1156), Тўғрулшоҳ (1156–1157), Баҳромшоҳ (1167–1168), Арслоншоҳ II (1168), Туроншоҳ II (1168–1174), Муҳаммадшоҳ II (1147–1187), Муборак (1187);

*Шом (Сурия)даги салжуқийлар сулоласи* (1074–1117): Тутуш (1074–1095), Ридван (Ҳалабда; 1095–1113); Дукак (Дамашқда; 1095–1104), Алп Арслон Архас (Ҳалабда; 1113–1114), Султоншоҳ (1114–1117);

*Ироқдаги салжуқийлар сулоласи* (1118–1194): Маҳмуд (1118–1131), Довуд (1131–1132), Тўғрул I (1132–1133), Масъуд (1133–1152), Маликшоҳ (1152–1153), Муҳаммад (1153–1159), Сулаймоншоҳ (1159–1161), Арслоншоҳ (1161–1177), Тўғрул II (1177– 1194);

*Кўния (Анатолия ёхуд Рум)даги салжуқийлар сулоласи* (1077–1308): Сулаймон I (1077–1086), Қилич Арслон I (1086–1107), Маликшоҳ I (1107–1116), Масъуд I (1116–1156), Қилич Арслон II (1156–1188), Маликшоҳ II (1188–1192), Кайхусрав I (1192–1200; 1205–1210), Сулаймон II (1200–1204), Қилич Арслон III (1204–1205), Кайковус I (1210 –1219), Алоуддин Кайқубод (1219–1236), Кайхусрав II (1236–1245), Кайковус II (1245–1257), Қилич Арслон IV (1257–1265), Кайхусрав III (1265–1283), Масъуд II (1283–1296), Кайқубод III (1296–1307), Масъуд III (1307–1308) ва бошқа сулолалар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1040 йил 23 май** – салжуқийлар билан ғазнавийлар ўртасида Данданакон жанги бўлиб ўтган ва унда салжуқийлар ғалаба қилган.

**1040–1066 йиллар** – Киевда Муқаддас София собори қурилди.

**1041 йил** – Қорахонийлар давлати 2 қисмга: Шарқий қисм (пойтахти Боласогун) ва Ғарбий қисм (пойтахти Самарқанд)га бўлинган.

**1041 йил** – Чехия давлати Германияга вассал бўлди.

**1044 йил** – Ғарбий Ся ва Сун сулолалари (Хитой) ўртасида тинчлик шартномаси имзоланди.

**1045 йил** – Новгородда Муқаддас София собори қурилди.

**1045 йил** – Константинополда ташкил қилинган университетда ҳуқуқшунослик ва фалсафа факультетлари мавжуд бўлган.

**1051 йил** – салжуқийлар пойтахтни Исфахонга кўчирди.

**1054 йил** – Константинополь патриархи Михаил Керуларий ва Рим папаси Лев IX ўртасидаги зиддият натижасида христиан черкови иккига – Шарқий (православ) ва Ғарбий (католик) черковига бўлинди.

**1055 йил** – сунний мазҳабига чуқур ишонган Тўғрулбек аббосийлар халифасини шиалар (бувайҳийлар сулоласи) зулмидан қутқариш учун Бағдодни эгаллади. У халифадан «султон» титулини олди. Бувайҳийлар сулоласи тугатилди. (Шу пайтдан бошлаб мусулмон дунёсида халифалар эмас, балки турклар қўлида бутун ҳокимият тўпланди. Аббосий халифалар фақат диний роль ўйнашди.)

**1056 йил** – Византиядаги Македония сулоласи тугатилди.

**1059 йил** – Рим папаси Николай II черковни ҳар қандай императорлар ҳокимиятидан мустақил деб эълон қилди. Папа эндиликда кардиналлар томонидан сайланадиган бўлди.

**1063–1072 йиллар** – салжуқийлар султони Алп Арслоннинг ҳукмронлик даври. У Византия империясига қарши урушлар олиб борди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1064 йил** – салжуқийлар Арманистонга юриш қилишди ва Ани шаҳрини эгаллашди.

**1066 йил** – Франция шимолида жойлашган Нормандия герцоги Вильгелм қўшинлари томонидан Англия босиб олинди.

**1069–1074 йиллар** – Хитойда Ван Анши (ҳукмронлик даври: 1069–1085 й.)нинг маъмурий, ҳарбий, молиявий ислоҳотлари.

**Тахминан 1070 йил** – машҳур математик ва шоир Умар Хайём Самарқанд, Бухоро, кейинчалик Исфаҳонда яшаб, ижод қилди.

**1071 йил 26 август** – Манцикерт (Малазгирт) жанги. Бу жангда салжуқийлар султони Алп Арслон Византия императори Роман IV Диоген қўшини устидан ғалаба қозонди. Ғалабадан сўнг турклар учун Кичик Осиёга йўл очилди.

**1071–1081 йиллар** – Кичик Осиё (Анатолия)нинг асосий қисми Салжуқийлар давлатига қўшиб олинди.

**1072 йил** – салжукийлар султони Алп Арслон Бухорога юриш чоғида ўлдирилди.

**1072–1092 йиллар** – салжуқийлардан Маликшоҳ ҳукмронлиги даври.

**1072–1092 йиллар** – Исфаҳонда Жума масжиди меъморий обидаси қурилди.

**1074–1178 йиллар** – Марказий ва Шарқий Онадўлида Донишмандийлар давлати фаолият кўрсатган. Бу давлатга туркман амирларидан Малик Донишманд Ғозий асос солган. Марказий ва Шарқий Онадўлида ташкил топган бу давлатнинг пойтахти Сивас шаҳри бўлган.

*Сивасдаги уруғлар* (1071/1074–1174 йиллар): Малик Донишманд Ғозий (1071–1084), Амир Ғозий Гумуш тегин (1084–1134), Малик Муҳаммад (1134–1142), Малик Имодуддин Зуннун [Қайсарийада] (1142), Малик Низомуддин Йағи-басан (1142–1164), Малик Мужоҳид Жалолуддин Иброҳим (1164–1166), Малик Шамсуддин Исмоъил (1166–1168), Малик Зуннун [иккинчи марта, бу гал Носируддин деган фахрий унвон билан] (1168–1174).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Малатийадаги уруғлар (1142–1178 йиллар):* Айнуддин ибн Гумуш тенги (1142–1152), Зулқарнайн (1152–1162), Носируддин Муҳаммад (1162–1170), Фахруддин Қосим (1170–1172), Афридун (1172–1175), Носируддин Муҳаммад [иккинчи марта] (1175–1178).

**1074–1144 йиллар** – машҳур тилшунос олим ва адиб Маҳмуд Замахшарий яшаган давр.

**1076 йил** – салжуқийлар Қуддусни фотимийлар қўлидан тортиб олди.

**1076–1122 йиллар** – папа ва герман «Муқаддас Рим империяси» ўртасида ўзаро кураш бўлди.

**1077 йил** – Салжуқийлар давлатининг Хоразмдаги ноиби Ануштегин Гарчои ануштегинийлар сулоласига асос солиб, Хоразмни мустақил деб эълон қилди.

**1077–1231 йиллар** – Хоразмда ануштегинийлар сулоласининг ҳукмронлик даври.

*Хоразмшоҳлар давлатида ануштегинийлар сулоласи:* Ануштегин Гарчои (1077–1097), Қутбиддин Муҳаммад (1097–1127), Алоуддин Отсиз (1127–1156), Эл-Арслон (1156–1172), Султоншоҳ Маҳмуд (1172), Алоуддин Такаш (1172–1200), Алоуддин Муҳаммад (1200–1220), Жалолиддин Мангуберди (1220–1231).

**1077–1308 йиллар** – Анатолияда Рум султонлиги фаолият кўрсатди. Бу давлатга салжуқийлар лашкарбошиси Сулаймон ибн Қутулмиш асос солди.

**1081 йил** – Византия лашкарбошиси Алексей Комнин комнинлар сулоласи (1081–1185 й.)га асос солди.

**1086–1157 йиллар** – машҳур давлат арбоби Султон Санжар яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1086 йил** – Вильгелм томонидан Англия аҳолиси рўйхатга олинди.

**1086 йил** – Англияда «Даҳшатли суд китоби» яратилди.

**1087 йил** – Ганада халқ қўзғолон кўтариб, чет эллик босқинчиларни ўз ерларидан қувиб чиқарди.

**1090–1256 йиллар** – Исмоилийлар давлати фаолият кўрсатди. Давлат маркази Аламут бўлган. Унга Эрон, Су-



www.ziyouz.com kutubxonasi

рия ва Озарбайжон ҳудудининг бир қисми кирган. Бу давлат ҳашшошийлар [ассосинлар] ҳаракати натижасида вужудга келган. Унга Ҳасан ибн Саббоҳ асос солган.

**1090–1256 йиллар** (Эрон); **1100–1273 йиллар** (Сурия) – Исмоилийлар [ассосинлар] давлати.

*Аламутдаги улуғ пирлар:* Ҳасан Саббоҳ (1090–1224), Кийо Бузургуммид (1224–1138), Муҳаммад I (1138–1162), Ҳасан II Аъло зикриҳи-с-салом (1162–1166), Нуриддин Муҳаммад II (1166–1210), Жалолуддин Ҳасан III (1210–1221), Алоуддин Муҳаммад III (1221–1255), Рукниддин Ҳуршоҳ (1255–1256) ва бошқалар.

**1095 йил** – папа Урбан II христианларни Шарқдаги мусулмонларга қарши курашга чақирди.

**1095 йил** – Клермон собори (Жанубий Франция) томонидан салиб юришлари тайёрланди.

**1096 йил** – папанинг чақиригига кўра Пётр Амьенский салиб юриши учун аҳолини тўплади. Салибчилар Кичик Осиёда турклардан биринчи жангдаёқ қақшатқич мағлубиятга учради.

**1096–1099 йиллар** – Биринчи салиб юриши.

**1099 йил** – салибчилар Готфрид Бульонский бошчилигида Қуддусни эгаллади.

**1099 йил** – Қуддусда Муқаддас Иоанн госпитальерлари ташкил топди.

**XII аср** – Инклар давлати ташкил топди.

**XII аср** – Японияда император ҳокимияти вужудга келди.

**XII аср** – Русда феодал тарқоқлик бошланди.

**XII аср охири ва XIII аср бошлари** – Найман давлати фаолият кўрсатди.

*Найман ҳукмдорлари:* Таянхон (? –1203), Кучлукхон (1203–1218) ва бошқалар.

**XII–XIX асрлар** – Авар хонлиги Доғистонда фаолият кўрсатди. Пойтахти – Хунзах шаҳри.

**1100–1118 йиллар** – Қуддус (Иерусалим) қироллигини рицарлар бошқарди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1100 йил** – Ғарбий Европада спирт ишлаб чиқариш ихтиро қилинди.

**1102–1408 йиллар** – Ортуқийлар давлати Диёрбакирда фаолият кўрсатди. Ортуқийлар ўғузлар қабиласидан бўлган дўгар уруғининг сардори Ортуқ ибн Ақсаб авлодларидир. Сулола 1121 йилда икки асосий уруғга бўлиниб кетди: Нажмуддин Эл Ғозийнинг авлодлари Мардин ва Маййафарикинда ҳукмронлик қилди; унинг укаси Сўкманнинг авлодлари эса Ҳисн Кайфада, кейинчалик Омидда ҳукм сурди.

*Ортуқийлар сулоласи:*

*Ҳисн Кайфа ва Омиддаги уруғ (1098–1232):* Муъинуддин Сўкман I (1098–1105), Иброҳим (1105–1109), Рукнуд-давла Доъуд (1109–1144), Фахруддин Қора Арслон (1144–1167), Нуруддин Муҳаммад (1167–1185), Қутбуддин Сўкман II (1185–1201), Носируддин Маҳмуд (1201–1222), Рукнуддин Мавдуд (1222–1232), ал-Малик ал-Масъуд (1232).

*Мардин ва Маййафарикиндаги уруғ (1104–1408):* Нажмуддин Эл Ғозий I (1104–1122), Ҳусомуддин Темуртош (1122–1152), Нажмуддин Алпи (1152–1176), Қутбуддин Эл Ғозий II (1176–1184), Ҳусомуддин Йулуқ Арслон (1184–1201), Носируддин Ортуқ Арслон (1201–1239), Нажмуддин Ғозий I (1239–1260), Қора Арслон ал-Музаффар (1260–1292), Шамсуддин Доъуд (1292–1294),Нажмуддин Ғозий II (1294–1312), Имодуддин Алий Алпи (1312), Шамсуддин Солиҳ (1312–1364), Аҳмад ал-Мансур (1364–1368), Маҳмуд ас-Солиҳ (1368), Доъуд ал-Музаффар (1368–1376), Мажидуддин Исо аз-Зоҳир (1376–1406), ас-Солиҳ (1406–1408).

**1103–1166 йиллар** – яссавия таълимоти асосчиси Аҳмад Яссавий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1106 йил** – Франция шимолидаги Ланс сеньори епископ Годри шаҳар аҳолисига катта тўлов эвазига қирол тасдиқлаган эркинлик ёрлиғини берди.

**1108–1137 йиллар** – Франция қироли Людовик VI ҳукмронлиги даври.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1113–1125 йиллар** – Киев Русининг сўнгги буюк князи Владимир Мономах ҳукмронлиги даври.

**1118 йил** – Буюк Салжуқийлар давлати ғарбий ва шарқий қисмларга бўлинган. Ғарбий қисм Ироқ султонлиги (1118–1194 йиллар) номи билан юритилган. Шарқий қисмга Хуросон, Хоразм ва Мовароуннаҳр кирган (1118–1157 йиллар) ва пойтахти Марв бўлган.

**1118–1157 йиллар** – салжуқийлардан Султон Санжар ҳукмронлиги даври.

**1119 йил** – Қуддусда тамплиерлар (диний рицарлар) ордени ташкил қилинди.

**1124–1218 йиллар** – Қорахитойлар давлати фаолият кўрсатган. Бу давлатга гурхон Елюй Даши асос солган. Пойтахти – Боласоғун шаҳри.

*Қорахитойлар сулоласи вакиллари:* Елюй Даши (1124/1140–1143), Сяо Табуянь (1144–1150), Елюй Иле (1151–1163), Елюй Пусувань (1163–1178), Елюй Чжилугу (1178–1211), Кучлук (1211–1218).

**1125–1211 йиллар** – Ғарбий Кидан давлати фаолият кўрсатган давр.

*Ғарбий Кидан ҳукмдорлари:* Йилудаши [Гўрхон] (1125–1143), Табуян (1143–1150), Йилуйили (1151–1163), Пусаван (1164–1177), Йиложилиого (1177–1211).

**1125–1234 йиллар** – Хитойда чжурчжэнлар [нюйжэнглар]нинг Цзинь сулоласи ва давлати (Манжурларнинг ваньян қабиласи вакиллари) ҳукмронлиги даври. Бу давлат Алтан хонлиги [Олтин хонлиги; Цзинь] деб ҳам аталади. Бу давлатга Хитойнинг шимоли-шарқида яшаган кўчманчи қабилалар иттифоқи – Манжурлар асос солган. Манжурлар кидонлар зулмига қарши қўзғолон кўтариб, 1125 йили Ляо давлатини парчалаб ташлаган. Улар бу даврда Хитойнинг Шимолий Сун сулоласига қарши кураш олиб бориб, Шимолий Хитойнинг катта қисми ва империя пойтахти Кайфин шаҳрини эгаллаган. 1139 йили Хитойнинг Жанубий Сун давлати ҳам манжурларга қарам



www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлган. Цзинь давлати мўғуллар истилоси даврида 1234 йилда тугатилган.

**1127 йил** – Бухорода Қорахонийлар давлати хоқони Арслонхон томонидан машҳур Арслонхон минораси қурилди (бироқ бу минора XX асрдан бошлаб нотўғри равишда Минораи Калон номи билан тилга олинган).

**1127–1222 йиллар** – Зангийлар давлати Сурия ва Жазоирда фаолият кўрсатди. Зангийларнинг отаси туркий ғулом Оқ Сўнқур 1086–1094 йилларда Ҳалабда ҳукмронлик қилган салжуқий Маликшоҳнинг лашкарбошиси бўлган. Султон Маҳмуд 1127 йилда Зангийни Мосулнинг ҳокими ва икки ўғлига отабек қилиб тайинлади.

*Зангийлар сулоласи:*

*Мосул ва Ҳалабдаги улуғ уруғ (1127–1222):* Имодуддин Зангий ибн Оқ Сўнқур (1127–1146), Сайфуддин Ғозий I (1146–1149), Қутбуддин Мавдуд (1149–1169), Сайфуддин Ғозий II (1169–1176), Иззуддин Масъуд I (1176–1193), Нуруддин Арслоншоҳ I (1193–1211), Иззуддин Масъуд II (1211–1218), Нуруддин Арслоншоҳ II (1218–1219), Носируддин Маҳмуд (1219–1222).

*Дамашқда, кейин Ҳалабда ҳукмронлик қилган уруғ (1146–1181):* Нуруддин Маҳмуд ибн Зангий (1146–1174), Нуруддин Исмоъил (1174–1181).

**1129–1331 йиллар** – Францияда Ланс шаҳри аҳолисининг янги қўзголони.

**1136 йил** – новгородликлар йиғини Мономахнинг невараси Всеволод Мстиславични князликдан четлатиб, қамоққа олди. Новгород республикаси эълон қилинди.

**1136–1478 йиллар** – Новгород республикаси Руснинг шимоли-ғарби ва шимолида мавжуд бўлган. Пойтахти – Новгород шаҳри.

**1137–1225 йиллар** – элдегизийлар сулоласи Озарбайжон ва Шимолий Ироқда ҳукмронлик қилган. Отабеклар сулоласи бўлмиш элдегизийлар сулоласига туркий ғулом Шамсиддин Элдегиз (ҳукмронлик даври: 1137–1174) асос



www.ziyouz.com kutubxonasi

солган. Шамсиддин салжуқийлардан Арслоншоҳнинг отабеги бўлган.

*Элдегизийлар сулоласи:* Шамсуддин (1137–1176), Нусратуддин Паҳлавон Муҳаммад (1176–1187), Музаффаруддин Қизил Арслон Усмон (1187–1191), Нусратуддин Абу Бакр (1191–1210), Ўзбек (1210–1225).

**1137–1180 йиллар** – Франция қироли Людовик VII Кичикнинг ҳукмронлик даври. Капетинглар сулоласидан. У Иккинчи салиб юриши йўлбошчиларидан бири.

**1138–1193 йиллар** – атоқли давлат арбоби Султон Салоҳиддин яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1138–1250 йиллар** – Конрад III Гогенштауфен Германияда асос солган Гогенштауфенлар сулоласи «Муқаддас Рим империяси»ни бошқарди.

**1141 йил 9 сентябрь** – қорахонийлар ва салжуқийларнинг бирлашган қўшини билан қорахитойлар ўртасидаги машҳур Қатвон жанги. Самарқанд яқинида бўлган бу жангда қорахитойлар қўшини Султон Санжар қўшинини тормор келтирган. Жанг майдонида 70 минг мусулмон шаҳид бўлган. Қорахитойлар томонидан Самарқанд ва Бухоро шаҳарлари босиб олинган.

**1141 йил** – қорахитойлар гурхони Елюй Даши Карманада Қорахитойлар давлати барпо этилганлигини эълон қилган; хоразмшоҳ Алоуддин Отсиз Марвни эгаллаб олган; Бағдод халифаси Алоуддин Отсизни тўла ҳуқуқли ҳукмдор деб тан олган, унга султон мартабасини берган; Алоуддин Отсиз ўз номидан тилла тангалар зарб этган.

**1145–1221 йиллар** – кубравийлик оқимининг асосчиси Шайх Нажмиддин Кубро яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1147 йил** – князь Юрий Долгорукий Кучков қишлогида Киев устидан галабага эришди.

**1147 йил** – Москва тўғрисидаги дастлабки маълумот солномада берилган. Суздаль ва Буюк Киев князи Юрий Долгорукий анъана бўйича Москванинг асосчиси ҳисобланади. Кейинчалик Москвада биринчи ёғоч қалъа қурилган (ҳозирги Кремль).



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1147–1149 йиллар** – Иккинчи салиб юриши. Эдессани мусулмонлардан тортиб олишни кўзлаган бу юриш ҳам мағлубиятга учради.

**1148–1221 йиллар** – мутасаввиф шоир ва мутафаккир Фаридиддин Аттор яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1148–1206 йиллар** – Ғурийлар давлати фаолияти. Бу давлатга Сурийлар хонадонига мансуб Ғур султонлари сулоласи асос солди. Давлат ака-ука Ғиёсиддин Муҳаммад (ҳукмронлик даври: 1162–1203) ва Шаҳобиддин [Муъизиддин ёхуд Муҳаммад Ғурий; ҳукмронлик даври: 1203 – 1206] даврида ҳозирги Афғонистон ва Ҳиндистоннинг катта қисмини ўз ичига олди. Давлат маркази Ғур вилояти, пойтахт шаҳарлари Ферузкўҳ ва Ғазна бўлган.

**1148–1270 йиллар** – солғурий отабеклар сулоласи Форс [Эрон]да фаолият кўрсатди. Солғурлар ёки солурлар қадимги туркий ўғуз қабилаларидан бири. Форсдаги солғурийлар сулоласи асосчиси Сўнқур [Сонқур] аввал туркий отабеги Бўз аба ҳукмида бўлган. Сўнгра салжуқий султон Масъуд ибн Муҳаммад даврида Жанубий Эронда ўз мавқеини мустаҳкамлаб олган.

*Солғурийлар отабеклар сулоласи:* Музаффаруддин Сўнқур (1148–1161), Музаффаруддин Зангий (1161–1175), Дагала (1175–1194), Тўғрул (1194–1203), Иззуддин Саъд I (1203–1231), Абу Бакр Қутлуғхон (1231–1260), Саъд II (1260), Муҳаммад (1260–1262), Муҳаммадшоҳ (1262–1263), Салжуқшоҳ (1263–1265), Обиш хотун (1265–1270).

**1148–1339 йиллар** – ҳазораспийлар сулоласи (Луристон отабеклари)нинг ҳукмронлик даври. Бу сулолага 1148 йил саркарда Абу Тоҳир Катта Луристон ва Ҳиндистонда асос солган. Давлат пойтахти Идаж шаҳри бўлган. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, ҳазораспийлар сулоласининг аждодлари Хоразмдаги Ҳазорасп атрофларидан бўлган. Кичик Луристонни XII аср охиридан то XVI аср бошларигача бошқарган бошқа отабеклар сулоласи ҳам бўлган.

*Ҳазораспийлар сулоласи (Луристон отабеклари):* Абу Тоҳир ибн Муҳаммад (1148–1203), Насриддин Ҳазораспий



www.ziyouz.com kutubxonasi

(тахминан 1203–1252), Такла (тахминан 1252–1259), Шамсиддин Алп-Арғу (тахминан 1259–1274), Юсуфшоҳ I (тахминан 1274–1288), Афросиёб I (1288–1296), Насриддин Аҳмад (1296–1333), Рукниддин Юсуфшоҳ II (1333–1339), Музафариддин Афросиёб II (1339–1355), Шамсиддин Хушанг [Нурал-верд] (1355–1378), Аҳмад (тахминан 1378–1408), Абу Саид (1408–1417), Ҳусайн (тахминан 1417–1423), Ғиёсиддин (1423).

**1149–1209 йиллар** – машҳур калом олими ва файласуф Фахриддин Розий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**Тахминан 1150 йил** – Киев Руси бир қанча мустақил князликларга бўлиниб кетди. Улар орасида Владимирь – Суздаль князлиги ажралиб турган.

**1153 йил** – Англияда Стефан Блуа тахтга ўтирди.

**1154 йил** – бир аср давом этган «Муқаддас Рим империяси»даги диний ҳокимият билан қироллар ўртасида зиддиятлар бошланди.

**1154 йил** – Англияда плантагенетлар сулоласига қирол Генрих II асос солди.

**1154–1189 йиллар** – Англияда Генрих II қироллиги даври.

**1154–1399 йиллар** – плантагенетлар инглиз қироллари сулоласининг ҳукмронлик даври. Унга Анжу графи Генрих II асос солган. Плантагенетлар Анжу (Франция) графлигидан келиб чиққанлиги учун Анжу сулоласи деб ҳам айтилади.

*Плантагенетлар сулоласи:* Генрих II (1154–1189), Ричард I Шерюрак (1189 – 1199), Иоанн Ерсиз (1199–1216), Генрих III (1216–1272), Эдуард I (1272–1307), Эдуард II (1307–1327), Эдуард III (1327–1377), Ричард III (1377–1399).

(Плантагенетлар сулоласидан *ланкастерлар* (1399–1461) ва *йорклар* (1461–1485) тармоқлари (сулолалари) ажралиб чиққанлиги учун уларнинг ҳукмронлиги 1399 йили эмас, балки 1485 йилда тугаган деб ҳам ҳисобланилади).

**1154–1399 йиллар** – Анжу қироллар сулоласи даври. Улар Англия (плантагенетлар тармоғи)дан ташқари Жа-



www.ziyouz.com kutubxonasi

нубий Италия, Сицилия, Неополь қироллиги, Венгрия ва Польшада ҳукмронлик қилишган. Сицилия ва Жанубий Италиядаги Анжу сулоласига Карл Анжунский, Венгриядаги сулолага Карл Роберт асос солган.

*Жанубий Италия (1268–1442) ва Сицилия (1268–1302) даги Анжу сулоласи:* Карл I Анжунский (1266–1285) ва б.

*Венгриядаги Анжу сулоласи (1308–1387):* Карл Роберт (1308–1342), Лайош I Буюк (1342 –1382) ва б.

*Польшадаги Анжу сулоласи (1370–1382; 1384–1385):* Лайош I Буюк ёки Людовик (1370–1382), Мария (1382–1387).

**1155/1162 – 1227 йиллар** – Мўғул давлатини тузган Темучин (Чингизхон) яшаган йиллар.

**1166 йил** – Бағдодда сўфийлик мактабини ташкил қилган машҳур мутасаввуф Абдулқодир Гилоний вафот этди.

**1171 йил** – Салоҳиддин (Суриядаги занжилар қўлида хизмат қилган курд жангчиси) Қоҳирада Фотимийлар халифалигини ағдариб ташлаб, суннийликни тиклади ва айюбийлар сулоласига асос солди.

**1171–1193 йиллар** – Султон Салоҳиддин [Салоҳуддин ал-Айюбий]нинг ҳукмронлик даври.

**1171–1250 йиллар** – айюбийлар сулоласи Миср, Сурия, Яман ва Месопотамияда ҳукмронлик қилди.

*Мисрдаги айюбийлар сулоласи:* Султон Салоҳиддин – ал-Малик ан-Носир I Салоҳуддин (1171–1193), ал-Малик ал-Азиз Имодуддин (1193–1198), ал-Малик ал-Мансур Носируддин (1198–1200), ал-Малик ал-Одил I Сайфуддин (1200–1218), ал-Малик ал-Комил I Носируддин (1218–1238), ал-Малик ал-Одил II Сайфуддин (1238–1240), ал-Малик ас-Солиҳ Нажмуддин Аййуб (1240–1249), ал-Малик ал-Муъаззам Туроншоҳ (1249–1250), ал-Малик ал-Ашраф II Музаффаруддин (1250) ва бошқалар.

**1176 йил** – Византия императори Мануил I Комнин салжуқийлар султонидан Мириокефалон жангида енгилди.

**1177 йил** – Японияning Хейян шаҳри ёнғин оқибатида бутунлай ёниб кетди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1180–1223 йиллар** – Франция қироли Филипп II Августнинг ҳукмронлиги даври.

**1184–1213 йиллар** – малика Тамара ҳукмронлиги даврида Грузия Кавказдаги энг қудратли давлатга айланди.

**1185 йил** – Византияда комнинлар сулоласи тугатилди. Исаак II Ангел янги ангеллар сулоласига асос солди.

**1185–1204 йиллар** – Византияни ангеллар сулоласи бошқарди.

**1186 йил** – Муизаддин Муҳаммад ибн Сам (Муҳаммад Ғурий) ўз лашкарбошиси Қутбиддин Ойбек билан биргаликда Лаҳор (Панжоб, ҳозирги Покистон)ни эгаллади. Қутбиддин Ойбек Ҳиндистонда янги туркий сулолага, 1206 йилда эса янги давлатга асос солди.

**1187 йил** – Султон Салоҳиддин Месопотамиядаги кичик салжуқ ҳукмдорлари ҳокимиятини ўзига бўйсундириб, салибчиларга қарши Хиттинда бўлган жангда ғолиб чиқди ҳамда Акра ва Қуддусни қайта эгаллади.

**1189–1190 йиллар** – Учинчи салиб юриши. Бу юришда Филлип II Август, Ричард Шерюрак ва Фридрих I Барбаросса қатнашдилар.

**1190 йил** – Муқаддас ерда Тевтон рицарлар ордени ташкил этилди.

**1192 йил** – Ричард Шерюрак ва Султон Салоҳиддин ўртасидаги келишувга биноан Қуддус мусулмонлар қўлида қолди. Франклар фақат Тир дарёсидан Яффи соҳилларигача бўлган ҳудудни сақлаб қолди.

**1192 йил** – Япония шимолидаги ҳарбий зодагонлар ўз сардорлари Ёритомо Минамотони сёгун [саркарда] унвони билан давлатнинг ҳукмдори деб эълон қилдилар. Бу пайтда Японияда императорлар номигагина сақланиб қолинди. Сёгунларнинг қароргоҳи Камакура шаҳрида жойлашган.

**1192–1867 йиллар** – Японияда сёгун [сёгунатлик] даври. Бу даврда Сёгунат ҳокимияти Киотодаги императордан фарқли равишда Япониянинг катта қисмини бошқарган.

*Камакура сёгунати – Камакура бакуфу вакиллари (1192–1333):* Минамото уруғи (1192–1210; 3 та сёгун);



www.ziyouz.com kutubxonasi

Фудзивара уруғи (1226–1252; 2 та сёгун); император шаҳзодалари [синно] (1252–1333; 4 та сёгун);

*Киото сёгунати – Муромати бакуфу вакиллари (1338–1573):* Асикага уруги (1338 – 1573, 16 та сёгун);

*Эдоский сёгунати – Эдо бакуфу вакиллари (1603–1867):* Токугава уруғи (1603 – 1867; 15 та сёгун).

**1193 йил** – Султон Салоҳиддин I вафот этди.

**1198–1216 йиллар** – Рим католик черкови папаси Иннокентий III даври.

**1199 йил** – Деҳлида Қутб-Минор ва Жаястамбха ғалаба минораси қурилди.

**1199–1216 йиллар** – Англияда қирол Иоанн ҳукмронлиги даври.

**XIII аср** – Конго давлати ташкил топди.

**XIII аср** – Мексиканинг шимолидан атрофини кўл ўраб турган ерларга ацтеклар кўчиб келиб, Теночтитлан шаҳрини барпо этишди. Шаҳар кўлдаги оролларни дамбалар билан бирлаштириш натижасида вужудга келди.

**1202 йил** – Қиличбардорлар орденига асос солинди.

**1202–1204 йиллар** – Тўртинчи салиб юриши.

**1203 йил** – Франциянинг Тулуза шаҳрида ғалла бозори қурилди.

**1204 йил** – Тўртинчи салиб юриши натижасида Константинополь салибчилар томонидан босиб олинди ва таланди. Улар бу ерда янги Лотин империясига асос солдилар. Венеция ва франк баронлари ўзаро Фракия, Македония ва Пелопоннес (Ахайя)ни бўлиб олишди.

**1204 йил** – салибчилар христианларга қарши уруш бошлаб, Константинополни ишғол қилди.

**1204 йил** – мўғуллар йўлбошчиси Темучин ҳокимият учун курашда ашаддий рақиби (яқингача собиқ иттифоқчиси бўлган) Жамухани мағлубиятга учратди ва қатл эттирди.

**1204–1261 йиллар** – Византияда Лотин империяси фаолият кўрсатди.

**1206 йил** – Шимолий Ҳиндистонда Деҳли султонлиги давлати ташкил топди. Бу давлатга Мовароуннаҳр турк



www.ziyouz.com kutubxonasi

ғуломларидан Қутбиддин Ойбек [Ойбок] асос солди. Султонликни навбати билан туркийлар сулоласи: ғуломлар (1206–1290 й.), халжийлар (1290–1320 й.), туғлуқийлар (1320–1414 й.), саййидлар (1414–1451 й.); афғонлар сулоласи лўдийлар (1451 – 1526 й.) ва сурийлар (1540–1555 й.) бошқаришди.

**1206–1210 йиллар** – Қутбиддин Ойбекнинг Деҳли султонлигида ҳукмронлик даври.

**1206–1290 йиллар** – Деҳли султонлигида *ғуломлар* ёхуд *муъиззий сулоласи* фаолияти.

*Муъиззий сулоласи ёхуд ғулом султонлар:* Қутбиддин Ойбек (1206–1210), Оромшоҳ (1210–1211), Шамсуддин Элетмиш (Элтутмиш) (1211–1236), Жалолуддин Розийа Бегум (1236–1240), Муъиззуддин Баҳромшоҳ (1240–1242), Алоуддин Масъудшоҳ I (1242– 1246), Носируддин Маҳмудшоҳ I (1246–1266), Ғиёсуддин Балбан (1266–1287), Муъиззуддин Кай Қубод (1287–1290), Шамсуддин Кайумарс (1290).

**1206–1526 йиллар** – Ҳиндистонда мусулмон туркий давлат – Деҳли султонлиги фаолият кўрсатди. Давлат пойтахти Лоҳур, сўнгра Деҳли бўлган.

**1206 йил 16 апрель** – мўғуллар йўлбошчиси Темучин қурултойда Чингизхон деган номни олди ва Мўғуллар давлатига асос солиб, хоқон унвонига эга бўлди.

**1206 – 1407 йиллар** – Осиё ва Шарқий Европада ташкил топган ва чингизийлар сулоласи томонидан бошқарилган Мўғуллар давлати ҳукмронлик қилган давр.

*Мўғуллар давлати ҳукмдорлари (Буюк хоқонлар)* (1206–1388): Чингизхон (1206–1227), Тулихон (1227–1229), Ўқтой қоон (1229–1242), Туракина хотун (1242–1246), Куюк [Гуюк] қоон (1246–1248), Мункэ [Мангу] қоон (1251–1259), Хубилай (1259–1294), Ўлжайту [Темур] қоон (1295–1307), Хайсанкулуг қоон (1307–1311), Аюрбарибад [Буянту] қоон (1311–1320), Шидэбала [Гэгэн] қоон (1320–1323), Есун [Темур] қоон (1324–1328), Хўшила қоон (1328), Туг-Темур қоон (1328–1332), Ирижинбал



www.ziyouz.com kutubxonasi

қоон (1332), Туғон Темур (1333–1370), Аюширидор қоон (1370–1378), Тўкус Темур қоон (1378–1388).

*Жўжи улуси (Олтин Ўрда) ҳукмдорлари* (1224–1407): Жўжи (1224–1227), Боту (1227–1256), Беркахон (1256–1266), Манғу Темур (1266– ?), Тўда Мангу, Тўла буға; Тўхтахон (1290–1312), Ўзбекхон (1312–1340), Жонибекхон (1340–1357), Бердибекхон (1357–1359), Наврўз (1359–1360), Хизрхон (1360–1361), Мардуд [Муруд] (1361–1363), Муродхўжа (1363), Қутлуғхўжа (1364), Ўрусхон (1364–1375), Тўқтақия (1375), Темур Малик (1375–1376), Тўхтамишхон (1375–1396), Темур Қутлуғ (1396–1399), Шодибек (139 –1407);

*Чиғатой улуси ҳукмдорлари – чиғатоийлар* (1224–1370): Чиғатойхон (1224–1242), Қора Ҳулоку [Ҳалоку] (1242–1246; 1252), Есу Мункэ (1246–1257), Оркина [Эргэнэ] хотун (1257–1261), Олғу (1261–1265), Муборакшоҳ (1265–1266), Бароқхон (1266–1271), Никпай (1271–1272), Туға Темур (1272–1274), Дувахон (1274–1306), Кунчак (1306–1308), Толику (1308–1309), Кебакхон (1309; 1318–1326), Эсан Буғо (1309–1318), Элчигадой (1326), Дува Темур (1326), Тармаширин (1326–1334), Жингши [Жанкши] (1334–1335), Бузан [Пуран] (1335–1338), Есун Темур (1338–1340), Али Султон [Ўқтой наслидан] (1340–1342), Муҳаммад (1342–1343), Қозонхон (1332/1343–1347), Донишмандча [Ўқтой наслидан] (1346–1348); Баёнқулихон (1348–1358); [амалда Амир Қазоғон: 1346–1358]; Абдуллоҳ (1358–1360), Туғлуқ Темур (1360–1361), Илёсхўжа (1361–1365), Амир Ҳусайн ибн Мусаллаб (1366–1370) ва бошқалар;

*Ироқ (Озарбайжон, Форс, Хуросон, Кирмон ва Эроннинг ғарби)да ҳукм сурган чингизий ҳукмдорлар* (1256–1351): Ҳулокухон (1256–1265), Абақахон (1265–1282), Аҳмадхон (1282–1284), Арғунхон (1284–1291), Кейхотухон [Гайхатухон] (1291–1295), Бойдухон (1295), Ғозонхон (1295–1304), Ўлжайтухон (1304–1316), Абу Саъид Баҳодирхон (1316–1335), Ариахон (1335–1336), Мусохон (1336), Сул-



www.ziyouz.com kutubxonasi

тон Муҳаммадхон (1336–1338), Тағой Темурхон (1338; 1341–1351), Сулаймонхон (1339–1341).

**1207–1273 йиллар** – буюк шоир ва мутафаккир Жалолиддин Румий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1211 йил** – Чингизхон бошчилигидаги мўғуллар Шимолий Хитойни босиб олишди. Цзинь сулоласи империяси ҳудуди қисман таланди, кейинчалик Пекин эгалланди (1215).

**1211–1236 йиллар** – Деҳли султони Шамсиддин Элтутмишнинг ҳукмронлик даври.

**1215 йил 15 июнь** – Англияда «Буюк эркинлик хартияси» қабул қилинди.

**1215 йил** – папа Иннокентий III томонидан Латран собори чақирилди. Папа ҳокимияти ўзининг юқори чўққисига чиқди.

**1217–1219 йиллар** – Бешинчи салиб юриши. У Мисрга қарши қаратилди.

**1219 йил** – Чингизхон буюк давлат ҳисобланган Хоразмшоҳлар салтанатига юриш бошлади.

**1219–1221 йиллар** – Чингизхон томонидан Ўрта Осиёдаги Хоразм ва Мовароуннаҳр босиб олинди.

**1220–1231 йиллар** – хоразмшоҳ Султон Жалолиддин Мангубердининг Хоразмшоҳлар давлатида ҳукмронлиги даври.

**1220–1250 йиллар** – герман императори Фридрих II Гогенштауфеннинг ҳукмронлик даври. У 1197 йилдан Сицилия қироли, 1212 йилдан Германия қироли деб эълон қилинган.

**1220–1270 йиллар** – Амьенда Собор қурилди (етук готика услубида).

**1222–1254 йиллар** – Византия Никея империясида Иоанн III Дук Ватадзиснинг ҳукмронлик даври.

**1223–1226 йиллар** – Франция қироли Людовик VIII нинг ҳукмронлик даври. Капетинглар сулоласи.

**1224 йил** – мўғуллар империяси тўрт улусга бўлинди.

**1226 йил** – Пруссия Тевтон ордени рицарлари томонидан босиб олина бошланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1226–1270 йиллар** – Франция қироли Людовик IX Авлиёнинг ҳукмронлик даври. Капетинглар сулоласидан. У еттинчи ва саккизинчи салиб юришларига бошчилик қилган.

**1227 йил** – мўғуллар томонидан Хитойдаги Ғарбий Ся империяси тор-мор қилинди. Чингизхон вафот этди.

**1227–1241 йиллар** – Рим католик черкови папаси Григорий IX даври.

**1228–1229 йиллар** – Олтинчи салиб юриши.

**1229 йил** – герман императори Фридрих II Гогенштауфен ва Миср султони Малик ал-Комил ўртасида сулҳ тузилиб, Мисрга Қуддус, Вифлей ва Назарет қайтариб берилди.

**1229–1454 йиллар** – Яманда туркий расулийлар сулоласининг бошқарув даври. Сулола асосчиси Расул ўғуз туркларидан бўлиб, у Аббосийлар халифасининг элчиси (расули) лавозимида фаолият кўрсатган. Расулнинг невараси ал-Малик ал-Мансур Умар Қизил денгиз соҳилидаги Забид шаҳрини пойтахт қилиб, Расулийлар давлатига асос солди.

*Расулийлар сулоласи:* ал-Малик ал-Мансур Нуриддин Умар I (1229–1249), ал-Малик ал-Музаффар Шамсуддин Йусуф I (1249–1295), ал-Малик ал-Ашраф Мумаҳҳидуддин Умар II (1295–1297), ал-Малик ал-Муваййад Ҳизбаруддин Доъуд (1297–1321), ал-Малик ал-Мужоҳид Сайфуддин Али (1321–1363), ал-Малик ал-Афзал Дирғомуддин ал-Аббос (1363–1377), ал-Малик ал-Ашраф Муҳаммадуддин Исмоъил I (1377–1401), ал-Малик ал-Носир Салоҳуддин Аҳмад (1401–1424), ал-Малик ал-Мансур Абдуллоҳ (1424–1427), ал-Малик ал-Ашраф Исмоъил II (1427–1428), ал-Малик ал-Зоҳир Йаҳйо (1428–1439), ал-Малик ал-Исмоъил III (1439–1442), ал-Малик ал-Музаффар Йусуф II (1442–1454).

**1230–1255 йиллар** – Мали давлатида Кейт сулоласининг энг буюк вакили Сундиата ҳукмронлиги даври.

**1231 йил** – Хитойда гранаталар илк марта тилга олинган.

**1231 йил** – папа Григорий IX даҳрийларга қарши черков трибунали – инквизицияни ташкил қилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1231–1241 йиллар** – мўғуллар Кореяга бостириб кирди.

**1235–1242 йиллар** – Чингизхоннинг невараси Ботухон (Жўжининг ўғли) Шарқий Европада жуда катта истилолар қилди.

**1236 йил** – мўғуллар томонидан Жанубий Хитойни босиб олиш бошланди.

**1237 йил** – Тевтонлар орденининг Қиличбардорлар ордени билан бирлашуви.

**1237 йил** – мўғулларнинг Русга босқинчилик юришлари бошланди.

**1237–1240 йиллар** – мўғуллар Боту бошчилигида Русь ерларини истило қилишди.

**1240 йил** – Киев князлиги мўғулларга таслим бўлди.

**1240 йил** – Нева дарёси бўйлаб Новгород ерларига швед феодалларининг катта қўшини бостириб кирди.

**1240 йил 15 июль** – Новгород ҳукмдори Александр Ярославич ўзининг унча катта бўлмаган лашкари билан шведлар қароргоҳига кўққисдан ҳужум қилди. Нева жангидаги ғалабаси учун у Александр Невский лақабини олди.

**Тахминан 1240 йил – XVI аср бошлари** – Олтин Ўрда хонлиги (Жўжи улуси) фаолият кўрсатган давр. Бу давлатга Жўжихоннинг ўғли Ботухон томонидан асос солинган. Бу давлат таркибига Хоразм, Шимолий Кавказ, Волга булғорлари юрти, Дашти Қипчоқ, Қрим, Ғарбий Сибирь кирган, рус князлари унга ўлпон тўлаб турган. Олтин Ўрда маркази Ботухон даврида Қуйи Волганинг Сарой Боту шаҳри, Беркахон (Баракахон) даврида Сарой Берка бўлган.

*Олтин Ўрда таркибидаги Оқ Ўрда хонлари (1226–1481):* Ўрдахон, Жўжининг ўғли (1226–1280), Кўчу (1280–1302), Байон (1302–1309), Саси Буқа (1309–1315), Элбасан (1315–1320), Муборакхўжа (1320–1344), Чимтой (1344–1361), Ўрусхон (1361–1375), Тўқтакийа (1375), Темур Малик (1375–1376), Ғиёсуддин Тўхтамиш [Тўхтамишхон] (1376–1395), Темур Қутлуғ (1395–1401), Шодибек (1401–1407), Пўлод (1407–1410), Темур



www.ziyouz.com kutubxonasi

(1410–1412), Жалолуддин (1412), Каримберди (1412–1414), Кебек (1414–1417), Жабборберди (1417–1419), Улуғ Муҳаммад (1419–1420), Давлатберди (1420–1422), Барақ (1422–1427), Улуғ Муҳаммад (1427–1433), Сайид Аҳмад I (1433–1435), Кучук Муҳаммад (1435–1465), Аҳмад (1465–1481), Шайх Аҳмад (1481), Сайид Аҳмад II (1481), Муртазо (1481) ва бошқалар.

**1241 йил** – мўғулларнинг Марказий Европа (Польша, Венгрия)га босқини. Улар Венецияга таҳдид қилиб, Адриатика денгизига чиқишди. Буюк хоқон Ўқтойнинг ўлими ҳақидаги хабардан кейин мўғуллар орқага қайтишди.

**1242 йил 5 апрель** – Новгород ҳукмдори Александр Невскийнинг немис рицарларига қарши жанги. Рус қўшинлари Чудь кўли устида немис рицарлари устидан ғалаба қилди (Муз устидаги жанг).

**1243 йил** – Анатолияда мўғуллар Рум салжуқийларини мағлубиятга учратди.

**1244 йил** – Хоразм ўзбеклари (турклари) Қуддусни эгаллади. Еттинчи салиб юриши қатнашчилари кейинчалик шаҳар яқинида мағлубиятга учради.

**1248 йил** – Фердинанд III томонидан Севилья иккинчи марта босиб олингач, мусулмонлар фақат Испаниянинг Гренада қироллигида қолишди.

**1248–1254 йиллар** – Еттинчи салиб юриши. Бу юриш ҳам мағлубиятга учради.

**1249 йил** – Оксфордда дастлабки коллеж очилди.

**1250 йил** –Қоҳирада мамлуклар (турк жангчи гуломлари) айюбийлар сулоласини ағдариб ташлаб, ҳокимиятни эгаллади.

**1250–1517 йиллар** – Мамлуклар давлати Миср ва Сурияда ҳукмронлик қилди. Бу давлатни мамлуклар сулоласи бошқарган. Ўз навбатида, мамлукларнинг икки сулоласи: баҳрийлар (1250–1390) ва буржийлар (1382–1517) сулолалари давлатни бошқарди. Баҳрийлар асосан Мовароуннаҳрдан борган туркий қавмларнинг вакиллари бўлса, буржийлар кўпроқ кавказликлардан иборат бўлган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1250–1390 йиллар** – Мамлуклар давлати (Миср ва Сурия)да бахрийлар сулоласи ҳукмронлиги.

*Баҳрийлар сулоласи:* Шажар ад-Дур (1250), ал-Муъизз Иззуддин Ойбек (1250–1257), ал-Мансур Нуриддин Али (1257–1259), ал-Музаффар Сайфуддин Қутуз (1259–1260), ал-Зоҳир Рукнуддин Бейбарс I ал-Бундукдорий (1260–1277), ал-СаъидНосируддинБаракахон(ёкиБеркахон)(1277–1280), ал-Одил Бадруддин Саломиш (1280), ал-Мансур Сайфуддин Қалаъун ал-Алфий (1280–294), ал-Ашраф Салоҳуддин Халил (1294), ан-Носир Носируддин Муҳаммад (1294–1295), ал-Одил Зайнуддин Китбуғо (1295–1297), ал-Мансур Ҳусомуддин Ложин (1297–1299), ан-Носир Носируддин Муҳаммад (иккинчи марта) (1299–1309), ал-Музаффар Рукнуддин Бейбарс II ал-Жаҳонгир (1309), ан-Носир Носируддин Муҳаммад (учинчи марта) (1309–1340), ал-Мансур Сайфуддин Абу Бакр (1340–1341), ал-Ашраф Алоуддин Қужук (1341–1342), ан-Носир Шихобуддин Аҳмад (1342), ас-Солиҳ Имодуддин Исмоъил (1342–1345), ал-Комил Сайфуддин Шаъбон I (1345–1346), ал-Музаффар Сайфуддин Ҳожжий I (1346–1347), ан-Носир Носируддин ал-Ҳасан (1347–1351), ас-Солиҳ Салоҳуддин Солиҳ (1351–1354), ан-Носируддин ал-Ҳасан (иккинчи марта) (1354–1361), ал-Мансур Салоҳуддин Муҳаммад (1361–1363), ал-Ашраф Носируддин Шаъбон II (1363–1376), ал-Мансур Алоуддин Али (1376–1382), ас-Солиҳ Салоҳуддин Ҳожжий II (1382), аз-Зоҳир Сайфуддин Барқуқ (Буржий) (1382–1389), Ҳожжий II (иккинчи марта, ал-Музаффар деган фахрий унвон билан) (1389–1390).

**1254–1324 йиллар** – венециялик сайёҳ Марко Поло яшаган йиллар.

**1256–1265 йиллар** – мўғуллар Хулагухон (Ҳубилайхоннинг укаси) бошчилигида Эронни босиб олишди ва элхонлар сулоласига асос солишди.

**1256–1353 йиллар** – Эронда элхонлар сулоласи ҳокимиятни бошқарди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1256–1483 йиллар** – Қаҳрамонийлар давлати Марказий Онадўлида фаолият кўрсатган. Бу давлатга Қа(ҳ)рамон ибн Нура Суфий томонидан асос солинган. Қаҳрамонийлар Онадўлида энг кучли ва узоқ умр кўрган туркий сулоладир. Қаҳрамонийлар туркманларнинг афшар уруғига мансуб бўлган.

*Қа(ҳ)рамонийлар сулоласи:* Қаҳрамон ибн Нура Суфий (1256–1261), Муҳаммад I (1261–1278), Бадруддин Маҳмуд (1278–?), Бурҳониддин Мусо (?), Фахруддин Аҳмад (?–1349), Шамсуддин (1349–1352), Алоуддин Халил (1352–1381), Алоуддин ибн Халил (1381–1390), Муҳаммад II (1403–1419; 1421–1424), Алоуддин Алий (1424), Тожуддин Иброҳим (1424–1463), Исҳоқ (1463–1464), Пир Аҳмад (1464–1469), Пир Аҳмад ва Қосим [биргаликда] (1469–1474), Қосим (1474–1483).

**1257 йил** – Парижда Сорбонна университетига асос солинди.

**1258 йил** – Бағдод Хулагухон бошчилигидаги мўғуллар томонидан истило қилинди. Аббосийлар халифалигининг ҳукмронлиги тугатилди. Халифанинг ворислари Қоҳирага кўчиб кетди ва мамлук турк султонлари қўлида қўғирчоққа айланди.

**1258–1282 йиллар** – Никей подшоси ва Византия императори Михаил VIII Палеологнинг ҳукмронлиги даври.

**1258–1324 йиллар** – усмонлилар сулоласи ва Усмонли турк султонлигининг асосчиси Усмон Ғозий яшаб ўтган давр.

**1260 йил** – Ҳубилайхон [Қубилай] мўғулларнинг Буюк хони деб эълон қилинди. У 1294 йилгача Мўғуллар давлати ҳукмдори – қоон бўлди.

**1260 йил** – Хулагухон бошчилигидаги мўғуллар Алеппо ва Дамашқни эгаллади. Бироқ уларни мамлук турклари Айн-Жалют ва Галилейда тор-мор қилишди.

**1261 йил** – Никея подшоси Михаил VIII Палеолог томонидан Константинополь босиб олинди. Лотин империяси тугатилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1261–1453 йиллар** – Византия империясини палеологлар сулоласи бошқарди.

**1261–1517 йиллар** – Мисрда Аббосий халифаларнинг ҳукмронлик даври. Бу пайтда халифалик пойтахти Қоҳира шаҳри бўлган.

*Қоҳирадаги аббосий халифалар:* ал-Мустансир (1261), ал-Ҳоким I (1261–1302), ал-Мустакфий I (1302–1340), ал-Восиқ I (1340–1341), ал-Ҳоким II (1341–1352), ал-Муътазид I (1352–1362), ал-Мутаваккил I (1362–1377; 1377–1383; 1389–1406), ал-Муътасим (1377; 1386–1389), ал-Восиқ II (1383–1386), ал-Мустаъин (1406–1414), ал-Муътазид II (1414–1441), ал-Мустакфий II (1441–1451), ал-Қойим (1451–1455), ал-Мустанжид (1455–1479), ал-Мутаваккил II (1479–1497), ал-Мустамсик (1497–1517; 1508–1517), ал-Мутаваккил III (1517).

**1264 йил** – Пекин Хонбалиқ номи билан Мўғуллар империяси пойтахтига айланди.

**1265 йил май – 1321 йил 14 сентябрь** – илк Ренессанс даврининг буюк шоири, публицисти, файласуф ва сиёсий арбоб Данте Алигьери яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1265 йил** – Англияда парламент жорий этилди.

**1268 йил** – мамлуклар султони Бейбарс I Антиохияни эгаллади. Бу воқеалар саккизинчи салиб юришига баҳона бўлди.

**1269–1270 йиллар** – Саккизинчи салиб юриши.

**1270 – 1285 йиллар** – Францияда Филипп III Жасурнинг ҳукмронлик даври.

**1271–1291 йиллар** – венециялик Марко Поло Хитойда мўғуллар хизматида бўлди.

**1276 йил** – мўғуллар Хитойдаги Жанубий Сун сулоласи пойтахти Ганьчжоуни босиб олди.

**1277 йил** – Страсбургда собор қурилиши бошланди.

**1280–1368 йиллар** – Хитойда мўғулларнинг Юань ёки Да Юань (Буюк Юань) сулоласи ва давлати ҳукмронлик қилган. Юань сулоласига Мўғулистон буюк қоони Ҳубилайхон томонидан аслида 1271 йилда асос солин-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ган. Ҳубилайхон Хитойда ҳам бу сулола ва давлатга асос солиб, Ши-цзу номи билан 1280–1294 йилларда давлатни бошқарган. Мўғуллар ҳукмронлигига қарши Хитойда кўтарилган «Қизил қўшинлар» қўзғолони натижасида 1368 йили Юань сулоласи ағдариб ташланди ва ҳокимиятга хитойликларнинг Мин сулоласи келди.

**1282–1918 йиллар** – Австрияда ҳукмронлик қилган габсбурглар сулоласи (1282 йилдан герцоглар, 1438 йилдан императорлар, 1453 йилдан эрцгерцоглар, 1804 йилдан Австрия императорлари, 1867 йилдан Австрия-Венгрия императорлари) даври. Улар Австриядан ташқари Чехия ва Венгрияда (1526–1918), Италиянинг баъзи қисмларида (XVII асрдан то 1866 йилгача), «Муқаддас Рим империяси»да (1438–1806 йиллар; фақат 1740–1745 йиллар мустасно), Испанияда (1516–1700), Нидерландияда ҳам ҳукмронлик қилишган. Габсбурглар сулоласининг бобокалони Юқори Эльзасдан Гунтр Бадавлат бўлган (тахминан 900 йил). Габсбурглар Юқори Рейн ва Ўрта Швейцарияда 1090 йилдан графлар, 1135 йилдан ландграфлар бўлишган (улар Швейцария вилояти Ааргауда 1020 йили Габсбург қалъасини қуришган; сулола номи шундан олинган). Габсбурглар 1273 йилдан Германиянинг 2-даражали князлари, улар 1438 йилдан «Муқаддас Рим империяси»нинг илк императорлари қилиб сайланган. Рудольф I (ҳукмронлик даври:1273–1291 йил) габсбурглар учун Австрия ва Штирия герцоглигини ташкил этган. 1438 йилда габсбурглар сулоласи вакили Альберт Габсбург Германия императори қилиб сайланди. Габсбурглар шу санадан бошлаб доимий равишда императорлар қилиб сайланган. Карл V даврида (1516 йилдан – Испания қироли Карл I; 1519 йилдан «Муқаддас Рим империяси» императори) габсбурглар ҳокимияти остида Германия, Австрия, Чехия, Венгрия, Нидерландия ва Италиянинг бир қисми, Испания ва унинг Америкадаги колониялари бўлган. 1867 йил Габсбурглар империяси Австрия-Венгрия монархиясига айланди. 1918 йилда габсбурглар сулоласи тугатилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Габсбурглар – герман қироллари ва «Муқаддас Рим империяси» императорлари, Австрия ҳукмдорлари (1282–1556):* Рудольф I (1273/1282 – 1291), Альбрехт I (1298–1308), Фридрих Австрийский (1314–1330), Альбрехт II (1438–1439), Фридрих III (1440–1493), Максимилиан I (1493–1519), Карл V, император (1519–1556; испан қироли Карл I нинг ўзи).

*Испан қироллари (1516–1765):* Карл I (1516–1556), Филипп II (1556–1598), Филипп III (1598–1621), Филипп IV (1621–1665), Карл II (1665–1700).

Фердинанд I (1556–1564), Максимилиан II (1564–1576), Рудольф II (1576–1612), Маттиас (1612–1619), Фердинанд II (1619–1637), Фердинанд III (1637–1657), Леопольд I (1658–1705), Иосиф I (1705–1711), Карл VI (1711–1740); Мария Терезия, Австрия ҳукмдори (1740–1780; у Тоскания буюк герцоги Франц Стефан Лотарингский (1737–1765), унинг ўзи – император Франц I (1745–1765)га турмушга чиққан).

*Тоскания буюк герцоглари (1765–1860):* Леопольд I (1765–1790) (император Леопольд II); Фердинанд III (1790–1801, 1814–1824), Леопольд II (1824–1859), Фердинанд IV (1859–1860).

*Габсбурглар – лотаринглар хонадони (1765–1918):* Иосиф II, император (1765–1790), Австрия ҳукмдори (1780–1790); Леопольд II (1790–1792), яна Тоскания буюк герцоги; Франц II (1792–1806), Австрия императори сифатида Франц I (1804–1835); Фердинанд I (1835–1848), Франц Иосиф I (1848–1916), Карл I (1916–1918).

Австрияда габсбурглар сулоласига тегишли бошқа тармоқлар ҳам ҳокимиятни бошқарган.

**1285–1314 йиллар** – Франция қироли Филипп IV Чиройлининг ҳукмронлик даври.

**1291 йил** – салибчилар Шарқдаги барча мулкларидан ажралди.

**1296 йил** – Рим папаси билан Франция қироли Филипп IV ўртасида низо келиб чиқди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1296 йил** – Тай давлати Ланда (пойтахти – Чанмай) ташкил топди.

**1299 йил** – Анатолиянинг ғарбида Усмон I Ғозий томонидан янги туркий давлат – Усмонийлар давлатига асос солинди.

**1299–1922 йиллар** – Усмонли турк султонлиги фаолият кўрсатган давр.

*Усмонлилар сулоласи:* Усмон I (1299–1324), Урхон (1324–1359), Мурод I (1359–1389), Боязид I (1389–1402), Боязид I ўғиллари Сулаймон Чалабей, Мусо Чалабей ва Меҳмед Чалабейларнинг тахт учун кураши (1403–1413), Меҳмед I (1413–1421), Мурод II (1421–1444; 1446–1451), Меҳмед II Фотиҳ (1444–1446; 1451–1481), Боязид II (1481–1512), Салим I (1512–1520), Сулаймон I Қонуний (1520–1566), Салим II (1566–1574), Мурод III (1574–1595), Меҳмед III (1595–1603), Аҳмад I (1603–1617), Мустафо (1617–1618; 1622–1623), Усмон II (1618–1622), Мурод IV (1623–1640), Иброҳим (1640–1648), Меҳмед IV (1648–1687), Сулаймон II (1687–1691), Аҳмад II 1691–1695), Мустафо II (1695–1703), Аҳмад III (1703–1730), Маҳмуд I (1730–1754), Усмон III (1754–1757), Абдулҳамид I (1774–1789), Салим III (1789–1807), Мустафо IV (1807–1808), Маҳмуд II (1808–1839), Абдулмажид (1839–1861), Абдулазиз (1861–1876), Мурод V (1876), Абдулҳамид II (1876–1909), Меҳмед V Рашид (1909–1918), Меҳмед VI Ваҳидуддин (1918–1922).

**XIII аср охири – XIV аср бошлари** – ўғуз турклари (туркман) қабилаларининг Анатолия шарқида ва Эрон шимолида Қора-Қуюнли федерацияси ташкил топди.

**1302 йил** – Францияда Генерал штатлар иш бошлади.

**1304–1374 йиллар** – илк Ренессанс даврининг машҳур итальян шоири Франческо Петрарка яшаган ва фаолият кўрсатган.

**1308 йил** – Кўниядаги Рум салжуқий султонлиги давлати тугатилди. Анатолия бир қанча кичик турк давлатларига (бейлар ва бекликларга) ажралиб кетди. Ана шундай



www.ziyouz.com kutubxonasi

бекликлардан бири Қаҳрамон ўғиллари беклиги бўлиб, улар билан усмонийлар ўртасида ҳокимият учун кескин кураш кетган. Бу бекликнинг асосчиси Қа(ҳ)рамонбек бўлган.

**1309 йил** – Рим папаси Климент V папалик қароргоҳини Авиньонга кўчирди.

**1312–1342 йиллар** – Олтин Ўрдада Ўзбекхон ҳукмронлиги даври.

**1313–1337 йиллар** – Мали империясини Манса Мунса бошқарди. Бу пайтда Мали гуллаб-яшнади.

**1313–1375 йиллар** – итальян ёзувчиси, Европа Уйғониш даври адабиётининг йирик вакили Жованни Боккаччо яшаган ва фаолият кўрсатган.

**1314 йил** – Роберт Брюс бошчилигидаги шотландлар Эдуард II раҳбарлигидаги инглизлар устидан Баннокберн яқинида бўлган жангда ғалаба қозонди. Шотландия ўз мустақиллигини ҳимоя қилди.

**1314–1393 йиллар** – Музаффарийлар давлати Жанубий Эронда фаолият кўрсатди.

*Музаффарийлар сулоласи:* Мубориздиддин Муҳаммад ибн Музаффар (1314–1358), Шоҳ Маҳмуд (1358–1364), Жалолиддин Шоҳ Шужоъ (1364–1384), Имодуддин Аҳмад (Кирмонда; 1384–1393), Нусратуддин Яҳё (Яздда; 1387–1393), Мансур (1387–1393).

**1318–1389 йиллар** – нақшбандия тариқатининг асосчиси, буюк мутасаввуф Баҳоуддин Нақшбанд яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1325–1351 йиллар** – Муҳаммад ибн Туғлиқ Деҳли султонлигини бошқарган давр. Бу пайтда Деҳли султонлиги аввал гуллаб-яшнади, сўнгра таназзулга юз тутди. Султонлик мўғулларга қарам бўлиб қолди.

**1325 ёки 1345 йил** – ацтеклар Теночтитлан шаҳрига асос солишди. Бу шаҳар ўрнида кейинчалик ҳозирги Мехико шаҳри қурилди.

**1326 йил** – Анатолияда Усмоннинг ўғли Урхон (ҳукмронлик даври: 1324–1359 й.) Бурсани эгаллади ва ўз давлати пойтахтини унга кўчирди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1327–1377 йиллар** – Англияда қирол Эдуард IX нинг ҳукмронлик даври.

**1328 йил** – капетинглар сулоласининг сўнгги вакили Карл IV Чиройли вафот этди ва Франция тахтига Филипп VI Валуа ўтирди. У Валуа француз қироллари сулоласига асос солди.

**1328–1589 йиллар** – Валуа француз қироллари сулоласининг ҳукмронлик даври. Капетинглар шажарасидан. Валуа графлиги (Франция)дан ўз номини олган. Валуа сулоласи қуйидаги 3 та тармоқ (шажара)га ажралган:

*Валуа сулоласи. Асосий шажара (1328–1498):* Филипп VI (1328–1350), Иоанн II (1350–1364), Карл V (1364–1380), Карл VI (1380–1422), Карл VII (1422–1461), Людовик XI (1461–1483), Карл VIII (1483–1498);

*Орлеан шажараси:* Людовик XII (1498–1515);

*Ангулем шажараси (1515–1589):* Франциск I (1515–1547), Генрих II (1547–1559), Франциск II (1559–1560), Карл IX (1560–1574), Генрих III (1574–1589).

**1331–1355 йиллар** – Сербия қироли Стефан Душан ҳукмронлиги.

**1333–1354 йиллар** – Гренадада Наср султонлари томонидан ал-Ҳамро (Альгамбри) сарой-қалъаси қурилди.

**1334 йил** – Авиньонда папа саройи қурилиши бошланди.

**1336 йил** – Харихаро I томонидан Жанубий Ҳиндистон (Карнатака)да Виджаянагар ҳинд давлати ташкил топди.

**1336–1392 йиллар** – Харихаро I нинг Ҳиндистонда ҳукмронлик даври.

**1336 йил 9 апрель – 1405 йил 18 февраль** – машҳур давлат арбоби ҳамда ҳарбий саркарда Амир Темур яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1336–1432 йиллар** – Жалоирийлар давлати Ироқ, Курдистон ва Озарбайжонда фаолият кўрсатди. Унга туркий халқ жалойирларидан Шайх Ҳасан Бузург асос солган.

*Жалоирийлар сулоласи:* Тожиддин Ҳасан Бузург (1336–1356), Увайс I (1356–1374), Жалоуддин Ҳусайн I



www.ziyouz.com kutubxonasi

(1374–1382), Ғийосуддин Аҳмад (1382–1410), Бойазид (1382–1383; Курдистонда), Шоҳ Валад (1410–1411), Маҳмуд [Шоҳ Валаднинг беваси; 1411–1415; 1422–1424], Увайс II (1415–1421), Муҳаммад (1421–1422), Ҳусайн II (1424–1432).

**1337–1386 йиллар** – Сарбадорлар давлати Жанубий Хуросонда фаолият кўрсатди. Давлат маркази – Сабзавор шаҳри. Унга Нишопур, Тус, Гургон (Астробод) ва Кирмон ҳам кирган. Бу давлатға Абдураззоқ асос солған ва мўғулларга қарши кўзғолон кўтарган. Сарбадорлар давлати Амир Темур томонидан тугатилган.

*Сарбадорлар сулоласи:* Абдураззоқ (1337–1338), Хожа Масъуд ибн Фазлуллоҳ Боштиний (1338–1344), Оғамуҳаммад Темур (1344–1346), Колу Исфандиёр (1346–1347), Хожа Шамсиддин ибн Фазлуллоҳ (1347–1349), Хожа Али Шамсиддин Чашмий (1349–1355), Амир Аҳё Курробий (1355–1358), Хожа Заҳириддин Курробий (1358–1359), Паҳлавон Ҳайдар қассоб (1359–1360), Амирзода Лутфуллоҳ ибн Хожа Масъуд (1360–1361), Паҳлавон Ҳасан Домгоний (1361–1365), Хожа Нажмиддин Али Муайяд (1365–1386).

**1337 йил** – Франция қироли Филипп VI Гиень вилоятини Англия қироли Эдуард III қўлидан тортиб олди. Инглиз қироли Франция тахтини талаб қилган. Бу воқеа билан Юз йиллик уруш бошланди.

**1337–1453 йиллар** – Англия билан Франция ўртасида Юз йиллик уруш бўлиб ўтган давр.

**1340 йил** – инглизлар билан французлар ўртасида денгиздаги Слейс жанги.

**1343 йил** – Англияда парламент икки палатага бўлинди.

**1346 йил** – Юз йиллик урушда инглизлар французлар устидан қуруқликдаги Креси остоналаридаги жангда ғалаба қозонди. Европада Креси жангида инглизлар томонидан ўқ отадиган тўп биринчи марта ишлатилди.

**1346 йил** – Стефан IX Душан ўзини серб, грек, болгар ва албанларнинг қироли деб эълон қилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1346 йил** – энг даҳшатли «қора ўлат» эпидемияси Европада бошланди. У 1352 йилгача давом этиб, Европа аҳолисининг 1/3 қисмини ҳалок қилди.

**1347 йил** – Деканнинг шимоли (Ҳиндистон)да мусулмонларнинг Бахманийлар султонлиги ташкил топди.

**1347 йил** – инглизлар томонидан Кале порти эгалланди.

**1348 йил** – Прага университети очилди.

**1348–1353 йиллар** – Жованни Боккаччо томонидан «Декамерон» асари яратилди.

**1350 йил** – Сиём (Аютия) қироллигига асос солинди.

*Сиём қироллари:* Раматхибоди I (1350–1369), Рамесуан (1369–1370), Бороморача I (1370–1388), Тонг Лан (1388), Рамесуан (1388–1395), Рамарача (1395–1409), Интарача I (1409–1424), Бороморача II (1424–1448), Боромотрайлоканат (1448–1488), Бороморача III (1488–1491), Раматхибоди II (1491–1529), Бороморача IV (1529–1533), Ратсада (1533–1534), Чайрача (1534–1547), Йот Фа (1547–1548), Кхун Воравонгса (1548), Маха Чакрапат (1548–1564), Махин (1564–1569), Маха Чакрапат (1569), Маха Таммарача (1569–1590), Наресуан (1590–1605), Экатотсарот (1605–1611), Саовапак (1611), Сонг Там (1611–1628), Четта (1628–1629), Атитьявонг (1629), Прасат Тонг (1629–1656), Чай (1656), Сутаммарача (1656), Нарай (1656–1688), Пра Петрача (1688–1703), Сиа (1703–1709), Тай Са (1709–1733), Боромакот (1733–1758), Утумпон (1758), Экатат (1758–1767), Пья Таксин (1767–1782), Пья Чакри [Рама I] (1782–1802), Рама II (1809–1824), Нанг Клао [Рама III] (1824–1851), Монг Кулот [Рама IV] (851–1868), Чулалонгкорн [Рама V] (1868–1910), Вачиравуд [Рама VI] (1910–1925) ва б.

**1351 йил** – Хитойда деҳқонлар қўзғолони.

**1351–1355 йиллар** – Византия империясида императорлар Иоанн V Палеолог билан Иоанн VI Канталузин ўртасида ҳокимият учун фуқаролар уруши.

**1353 йил** – Эронда мўғулларнинг Элхонлар давлати тугатилди. Бу ҳолат Мўғуллар империясининг умумий таназзулига тўғри келди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1354 йил** – Усмонли турк империяси Галлиполни эгаллаб, Европани забт этишга киришди.

**1356 йил** – Пуатье шаҳри яқинида Юз йиллик урушнинг энг йирик жангларидан бири бўлиб ўтди. Бу жангда инглизлар ғалаба қилиб, французлар қироли Иоанн II Меҳрибонни асир олишди.

**1356 йил** – Қоҳирада Султон Ҳасан мадрасаси қурилди.

**XIV аср** – Византияда иккинчи Ренессанс (палеологлар Ренессанси) даври.

**XIV аср бошлари – 1556 йил** – Аштархон хонлиги (Астрахан хонлиги) фаолият кўрсатган. Пойтахти – Аштархон шаҳри (ҳозирги Астрахан). Аштархон хонлигининг биринчи ҳукмдори – Катта Ўрда хони Аҳмадхоннинг биродари Маҳмуд бўлган. Олтин Ўрда амири Ҳожи Черкес XIV асрда Аштархонни эгаллаб, мустақил мулкка асос солди. Бу давлат Олтин Ўрданинг инқирози натижасида вужудга келган татар хонлиги ҳисобланади.

**1358 йил май** – Франциянинг шимоли-шарқидаги Бове округида деҳқонлар қўзғолони. Унга парижликлар ва Иль-де-Франс (Жакерия) деҳқонлари қўшилди. Бу қўзғолон Жакерия қўзғолони сифатида тарихга кирди.

**1359–1389 йиллар** – Усмонли турк султони Мурод I нинг ҳукмронлик даври.

**1359–1389 йиллар** – Москва князи Дмитрий Ивановичнинг ҳукмронлик даври.

**1362 йил** – Усмонлилар империяси Андрианополь (ҳозирги Эдирна, Туркия Европаси) шаҳрини эгаллаб, Болқон марказини забт этишда ундан плацдарм сифатида фойдаланди.

**1364 йил** – Ава (Марказий Бирма) давлати ташкил топди.

**1364–1380 йиллар** – Францияда Карл V Донишманднинг ҳукмронлик даври.

**1365 йил** – Вена университети ташкил топди.

**1368 йил** – Чжу Юань-Чжан (Хун У) Пекинни эгаллаб, Мин сулоласининг биринчи императори бўлди. Хитойда



www.ziyouz.com kutubxonasi

мин сулоласи ҳукмронлиги ўрнатилди. У 1368–1398 йилларда ҳукмронлик қилди.

**1368–1644 йиллар** – Хитойда Мин сулоласи ва давлатининг ҳукмронлик даври. Мўғулларнинг юань сулоласи ағдарилиши натижасида мин сулоласига Чжу ЮаньЧжан томонидан асос солиниб, у Тай-Цзу номи билан 1368–1398 йилларда давлатни бошқарди. Бу пайтда Хитойнинг мин сулоласи босқинчилик сиёсатини олиб борди. Деҳқонлар уруши натижасида қўзғолончилар 1644 йили Ли Цзичэн раҳбарлигида пойтахт Пекинни эгаллади ва мин сулоласини ағдариб ташлади. Мамлакатнинг кичик ҳудудида Жанубий мин сулоласи (1645–1662 й.) сақланиб қолган. (Бу сулолага Чжу Ю-сун – Фу-ван 1645 йилда асос солган.) Хитой мулкдорларининг бир қисми бу пайтда мамлакатга бостириб кирган манжурлар томонига ўтди ва мамлакатда манжурларнинг Цин сулоласи қарор топишида ёрдамлашди (1616–1636 йиллар).

**1370 йил** – Дания қироли Вальдемар IV билан Ганза иттифоқи ўртасида Штральзунд сулҳи тузилди. Бу пайтда Ганза иттифоқи Шимолий Германия, Болтиқ бўйи ва Скандинавиядан 150 та шаҳарни бирлаштириб, шуҳрат чўққисига чиқди.

**1370–1394 йиллар** – Абу Аббос Аҳмаднинг ҳукмронлик даври. У Ифрикияни эгаллаб, Ҳафсийлар давлати қудратини қайта тиклади.

**1370 йил 10–11 апрель** – Амир Темур Балхни эгаллади ва Мовароуннаҳр тахтига чиқди. Амир Темур томонидан янги туркий давлат – Темурийлар давлатига асос солинди.

**1370–1405 йиллар** – Амир Темур ибн Тарагай Баҳодирнинг ҳукмронлик даври.

**1370–1507 йиллар** – Темурийлар давлатининг ҳукмронлик даври.

*Темурийлар сулоласи. Марказлашган давлат тепасидаги темурий ҳукмдорлар (1370–1469):* Амир Темур (1370–1405), Шоҳрух ибн Темур (1409–1447), Улуғбек



www.ziyouz.com kutubxonasi

ибн Шоҳрух (1447–1449), Абу Саид ибн Султон Муҳаммад (1457–1469).

*Мовароуннаҳр (пойтахти Самарқанд)даги темурий ҳукмдорлар (1405–1500):* Халил Султон (1405–1409), Улуғбек (1409–1449), Абдуллатиф (1449–1450), Абдулло Мирзо (1450–1451), Абу Саид ибн Султон Муҳаммад (1451–1469), Султон Аҳмад Мирзо ибн Абу Саид (1469–1494), Султон Маҳмуд Мирзо ибн Абу Саид (1494 – 1498), Султон Али Мирзо ибн Султон Маҳмуд (1498– 500).

*Хуросон (пойтахти Ҳирот)даги темурий ҳукмдорлар (1396–1507)*: Шоҳрух (1396–1447), Улуғбек (1447–1449), Абулқосим Бобур (1449–1457), Шоҳ Маҳмуд Мирзо (1457), Абу Саид ибн Султон Муҳаммад (1457–1469), Султон Ҳусайн Бойқаро (1469–1506), Бадиуззамон Мирзо ибн Султон Ҳусайн Бойқаро (1506–1507) ва Музаффар Ҳусайн Мирзо (1506–1507).

**1371–1415 йиллар** – Чехияда Ян Гус яшаган давр.

**1371–1714 йиллар** (Шотландия) ва **1603–1649, 1660–1714 йиллар** (Англия) – Стюартлар қироллик сулоласининг ҳукмронлик даври. Стюартлар нуфузли шотланд уруғидан келиб чиққан. XI–XII асрларда улар «Шотландия стюарти» лавозимида (сулола номи шундан) фаолият кўрсатишган. Сулолага Шотландияда қирол Роберт II 1371 йилда асос солган. Мария Стюартнинг ўғли Яков VI 1603 йил Яков I номи билан Англия, Шотландия ва Ирландия қироли бўлган. Стюартлар сулоласи 1714 йилда Англия ва Шотландияда ҳокимиятни бой беришди.

*Стюартлар сулоласининг энг машҳур вакиллари:* Мария Стюарт, Яков I [Шотландияда Яков VI], Карл I, Карл II, Яков II ва бошқалар.

**1375 йил** – Миср мамлуклари Кичик Арманистон ва Киликияни эгаллади.

**1377–1399 йиллар** – Англияда қирол Ричард II ҳукмронлиги даври.

**1378–1417 йиллар** – католик черковида «Буюк ажралиш» даври.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**XIV–XV асрлар** – Оқ куюнлилар [Оқ қўйлилар] номи билан туркий ўғуз қабилалари Дажла дарёсининг юқори оқими бўйларида ўзаро бирлашма ташкил қилишди. Боёндурлардан чиққан оқ куюнлилар сулоласи бу бирлашмага раҳбарлик қилди.

**1378–1508 йиллар** – Оқ куюнлилар [Оқ қўйлилар] давлати Диёрбакир, Шарқий Онадўли ва Озарбайжонда фаолият кўрсатди. Бу давлат ўзининг асосий ғаними – Қора куюнлилар давлатини тор-мор этиб (1468), Арманистон, Озарбайжон, араб Ироқи ва Ғарбий Эронни эгаллаб, Табриз шаҳрини пойтахт қилди. Давлатга Қора Йўлуқ Усмон асос солган.

*Оқ қуюнлилар сулоласи:* Қора Йўлуқ Усмон (1378–1435), Ҳамза (1435–1444), Жаҳонгир (1444–1453), Узун Ҳасан (1453–1478), Халил (1478), Яъқуб (1478–1490), Бойсунқур (1490–1493), Рустам (1493–1497), Аҳмад Гўвда (1497), Мурод (1497–1498), Алванд (1498; кейинчалик вафотига қадар – 1504 йилгача Диёрбакирда), Муҳаммад Мирзо (1498–1500), Мурод (1502–1508).

**1380 йил** – мўғул хони Тўхтамишхон Олтин Ўрда тахтини эгаллади.

**1380 йил сентябрь** – Куликово жанги. Дон дарёси соҳилидаги Куликово майдонида Москва Буюк князи Дмитрий Иванович (Дмитрий Донской) Олтин Ўрда хони Мамай лашкарлари устидан ғалаба қозонди.

**1380–1422 йиллар** – Францияда Карл VI ҳукмронлиги даври. Қиролнинг амакиси Анжу ва Бургундия герцоги Филипп Жасур 1380–1388 йилларда унинг регенти бўлди.

**1380 –1468 йиллар** – Қора куюнлилар [Қора қўйлилар] туркий давлати фаолият кўрсатди. У Озарбайжон, Ироқ ва Ғарбий Эронда ташкил қилинган. Ўғуз турклари қабилалари бирлашмасига кирувчи баҳорлу қабиласи етакчилигида ташкил топган. Бу давлатга Қора Муҳаммад Турмуш асос солган.

*Қора қуюнлилар сулоласи:* Қора Муҳаммад Турмуш (1380–1389), Қора Юсуф (1389–1400; 1406–1420), Ис-



www.ziyouz.com kutubxonasi

кандар (1420–1438), Жаҳоншоҳ (1438–1467), Ҳасан Алий (1467–1468).

**1381 йил** – Англияда Уот Тайлер бошчилигида деҳқонлар қўзғолони бўлиб ўтди. Лондон 3 кун давомида (13 – 15 июнь) қўзғолончилар қўлида бўлди.

**1382–1517 йиллар** – Мамлуклар давлати (Миср ва Сурия)да буржийлар сулоласи ҳукмронлиги даври.

*Буржийлар сулоласи:* аз-Зоҳир Сайфуддин Барқуқ (1382–1389), Ҳожжий II (иккинчи марта. Баҳрий) (1389–1390), аз-Зоҳир Сайфуддин Барқуқ (иккинчи марта) (1390–1399), ан-Носир Носируддин Фараж (1399–1405), ал-Мансур Иззуддин Абдулазиз (1405), ан-Носир Носируддин Фараж (иккинчи марта) (1405–1412), ал-Одил ал-Мустаъин (Аббосий халифа, султон деб эълон қилинган) (1412), ал-Мувайййид Сайфуддин Шайх (1412–1421), ал-Музаффар Аҳмад (1421), аз-Зоҳир Сайфуддин Тотор (1421), ас-Солиҳ Носируддин Барсбой (1421–1422), ал-Азиз Жамолуддин Йусуф (1422–1438), аз-Зоҳир Сайфуддин Жақмақ (1438–1453), ал-Мансур Фахруддин Усмон (1453), ал-Ашраф Сайфуддин Инол (1453–1461), ал-Мувайййад Шихобуддин Аҳмад (1461), аз-Зоҳир Сайфуддин Хушқадам (1461–1467), аз-Зоҳир Сайфуддин Билбой (1467–1468), аз-Зоҳир Темур буғо (1468), ал-Ашраф Сайфуддин Қойитбой (1468–1496), ан-Носир Муҳаммад (1496–1498), аз-Зоҳир Қонсуҳ (1498–1500), ал-Ашраф Жонбалот (1500–1501), ал-Одил Сайфуддин Тумонбой (1501), ал-Араф Қонсуҳ ал-Ғаврий (1501–1517), ал-Ашраф Тумонбой (1517).

**1384 йил** – Бургундия герцоги Филипп Жасур Бургундия давлатини ташкил қилди.

**1386 йил** – Польша ва Литва иттифоқи (унияси). Литванинг Буюк князи Ягайло чўқинтирилди ва Владислав II номи билан Польша қироли бўлди.

**1389–1402 йиллар** – Усмонли турк султони Боязид I ҳукмронлиги даври.

**1389 йил** – усмоний турклар сербларни Косово майдонидаги жангда мағлубиятга учратди. Сербия Усмонийлар



www.ziyouz.com kutubxonasi

давлатига кўшиб олинди. Жанг майдонида серблар томонидан ўлдирилган Султон Мурод I ўрнига ҳокимиятни унинг ўғли Боязид I (ҳукмронлик даври: 1389–1402) эгаллади.

**1392–1910 йиллар** – Кореяда Ли сулоласининг ҳукмронлик даври. Сулолага Ли Сон Ге томонидан 1392 йили асос солинди. Корё давлати Чосон номини олди, пойтахт Кэгёндан Хансон (XIX аср охирида Сеул)га кўчирилди. Ли сулоласи 1897 йилгача қироллар, 1897 йилдан 1910 йилгача императорлар сулоласи бўлган. 1910 йилда сулола тугатилиб, Корея Японияning мустамлакасига айланди.

Корея мамлакатининг номи корейсча Чосон (Тонгги тароват) маъносини билдиради.

**1393 йил** – турклар Болгария пойтахти Тирново шаҳрини эгаллади.

**1394 йил 22 март – 1449 йил 27 октябрь** – машҳур астроном ва математик, қомусий аллома Мирзо Улуғбек (Муҳаммад Тарағай) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1394 йил** – Усмонли турк султони Боязид I Константинополни қамал қилди. У бу пайтда бутун Кичик Осиёнинг хўжайини эди. Амир Темурнинг Анатолияга ҳужуми натижасида 1402 йили Константинополь қамалдан озод бўлди.

**1395 йил** – Тўхтамишхон қўшини Терек дарёси бўйидаги жангда Амир Темур қўшини томонидан тор-мор этилди.

**1395–1400 йиллар** – Бурсада дастлабки усмонли турк меъморчилиги вужудга келди ва ривожланди. Катта масжид қурилди.

**1396 йил** – турклар Никопол остоналарида венгер, валах, болгар ва бошқа европалик салибчи рицарларнинг бирлашган 60 минг кишилик қўшинини мағлуб қилди.

**1396–1447 йиллар** – Шоҳрух Мирзонинг Хуросондаги Темурийлар давлатида ҳукмронлик даври.

**1397 йил** – Лондондаги Блекуелхолл биринчи ёпиқ бозорининг очилиши.

**1398–1399 йиллар** – Амир Темурнинг Шимолий Ҳиндистонга юриши. Деҳли султонлиги тор-мор қилинди ва Амир Темур узил-кесил ғалабага эришди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1399 йил** – Англияда плантагенетлар сулоласи тугатилди ва қирол Генрих IV томонидан ланкастерлар сулоласига асос солинди.

**1399–1413 йиллар** – Англияда қирол Генрих IV Ланкастер ҳукмронлиги даври.

**1399–1461 йиллар** – ланкастерлар қироллар сулоласининг Англиядаги ҳукмронлик даври. Плантагенетлар тармоғидан. Сулола Ланкастер герцоги Жон Гонт (Эдуард III нинг ўғли)дан бошланади. Ланкастерлар Қизил ва Оқ гуллар уруши даврида ҳокимиятни йорклар сулоласига топширди.

*Ланкастерлар сулоласи:* Генрих IV (1399–1413), Генрих V (1413–1422), Генрих VI (1422–1461).

**XIV аср сўнгги чораги** – Мўғуллар империяси барҳам топди.

**XIV аср охири – XVI аср бошлари** – Самарқанд темурийлар даврида мусулмон цивилизациясининг марказларидан бирига айланди. Амир Темур томонидан Самарқандда Гўри Амир мақбараси, Бибихоним Жоме масжиди ва бошқалар қурилди.

**XIV аср охири ва XV аср бошлари – XVI аср иккинчи ярми** – Олтин Ўрда давлати таркибидан ажралиб чиққан Нўғай Ўрда (Нўғай хонлиги) давлати фаолият кўрсатди. Унга Эдигубий [Идику] Балтичакбий ўғли тахминан 1392 йилда асос солди. Бу давлат Шимолий Каспий ва Орол денгизлари бўйидан Тура ҳамда Камагача, Волгадан Илтишгача бўлган ҳудудда ташкил топган кўчманчилар давлати – нўғай халқининг давлати ҳисобланади. Пойтахти – Саройчик шаҳри. Нўғай Ўрдаси мурзалар бошқарган улусларга бўлинган. XVI аср иккинчи ярмида Нўғай Ўрда давлати Катта Нўғай Ўрдаси, Кичик Нўғай Ўрдаси ва Олтиовул Ўрдаси каби турли давлатларга парчаланиб кетган.

*Нўғай Ўрда давлати бийлари (ҳукмдорлари) [1392–1634]:* Эдигубий (1392–1412), Нуриддин Ботирбий (1412–1419), Мансурбий (1419–1427), Гозийбий (1427–1428), Ваққосбий (1428–1447), Хоразмийбий (1447–1473),



www.ziyouz.com kutubxonasi

Аббосбий (1473–1491), Мусобий (1491–1502), Йагмурчибий (1502–1504), Ҳасанбий (1504–1508), Шайх Муҳаммадбий (1508–1510; 1516–1519), Алчагирбий (1508–1516), Агишбий (1521–1524), Сайид Аҳмадбий (1524–1541), Ҳожи Муҳаммадмирза (1537–1541), Шайх Мамай (1537–1541; 1541–1549), Юсуфбий (1549–1554), Исмоилбий (1557–1563), Тинехмат (1563–1578), Урусбий (1563–1578; 1578–1590), Динбаймирза (1578–1584), Саид Аҳмадмирза (1584–1587), Ўроз Муҳаммадбий (1584– 1590; 1590–1598), Дин Муҳаммадбий (1590–1598; 1598–1600), Иштерек (1600–1619), Кучукмирза (1600–1604), Йаш Таракмирза (1600–1619), Шай Таракмирза (1604–1619), Каракел Муҳаммадмирза (1604–1622; 1622–1631), Канайбий (1622–1634).

*Мансур Ўрдаси бийлари (1440–1595):* Дин Суфибий; Тимурбий (1440–1486), Жон Қубодбий (1486–1490), Ҳожи Аҳмадбий (1490–?), Боқибий (1532–1535; 1540–1542), Хўжа Аҳмадбий (1535–1540), Дивейбий (1542–1573), Исанайбий (1573–1588), Арслонойбий (1588–1595), Муҳаммадбий (1595–?).

*Олтиовул Ўрдаси бийи:* Қосимбий (1541 – 1549; 1549 – 1555).

*Кичик Нўғай Ўрдаси бийлари (1554–1639):* Қози мурза (1554–1569; 1569–1576), Йахшисадбий (1576–1590), Барон Газибий (1600–1621), Қосимбий (1621–1639).

**XIV–XVI асрлар** – Европада Ренессанс даври. (Ренессанс тушунчаси француз тилидаги *Renaissance* сўзидан олинган бўлиб, уйгониш деган маънони англатади.) Табиийки, бу ижтимоий-тарихий жараён турли мамлакатларда турлича кечди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, Ренессанс даври Европада уч асосий босқич: илк босқич (XIV аср), етуклик босқичи (XV аср) ва сўнгги босқич (XVI аср)ни босиб ўтди.

**XV аср** – Оқ Ўрда (рус манбаларида Кўк Ўрда) давлати Олтин Ўрданинг бир қисми сифатида мавжуд бўлган. Оқ Ўрда ҳудудида Олтин Ўрданинг давоми сифатида янги



www.ziyouz.com kutubxonasi

давлатлар: Катта Ўрда, Нўғай Ўрда, Қосимовлар подшолиги ҳамда Ўзбек, Қрим, Қозон, Сибирь ва бошқа хонликлар вужудга келди.

**XV аср** – хитойлик буюк денгизчи Чжен Хе (аслида мусулмон бўлган) етти марта йирик денгиз сайёҳатлари уюштирган.

**1402 йил 20 июль** – Анқара жанги. Бу жангда Амир Темур қўшини султон Боязид I Йилдирим қўшинларини тор-мор қилди.

**1403–1427 йиллар** – Мин сулоласидан Чэн Цзу (Чжу Ди)нинг ҳукмронлик даври.

**1405 йил 18 февраль** – Амир Темур Хитойга юриш пайтида Ўтрор шаҳрида вафот этди.

**1405–1433 йиллар** – Хитой императорининг ҳарам оғаси Чжэн Хэ етти марта денгиз орқали ҳарбий юришлар (Малакка, Ява, Цейлон, Арабистон ярим ороли ва Африкага) уюштириб, Ҳиндихитой, Зонд архипелаги, Шри-Ланка ва Ҳиндистонгача бўлган ҳудудларни босиб олди ва Мин сулоласига бўйсундирди.

**1406 йил** – Мин сулоласи қўшинлари Вьетнамни босиб олди.

**1406 йил** – Хитой Мўғулистонни босиб олди.

**1406 йил** – Мин сулоласининг янги пойтахти Пекинда Тақиқланган шаҳар (император саройи) қурилиши бошланди.

**1408–1410 йиллар** – Амир Темур ўлимидан сўнг тикланган туркманларнинг Қорақуюнли конфедерацияси Озарбайжон ва Ироқда ҳокимиятни эгаллади.

**1409 йил** – Брюггеда савдо биржаси очилди.

**1410 йил** – Грюнвальд жанги. Бу жангда Польша қироли Владислав II Ягайло ва Литванинг буюк князи Витаутас тевтон ордени рицарлари устидан ғалаба қозонди.

**1412–1431 йиллар** – Франциянинг миллий қаҳрамони Жанна д'Арк яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1412–1468 йиллар** – машҳур давлат арбоби Абулхайрхон яшаган ва фаолият кўрсатган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1413 – 1421 йиллар** – Султон Меҳмед I нинг ҳукмронлик даври. У Анатолияни Рум усмонлилар ҳокимияти остига қайтарди.

**1414 – 1418 йиллар** – Констанцада собор бўлди.

**1414 – 1451 йиллар** – Деҳли султонлигида саййидлар сулоласи ҳукмронлиги даври.

**1415 йил** – Констанца соборида инглиз Уиклиф ва чех Ян Гус даҳрий деб эълон қилинди. Чехияда Ян Гус ўтда куйдирилди, унинг тарафдорлари Богемияда гусчилар лигасини тузди.

**1415 йил** – инглизлар (Генрих V) ва французлар ўртасида Азенкур шаҳри ёнидаги жанг. Бу жангда ҳам французлар мағлубиятга учради.

**1415 – 1420 йиллар** – Хитой императори Самарқандга – Улугбек саройига икки марта ўз элчиларини юборди.

**1415 – 1918 йиллар** – Гогенцоллернлар сулоласининг ҳукмронлик даври. Бранденбург курфюрстлари (1415 – 1701), Пруссия қироллари (1701 – 1918), Германия императорлари (1871 – 1918) сулоласи. Гогенцоллернлар сулоласи келиб чиқиши жиҳатидан Швабский графлигидаги нуфузли уруғга бориб тақалади. У 1227 йилда икки тармоққа: швабскийлар (катта) ва франконлар (кичик)га ажралган. Нюрнберг бургграфи (франконлар тармоғидан) Фридрих VI 1415 йили Бранденбургда лен (мустақил мулк) олиб, Фридрих I номи билан Бранденбург – Пруссия давлатидаги сулола асосчисига айланди.

*Гогенцоллернлар сулоласи:* Фридрих I (1415 – 1440), Альбрехт Ахиллес (1470 – 1486), Фридрих Вильгельм (1640 – 1688), Фридрих III (1688 – 1713, 1701 йилдан Пруссия қироли Фридрих I), Фридрих II (1740 – 1786), Фридрих Вильгельм IV (1840 – 1861), Вильгельм I (1861 – 1871 йилларда Пруссия қироли ва 1871 – 1888 йилларда Германия императори), Вильгельм II (1888 – 1918) ва бошқалар.

**1417 йил** – Констанцадаги соборда Мартин V папа қилиб сайланди. «Буюк ажралиш» даври тугади.

**1418 йил** – Англия қироли Генрих V Нормандияни босиб олди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1419 йил** – Монако мустақил князлиги ташкил топди.

*Монако князлиги князлари*: Оноре I (1531 – 1581); Оноре II (1604 – 1662); Антуан I (1701 – 1731), Оноре III (1731 – 1793); Оноре IV (1814 – 1819), Оноре V (1819 – 1841), Флорестан I (1841 – 1856), Карл III (1856 – 1889), Альберт I (1889 – 1922), Луи II (1922 – 1949), Ренье III (1949 – 2005), Альберт II (2005 йилдан).

**1419 – 1434 йиллар** – Чехияда гусчиларнинг урушлари.

**1420 йил** – Пекинда Осмон ибодатхонаси қурилди.

**1420 йил** – Франция қироли Карл VI нинг Франция учун таҳқирли Труа шартномасига қўл қўйиши.

**1420 – 1598 йиллар** – Сибирь хонлиги фаолият кўрсатди. Хонликни шайбонийлар сулоласи вакиллари бошқарди.

**1421 – 1451 йиллар** – Усмонли турк султони Мурод II нинг ҳукмронлик даври.

**1422 йил** – Англия қироли Генрих V 36 ёшида тўсатдан вафот этди. Ҳокимият тепасига унинг олти ойлик ўғли Генрих VI келди.

**1422 йил** – Франция қироли Карл VI вафот этди. Франция ва Англия тожи олти ойлик чақалоқ Генрих VI фойдасига ҳал қилинди. Бироқ шаҳзода Карл ўзини Карл VII номи билан Франция қироли деб эълон қилди.

**1422 – 1466 йиллар** – Франция қироли Карл VII нинг ҳукмронлик даври.

**Тахминан 1423 – 1478 йиллар** – давлат арбоби Узун Ҳасан яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1425 – 1448 йиллар** – Византия императори Иоанн VIII Палеологнинг ҳукмронлик даври.

**1428 йил** – Ацтек империяси (Анаука конфедерацияси) ташкил қилинди. Унинг таркибига Теночтитлан, Текоко ва Тлакопан кирган.

**1428 – 1429 йиллар** – Мирзо Улуғбекнинг машҳур расадхонаси Самарқандда қуриб битказилди.

**1428 – тахминан 1470 йил** – Ўзбек улуси давлати фаолият кўрсатди. Унга 17 ёшли Абулхайрхон асос солди. Бу



www.ziyouz.com kutubxonasi

давлат Дашти Қипчоқнинг шарқий қисми (Жануби-Ғарбий Сибирь)да ташкил топган. Унинг пойтахти аввал Чинги-Тўра (ҳозирги Тура), сўнгра Сиғноқ шаҳарлари бўлган.

*Ўзбек улуси хонлари*: Абулхайрхон (1428–1468), Шайх Ҳайдархон (1468–1470) ва б.

**1428 йил** – Ле Лои Вьетнамни хитойликлар ҳукмронлигидан озод қилиб, Сўнгги Ле сулоласига асос солди.

**1428–1789 йиллар** – Вьетнамда сўнгги Ле сулоласи ҳукмронлик қилди. Бу пайтда конфуцийлик тантана қилди ва санъат ривожланди.

**1428–1783 йиллар** – Қрим хонлиги фаолият кўрсатди. Олтин Ўрда давлатидан ажралиб чиққан ва Қрим ярим оролида жойлашган туркий давлат. Қрим хонлигига Давлат Ҳожи Гарай асос солган. Пойтахти – Эски Қрим шаҳри, XVI аср бошларидан Боқчасарой. Бу давлатга Қуйи Днепр бўйи ҳам кирган. Қрим хонлигини гарайлар сулоласи бошқарган.

*Гарайлар (гирейхонлар) сулоласи:* Ҳожи Гарай (1428 – 1456; 1466), Ҳайдар Гарай (1456–1466), Нур Давлат Гарай (1466–1474; 1474–1475; 1476–1478), Менгли Гарай I (1474; 1475–1476; 1478–1514), Муҳаммад Гарай I (1514–1523), Ғозий Гарай I (1523–1524), Саодат Гарай I (1524–1532), Ислом Гарай I (1532), Соҳиб Гарай I (1532–1551), Давлат Гарай I (1551–1577), Муҳаммад Гарай II (1577–1584), Ислом Гарай II (1584–1588), Гозий Гарай II (1588–1596; 1596–1608), Фатҳ Гарай I (1596), Тўхтамиш Гарай (1608), Саломат Гарай I (1608–1610), Муҳаммад Гарай III (1610; 1623–1627), Жонибег Гарай (1610–1623; 1627–1635), Иноят Гарай (1635–1637), Баҳодур Гарай I (1637–1641), Муҳаммад Гарай IV (1641–1644; 1654–1666), Ислом Гарай III (1644–1654), Одил Гарай (1666–1671), Салим Гарай I (1671–1678; 1684–1691; 1692–1699; 1702–1704), Мурод Гарай (1678–1683), Ҳожи Гарай I (1683–1684), Саодат Гарай II (1691), Сафо Гарай (1691–1692), Давлат Гарай II (1699–1702; 1708–1713), Ғозий Гарай III (1704–1707), Қоплон Гарай I (1707–1708; 1713–1716; 1730–1736), Давлат Гарай III (1716–1717), Саодат Гарай III (1717–1724),



www.ziyouz.com kutubxonasi

Менгли Гарай II (1724–1730; 1737–1740), Фатҳ Гарай II (1736–1737), Саломат Гарай II (1740–1743), Салим Гарай II (1743–1748), Арслон Гарай (1748–1756; 1767), Ҳалим Гарай (1756–1758), Қирим Гарай (1758–1764; 1768–1769), Салим Гарай III (1764–1767; 1770–1771), Мақсуд Гарай (1767–1768; 1771–1772), Давлат Гарай IV (1769–1770; 1775–1777), Қоплон Гарай II (1770), Соҳиб Гарай II (1772–1775), Шоҳин Гарай (1777–1783) ва бошқалар.

**1429 йил** – Францияда Жанна д'Арк иштирокида Реймс ва Орлеан озод қилинди (Юз йиллик уруш). Реймсда оддий деҳқон қизи Жанна д'Арк қирол Карл VII га тож кийдирди.

**1430 йил май** – Компьен остоналарида бўлган жангда Жанна д'Арк асирга тушди.

**1431 йил май** – Жанна д'Арк жодугарликда айбланиб, Руан шаҳри марказий майдонида гулханда куйдирилди.

**1431 йил** – Париждаги Биби Марьям (Богоматерь) ибодатхонасидаги соборда Генрих VI Франция ва Англия қироли деб эълон қилинди.

**1433–1502 йиллар** – Катта Ўрда (Улуғ Ўрда) фаолият кўрсатди. У Олтин Ўрдадан ажралиб чиққан татарлар давлати ҳисобланади. Катта Ўрдада манғит амирларининг сиёсий мавқеи кучли бўлган.

**1435–1467 йиллар** – туркманларнинг Қорақуюнли давлати раҳбари Жаҳоншоҳнинг ҳукмронлик даври. Бу пайтда у ўз ҳокимиятини Эроннинг катта қисмига тарқатди.

**1438 йил** – габсбурглар сулоласи вакили Альберт Габсбург Германия императори қилиб сайланди. Габсбурглар шу санадан бошлаб доимий равишда императорлар қилиб сайланган.

**1438–1552 йиллар** – Қозон хонлиги фаолият кўрсатди. Олтин Ўрда давлати инқирозидан сўнг Ўрта Волга бўйи – Волга-Кама Булгорияси ҳудудида ташкил топган давлат. Қозон хонлари сулоласига Улуғ Муҳаммад (ҳукмронлик даври: 1438–1445) асос солган. Маркази – Қозон шаҳри.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1439 йил** – Флоренция собори. Византия императори Иоанн VIII Палеолог турклар ҳужумидан қўрқиб, грек ва рим черкови билан иттифоқ тузди.

**1441–1501 йиллар** – буюк ўзбек шоири ва давлат арбоби Алишер Навоий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1444 йил** – Ғарб томондан Византияга ёрдам бериш учун уюштирилган салиб юриши барбод бўлди. Усмонлилар султони Мурод II христиан қўшинини Варна жангида янчиб ташлади.

**1445 йил** – Иоганн Гуттенберг китоб босиш дастгоҳини кашф этди.

**1445–1681 йиллар** – Қосимовлар подшолиги фаолият кўрсатган давр. Москва буюк князи Василий II томонидан татар хонлари учун Ока дарёси бўйлаб ажратилган ҳудуд (ҳозирги Рязань вилоятининг шимоли-шарқий қисми)да тузилган. Кичик подшолик. Дастлабки подшо Қозон хони Улуғ Муҳаммаднинг ўғли Қосимхон бўлган (тахминан 1445–1456). Маркази – Қосимов шаҳри. Подшолик ва шаҳарнинг номи унинг асосчиси Қосимхон исмидан олинган.

**1447–1467 йиллар** – Исфахонда Кўк масжид қурилди.

**1451–1459 йиллар** – Баҳлул Лодий Деҳлини эгаллаб, саййидларни ҳокимиятдан четлаштирди.

**1451–1481 йиллар** – турк султони Меҳмет II Фотиҳ ҳукмронлиги даври.

**1451–1506 йиллар** – машҳур саёҳатчи Христофор Колумб яшаган йиллар.

**1452–1519 йиллар** – флоренциялик Уйғониш даври маданиятининг энг буюк арбоби, гениал мусаввир, таниқли файласуф, табиатшунос олим ва муҳандис Леонардо да Винчи яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1453 йил** – Юз йиллик уруш тугади. Франция қайтадан Гиень ва Гасконни қўлга киритди. Англия ўзида Кале шаҳрини (1558 йилгача) сақлаб қолди.

**1453 йил** – султон Меҳмет II Константинополь қамалига 100 минг кишилик қўшин тўплаган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1453 йил 29 май** – Константинополь шаҳри Усмонли турк қўшинлари томонидан қамал қилинди ва эгалланди. Византия империяси қулади. Византия империясининг пойтахти Константинополь шаҳрининг номи Истанбул (ислом шаҳри) деб ўзгартирилди ва у Усмонли турк султонлигининг пойтахтига айлантирилди. (Бу сана Ўрта асрлар даврининг тугаши ва Янги даврнинг бошланиши деб қабул қилинган.)

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЯНГИ ТАРИХ ДАВРИ

## (XV аср иккинчи ярми – XX аср бошлари)

**1453 йил** – Янги давр бошланди.

**1453 йил** – Истанбул – Буюк Усмонли турк султонлигининг пойтахти.

**1453–1478 йиллар** – Узун Ҳасаннинг Оқ қуюнлилар давлатида ҳукмронлик даври.

**1455–1485 йиллар** – Англияда Қизил ва Оқ гуллар уруши. Англия тахти учун плантагенетлар сулоласининг икки йўналиши: ланкастерлар (Генрих VI; гербида – қизил гул) ва йорклар (Эдуард IV, Ричард III; гербида – оқ гул) ўртасидаги ўзаро уруш. Урушда иккала сулоланинг асосий вакиллари ҳалок бўлгач, ҳокимиятни тюдорлар сулоласи (Генрих VII Тюдор) эгаллади.

**1455–1536 йиллар** – буюк миниатюрачи мусаввир, Шарқ уйғониш даври етук санъаткори, Ҳирот миниатюра мактаби асосчиси Камолиддин Беҳзод яшаган ва фаолият кўрсатган. У «Иккинчи Моний» номи билан машҳур бўлган.

**1456 йил** – турклар томонидан Афина шаҳри эгалланди.

**1458 йил** – Матьяси Хуньяди (Янош Хуньядининг ўғли) Венгрия қироли бўлди.

**1458 йил** – Ацтеклар давлати Марказий Мексикада (Мексика кўлтигидан Тинч океанигача) ўз ҳукмронлигини ўрнатди.

**1458–1490 йиллар** – Венгрия қироли Матьяси Хуньядининг ҳукмронлик даври. Будапештдаги қироллик саройи гуллаб-яшнади.

**1460 йил** – Антверпенда савдо биржаси очилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1461–1483 йиллар** – Франция қироли Людовик XI нинг ҳукмронлик даври. Валуа сулоласидан. Марказлаштириш сиёсатини олиб борган.

**1461–1485 йиллар** – йорклар қироллар сулоласининг Англиядаги ҳукмронлик даври. Плантагенетлар тармогидан. Сулола Йорк герцоги Эдмунддан бошланди. Ҳокимиятни ланкастерлардан олган йорклар уни тюдорлар сулоласига топширди.

*Йорклар сулоласи:* Эдуард IV (1461–1483), Эдуард V (1483), Ричард III (1483–1485).

**1462 йил** – Лионда савдо биржаси очилди.

**1462–1505 йиллар** – Рус давлатида Иван III нинг ҳукмронлик даври.

**1463 йил** – подшо Муҳаммад ҳукмронлиги (1463–1499 й.) даврида Каньон (Кано) шаҳар-давлати (Нигерия) ислом динини қабул қилди.

**1465–1759 йиллар** Шарқий Туркистон ҳудудида Ёркенд хонлиги мавжуд бўлган. Хонликнинг пойтахти Ёркенд шаҳри эди. У Хитойнинг Цин империяси томонидан тугатилган.

**1466 йил** – Еттисувда Қозоқ хонлиги вужудга келди. Қозоқ элатининг узоқ давом этган шаклланиши ниҳоясига етди. Кейинчалик ички низолар натижасида Қозоқ хонлиги учта жузга бўлиниб кетди. Бу давлатга Жонибекхон ва Гирейхон асос солишган.

**1467–1468 йиллар** – Оқ қуюнлилар давлати ҳукмдори Узун Ҳасан томонидан Қора қуюнлилар давлати тугатилди У пойтахтни Амид (ҳозирги Диёрбакир)дан Табриз шаҳрига кўчирди. Узун Ҳасан «Қонуннома» чиқарган.

**1468 йил** – Скандербегнинг ўлимидан сўнг турклар ҳозирги Албанияни (1463 йили ҳозирги Боснияни, 1467 йили ҳозирги Герцоговинани) эгаллади.

**1468–1496 йиллар** – Миср ва Суриядаги мамлуклар султони Каитбейнинг ҳукмронлик даври.

**1469–1506 йиллар** – Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги даврида Хуросон пойтахти Ҳирот йирик маданият марказига айланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1471–1528 йиллар** – германиялик рассом Альбрехт Дюрер яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1473 йил 14 февраль – 1543 йил** – буюк поляк мутафаккири ва астрономи Николай Коперник яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1475 йил** – Усмонли турк султони Меҳмет II Кафани эгаллаб, Қрим яриморолини забт этди.

**1475–1564 йиллар** – Уйғониш (Ренессанс) даврининг буюк арбобларидан бири ҳайкалтарош, рассом, меъмор, ҳарбий муҳандис ва шоир Буонарроти Микеланжело яшаган ва фаолият кўрсатган.

**1477 йил** – Нанси шаҳрини қамал қилган Карл Жасур учинчи бор швейцарияликлар қўшинидан мағлуб бўлди.

**1480 йил** – Москванинг буюк князи Иван III Русь давлатини мўғуллар зулмидан узил-кесил озод қилди. Русь давлати мустақилликка эришди.

**1480 йил** – Москванинг буюк князи Иван III даврида итальян меъморларининг ёрдамида Москвада дастлабки тош бино – Кремль қурила бошланди.

**1480 йил** – Испанияда инквизиция таъсис этилди.

**1481 йил** – Франция жанубидаги Прованс вилояти порт шаҳри Марсел билан бирга қирол Людовик XI ҳукми остига ўтди.

**1481–1512 йиллар** – Усмонли турк султони Боязид II нинг ҳукмронлик даври.

**1483–1498 йиллар** – Франция қироли Карл VIII нинг ҳукмронлиги даври.

**1483–1520 йиллар** – Италиянинг буюк рассомларидан бири Рафаэль Санти яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1485 йил** – Босуорт жангида инглиз қироллик сулоласининг узоқ қариндоши Генрих Тюдор ғолиб чиқди. У ланкастерлар сулоласининг сўнгги вакили эди. Генрих VII номи билан Англия тахтига ўтирди ва тюдорлар сулоласига асос солди.

**1485–1509 йиллар** – Англия қироли Генрих VII Тюдор ҳукмронлиги даври.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1485–1603 йиллар** – тюдорлар Англия қироллари сулоласининг ҳукмронлик даври. Қизил ва Оқ гуллар урушидан сўнг ҳокимият тепасига келган Генрих VII янги сулолага асос солди ва йорклар сулоласига барҳам берди.

*Тюдорлар сулоласи:* Генрих VII (1485–1509), Генрих VIII (1509–1547), Эдуард VI (1547–1553), Мария I (1553–1558), Елизавета I (1558–1603).

**1486–1520 йиллар** – машҳур мусаввир Беҳзод Ҳиротда миннатюра мактабини бошқарди.

**1487–1532 йиллар** – инглиз гуманист ёзувчиси Томас Мор яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1490–1588 йиллар** – меъмор Хўжа Синон Усмонли турк султонлигида яшаган ва фаолият кўрсатган.

**1491 йил** – қирол Карл VIII Бретан герцогининг қизи Аннага уйланди. Бургундия қўшиб олиниши билан Франциянинг марказлашуви тўлиқ якунланди.

**1491–1547 йиллар** – Англияда реформация қирол Генрих VIII ҳукмронлиги даврига тўғри келди.

**1492 йил 3 август** – Христофор Колумб (генуялик денгизчи) ўзининг 92 кишилик командаси билан 3 та кемада: «Ниня», «Пинта» ва «Санта-Мария»да испан порти Паласдан денгиз саёҳатига чиқди.

**1492 йил 12 октябрь** – Колумб томонидан Янги ер – Америка қитъаси кашф этилди.

**1492 йил** – христианлар томонидан мусулмонларнинг Европадаги сўнгги таянчи – Гренада босиб олинди. Мусулмонлар қатл этилди. Яҳудийлар Испаниядан бадарға қилинди.

**1493–1519 йиллар** – герман императори Максимилиан I нинг ҳукмронлик даври. У мамлакатда марказий-маъмурий бошқарув органлари тузди.

**1494 йил** – Итальян уруши бошланди. Франция қироли Карл VIII Неаполитан қироллигини босиб олди.

**1497–1498 йиллар** – Португалия қироли Ҳиндистонга борадиган денгиз йўлини топиш учун Васко да Гама бошчилигида экспедиция жўнатди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1498 йил май** – Васко да Гама Ҳиндистонга борадиган денгиз йўлини кашф этди. У араблар бошчилигида Яхши Умид бурни орқали ўтиб, ҳинд шаҳри Калькуттага келди.

**1498–1500 йиллар** – Христофор Колумб ўзининг учинчи саёҳатида Америка қитъасининг Перуа кўрфази (Венесуэла)га етиб борди.

**1498–1515 йиллар** – Франция қироли Людовик XII нинг ҳукмронлик даври. Валуа сулоласидан. У ҳарбий, суд, солиқ, пул тизимида ислоҳотлар ўтказди.

**1499 йил** – Франция қироли Людовик III Италияда ҳарбий ҳаракатлар олиб бориб, Миланни босиб олди.

**1499 йил** – флоренциялик Америго Веспуччи буюк Колумб кашф қилган ерларнинг янги қитъа эканлигини исботлади. У Гвиана қирғоқларига сузиб борди. Янги ер кейинчалик унинг номи билан Америка деб аталди.

**XV аср охири** – Франция марказлашган давлатга айланди. Мамлакатда мутлақ монархия ўрнатилди.

**XV аср охири** – Истанбулда Усмонли турк султонларининг қароргоҳи – Тўпқопи саройи қурила бошланди.

**XVI аср** – Европада реформация асри.

**XVI аср бошлари** – Олтин Ўрда хонлиги қулади.

**XVI аср бошлари – 1824 йил** – Кичик жуз давлати [ҳозирги Ғарбий Қозоғистон ҳудудида] мавжуд бўлган. Кейинчалик у турли кичик мулкларга бўлинган ва Россия империяси таркибига қўшиб олинган.

**XVI аср бошлари – XVII асрнинг 40-йиллари** – Ўрта жуз давлати [ҳозирги Марказий, Шимолий ва Шарқий Қозоғистон ҳудудида] мавжуд бўлган. Жунғорларнинг босқинчилик юришлари натижасида Ўрта жуз қозоқларини Россия империяси таркибига ихтиёрий қўшилиш жараёни тезлашган.

**XVI аср бошлари – 1847 йил** – Еттисувда Катта жуз [Улуғ жуз; уйшун] давлати мавжуд бўлган. Кейинчалик Россия империяси томонидан тугатилган.

**XVI асрнинг 40-йиллари** – Японияга биринчи бўлиб Португалия савдогарлари кириб келди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**XVI аср биринчи ярми** – «Қонли конунлар»га биноан Англияда 70 минг киши дорга осилди.

**XVI аср ўрталари** – Россия Волгабўйи ва Ғарбий Сибирни босиб олишга киришди.

**1500 йил** – Ҳиндистонга йўл олган Педру Алвариш Кабрал (1460–1526) экспедицияси йўлдан адашиб, Бразилия қирғоқларига тушиб қолди ва Бразилияни кашф қилиб, уни Португалия қироли ерлари деб эълон қилди.

**1500–1501 йиллар** – Исмоил I Сафавий томонидан олиб борилган урушлар натижасида Эронда катта-катта ҳудудлар эгалланди.

**1500 йил ёзи** – Муҳаммад Шайбонийхоннинг Самарқандни олиши ва янги ўзбек давлати – Шайбонийлар давлатига асос солинди. Бу давлат кейинчалик Бухоро хонлиги деб аталди.

**1500–1510 йиллар** – Мовароуннаҳрда Муҳаммад Шайбонийхон ҳукмронлик қилган давр.

**1500–1601 йиллар** – Мовароуннаҳрда шайбонийлар сулоласи ҳукмронлиги.

*Шайбонийлар сулоласидан бўлган Бухоро хонлари:* Муҳаммад Шайбонийхон (1500–1510), Кўчкунчихон (1510–1530), Абу Саидхон (1530–1533), Убайдуллахон (1533–1540), Абдуллахон I (1540), Абдулазизхон (1540–1550, Бухорода), Абдуллатифхон (1540–1551, Самарқандда), Бароқхон (1551–1556), Пирмуҳаммадхон (1557–1561), Искандархон (1561–1583), Абдуллахон II (1583–1598), Абдулмўминхон (1598), Пирмуҳаммадхон II (1598–1601).

**Тахминан 1500–1530 йиллар** – Италияда Ренессанс даврининг классик босқичи (Бу даврда Браманге, Леонардо да Винчи, Микеланжело, Рафаэль, Андреа дель Сарто, Коррежо каби рассом ва ҳайкалтарошлар ижод қилган).

**1501 йил** – Иккинчи итальян компанияси. Франция қироли Людовик XII Неаполитан қироллигини қайта эгаллади.

**1501–1524 йиллар** – Эронда ҳукмронлик қилган туркий Сафавийлар давлатининг асосчиси Исмоил I Сафавийнинг ҳукмронлик даври.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1501–1736 йиллар** – Эронда сафавийлар сулоласи шу номдаги давлатни бошқарди. Сафавийлар туркий тилда гаплашганлар, улар этник жиҳатдан туркийлар (озарбайжонлар) бўлишган. Исломнинг шиа мазҳабига эътиқод қилишган.

*Сафавийлар сулоласи:* Исмоил I (1501–1524), Таҳмосп I (1524–1576), Исмоил II (1576–1578), Муҳаммад Худобанда (1578–1587), Аббос I (1587–1629), Сафий I (1629–1642), Аббос II (1642–1666), Сулаймон I (Сафий II; 1666–1694), Ҳусайн I (1694–1722), Таҳмосп II (1722–1732), Аббос III (1735–1736).

**1502 йил** – Христофор Колумбнинг Янги дунёга тўртинчи ва сўнгги саёҳати. У Панама бўйигача борди.

**1503 йил** – португалияликлар Занзибарни босиб олиб, бу ерни Шарқий Африкадаги босиб олинган ерларнинг марказига айлантирди.

**1503–1507 йиллар** – Леонардо да Винчи «Жаконда» портретини яратди.

**1505–1533 йиллар** – Русда Василий III князлиги даври.

**1506–1543 йиллар** – Алфонсо I нинг Африкадаги ҳукмронлик даври. Конгонинг дастлабки католик қироли бўлган Алфонсо мамлакатни португаллар ёрдамида қайта ташкил қилди.

**1507 йил** – Япония тарихида нотинч давр бошланди. Бу давр Япония тарихига «Курашувчи вилоятлар даври» номи билан кирди.

**1509–1547 йиллар** – Англияда Генрих VIII Тюдорнинг ҳукмронлик даври.

**1509–1510 йиллар** – «Афина мактаби», Рафаэль суратларининг яратилиши.

**1509–1564 йиллар** – Швейцарияда янги черков ғоясини тарқатган реформатор Жан Кальвин яшаган ва фаолият кўрсатган (кальвинизм таълимоти).

**1510 йил** – Америка истило қилинишининг иккинчи даври бошланди. XVII аср ўрталарига қадар давом этган бу давр конкиста – истилолар даври дейилади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1510 йил** – конкистадорлар (истилочилар) Панамада дастлабки истеҳкомларни қура бошладилар.

**1511 йил** – папа Юлий II Францияга қарши қаратилган «Муқаддас лига»ни тузди.

**1511–1512 йиллар** – Рафаэль «Мадонна ди Фоменьо» суратини яратди.

**1511–1659 йиллар** – Марокашда саъдийлар (саййидлар) сулоласи ҳокимиятни бошқарган давр. Саъдийлар сулоласи Пайғамбар Муҳаммад (сав)нинг невараси Ҳасан ибн Аминнинг авлодлари наслидан тарқалган. Бу сулола вакилларини Ҳасанийлар деб ҳам айтишган. Сулолага Суса шаҳрида 1511 йилда Муҳаммад ул-Маҳдий ал-Қойим асос солган. Саъдийлар сулоласи Марокаш султонлари сифатида давлатни бошқарганлар. Кейинчалик уларни филолийлар сулоласи алмаштирди.

**1512 йил** – Элбарсхон томонидан мустақил Хива хонлиги ташкил қилинди.

**1512–1804 йиллар** – *шайбонийларнинг арабшоҳийлар сулоласига мансуб Хива хонлари:* Элбарсхон (1512–1516), Султон Ҳожихон (1516), Ҳусайнқулихон (1516), Сўфиёнхон (1516–1522), Бужақахон (1522–1526), Аванешхон (1526–1538), Алихон (1538–1547), Ақатойхон (1547–1556), Юнусхон (1556–1557), Дўстхон (1557–1558), Ҳожи Муҳаммад [Ҳожимхон] (1559–1594; 1598–1603), Араб Муҳаммадхон (1603–1623), Элбарс султон ва Ҳабаш султон (1623), Асфандиёрхон (1623–1643), Абулғозий Баҳодирхон (1643–1663), Анушахон (1663–1686), Аранг Муҳаммадхон (1686–1687), Худойдодхон (1687–1688), Ўзбекхон – Арнакхон (1688–1690), Жўжи султон (1694–1697), Валихон (1697–1699), Шоҳниёзхон (1699–1702), Шоҳбахтхон (1702–1703), Сайид Алихон (1703–1705), Мусахон (1705 –1706), Ёдгорхон (1706–1713), Шерғозихон (1714–1728), Элбарсхон II (1728–1739), Тоҳирхон (1739–1740), Нуралихон (1740–1742), Абулғозихон II (1742–1746), Ғойибхон (1746–1756), Қорабойхон (1756–1757), Темурғозихон (1757–1764), Абдулғозий III (1770–1804) ва бошқалар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1512–1520 йиллар** – Усмонли империяси султони Салим I Ёвузнинг ҳукмронлик даври.

**1513 йил** – Макиавеллининг «Ҳукмдор» трактати (рисоласи) ёзилди (1532 йили нашр этилди).

**1514 йил** – Усмонли турк султони Салим I Эрон шоҳи Исмоил Сафавий қўшинини тор-мор этди ва Месопотамия ҳудудини назорат қила бошлади. (Ҳар икки туркий сулола – Усмонли давлати ва Эрондаги Сафавийлар давлати ўртасидаги ўзаро рақобат икки аср давом этди).

**1515–1547 йиллар** – Францияда қирол Франциск I нинг ҳукмронлик даври.

**1516 йил** – султон Салим I Сурия ва Фаластинни босиб олди.

**1516 йил** – Нунес Балбао Панама ерларини Шарққа кесиб ўтиб, Тинч океанининг шимолига чиқди.

**1517 йил** – султон Салим I Миср пойтахти Қоҳира шаҳрини эгаллади. У Мамлуклар давлатини ағдариб ташлаб, аббосийлар халифасини тахтга ўтказди ва Истанбулга олиб келди. (Усмонли султонлари айни пайтда 1517–1924 йилларда ислом дунёсининг халифаларидан ҳисобланган).

**1517 йил** – Виттенберг университети илоҳиёт профессори, роҳиб Мартин Лютер индульгенция ёрлиқларини сотишга қарши чиқди. У университет черкови эшикларига ўзининг «95 тезислари»ни ёпиштирди. Германияда реформация бошланди.

**1517–1518 йиллар** – Юкатан яриморолида қулларни излаб юрган испанлар бўлинмаси биринчи марта юксак маданиятли Майя шаҳарларига дуч келдилар.

**1518 йил** – барбарлар қароқчиси Хайриддин Барбаросса Жазоирни Усмонлилар султонлигига бўйсундирди.

**1519 йил 13 декабрь** – португалиялик Магеллан бошлиқ сайёҳлар Рио де Жанейро кўрфазига кирди.

**1519 йил** – Усмонли турк султонлигида деҳқонлар қўзғолон кўтардилар. Унга шайх Жалол раҳбарлик қилди.

**1519 йил** – Карл V «Муқаддас Рим империяси» импе-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ратори бўлди. У амакиси Максимилиан I дан Австрияга ворисийлик ҳуқуқини мерос олди.

**1519 йил** – Майя давлатини забт этиш учун ўзининг 16 та отлиқ ва 400 кишилик бўлинмаси билан Эрнан Кортес Мексика қирғоқларига тушди.

**1519 йил** – Америка қитъасидаги дастлабки шаҳар – Панамага испанлар асос солдилар.

**1519 йил** – Диего Веласкес томонидан Кубада Гавана шаҳрига асос солинди.

**1519–1521 йиллар** – Мексика испаниялик босқинчи Эрнан Кортес томонидан босиб олинди. У Юкатан дарёси соҳилларига келиб ўрнашди.

**1519–1522 йиллар** – Америго Веспуччининг Колумб кашф қилган ерларнинг янги қитъа эканлиги ҳақидаги фаразини португалиялик Герман Магеллан дунё айлана биринчи сайёҳатида тўла тасдиқлади.

**1520 йил 21 октябрь** – Магеллан экспедицияси жанубий кенгликнинг 52 градусида кейинчалик унинг номига қўйилган қўлтиққа кирди.

**1520 йил 10 декабрь** – Мартин Лютер папа ёрлиғини Виттенберг университети профессорлари ва талабалари ҳузурида ёндириб ташлади.

**1520–1566 йиллар** – усмонийлар султони Сулаймон I Қонунийнинг ҳукмронлиги даври. Сулаймон I Қонуний салтанатга Европа (Родос, Венгрия), Шимолий Африка (Жазоир, Триполия, Тунис), Ўрта Шарқ (Месопотамия, Адан) ҳудудларини қўшиб олди. Бу даврда салтанат ўзининг энг юқори чўққисига чиқди.

**1521 йил** – Теночтитлан (Мехико) испанлар томонидан босиб олинди ва бузиб ташланди. Ацтек империяси тугатилди (ацтекларнинг сўнгги ҳукмдори Куатемок 1525 йили қатл қилинди).

**1521–1557 йиллар** – Жуан II нинг Португалиядаги ҳукмронлик йилларида мамлакат ўзининг олтин асрини бошдан кечирди. Португалия Европа бозорларида шарқ зираворлари, қанд ва қуллар сотиш бўйича етакчи бўлган.

**1524–1526 йиллар** – Германияда деҳқонлар уруши.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1524–1576 йиллар** – Тахмосп I Сафавийнинг Эронда ҳукмронлик даври.

**1525 йил март** – Германиянинг Меминген шаҳрида тўпланган қўзғолончилар йиғилишида «12 модда» дастурини туздилар.

**1525 йил** – темурийлардан Бобур Мирзонинг Деҳли султонлигига ҳужуми.

**1526 йил 21 апрель** – Панипат жанги. Бу жангда Бобур қўшини билан Деҳли султони Иброҳим Лўдий қўшини курашиб, унда Бобур ғалаба қозонди.

**1526–1530 йиллар** – Бобур Шимолий Ҳиндистонда Буюк Бобурийлар давлатига асос солди.

**1526–1858 йиллар** – Буюк Бобурийлар сулоласининг Ҳиндистонда ҳукмронлиги даври.

*Бобурийлар сулоласи:* Бобур (1526–1530), Ҳумоюн (1530–1540; 1555–1556), Акбаршоҳ (1556–1605), Жаҳонгиршоҳ (1605–1627), Шоҳ Жаҳон (1627–1658), Авранѓзеб Оламгир (1658–1707), Баҳодиршоҳ I (1707–1712), Жаҳондоршоҳ (1712–1713), Фаррух Сияр (1713–1719), Муҳаммадшоҳ (1719–1748), Аҳмадшоҳ (1748–1754), Оламгир II (1754–1759), Шоҳ Олам II (1759–1806), Акбар II (1806–1837), Баҳодиршоҳ II (1837–1858).

**1526 йил** – Сулаймон I Қонуний Мохачада бўлган жангда венгерлар устидан ғалаба қозонди. Венгрия қироли Людовик II (Лайош) Ягеллон жангда ўлдирилди. Венгрия парламенти Венгрия ва Богемия қироли қилиб Фердинанд Габсбург (Карл V нинг укаси)ни сайлади. Бу ҳолат Австрия-Венгрия монархияси вужудга келишини бошлаб берди.

**1528 йил 24 – 28 сентябрь** – шайбоний султонлар билан Эрон шоҳи Тахмасп I қўшинлари ўртасида Жом вилоятининг Зуробод мавзеида Жом жанги бўлган. Унда шайбонийлар маглубиятга учраган.

**1528 йил** – Гренадада Уйғониш даврининг классик услубида собор қурилиши бошланди.

**1529 йил** – Вена шаҳри турклар томонидан биринчи марта қамал қилинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1530–1540; 1555–1556 йиллар** – Буюк Бобурийлар давлатида Ҳумоюншоҳ ҳукмронлик қилган давр.

**1531–1535 йиллар** – Франсиско Писсаро бошчилигидаги испан конкистадорлари Перуни босиб олдилар. Инклар давлати тугатилди (1533 йил).

**1532 йил** – Англияда реформация бошланди.

**1532 йил** – Франциско Писарро бошчилигида испанларнинг 250 кишидан иборат бўлинмаси Перуга ҳужум бошлади.

**1533–1584 йиллар** – Рус князи Иван IV яшаган йиллар.

**1534 йил** – Англияда қиролнинг черковдан устун туриши ҳақидаги акт қабул қилинди.

**1535 йил** – Франция билан Усмонли турк султонлиги ўртасида иттифоқчилик шартномаси имзоланди.

**1535 йил** – Русда ягона пул жорий қилинди.

**1536 йил** – Жан Кальвиннинг «Христиан динидан қўлланма» китоби нашрдан чиқди.

**1540 йил** – Игнатий Лойол томонидан Иезуитлар ордени таъсис этилди.

**1541–1614 йиллар** – машҳур испан рассоми Эл Греко яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1542 йил** – кардиналлар Краффа ва Бургас папага Италияда инквизиция судини тиклашни таклиф қилди.

**1542–1605 йиллар** – Ҳумоюншоҳнинг ўғли Акбаршоҳ яшаган давр.

**1543 йил** – португалиялик Мендиш Пинту Бунго вилояти ҳукмдори билан Японияга турли товарлар қатори қуроласлаҳа, порох олиб келиш ва уларни олтин ҳамда кумушга айирбошлаш тўғрисида шартнома имзолади.

**1545–1563 йиллар** – Тридент собори. У Павел III томонидан чақирилиб, протестантларнинг ислоҳотларига қарши католик черкови ўз реформаларини ўтказди.

**1547 йил** – рус князи Иван IV ўзини Бутун Русь подшоси деб эълон қилди ва биринчи рус подшоси бўлди.

**1547–1550 йиллар** – рус подшоси Иван IV қўшинларининг Волгабўйи халқларига қарши дастлабки юришлари муваффақиятсизлик билан тугади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1547–1616 йиллар** – испан ёзувчиси Мигел де Сервантес яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1547 йил** – протестантизм тарихида биринчи марта женевалик оддий фуқаро Жан Грюе даҳрийликда айбланиб, Кальвин шахсига оид ёмон гапиргани учун гулханда ёндирилди.

**1548 йил** – Жан Кальвин Женева черковида бошлиқ бўлган.

**1548–1600 йиллар** – улуғ итальян мутафаккири Жордано Бруно яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1549 йил** – Рус подшоси Иван IV феодаллар турли қатламлари вакилларининг биринчи йиғилишини – Земство соборини чақирди.

**1551 йил** – Усмонли империяси Триполи (Ливия)ни эгаллади.

**XVI аср иккинчи ярми – 1934 йиллар** – Нўғай Ўрда давлатидан ажралиб чиққан Катта Нўғай Ўрда давлати фаолият кўрсатган. Волгадан Урал дарёсигача чўзилган Каспий бўйидаги ҳудудлардан иборат бўлған. Кейинчалик Кичик Нўғай Ўрда таркибига қўшилиб кетган.

**XVI аср иккинчи ярми – XVIII аср иккинчи ярми** – Нўғай Ўрдадан ажралиб чиққан Кичик Нўғай Ўрда давлати фаолият кўрсатған. Волга дарёсининг ўнг қирғоғи ва Азов бўйидаги ҳудудларни қамраб олган. Бу давлатга Қози мурза асос солган (1577 йил вафот этган).

**1552 йил август** – Рус подшоси Иван IV 150 минг кишилик қўшини билан Қозон шаҳрини қамал қилди.

**1552 йил 2 октябрь** – Иван IV туркий давлат Қозон хонлигини босиб олди.

**1553 йил** – Женева орқали Германияга кетаётган машҳур испан олими Мигел Серветт ўтда ёндирилди.

**1553–1558 йиллар** – Генрих VIII нинг қизи Англия қироличаси Мария Тюдор (Мария Қонхўр)нинг ҳукмронлиги даври. У католикликни давлат дини деб қайта эълон қилди.

**1555 йил** – Ҳумоюн Ҳиндистон тахтининг даъвогарларини тор-мор этиб, яна ҳокимиятни ўз қўлига олди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1555 йил** – Аугсбург диний сулҳи имзоланди. Унга кўра «Муқаддас Рим империяси» католик ва протестантлик ерларини тан олди.

**1556 йил** – «Муқаддас Рим империяси» императори Карл V (императорлик даври: 1519 – 1556 й.) ҳокимиятдан воз кечишга мажбур бўлди. У ўз империясини 2 қисмга бўлди: Ғарбий қисм (Голландия, Испания, Италия ва Америкадаги колониялар) ўғли Филипп II га, Шарқий қисм (Габсбургларнинг Австриядаги мулклари) ва императорлик мақоми – укаси Фердинандга берилди.

**1556 йил** – Рус подшоси Иван IV туркий Аштархон хонлигини босиб олди.

**1556 йил** – Акбаршоҳ қўшини афғон қабилалари қўшинини тор-мор этди.

**1556–1605 йиллар** – Акбаршоҳнинг Ҳиндистонда ҳукмронлик даври. У Ҳиндистонда бошқа дин ва халқ вакилларига нисбатан бағрикенглик сиёсатини олиб борди.

**1556–1598 йиллар** – Филипп II ҳукмронлиги даврида Испания жаҳон йўлбошчилигига интилди.

**1558 йил** – Россия Болтиқбўйи ерларини босиб олиш учун Ливония уруши (Ливон уруши)ни бошлади. Бу уруш 25 йил давом этди.

**1558–1583 йиллар** – Ливония уруши. Бу урушда Россия подшолиги Ливон ордени, Швеция, Польша ва Буюк Литва князлигига қарши курашди. Бу урушда дастлаб Ливония ордени маглубиятга учради. Рус қўшинлари ғалаба қозониб турдилар. Кейинчалик Россия қўшини маглубиятга учраб, ўзи учун ноқулай битимларни имзолади.

**1558–1603 йиллар** – Елизавета I нинг Англиядаги қироличалик даври. У Мария Тюдорнинг ўрнига ҳокимиятга келди ва протестантликни тиклади.

**1559 йил** – Ҳиндистон ва Афғонистонда тахт учун бобурийларга қарши курашнинг етакчи кучлари – афғонларнинг сур сулоласи бутунлай янчиб ташланди.

**Тахминан 1560 йил** – Жан Нико (1530 – 1600) томонидан Францияга истеъмол қилиш учун тамаки келтирилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1560 йил** – Франциск II саройидан гизлар хонадони вакилларини четлатиш учун бурбонлар сулоласи «Амбуас фитнаси»ни уюштирди.

**1560–1574 йиллар** – Франция қироли Карл IX нинг ҳукмронлик даври.

**1561–1626 йиллар** – янги давр Англия фалсафасининг асосчиси Френсис Бэкон яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1562–1563 йиллар** – Францияда Биринчи Гугенотлар (диний) уруши. Воссида протестантлар оммавий равишда ўлдирилди.

**1563–1598 йиллар** – шайбонийлар наслидан бўлган сўнгги Сибирь хони Кучумхоннинг ҳукмронлик даври.

**1564–1616 йиллар** – инглиз драматурги Вильям Шекспир яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1564–1642 йиллар** – астроном ва физик Галилео Галилей яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1564–1576 йиллар** – герман императори Максимилиан II нинг ҳукмронлик даври.

**1565 йил** – Жанубий Ҳиндистонда Буюк Бобурийлар Таликот жангида ғалаба қилиб, ҳинд давлати Виджаянагарни тугатди.

**1565 йил** – Рус подшоси Иван IV давлат ерларидан катта қисмини алоҳида шахсий мулкка айлантирди. Бу мулк опричнина деб аталди.

**1566 йил** – Испанияда «бутга қарши» халқ ҳаракатлари. Қўзголон бир йилдан сўнг бостирилди.

**1566 йил** – Нидерландияда католиклар Испанияси зулмига қарши халқ қўзғолони бошланди. Кальвинистлар қатнашган бу ҳаракат «Гёзлар қўзғолони» номини олди.

**1566–1574 йиллар** – усмонлилар султони Салим II нинг ҳукмронлик даври.

**1567 йил** – Шотландияда қўзғолон бўлди ва Мария I Стюарт ўз ўғли Яков V (бўлғуси Яков I Анғлийский) фойдасига тахтдан воз кечишга мажбур бўлди.

**1567–1573 йиллар** – Нидерландияда герцог Альба ҳукмронлиги даври.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1568 йил** – Нидерландияда герцог Альбанинг қатағонларига қарши қўзғолон бўлди. Саксон йиллик урушнинг бошланиши.

**1569 йил** – Польша ва Литва ўзаро иттифоқ тузиб, Люблин униясини ташкил қилишди.

**1569–1574 йиллар** – Эдирнада меъмор Синан томонидан Салим масжиди қурилди.

**1569–1785 йиллар** – Речь Посполита давлати фаолият кўрсатди. Бу давлат Польша ва Литва ўртасидаги Люблин униясидан сўнг ташкил топди.

**Тахминан 1570 йил** – Акбаршоҳ томонидан Агра яқинидаги Фатехпўр-Сикри (Уттар-Прадеш) шаҳрига асос солинди; сарой ва масжидлар қурилди.

**1570–1571 йиллар** – Усмонли турк империяси Кипрни забт этди.

**Тахминан 1571 йил** – сэр Томас Грешём Лондон биржасига асос солди.

**1572 йил 24 август** – Варфоломей кечаси. Гугенотлар қирғини уюштирилди. Париж ва унинг атрофларида протестантлар оммавий равишда қирғин қилинди. Уч кунлик қотиллик давомида 30 минг киши қурбон бўлди.

**1572–1573 йиллар** – Францияда Тўртинчи диний уруш.

**1573 йил** – Японияда ўзаро ички урушлар сўнгги сёгун Асикага сулоласи ҳокимиятининг агдарилиши билан ниҳоясига етди. Ода Нобунага Асикагани сёгунликдан маҳрум этди ва Японияни бирлаштирди. Японияда сёгун (ҳарбий саркарда) унвони авлоддан-авлодга ўтган ва у давлатнинг ҳукмдори ҳисобланган.

**1573 йил** – Венецияда «қора ўлат» тарқалди.

**1573–1630 йиллар** – Хитойда император Ваньли (Шэн Цзун, Чжу Ицзюнь) ҳукмронлиги даври.

**1574 йил** – Тунис Усмонлилар давлатига қарашли подшоликка айланди.

**1574–1589 йиллар** – Франция қироли Генрих III нинг ҳукмронлик даври.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1574–1595 йиллар** – усмонлилар султони Мурод III нинг ҳукмронлик даври.

**1575 йил** – Луанда (Ангола)да Португалия колониялари пайдо бўлди.

**1576 йил** – Бенгалия бобурийлар ҳукмдори Акбаршоҳ томонидан эгалланди.

**1579 йил** – Испания ҳужумига қарши Нидерландия шимолидаги еттита кальвинистлар провинцияси иттифоқ туздилар. Бу иттифоқ Утрехт унияси деб аталди.

**1580 йил** – мўғул хони Алтанхон ўзига далай-лама унвонини олиб, Тибет будда монархлар орденининг раҳбарига айланди.

**1581 йил** – Шимолий Нидерландиядаги иттифоқчи еттита провинция испаниялик Филипп II ни қирол деб тан олишдан бош тортди.

**1582 йил 15 октябрь** – Рим папаси Григорий XIII томонидан Юлий календари ўрнига Григорий календари қабул қилинди. Бу календарь Перуджий университети ўқитувчиси Луижи Лилио томонидан 1576 йилда таклиф этилган лойиҳага биноан тузилган. Григорий календари ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида 1918 йил 14 февралдан (эски ҳисобда 1 февралдан) амал қилган.

**1582 йил** – Европадаги биринчи академия Флоренцияда ташкил қилинди.

**1582–1598 йиллар** – рус қўшини юришлари пайтида яна бир туркий давлат – Сибирь хонлиги тугатилди.

**1582–1598 йиллар** – Японияда ҳокимиятга келган Тоётоми Хидэёсининг ҳукмронлик даври.

**1584 йил** – Нидерландиянинг шимолида жойлашган Голландия ва Зеландия вилоятлари штатхаудери (ҳукмдори) Вильгелм Оранский отиб ўлдирилди. Иезуитлар ордени вакили франциялик Жерар Бальтазар Вильгельм Оранскийни ўлдирди. Кейинчалик Жерарнинг ўзини тутиб олиб, қатл қилинди.

**1584 йил** – Рус подшоси Иван IV Грозний вафот этди. Унинг ўғиллари Фёдор ва Дмитрий нимжон ва ёш



www.ziyouz.com kutubxonasi

бўлганликлари учун давлатни амалда Борис Годунов бошқаришга киришди.

**1584–1598 йиллар** – Рус подшоси Иван IV нинг ўғли Фёдор Ивановичнинг ҳукмронлик даври. Шундан сўнг Россияни 700 йил бошқарган Рюриковичлар сулоласи ҳукмронлиги барҳам топди.

**1585–1598 йиллар** – Францияда Саккизинчи диний уруш.

**1585–1642 йиллар** – француз давлат арбоби ва кардинали Арман Ришелье яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1586 йил** – Акбаршоҳ томонидан Кашмир забт этилди.

**1587 йил** – Тоётоми Хидэёси барча христиан руҳонийларининг Японияни тарк этиши ҳақида қонун чиқарди.

**1587–1629 йиллар** – шоҳ Аббос I нинг Эронда ҳукмронлиги даври. У Сафавийлар сулоласини юқори чўққига чиқарди.

**1588 йил 5 апрель – 1679 йил 4 декабрь** – инглиз файласуфи Томас Гоббс яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1588 йил** – «Енгилмас Армада» Англия қирғоқларида мағлубиятга учради. У Испания қироли Филипп II томонидан Англияга қарши юборилган эди.

**1588 йил** – Англия билан Голландия ўртасида уруш бошланди.

**1589 йил** – Москвада православ патриархияси ташкил этилди.

**1589 йил** – Францияда Валуа сулоласининг сўнгги вакили қирол Генрих III ўлдирилди. У ўзидан валиаҳд қолдирмади. Франция тахтига бурбонлар сулоласининг асосчиси гугенотлар йўлбошчиси Генрих IV ўтирди.

**1589–1610 йиллар** – Франция қироли Генрих IV нинг ҳукмронлик даври.

**1589–1792, 1814–1815, 1815–1830 йиллар** – бурбонлар сулоласининг Францияда ҳукмронлик даври. Сулолага Генрих IV асос солди. Бурбонлар сулоласи Франция, Испания ва Италияда XVI–XX асрларда ҳукмронлик қилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Францияда бурбонлар сулоласи. Катта шажара (1589–1830):* Генрих IV (1589–1610), Людовик XIII (1610–1643), Людовик XIV (1643–1715), Людовик XV (1715–1774), Людовик XVI (1774–1792), Людовик XVII (шаҳзода), Людовик XVIII (1814–1815; 1815–1824), Карл X (1824–1830).

*Кичик (Орлеан) шажараси:* Луи-Филипп (1830–1848).

*Бурбонлар сулоласининг Испанияда 1700–1808, 1814–1868, 1874–1931 йиллар ва 1975 йилдан ҳукмронлик даври.* Бурбонларнинг испан шажарасига Людовик XIVнинг невараси Филипп V асос солган.

*Испанияда бурбонлар сулоласи (1700–1931):* Филипп V (1700–1724; 1724–1746), Людовик I (1724), Фердинанд VI (1746–1759), Карл III (1759–1788), Карл VI (1788–1808), Фердинанд VII (1808; 1814–1833), Изабелла II (1833–1868), Альфонс XII (1874–1885), Альфонс XIII (1886–1931).

*Бурбонлар сулоласининг иккала Сицилия қироллиги (Неаполитань қироллиги ва Парма герцоглиги)даги 1735–1805, 1814–1860 йиллар ва 1748–1802, 1847–1859 йиллардаги ҳукмронлик даври.* Иккала Сицилия қироллигида шажара асосчиси Филипп V нинг ўғли Карл VII ҳисобланади.

*Неаполитань шажараси (1735–1860):* Карл VII (Карл IV номи билан Неаполь қироли: 1735 – 1759 ва Сицилия қироли: 1735–1759; Карл III номи билан Испания қироли: 1759–1788); Фердинанд IV (Фердинанд III номи билан Неаполь қироли: 1759–1798; 1799–1805; 1814–1816 ва Сицилия қироли: 1759–1816; Фердинанд I номи билан иккала Сицилия қироли: 1816–1825); Франческо I (иккала Сицилия қироли: 1825–1830); Фердинанд II (иккала Сицилия қироли: 1830–1859); Франциск II (иккала Сицилия қироли: 1859–1860).

*Парма шажараси:* Филипп (Парма ва Пьяченца герцоги: 1748–1765); Фердинанд (Парма ва Пьяченца герцоги: 1765–1801); Людовик I (Этрурия қироли: 1801–1803), Карл Людовик II (Этрурия қироли: 1803–1807; Лукка герцоги: 1814–1847; Карл II номи билан Парма ва Пьячен-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ца герцоги: 1847–1849); Карл III (Парма ва Пьяченца герцоги: 1849–1854); Роберт (Парма ва Пьяченца герцоги: 1854–1859).

**1590–1665 йиллар** – Голландия Республикаси қишлоқ хўжалигида 110 минг гектар ботқоқ ерлар ўзлаштирилди.

**1592 йил** – Хидаёси Тоётоми бошлиқ япон қўшинлари Кореяга ҳужум бошлади.

**1593 йил** – Генрих IV протестантликдан воз кечиб, 1594 йили Парижга кирди.

**1596 йил** – Сигизмунд III Ваза Польша давлати пойтахтини Краковдан Варшавага кўчирди.

**1596 йил** – инглизлар Пиреней яриморолидаги Кадис портида испан флотини тор-мор қилди.

**1598 йил** – Японияда Хидаёси Тоётоми вафот этди. Узоқ курашлардан сўнг кейинчалик сёгунлик ҳокимиятини Иэясу Токугава эгаллади.

**1598 йил** – қирол Генрих IV диний урушларни тўхтатиш ва мамлакат яхлитлигига эришиш учун Нант эдиктини имзолади. Нант яраш битимига кўра, Францияда католик черкови расмий ҳукмрон дин деб тан олинди. Шунингдек, протестантликка эътиқод қилишга рухсат берилди. Францияда диний эътиқод эркинлиги ўрнатилди.

**1598–1605 йиллар** – Борис Годуновнинг Рус (Россия) тахтида ҳукмронлик даври.

**1598–1621 йиллар** – Испания ва Португалия қироли Филипп III нинг ҳукмронлик даври.

**1598 йил** – Сафавийлар давлатининг пойтахтига айланган Исфахон шаҳрида меъморий обидалар (Чорбоғ, Майдони Шоҳ ва б.) қурилди.

**1599 йил** – Аббос I Буюк ўзбеклардан (Бухоро хонлигини бошқарган шайбонийлар сулоласидан) Машҳад ва Ҳиротни тортиб олди.

**1599 йил** – Лондонда «Глобус» театри очилди.

**1599–1658 йиллар** – Англияда Оливер Кромвель яшаган ва фаолият кўрсатган йиллар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1600 йил 8 октябрь** – Сан-Марино Республикасининг амалдаги конституцияси («Статут» – Сан-Марино Республикаси давлат тузилиши тизими тўғрисидаги қонунлар мажмуаси) маъқулланган. Кейинчалик унга тузатишлар киритилган. Катта Бош Кенгаш томонидан 6 ой муддатга сайланадиган икки капитан-регент давлат бошлиғи вазифасини бажаради.

*Сан-Марино Республикаси капитан-регентлари (2000 йилдан):* Мария Доменика Микелотти, Жан Марко Маркуччи (2000 йил апрель), Жан Франко Теренци, Энцо Коломбини (2000 йил октябрь), Луиджи Лонфернини, Фабио Берарди (2001 йил апрель), Альберто Чеккетти, Жино Жованьоли (2001 йил октябрь), Антонио Лаццаро Вольпинари, Жованни Франческо Уголини (2002 йил апрель), Мауро Кьяруцци, Жузеппе Мария Морганти (2002 йил октябрь), Пьер Марино Меникуччи, Жованни Жаннони (2003 йил апрель), Жованни Лонфернини, Валерия Чьаватта (2003 йил октябрь), Паоло Боллини, Марино Риккарди (2004 йил апрель), Жузеппе Ардзилли, Роберто Раски (2004 йил октябрь), Фауста Морганти, Чезаре Гаспероні (2005 йил апрель), Клаудио Муччолли, Антонелло Баччокки (2005 йил октябрь), Жанфранко Теренци, Лорис Франчини (2006 йил апрель), Антонио Караттони, Роберто Жоржетти (2006 йил октябрь), Алессандро Манчини, Алессандро Росси (2007 йил апрель), Мирко Томассони, Альберто Сельва (2007 йил октябрь), Роза Дзафферани, Федерико Педини Амати (2008 йил апрель), Эрнесто Бенедеттини, Ассунта Мелони (2008 йил октябрь), Оскар Мина, Массимо Ченчи (2009 йил апрель), Франческо Муссони, Стефано Пальмиери (2009 йил октябрь), Марко Конти, Глауко Сансовини (2010 йил апрель), Жованни Франческо Уголини, Андреа Дзафферани (2010 йил октябрь).

**1600 йил** – Жордано Бруно даҳрийликда айбланиб, инквизиция гулханида куйдирилди.

**1600 йил** – Англияда тузилган Ост-Индия компанияси инглизларнинг Ҳиндистонга аста-секин кириши ва босиб олишини таъминлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1601 йил** – Бухоро хонлигини янги сулола – аштархонийлар сулоласи бошқаришга киришди.

**1601–1756 йиллар** – Бухоро хонлигида аштархонийлар (жонийлар) сулоласи ҳукм сурган давр.

*Бухоро хонлигини идора этган аштархонийлар (жонийлар) сулоласи:* Боқи Муҳаммадхон (1601–1605), Вали Муҳаммадхон (1605–1611), Имомқулихон (1611–1642), Надр Муҳаммадхон (1642–1645), Абдулазизхон (1645–1680), Субҳонқулихон (1680–1702), Убайдуллахон II (1702–1711), Абулфайзхон (1711–1747), Абдулмўминхон (1747–1751), Убайдуллохон III (1751–1754), Шерғози (1754–1756).

**1602 йил** – Голландия (Нидерландия) Ост-Индия компанияси ташкил топди.

**1602 йил** – Польша қироли Сигизмунд III Россияга бостириб кирди.

**1603 йил** – Россияда крепостной деҳқонлар қўзғолони бошланди. Қўзғолонга Холопко лақабли киши бошчилик қилди.

**1603–1867 йиллар** – Японияни Токугава сёгунлари сулоласи бошқарган давр. Бу сулолага асос солган Токугава 1603–1616 йилларда сёгун сифатида мамлакатни бошқарган. Унинг қароргоҳи Эдо (ҳозирги Токио)га кўчирилди.

**1604 йил** – Амритсарда Олтин ибодатхонага асос солинди, бу ибодатхона сикхизм динининг асосий муқаддас жойи бўлди.

**1605–1627 йиллар** – бобурийлардан Жаҳонгиршоҳнинг ҳукмронлик даври.

**1605–1658 йиллар** – Шимолий Ҳиндистон Жаҳонгиршоҳ ва Шоҳжаҳон ҳукмронлиги даврида ўз тараққиёт чўққисига чиқди.

**1605 йил 30 июль – 1606 йил 17 май** – подшо Лжедмитрий I Кремлга ўрнашиб олди. Россияда «нотинчлик вақти».

**1606–1607 йиллар** – Россияда Иван Болотников бошчилигида деҳқонлар қўзғолони кўтарилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1606–1610 йиллар** – подшо Василий Шуйский Россияга ҳукмронлик қилди.

**1606–1669 йиллар** – голландиялик энг машҳур рассом Харменс ван Рейн Рембрандт яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1607 йил** – Польша қироли Лжедмитрий II Россияга бостириб кирди.

**1607 йил** – Шимолий Америкада инглизларнинг доимий яшаш жойи – биринчи колонияси Виргиния қурилди.

**1608 йил** – Самюэль Шамплейн французларнинг Канада (Янги Франция)даги мустамлакаси – Квебекка асос солди.

**1609 йил** – Испания Голландиянинг мустақиллигини тан олди.

**1609 йил** – Польша қироли Сигизмунд Россияга бостириб кирди. Сигизмунднинг ўғли Владислав рус подшоси деб тан олинди.

**1609 йил** – Испания билан Голландия ўртасида сулҳ шартномаси тузилди.

**1609–1621 йиллар** – Испания билан Бирлашган провинциялар ўртасидаги урушда ўн икки йиллик яраш.

**1610 йил** – деҳқонларни ўзлари ташлаб кетган ерларга қайтариш учун турк султони Салим I махсус «Адолат фармони» деб номланган фармон чиқаришга мажбур бўлди.

**1610–1613 йиллар** – Россияда етти боярнинг ҳукмронлик даври.

**1611 йил** – Нижний Новгородда Кузма Минин бошчилигида босқинчиларга қарши халқ қўзғолони бошланди.

**1611–1631 йиллар** – Швецияда қирол Густав II Адольфнинг ҳукмронлик даври.

**1612 йил** – Москва учун бўлган жангларда Польша қўшини мағлубиятга учради. Россияда халқ лашкарининг ҳаракати билан Польша қироли мамлакатдан қувиб чиқарилди.

**1612–1620 йиллар** – Парижда Сде Брюс томонидан Люксембург саройи қурилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1612–1637 йиллар** – Исфаҳонда Жомеъ масжиди қурилди.

**1613 йил январь** – Россияда «нотинчлик вақти» тугади. Москвада чақирилган Земство собори Россия подшоси қилиб Иван IV Грозний хотинининг қариндоши Михаил Фёдорович Романовни сайлади (романовлар сулоласи рус тахтида 1917 йилгача қолди).

**1613–1917 йиллар** – Россияда романовлар сулоласи ҳукмронлик қилган давр.

*Романовлар сулоласи (Россия подшолари):* Михаил Фёдорович Романов (1613–1645), Алексей Михайлович (1645–1676), Фёдор Алексеевич (1676–1682), Софья (1682–1689), Пётр I Алексеевич [Буюк Пётр] (1682–1721).

*Романовлар сулоласи (Россия императорлари):* Буюк Пётр (1721–1725), Екатерина I (1725–1727), Пётр II (1727–1730), Анна Иоанновна (1730–1740), Елизавета Пётровна (1741–1761), Пётр III (1761–1762), Екатерина II (1762–1796), Павел I (1796–1801), Александр I (1801–1825), Николай I (1825–1855), Александр II (1855–1881), Александр III (1881–1894), Николай II (1894–1917).

**1615 йил** – Японияда сёгун Иэясу Токугава христиан динини тақиқловчи қонун чиқарди. Қонун христиан динини империя душмани деб эълон қилди.

**1616–1636 йиллар** – Хитойда манжурларнинг Сўнгги Цзинь сулоласи ҳукмронлиги даври. Бу сулолага манжурлар қабиласи етакчиси Нурхачи (Нурхаци) 1616 йилда асос солди ва Тай-Цзу номи билан 1616 – 1626 йилларда хон (император) бўлди. У асос солган сулола манбаларда Чин Тайзу номи билан аталади. Тай-Цзунинг ишини 8-ўғли Хунтайжи ва 9-набираси Ойсингоро-Фулин давом эттирди.

**1618–1648 йиллар** – Ўттиз йиллик уруш. Уруш дастлаб диний сабаблар (католиклар ва протестантлар ўртасидаги зиддият) асосида бўлди. Бу уруш габсбурглар блоки (папалик ва Речь Посполита томонидан қўллаб-



www.ziyouz.com kutubxonasi

қувватланган Испания ва Австрия габсбурглари, Германиянинг католик князлари) билан габсбургларга қарши коалиция (Англия, Голландия ва Россия кувватлаб турган герман протестант князлари, Франция, Швеция, Дания) ўртасида бўлди. Сўнгра Европада етакчилик қилиш учун габсбурглар Австрияси ва Испания билан бурбонлар Францияси ўртасида кечди. Уруш натижасида габсбургларнинг «жаҳоншумул империя» тузиш ва миллий давлатларни бўйсундириш ҳақидаги режалари барбод бўлди, сиёсий ҳукмронлик Франция қўлига ўтди.

**1618 йил** – Манжурия ҳукмдори Нурхачи Хитойга ҳарбий юриш бошлади.

**1620–1621 йиллар** – Эрон шоҳи Аббос I бобурийлардан Қандаҳор шаҳрини жанг қилиб, тортиб олди.

**1621–1665 йиллар** – Испания ва Португалия қироли Филипп IV нинг ҳукмронлик даври.

**1622–1642 йиллар** – Ришелье Францияда кардинал вазифасини бажарди (У 1624 йилдан қироллик кенгаши раҳбари, амалда Франция ҳокими).

**1623–1640 йиллар** – Усмонли турк султони Мурод IV нинг ҳукмронлик даври.

**1623–1662 йиллар** – француз математиги, физиги, файласуфи ва ёзувчиси Блез Паскаль яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1625–1649 йиллар** – Англияда Қирол Карл I нинг ҳукмронлик даври.

**1626 йил** – голландияликлар Шимолий Америкада Янги Амстердам колониясига асос солишди.

**1626–1643 йиллар** – Хитойда Нурхачининг вориси Абахай ҳукмронлиги даври.

**1627–1658 йиллар** – Ҳиндистонда Акбаршоҳнинг набираси Шоҳжаҳоннинг ҳукмронлик даври.

**1627–1672 йиллар** – Вьетнамда фуқаролар уруши. Шимолдаги Чинь (пойтахти Ханой) ва жанубдаги Нгуен (пойтахти Хюэ) аслзодалари ўртасида ҳокимият учун кураш.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1628 йил** – парламент Англия қироли Карл I нинг «Ҳуқуқлар тўғрисидаги билл» ва «Ҳуқуқлар тўғрисидаги петиция»ни имзолашига эришди.

**1629 йил** – «Муқаддас Рим империяси» ва Дания ўртасида Любек тинчлик шартномаси имзоланди. Дания (Кристиан IV) Ўттиз йиллик урушда протестантларни қўллаб-қувватлади.

**1630–1697 йиллар** – Бразилияда негрларнинг «Пальма Республикаси» даври.

**1631 йил** – Марокашда филолийлар сулоласи вакиллари ҳокимият тепасига келдилар. Бу сулолага Муҳаммад I Шариф Тафилалт шаҳрида асос солди. Бу сулола вакиллари тузган қўшин ал-Бухорий қуллари ёхуд занжилари деб аталади. Улар 1659 йилда бутун Марокашни ўзларига бўйсундириб, саъдийлар сулоласини ҳокимиятдан четлаштиришди. Айни пайтда Марокаш Подшоҳлигини филолийлар сулоласига мансуб подшоҳ Муҳаммад VI (1999 йилдан) бошқармоқда.

**1631–1641 йиллар** – Агра шаҳрида Шоҳжаҳон томонидан севимли рафиқасига атаб Тожмаҳал мақбараси қурилди.

**1632 йил 24 октябрь – 1723 йил 26 август** – голланд олими Антони ван Левингук яшаган ва фаолият кўрсатган давр. У 300 марта катталаштириб кўрсатадиган микроскоп яратди.

**1635 йил** – кардинал Ришелье Ўттиз йиллик урушда Швеция томонида бўлди ва Испанияга қарши уруш эълон қилди.

**1635 йил** – кардинал Ришелье Парижда Франция Академиясига асос солди.

**1635–1758 йиллар** – Жунгория ҳудудида Ойрот хонлиги [Жунғор хонлиги] мавжуд бўлган. Хонликка Ботур хунжайти асос солган ва хонлик Ёркенд хонлигидан ажралиб чиққан. Ойрот хонлиги Қозоғистон ва Ўрта Осиё ҳудудларига бир неча марта босқинчилик юришларини олиб борган. У Хитойнинг Цин империяси томонидан тугатилган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1636 йил** – Америкада энг қадимги Гарвард университетига асос солинди.

**1636 йил** – Абахай ўзини Хитой императори деб эълон қилди.

**1636–1637 йиллар** – Франциянинг жануби-ғарбида катта солиқларга қарши деҳқонлар қўзғолони бўлди.

**1637 йил** – Корея Манжуриянинг вассал давлатига айлантирилди.

**1637–1657 йиллар** – герман қироли Фердинанд III нинг ҳукмронлик даври.

**1639 йил** – сафавийлар Эрони ва Усмонли турк империяси ўртасида Қасри Ширин ёки Зухаб шартномаси тузилди. Бағдод ва Басра усмонлилар ихтиёрида қолди.

**1640 йил·3 апрель – 5 май** – Англияда парламент ташкил топди ва қисқа муддат давомида парламент фаолият кўрсатди.

**1640 йил 3 ноябрь – 1653 йил 20 апрель** – Англияда узоқ муддатли парламент чақируви. Англия инқилоби бошланди.

**1640–1660 йиллар** – Англия буржуа инқилоби.

**1641 йил** – Англия парламенти «Буюк реформация» деб номланган ҳужжат қабул қилди.

**1642 йил** – Ришелье вафот этди ва Мазарини қирол Людовик XIII кенгашига кирди.

**1642 йил** – голландиялик Тасман саёҳатлари натижасида Ван Димен Ери (ҳозирги Тасмания), Янги Зеландия ва Австралия қитъасини кашф қилди.

**1642 йил** – Англия қироли Карл I билан парламент ўртасида узил-кесил ажралиш рўй берди.

**1642–1646 йиллар** – Англияда биринчи фуқаролар уруши.

**1642–1649 йиллар** – Буюк Англия инқилоби бошланди. Қирол Карл I тарафдорлари билан 1640 йили чақирилган Парламент ўртасида фуқаролар уруши бўлиб ўтди.

**1643 йил** – Англияда буржуазия қўлида бўлган парламент билан Шотландия ўртасида иттифоқ тузилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1643 йил** – Ли Сзи-чен Хитой императори деб эълон қилинди.

**1643–1646 йиллар** – Василий Поярков экспедицияси Амур дарёсига чиқиб, у орқали Тинч океани қирғоғига етди.

**1643–1715 йиллар** – Францияда Людовик XIV нинг қироллик даври. У Людовик XIII ўрнига тахтга келганда 5 ёшда эди. Унинг номидан Францияни онаси австриялик Анна бошқарди. Амалда ҳокимият Франциянинг бош министри Мазарини қўлида бўлган. Кейинчалик Людовик XIV даврида Францияда мутлақ ҳокимият ўзининг энг юқори чўққисига чиқди. Бурбонлар сулоласидан бўлган Людовик XIV га қуйидаги фикр тегишли бўлган: «Давлат – бу мен». У Францияни 72 йил бошқарди.

**1643 йил 4 январь – 1727 йил 31 март** – машҳур физик ва математик олим Исаак Ньютон яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1644 йил** – Марстон – Муреда бўлган жангда Англиядаги парламент тарафдорлари роялистлар устидан ғалаба қозонди.

**1644–1658 йиллар** – Шоҳ Жаҳон томонидан Деҳлида катта Жомеъ масжиди қурилди.

**1644 йил** – Манжурия Хитойга бостириб кирди ва Пекинни ишғол қилди. Абахайнинг ўғли Хитой императори деб эълон қилинди. Тахтдан ағдарилган Мин сулоласининг сўнгги императори ўз жонига қасд қилди. Шу тариқа Хитой тарихида манжурларнинг Цин сулоласи ҳукмронлиги бошланди ва 1912 йилгача давом этди.

**1644–1912 йиллар** – Хитойда Цин манжур императорлари сулоласи ҳукмронлиги даври. Бу сулолага манжурлар хони Нурхаочининг 9-набираси Ойсингоро-Фулин [Щи-цзу] асос солди. У 1636–1644 йилларда Мин сулоласини ағдариб ташлаб, 1644 йил Хитой ҳудудида Цин [Чин] империясига асос солди. Цин сулоласи ҳукмронлигининг охирида Хитой мустамлакага айланди. Синьхай инқилоби натижасида Цин сулоласи ҳукмронлиги ағдариб ташланди ва сўнгги манжур



www.ziyouz.com kutubxonasi

императори Пу И [Сюаньгун] 1912 йил 12 февралда тахтдан воз кечди.

**1645 йил 11 январь** – Англияда янги турдаги армияни ташкил қилиш тўғрисидаги Кромвел қўл қўйган қонун (акт) кучга кирди.

**1645 йил 14 июнь** – Нейзби (Нэйсби) жангида Кромвель бошчилигидаги парламент қўшинлари роялистлар (қирол тарафдорлари) устидан ҳал қилувчи ғалабага эришди.

**1645–1649 йиллар** – Англияда левеллерлар ҳаракати. Левеллерлар (инглизча тенглаштирувчилар) – демократик буржуазия вакиллари, сиёсий ҳуқуқ ҳаммага берилиши тарафдорлари. Уларнинг раҳбари – Жон Лилберн. Буюк Англия инқилоби даврида вужудга келган бу ҳаракат радикал демократик ҳаракат бўлиб, улар монархияни тугатиш, Англияни бир палатали парламент республикасига айлантириш, демократик сайловни жорий қилиш учун курашдилар. Кейинчалик бу ҳаракат турли майда буржуа гуруҳларига бўлиниб кетди.

**1646 йил 1 июль – 1716 йил 14 ноябрь** – немис файласуфи, физик, математик, тарихчи олими Готфрид Вильгельм Лейбниц яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1648 йил** – Англияда иккинчи фуқаролар уруши.

**1648 йил** – Прайд тозалаши. Қирол устидан ғалаба қозонган Оливер Кромвель Лондонни қуршаб олади ва қўшин полковниги Прайд парламентни пресвитерианлардан тозалайди ва парламентда фақат Кромвелга бўйсунадиган 100 индепендентлар қолади. Пресвитерианлар – черковга ташриф буюрадиган мулкдор диндорлар томонидан сайланадиган черков раҳбарлари бўлган.

**1648 йил** – Шарқий Украинада Литва – Польша зулмига қарши Запорожье казаклари Богдан Хмельницкий раҳбарлигида қўзғолон кўтарди. Яҳудийлар қирғини.

**1648 йил** – Вестфалия тинчлик сулҳи тузилди. Ўттиз йиллик уруш тугади. Германияда диний эркинлик жорий қилинди. Кальвинистлар лютеранлар сингари тенг ҳуқуқларни қўлга киритди. Немис шаҳзодалари мустақиллиги ва «Муқаддас Рим империяси»да эр-



www.ziyouz.com kutubxonasi

кин шаҳарлар ҳуқуқи, шунингдек, кантонларнинг мустақиллиги тан олинди.

**1648 йил** – Семён Дежнёв раҳбарлигидаги рус денгизчилари Осиёнинг шарқий нуқтасини кашф қилдилар.

**1648–1687 йиллар** – Усмонли турк султони Мехмед IV нинг ҳукмронлик даври.

**1649 йил 19 май** – Англия республика деб эълон қилинди.

**1649 йил** – оддий деҳқон Ерофей Хабаров экспедицияси русларнинг Узоқ Шарққа кўчишини бошлаб берди.

**1649 йил** – Россияда Земство собори қабул қилган янги Низомга кўра, дворянлар ўзлари эгалик қилаётган ер-мулкларни вотчинага айлантириш ва мерос қолдириш ҳуқуқига эга бўлдилар. Россияда крепостной ҳуқуқ қонунийлаштирилди.

**1649–1651 йиллар** – Англия Ирландияни босиб олди.

**1649 йил** – Англияда қирол Карл I қатл қилинди. Кромвель Ирландияда тинчлик ўрнатди (қонли усуллар билан), роялистларни парчалаб ташлади, Шотландия билан уруш (1649–1651) давом этди. Ижтимоий-сиёсий ҳаракат бўлган левеллерлар ҳаракати бостирилди.

**1649–1651 йиллар** – Англия – Шотландия уруши. Шотландия Англияга қўшиб олинди.

**1649–1653 йиллар** – Англияда Индепендент республикаси ташкил топди. Республика ўрнатилгач, мутлақ монархия тузуми бекор қилинди. Бироқ эълон қилинган республика аслида индепендентлар генераллари диктатураси эди.

Индепендентлар (мустақилчилар) – саноат буржуазияси ва «янги дворянлар» (жентри) вакиллари, парламент республикаси тузуми тарафдорлари. Уларнинг раҳбари генерал Оливер Кромвель. Кейинчалик индепендентлар қўшини орасида ғоявий-сиёсий парчаланиш рўй берди: грантлар – генераллар, қўшин қўмондонлари, Оливер Кромвель тарафдорлари; пресвитерианлар – оддий аскарлар, Оливер Кромвель сиёсатига қарши чиққанлар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1652–1654 йиллар** – Биринчи Англия – Голландия уруши. Бу урушни Англия билан Бирлашган провинциялар ўртасидаги савдо-сотиқ ва денгиздаги рақобат келтириб чиқарди.

**1652–1674 йиллар** – Англия – Голландия урушлари (1652–1654, 1665–1667, 1672–1674).

**1653 йил декабрь** – Англияда Кромвель протекторати ҳарбий диктатураси: пуритонлар ғалабаси.

**1654 йил** – Украина ва Шарқий Белоруссия Россияга қўшиб олинди.

**1655–658 йиллар** – инглизлар томонидан Ямайка босиб олинди.

**1656 йил** – Мехмет Кёпрюхю (Кўпрўлу) Усмонлилар империясининг Бош вазири бўлди. У келиб чиқиши албанларга бориб тақаладиган 5 та Буюк вазирнинг бири (Кўпрўлулар хонадонининг вакили) сифатида салтанатни XVII аср охирида инқироздан чиқариш учун курашди.

**1656 йил** – Франциядаги Лион шаҳри аҳолисига «камбағалларга, гадойларга ҳомийлик қилиш, бошпана ва овқат бериш» тақиқлаб қўйилди.

**1658 йил** – Англияда Кромвель вафот этди. Унинг ўғли Ричард Кромвель лорд протекторат бўлди, бироқ 1659 йилда у ҳокимиятдан воз кечди.

**1658 йил** – Ҳиндистонда Шоҳ Жаҳоннинг ўгли Аврангзеб Деҳли шаҳрини эгаллади.

**1658–1705 йиллар** – герман императори Леопольд I нинг ҳукмронлик даври.

**1658–1707 йиллар** – Ҳиндистонда Аврангзеб Оламгирнинг ҳукмронлиги даври. У Деканни ўз салтанати таркибига киритди. Сикхлар, ражпутлар ва маратхлар каби диний мазҳабларнинг оппозицияси кучайди.

**1659 йил** – Франция ва Испания ўртасида Пиреней сулҳи тузилди.

**1660 йил** – Дания давлати меросий монархия деб эълон қилинди.

*Дания Қироллигида ольденбурглар сулоласининг ҳукм-*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*ронлик даври (1448–1863):* Кристиан I (1448–1481), Ганс (1481–1513), Кристиан II (1513–1523), Фредерик I (1523–1533), Кристиан III (1534–1559), Фредерик II (1559–1588), Кристиан IV (1588–1648), Фредерик III (1648–1670), Кристиан V (1670–1699), Фредерик IV (1699–1730), Кристиан VI (1730–1746), Фредерик V (1746–1766), Кристиан VII (1766–1808), Фредерик VI (1808–1839), Кристиан VIII (1839–1848), Фредерик VII (1848–1863);

*Дания Қироллигида глюксбурглар сулоласининг ҳукмронлик даври (1863 йилдан):* Кристиан IX (1863–1906), Фредерик VIII (1906–1912), Кристиан X (1912–1947), Фредерик IX (1947–1972), Маргрете II хоним (1972 йилдан).

**1660–1685 йиллар** – Англияда қирол Карл II нинг ҳукмронлик даври.

**1660–1688 йиллар** – Англияда Стюартлар сулоласининг тикланиш даври.

**1660–1731 йиллар** – ёзувчи Даниэль Дефо яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1661 йил** – Мазарини вафот этди. Людовик XIV нинг якка ҳукмронлиги бошланди.

**1663 йил** – Людовик XIV томонидан Янги Франция (Канада) қироллик мулкларига қўшиб олинди.

**1664 йил** – французлар томонидан Ост-Индия компанияси ташкил қилинди. Иккинчи инглиз-голланд урушида инглизлар Янги Амстердамни эгаллади (ҳозирги Нью-Йорк).

**1665–1700 йиллар** – Испанияда Карл II нинг ҳукмронлик даври. Нимжон қирол габсбурглар сулоласининг Испаниядаги сўнгги вакили бўлиб, у вафот этгач, ўзидан авлод қолдирмади.

**1666 йил** – Катта Лондон ёнғини.

**1666–1672 йиллар** – Аврангзеб Оламгир Ҳиндистонда бобурийлар ҳукмронлигига қарши кўтарилган қўзғолонни бостирди.

**1667 йил** – Украина ҳудуди Россия (Шарқий Украина) ва Польша ўртасида тақсимланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1667 йил** – Россияда «Янги савдо Низоми» жорий этилди.

**1667–1745 йиллар** – машҳур ёзувчи Жонатан Свифт яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1668 йил** – Испания Португалия мустақиллигини тан олди.

**1670 йил** – Россияда Степан Разин бошчилигида деҳқонлар уруши бўлди.

**1670 йил** – Англияда монархия қайта тикланди. Тахтга Карл II ўтирди. Унинг қироллиги 1685 йилгача давом этди.

**1671 йил** – Исаак Ньютон шиша линзани, энг катта телескоплардан кўра осмон жисмларини яхши кўрсатадиган кичкина ойнали телескопии ихтиро қилди.

**1672 йил** – Людовик XIV қўшини Голландияга бостириб кирди. Францияга қарши биринчи коалиция (Бирлашган провинциялар, Испан империяси, Лотарингия, Дания) ташкил топди.

**1672–1674 йиллар** – денгизда учинчи инглиз – голланд уруши бўлди.

**1672–1678 йиллар** – Англия, Франция ва Швециянинг Голландия коалициясига қарши уруши.

**1675 йил** – Гринвич астрономия обсерваторияси ташкил қилинди.

**1675–1710 йиллар** – Лондонда Муқаддас Павел собори қурилди.

**1676–1706 йиллар** – Парижда Инвалидлар собори қурилди.

**1678–1679 йиллар** – Нимвеген тинчлик сулҳи. Голландиядаги уруш тугади.

**1679 йил** – Людовик XIV Францияда марказлаштириш сиёсатини олиб борди.

**1682 йил** – Людовик ва унинг сарой аъёнлари Версалга кўчиб ўтишди.

**1683 йил** – Усмонли турклар томонидан Вена шаҳри қамал қилинди. Польша қироли Каленбергда ғалаба қозонди. Австрия – Туркия уруши бошланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1683–1699 йиллар** – Австрия – Туркия уруши.

**1684 йил** – Европа давлатлари Туркияга қарши «Муқаддас лига» тузди.

**1685 йил** – Англия тахтини қирол Карл II нинг укаси Яков II эгаллади.

**1685–1750 йиллар** – машҳур немис композитори Иоганн Бах яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1688 йил** – Бирлашган провинциялар стагтхаудери Вильгельм III Оранский Англияга қўшин тортиб, Лондонга кириб келди. Англия қироли Яков II Францияга қочиб кетди.

**1688 йил** – Англияда монархия қайта тикланди.

**1688 йил** – Бранденбург герцоги Фридрих Вильгельм (1640 йилдан) вафот этди. У қудратли Бранденбург – Пруссия давлатига асос солган эди.

**1688–1689 йиллар** – Англияда иккинчи «шонли инқилоб» даври.

**1688–1697 йиллар** – Франция билан Аугсбург лигаси ўртасидаги уруш.

**1688 йил декабрь** – Англияда «Ҳуқуқлар тўгрисида Билл (қонун)» қабул қилинди.

**1689 йил** – Вильгельм II ва Мария II «Ҳуқуқлар тўғрисида Билл (қонун)» қабул қилиб, монархия ва парламент ўртасидаги ҳуқуқларни белгилаб олгач, Англия қироли ва қироличаси деб эълон қилинди.

**1689 йил 23 октябрь** – Англияда давлат тўнтариши («Шонли инқилоб»). Тори ва виги партиялари бирлашиб, «Шонли инқилоб»ни амалга оширди. Тори роялистлар партияси бўлиб, катта ер эгалари вакиллари, конституцион монархия тузуми тарафдорлари (ҳозирги консерваторлар); виги партияси инглиз саноатчилари ва янги дворянлар вакиллари, парламент республикаси тузуми тарафдорлари (ҳозирги либераллар).

**1689 йил** – Россия ва Хитой ўртасида Нерчинск шартномаси имзоланди. Россия Амур ерларидан воз кечди.

**1689–1725 йиллар** – Россияда Пётр I нинг ҳукмронлик даври.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1689–1793 йиллар** – француз армияси Пфальц шаҳрини вайрон қилди.

**1689–1775 йиллар** – француз файласуфи Шарль де Монтескье яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1693 йил** – Москва атрофидаги Фили қишлоғида Покров ибодатхонаси қурилди.

**1694–1778 йиллар** – француз адиби ва файласуфи Франсуа Мари Вольтер яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1697 йил** – Швецияда қирол Карл XII нинг ҳукмронлик даври бошланди.

**1699 йил** – Усмонли турк султонлиги ва «Муқаддас лига» ўртасида Карловицкий шартномаси тузилди. Унга кўра Венгрия ва Трансильвания габсбурглар Австриясига берилди.

**1699–1712 йил** – «Муқаддас Рим империяси» таркибидаги Шелленбург ўлкасини Австрия князи Лихтенштейн сотиб олди. 1719 йилда Вадуц билан Шелленбург бирлашиб, Лихтенштейн князлиги вужудга келди.

*Лихтенштейн князлиги князлари:* 1. Карл I (1608–1627). 2. Карл Эйсебиус (1627–1684). 3. Ханс Адам I (1684–1712). 4. Иосиф Венцель I (1712–1718). 5. Антон Флориан (1718–1721). 6. Иосиф Иоганн Адам (1721–1732). 7. Иоганн Непомук Карл (1732–1748). 8. Иосиф Венцель I (1748–1772). 9. Франц Иосиф I (1772–1781). 10. Алоиз I (1781–1805). 11. Иоганн I (1805–1836). 12. Алоиз II (1836–1858). 13. Иоганн II (1858–1929). 14. Франц I (1929–1938). 15. Франц Иосиф II (1938–1989). 16. Ханс Адам II фон Лихтенштейн (1989 йил13 ноябрдан).

**XVIII аср** – Франция, Англия ва Германия файласуфлари ўртасида маърифатпарварлик ғоялари муҳим роль ўйнади. Маърифатпарварларнинг асосий вакиллари: Англияда – Локк, Францияда – Монтескье, Вольтер, Руссо ва энциклопедистлар, Германияда – Кант, Лессинг ва б.

**XVIII аср** – инглиз шифокори Эдуард Женнер (1749–1823) чечакка қарши эмлаш усулини кашф этди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1700 йил** – Готфрид Вильгельм Лейбниц Берлин Қироллик академиясига асос солди ва унинг биринчи президенти этиб сайланди.

**1700 йил** – Шимолий уруш пайтида Нарва жангида Швеция қироли Карл XII қўшини Пётр I қўшини устидан ғалаба қозонди.

**1700–1721 йиллар** – Россия – Швеция ўртасида Шимолий уруш бўлди.

**1701 йил** – Бранденбург курфюрсти (мустақил мулк) ўрнида Пруссия қироллиги ташкил топди. Фридрих I Пруссия қироллигига асос солди.

**1702–1714 йиллар** – Англияда Анна Стюартнинг ҳукмронлик даври.

**1703 йил** – Пётр I томонидан Санкт-Петербург шаҳрига асос солинди.

**1703–1711 йиллар** – князь Ференц II Ракоци (1676 – 1735) раҳбарлигида Венгрияда озодлик ҳаракати. Габсбурглар ҳокимиятига қарши кураш.

**1703–1730 йиллар** – Усмонли турк султони Аҳмад II нинг ҳукмронлик даври.

**1704–1774 йиллар** – тасаввуф таълимотининг таникли намояндаси, шоир Хўжаназар Ҳувайдо яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1705–1711 йиллар** – герман императори Иосиф I нинг ҳукмронлик даври.

**1705 йил** – Тунисда ҳусайнийлар сулоласи ташкил топди.

**1706–1790 йиллар** – таниқли давлат арбоби Бенжамин Франклин яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1707 йил** – Венгрия парламенти габсбурглар ҳокимияти ағдарилганлиги ва мамлакат мустақилликка эришганлигини эълон қилди.

**1707 йил** – Англия парламенти Англия ва Шотландия ўртасидаги унияни қонунлаштирди. Энди мамлакат Буюк Британия деб аталадиган бўлди.

**1707 йил** – Аврангзеб Ҳиндистонда вафот этди. Буюк Бобурийлар империясининг сўниши бошланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1707–1750 йиллар** – Жуан V Мурувватлининг Португалияда ҳукмронлик даври.

**1709 йил** – Кандаҳор вилоятида Эрон босқинчиларига қарши қўзғолон кўтарилди. Қўзғолонга афғонларнинг гилза қабиласи хони Мир Вайсхон раҳбарлик қилди.

**1709 йил** – Полтава жанги. Бу жангда Пётр I бошчилигидаги рус қўшини Швеция қироли Карл XII қўшинини тор-мор этди. Шимолий уруш натижасида Швеция Болтиқ денгизи устидан ўз назоратини йўқотди.

**1709 йил** – Қўқон хонлиги ташкил топди.

**1709–1876 йиллар** – Қўқон хонлигида минглар сулоласи ҳукмронлик қилган давр.

*Минглар сулоласи:* Шоҳрухбий (1709–1721), Абдураҳимбий (1721–1733), Абдулкаримбий (1733–1750), Абдураҳмон (1750–1751), Эрдонабий (1751–1752; 1753–1766), Бобобек (1752–1753), Сулаймонбек (1766), Норбўтабий (1766–1801), Олимхон (1801–1810), Умархон (1810–1822), Муҳаммад Алихон (1822–1841), Султон Маҳмуд (1841–1842), Шералихон (1842–1845), Муродхон (1845), Худоёрхон (1845–1858; 1863; 1865–1875), Маллахон (1858–1862), Шоҳмуродхон (1862–1863), Султон Муродхон [Султон Сайидхон] (1863–1865), Насриддинбек (1875–1876).

**1710 йил** – Эрон шоҳи Султон Ҳусайн деҳқонларнинг ерни ташлаб кетишларини тақиқловчи фармон чиқарди.

**1711 йил** – венгер аслзодалари ва Австрия императори Карл VI ўртасида ўзаро келишув шартномаси тузилди. Бу шартномага кўра, Карл VI Венгрияни Габсбурглар империясининг ажралмас қисми деб эълон қилди (1715 й.).

**1711–1765 йиллар** – машҳур рус олими Михаил Ломоносов яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1712 йил** – Пётр I ўз давлати пойтахтини Москвадан Санкт-Петербург шаҳрига (1703 йил Нева дарёси соҳилида ўзи асос солган) кўчирди.

**1712–1778 йиллар** – француз маърифатпарвари Жан Жак Руссо яшаган ва фаолият кўрсатган давр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1713 йил** – Утрехт шартномаси имзоланди. У ва кейинги йили имзоланган Раштатт тинчлик сулҳига кўра, Янги дунёда испан мулклари учун бўлган уруш тугади (Филипп V Испания қироли деб тан олинди, Франция Гудзон қўлтиғи, Акади ва Ньюфаундленд оролидан ажралди).

**1713–1740 йиллар** – Пруссияни Фридрих – Вильгельм I бошқарган давр.

**1713–1784 йиллар** – француз қомусий олими Дени Дидро яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1714–1723 йиллар** – Венада Бельведер саройи қурилди.

**1714–1901 йиллар** – Ганноверлар инглиз қироллари сулоласининг ҳукмронлик даври. Стюартлар сулоласи ўрнига ҳокимият тепасига келган. Ганноверлар сулоласини Виндзорлар сулоласи алмаштирган.

*Ганноверлар сулоласи:* Георг I (1714–1727), Георг II (1727–1760), Георг III (1760–1820), Георг IV (1820–1830), Вильгельм IV (1830–1837), Виктория (1837–1901).

**1715 йил** – Франция тахтига Людовик XIV ўрнига Людовик XV ўтирди. 1715–1722 йилларда қирол саройи Версални тарк этиб, Парижда (Пале-Руаяль) жойлашди.

**1715–1774 йиллар** – Францияда қирол Людовик XV нинг ҳукмронлик даври.

**1716 йил** – Англияда парламент ваколати 6 йил қилиб белгиланди. Шу тариқа профессионал парламентга асос солинди.

**1716–1745 йиллар** – Японияда Ёсимуне Токугаванинг ҳукмронлик даври.

**1717 йил** – Англияда франкмасонлик жамияти вужудга келди.

**1718 йил** – меъмор Арман-Клод Молле томонидан Парижда Елисей саройи қурилди.

**1718 йил** – французлар Луизиананинг пойтахти Янги Орлеанга асос солишди.

**1721 йил** – Ништадт шартномаси тузилди. Шимолий уруш Россиянинг ғалабаси билан тугади. Россия Швеция



www.ziyouz.com kutubxonasi

таркибидаги Ингрия, Ливония, Карелиянинг бир қисми ва Финляндияни ўзига қўшиб олиб, Европадаги кудратли давлатга айланди.

**1721 йил 4 апрель – 1742 йил 11 февраль** – Орфорд графи Роберт Уолпол Буюк Британиянинг дастлабки премьер-министри бўлди.

*Буюк Британия премьер-министрлари:* 1. Роберт Уолпол (1721–1742). 2. Уилмингтон Спенсер Комптон (1742–1743). 3. Генри Пелхэм (1743–1754). 4. Ньюкасл Томас Пелхэм-Холлс (1754–1756). 5. Девоншир Уильям Кавендиш (1756–1757). 6. Ньюкасл Томас Пелхэм-Холлс (1757–1762). 7. Бьют Жон Стюарт (1762–1763). 8. Жорж Гренвиль (1763–1765). 9. Рокингам Чарльз Ватсон-Вентворт (1765–1766). 10. Четэм Уильям Питт катта (1766–1768). 11. Графтон Огастас Фиц Рой (1768–1770). 12. Лорд Фредерик Норт (1770–1782). 13. Рокингам Чарльз Ватсон-Вентворт (1782 йил 27 март – 1 июль). 14. Шелберн Уильям Петти (1782–1783). 15. Портленд Уильям Кавендиш-Бентинк (1783 йил 2 апрель – 19 декабрь). 16. Уильям Питт кичик (1783–1801). 17. Генри Эддингтон (1801–1804). 18. Уильям Питт кичик (1804–1806). 19. Уильям Гренвиль (1806–1807). 20. Портленд Уильям Кавендиш-Бентинк (1807–1809). 21. Спенсер Персеваль (1809–1812). 22. Ливерпуль Роберт Женкинсон (1812–1827). 23. Жорж Кэннинг (1827 йил 10 апрель – 8 август). 24. Годрик Фредерик Жон Робинсон (1827–1828). 25. Веллингтон Артур Уэлсли Веллингтон (1828–1830). 26. Чарльз Грей (1830–1834). 27. Мельбурн Уильям Лэм (1834 йил 16 июль – 14 ноябрь). 28. Веллингтон Артур Уэлсли Веллингтон (1834 йил 14 ноябрь – 10 декабрь). 29. Роберт Пиль (1834–1835). 30. Мельбурн Уильям Лэм (1835–1841). 31. Роберт Пиль (1841–1846). 32. Жон Рассел (1846–1852). 33. Дерби Эдвард Смит-Стэнли (1852 йил 23 февраль – 17 декабрь). 34. Абердин Жорж Гамильтон-Гордон (1852–1855). 35. Пальмерстон Генри Темпль (1855–1858). 36. Дерби Эдвард Смит-Стэнли (1858–1859). 37. Пальмерстон Генри Темпль (1859–1865).



www.ziyouz.com kutubxonasi

38. Жон Рассел (1865–1866). 39. Дерби Эдвард Смит-Стэнли (1866–1868). 40. Бенжамин Дизраэли (1868 йил 27 февраль – 1 декабрь). 41. Вильям Эварт Гладстон (1868–1874). 42. Бенжамин Дизраэли (1874–1880). 43. Вильям Эварт Гладстон (1880–1885). 44. Роберт Гаскойн-Сесил Солсбери (1885–1886). 45. Вильям Эварт Гладстон (1886 йил 1 февраль – 20 июль). 46. Роберт Гаскойн-Сесил Солсбери (1886–1892). 47. Вильям Эварт Гладстон (1892–1894). 48. Розберри Арчибальд Примроуз (1894–1895). 49. Роберт Гаскойн-Сесил Солсбери (1895–1902). 50. Артур Бальфур (1902–1905). 51. Генри Кэмпбелл-Баннерман (1905–1908). 52. Герберт Генри Асквит (1908–1916). 53. Дэвид Ллойд-Жорж (1916–1922). 54. Эндрю Бонар Лоу (1922–1923). 55. Стэнли Болдуин (1923–1924; 1924–1929). 56. Рэмси Макдональд (1924 йил 22 январь – 4 ноябрь). 57. Рэмси Макдональд (1929–1935). 58. Стэнли Болдуин (1935–1937). 59. Невилл Чемберлен (1937–1940). 60. Уинстон Черчилль (1940–1945; 1951–1955). 61. Клемент Эттли (1945–1951). 62. Энтони Иден (1955–1957). 63. Гарольд Макмиллан (1957–1963). 64. Александр Дуглас-Хьюм (1963–1964). 65. Гарольд Вильсон (1964–1970; 1974–1976). 66. Эдвард Хит (1970–1974). 67. Жеймс Каллаган (1976–1979). 68. Маргарет Тэтчер (1979–1990). 69. Жон Мейжор (1990–1997). 70. Тони Блэр (1997–2007). 71. Гордон Браун (2007– 2010). 72. Дэвид Кэмерон (2010 йил 11 майдан).

**1721 йил апрель** – Буюк Пётр I император деб эълон қилинди. Россия подшолиги Россия империяси номини олди.

**1722 йил** – афғонлар (суннийлар) Мир Маҳмуд бошчилигида Эронга ҳужум қилди ва Исфахонни эгаллади. Шиа форс зодагонлари муқаддас шаҳарлар Карбало ва Нажаф (Ироқ)га кетишди.

**1722 йил** – Океанияда голландлар томонидан Пасхи ва Самоа ороллари очилди.

**1723 йил** – Людовик XV балоғат ёшига етди ва регентлик даври тугади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1723 йил** – франкмасонлик махфий жамияти Андерсоннинг «Янги Конституция китоби»ни дастур сифатида қабул қилди.

**1723–1790 йиллар** – америкалик иқтисодчи Адам Смит яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1724 йил** – Монтевидео (Уругвай) шаҳрига асос солинди.

**1724–1804 йиллар** – немис файласуфи Иммануил Кант яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1725 йил** – Санкт-Петербургда Фанлар академияси ташкил қилинди.

**1726–1743 йиллар** – кардинал де Флёри Людовик XV нинг Бош вазири бўлди.

**1727–1760 йиллар** – Англияда қирол Георг II нинг ҳукмронлик даври. Бу даврда Англияда парламент идора усули механизми: конституциявий монархия ишлаб чиқилди.

**1728 йил** – Россия флотида хизмат қилган даниялик Витус Ионассен [Иван Иванович] Беринг (1681 – 1741) Сибирь ва Камчатка қирғоқларини тадқиқ этиб, бўғозни сузиб ўтди (Осиё ва Америка қитъаларини ажратувчи бу бўғоз ҳозирда Беринг бўғози деб аталади).

**1729–1731 йиллар** – Эрон афғон босқинчиларидан озод этилди. Туркий афшор қабиласининг етакчиси, катта лашкарбошилик қобилиятига эга Нодиршоҳ Исфахон ва Машҳаддан афғонларни қувиб чиқарди.

**1730–1740 йиллар** – Россия императрицаси Анна Иоанновнанинг ҳукмронлик даври. Бу пайтда Россияда ҳокимият «немис партияси» (Болтиқбўйи зодагонлари) қўлида бўлган.

**1730–1754 йиллар** – Усмонли турк султони Маҳмуд I нинг ҳукмронлик даври. У француз генерали Бонневалга ўз армиясини қайта ташкил қилишни ишониб топширди.

**1732 йил 24 январь – 1799 йил 18 май** – француз драматурги Пьер Огюстен Карон де Бомарше яшаган ва фаолият кўрсатган давр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1733–1738 йиллар** – Польша мулклари учун бўлган уруш. Испания ва Франция давлатлари Австрия ва Россияга қарши курашган давр. Вена шартномаси (1738 й.) Польша учун урушларга чек қўйди.

**1733–1793 йиллар** – машҳур туркман мутафаккир шоири Махтумқули яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1735–1739 йиллар** – Биринчи рус-турк уруши. Франциянинг ўзаро воситачилигида урушга якун ясаб, Белград сулҳи тузилди (1739 й.).

**1736 йил** – туркман афшар қабиласининг етакчиси Нодирқули Таҳмосп Қулихон (Нодиршоҳ) Сафавийлар давлатининг таркибига кирувчи барча ҳудудларда ўз ҳокимиятини ўрнатди. У сафавийлар шоҳи Аббос III ни ҳокимиятдан ағдариб, ўзини Эрон шоҳи деб эълон қилди. Мовароуннаҳр, Хоразм, Афғонистон, Ҳиндистон, Ироқда босқинчилик сиёсатини олиб борди. У Эронда марказлашган йирик давлатга асосланган империяни ташкил қилди.

**1736–1747 йиллар** – Эрон шоҳи Нодиршоҳнинг ҳукмронлик даври.

**1736–1795 йиллар**– Эронда афшарлар сулоласи ҳукмронлиги даври.

*Афшарлар сулоласи:* Нодиршоҳ (1736 – 1747), Одилшоҳ Али Қулихон (1747–1748), Иброҳим (1748), Шоҳрух (1748–1795).

**1736–1795 йиллар** – Хитойда император Гао Цзун [Хун Ли; Цян Лун]нинг ҳукмронлик даври. Бу даврда Цин сулоласи ҳокимиятининг гуллаб-яшнаган ва ривожланган даври бўлди.

**1740 йил** – Нодиршоҳ Бухоро амирлиги ва Хива хонлигига юриш қилиб, ўзбек хонликларини ўзига бўйсундирди.

**1740 йил** – Пруссияда Фридрих II (ҳукмронлик даври: 1740–1786) ва Австрияда Мария Тереза (ҳукмронлик даври: 1740–1780) ҳокимият тепасига келди. (Улар «Маърифатпарвар монархлар» плеядасининг энг ёрқин вакиллари ҳисобланади. Тадқиқотчилар бу рўйхатга яна испан қироли Карл III (1759), рус императрицаси Екатерина II



www.ziyouz.com kutubxonasi

(1762), Швеция қироли Густав III (1771), Австрия қироли Иосиф II (1765)ни ҳам киритишади).

**1740–1780 йиллар** – Австрия империясида Мария Тереза бошқаруви даври.

**1740–1786 йиллар** – Пруссия қироли Буюк Фридрих II нинг ҳукмронлик даври.

**1741–1748 йиллар** – Австрия мулклари учун бўлган уруш. Пруссия, Франция, Бавария, Саксония, Испания бир томонда туриб Австрия ва унинг денгиздаги иттифоқчиси Англияга қарши курашди. Фридрих II Силезияни босиб олди.

**1741–1762 йиллар** – Россияда Елизавета I нинг ҳукмронлик даври.

**1743–1826 йиллар** – давлат арбоби Томас Жефферсон яшаган давр.

**1745 йил** – Маркиза де Помпадур қирол Людовик XV нинг маъшуқаси (фавориткаси) бўлди. Аслини олганда у 1764 йилгача қирол министри эди.

**1745–1811 йиллар** – биринчи Саудийлар давлати.

**1745 йилдан** – Арабистон ярим оролида Саудия давлати ташкил топди. Бу ерда Муҳаммад ибн Абдул Ваҳоб ваххобийлик таълимотига асос солди. Саудийлар сулоласи Шимолий ва Марказий Арабистон (ҳозирги Саудия Арабистони)да ҳокимият тепасига келди. Бу сулолага Муҳаммад ибн Саъуд ибн Муҳаммад ибн Микрин асос солди. (Уларни ваххобийлар сулоласи ҳам дейишади.) Бу сулола ҳозиргача Саудия Арабистони подшоҳлигида ҳокимиятни бошқармоқда.

*Саудийлар сулоласи вакиллари:* Муҳаммад ибн Саъуд (1745–1765), Абдулазиз I (1765–1803), Саъуд ибн Абдулазиз (1803–1814), Абдуллоҳ I ибн Саъуд (1814–1818); Туркий (1823–1834), Файсал I (1834–1837; 1843–1865), Холид ибн Саъуд (1837–1841), Абдуллоҳ II ибн Сунаййан (1841–1843), Абдуллоҳ III (1865–1871; 1874–1887), Саъуд ибн Файсал (1871–1874), Абдурраҳмон ибн Файсал (1889–1891), Муҳаммад ибн Файсал ал-Мутавви (1891–1902), Аб-



www.ziyouz.com kutubxonasi

дулазиз II (1902–1953), Саъуд (1953–1964), Файсал II (1964–1975), Холид ибн Абдулазиз (1975–1982), Фаҳд ибн Абдулазиз (1982 йилдан).

**1745–1747 йиллар** – Потсдамда Сан-Суси саройи қурилди.

**1747 йил 20 июнь** – Нодиршоҳ сарой фитнаси натижасида Хуросон ноиби, ўзининг жияни Али Қулихон томонидан Машҳадда ўлдирилгач, Эрон давлатини марказлаштириш жараёни тўхтаб қолди.

**1747 йил** – афғонларнинг абдалилар қабиласи бошлиғи Аҳмадхон (Аҳмадшоҳ Дурроний) қабила хонларининг жирғаси (кенгаши)да Афғонистон шоҳи деб эълон қилинди. Дурронийлар сулоласи ҳокимиятга келди. Афғонистон мустақилликка эришди.

**1747–1818 йиллар** – дурронийлар сулоласининг Афғонистонда ҳукмронлик даври.

*Дурронийлар сулоласи:* Аҳмадшоҳ Дурроний (1747–1773), Темуршоҳ (1773–1793), Замоншоҳ (1793–1800), Маҳмудшоҳ (1800–1803; 1809–1818), Шоҳ Шужо (1803–1809).

**1748 йил** – Австрия мулклари учун бўлган уруш тугади. Пруссия Силезияни босиб олди. Франция Австрия Голландияси (Бельгия)ни беришга мажбур бўлди.

**1749–1832 йиллар** – машҳур немис шоири ва мутафаккири Иоганн Вольфганг Гёте яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1750 йил** – Эронда қабилалар ўртасида тожу тахт учун кураш занд қабиласи ғалабаси билан тугади.

**1750–1779 йиллар** – Эронда қабила бошлиғи Каримхон Занднинғ ҳукмронлик даври.

**1750–1794 йиллар** – Эронда зандлар сулоласи ҳукмронлиги даври.

**1750–1777 йиллар** – Португалияда Жозеф I Реформаторнинг ҳукмронлик даври.

**XVIII аср иккинчи ярми** – дастлаб Буюк Британияда, сўнгра бутун Европада биринчи саноат инқилоби рўй бер-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Йирик техника кашфиётлари ва ихтиролари натижасида Англия бутун жаҳон саноатининг йўлбошчисига айланди.

**1751 йил** – Цин сулоласи Тибет устидан ўз ҳукмронлигини ўрнатди. Хитой босқинчилик сиёсати ўзининг юқори чўққисига чиқди.

**1751–1772 йиллар** – Дени Дидро бошчилигида Францияда 35 томлик «Энциклопедия» нашр қилинди.

**1753 йил** – Париж парламенти (1715 йилдан мамлакат сиёсий ҳаётида етакчилик қилишга даъвогар) ўзини «Қиролликдаги фундаментал қонунлар ҳимоячиси» деб эълон қилди.

**1753–1792 йиллар** – Австрия давлат канцлери Антон фон Кауницнинг канцлерлик даври.

**1754–1762 йиллар** – Санкт-Петербургда итальян меъморлари томонидан Қишки сарой қурилди.

**1754–1762 йиллар** – Парижда Муроса майдони қурилди.

**1755 йил** – Москвада Михаил Васильевич Ломоносов биринчи рус университети (ҳозирги МДУ)га асос солди.

**1756 йил 27 январь – 1791 йил 5 декабрь** – австриялик композитор Вольфганг Амадей Моцарт яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1756 йил** – жунгорлар қириб ташланди ва Хитой томонидан Или дарёси воҳаси (Марказий Осиё ҳудудининг бир қисми) босиб олинди.

**1756 йил** – Бухоро хонлиги Бухоро амирлигига айлантирилди. Мангитлар сулоласи ҳокимият тепасига келди. Муҳаммад Раҳимхон Бухоро амирлигига асос солди.

**1756–1920 йиллар** – Бухоро амирлигида мангитлар сулоласи ҳукмронлик қилган давр.

*Манғитлар сулоласи:* Муҳаммад Раҳимхон (1756–1758), Муҳаммад Дониёлбий оталиқ (1758–1785; расмий равишда Абул Ғозихон), Шоҳмурод (1785–1800), Ҳайдар (1800–1826), Мир Ҳусайн (1826), Мир Умар (1826–1827), Насруллоҳхон (1827–1860), Музаффархон (1860–1885), Абдулаҳадхон (1885–1910), Саид Олимхон (1910–1920).



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1756–1763 йиллар** – Етти йиллик уруш. Бу уруш Австрия, Франция, Россия, Испания, Саксония, Швеция билан Пруссия, Буюк Британия, Португалия ўртасида бўлган. Пруссия Европа қитъасида француз-австрия, сўнгра Европа коалициясига; денгиз ва Ҳиндистонда Англия ва Францияга қарши курашди. Париж тинчлик битими (1763)га асосан Франциядан Буюк Британияга Канада, Шарқий Луизиана, французларнинг Ҳиндистондаги мулкларининг кўп қисми ўтди. Урушнинг асосий натижаси – Буюк Британиянинг Франция устидан мустамлака ва савдо соҳасидаги курашда қозонган ғалабаси бўлди.

**1757 йил 23 июнь** – Плесси жанги. Ҳиндистонда Англия босқини бошланди. Инглиз қўшини Бенгалияни босиб олди.

**1757 йил** – Росбахда Пруссия қироли Фридрих II австрия ва француз қўшинлари устидан ғолиб чиқди.

**1757 йил** – Хитойда Гуанчжу портидан бошқа барча портлар Европа кемалари учун ёпиб қўйилди.

**1757–1774 йиллар** – Усмонли турк султони Мустафо III нинг ҳукмронлик даври.

**1757–1790 йиллар** – Марокаш (Марокко)да Муҳаммад III ибн Абдуллоҳнинг ҳукмронлик даври. У Европа давлатлари билан савдо-сотиқ алоқаларини олиб бориш учун шартномалар тузди.

**1757–1849 йиллар** – Ҳиндистонни босиб олиш учун инглизлар биринчи қадам қўйдилар.

**1758 йил** – Хитой Шимолий ва Ғарбий Мўғулистонда ташкил топган Жунғория (Ойрат) хонлигини босиб олди.

**1758–1794 йиллар** – француз давлат арбоби Максимилиан Робеспьер яшаган йиллар.

**1758–1806 йиллар** – Куба хонлиги Озарбайжоннинг шимоли-шарқида фаолият кўрсатган. Бу хонликка давлат арбоби Фаталихон Кубавий (1736–1889) асос солиб, уни 1758–1789 йилларда бошқарган.

**1759–1788 йиллар** – Испания қироли Карл III нинг ҳукмронлик даври. Испан ҳарбий флоти бу пайтда халқаро майдонда яна катта роль ўйнади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1759 йил 10 ноябрь – 1805 йил 9 май** – немис шоири, драматург, тарихчи, санъат назариётчиси, Фридрих Иоганн Кристоф Шиллер яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1760–1820 йиллар** – Англия қироли Георг III нинг ҳукмронлик даври.

**1760–1825 йиллар** – француз иқтисодчиси Анри де Сен-Симон яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1761 йил** – Панипат жангида маратх ва афғонлар ўзаро тўқнашди. Мағлубиятга учраган маратхлар инглиз босқинчилари ҳужуми олдида ожизланиб қолди.

**1762 йил** – Франциядан иезуитлар қувғин қилинди.

**1762–1796 йиллар** – Россияда Екатерина II нинг ҳукмронлик даври. Крепостной ҳуқуқи кучайди. «Дворянларнинг олтин даври».

**1763 йил** – Етти йиллик уруш тугади. Париж сулҳ битимига кўра, Франция Канадани Англияга берди, Англия Испаниядан Флоридани ҳам олди (Буюк Британия империясининг куч-қудрати юксалиши бошланди. У тез орада энг йирик мустамлакачи давлатга айланиб, дунёга ҳукмронлик қила бошлади). Губертусбург сулҳига кўра, Австрия Силезияни Пруссияга топширди. Саксонияни ҳам Пруссия ўзига қўшиб олди.

**1763 йил** – Франция Канададан ҳам сиқиб чиқарилди.

**1764 йил** – Эдмунд Картрайд чархпалак билан ҳаракатга келтириладиган йигирув машинасини яратди.

**1765 йил** – Жеймс Харгривс бир йўла 15 – 18 йигиргич ишлайдиган механик урчуқ ихтиро қилди. Бу ихтирони у қизининг номи билан «Женни» деб атади.

**1765 йил** – америкалик инглизлар «Озодлик фарзандлари» деб аталувчи ташкилот тузди.

**1765–1790 йиллар** – «Муқаддас Рим империяси» императори Иосиф II нинг ҳукмронлик даври.

**1766 йил** – Лотарингия Францияга қўшиб олинди.

**1767 йил** – Бирма томонидан Сиам пойтахти Аютия босиб олинди.

**1768–1774 йиллар** – Иккинчи рус-турк уруши. Уруш якунига кўра Россия Усмонли турк султонлигини ўзига



www.ziyouz.com kutubxonasi

қулай Кучукқайнаржи шартномасини имзолашга мажбур этди. Шартномага кўра Россия Қора денгизга чиқди. Екатерина II Усмонли империясидаги барча провослав христианларининг ҳимоячисига айланди.

**1769–1821 йиллар** – машҳур давлат арбоби ва ҳарбий саркарда Наполеон I Бонапарт яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1769–1849 йиллар** – машҳур давлат арбоби Муҳаммад Али яшаган ва фаолият кўрсатган давр. У Мисрда янги Муҳаммад Али сулоласига 1805 йилда асос солди.

**1770 йил 27 август – 1831 йил 14 сентябрь** – машҳур немис файласуфи Георг Вильгельм Фридрих Гегель яшаган ва фаолият кўрсатган давр. У бутун инсоният тафаккури тараққиётига катта ҳисса қўшган даҳо мутафаккир эди.

**1770–1827 йил 26 март** – машҳур немис композитори Людвиг ван Бетховен яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1771 йил** – Венада савдо биржаси очилди.

**1771–1858 йиллар** – инглиз ёзувчиси Роберт Оуэн яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1772 йил** – Польша биринчи марта Россия, Пруссия ва Австрия ўртасида тақсимланди.

**1772 йил** – Нью-Йоркда савдо биржаси очилди.

**1772 – 1832 йиллар** – француз маърифатпарвари Шарл Фурье яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1773–1775 йиллар** – Россияда Емельян Пугачёв бошчилигида деҳқонлар қўзғолони. Қўзғолон императрица Екатерина II томонидан шафқатсизларча бостирилди. Емельян Пугачёв қатл этилди.

**1773–1814 йиллар** – Климент XVI томонидан Иисус жамияти (иезуитлар) тақиқланди (жамият 1814 йилдан кейин қайта тикланди).

**1774 йил** – Жон Уилкинсон чўян бўлаги марказидан ўқ чиқадиган тешик очишга имкон берувчи токарлик дастгоҳини ихтиро қилди. Бу замонавий тўп ясаш имконини берди.

**1774 йил** – Филадельфия шаҳрида 13 та штат вакиллари I Континентал Конгрессга йиғилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1774–1789 йиллар** – Усмонли турк султони Абдулҳамид I нинг ҳукмронлик даври.

**1774–1792 йиллар** – Франция қироли Людовик XVI нинг ҳукмронлиги даври. Бурбонлар сулоласидан. Қироликнинг молия ишлари билан бош назоратчи Тюрго 1774–1776 йилларда шуғулланди. Буюк француз инқилоби даврида Конвент томонидан қирол суд қилиниб, қатл этилган (Париж, 1793 йил 21 январь).

**1775 йил апрель** – Англия қирол ҳукумати мустамлака штатлар ҳукуматларига қарши уруш бошлади.

**1775 йил** – инглиз олими Жеймс Уайтт буғ машинасини яратди.

**1775 йил** – Америкадаги инглиз колонияларида мустақиллик учун уруш бошланди.

**1775–1783 йиллар** – Англиянинг Шимолий Америка мустамлакаларида мустақиллик учун кураш бўлди ва АҚШ ташкил топди.

**1776 йил** – Берлинда савдо биржаси очилди.

**1776 йил 10 май** – АҚШда мустақиллик Декларацияси қабул қилинди.

**1776 йил 4 июль** – Филадельфияда бўлган иккинчи қитъа конгресси Қўшма Штатлар мустақиллигини эълон қилди. Жорж Вашингтон бошчилигидаги қўзғолончилар кўнгилли армия ташкил қилди.

**1777 йил** – Португалияда Педр III (ҳукмронлик даври: 1777–1786) ва Мария I (ҳукмронлик даври: 1777–1816) ҳокимият тепасига келди.

**1778 йил** – Америкада мустақиллик учун бўлаётган урушга Франция ҳам иштирок этиб, Англияга қарши курашди.

**1778 йил** – Франция ва Қўшма Штатлар ўртасида Дўстлик ва тижорат битими, кейинчалик эса Иттифоқ шартномаси имзоланди.

**1779 йил** – дарбилар оиласи вакиллари дунёда биринчи чўян кўприк ихтиро қилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1779–1882 йиллар** – Ҳиндистонда инглизлар билан миратхлар ўртасида бўлган биринчи уруш.

**1779–1925 йиллар** – қожарлар сулоласи Эронни бошқарди. Бу сулолага Оға Муҳаммадхон Қожар асос солди. Қожарлар ҳам туркман уруғи ҳисобланган.

*Қожарлар сулоласи:* Оға Муҳаммадхон (1779–1797), Фатҳ Алийшоҳ (1797–1834), Муҳаммад (1834–1848), Носируддин (1848–1896), Музаффаруддин (1896–1907), Муҳаммад Алий (1907–1909), Аҳмад (1909–1925).

**1780–1884 йиллар** – Тўртинчи инглиз-голланд уруши.

**1782 йил** – Америка ва Франция қўшинлари инглизларнинг асосий қўшинларини таслим этди.

**1783 йил 3 сентябрь** – Қўшма Штатлар ва Буюк Британия ўртасида Версаль тинчлик шартномаси имзоланди. Шартномага кўра, Буюк Британия томони Қўшма Штатларнинг 1776 йилда эълон қилинган мустақиллиги ва суверенитетини тан олди.

**1783 йил** – Қрим хонлиги қўшинлари тор-мор этилди ва Россия навбатдаги туркий давлатни босиб олди.

**1783–1806 йиллар** – Буюк Британия ҳукуматини премьер-министр Уильям Питт кичик бошқарган давр.

**1783–1830 йиллар** – Лотин Америкасининг энг машҳур қаҳрамони Симон Боливар яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1786–1797 йиллар** – Пруссияда Фридрих Вильгельм II нинг ҳукмронлик даври.

**1787 йил** – АҚШ Конституцияси Филадельфия конвенциясида қабул қилинди (Бу Конституция ҳозиргача амал қилади).

**1788–1791 йиллар** – Берлинда Бранденбург дарвозаси қурилди.

**1788–1808 йиллар** – Испанияда Карл IV нинг ҳукмронлик даври.

**1788–1860 йиллар** – машҳур файласуф Артур Шопенгауер яшаган ва фаолият кўрсатган давр. У янгича фалсафий тафаккурга асос солган ва барча махлуқотларнинг хатти-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ҳаракатлари – ироданинг намоён бўлишидир, деб тушунтирган.

**1789 йил 5 май** – Француз инқилоби бошланди: Генерал штатлар (Юқори палата) йиғилиши очилди. Инқилобнинг биринчи кунларида Францияда бир неча сиёсий гуруҳлар ва сиёсий партиялар ташкил топди: 1. Роялистлар – чексиз монархия тарафдорлари, дворянлар ва руҳонийлар; 2. Мўътадил либераллар – конституцион монархия тузуми тарафдорлари, савдогарлар ва банкирлар. Уларнинг раҳбари Оноре де Мирабо; 3. Жирондистлар – (Жиронде вилояти номидан) мўътадил республикачилар, янги дворянлар ва саноатчилар; 4. Якобинчилар (Яков ибодатхонаси номидан) – қатъий республикачилар, ўрта ва майда буржуазия вакиллари. Уларнинг раҳбари Максимилиан Робеспьер.

**1789 йил 17 июнь** – Францияда Миллий Кенгаш эълон қилинди.

**1789 йил 9 июль** – Миллий Кенгаш ўзини Таъсис Мажлиси деб эълон қилди.

**1789 йил 14 июль** – Бастилия олинди: Францияда Монархиянинг асосий таянчи – Бастилия қалъа-қамоқхонаси қуролланган халқ томонидан эгалланди, чексиз монархия ағдарилди.

**1789 йил 4 август** – Францияда имтиёзлар ва табақалар нуфузи бекор қилинди.

**1789 йил 26 август** – Францияда Инсон ва фуқаро ҳуқуқлари Декларацияси қабул қилинди.

**1789 йил 2 ноябрь** – Францияда черков мулклари бекор қилинди.

**1789 йил** – АҚШда президентлик бошқаруви жорий қилинди. Федералистлар партиясидан Жорж Вашингтон АҚШнинг биринчи президенти қилиб сайланди.

*АҚШ президентлари:* 1. Жорж Вашингтон (федералист; 1789–1797). 2. Жон Адамс (федералист; 1797–1801). 3. Томас Жефферсон (республикачи; 1801–1809). 4. Жеймс Медисон (республикачи; 1809–1817). 5. Жеймс Монро (республикачи; 1817–1825). 6. Жон Куинси Адамс (республикачи;



www.ziyouz.com kutubxonasi

1825–1829). 7. Эндрю Жексон (демократ; 1829–1837). 8. Мартин Ван Бурен (демократ; 1837–1841). 9. Уильям Генри Гаррисон (виг; 1841). 10. Жон Тайлер (виг; 1841–1845). 11. Жеймс Нокс Полк (демократ; 1845–1849). 12. Закари Тайлор (виг; 1849–1850). 13. Миллард Филмор (виг; 1850–1853). 14. Франклин Пирс (демократ; 1853–1857). 15. Жеймс Бьюкенен (демократ; 1857–1861). 16. Авраам Линкольн (республикачи; 1861–1865). 17. Эндрю Жонсон (демократ; 1865–1869). 18. Уилсс Симпсон Грант (республикачи; 1869–1877). 19. Ратерфорд Хйес (республикачи; 1877–1881). 20. Жеймс Артур Гарфилд (республикачи; 1881). 21. Честер Алан Артур (республикачи; 1881–1885). 22. Стивен Гровер Кливленд (демократ; 1885–1889). 23. Бенжаминь Гаррисон (республикачи; 1889–1893). 24. Стивен Гровер Кливленд (демократ; 1893–1897). 25. Уильям Маккинли (республикачи; 1897–1901). 26. Теодор Рузвельт (республикачи; 1901–1909). 27. Уильям Хауард Тафт (республикачи; 1909–1913). 28. Томас Вудро Вильсон (демократ; 1913–1921). 29. Уоррен Гардинг (республикачи; 1921–1923). 30. Калвин Кулиж (республикачи; 1923–1929). 31. Герберт Кларк Гувер (республикачи; 1929–1933). 32. Франклин Делано Рузвельт (демократ; 1933–1945). 33. Гарри Трумэн (демократ; 1945–1953). 34. Дуайт Эйзенхауэр (республикачи; 1953–1961). 35. Жон Финжералд Кеннеди (демократ; 1961–1963). 36. Линдон Жонсон (демократ; 1963–1969). 37. Ричард Никсон (республикачи; 1969–1974). 38. Жералд Рудольф Форд (республикачи; 1974–1977). 39. Жеймс (Жимми) Эрл Картер (демократ; 1977–1981). 40. Рональд Рейган (республикачи; 1981–1989). 41. Жорж Буш (республикачи; 1989–1993). 42. Билл Клинтон (демократ; 1993–2001). 43. Кичик Жорж Буш (республикачи; 2001–2009). 44. Барак Обама (демократ; 2009 йилдан).

*АҚШ вице-президентлари:* 1. Жон Адамс (1789–1797). 2. Томас Жефферсон (1797–1801). 3. Аарон Бёрр (1801–1805). 4. Жорж Клинтон (1805–1812). 5. Элбридж Жерри (1813–1814). 6. Дэниел Томкинс (1817–1825). 7. Жон Кэл-



www.ziyouz.com kutubxonasi

хун (1825–1832). 8. Мартин Ван Бюрен (1833–1837). 9. Ричард Жонсон (1837–1841). 10. Жон Тайлер (1841–1841). 11. Жорж Даллас (1845–1849). 12. Миллард Филлмор (1849 –1850). 13. Уильям Кинг (1853–1853). 14. Жон Брекинриж (1857–1861). 15. Ганнибал Гамлин (1861–1865). 16. Эндрю Жонсон (1865–1865). 17. Шайлер Колфакс (1869–1873). 18. Генри Уилсон (1873–1875). 19. Уильям Уилер (1877–1881). 20. Честер Артур (1881–1881). 21. Томас Хендрикс (1885–1885). 22. Леви Мортон (1889–1893). 23. Эдлай Стивенсон (1893–1897). 24. Гаррет Гобарт (1897–1899). 25. Теодор Рузвельт (1901 йил 4 март – 14 сентябрь). 26. Чарльз Фэйрбэнкс (1905–1909). 27. Жеймс Шерман (1913–1921). 28. Калвин Кулиж (1921–1923). 29. Чарлз Дауэс (1925–1929). 30. Чарлз Кертис (1929–1933). 31. Жон Гарнер (1933–1941). 32. Генри Уоллес (1941–1945). 33. Гарри Трумэн (1945 йил 20 январь – 12 апрель). 34. Олбен Беркли (1949–1953). 35. Ричард Никсон (1953–1961). 36. Линдон Жонсон (1961–1963). 37. Хьюберт Хамфри (1965–1969). 38. Спиро Агню (1969–1973). 39. Жеральд Форд (1973–1974). 40. Нельсон Рокфеллер (1974–1977). 41. Уолтер Мондейл (1977–1981). 42. Жорж Буш (1981–1989). 43. Дэн Куэйл (1989–1993). 44. Альберт Гор (1993–2001). 45. Ричард Чейни (2001–2009). 46. Жозеф Байден (2009 йил 20 январдан).

*АҚШ Конгрессининг Сенати раиси:* Жозеф Байден [айни пайтда вице-президент] (2009 йил 20 январдан).

*АҚШ Конгрессининг Вакиллар палатаси спикери:* Нэнси Пелоси хоним (2007 йил 4 январдан).

**1789 йил** – Брабант инқилоби натижасида австрияликлар мамлакатдан ҳайдалди (Улар Бельгияга фақат 1790 йилда қайтишди).

**1789–1807 йиллар** – Усмонли турк султони Салим III нинг ҳукмронлик даври. У салтанатда катта ислоҳотлар ўтказди.

**1789–1799 йиллар** – Буюк Француз инқилоби юз берди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1790 йил 23 февраль** – Франция 83 та департаментга ажратилди.

**1790 йил май** – француз қироли Людовик XVI билан Лафайет ва Мирабо ўртасида зиддият кескинлашди.

**1790 йил 12 июль** – «Руҳонийларнинг фуқаролик жойлашуви». Бу қонунга кўра Францияда руҳонийлар аввалги имтиёзларини йўқотди.

**1790 йил 14 июль** – Францияда Федерация байрами.

**1790 йил ноябрь** – Францияда руҳонийларнинг Конституцияга содиқлиги ҳақидаги қасамёд қилувчи декрет қабул қилинди.

**1791 йил июнь** – Францияда қирол қочишга уринди ва қамоққа олинди.

**1791 йил 3 сентябрь** – Франциядаги Конституция комиссиясининг йиғилишида Конституция қабул қилинди.

**1791 йил 17 сентябрь** – Конституция комиссиясининг декрети, унга кўра яҳудийлар Францияда тенг ҳуқуқли бўлди.

**1791 йил 1 октябрь** – Францияда Қонун чиқарувчи мажлис [Таъсис Мажлиси] чақирилди.

**1792 йил 10 август** – Франция қироли Людовик XVI ва оиласи қамоққа олинди: Францияда қирол ҳокимияти ағдариб ташланди.

**1792 йил 20 август** – Франция Австрияга қарши уруш эълон қилди;

**1792 йил 20 сентябрь** – интервенцияга қарши Вальми жангидаги ғалаба.

**1792 йил 21 сентябрь** – Францияда монархия бекор қилинди ва Конвент томонидан биринчи республика эълон қилинди.

**1792–1804 йиллар** – Францияда Биринчи республика даври.

**1792–1842 йиллар** – машҳур шоира, давлат арбоби, маданият ва адабиёт ҳомийси Нодира [Моҳларойим] яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1793 йил 21 январь** – қирол Людовик XVI қатл қилинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1793 йил 1 февраль** – Англияга қарши уруш эълон қилинди. 1-коалиция (Австрия, Пруссия, Англия, Россия, Испания, Неаполь ва Сардиния) тузилди ва у инқилобий Францияга қарши уруш эълон қилди. Францияда Фавқулодда ҳукумат: инқилобий трибунал ва Ижтимоий нажот қўмитаси.

**1793 йил 2 июнь** – Парижда жирондистлар ва якобинчилар орасида ҳокимият учун кураш натижасида жирондистлар қулади (якобинчилар ҳокимият тепасига келди). Кейинчалик якобинчилар инқилобни сақлаб қолиш мақсадида революцион диктатурани эълон қилди.

**1793 йил 24 июнь** – Францияда Конституция (2-йил Конституцияси)га овоз берилди.

**1793 йил 5 сентябрь** – Францияда Конвенция томонидан террор эълон қилинди; биринчи қатағон ва сентябрдаги ўлдиришлар. Бу террорга бошчилик қилган шахс – якобинчилар лидери Максимилиан Робеспьер. «Шубҳали одамлар ҳақида» қонун қабул қилинди.

Террор натижасида қатл этилганлар: 1. Қиролича Мария Антуанетта Людовик XVI нинг рафиқаси, Австрия императорининг синглиси бўлган. Халқ орасида у «Дефицит хоним» лақабини олган; 2. 22 та депутат-жирондистлар; 3. Камил Демулен – 1789 йил 14 июлда Бастилияни эгаллашни ташкил этган; 4. Жон Пол Марат – якобинчи, Шарлотта Корде номли аёл томонидан ўлдирилган; 5. Жорж Жак Дантон (1759–1794) – инқилоб «йўлбарси», якобинчи.

**1793 йил сентябрь – октябрь** – Хондмут ва Ватиньидаги ғалабалар. Иттифоқчилар армиясининг Франциядаги босқини тўхтатилди.

**1793 йил 17 октябрь** – Шоледа қўзғолон кўтарган вандеецликлар мағлубиятга учради.

**1793 йил 31 октябрь** – Францияда жирондистлар қатл қилинди.

**1793 йил** – Польша иккинчи марта тақсимланди.

**1793 йил** – Лувр биринчи жамоат музейига айланди.

**1794 йил март – апрель** – Францияда Ижтимоий на-



www.ziyouz.com kutubxonasi

жот қўмитаси (Робеспьер) томонидан Жак-Рене Эбер ва Жорж Жак Дантон қатл қилинди.

**1794 йил 26 июль** – Флерюсда Журдон ғалаба қозонди.

**1794 йил 27 июль [9 термидор]** – Конвентдаги фитначилар якобинчилар ҳокимиятини ағдариб, Робеспьерни гилотинада қатл этди. Гвианага Ижтимоий нажот қўмитасининг собиқ аъзолари депортация қилинди. Ҳокимият тепасига инқилоб йиллари бойиб олган янги буржуазия келди.

**1794 йил** – Костюшко бошчилигидаги поляк ватанпарварлари қўзғолон кўтарди. Костюшко Мацеевиц жанги (10 октябрь)да мағлубиятга учрагач, Варшава рус генерали Александр Васильевич Суворовга таслим бўлди.

**1794 йил** – Қора денгизда Одесса портига асос солинди.

**1794 йил** – Генри Модсли (1771–1831) токарлик дастгоҳини ихтиро қилди.

**1795 йил апрель, июль** – Пруссия ва Испания антифранцуз коалициясида қатнашишдан бош тортди.

**1795 йил июнь** – Францияга юборилган эмиграция қўшини Киберонда Луи Лазар Гош томонидан маглубиятга учради. Республикачиларга қарши Оқ террор жорий қилинди.

**1795 йил август** – Францияда янги Конституция (III йил Конституцияси) қабул қилинди, унга кўра коллегиал ижро қилувчи ҳокимият (Директория) жорий қилинди (мамлакатда икки палатали парламент ташкил топди).

**1795 йил 1 октябрь** – Бельгия босиб олинди.

**1795 йил 26 октябрь** – Конвентнинг бўлиниши.

**1795 йил 4 ноябрь – 1799 йил 10 ноябрь** – Францияда Директория бошқаруви даври.

**1795 йил** – Польша учинчи марта тақсимланди (Польша мустақил давлат сифатида тугатилди. Поляклар мустақиллик учун XIX аср давомида курашди. 1830, 1846, 1863 йиллардаги қўзголонлар шафқатсизларча бостирилди).

**1795–1797 йиллар** – британиялик Манго Парк Афри-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ка марказига дастлабки экспедиция уюштирди (улар Гамбия ва Нигерияни ўрганди).

**1796 йил май – октябрь** – Наполеон Бонапарт Австрияга қарши курашни давом эттирди: Миланға кириб, Циспадан республикасини эълон қилди.

**1796 йил** – Цейлон (Шри Ланка)ни Буюк Британия босиб олди.

**1796–1801 йиллар** – Россия императори Павел I нинг ҳукмронлик даври.

**1797 йил январь** – Бонапарт Риволида ғалаба қозонди.

**1797 йил**– Цизальпинский республикаси эълон қилинди.

**1797 йил октябрь** – Франция ва Австрия ўртасидаги Кампеформийский сулҳи.

**1797 йил** – қожарлар сулоласининг асосчиси Оға Муҳаммадхон ўлдирилди, Эрон давлати инқирозга учради.

**1797–1840 йиллар** – Пруссияда Фридрих Вильгельм III нинг ҳукмронлик даври.

**1798 йил** – Бонапарт Мисрда ҳарбий ҳаракатларни бошлади.

**1798 йил июль** – Бонапарт Пирамида жангида мамлуклар устидан ғалаба қилди.

**1798 йил август** – Абукир жангида Нельсон француз флотини яксон қилди.

**1798–1957 йиллар** – Бенгалия генерал-губернатори лорд Уэлсли Ҳиндистонни босиб олиш операциясини ўтказди.

**1799 йил март** – Франция Австрияга қарши уруш эълон қилди.

**1799 йил октябрь** – Наполеон Бонапарт Францияга қайтди.

**1799 йил 9 ноябрь [18 брюмер]** – давлат тўнтариши (Наполеон Бонапарт ҳокимият тепасига келди). Янги Конституция (VIII йилнинг Конституцияси, 13 декабрь) қабул қилинди ва Консуллик даври (1799 – 1804) бошланди ҳамда Француз инқилоби якунланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1799–1804 йиллар** – Францияда консуллик даври (Бонапарт бу пайтда Франция Республикасининг биринчи консули бўлди).

**1799–1815 йиллар** – Наполеон Бонапарт Европада босқинчилик урушлари олиб борди.

**1799–1850 йиллар** – француз адиби Оноре де Бальзак яшаган ва фаолият кўрсатган давр. У ўз асарларини «Инсон комедияси» деган умумий ном остида яратди.

**1799–1837 йиллар** – рус шоири Александр Сергеевич Пушкин яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**XIX аср бошлари** – Буюк Британия Жанубий Африкадаги ғалаёнларга қарши Кап колониясини босиб олди. Колония аҳолиси бурлар деб аталган.

**XIX аср** – Африка халқлари ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинғ турли босқичларида яшаган.

**XIX аср** – Инсоният тарихига темир ва буғ асри бўлиб кирди.

**1800 йил 14 июнь** – Наполеон Бонапарт бошчилигидаги француз армияси Маренго (Италия)да Австрия қўшини ва Гогенлинденда Бавария армияси устидан ғалаба қозонди.

**1801 йил** – Россияга Картли подшолиги (Грузиянинг шарқий қисми) қўшилди.

**1801–1809 йиллар** – республикачи Томас Жефферсоннинг Америка Қўшма Штатларида президентлик даври.

**1801–1825 йиллар** – Россияда Александр I нинг ҳукмронлик даври.

**1801–1839 йиллар** – Ҳиндистонда Ранджит Синх Панжобдаги Скихлар давлатини бошқарган давр.

**1802 йил** – Англия ва Франция ўртасида Амьен сулҳи тузилди (1803 йил бу сулҳ бузилган).

**1802 йил** – Россия империясида илк марта ҳукумат – Министрлар кабинети ташкил қилинди.

*Россия империяси Министрлар кабинети раислари* (1802–1905 йиллар): Александр Романович Воронцов (1802–1809), Николай Петрович Румянцев (1809–1810), Николай Иванович Салтиков (1810–1812), Сергей Кузь-



www.ziyouz.com kutubxonasi

мич Вязьмитинов (1812), Пётр Васильевич Лопухин (1812–1827), Виктор Павлович Кочубей (1827–1832), Николай Николаевич Новосильцов (1832–1838), Илларион Васильевич Васильчиков (1838–1847), Василий Васильевич Левашов (1847–1848), Александр Иванович Чернишев (1848–1856), Алексей Фёдорович Орлов (1856–1861), Дмитрий Николаевич Блудов (1861–1864), Павел Павлович Гагарин (1864–1872), Павел Николаевич Игнатьев (1872–1877), Пётр Аркадьевич Валуев (1877–1881), Михаил Христофорович Рейтерн (1881–1887), Николай Христианович Бунге (1887–1895), Иван Николаевич Дурново (1895–1903), Сергей Юльевич Витте (1903–1905).

*Россия империяси Министрлар Совети раислари* (1905–1917 йиллар): Сергей Юльевич Витте (1905–1906), Иван Логинович Горемикин (1906 йил 21 апрель – 8 июль), Петр Аркадьевич Столипин (1906–1911), Владимир Николаевич Коковцов (1911–1914), Иван Логинович Горемикин (1914–1916), Борис Владимирович Штюрмер (1916), Александр Федорович Трепов (1916), Николай Дмитриевич Голицин (1917).

**1803–1814 йиллар** – Арабистонда амир Буюк Сауд ибн Абдулазизнинг ҳукмронлик даври.

**1804 йил 1 январь** – Европа мустамлакалари ичида ўз мустақиллигини қўлга киритган биринчи давлат Гаити бўлди.

*Гаити Республикаси президентлари (1859 йилдан):* Фабр Жефрар (1859–1867), Ниссаж Саже (1867 йил март – май; 1869–1874), Сильвен Сальнав (1867–1869); Мишель Доминик (1874–1876), Пьер Теома Буарон-Каналь (1876–1879; 1888 йил август – октябрь; 1902 йил май – декабрь), Жозеф Ламот (1879 йил июль – октябрь), Луи Саломон (1879–1888), Франсуа Дени Лежитим (1888–1889), Монпуан (1889 йил август – октябрь), Луи Ипполит (1889–1896), Огюст Симон-Сан (1896–1902), Пьер Нор Алексис (1902–1908), Франсуа Антуан Симон (1908–1911), Мишель Синсиннатюс Леконт (1911–1912), Жан Танкред Огюст (1912–1913), Мишель Орест (1913–1914), Орест Самор (1914 йил фев-



www.ziyouz.com kutubxonasi

раль – октябрь), Жозеф Теодор (1914–1915), Жан Вильбрен Гийом Сан (1915 йил февраль – июль), Филипп Сюдр Дартигенав (1915–1922), Луи Борно (1922–1930), Луи Эжен Рой (1930 йил май – ноябрь), Стенио Жозеф Винсен (1930–1941), Эли Леско (1941–1946), Франк Лаво (1946 йил январь – август; 1950 йил май – декабрь), Дюмарсе Эстиме (1946–1950), Поль Эжен Маглуар (1950–1956), Жозеф Немур Пьер-Луи (1956–1957), Франк Сильвен (1957 йил февраль – апрель), Пьер Финьоль (1957 йил май – июнь), Антонио Кебро (1957 йил июнь – октябрь), Франсуа Дювалье (1957–1971), Жан-Клод Дювалье (1971–1986), Анри Намфи (1986–1987; 1988 йил июнь – сентябрь), Лесли Манига (1987–1988), Проспер Авриль (1988–1990), Эрта Паскаль Труийо (1990–1991), Жан-Бертран Аристид (1991 йил февраль – октябрь; 1994–1996; 2001–2004), Рауль Седра (1991 йил сентябрь – октябрь), Жозеф Нерет (1991–1992), Марк Луи Базен (1992–1993), Эмиль Жонассен (1994 йил май – октябрь), Рене Преваль (1996–2001; 2006 йил 7 майдан), Бонифас Александр (2004–2006).

**1804 йил 21 март** – Франция «Фуқаролик кодекси» тасдиқланди.

**1804 йил 2 декабрь** – Наполеон I Бонапарт император (Франция императори) деб эълон қилинди.

**1804 йил** – қўнғиротлар сулоласи Хива хонлигида расман тахтга чиқди (улар Хива хонлигини амалда 1770 йилдан бошқарган). Қўнғиротлар сулоласига Муҳаммад Амин Иноқ асос солган.

**1804–1920 йиллар** – Хива хонлигида қўнғиротлар сулоласининг ҳукмронлик даври.

*Қўнғиротлар сулоласи:* Муҳаммад Амин Иноқ (1770–1790), Аваз Иноқ (1790–1804), Элтузархон (1804–1806), Муҳаммад Раҳимхон I (1806–1825), Оллоқулихон (1825–1842), Раҳимқулихон (1842–1845), Муҳаммад Аминхон (1846–1855), Абдуллахон (1855–1856), Қутлуғ Муродхон (1856), Сайид Муҳаммадхон (1856–1864), Муҳаммад Раҳимхон II – Феруз (1864 –1910), Асфандиёрхон (1910–1918), Саид Абдуллахон (1918 – 920).



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1804–1813 йиллар** – Карагеоргий бошчилигида Усмонли ҳокимиятига қарши сербларнинг биринчи қўзғолони.

**1804–1814 йиллар, 1815 йил** – Франция императори Наполеон I нинг ҳукмронлик даври.

**1804–1814 йиллар, 1815 йил** – Францияда биринчи империя даври.

**1804–1872 йиллар** – немис файласуфи, ўзига хос антропологик материализмнинг асосчиси, немис фалсафасининг йирик вакилларидан бири Людвик Фейербах яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1805 йил 21 октябрь** – Горацио Нельсон бошчилигидаги инглиз флоти Трафальгор жангида ғалаба қозонди.

**1805 йил 2 декабрь** – Аустерлиц жангида уч император ўзаро урушди. Рус – австрия қўшинини Наполеон армияси тор-мор келтирди. Пресбург сулҳи тузилди.

**1805 йил** – Наполеон I га қарши Учинчи коалиция (Англия, Австрия, Россия) бошланган давр.

**1805 йил** – Муҳаммад Али Мисрда ҳокимиятни эгаллади ва ўзини Турк султонининг валийси (ўринбосари), Миср пошоси деб атади. У янги сулолага асос солди ва 1848 йилгача Мисрда ҳокимиятни бошқарди.

**1805–1952 йиллар** – Мисрда Муҳаммад Али сулоласининг ҳукмронлик даври.

*Муҳаммад Али сулоласи:* Муҳаммад Али пошо (1805–1848), Иброҳим пошо (1848), Аббос пошо I (1848–1854), Саъид пошо (1854–1863), Исмоъил (1863–1879), Тавфиқ (1879–1892), Аббос II Ҳилмий (1892–1914), Ҳусайн Комил (1914–1917), Аҳмад Фувод II (1917); Фувод I; Форук (?–1952).

**1806 йил 30 март** – Жозеф Бонапарт Неапол қироли деб эълон қилинди.

**1806 йил 5 июнь** – Луи Бонапарт Голландия қироли деб эълон қилинди.

**1806 йил 12 июль** – Рейн иттифоқи тузилди. Кейинчалик герман «Муқаддас Рим империяси» ўз фаолиятини тўхтатди (6 август).



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1806 йил 14 октябрь** – Францияға карши Тўртинчи коалиция (Англия, Пруссия, Россия). Йенадаги жанғда французлар ғалаба қилди (14 октябрь).

**1806 йил** – Париждаги Каррузель майдонида Зафар арки қурилди.

**1807 йил 8 февраль** – Прейсиш-Эйлау жанги. Наполеон I Фридланд жангида (14 июнь) ғалаба қозонди.

**1807 йил 7 – 9 июль** – Тильзит сулҳ шартномаси имзоланди. Рус – француз иттифоқи тузилди. Жером Бонапарт Вестфалия қироли бўлди. Мустақил Варшава герцоглиги тузилди. Португалия француз – испан қўшинлари томонидан босиб олинди.

**1807–1882 йиллар** – Италияда Жузеппе Гарибальди яшаган йиллар.

**1808 йил июль** – Мюрат Неаполь қироли деб эълон қилинди.

**1808 йил сентябрь – октябрь** – Эрфуртда императорлар Наполеон I ва Александр I ўзаро учрашди. Тильзитда тузилган иттифоқ янгиланди.

**1808–1809 йиллар** – Россия – Швеция уруши.

**1808–1839 йиллар** – Усмонли турк султони Маҳмуд II нинг ҳукмронлик даври. (У Салим III (1807 йил) ўлдирилгандан сўнг ҳокимиятга келди.)

**1808–1813, 1842–1858, 1903–1945 йиллар** – Сербия ва Югославияда карагеоргиевичлар сулоласи вакиллари (князлар ва қироллар) ҳокимиятни бошқарди.

**1809 йил 6 июль** – Наполеон I Ваграм жангида австрия қўшини устидан ғалаба қозонди. Шёнбрунн сулҳи тузилди.

**1809 йил** – Финляндия Россия империясига қўшиб олинди.

**1809 йил** – Швеция Қироллигида демократикислоҳотлар ўтказилди ва конституция қабул қилинди. 1818 йилдан қиролликни бернадотлар сулоласи вакиллари бошқаришга киришди. Сулоланинг асосчиси Франция маршали Жан Батист Бернадот бўлган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Швеция Қироллиги қироллари:* Карл XIV Юхан [Ж.Б. Бернадот] (1818–1844), Оскар I (1844–1859), Карл XV (1859–1872), Оскар II (1872–1907), Густав V (1907–1950), Густав VI (1950–1973), Карл XVI Густав (1973 йилдан).

*Швеция Қироллиги премьер-министрлари:* Л. де Геер (1876–1880), А. Поссе (1880–1883), К.Ю. Тиселиус (1883–1884), О.Р. Темптандер (1884–1888), Й. Бильдт (1888–1889), Г. Окерьельм (1889–1891), Э.Г. Бустрем (1891–1900), Ф. фон Оттер (1900 – 1902), Э.Г. Бустрем (1902–1905), Ю. Рамстедт (1905 йил апрель – август), К. Лундеберг (1905 йил август – ноябрь), К. Стааф (1905–1906), С.А. Линдман (1906–1911), К. Стааф (1911–1914), К.Я. Хаммаршельд (1914–1917), К. Свартц (1917 йил март– октябрь), Н. Эден (1917–1920), К.Я. Брантинг (1920 йил март – октябрь), Л. де Геер кичик (1920–1921), К.Я. Брантинг (1921–1923), Э. Трюггер (1923–1924), К.Я. Брантинг (1924–1925), Р. Сандлер (1925–1926), К.Г. Экман (1926–1928), А.А. Линдман (1928–1930), К.Г. Экман (1930–1932), Ф. Хамрин (1932 йил август – сентябрь), Пер Альбин Ханссон (1932–1946); Таге Эрландер (1946–1969), Улоф Пальме (1969–1976), Турбьёрн Фельдин (1976–1978), Ула Ульстен (1978–1979), Турбьёрн Фельдин (1979–1981), Турбьёрн Фельдин (1981–1982), Улоф Пальме (1982–1986), Ингвар Карлссон (1986–1991), Карл Бильдт (1991–1994), Ингвар Карлссон (1994–1996), Йоран Персон (1996–2006), Фредрик Рейнфельдт (2006 йилдан).

**1809–1865 йиллар** – америкалик давлат арбоби Авраам Линкольн яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1810 йил апрель** – Наполеон I ва Мария Луиза (Австрия императорининг қизи) ўртасидаги никоҳ.

**1810 йил июль** – Голландия Франция империясига қўшиб олинди.

**1810 йил** – Лотин Америкаси (Мексика)даги испан колонияларида қўзғолон кўтарилди.

**1810 йил** – Мексика халқи озодлиги учун Мигел Идалго ва Хосе Морелос бошчилигида қўзғолон бошланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1810 йил** – Аргентинада мустақиллик учун қуролли кураш бошланди.

**1810 – 1826 йиллар** – Америкада Испания мустамлакалари мустақиллик учун курашди.

**1811 йил 5 июль** – Венесуэла мустақил деб эълон қилинди.

**1811 йил** – Фридрих Крупп Германияда йирик пўлат қуйиш заводига асос солди.

**1811 йил** – Мисрда Муҳаммад Али 300 бийни қатл эттириб, мамлуклар нуфузини синдирди.

**1811–1816 йиллар** – луддитлар ҳаракати. Ишчи ва ҳунармандлар саноат тараққиётига ўз муносабатларини билдириб, машиналарни синдиришган.

**1812 йил 24 июнь** – Наполеоннинг Россияга қарши ҳужуми бошланди.

**1812 йил 26 август [7 сентябрь]** – Бородино жанги. Бу жангда руслар армияси (Кутузов бошчилигида) 45,6 минг киши, французлар қўшини (Наполеон бошчилигида) 58 минг киши йўқотди.

**1812 йил октябрь** – французлар қўшини Москвага кирди, кимсасиз шаҳарга ўт қўйиб, ташлаб чиқиб кетди.

**1812 йил ноябрь** – французлар Березина дарёсидан ўтиб, орқага чекинди.

**1812–1813 йиллар** – Муҳаммад Али Мадина ва Маккада Усмонлилар ҳокимиятини тиклади.

**1812–1815 йиллар** – Англия – Америка уруши.

**1813 йил 16 – 19 октябрь** – Лейпциг ёнида Наполеон армияси рус, австрия ва немис қўшинлари томонидан тормор қилинди. Бу жанг тарихга «Халқлар жанги» номи билан кирди.

**1813 йил** – Венесуэла миллий конгресси томонидан Симон Боливар халоскор деб эълон қилинди.

**1813 йил** – Россия ва Эрон ўртасида имзоланган шартнома Россияга Кавказда янада мустаҳкам ўрин олишига имкон берди. Гулистон шартномасига кўра, Эрон Россияга Доғистон, Грузия, Озарбайжонни топширди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1813 йил** – Германияда Францияга қарши озодлик уруши; IV коалиция тузилди.

**1814 йил январь – март** – Францияда ҳарбий компаниялар Парижга киргач (31 март), иттифоқчилар қўшини Наполеон I ни ҳокимиятдан четлаштирди (6 апрель).

**1814 йил 31 март** – иттифоқчилар қўшинлари Парижга кирди.

**1814 йил март – 1815 йил март** – I Реставрация даври. Бурбонлар сулоласидан Людовик XVIII Парижга қайтди ва Конституция қабул қилинди (Таъсис хартияси). Францияни қирол Людовик XVIII бошқарди.

**1814–1815 йиллар** – Европа давлатларининг Вена конгресси. Австрия (Меттерних), Пруссия (Горденберг), Англия (Кестлри), Россия (Нессельрод) делегациялари монархик асосларда Европани қайта тақсимлашди. Вена конгрессида декларация қабул қилиниб, Европанинг янгиланган сиёсий харитаси тасдиқланди.

**1814 йил** – бурбонлар сулоласи Фердинанд VII бошчилигида Испанияда қайта тикланди.

**1814 йил** – Дания Норвегияни Швецияга беришга мажбур бўлди. Бироқ у Исландия, Гренландия ва Форер оролларини ўзида сақлаб қолди.

**1814 йил** – Венесуэлада Симон Боливер бошчилигида II Республика эълон қилинди.

**1814–1830 йиллар** – Венесуэлада Симон Боливарнинг президентлик даври.

**1814–1815, 1815–1824 йиллар** – Францияда қирол Людовик XVIII нинг ҳукмронлик даври.

**1814–1830 йиллар** – Францияда Бурбонлар династияси тикланди.

**1815 йил 20 март – 22 июнь** – Наполеоннинг Парижда «Юз кунлик» ҳукмронлик даври.

**1815 йил 18 июнь** – Ватерлоо жангида инглиз (Артур Уэллсли Веллингтон) ва прусс (Гебхард Леберехт фон Блюхер) армияси Наполеон қўшинини мағлубиятга учратди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1815 йил июль – 1830 йил август** – II Реставрация даври. Қирол Людовик XVIII Парижга иккинчи марта қайтди ва ҳокимиятни эгаллади. Ришелье кабинети – ультрароялистик Давлат Кенгаши тузилди.

*Францияда II Реставрация даври премьер-министрлари (1815–1830):* князь Беневентский Шарль Морис де Талейран-Перигор (1815 йил июль – сентябрь), герцог де Ришелье Арман Эмманюэль дю Плесси (1815–1818), маркиз Дессоль Жан-Жозеф (1818–1819), граф Деказ Эли (1819–1820), герцог де Ришелье Арман Эмманюэль дю Плесси (1820–1821), Жан-Батист де Виллель (1821–1828), виконт де Мартиньяк Жан Батист Гэ (1828–1829), шаҳзода де Полиньяк Жюль (1829–1830).

**1815 йил 26 сентябрь** – тўрт давлат (Англия, Австрия, Пруссия ва Россия)дан иборат «Муқаддас иттифоқ» ташкил топди. Улар Европада кучлар нисбатини қарор топтиришни ўзларининг асосий мақсади деб эълон қилди.

**1815 йил** – Германия иттифоқи тузилиб, унга 38 та кичик-кичик мустақил немис давлатлари, жумладан, Пруссия ҳам кирди.

**1815 йил** – собиқ Бирлашган провинциялар, Австрия Голландияси (бўлғуси Бельгия) ва Люксембург асосида Нидерландия қироллиги ташкил топди. Вильгельм Оранский қирол бўлди.

**1815 йил** – Вена конгресси қарори билан расман мустақил давлат – Люксембург Буюк герцоглиги тузилди. Уни 1890 йилгача Нидерландия қироллари бошқарган.

*Люксембург Буюк герцоглиги герцоглари:* Адольф (1890–1905), Вильгельм IV (1905–1912), Мария Аделаида (1912–1919), Шарлота (1919–1964); Жан (1964–2000); Анри (2000 йилдан).

*Люксембург Буюк герцоглиги премьер-министрлари:* Теодор-Игнас де ла Фонтен (1848 йил август – декабрь), Жан-Жак Мадлен Вильмар (1848–1853), Матиас Симонс (1853–1860), Виктор де Торнако (1860–1867), Эммануэль Сервэ (1867–1874), Феликс де Блохаузен (1874–1885),



www.ziyouz.com kutubxonasi

Эдуар Тильже (1885–1888), Поль Эйшен (1888–1915), Матиас Монжена (1915 йил октябрь – ноябрь), Юбер Лутш (1915–1916), Виктор Торн (1916–1917), Леон Кауффман (1917–1918), Эмиль Ройтер (1918–1925), Пьер Прюм (1925–1926), Жозеф Беш (1926–1937; 1953–1958), Пьер Дюпон (1937–1953), Пьер Фриден (1958–1959), Пьер Вернер (1959–1974; 1979–1984), Гастон Торн (1974–1979), Жак Сантер (1984–1995), Жан-Клод Юнкер (1995 йил 20 январдан).

**1815 йил** – Россия империяси Польшанинг катта қисмини босиб олди.

**1815 йил** – Швейцария конфедерацияси (Женева, Вале ва Невшател қўшилган ҳолатда) ўзининг абадий нейтралитетини (бетарафлигини) эълон қилди.

**1815 йил** – Нидерландия қироллиги ташкил топди. Қиролликни Оранский сулоласи вакиллари бошқаришга киришди. Нидерландия қироллиги норасмий равишда Голландия деб аталди.

*Нидерландия Қироллиги қироллари:* Виллем I [шаҳзода Виллем VI Оранский] (1815–1840), Виллем II (1840–1849), Виллем III (1849–1890), Вильгельмина (1890–1948), Юлиана (1948–1980), Вильгельмина Армгард Беатрикс хоним (1980 йил 30 апрелдан).

*Нидерландия Қироллиги премьер-министрлари:* Геррит Схиммелпеннинк (1848 йил март – ноябрь), Якоб де Кемпенар (1848–1849), Йохан Рудольф Торбеке (1849–1853; 1862–1866; 1871–1872), Флорис Адриан ван Халл (1853–1856), Юстинус ван ден Брюгген (1856–1858), Ян Якоб Рохуссен (1858–1860), Флорис Адриан ван Халл (1860–1861), Схелто ван Хемстра (1861–1862), Юлиус ван Зуйлен ван Нийевелт (1866–1868), Питер Филип ван Боссе (1868–1871), Геррит де Врис Азн (1872–1874), Ян Хемскерк Абрахамзон (1874–1877; 1883–1888), Йоханнес Каппейне ван де Коппелло (1877–1879), Тео ван Лейнден ван Санденбург (1879–1883), Анеас Макай (1888–1891), Гийсберт ван Тийнховен (1891–1894), Йохан Рёэлль (1894–1897), Ни-



www.ziyouz.com kutubxonasi

колас Пирсон (1897–1901), Абрахам Кейпер (1901–1905), Тео де Местер (1905–1908), Тео Хемскерк (1908–1913), Питер Корт ван дер Линден (1913–1918), Шарль Рейс де Беренбраук (1918–1925; 1929–1933), Хендрик Колейн (1925–1926; 1933–1939), Дирк Ян де Гер (1926–1929; 1939–1940), Питер Гербрандей (1940–1945), Виллем Схермерхорн (1945–1946), Луис Бел (1946–1948; 1958–1959), Виллем Дрес (1948–1958), Ян де Квай (1959–1963), Виктор Марейнен (1963–1965), Йо Калс (1965–1966), Елле Зейлстра (1966–1967), Пит де Йонг (1967–1971), Барент Бисхёвел (1971–1973), Йоп ден Ойл (1973–1977), Дрис ван Агт (1977–1982), Рууд Любберс (1982–1994), Вим Кок (1994–2002), Ян-Петер Балкененде (2002 йил 22 июлдан).

**1815–1833 йиллар** – «Муқаддас иттифоқ» фаолият кўрсатди.

**1815–1825 йиллар** – Лотин Америкасида мустақиллик учун кураш. Қонли урушлар натижасида кўп давлатлар мустақилликни қўлга киритдилар.

**1815–1842, 1858–1903 йиллар** – Сербияда обреновичлар сулоласи вакиллари (князлар ва қироллар) ҳокимиятни бошқарди.

**1815–1898 йиллар** – Германия канцлери Отто Бисмарк яшаган йиллар.

**1816 йил** – Тукуман конгрессида аргентиналик генерал Хосе де Сан-Мартин томонидан Ла-Плата (Аргентина) мустақиллиги эълон қилинди.

**1816 йил** – АҚШда эркинликка эришган қул негрларни Африкага жойлаштириш ҳаракати бошланди.

**1817–1887 йиллар** – Муҳаммад Белло (Усмон дан Фодионинг ўғли)нинг ҳукмронлик даври. У Сокотада ўз қароргоҳини ўрнатиб, Нигерия шимолидаги Пёлский империясини ўзига бўйсундирди.

**1818 йил 12 февраль** – Чили Республикаси мустақиллиги эълон қилинди.

*Чили Республикаси президентлари:* Мануэль Бланко Энкалада (1826), Агустин Эйсагирре (1826–1827), Ра-



www.ziyouz.com kutubxonasi

мон Фрейре Серрано (1827), Франсиско Антонио Пинто (1827–1829), Франсиско Рамон Викунья Ларраин (1829), Франсиско Руис-Тагле Порталес (1830), Хосе Томас Овалье Бесанилья (1830–1831), Франсиско Эррасурис Мартинес (1831), Хосе Хоакин Прието Виаль (1831–1841), Мануэль Бульнес Прието (1841–1851), Мануэль Монтт (1851–1861), Хосе Хоакин Перес Маскаяно (1861–1871), Федерико Эррасурис Саньярту (1871–1876), Анибал Пинто (1876–1881), Доминго Санта Мария Гонсалес (1881–1886), Хосе Мануэль Бальмаседа Фернандес (1886–1891), Хорхе Монтт Альварес (1891–1896), Федерико Эррасурис Эчауррен (1896–1901), Херман Риеско Эррасурис (1901–1906), Педро Монтт (1906–1910), Рамон Баррос Луко (1910–1915), Хуан Луис Санфуэнтес Андонаэги (1915–1920), Артуро Алессандри Пальма (1920–1925; 1932–1938), Луис Баррос Боргоньо (1925), Эмилиано Фигероа Ларраин (1925–1927), Карлос Ибаньес дель Кампо (1927–1931), Хуан Эстебан Монтеро Родригес (1931–1932), Педро Агирре Серда (1938–1941), Херонимо Мендес Арансибия (1941–1942), Хуан Антонио Риос Моралес (1942–1946), Габриэль Гонсалес Видела (1946–1952), Карлос Ибаньес дель Кампо (1952–1958), Хорхе Алессандри Родригес (1958–1964), Эдуардо Фрей Монтальва (1964–1970), Сальвадор Альенде (1970–1973), Аугусто Пиночет (1973–1990), Патрисио Эйлвин Асокар (1990–1994), Эдуардо Фрей Руис-Тагле (1994–2000), Рикардо Лагос Эскобар (2000–2006), Мишель Бачелет (2006–2010), Себастьян Пиньера Эченике (2010 йил 11 мартдан).

**1818–1848 йиллар** – Шоҳ Аҳмад Масина (Мали)даги Пёлский империясини бошқарди.

**1819 йил** – Венесуэла мустақил давлат деб эълон қилинди.

**1819 йил** – «Ост-Индия» компанияси Сингапурни босиб олди.

**1819 йил декабрь** – Симон Боливар Бояке жангида ғалаба қозониб, Ангостурдаги конгрессда Буюк Колумбия



www.ziyouz.com kutubxonasi

федератив республикаси (Янги Гранада, Венесуэла, 1821 йилдан Эквадор) тузилганлигини эълон қилди.

**1819–1830 йиллар** – Симон Боливарнинг Буюк Колумбия республикасида президентлик даври.

**1819–1973 йиллар** – боракзайлар сулоласининг Афғонистонда ҳукмронлик даври.

*Боракзайлар сулоласи:* Дўст Муҳаммадхон (1819–1863), Шер Алий (1863–1866; 1867–1879), Афдал (1866–1867), Муҳаммад Йаъқубхон (1879–1880), Абдурраҳмонхон (1880–1901), Ҳабибуллоҳ (1901–1919), Омонуллоҳ (1919–1929), Нодиршоҳ (1929–1933), Муҳаммад Зоҳиршоҳ (1933–1973).

**1820 йил** – Испания ва Португалияда либерал инқилоб.

**1820–1821 йиллар** – Неапол ва Турин (Италия)да авторитар режимга қарши дастлабки инқилобий ҳаракат бўлди.

**1820–1823 йиллар** – Миср пошоси Муҳаммад Али Суданни эгаллади.

**1820–1830 йиллар** – карбонарийлар махфий жамияти ўз фаолиятини кенгайтирди.

**1821 йил 25 март** – Греция мустақиллика эришди. Бироқ фақат 1830 йил 3 февралда Греция мустақиллиги расмий тан олинди.

**1821 йил** – Мексика ва Перу мустақиллиги эълон қилинди.

**1821 йил 28 июль** – Перу мустақиллиги эълон қилинди. Перу Республикаси тузилди ва биринчи конституция қабул қилинди (1822).

*Перу Республикаси президентлари:* 1. Хосе де Сан-Мартин (1821–1822). 2. Хосе де Ла Маар (1822–1823). 3. Хосе де ла Рива Агуэра (1823 йил февраль – июнь). 4. Антонио Хосе де Сукре (1823 йил июнь – июль). 5. Хосе Бернардо де Талье (1823–1824). 6. Симон Боливар (1824–1827). 7. Андрес де Санта Крууc (1827 йил январь – июнь). 8. Хосе де ла Маар (1827–1829). 9. Августин Гамарра (1829–1833). 10. Луис Хосе де Орбегосо (1833–1836). Педро Пабло Бермудес (1833–1834). Филипе Сантьяго Салаверри (1835–1836).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Андрес де Санта Круус (1836–1838). 11. Августин Гамарра (1838–1841). Мануэль Менендес (1841–1842). Франсиско Видаль (1842–1843). Мануэль Менендес (1844–1845). 12. Рамон Кастилья (1845 – 1851). 13. Хосе Руфино Эченике (1851–1855). 14. Рамон Кастилья (1855–1862). 15. Мигель де Сан-Роман (1862–1863). 16. Хуан Антонио Песет (1863–1865). 17. Хуан Антонио Песет (1865 йил июнь – ноябрь). 18. Мариано Игнасио Прадо (1865–1868). 19. Хосе Бальта (1868–1872). 20. Мануэль Пардо (1872–1876). 21. Мариано Игнасио Прадо (1876–1879). Николас де Пьерола (1879–1881). 22. Франсиско Гарсия Кальдерон (1881 йил март – сентябрь). 23. Лисардо Монтеро Флорес (1881 йил сентябрь – ноябрь). 24. Андрес Авелино Касерес (1881–1882); Мигель Иглесиас (1881–1882); Антонио Аренас (1885–1886). 25. Андрес Авелино Касерес (1886–1890). 26. Ремихио Моралес Бермудес (1890–1894). 27. Андрес Авелино Касерес (1894–1895). 28. Николас де Пьерола (1895–1899). 29. Эдуардо Лопес де Романья (1899–1903). 30. Мануэль Кандамо (1903–1904). 31. Хосе Пардо и Барреда (1904–1908). 32. Аугусто Легия (1908–1912). 33. Гильермо Биллингхёрст (1912–1914). 34. Хосе Пардо и Барреда (1915–1919). 35. Аугусто Легия (1919–1930). 36. Луис Мигель Санчес Серо (1931–1933). 37. Оскар Бенавидес (1933–1939). 38. Мануэль Прадо и Угартече (1939–1945). 39. Хосе Бустаманте и Риверо (1945–1948). Мануэль Одриа (1948–1950). 40. Мануэль Одриа (1950–1956). 41. Мануэль Прадо и Угартече (1956–1962). 42. Фернандо Белаунде Терри (1963–1968); Хуан Веласко Альварадо (1968–1975); Франсиско Моралес Бермудес (1975–1980). 43. Фернандо Белаунде Терри (1980–1985). 44. Алан Гарсиа Перес (1985–1990). 45. Альберто Фухимори (1990 – 2000). 46. Валентин Паниагуа (2000–2001). 47. Алехандро Толедо (2001–2006). 48. Алан Гарсиа Перес (2006 йил 28 июлдан).

**1821 йил 12 сентябрь** – Испания мустамлакаси бўлган Коста-Рика мустақилликка эришди. Коста-Рикада президентлик лавозими жорий қилинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1821 йил 15 сентябрь** – Никарагуа Республикаси мустақил деб эълон қилинди.

*Никарагуа Республикаси президентлари:* Мануэль Антонио де ла Серда Агилар-и-Таборга (1825 – 1826), Хуан Аргуэльо дель Кастильо (1826 – 1827), Хуан Эспиноса (1830 йил март – май), Хосе Дионисио де ла Тринидад де Эррера-и-Диас дель Валье (1830 – 1833), Бенито Моралес (1833 – 1834), Хосе Нуньес (1834 – 1835), Хосе Сепеда (1835 – 1837), Хосе Нуньес (1837 – 1838). Хосе Нуньес (1838 – 1839), Патрисио Ривас (1840 – 1841), Пабло Санчес де Буитраго-и-Бенавенте (1841 – 1843), Мануэль Перес (1843 – 1844), Эмилиано Мадрис (1844 – 1845), Сильвестре Сельва (1844 – 1845), Хосе Леон Сандоваль (1845 – 1847), Хосе Мария Герреро (1847 – 1849), Норберто Рамирес Ареас (1849 – 1851), Хосе Лауреано Пинеда Угарте (1851 – 1853), Фруто Чаморро Перес (1853 – 1854); Томас Мартинес Герреро (1857 – 1867), Фернандо Гусман Солорсано (1867 – 1871), Хосе Висенте де ла Куадра-и-Руи Луго (1871 – 1875), Педро Хоакин Чаморро Альфаро (1875 – 1879), Хоакин Савала Солис (1879 – 1883), Адан Карденас-и-дель Кастильо (1883 – 1887), Эваристо Карасо Аранда (1887 – 1889), Роберто Сакаса Сарриа (1889 – 1893), Хосе Сантос Селайя Лопес (1893 – 1909), Хосе Мадрис Родригес (1909 – 1910), Хуан Хосе Эстрада Моралес (1910 – 1911), Адольфо Диас Ресинес (1911 – 1917), Эмилиано Чаморро Варгас (1917 – 1921), Диего Мануэль Чаморро Боланьос (1921 – 1923), Бартоломе Мартинес Гонсалес (1923 – 1925), Карлос Хосе Солорсано Гутьеррес (1925 – 1926), Адольфо Диас Ресинес (1926 – 1929), Хосе Мария Монкада Тапиа (1929 – 1933), Хуан Батиста Сакаса (1933 – 1936), Анастасио Сомоса Гарсиа (1937 – 1947), Виктор Мануэль Роман-и-Рейес (1947 – 1950), Анастасио Сомоса Гарсиа (1950 – 1956), Луис Сомоса Дебайле (1956 – 1963), Рене Шик Гутьеррес (1963 – 1966), Лоренсо Герреро Гутьеррес (1966 – 1967), Анастасио Сомоса Дебайле (1967 – 1972); Роберто Мартинес Лакайо (1972 – 1974); Анастасио Сомоса Дебайле (1974 – 1979), Франсиско Уркуйо Малианьо



www.ziyouz.com kutubxonasi

(1979–1979); Серхио Рамирес Меркадо (1979–1985); Хосе Даниэль Ортега Сааведра (1985–1990), Виолета Барриос де Чаморро (1990–1997), Хосе Арнольдо Алеман Лакайо (1997–2002), Энрике Хосе Боланьос Гейер (2002–2007), Хосе Даниэль Ортега Сааведра (2007 йил 1 январдан).

**1821 йил 15 сентябрь** – Гондурас халқи мустақилликка эришди. Кейинчалик Гондурас Республикасининг биринчи конституцияси қабул қилинди (1879 й).

*Гондурас Республикаси президентлари:* Хосе Грегорио Тиноко де Контрерас (1821–1824), Хосе Дионисио де Эррера (1824–1827), Хосе Франсиско Морасан (1827–1830), Хосе Сантос дель Вале (1830–1831; 1832–1833), Хосе Антонио Маркус (1831–1832), Хоакин Ривера (1833–1836), Хусти Хосе (Хосе Хусто) де Эррера (1837–1838), Лино Матуте (1838–1839), Франсиско Селайя Айес (1839–1841), Франсиско Феррера (1841–1844), Коронадо Чавес (1845–1847), Хуан Н. Линдо Селайя (1847–1852), Хосе Тринидад Кабаньяс Фьяльос (1852–1855), Франсиско де Агилар (1855–1856), Хосе Сантос Гуардиола (1856–1862), Хосе Франсиско Монтес (1862–1863), Франсиско Инестроза (1863–1864), Хосе Мария Медина (1864–1865); Хосе Мария Медина (1865–1872), Селео Ариаса (1872–1874), Понсиано Лейва Мадрид (1874–1876; 1891–1893), Марко Аурелио Сото (1876–1883), Луис Богран Бараона (1883–1891), Доминго Васкес (1891–1893), Поликарпо Бонильи (1893–1899), Теренцио Сьерра (1899–1903), Мануэль Бонилья (1903–1907; 1912–1913), Мигель Р. Давила Куэльяр (1907–1911), Франсиско Бертранд (1911–1912; 1913–1919), Сальвадор Агирре (1919 йил 9–16 сентябрь), Франсиско Богран (1919–1920), Рафаэль Лопес Гутьеррес (1920–1924), Мигель Пас Бараона (1925–1929), Винсете Мехия Колиндрес (1929–1933), Тибурсио Кариас Андино (1933–1949), Хуан Мануэль Гальвес Дурон (1949–1954), Хулио Лосано Диас (1954–1956), Рамон Вильеда Моралес (1957–1963), Освальдо Энрике Лопес Арельяно (1963–1971; 1972–1975), Рамон Эрнесто Крус Уклес (1971–1972), Хуан Альберто Мельгар



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кастро (1975–1978), Поликарпо Пас Гарсия (1978–1982), Роберто Суасо Кордова (1982–1986), Хосе Симон Аскона Хойо (1986–1990), Рафаэль Леонардо Кальехас Ромеро (1990–1994), Карлос Роберто Рейна Идиакес (1994–1998), Карлос Роберто Флорес Факуссе (1998–2002), Рикардо Родольфо Мадуро Хоэст (2002–2006), Мануэль Селайя (2006–2009), Роберто Мичелетти (2009–2010), Порфирио Лобо (2010 йил 27 январдан).

**1821 йил 15 сентябрь** – Америкадаги Испания мустамлакаларининг мустақиллик учун уруши давомида (1810–1826) Гватемала мамлакати мустақилликка эришди.

**1821–1822 йиллар** – Россияда декабристлар иккита махфий жамият туздилар. Улардан бири «Жанубий жамият», иккинчиси «Шимолий жамият» деб аталди.

**1821–1827 йиллар** – Грецияда миллий-озодлик ҳаракати. Греклар мустақиллик учун Усмонли турк султонлигига қарши кураш олиб бордилар.

**1821 йил 13 октябрь – 1902 йил 25 сентябрь** – немис олими Рудольф Вирхов яшаган ва фаолият кўрсатган давр. У ҳозирги замон патологик анатомия асосларини яратди.

**1822 йил 7 сентябрь** – Дон Педру томонидан Бразилия мустақиллиги эълон қилинди. У ўзини император Педру I деб эълон қилди. Бразилия Португалиядан ажралиб чиқди, аммо янги давлатда қулчилик сақланиб қолганлиги ва қулдорлар жуда кучли бўлганлиги учун у республика эмас, балки монархия бўлиб қолди.

**1823 йил 1 июль** – пойтахти Гватемала шаҳри бўлган Марказий Америка бирлашган вилоятлари номли федератив республика тузилди.

**1823 йил** – Фердинанд VII Испанияда куч билан абсолютизмни қайтарди.

**1823 йил** – Янги Жанубий Уэльс Британиянинг Австралиядаги биринчи колониясига айланди.

**1824 йил 9 декабрь** – Перу Испания зулмидан узил-кесил озод бўлди.

**1824 йил** – Мексика республика деб эълон қилинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Мексика Республикаси президентлари:* Гуадалупе Виктория (1824–1829), Висенте Герреро (1829 йил 1 апрель – 17 декабрь), Хосе Мария Боканегра (1829 йил 18–23 декабрь), Лукас Аламан Луис де Кинтанар Педро Велес (1829 йил 23–31 декабрь), Анастасио Бустаманте (1830–1832), Мельчор Мускис (1832 йил 14 август – 26 декабрь), Мануэль Гомес Педраза (1832–1833), Валентин Гомес Фариас (1833 йил 1 апрель – 16 май), Антонио Лопес де Санта-Анна (1833 йил 16 май – 3 июнь), Валентин Гомес Фариас (1833 йил 3–18 июнь), Антонио Лопес де Санта-Анна (1833 йил 18 июнь – 5 июль), Валентин Гомес Фариас (1833 йил 5 июль – 27 октябрь), Антонио Лопес де Санта-Анна (1833 йил 27 октябрь – 15 декабрь), Валентин Гомес Фариас (1833–1834), Антонио Лопес де Санта-Анна (1834–1835), Мигель Барраган (1835–1836), Хосе Хусо Корро (1836–1837), Анастасио Бустаманте (1837–1839), Антонио Лопес де Санта-Анна (1839 йил 20 март – 10 июль), Николас Браво (1839 йил 10–19 июль), Анастасио Бустаманте (1839–1841), Франсиско Хавьер Эчеверрия (1841 йил 22 сентябрь – 10 октябрь), Антонио Лопес де Санта-Анна (1841–1842), Николас Браво (1842–1843), Антонио Лопес де Санта-Анна (1843 йил 4 март – 4 октябрь), Валентин Каналисо (1843–1844), Антонио Лопес де Санта-Анна (1844 йил 4 июнь – 12 сентябрь), Хосе Хоакин де Эррера (1844 йил 12–21 сентябрь), Валентин Каналисо (1844 йил 21 сентябрь – 6 декабрь), Хосе Хоакин де Эррера (1844–1845), Габриэль Валенсия (1845–1846), Мариано Паредес-и-Аррильяга (1846 йил 4 январь – 28 июль), Хосе Мариано Салас (1846 йил 5 август – 23 декабрь), Валентин Гомес Фариас (1846–1847), Антонио Лопес де Санта-Анна (1847 йил 21 март – 2 апрель), Педро Мария де Анайя (1847 йил 2 апрель – 20 май), Антонио Лопес де Санта-Анна (1847 йил 20 май – 15 сентябрь), Мануэль де ла Пенья-и-Пенья (1847 йил 26 сентябрь – 13 ноябрь), Педро Мария де Анайя (1847–1848), Мануаэль де ла пенья-и-Пенья (1848 йил 8 январь – 3 июнь), Хосе Хоакин де Эррера (1848–1851), Мариано Ариста (1851–1853),



www.ziyouz.com kutubxonasi

Хуан Баутиста Себальос (1853 йил 6 январь – 8 февраль), Мануэль Мария Ломбардини (1853 йил 8 февраль – 20 апрель), Антонио Лопес де Санта-Анна (1853–1855), Мартин Каррера (1855 йил 15 август – 12 сентябрь), Ромуло Диас де ла Вега (1855 йил 12 сентябрь – 3октябрь), Хуан Альварес (1855 йил 4 октябрь – 11 декабрь), Игнасио Комонфорт (1855–1858), Бенито Пабло Хуарес (1858–1872), Себастьян Лердо де Техада (1872–1876), Хосе Мария Иглесиас (1876–1877), Порфирио Диас (1876 йил ноябрь – декабрь), Хуан Непомусено Мендес (1876–1877), Порфирио Диас (1877–1880), Мануэль Гонсалес (1880–1884), Порфирио Диас (1884–1911), Франсиско Леон де ла бара (1911 йил 25 май – 6 ноябрь), Франсиско Игнасио Мадеро (1911—1913), Педро Ласкураин (1913 йил 18 февраль – 18 февраль), Хосе Викториано Уэрта Ортега (1913–1914), Франсиско Карбахал (1914 йил 15 июль – 13 август), Венустиано Карранса (1914–1920), Эулалио Гутьеррес (1914–1915), Роке Гонсалес Гарса (1915 йил 16 январь – 10 июнь), Франсиско Лагос Часаро (1915 йил 10 июнь – 10 октябрь), Адольфо де ла Уэрта (1920 йил 1 июнь – 30 ноябрь), Альваро Обрегон (1920–1924), Плутарко Элиас Кальес (1924–1928), Эмилио Портес Хиль (1928–1930), Паскуаль Артис Рубио (1930–1932), Абелардо Родригес (1932–1934), Ласаро Карденас (1934–1940), Мануэль Авила Камачо (1940–1946), Мигель Алеман Вальдес (1946–1952), Адольфо Руис Кортинес (1952–1958), Адольфо Лопес Матеос (1958–1964), Густаво Диас Ордас (1964–1970), Луис Эчеверрия (1970–1976), Хосе Лопес Портильо (1976–1982), Мигель де ла Мадрид (1982–1988), Карлос Салинас (1988–1994), Эрнесто Седильо (1994–2000), Висенте Фокс (2000–2006), Фелипе Инохоса Кальдерон (2006 йил 1 декабрдан).

**1824 – 1826 йиллар** – биринчи Англия – Бирма уруши. Буюк Британия Бирмани босиб олишга киришди.

**1825 йил 8 август** – Юқори Перу мустақил деб эълон қилинди ва машҳур инқилобчи Боливар шарафига Боливия



www.ziyouz.com kutubxonasi

Республикаси деб аталди. Симон Боливар мамлакатнинг биринчи президенти қилиб сайланди.

*Боливия Республикаси президентлари:* Симон Боливар (1825 йил 11 август – 1825 йил 29 декабрь), Антонио Хосе де Сукре (1826–1828), Хосе Мигель де Веласко (1828–1829), Андрес де Санта-Крус (1829–1839); Хосе Руйлова (1936–1937), Буш Бессера (1937–1939), Энрике Пеньяранда дель Кастильо (1940–1943), Гуальберто Вильярроэля (1943–1946), Хосе Гарансабаль (1947–1949), Мамерто Урриолагоития (1949–1951), Виктор Пас Эстенсоро (1951–1952); Эрнан Силес Суасо (1956–1960), Виктор Пас Эстенсоро (1960–1964), Рене Барьентос Ортуньо (1964–1966), Луис-Адольфо Силес Салинас (1966 йил 2 январь – 6 август), Рене Барьентос Ортуньо (196 –1969), Луис Адольфо Силес Салинас (1969 йил 27 апрель – 26 сентябрь), Альфредо Овандо Кандиа (1969–1970), Хуан Хосе Торрес (1970 –1971), Уго Бансера (1971–1978), Хуан Переда Асбун (1978 йил 9 июль – 24 ноябрь), Давид Падилья Арасибиа (1978–1979), Вальтер Гевара Арсе (1979–1980), Луисом Месой Техадой (1980–1981), Сельсо Торрелио Вилья (1981–1982), генерал Вильдосо Кальдерон (1982 йил июль – октябрь), Эрнаном Силесом Суасо (1982–1985), Виктор Пас Эстенсоро (1985–1989), Хайме Пас Самора (1989–1997), Уго Бансер (1997–2001), Гонсало Санчес де Лосада (2002–2003), Карлос Диего Меса Гисберт (2003–2005), Эдуардо Родригес (2005–2006), Эво Моралес (2006 йил 22 январдан).

**1825 йил 25 август** – Уругвай ватанпарварлари Хуан Антонио Лавальеха раҳбарлигида кураш бошладилар ва Шарқий соҳил Португалия билан Бразилиядан озод қилиниб, Уругвай мустақил деб эълон қилинди.

**1825 йил 25 август – 1828 йил 1 декабрь** – Хуан Антонио Лавальеханинг Уругвайда президентлик даври.

**1825 йил 14 декабрь** – Россияда декабристлар қўзғолони.

**1825 йил** – дунёда биринчи темир йўл Буюк Британияда қурилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1825 йил** – Буюк Британия парламенти иш ташлашда қатнашишни тақиқловчи қонун қабул қилди.

**1825–1855 йиллар** – Россияда император Николай I ҳукмронлиги даври.

**1825 йил 6 ноябрь – 1898 йил 3 август** – француз архитектори Жан Луи Шарль Гарнье яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1826 йил** – Усмонли турк империясида яничарлар корпуси тугатилди.

**1826 йил** – Эрон – Россия урушида Эрон енгилди. Икки давлат ўртасида 1828 йили имзоланган Туркманчой шартномасига кўра, Россиянинг Кавказдаги мавқеи янада мустаҳкамланди ва у Шарқий Арманистонни эгаллади.

**1826 йил** – Аргентина мустақил республика деб эълон қилинди.

**1826 йил** – Ла-Плата бирлашган провинциялари Аргентина Федератив Республикаси тузилганлигини эълон қилди. Аргентина испанлар мустамлакаси бўлган. Испанлар бу мамлакатни Рио-де-Ла-Плата (испанча кумуш) дарёси номи билан Ла-Плата деб атаганлар.

*Аргентина Республикаси президентлари:* Бернардино де ла Тринидад Гонсалес Ривадавия (1826–1827), Алехандро Висенте Лопес Планес (1827 йил 7 июль – 18 август; в.б.), генерал Мануэль Доррего (1827–1828), генерал Хуан Мануэль Хосе Доминго Ортис де Росас (1829–1832), Хуан Рамон Гонсалес де Балькарсе (1832–1833), Хуан Хосе Вьямонте Гонсалес (1833–1834), Мануэль Висенте Маса (1834–1835), генерал Хуан Мануэль Хосе Доминго Ортис де Росас (1835–1852), генерал Хусто Хосе де Уркиса (1852–1860), Сантьяго Рафаэль Луис Мануэль Хосе Мария Дерки Родригес (1860–1861), Хуан Эстебан Педернера (1861 йил 5 ноябрь – 12 декабрь; в.б.), генерал Бартоломе Митре Мартинес (1862–1868), Доминго Фаустино Сармьенто (1868–1874), Николас Аурелио Авельянеда Сильва (1874–1880), Генерал Алехо Хулио Архентино Рока Пас (1880–1886), Мигель Хуарес Сельман (1886–1890), Кар-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лос Энрике Хосе Пеллегрини Беванс (1890–1892), Луис Саэнц Пенья Давила (1892–1895), доктор Хосе Эваристо де Урибуру (1895–1898), генерал Алехо Хулио Архентино Рока Пас (1898–1904), Мануэль Кинтана Саэнс де Гаона (1904–1906), Хосе Фигейрона Алькорта (1906–1910), Роке Саэнс Пенья Лаитте (1910–1914), доктор Викторино де ла Плаза Паласиос (1914–1916); доктор Хуан Иполито Ирогойен (1916–1922), доктор Максимо Марсело Торквато де Альвеар Пачеко (1922–1928), доктор Хуан Иполито Ирогейен (1928–1930), генерал Хосе Феликс Бенито Урибуру (1930–1932), генерал Агустин Педро Хусто Ролон (1932–1938), доктор Хайме Херардо Роберто Марселино Мария Ортис Лисарди (1938–1942), доктор Рамон Кастильо Баррионуэво (1942–43), генерал Артуро Роусон Корвалан (1943 йил 4–7 июнь), Педро Пабло Рамирес Мачука (1943–1944), Эдельмиро Хулиан Фаррелл (1944–1946), полковник Хуан Доминго Перрон (1946–1955), Хосе Доминго Молина Гомес (1955 йил 21–23 сентябрь), генерал Эдуардо Лонардо Дусет (1955 йил сентябрь – ноябрь), генерал Педро Эухенио Арамбуру Сильвети (1955–1958), доктор Артуро Фрондизи Эрколи (1958–1962), доктор Хосе Мария Гуидо (1962–1963), доктор Артуро Умберто Иллиа (1963–1966), генерал Хуан Карлос Онганиа Карбальо (1966–1970), Педро Альберто Хосе Гнави (1970 йил 8–18 июнь), генерал Роберто Марсело Левингстон Лабарда (1970–1971), генерал Алехандра Агустин Лануссе Хелли (1971–1973), доктор Эктор Хосе Кампора Демаэстре (1973 йил май–июль), Рауль Альберто Ластири (1973 йил июль–октябрь), генерал Хуан Доминго Перрон де ла Соса (1973–1974), Изабель Мария Эстела Мартинес де Перрон (1974–1976), генерал Хорхе Рафаэль Видела Редондо (1976–1980), Роберто Эдуардо Виола Превидини (1980–1981), Карлос Альберто Лакосте (1980–1981), Леопольдо Фортунатто Гальтери Кастелли (1981–1982), Альфредо Оскар Сен-Жан (1982 йил июнь–июль), Рейнальдо Бенито Антонио Биньоне Рамайон (1982–1983); Рауль Риккардо Альфонсин Фулькес



www.ziyouz.com kutubxonasi

(1983–1989), Карлос Сауль Менем Акиль (1989–1999), Фернандо де ла Руа Бруно (1999–2001), Федерико Рамон Пуэрта (2001 йил 21–23 декабрь), Адольфо Родригес Саа Паэс Монтеро (2001 йил 21–31 декабрь), Эдуардо Оскар Каманьо (2001–2002), Эдуардо Альберто Дуальде Мальдонадо (2002–2003), Нестор Карлос Киршнер Остоич (2003–2007), Кристина Элизабет Фернандес де Киршнер (2007 йил 10 декабрдан).

**1826 йил** – Дўст Муҳаммадхон Афғонистон тахтини эгаллади ва ўзини амир деб эълон қилди.

**1827 йил** – Лондонда Буюк Британия, Франция ва Россия ўртасида Грецияга мухторият ҳуқуқи берилишини кўзда тутувчи битим имзоланди.

**1828 йил** – Францияда (Сент-Этьен ва Андрезьё ўртасидаги 18 км) дастлабки темир йўл линияси қурилди.

**1828–1829 йиллар** – АҚШда Демократлар партияси ташкил топди.

**1828–1829 йиллар** – Россия – Туркия уруши. Уруш тугагач, Адрионополь тинчлик шартномаси имзоланди. Шартномага кўра, Грузия ва Арманистоннинг бир қисми, Қора денгизнинг шимоли-шарқий қисми Россияга берилди.

**1828 йил 20 март – 1906 йил 23 май** – машҳур норвег драматурги Генрик Ибсен яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1829–1852 йиллар** – генерал Хуан Мануэль Хосе Доминго Ортис де Росаснинг Аргентинада диктаторлик даври. Бу ҳолат мамлакат яхлитлигини сақлаб қолди.

**1830 йил 27–29 июль** – Францияда Июль революцияси. Қирол Карл V қочиб кетди ва ҳокимият тепасига Луи Филипп I келди.

**1830 йил 4 октябрь** – Бельгия мустақиллиги эълон қилинди.

**1830 йил** – Франция Жазоирни босиб олди.

**1830 йил** – Франция қироли мамлакат парламентини тарқатиб юборди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1830 йил** – Греция мустақиллиги эълон қилинди. Европадаги буюк давлатлар Усмонлилар империясига тазйиқ ўтказиб, Критдан ташқари ҳудудда Греция мустақиллигини тан олдиришди.

**1830 йил** – Қўшма Штатларда Бешта маданиятли ҳинду қабилалари федерацияси мажбурий равишда Миссисипи (Оклохома) ортига кўчирилди.

**1830 йил** – Буюк Колумбия федератив республикаси парчаланди ҳамда Венесуэла, Эквадор ва Янги Гранада (Панама билан бирга) мустақил давлатлари ташкил топди. [1831–1863 йилларда ҳозирги Колумбия Республикаси Янги Гранада, 1863 – 1886 йилларда Колумбия Қўшма Штатлари деб аталди. 1886 йилдан Колумбия Республикаси деб номланган.]

*Колумбия Республикаси президентлари:* Доминго Кайседо (1831 йил 21–23 ноябрь), Хосе Мария Обандо (1831–1832), Франсиско де Паула Сантандер (1832–1837), Хосе Игнасио де Маркес (1837–1841), Педро Альсантара Херран Зальдуа (1841–1845), Томас Киприано де Москера (1845–1849), Хосе Хиларио Лопес (1849–1853), Хосе Мария Обандо (1853–1854), Мануэль Мария Малларино (1855–1857), Мариано Оспина Родригес (1857–1861), Томас Киприано де Москера (1861 – 1863); Томас Киприано де Москера (1863–1864), Мануэль Мурилло Торо (1864–1866), Томас Киприано де Москера (1866–1867), Сантос Акоста (1867–1868), Сантос Гутиеррес (1868–1870), Эусторгио Сальгар (1870–1872), Мануэль Мурилло Торо (1872–1874), Сантьяго Перес (1874–1876), Акилео Парра (1876–1878), Хулиан Трихильо Лаграча (1878–1880), Рафаэль Нусес (1880–1882), Хосе Эусебио Отталора (1882–1884); Рафаэль Нусес (1884–1894), Мигуэль Антонио Каро (1894–1898), Мануэль Антонио Санклементе (1898–1902), Рафаэль Рейес (1904–1909), Рамон Гонсалес Валенсиа (1909–1910), Карлос Е. Рестрепо (1910–1914), Хосе Висенте Конча (1914–1918), Марко Фидель Суарес (1918–1922), Пелро Нел Оспина (1922–1926), Мигуэль Абадиа Мендес (1926 –



www.ziyouz.com kutubxonasi

1930), Энрике Олайа Херрера (1930–1934), Альфонсо Лопес Пумарехо (1934–1938), Эдуардо Сантос Монтехо (1938–1942), Альфонсо Лопес Пумарехо (1942–1945), Альберто Ллерас Камарго (1945–1946), Луис Мариано Оспина Перес (1946–1950), Лауреано Элеутерио Гомес Кастро (1950–1951), Роберто Урданета Арбелаэс (1951–1953), Густаво Рохас Пинилла (1953–1957), Габриэль Парис Гордилло (1957–1958), Альберто Ллерас Камарго (1958–1962), Гиллермо Леон Валенсиа Мукос (1962–1966), Карлос Ллерас Рестрепо (1966–1970), Мисаэль Эдуардо Пастрана Борреро (1970–1974), Альфонсо Лопес Микельсен (1974–1978), Хулио Цезарь Турбай Айала (1978–1982), Белисарио Бетанкур (1982–1986), Виргилио Варгас (1986–1990), Цезарь Аугусто Гавирия Трухильо (1990–1994), Эрнесто Сампер Пизано (1994–1998), Андрес Пастрана Аранго (1998–2002), Альваро Урибе Велес (2002 йилдан).

**1830 йил** – Венесуэла мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Венесуэла Республикаси президентлари:* Хосе Антонио Паэс (1830–1835), Хосе Мария Варгас (1835–1836), Карлос Нарварте (1836–1837), Хосе Мария Карреньо (1837–1839), Карлос Соублетте (1837–1839), Хосе Антонио Паэс (1839–1843), Карлос Соублетте (1843–1847), Хосе Тадео Монагас (1847–1851), Хосе Грегорио Монагас (1851–1855), Хосе Тадео Монагас (1855–1858), Педро Гуаль (1858), Хулиан Кастро (1858–1859), Педро Гуаль (1859), Мануэль Фелипе Товар (1859–1861), Педро Гуаль (1861), Хосе Антонио Паэс (1861–1863), Хуан Крисостомо Фалькон (1863–1868), Мануэль Изеккиель Мануаль (1868), Жульемо Тель Вильегас (1868–1869), Хосе Тадео Монагас (1869–1870), Жульемо Тель Вильегас (1870), Антонио Гузман Бланко (1870– 1877), Франсиско Линарес Алькантара (1877–1878), Хосе Грегорио Валера (1878), Антонио Гузман Бланко (1879–1884), Хоакин Креспо (1884–1886), Антонио Гузман Бланко (1886–1887), Гермогенес Лопез (1887–1888), Хуан Пабло Рохас Пауль (1888–1890), Рай-



www.ziyouz.com kutubxonasi

мундо Андуеза Паласио (1890–1892), Жульемо Тель Вильегас (1892), Хоакин Креспо (1892–1898), Игнасио Андраде (1898–1899), Чиприано Кастро (1899–1908), Хуан Висенте Гомес (1908–1935), Витторино Маркес Бустильос (1914–1922), Хуан Висенте Гомес (1922–1929), Хуан Батиста Перес (1929–1931), Хуан Висенте Гомес (1931–1935), Элеасар Лопес Контрерас (1935–1941), Исайас Медина Ангарита (1941–1945), Ромуло Бетанкур (1945–1948), Ромуло Гальегос (1948), Карлос Дельгадо Чальбо (1948–1950), Герман Суарес Фламерих (1950–1952), Маркос Перес Хименес (1952–1958), Вольфганг Ларрасабал (1958–1959), Эдгар Санабриа (1959), Ромуло Бетанкур (1959–1964), Рауль Леони (1964–1969), Рафаэль Кальдера (1969–1974), Карлос Андрес Перес (1974–1979), Луис Эррера Кампинс (1979–1984), Хайме Лусинчи (1984–1989), Карлос Андрес Перес (1989–1993), Рамон Хосе Веласкес (1993–1994), Рафаэль Кальдера (1994–1999), Уго Чавес Фриас (1999–2002), Диосдадо Кабелло (2002), Уго Чавес Фриас (2002 йилдан).

**1830 йил** – мустақил Уругвай Шарқ Республикаси эълон қилинди.

*Уругвай Шарқ Республикаси [Уругвай] президентлари:* 1. Фруктуосо Ривера (1830–1834). 2. Мануэль Орибе (1835–1838). 3. Фруктуосо Ривера (1838–1843). 4. Хуан Франсиско Хиро (1852–1853). 5. Венансио Флорес (1854–1855). 6. Габриэль Антонио Перейра (1856–1860). 7. Бернардо Пруденсио Берро (1860–1864); Венансио Флорес (1865–1868; диктатор). 8. Лоренсо Батлье (1868–1872). 9. Хосе Эухенио Эльяури (1873–1875). 10. Педро Варела (1875–1876). 11. Лоренсо Латорре (1876–1880). 12. Франсиско Антонио Видаль (1880–1882). 13. Максимо Сантос (1882–1886). 14. Франсиско Антонио Видаль (1886 йил март – май). 15. Максимо Тахес (1886–1890). 16. Хулио Эррера-и-Обес (1890–1894). 17. Хуан Идиарте Борда (1894–1897). 18. Хуан Линдольфо Куэстас (1897–1903). 19. Хосе Батлье-и-Ордоньес (1903–1907). 20. Клаудио Вильиман (1907–1911). 21. Хосе Батлье-и-Ордоньес (1911–1915).



www.ziyouz.com kutubxonasi

22.Фелисиано Вьера (1915–1919). 23. Бальтасар Брум (1919–1923). 24. Хосе Серрато (1923–1927). 25. Хуан Кампистегуй (1927–1931). 26. Габриэль Терра (1931–1938). 27. Альфредо Бальдомир (1938–1943). 28. Хуан Хосе де Амесага (1943–1947). 29. Томас Берета (1947 йил март – август). 30. Луис Батлье Беррес (1947–1951). 31. Андрес Мартинес Труэба (1951–1952). 32. Оскар Хестидо (1967 йил март – декабрь). 33. Хорхе Пачеко Ареко (1967–1972). 34. Хуан Мария Бордаберри (1972–1973). Хуан Мария Бордаберри (1973–1976). Апарисио Мендес (1976–1981). Грегорио Альварес (1981–1985). 35. Хулио Мария Сангинетти (1985–1990). 36. Луис Альберто Лакалье (1990–1995). 37. Хулио Мария Сангинетти (1995–2000). 38. Хорхе Батлье (2000–2005). 39. Табаре Васкес (2005–2010). 40. Хосе Мухика (2010 йил 1 мартдан).

**1830 йил** – Буюк Колумбия таркибида бўлган Кито вилояти мустакил давлатга айланди ва Эквадор Республикаси деб номланди.

*Эквадор Республикаси президентлари:* 1.Хуан Хосе Флорес (1830–1834; 1839–1845). 2. Висенте Рокафуэрту Родридес (1834–1839; 1845–1849). 3. Хосе Хоакин Эфрасион де Ольтедо (1845 йил 18 июнь – 8 декабрь). 4. Мануэл де Аскасуби Мазеу (1849–1850). 5. Диего Мария де Набоа Артета (1850–1851). 6. Хосе Мария Мариано Сегундо (1851–1856). 7. Франциско Роблес Гарсия (1856–1859). 8. Габриел Григорио Гарсия Морено (1859–1865; 1869–1875). 9. Жеронимо Каррион Паласио (1865–1867). 10. Педро Хосе де Артета Калисто (1867–1868). 11. Хосе Мануэл Франциско Хавиер (1868–1869). 12. Антонио Мария Висента Наркисо (1875–1876). 13. Марио Игнасио Франциско Томас (1876–1883). 14. Хосе Эллой Альфаро Дельгадо (1883 йил февраль –октябрь; 1895–1901; 1906–1911). 15. Хосе Мария Пласидо де ла Тринидад (1883–1888). 16. Антонио Флорес Хихон (1888–1892). 17. Луис Кордеро Среспо (1892–1895). 18. Леонидас Плаза Гутиеррес (1901–1905; 1912–1916). 19. Лизардо Гарсия Сорроза (1905–1906). 20.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Флавио Эллой Альфаро Сантана (1911–1912). 21. Альфредо Бакуеризо Морено (1916–1920; 1931–1932). 22. Хосе Луис Томас Теран (1920–1924). 23. Гонзало Сегундо Кордова Ривера (1924–1925). 24. Луис Тельмо Паз Мино Эстрелла (1925–1926). 25. Умберто Альборнос Санхез (1926 йил январь – март). 26. Исидро Аеро Куева (1926–1931). 27. Луис Альберто Ларреа Алба (1931 йил август – октябрь). 28. Хуан де Диос Мартинез Мера (1932–1933). 29. Абелардо Монтальво Ибарра (1933–1934). 30. Хосе Мария Веласко Ибарра (1934–1935; 1944–1947; 1952–1956; 1960–1961; 1968–1972). 31. Федерико Паез Хирибога (1935–1937). 32. Хил Альберто Энрикес Гало (1937–1938). 33. Аульеро Москуеро Нарваез (1938–1939). 34. Андрес Фернандес де Кордова Нието (1939–1940). 35. Карлос Альберто Аррео де Рио (1940–1944). 36. Карлос Хулио Аросемента Тола (1947–1948). 37. Хало Линколн Плаза Лассо де ла Вега (1948–1952). 38. Камило Понсе Энрикуес (1956–1960). 39. Карлос Хулио Аросемена Монрой (1961–1963). Роман Кастро Хихон (1963–1966). 41. Отто Аросемена Гомес (1966–1968). 42. Гульермо Родригес Лора (1972–1976). 43. Альфредо Эрнесто Роведа Бурбано (1976–1979). 44. Хайме Рольдес Агилера (1979–1981). 45. Освальдо Уртадо Ларреа (1981–1984). 46. Лион Эстебан Кордеро (1984–1988). 47. Родриго Хавиер Ворха Кеваллос (1988–1992). 48. Сихто Альфонсо Дуран Вален (1992–1996). 49. Абдалла Хайме Букарам Ортиз (1996–1997). 50. Фабиан Эрнесто Алерсон Ривера (1997–1998). 51. Хорхе Хамил Махуад Уайт (1998–2000). 52. Густаво Хосе Нобоа Бехарано (2000–2003). 53. Лусио Эдвин Гутиеррос Борбуа (2003–2005). 54. Луис Альфредо Паласио Гонсалес (2005–2007); 55. Рафаэль Корреа (2007 йил 15 январдан).

**1830 – 1837 йиллар** – Буюк Британияда қирол Вильгельм IV нинг ҳукмронлик даври. Бу пайтда Пальмерстон Генри Темпль ташқи ва ички ишлар министри, премьер-министр сифатида катта ҳокимиятни эгаллаб олди.

**1830 – 1848 йиллар** – Францияда июль монархияси.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Июль монархияси даври (1830–1848) Франция премьер-министрлари:* герцог де Брольи Виктор (1830 йил август – ноябрь; 1835–1836), Жак Лаффит (1830–1831), Казимир Пьер Перье (1831–1832), герцог Далматский Никола Жан де Дьё Сульт (1832–1834; 1839–1840; 1840–1847), граф Жерар Этьенн-Морис (1834 йил июль– ноябрь), герцог де Бассано Юг Маре (1834 йил 10–18 ноябрь), герцог де Тревизо Эдуар Мортье (1834–1835), Адольф Тьер (1836 йил февраль – сентябрь; 1840 йил март – октябрь), граф Моле Луи (1836–1839), Франсуа Гизо (1847–1848), граф Моле Луи (1848 йил 23–24 февраль).

**Тахминан 1830–1850 йиллар** – Англияда 10.000 км темир йўл қурилди. Индустрлаштиришнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи сифатида темир йўл тўқимачилик саноати ўрнини эгаллади.

**Тахминан 1830–1880 йиллар** – Лотин Америкасидаги ёш давлатлар адабиётида романтизм гуллаб-яшнади.

**1831 йил 21 июль** – Бельгия Қироллиги мустақиллика эришди ва қирол Леопольд I конституцияга содиқлик ҳақида қасамёд қабул қилди.

*Бельгия Қироллиги қироллари:* Леопольд I (1831–1865), Леопольд II (1865–1909), Альберт I (1909–1934), Леопольд III (1934–1951), Бодуэн I (1951–1993), Альберт II (1993 йилдан).

*Бельгия Қироллиги премьер-министрлари:* Этьен Константин де Герлах (1831 йил 26 февраль – 4 март), Жозеф Лебо (1831; 1840–1841), Феликс де Мюленаре (1831–1832), Альбер Жозеф Гобле д'Альввелла (1832–1834), Бартелеми Теодор де Тё де Мейландт (1834–1840; 1846–1847), Жан-Батист Нотомб (1841–1845), Сильвен ван де Вейер (1845–1846), Шарль Рожье (1847–1852; 1857–1868), Анри де Бруккер (1852–1855), Пьер де Деккер (1855–1857), Вальтер Фрер-Орбан (1868–1870; 1878–1884), Жюль д'Анетан (1870–1871), Жюль Малу (1871–1878), Огюст Бернарт (1884–1894), Жюль де Бюрле (1894–1896), Поль де Смет де Нейер (1896–1907), Жюль де Троз (1907–1908),



www.ziyouz.com kutubxonasi

Франсуа Схолларт (1908–1911), Шарль де Броквиль (1911–1918; 1932–1934), Жерар Кореман (1918 йил июнь – ноябрь), Леон Делакруа (1918–1920), Анри Картон де Виарт (1920–1921), Жорж Тейнис (1921–1925; 1934–1935), Алоис ванде Вейвере (1925 йил май – июнь), Проспер Пуле (1925–1926), Анри Жаспар (1926–1931), Жюль Ренкин (1931–1932), Пауль ван Зееланд (1935–1937), Поль-Эмиль Янсон (1937–1938), Поль-Анри Спаак (1938–1939; 1947–1949), Юбер Пьерло (1939–1945), Ахилл ван Аккер (1945–1946; 1946 йил март – август; 1954–1958), Камиль Гюисманс (1946–1947), Гастон (1949–1950; 1958–1961; 1968–1973), Жан Дювьёсар (1950 йил июнь – август), Жозеф Фольен (1950–1952), Жан ван Хутте (1952–1954), Теодор Лефевр (1961–1965), Пьер Армель (1965–1966), Поль ван ден Буйнантс (1966–1968; 1978–1979), Эдмон Лебюртон (1973–1974), Лео Тиндеманс (1974–1978), Вильфрид Мартенс (1979–1981; 1981–1992), Марк Эйскенс (1981 йил март – декабрь), Жан-Люк Дехане (1992–1999), Ги Верхофстадт (1999–2008), Ив Летерм (2008 йил март – декабрь), Херман ван Ромпёй (2008–2009), Ив Летерм (2009 йил 25 ноябрдан).

**1831 йил октябрь** – Варшавада кўтарилган қўзғолон Россия томонидан бостирилди.

**1831 йил** – Лондонда бўлган конференция Бельгия мустақиллигини тан олди. Давлатнинг биринчи ҳукмдори Леопольд I (ҳукмронлик даври: 1831–1865) бўлди.

**1831 йил** – Иброҳим пошо (Муҳаммад Алининг ўғли) усмонлилар сулоласидан Сурия ва Ливанни тортиб олди.

**1831 йил** – Лион шаҳрида тўқимачилар қўзғолон кўтаришди.

**1831 йил** – Жузеппе Мадзини Ёш италияликлар яширин ташкилотини ташкил қилди.

**1831–1889 йиллар** – Бразилияда Педру II нинг ҳукмронлик даври.

**1832 йил** – Усмонли турк султони Маҳмуд II Занзибарни эгаллади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1832 йил** – Буюк Британияда парламент ислоҳоти ўтказилди. Ислоҳот парламентдаги сайлов тартибини ўзгартирди. Унга кўра, йирик саноат марказларига парламентдан 144 ўрин ажратиб берилди. Буржуазия вакилларининг ҳуқуқлари кенгайтирилди.

**1832–1847 йиллар** – Жазоирда Абдул Қодир французларнинг босқинчилик сиёсатига қарши курашга раҳбарлик қилди.

**1833 йил** – Францияда бошланғич маълумот тўгрисида Франсуа Пьер Гийом Гизо (1787–1874) қонуни қабул қилинди.

**1833 йил** – Рус флоти Босфор бўғозига кирди.

**1834 йил** –Лион шаҳридаги тўқувчиларнинг янги қўзғолони.

**1834 йил** – Ёш Германия жамияти ташкил топди.

**1834–1848 йиллар** – Эронда Муҳаммадшоҳнинг ҳукмронлик даври. Бу пайтда бобийлар диний ҳаракати кенг тарқалди.

**1834–1919 йиллар** – немис табиатшуноси Эрнст Геккель яшаган ва фаолият кўрсатган давр. У ўз тажрибаларида ҳайвонлар қардош гуруҳларининг ўзаро тарихий богланишини аниқлади.

**1836 йил** – Лондон шаҳрида ишчилар «Умумий сайлов ҳуқуқи учун кураш ишчи Ассоциацияси»ни туздилар.

**1836 йил** – Германияда Одиллар иттифоқи ташкил топди.

**1837–1901 йиллар** – Буюк Британияда қиролича Виктория (1819 –1901)нинг ҳукмронлик даври. (У 1876 йил Ҳиндистон императрицаси деб эълон қилинди). Тарихчилар бу даврга «Виктория асри» деб ном беришган. Саноати яхши ривожланган Англия бу пайтда дунёдаги энг қудратли мустамлакачи давлатга айланди.

**1837–1838 йиллар** – Юқори Канада ва Қуйи Канадада қўзғолон кўтарилди.

**1839 йил** – Марказий Америка Федерацияси парчаланиб, Гватемала, Гондурас, Никарагуа, Сальвадор ва Коста-Рика давлатлари ажралиб чиқди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Гватемала Республикаси президентлари:* Мариано Ривера Пас (1839–1842), Хосе Рафаэль Каррера Турсиос (1851–1865), Мариано де Айсинена-и-Пиньоль (1865 йил апрель – май), Венсенте Серна Сандоваль (1865–1871), Миғель Гарсиа Гранадос (1871–1873), Хусто Руфино Барриос Ауйон (1873–1885), Алехандро Синибальди (1885 йил 2–5 апрель), Мануэль Лисандро Барильяс Берсиан (1885–1892), Хосе Мария Рейна Барриос (1892–1898), Мануэль Хосе Эстрада Кабрера (1898–1920), Карлос Эррера-и-Луна (1920–1921), Хосе Мариа Орельяна Пинто (1921–1926), Ласаро Чакон Гонсалес (1926–1931), Хосе Мариа Рейна Андраде (1931 йил 2 январь – февраль), Хорхе Убико-и-Кастаньеда (1931–1944), Хуан Федерико Понсе Вайдес (1944 йил июль – октябрь); Хакобо Арбенс Гусман (1951–1954), Карлос Энрике Диас (1954 йил 27–28 июнь); Хосе Мигель Идигорас Фуэнтес (1958–1963), Альфредо Энрике Перальта Асурдия (1963–1966), Хулио Сесар Мендес Монтенегро (1966–1970), Карлос Мануэль Арана Осорио (1970–1974), Кьель Эухенио Лаугеруд Гарсиа (1974–1978), Фернандо Ромео Лукас Гарсия (1978–1982), Хосе Эфраин Риос Монтт (1982–1983), Оскар Умберто Мехиа Викторес (1983–1986), Марко Винисио Induced Сересо Аревало (1986–1991), Хорхе Антонио Серрано Элиас (1991–1993), Густаво Адольфо Эспина Салгеро (1993 йил 1–5 июнь), Рамиро де Леон Карпио (1993–1996), Альваро Энрике Арсу Иригойен (1996–2000), Альфонсо Антонио Портильо Кабрера (2000–2004), Оскар Бергер Пердомо (2004–2008), Альваро Колом Кабальерос (2008 йил 14 январдан).

**1839 йил** – инглиз армияси Кобул шаҳрини эгаллади. Тахтга дурронийлар сулоласининг вакили Шужу ўтказилди.

**1839–1897 йиллар** – машҳур афғонистонлик мутафаккир Шайх Саййид Жамолиддин ал-Афғоний яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1839–1921 йиллар** – рус олими Дмитрий Константинович Чернов яшаган ва фаолият кўрсатган давр. У металлургия фанига асос солган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1839–1842 йиллар** – Биринчи инглиз-афғон уруши. Уруш Англиянинг мағлубияти билан тугади.

**1839–1861 йиллар** – Усмонли турк султони Абдулмажиднинг ҳукмронлик даври. У мамлакатда Танзимат (ислоҳотлар) ўтказди.

**1840 йил** – Усмонли турклар империясининг «ҳудудий яхлитлиги ва мустақиллигини» таъминлаш устидан назорат ўрнатиш тўғрисида битим имзоланди.

**1840 йил 6 февраль** – Англия Янги Зеландияни ўз мустамлакасига айлантирди. Кейинчалик Янги Зеландия доминион мақомини олди (1907 йил). Давлат бошлиғи – Буюк Британия қироличаси, унинг номидан генерал-губернатор давлатни бошқаради.

*Янги Зеландия генерал-губернаторлари:* Уильям Гобсон (1840–1842), Роберт Фиц Рой (1843–1845), Жорж Эдвард Грей (1845–1853; 1861–1868), Томас Гор Браун (1855–1861), Жорж Фергюсон Боуэн (1868–1873), Жеймс Фергюссон (1873–1874), Жорж Фипс (1875–1879), Геркулес Робинсон (1879–1880), Артур Гамильтон-Гордон (1880–1882), Уильям Жервойс (1883–1889), Уильям Онслоу (1889–1892), Дэвид Бойл (1892–1897), Юктер Нокс (1897–1904), Уильям Планкет (1904–1910), Жон Диксон (1910–1912), Артур Фольямбе (1912–1920), Жон Желлико (1920–1924), Чарльз Фергюссон (1924–1930), Чарльз Бэтхерст (1930–1935), Жорж Монктон-Арунделл (1935–1941), Сирил Ньюолл (1941–1946), Бернард Фрейберг (1946–1952), Чарльз Норри (1952–1957), Чарльз Литтелтон (1957–1962), Бернард Фергюссон (1962–1967), Артур Поррит (1967–1972), Денис Бланделл (1972–1977), Кит Холиок (1977–1980), Дэвид Битти (1980–1985), Пол Ривз (1985–1990), Кэтрин Тизард (1990–1996), Майкл Харди Бойз (1996–2001), Сильвия Картрайт (2001–2006), Ананд Сатьянанд (2006 йилдан).

**1840–1842 йиллар** – Биринчи афюн уруши. Буюк Британия империяси Хитойга қарши курашди. Уруш натижасида Хитой Гонконгдан ажралди ва 5 та портини афюн ташиш учун очиб берди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1840–1896 йиллар** – машҳур рассом Жен Бонян яшаган ва фаолият кўрсатган давр. У ипак матога расм солишнинг қулай усулини яратди.

**1840 йил 7 ноябрь – 1901 йил 9 ноябрь** – Александр Онуфриевич Ковалевский яшаган ва фаолият кўрсатган давр. У Илья Ильич Мечников (1845.03.05–1916.02.07) билан бирга эволюцион эмбриологияга асос солди.

**1840–1913 йиллар** – халқаро ишчилар ҳаракатининг йирик вакили Август Бебель яшаган йиллар.

**1841 йил** – Сальвадор мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Эль-Сальвадор Республикаси [Сальвадор] президентлари:* Хуан Линдо (1841–1842), Хуан Хосе Гусман (1842–1844), Франсиско Малеспин (1844–1845), Хокин Эуфрасио Гусман (1845–1846), Эудженио Агилар (1846–1848), Доротео Васконселос (1848–1850), Доротео Васконселос (1850–1851), Франсиско Декас (1851–1852), Франсиско Декас (1852–1854), Хосе Мария Сан Мартин (1854–1856), Рафаэль Кампо (1856–1858), Мигуэль Сантин дель Кастилльо (1858–1859), Герардо Баррьос (1859–1863), Франсиско Декас (1863–1871), Сантьяго Гонсалес (1871–1876), Рафаэль Зальдивар (1876–1885), Франсиско Менендес (1885–1890), Карлос Эзета (1890–1894), Рафаэль Антонио Гутиеррес (1894–1898), Томас Регаладо (1898–1903), Педро Хосе Эскалон (1903–1907), Фернандо Фигейро (1907–1911), Мигуель Энрике Аройо (1911–1913), Карлос Мелендес (1913–1914), Карлос Мелендес (1915– 1918), Альфонсо Кисонес Молина (1918–1919), Хорхе Мелендес (1919–1923), Альфонсо Кисонес Молина (1923–1927), Рио Ромеро Боске (1927–1931), Артуро Аройо (1931 йил 1 март– 4 декабрь); Максимилиано Эрнандес Мартинес (1931–1934; 1935–1944), Андрес Игнасио Менендес (1934–1935; 1944 йил май – октябрь; в.б.), Осмин Агуирре-и-Салинас (1944–1945), Сальвадор Кастанеда Кастро (1945–1948); Оскар Осорио Эрнандес (1950–1956), Хосе Мария Лемус Лопес (1956–1960); Эусебио Родольфо Кордон Сеа (1962 йил январь – июль; в.б.), Хулио Адальберто Ривера Карбалльо (1962–1967),



www.ziyouz.com kutubxonasi

Фидель Санчес Эрнандес (1967–1972), Артуро Армандо Молина Барраза (1972–1977), Карлос Умберто Ромеро Мена (1977–1979); Альваро Альфредо Магака Борха (1982–1984), Хосе Наполеон Дуарте Фуентес (1984–1989), Альфредо Феликс Кристиани Буркард (1989–1994), Армандо Кальдерон Сол (1994–1999), Франсиско Гиллермо Флорес Перес (1999–2004), Антонио Сака (2004–2009), Маурисио Фунес (2009 йил 1 июндан).

**1841 йил** – Буюк Британия Эроннинг оғир аҳволидан фойдаланиб, асоратли шартномани имзолашга мажбур этди.

**1841 йил** – Кобул аҳолиси инглизларга қарши қўзғолон кўтарди. Бу қўзғолонга Дўст Муҳаммадхоннинг ўғли Акбаршоҳ бошчилик қилди.

**1841–1929 йиллар** – француз давлат арбоби Жорж Клемансо яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1841–1843 йиллар** – Японияда Тэмпо ислоҳотлари.

**1842 йил** – инглиз физиги Жеймс Прескотт Жоуль (1818–1889) ва немис физиги Юлиус Роберт Майер (1814–1878) тажрибалар йўли билан энергиянинг сақланиш қонунини асослаб бердилар.

**1842 йил** – Буюк Британия қўшини Афғонистондан чиқиб кетди. Шу тариқа биринчи афғон – инглиз уруши Буюк Британиянинг мағлубияти билан тугади.

**1842 йил** – Англияда чартистлар ҳаракати авжига чиқди (чартистлар – ишчиларнинг сиёсий ҳаракати бўлиб, 1836 йил ташкил топган).

**1842 йил** – Афғонистонда Дўст Муҳаммадхоннинг амирлик ҳокимияти қайта тикланди.

**1843 йил** – «Ост-Индия» компанияси Ҳиндистоннинг Синд вилоятини бўйсундирди.

**1843–1920 йиллар** – машҳур биолог олим Климент Аркадьевич Тимирязев яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1843–1865 йиллар** – иккинчи Саудийлар давлати.

**1844 йил 27 февраль** – Санто-Доминго озодликка эришиб, Доминикана Республикаси деб аталди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1844 йил 15 октябрь – 1900 йил 24 август** – немис файласуфи Фридрих Ницше яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1844 йил** – К. Колвиснинг «Тўқимачилар кўзғолони» асари тарихий воқеа – силезиялик тўқувчиларнинг кўзғолонини акс эттирди.

**1844 йил** – Парагвай Республикасининг биринчи конституцияси қабул қилинди.

*Парагвай Республикасининг президентлари:* Карлос Антонио Лопес (1844–1862), Франсиско Солано Лопес (1862–1869), Сирило Антонио Риварола (1869–1871), Сальвадор Ховельянос (1871–1874), Хуан Баутиста Гилл (1874–1877), Ихинио Уриарте (1877–1878), Кандидо Барейро (1878–1880), Бернардино Кабальеро (1880–1886), Патрисио Эскобар (1886–1890), Хуан Гуальберто Гонсалес (1890–1894), Маркос Мориниго (1894 йил июнь – ноябрь), Хуан Баутиста Эгускиса (1894–1898), Эмилио Асеваль (1898–1902), Андрес Эктор Карвальо (1902 йил январь – ноябрь), Хуан Антонио Эскурра (1902–1904), Хуан Баутиста Гаона (1904–1905), Сесилио Баэс (1905–1906), Бенигно Феррейра (1906–1908), Эмилиано Гонсалес Наверо (1908–1910), Мануэль Гондра (1910–1911), Альбино Хара (1911 йил январь – июль), Либерато Марсьяль Рохас (1911–1912), Эдуардо Шерер (1912–1916), Мануэль Франко (1916–1919), Хосе Педро Монтеро (1919–1920), Мануэль Гондра (1920–1921), Эусебио Айяла (1921–1923), Элихио Айяла (1923–1924), Элихио Айяла (1924–1928), Хосе Патрисио Гуджари (1928–1932), Эусебио Айяла (1932–1936), Рафаэль Франко (1936–1937), Феликс Пайва (1937–1939), Хосе Феликс Эстигаррибия (1939–1940), Ихинио Мориниго (1940–1948), Хуан Мануэль Фрутос (1948–1948), Хуан Наталисио Гонсалес (1948–1949), Федерико Чавес (1949–1954), Альфредо Стресснер (1954–1989), Андрес Родригес (1989–1993), Хуан Кардос Васмоси (1993–1998), Рауль Кубас Грау (1998–1999), Луис Анхель Гонсалес Макки (1999–2003), Никанор Дуарте Фрутос (2003–2008), Фернандо Луго (2008 йил 15 августдан).



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1845 йил** – Техас Қўшма Штатларга кўшиб олинди.

**1845–1846 йиллар** – Карл Маркс ва Фридрих Энгельс «Немис идеологияси» асарини ёзишди.

**1845 – 1847 йиллар** – Францияда қурғоқчилик рўй берди.

**1845–1848 йиллар** – Ирландияда буюк очарчилик.

**1845–1905 йиллар** – қозоқ маърифатпарвар шоири Абай [Иброҳим Қўнонбоев] яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1846 йил** – осмонни телескоп орқали кузатиш ёрдамида Нептун планетаси кашф этилди. Қуёш ва Ой тутилишининг муддатларини аниқроқ ҳисоблаб чиқиш ва олдиндан айтиб бериш имкониятига эга бўлинди.

**1846 йил** – Краковда поляклар қўзғолон кўтарди.

**1846–1848 йиллар** Америка – Мексика уруши. АҚШ Гваделупа – Идальго шартномаси (1848)га кўра, Мексиканинг катта қисмини босиб олди.

**1847 йил** – Либерия Республикаси ташкил топди.

**1847 йил** – Швейцарияда фуқаролар уруши.

**1847 йил** – Француз мустамлакачилигига қарши курашган жазоирлик Абдул Қодир қўшини тор-мор этилди. Унинг ўзи жангда ҳалок бўлди.

**1847 йил 11 февраль – 1931 йил 18 октябрь** – америкалик машҳур техник ихтирочи Томас Алва Эдисон яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1848 йил 24 февраль** – Францияда Февраль инқилоби. Қирол Луи Филипп тахтдан ағдарилди. Луи Филипп Англияга қочди. Вақтли ҳукумат тузилди ва Иккинчи Республика эълон қилинди. Франциядаги инқилоб Австрия, Италия ва Германиядаги вазиятга катта таъсир кўрсатди. Март ойида Венада инқилоб: Меттерних истеъфо берди; Фердинанд I Конституция қабул қилди. Прага ва Венгрияда қўзғолонлар. Италия (Парма, Модена, Милан, Венеция, Неаполь)да қўзғолонлар. Германияда қўзғолон: май ойида Франкфуртда парламент чақирилди. Франц Иосиф I фойдасига Вена Виндишгрец қўшинлари томонидан босиб олинди (октябрь). (Франц Иосиф I 1848–1916 йилларда ҳукмронлик қилди.)



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1848 йил февраль – 1852 йил ноябрь** – Францияда Иккинчи Республика даври.

*Иккинчи Республика даври (1848–1952) Франция премьер-министрлари:* Жак-Шарль Дюпон де л'Эр (1848 йил февраль – май), Франсуа Араго (1848 йил май – июнь), Луи-Эжен Кавеньяк (1848 йил июнь – декабрь), Одилон Барро (1848–1849), граф д'Отпуль Альфонс Анри (1849–1851), Леон Фоше (1851 йил апрель – октябрь).

**1848 йил 18 март** – Берлинда қўзғолон бошланди.

**1848 йил апрель** – Францияда Таъсис мажлиси сайланди.

**1848 йил июнь** – Париждаги қўзғолон Кавеньяк томонидан бостирилди.

**1848 йил 26 июль** – Либерия мустақил республика деб эълон қилинди.

*Либерия Республикаси президентлари:* Жозеф Женкинс Робертс (1848–1856; 1872–1876), Стивен Аллен Бенсон (1856–1864), Дэниел Бэшиел Уорнер (1864–1868), Жеймс Сприггс Пэйн (1868–1870; 1876–1878), Эдвард Жеймс Рой (1870–1871), Жеймс Скивиринг Смит (1871–1872), Энтони Уильям Гардинер (1878–1883), Альфред Фрэнсис Рассел (1883–1884), Хилари Ричард Райт Жонсон (1884–1892), Жозеф Жеймс Чизмен (1892–1896), Уильям Дэвид Колмен (1896–1900), Гарретсон Уилмот Гибсон (1900–1904), Артур Барклей (1904–1912), Дэниел Эдвард Говард (1912– 1920), Чарльз Данбэр Бёрджесс Кинг (1920–1930), Эдвин Жеймс Барклей (1930–1944), Уильям Ваканарат Шадрак Табмен (1944–1971), Уильям Ричард Толберт (кичик) (1971–1980), Сэмюэль Каньон Доу (1986–1990), Чарльз Макартур Данкпана Ганкей Тэйлор (1997–2003), Мозес Бла (2003–2006), Элен Жонсон-Серлиф (2006 йил 16 январдан).

**1848 йил 4 ноябрь** – Францияда Конституция қабул қилинди.

**1848 йил 21 ноябрь** – Швейцарияда конституция қабул қилинди ва кантонларнинг унча мустаҳкам бўлмаган иттифоқидан ягона федератив давлатга айланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Швейцария Конфедерацияси президентлари:* Йонас Фуррер (1848 йил 21 ноябрь – 1849; 1852; 1855; 1858), Анри Друэ (1850), Мартин Мунцингер (1851), Вильгельм Матиас Нефф (1853), Фридрих Фрей-Эрозе (1854; 1860), Якоб Штемпфли (1856; 1859; 1862), Констан Форнеро (1857; 1863; 1867), Йозеф Мартин Кнюзель (1861; 1866), Якоб Дубс (1864; 1868; 1870), Карл Шенк (1865; 1871; 1874; 1878; 1885; 1893), Эмиль Вельти (1869; 1872; 1876; 1880; 1884; 1891), Поль Серезоль (1873), Иоганн Якоб Шерер (1875), Йоахим Хеер (1877), Бернхард Хаммер (1879; 1889), Нюма Дро (1881; 1887), Симон Бавье (1882), Антуан Луи Жан Рюшонне (1883; 1890), Адольф Дойхер (1886; 1897; 1903; 1909), Вильгельм Хертенштейн (1888), Вальтер Хаузер (1892; 1900), Эмиль Фрей (1894), Йозеф Цемп (1895; 1902), Адриен Лашеналь (1896), Эжен Руфи (1898), Эдуард Мюллер (1899; 1907; 1913), Эрнст Бреннер (1901; 1908), Робер Контес (1904; 1910), Марк-Эмиль Руше (1905; 1911), Людвиг Форрер (1906; 1912), Артур Хоффман (1914), Джузеппе Мота (1915; 1920; 1927; 1932; 1937), Камиль Декоппе (1916), Эдмунд Шультес (1917; 1921; 1928; 1933), Феликс-Луи Калондер (1918), Гюстав Адор (1919), Роберт Хааб (1922; 1929), Карл Шёрер (1923), Эрнест Шуар (1924), Жан-Мари Мюзи (1925; 1930), Генрих Хеберлин (1926; 1931), Марсель Пиле-Гола (1934; 1940), Рудольф Мингер (1935), Альберт Мейер (1936), Йоханнес Бауман (1938), Филипп Эттер (1939; 1942; 1947; 1953), Эрнст Ветер (1941), Энрико Челио (1943; 1948), Вальтер Штампфли (1944), Эдуард фон Штейгер (1945; 1951), Карл Кобельт (1946; 1952), Эрнст Нобс (1949), Макс Птипьер (1950; 1955; 1960), Рудольф Рюбаттель (1954), Маркус Фельдман (1956), Ханс Штройли (1957), Томас Холенштейн (1958), Поль Шоде (1959; 1962), Фридрих Трауготт Вален (1961), Вилли Шпюлер (1963; 1968), Людвиг фон Моос (1964; 1969), Ханс-Петер Чуди (1965; 1970), Ханс Шафнер (1966), Роже Бонвен (1967; 1973), Рудольф Гнеги (1971; 1976), Нелло Челио (1972), Эрнст Бруггер (1974), Пьер Грабер (1975), Курт



www.ziyouz.com kutubxonasi

Фурглер (1977; 1981; 1985), Вилли Ричард (1978), Ханс Хюрлиман (1979), Жорж-Андре Шевалла (1980), Фриц Хонеггер (1982), Пьер Обер (1983; 1987), Леон Шлумпф (1984), Альфонс Эгли (1986), Отто Штих (1988; 1994), Жан-Паскаль Деламюра (1989; 1996), Арнольд Колер (1990; 1997), Флавио Котти (1991; 1998), Рене Фельбер (1992), Адольф Оги (1993; 2000), Каспар Филлигер (1995; 2002), Рут Дрейфус (1999), Мориц Лойенбергер (2001; 2006), Паскаль Кушпен (2003; 2008), Жозеф Дейс (2004), Самуэль Шмид (2005), Мишлен Кальми-Ре (2007), Ханс-Рудольф Мерц (2009), Дорис Лойтхард (2010 йил январдан).

**1848 йил** – Калифорнияда олтин топилди: «олтин талвасаси» бошланди.

**1848 йил** – Карл Маркс ва Фридрих Энгельс «Коммунистик партия манифести»ни ёзишди.

**1848 йил** – Пруссия қироллигида конституция жорий этилди.

**1848–1849 йиллар** – Италия инқилоби. Рим республика деб эълон қилинди ва Триумвират ташкил этилди.

**1848–1849 йиллар** – Австрия – Италия урушлари.

**1848–1883 йиллар** – Вьетнамда император Ту Дукнинг ҳукмронлик даври.

**1848–1850 йиллар** – Эронда бобийлар қўзғолони. Бу қўзғолон 1850 йилнинг ўрталаригача давом этди. Насриддиншоҳ қўшини қўзғолонни бостиришга муваффақ бўлди. Қўзголон раҳбари Саид Али Муҳаммад қатл этилди (1850).

**1848 йил 20 декабрь – 1852 йил 20 декабрь** – Луи Наполеон Бонапарт Франциянинг биринчи президенти. Францияда биринчи Республика даврида президентлик лавозими жорий қилинмаган эди. 1848 йилдаги конституцияга биноан бу лавозим Иккинчи Республика даврида жорий қилинди.

**1848 –1905 йиллар** – Хитой шоири Хуа Сзунсяния яшаган ва фаолият кўрсатган давр. У ўз шеърларида халқни хорижликларга қарши курашга чақирди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1849 йил март** – Новара жангида Австрия қўшини Италияни мағлубиятга учратди. Сардиния қироли Карл Альберт ўз ўғли фойдасига тахтдан воз кечди.

**1849 йил 14 сентябрь – 1936 йил 27 февраль** – машҳур рус олими Иван Петрович Павлов яшаган ва фаолият кўрсатган давр. У шартли рефлекслар ва олий асаб системаси фаолияти тўғрисидаги таълимотни яратди.

**1850 йил** – Британия ҳукумати Австралияга конституция ва қисман ўзини бошқариш ҳуқуқини берди.

**1850–1893 йиллар** – машҳур француз ёзувчиси Ги де Мопассан яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1850–1903 йиллар** – ўзбек адабиётининг йирик вакили, маърифатпарвар шоир Муқимий (Муҳаммад Аминхўжа ибн Мирзахўжа Мирфозил ўғли) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1851 йил 21 март – 1914 йил 11 сентябрь** – жадидчилик ҳаракатининг асосчиси Исмоилбек Гаспринский яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1851 йил 2 декабрь** – президент Луи Наполеон Францияда давлат тўнтариши қилди. Луи Наполеоннинг ҳарбий диктатураси ўрнатилди.

**1851 йил** – Лондонда Бутунжаҳон биринчи кўргазмаси очилди.

**1851 йил** – Австралияда «олтин талвасаси» бошланди.

**XIX аср ўрталари** – саноат ишлаб чиқарилиши ҳажми жиҳатдан Англиядан кейин иккинчи ўринда турган Франция XIX аср охирига келиб тўртинчи ўринга, айрим саноат тармоқлари бўйича ундан ҳам кейинги ўринга сурилиб кетди.

**XIX аср ўрталари** – қуруқликдаги телеграф линияларидан ташқари сув ости кабели ҳам ўтказила бошлади. 1860 йил охирида Буюк Британиядан Америкага Атлантика океани туби орқали дастлабки телеграф кабели ўтказилди.

**1851–1864 йиллар** – Хитойда тайпинлар қўзғолони. У Цин сулоласи ҳукмронлигига қарши қаратилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1852 йил 2 декабрь** – Францияда Иккинчи Империя эълон қилинди. Луи Наполеон Бонапарт ўзини Наполеон III номи билан император деб эълон қилди. Авторитар режим дастлаб Францияда иқтисодий ва ҳарбий ютуқларга эришди.

**1852 йил 2 декабрь – 1870 йил 4 сентябрь** – Францияда Иккинчи империя даври.

*Иккинчи империя даври (1852– 1870) Франция премьер-министрлари:* Эмиль Оливье (1869– 1870), граф де Паликао Шарль Кузен-Монтабан (1870 йил август – сентябрь).

**1852 йил** – Иккинчи Англия – Бирма уруши. Пегу британияликлар томонидан босиб олинди.

**1852 йил** – Африка қитъасида Трансваал Республикаси вужудга келди.

**1853 йил** – Буюк Британия Эронни Ҳиротга бўлган даъвосидан воз кечишга мажбур этди.

**1853 йил** – Ҳиндистонда темир йўл ва телеграф қурилиши бошланди.

**1853–1856 йиллар** – Қрим уруши. Бу урушда Россия империяси Туркия ҳамда унинг иттифоқчилари Франция ва Англияга қарши курашди.

**1854 йил** – Япония Ғарб дунёси учун очилди: Европа давлатлари, жумладан, Франция (1848) билан дастлабки савдо шартномалари имзоланди.

**1854 йил** – Бразилияда биринчи темир йўл қурилди.

**1854 йил** – АҚШда Республикачилар партияси ташкил топди.

**1854 йил** – Африка қитъасида Оранж Республикаси вужудга келди.

**1854–1856 йиллар** – Канзасда қулчилик тарафдорлари ва унга қаршилар ўртасида фуқаролар уруши даври.

**1854–1860 йиллар** – Мексикада фуқаролар уруши даври.

**1855 йил** – Никарагуани АҚШ қўшинлари босиб олди. 1856 йил америкалик Уильям Норвелл Уокер ўзини Никарагуа президенти деб эълон қилди, аммо Гватемала, Сальвадор ва Гондураснинг бирлашган қўшинлари Уокерни Ника-



www.ziyouz.com kutubxonasi

рагуадан ҳайдаб юборди. Бу курашда фаол қатнашган Томас Герреро Мартинес 1857–1867 йиларлар Никарагуа президенти бўлди. Шундан кейин ҳокимият гоҳ консерваторлар, гоҳ либераллар қўлига ўтди.

**1855 йил** – Севастополь турклар томонидан эгалланди ва Россия Қрим урушида мағлубиятга учради.

**1855 йил** – Россия – Япония шартномаси имзоланди. Унга кўра, Курилл ороллари Россия ҳудуди деб тан олинди.

**1855 йил** – Эфиопияда Куаралик Каса мамлакатни бирлаштиришда муҳим роль ўйнади, у ўзини Теодрос II (Фёдор) номи билан император деб эълон қилди.

*Эфиопия подшоҳлиги императорлари:* Теодрос II (1855–1868), Тэкле-Гийоргис II (1868–1871), Йоханнес IV (1872–1889), Менелик II (1889–1913), Иясу V (1913–1916), Заудиту (1916–1930), Хайле Селассие I (1930–1974).

**1855–1865 йиллар** – инглиз дипломати виконт Пальмерстон Генри Темпль (1830 йилдан инглиз дипломатиясини бошқарган)нинг Англияда премьер-министрлик даври.

**1855–1881 йиллар** – Россияда Александр II нинғ ҳукмронлик даври.

**1855–1935 йиллар** – буюк рус олими Иван Владимирович Мичурин яшаган ва фаолият кўрсатган давр. У ўсимликлар ирсияти тўғрисидаги фанга бебаҳо ҳисса қўшди.

**1856 йил** – Парижда бўлган конгрессда Туркия ва Россия ўртасида тинчлик шартномаси имзоланди. Қрим урушида мағлубиятға учраган Россия Қора денгизда ўз мавқеидан ажралди.

**1856 йил** – Эрон Ҳирот шаҳрини босиб олди.

**1856 йил** – Буюк Британия Эронга уруш эълон қилди. Бу урушда Эрон мағлубиятга учради.

**1856 йил** – Буюк Британия Эронни Афғонистон мустақиллигини тан олишга мажбур қилди.

**1856 йил** – Хитойда иккинчи афюн уруши бошланди.

**1856–1939 йиллар** – австриялик врач-невропотолог, психоаналитика таълимотининг асосчиси Зигмунд Фрейд яшаган ва ижод қилган давр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1856–1950 йиллар** – машҳур инглиз ёзувчиси Бернард Шоу яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1857 йил 22 февраль – 1894 йил 1 январь** – немис физиги Генрих Рудольф Герц яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1857 йил 5 сентябрь – 1935 йил 19 сентябрь** – машҳур рус олими Константин Эдуардович Циолковский яшаган ва фаолият кўрсатган давр. У биринчи бўлиб планеталараро учишда ракеталардан фойдаланиш мумкинлигини математик жиҳатдан исботлаб берди.

**1857 йил** – Буюк Британия ва Эрон ўртасида Париж тинчлик шартномаси имзоланди. Шартномага кўра, Эрон Ҳиротга ва Афғонистоннинг бошқа ҳудудларига бўлган даъвосидан бутунлай воз кечди.

**1857 йил** – Буюк Британия билан Афғонистон ўртасида ҳарбий шартнома имзоланди.

**1857–1858 йиллар** – Ҳиндистонда Буюк Британия ҳукуматига қарши сипоҳийлар қўзғолони бўлди.

**1858 йил** – сипоҳийлар қўзғолони бостирилгач, Ҳиндистонни бошқариш «Ост-Индия» компаниясидан инглиз ҳукумати ихтиёрига ўтди. Ҳиндистон Буюк Британия мулки деб эълон қилинди. (Лондонда давлат котиби ва Калькуттада вице-қирол Ҳиндистонни бошқара бошлади).

**1858 йил** – Франция Осиёда Вьетнам, Камбоджа, Лаос ерларини босиб олди.

**1858–1924 йиллар** – Италияда композитор Жакомо Пуччини яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1858–1943 йиллар** – Парижда таниқли режиссёр ва актёр Андре Антуан яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1859 йил** – Кавказда имом Шомил қўшини Россия армияси томонидан тор-мор этилди.

**1859 йил** – итальян уруши бўлиб, Австрияга қарши Пьемонт ва унинг иттифоқчиси Франция курашди.

**1859–1899 йиллар** – АҚШда ўтган давр мобайнида корхоналар сони уч мартадан кўпроқ, ишчилар сони тўрт марта, ишлаб чиқарилган маҳсулот етти марта ошди. Ишга солинган капитал суммаси ўн марта кўпайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1859–1909 йиллар** – ўзбек мумтоз шоири ва маърифатчиси Фурқат (Зокиржон Мулла Холмуҳаммад ўғли) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**Тахминан 1860 йил** – иккинчи саноат инқилоби юз берди, бу гал инқилоб металлургия ва энергетика соҳасида бўлди.

**Тахминан 1860 йил** – Россияда реакцион панславянчилик оқими (Николай Иванович Данилевский) кенг тарқалди. Бу оқим тарафдорлари славян давлатларини «Буюк Русь» номи билан бирлаштирмоқчи бўлдилар. Нигилистик оқим (Дмитрий Иванович Писарев) тарафдорлари шахс эркинлиги, ижтимоий тартибни ўзгартириш учун ҳаракат қилдилар.

**1860 йил** – Россияда Владивосток шаҳрига асос солинди.

**1860 йил** – Пекиндаги Қишки сарой француз-инглиз қўшини томонидан талон-торож қилинди.

**1860 йил** – Авраам Линкольн АҚШ президенти этиб сайланди. АҚШ тарихида у Республикачилар партиясидан сайланган биринчи президент.

**1860 йил** – президент сайловларини ютқазган Жанубий штатлар АҚШ таркибидан чиқишларини ва алоҳида давлат– Жанубий штатлар конфедерациясига бирлашганини эълон қилишди. Пойтахт Ричмонд шаҳри (Виргиния штати). Бу воқеа АҚШда фуқаролар урушининг бошланишига туртки бўлди.

**1860 йил** – АҚШ маҳсулот ҳажми жиҳатидан дунёда 4-ўринда турган бўлса, орадан кўп ўтмай биринчи ўринга чиқиб олди (1894 йил).

**1860 йил** – Англия – Франция савдо шартномаси тузилди.

**1860 йил** – Франция Мадагаскарни тўла эгаллаш йўлида яна кураш бошлади.

**1860–1870 йиллар** – Янги Зеландияда Маория уруши бўлиб ўтди.

**1860–1911 йиллар** – Австрия симфонисти Густав Малер яшаган ва фаолият кўрсатган давр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1860–1934 йиллар** – француз сиёсий арбоби Раймон Пуанкаре яшаган.

**1860–1952 йиллар** – давлат арбоби, итальян либерал ҳаракати раҳбарларидан бири Витторио Эмануэле Орландо яшаган давр.

**1861 йил 17 март** – Туринда Италия қироллиги ташкил топганлиги эълон қилинди ва Виктор Эммануил II дастлабки хукмдор бўлди.

**1861 йил 19 февраль** – Александр II томонидан Россияда крепостнойлик ҳуқуқи бекор қилинди.

**1861 йил** – бирлашган Италия қироллиги ташкил этилди.

*Бирлашган Италия қироллари:* Виктор Эммануил II (1861–1878), Умберто I (1878–1900), Умберто II (1900–1946).

**1861 йил** – Австралиядаги оқ танли аҳоли 1 млн. 200 минг кишига етди.

**1861–1865 йиллар** – Қўшма Штатларда фуқаролар уруши. Аграр ва қулдорчилик мавжуд бўлган Жанубий штатлар Конфедерацияси президент Жефферсон Дэвис бошчилигида саноатлашган Шимол штатларига қарши чиқди. Фуқаролар уруши икки даврга бўлинади: 1861–1862 йиллар ва 1863 – 1865 йиллар.

**1861–1876 йиллар** – Усмонли турк султони Абдулазиз I нинг ҳукмронлик даври. Бағдод ва Истанбул ўртасида телеграф алоқаси ўрнатилди.

**1861–1881 йиллар** – Нигер дарёси ҳавзасидаги йирик давлатда малинкалар етакчиси Туре Саморининг ҳукмронлик даври.

**1861–1941 йиллар** – ҳинд гуманист ёзувчиси Рабиндранат Тагор яшаган ва фаолият кўрсатган давр. У фалсафий теранлиги ва бадиий баркамоллиги билан ажралиб турувчи романлар, пьесалар, ҳикоя ва шеърлари билан бутун дунёга машҳур.

**1862 йил** – бобурийлар сулоласининг сўнгги ҳукмдори Баҳодиршоҳ II Зафар сургунда вафот этди. Унинг икки нафар ўғлини инглизлар отиб ташлашди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1862 йил** – Усмонли турк князликлари Молдовия ва Валахиянинг ўзаро иттифоқи эълон қилинди. Бу иттифоқ асосида ташкил топган мамлакат 1866 йилда Руминия номини олди.

**1862 йил** – Отто фон Бисмарк Пруссиянинг «министр-президенти» қилиб тайинланди.

**1862 йил** – Жузеппе Гарибальди Папа вилоятига юриш бошлади. Гарибальди мағлуб бўлди ва оғир жароҳат олди.

**1862–1875 йиллар** – Парижда Гранд опера театри биноси қурилди.

**1862 йил 23 январь – 1943 йил 14 феврвль** – немис математиги Давид Гильберт яшаган ва фаолият кўрсатган давр. У жаҳонда биринчи бўлиб, аниқ таърифлаб берилган геометрик тизим тузиш масаласини чуқур илмий тарзда ҳал қилди.

**1862–1949 йиллар** – бельгиялик драматург Морис Метерлинк яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1863 йил 1 январь** – АҚШда қулдорлик бекор қилинди.

**1863 йил** – Афғонистон шоҳи Дўст Муҳаммадхон вафот этгач, унинг ўғиллари ўртасида тожу тахт учун кураш авж олди.

**1863 йил** – Франция Камбоджа устидан ўз протекторатини тасдиқлади.

**1863 йил** – Варшава қўзғолони Россия томонидан бостирилди.

**1863–1913 йиллар** – Грецияда Георг I нинг ҳукмронлик даври.

**1863–1945 йиллар** – инглиз давлат арбоби, либерал партиянинг йирик раҳбарларидан бири Дэвид Ллойд-Жорж яшаган давр.

**1864 йил** – Дания уруши. Бу урушда Дания Пруссия ва Австриядан мағлубиятга учради.

**1864 йил** – Женевада Анри Дюнан ташаббуси билан халқаро Қизил Хоч жамияти тузилди.

**1864 йил** – Халқаро ишчилар ассоциацияси (I Интернационал) бутун дунёдаги ишчилар ҳаракатини ташкил қилишга уринди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1864 йил** – Қўшма Штатларда шимол армияси генераллари Улисс Симпсон Грант ва Уильям Текумсе Шерман ҳужумга ўтди.

**1864 йил** – Кавказ минтақаси Россия таркибига киритилди.

**1864–1949 йиллар** – немис композитори Рихард Штраус яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1864–1874 йиллар** – Англияда Гладстон ҳукуматга раҳбарлик қилди.

**1864–1878 йиллар** – Шарқий Туркистонда Еттишаҳар Уйгур давлати фаолият кўрсатди. Унинг ҳудуди ҳозирги Шинжонг Уйғур Мухтор ўлкасининг Қулжа [Или султонлиги ҳудуди], Олтой, Чугучак вилоятларидан ташқари 7 шаҳар: Қашқар, Ёркент, Хўтан, Кучар, Оксу, Қорашаҳар ва Турфонни ўз ичига олганлигидан мазкур мамлакат Еттишаҳар Уйгур давлати деб номланган. Бу давлатга Қўқон хонлигининг ҳарбий саркардаси Ёқуббек Бадавлат (1820–1877) асос солган.

*Еттишаҳар Уйғур давлати хонлари:* Бузрукхожа (1864–1866), Ёқуббек Бадавлат (1866–1877), Бекқулибек (1877–1878).

**1865 йил 9 апрель** – жанубликлар генерали Роберт Эдвард Ли Аппоматоксда таслим бўлди. Президент Авраам Линкольн Виргиния штати Ричмонд шаҳри театрида (14 апрелда) ўлдирилди. Эндрю Жонсон (демократлардан) унинг ўрнига АҚШ президенти бўлди. Қулчилик бекор қилинди ва Конституцияга ўзгариш киритилди. (Фуқаролар уруши шимоли-шарқ штатларининг иқтисодиёти ва саноат қудрати баландлигини кўрсатди.)

**1865 йил июнь** – Тошкент шаҳри Россия империяси томонидан босиб олинди (Россия томонидан Туркистон минтақаси – Марказий Осиё 1895 йилга келиб бутунлай босиб олинди).

**1865–1869 йиллар** – буюк рус ёзувчиси Лев Николаевич Толстой (1828–1910) «Уруш ва тинчлик» романини яратди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1865– 1870 йиллар** – Уч давлат иттифоқи уруши. Бразилия, Аргентина ва Уругвай давлатлари Парагвайга қарши уруш олиб борди. Парагвайнинг ҳинду аҳолисига қарши геноцид сиёсати амалга оширилди.

**1865–1877 йиллар** – АҚШда жанубий штатларнинг Конгрессга томон доимий бирлашуви, сиёсий қайта қуришлар даври.

**1865–1909 йиллар** – Бельгия қироли Леопольд II нинг ҳукмронлик даври.

**1865–1920 йиллар** – немис генерали Эрих Людендорф яшаган йиллар. У халқ оммаси чиқишларини аёвсиз бостириш тарафдори эди.

**1865–1933 йиллар** – инглиз ёзувчиси Жон Голсуорси яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1866 йил** – Австрия – Пруссия уруши. (Мағлубиятга учраган Австрия немис масалаларини бошқаришдан бутунлай маҳрум бўлди.) Бу уруш натижасида Венеция вилояти (Австрия) Италияга қўшилди.

**1866 йил** – швед муҳандис-кимёгари Альфред Бернхард Нобель томонидан динамит ихтиро қилинди. (Кейинчалик дунёдаги энг нуфузли Нобель мукофоти унинг номи билан аталди).

**1866 йил** – Пруссия канцлери Отто фон Бисмарк томонидан Пруссия раҳбарлиги остида 22 немис давлатидан иборат Шимолий Германия Иттифоқи тузилди.

**1866 йил** – Уругвайда конституция ислоҳотлари ўтказилди, президент лавозими қайта тикланди.

**1866 йил** – АҚШ конституциясига ўзгартиришлар киритилди. Унга кўра қора танлилар оқ танлилар каби фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларга эга бўлди.

**Тахминан 1866–1874 йиллар** – АҚШ жанубида кескинлик кучайди. Қуллик тузумининг бекор қилинишидан норози бўлган плантаторлар махфий жамиятлар (Ку-клукс-клан) тузиб, қора танли негрларни оломон қилиб ўлдира бошлашди.

**1866–1925 йиллар** – Хитой инқилобчиси ва давлат арбоби Сунь Ятсен яшаган ва фаолият кўрсатган давр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1866–1937 йиллар** – давлат арбоби Рамсей Макдональд яшаган давр. У Буюк Британия Лейбористлар партиясининг асосчиси ва лидерларидан бири.

**1866–1946 йиллар** – машҳур инглиз ёзувчиси Герберт Уэллс яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1867 йил 1 июль** – Буюк Британиянинг Шимолий Америкадаги мустамлакалари бирлаштирилиб, «Канада доминиони» номи билан федерация тузилди. Янги Шотландия, Нью-Брансуик, шимоли-гарбий ҳудудлар, Британия Колумбияси (1871) ва Принс-Эдуард ороли (1873) Канада доминионига қўшиб олинди. Буюк Британия Канадага доминион (ўзини ўзи бошқарадиган қарам ер) мақомини беришга мажбур бўлди. Давлат бошлиғи – Буюк Британия қироли (қироличаси), унинг номидан генерал-губернатор давлатни бошқаради.

*Қиролича Виктория томонидан тайинланган Канада генерал-губернаторлари (1867–1901):* Чарльз Стэнли Монк (1867–1868), Чарльз Эш Уиндем (1868 йил 14–30 ноябрь), сэр Жон Янг (1868–1872), Фредерик Темпл Гамильтон-Темпл-Блэквуд (1872–1878), Жон Кэмпбелл (1878–1883), Генри Петти-Фитцморис (1883–1888), Жон Росс (1888 йил май – июнь), Фредерик Артур Стэнли (1888–1893), Александер Жорж Монтгомери-Мур (1893 йил 15 июль – сентябрь), сэр Жон Кэмпбелл Гамильтон-Гордон (1893–1898), Гилберт Эллиот-Мюррей-Кининмонд (1898–1904);

*Қирол Эдуард VII томонидан тайинланган Канада генерал-губернаторлари (1901–1910):* Гилберт Эллиот-Мюррей-Кининмонд (1898–1904), Анри-Эльзеар Ташро (1904 йил ноябрь – декабрь), Альберт Грей (1904–1911);

*Қирол Георг V томонидан тайинланган Канада генерал-губернаторлари (1910–1936):* шаҳзода Артур (1911–1916), Чарльз Фитцпатрик (1916 йил октябрь – ноябрь), Виктор Кавендиш (1916–1921), Луи Генри Дэвис (1921 йил июль – август), Жулиан Бинг (1921–1926), Фрэнсис Александер Энглин (1926 йил сентябрь – октябрь), Жорж Фримен Фримен-Томас (1926–1931), Фрэнсис Александер Энглин (1931



www.ziyouz.com kutubxonasi

йил январь – апрель), Вир Понсонби (1931–1935), Лаймен Пур Дафф (1935 йил сентябрь – ноябрь);

*Қирол Эдуард VIII томонидан тайинланган Канада генерал-губернатори (1936):* Жон Бьюкен (1935–1940);

*Қирол Георг VI томонидан тайинланган Канада генерал-губернаторлари (1936–1952):* Жон Бьюкен (1935 – 1940), Лаймен Пур Дафф (1940 йил февраль – июнь), сэр Александр Кембриж (1940–1946), Тибодо Ренфре (1946 йил март – апрель), Харольд Александер (1946–1952);

*Қиролича Елизавета II томонидан тайинланган Канада генерал-губернаторлари (1952 йилдан):* Винсент Мэсси (1952–1959), Жорж Ванье (1959–1967), Робер Ташро (1967 йил март – апрель), Роланд Миченер (1967–1974), Жюль Леже (1974–1979), Эдвард Шрейер (1979–1984), Жанна Сове (1984–1990), Рамон Жон Гнатишин (1990–1995), Ромео Леблан (1995–1999), Адриенна Кларксон (1999–2005), Микаэль Жан (2005–2010), Дэвид Ллойд Жонстон (2010 йил 1 октябрдан).

*Канада премьер-министрлари:* 1. сэр Жон Александер Макдональд (1867 йил 1 июль – 1873 йил 5 ноябрь; 1878 йил 17 октябрь – 1891 йил 6 июнь). 2. Александр Макензи (1873 йил 6 ноябрь – 1878 йил 17 октябрь). 3. Жон Жозеф Колдуэлл Аббот (1891 йил 16 май – 1892 йил 24 октябрь). 4. сэр Жон Спэрроу Дэвид Томпсон (1892 йил 5 декабрь – 1894 йил 4 декабрь). 5. Макензи Боуэлл (1894 йил 21 декабрь – 1896 йил 27 апрель). 6. Чарльз Тапер ( 1896 йил 27 апрель – 11 июль). 7. Уилфрид Лорье (1896 йил 11 июль – 1911 йил 5 октябрь). 8. Роберт Лэрд Борден (1911 йил 5 октябрь – 1920 йил 10 июль). 9. Артур Мейен (1920 йил 10 июль – 1921 йил 29 декабрь). 10. Лайон Макензи Кинг (1921 йил 29 декабрь – 1926 йил 28 июнь). Артур Мейен (1926 йил 29 июнь – 25 сентябрь). Уильям Лайон Макензи Кинг (1926 йил 25 сентябрь – 1930 йил 6 август). 11. Ричард Бэдфорд Беннет (1930 йил 7 август – 1935 йил 23 октябрь). Уильям Лайон Макензи Кинг (1935 йил 23 октябрь – 1948 йил 15 ноябрь). 12. Канади Луи Сан-Лоран (1948 йил 16 ноябрь – 1957 йил



www.ziyouz.com kutubxonasi

21 июнь). 13. Жон Жорж Дифенбейкер (1957 йил 21 июнь – 1963 йил 22 апрель). 14. Лестер Боулс Пирсон (1963 йил 22 апрель– 1968 йил 20 апрель). 15. Пьер Эллиот Трюдо (1968 йил 20 апрель – 1979 йил 3 июнь). 16. Жо Кларк (1979 йил 4 июнь– 1980 йил 3 март). Пьер Эллиот Трюдо (1980 йил 3 март – 1984 йил 30 июнь). 17. Жон Нейпир Тёрнер (1984 йил 30 июнь – 1984 йил 17 сентябрь). 18. Брайан Малруни (1984 йил 17 сентябрь – 1993 йил 25 июнь). 19. Ким Кэмпбелл (1993 йил 25 июнь – 3 ноябрь). 20. Жан Кретьен (1993 йил 4 ноябрь – 2003 йил 12 декабрь). 21. Пол Эдгар Филип Мартин (2003 йил 12 декабрь – 2006 йил 6 февраль). 22. Стивен Харпер (2006 йил 6 февралдан).

**1867 йил 11 июль** – Россия империяси таркибида Туркистон генерал-губернаторлиги ва Туркистон ҳарбий округи ташкил этилди.

*Туркистон генерал-губернаторлари:* Константин Петрович фон Кауфман (1867–1881), Герасим Алексеевич Колпаковский (1881–1882), Михаил Григорьевич Черняев (1882–1884), Николай Оттонович фон Розенбах (1884–1888), Александр Борисович Вревский (1889–1898), Сергей Михайлович Духовской (1898–1901), Николай Александрович Иванов (1901–1904), Николай Николаевич Тевяшов (1904–1905), Деан Иванович Субботич (1905–1906), Николай Иванович Гродеков (1906–1908), Павел Иванович Мишченко (1908–1909), Александр Васильевич Самсонов (1909–1913), Василий Егорович Флуг (1913–1915), Фёдор Владимирович Мартсон (1915–1916), Алексей Николаевич Куропаткин (1916–1917).

**1867 йил** – Буюк Британияда иккинчи парламент ислоҳоти ўтказилди.

**1867 йил** – инглизлар Ҳабашистон (Эфиопия)га қарши уруш эълон қилди. Эфиопияда Касса ҳокимияти ағдарилди.

**1867 йил** – Австрия-Венгрия битимидан кейин австрияликлар миллат сифатида таркиб топди. Бу битимдан сўнг Венгрияда кескин сиёсий кураш бошланиб кетди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1867 йил** – Австрия императори Франц Иосиф Венгрия ҳуқуқини тан олди: ягона Австрия-Венгрия монархияси ташкил топди.

**1867 йил** – Қўшма Штатлар Россиядан Аляскани сотиб олди.

**1867 йил** – Жанубий Африканинг Кимберли районида олмос конлари очилди.

**1867 йил** – Японияда сёгунатлик бекор қилинди; сўнгги сёгун Токугава ўз ҳокимиятини император Муцухитога топширди.

**1867–1868 йиллар** – Японияда биринчи инқилоб бўлиб ўтди ва «Мейдзи реставрацияси» номи билан тарихда қолди. Япония иккита буржуа-демократик инқилобни бошидан кечирди.

**1867–1912 йиллар** – Японияда Мэйдзи (Муцухито) нинг императорлик даври. Бу давр Япония тарихига «маърифатли бошқарув» номи билан кирган.

**1867–1935 йиллар** – поляк давлат арбоби Юзеф Пилсудский яшаган давр.

**1868 йил 7 октябрь** – Чехияда қамал ҳолати жорий қилинди.

**1868 йил 30 ноябрь** – Венгрияда миллатлар ҳақида қонун қабул қилинди.

**1868 йил** – Испанияда қиролича Изабелла II агдариб ташланди.

**1868 йил** – Японияда конституциявий монархия ўрнатилди. Император Мэйдзи даври бошланди (бу давр 1912 йилгача давом этди).

*Япония императорлари:* 1. Дзимму Камуямато Иварэбико (мил. авв. 660–585). 2. Суйдзэй Камисама Гава Мимино но Микото (мил. авв. 581–549). 3. Аннэй Сикицухико Тамма Дэмино но Микото (мил. авв. 549–511). 4. Итоку Охо Яматохико Суки Томонау но Микото (мил. авв. 510–476). 5. Косё Мина Цухико Каэсинэно но Микото (мил. авв. 475–393). 6. Коан Охо Ямато Тарасихико Куниоси Хито но



www.ziyouz.com kutubxonasi

Микото (мил. авв. 392–291). 7. Корэй Охо Ямато Нэкохико Футони но Микото (мил. авв. 290–215). 8. Когэн Охо Ямато Нэкохико Куни Куроно но Микото (мил. авв. 214–158). 9. Кайка Охо Вакай Ямато Нэкохико Охо Бибино но Микото (мил. авв. 157–98). 10. Судзин Мимаки Ирихико Исати но Микото (мил. авв. 97–30). 11. Суйнин Икумэ Ирихико Исати но Микото (мил. авв. 29 – милодий 70 йиллар). 12. Кэйко Охо Тарасихико Осивакэ но Микото (милодий 71–130). 13. Сэйму Вакай Тарасихико (131–191). 14. Тюай Тараси Накацухико но Микото (192–200). 15. Одзин Фондано Мико но Микото / Отомовакэ но Микото / Фумудавакэ но Микото [Хатиман унвонини олган биринчи император] (270–310). 16. Нинтоку Оху Садзаки но Микото (313–399). 17. Ритю Исаво Вакэ но Микото (400–405). 18. Хандзэй Мису ва Вакэ но Микото (406–410). 19. Ингё О Ацумано Вакако но Сукунэ (411–453). 20. Анко Анахоно но Микото (453–456). 21. Юраку Охо Хацунэно но Микото (456–479). 22. Сэйнэй Сирага Такэхиро Куни Оси Вакай Ямато Нэко но Микото (480–484). 23. Кэндзо Охокэ но Микото (485–487). 24. Нинкэн Охо Ай Адзана Симано Иракко (488–498). 25. Бурэцу О Фацусэ Вакай Садзаки (498–506). 26. Кэйтай О Офу Атонохико Фудо но Микото (507–531). 27. Анкан Хирокуни Оситакэ Канахи но Микото (531–536). 28. Сэнка Такэхи Хирокуни Оситакэ но Микото (536–549). 29. Киммэй Амэкуни Осихараки Хиронива но Микото (539–571). 30. Бидацу Нумакура Футотамасики но Микото (572–585). 31. Ёмэй Татибана но Тоёхи но Микото (585–587). 32. Сусюн Хацусэбе но Микото (587–592). 33. Суйко Тоёмикэ Касикия хоним [Биринчи император аёл] (593–628). 34. Дзёмэй Тамура (629–641). 35. Когёку Такара хоним (642–645). 36. Котоку Кару (645–654). 37. Когёку Такара хоним (655–661). 38. Тэндзи Амэ Хираки Вакэ но Микато (661–672). 39. Кобун Отомо (672). 40. Тэмму Оама (672–686). 41. Дзито Такэ Ама Вара Хиро но Химэ хоним (686–697). 42. Момму Аманомо Мунэ Тоё (697–707). 43. Гэммэй Ямато Нэко Амацу



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ми Сиро тоё Куни Нари Химэ хоним (707–715). 44. Гэнсё Хидака хоним (715–724). 45. Сёму Амэ Сируси Куни Оси Хираки Тоё Сакура Хико (724–749). 46. Кокэн Такано хоним (749–758). 47. Дзюннин Охо Ино Охокими (758–764). 48. Кокэн Такано хоним (764–770). 49. Конин Сира Кабэна Охокими (770–781). 50. Каму Ямато Нэко Субэраги Такаратэру но Микото (781–806). 51. Хэйдзей Ямато Нэко Амахираки Куни Такахико (806–809). 52. Сага Ками но Сино (809–823). 53. Дзюнна Ходомо но Сино (823–833). 54. Ниммё Масара (833–850). 55. Монтоку Митиясу Синно (850–858). 56. Сэйва Корэхито (858–876). 57. Ёдзэй Садааки (876–884). 58. Коко Токиясу (884–887). 59. Уда Садаёси (887–897). 60. Дайго Ацухито (897–930). 61. Судзаку Хироакира (930–946). 62. Мураками Нариакира (946–967). 63. Рэйдзей Норихира (967–969). 64. Энъю Морихира (969–984). 65. Кадзан Моросада (984–986). 66. Итидзё Канэхито (986–1011). 67. Сандзё Суэсада (1011–1016). 68. Го-Итидзё Ацунари (1016–1036). 69. Го-Судзаку Ацуёсу (1036–1045). 70. Го-Рэйдзэй Тикахито (1045–1068). 71. О Сандзё Такахито (1068–1073). 72. Сиракава Садахито (1073–1087). 73. Хорикава Ёсихито (1087–1107). 74. Тоба Мунэхито (1107–1123). 75. Сутоку Акихито (1123–1142). 76. Коноэ Тосито (1142–1155). 77. Го-Сиракава Масахито (1155–1158). 78. Нидзё Морихито (1158–1165). 79. Рокудзё Тосихито (1165–1168). 80. Такакура Норихито (1168–1180). 81. Антоку Котохито (1180–1185). 82. Го-Тоба Таканари (1183–1198). 83. Цутимикадо Тамэхито (1198–1210). 84. Дзюнтоку Моринари (1210–1221). 85. Тюкё Канэнари (1221). 86. Го-Хорикава Тоёхито (1221–1232). 87. Сидзё Хидэхито (1232–1242). 88. Го-Сага Кунихито (1242–1246). 89. Го-Фукакуса Хисахито (1246–1260). 90. Камаэяма Цунэхито (1260–1274). 91. Го-Уда Ёрихито (1274–1287). 92. Фусими Хирохито (1287–1298). 93. Го-Фусими Танэхито (1298–1301). 94. Го-Нидзё Кунихару (1301–1308. 95. Ханадзоно Томохито (1308–1318). 96. Го-Дайго Такэ-



www.ziyouz.com kutubxonasi

хару (1318–1339). 97. Го-Мураками Нориёси (1339–1368). 98. Тёкэй Ютанари (1368–1383). 99. Го-Камэяма Хиронари (1383–1392). 100. Го-Комацу Мотохито (1392–1412). 101. Сёко Михито (1412–1428). 102. Го-Ханадзоно Хикохито (1428–1464). 103. Го-Цутимикадо Нарихито (1464–1500). 104. Го-Касивабара Кацухито (1500–1526). 105. Го-Нара Томохито (1526–1557). 106. Огимати Митихито (1557–1586). 107. Го-Ёдзей Катахито (1586–1611). 108. Го-Мидзуно Котохито (1611–1629). 109. Мэйсё Окико хоним (1655–1663). 110. Го-Комё Цугухито (1643–1654). 111. Го-Сай Нагахито (1655–1663). 112. Рэйгэн Сатохито (1663–1687).113.Хигасияма Асахито (1687–1709). 114. Накамикадо Ёсихито (1709–1735). 115. Сакурамати Тэрухито (1735–1747). 116. Момодзоно Тохито (1747–1762). 117. Го-Сакурамати Тосико хоним (1762–1771). 118. Го-Момодзоно Хидэхито (1771–1779). 119. Кокаку Томохито (1780–1817). 120. Нинко Аяхито (1817–1846). 121. Комэй Осахито (1846–1867). 122. Мэйдзи Муцухито (1868–1912). 123. Тайсё Ёсихито (1912–1926). 124. Сёва Хирохито (1926–1989). 125. Акихито (Тэнно Хэйка номи билан машҳур; 1989 йилдан).

*Япония премьер-министрлари:* Хиробуми Ито (1885–1888; 1892–1896; 1898 йил январь – июнь; 1900–1901), Киётака Курода (1888–1889), Аритомо Ямагата (1889–1891; 1898–1900), Масаёси Мацуката (1891–1892; 1896–1898), Таро Кацура (1901–1906; 1908–1911), Киммоти Сайондзи (1906–1908; 1911–1912). Таро Кацура (1912–1913), Гомбэй Ямамото (1913–1914; 1923–1924), Сигэнобу Окума (1914–1916), Масатакэ Тэраути (1916–1918), Такаси Хаара (1918–1921), Корэкиё Такахаси (1921–1922), Томосабуро Като (1922–1923), Кэйго Киёура (1924 йил январь – июнь), Такааки Като (1924–1925), Риккэн Сэйюкай ва Клуб Какусин (1925–1926), Рэйдзиро Вакацуки (1926–1927), Гиити Танака (1927–1929), Осати Хамагути (1929–1931), Рэйдзиро Вакацуки (1931 йил апрель– декабрь), Цуёси Инукай (1931–1932), Макото Сайто (1932–1934), Кэйсу-



www.ziyouz.com kutubxonasi

кэ Окада (1934–1936), Коки Хирота (1936–1937), Сэндзюро Хаяси (1937 йил февраль– июнь), Фумимаро Коноэ (1937–1939; 1940–1941), Китиро Хиранума (1939 йил январь – август), Нобуюки Абэ (1939–1940), Мицумаса Ёнай (1940–1940), Хидэки Тодзио (1941–1944), Куниаки Коисо (1944–1945), Кидзюро Сидэхара (1945–1946); Сигэру Ёсида (1946–1947; 1948–1954), Тэцу Катаяма (1947–1948), Хитоси Асида (1948–1948), Итиро Хатояма (1954–1956), Тандзан Исибаси (1956–1957), Нобусукэ Киси (1957–1960), Хаято Икэда (1960–1964), Эйсаку Сато (1964–1972), Какуэй Танака (1972–1974), Такэо Мики (1974–1976), Такэо Фукуда (1976–1978), Масаёси Охира (1978–1980), Дзэнко Судзуки (1980–1982), Ясухиро Накасонэ (1982–1987), Нобору Такэсита (1987–1989), Сосукэ Уно (1989–1989), Тосики Кайфу (1989–1991), Киити Миядзава (1991–1993), Морихиро Хосокава (1993–1994), Цутому Хата (1994 йил апрель – июнь), Томиити Мураяма (1994–1996), Рютаро Хасимото (1996–1998), Кэйдзо Обути (1998–2000), Ёсиро Мори (2000–2001), Дзюнъитиро Коидзуми (2001–2006), Синдзо Абэ (2006–2007), Ясуо Фукуда (2007–2008), Таро Ассо (2008–2009), Юкио Хатояма (2009–2010), Наото Кан (2010 йил 9 июндан).

**1868–1873 йиллар** – Японияда мулкдорлар томонидан «Мейдзи ислоҳотлари» амалга оширилди.

**1868–1878 йиллар** – Япония янги тарихининг иккинчи босқичи капиталистик руҳдаги ислоҳотлардан бошланди.

**1868–1885 йиллар** – Японияда 1300 та саноат корхонаси қурилди.

**1868–1892 йиллар** – Ғарбий Суданнинг Дагомея қисмида хорижий монополистларнинг ўзаро урушлари давом этди.

**1869 йил 13 декабрь** – Венада ишчилар оммавий намойиш уюштирди.

**1869 йил** – Мисрда француз муҳандислари ёрдами ва Франция маблағи асосида қурилган Сувайш канали



www.ziyouz.com kutubxonasi

очилди. Сувайш канали очилиши туфайли Ҳабашистон ва Сомали алоҳида савдо-иқтисодий ва ҳарбий-стратегик аҳамиятга эга бўлиб қолди. Сувайш канали Ўрта Ер денгизи ва Қизил денгиз ўртасидаги Сувайш бўйни орқали ўтган. Узунлиги – 161 км, чуқурлиги – 16,2 м, кенглиги – 120–180 м.

**1869 йил** – АҚШда тикувчилар «Меҳнат рицарлари» орденини ташкил этди.

**1869 йил** – рус кимёгар олими ва педагоги Дмитрий Иванович Менделеев (1834–1907) элементларнинг даврий системасини яратди.

**1869 йил** – Куба мустақил республика деб эълон қилинди.

**1869 йил** – Францияда Лаура ҳавзасининг шахтёрлари иш ташладилар.

**1869 йил** – Японияда тўрт табақа ҳақидаги қонун бекор қилинди. Феодал заминдор самурай, деҳқон, ҳунарманд ва савдогар табақалари расман тенг ҳуқуқли деб эълон қилинди.

**1869 йил** – Лдюко дю Хорон томонидан дастлабки уч рангли фотосурат яратилди.

**1869–1948 йиллар** – Махатма Карамчанд Ганди яшаган йиллар. У Ҳиндистондаги миллий-озодлик ҳаракатининг йўлбошчиларидан бири бўлган.

**1870 йил январь** – Парижда бўлиб ўтган 200 000 кишилик намойиш даҳшатли тус олди.

**1870 йил март** – Аргентина билан Парагвай ўртасида уруш тугади.

**1870 йил 19 июль** – Пруссияга уруш эълон қилинди. Франция – Пруссия уруши бошланди. Франция – Пруссия уруши бошланишига матбуот хабари баҳона бўлди.

**1870–1871 йиллар** – Франция – Пруссия уруши. Франциянинг маглубиятга учраши Германияни бирлаштириш йўлидаги сўнгги тўсиқни ҳам олиб ташлади.

**1870 йил 1–2 сентябрь** – Мак-Магон раҳбарлигидаги француз армияси Пруссиядан мағлуб бўлиб, Седан қалъаси



www.ziyouz.com kutubxonasi

қамалда қолди. Седан жангида француз қўшини мағлубиятга учради ва Иккинчи империя парчаланиб кетди.

**1870 йил 4 сентябрь** – Францияда Республика эълон қилинди ва Халқ мудофааси ҳукумати ташкил топди.

**1870 йил 19 сентябрь** – Париж прусс қўшинлари томонидан қамал қилинди.

**1870 йил сентябрь** – Италияни қайта бирлаштириш тугалланди.

**1870 йил 2 октябрь** – итальян қўшини томонидан эгалланган Рим шаҳри Италия қироллиги пойтахтига айланди.

**1870 йил 29 октябрь** – маршал Базен бошчилигида бир ойга яқин қаршилик кўрсатган французлар Париж яқинидаги Мес қалъасида таслим бўлишди.

**Тахминан 1870 йил** – Афғонистон Россия билан Англия империялари ўртасида баҳсга сабаб бўлган мамлакат бўлиб қолди.

**1870 йил** – Ғарбий Судандаги Саморе Туре ҳам французларга қарши уруш бошлади.

**1870–1880 йиллар** – Туркияда иқтисодий инқироз бошланди.

**1870–1890 йиллар** – Ҳиндистонда 20 мартадан кўп очарчилик бўлиб, унда 18 млн. одам очликдан ўлган.

**1870–1940 йиллар** – Францияда III Республика даври.

*Учинчи Республика даври (1870–1940)да Франция президентлари:* Адольф Тьер (1870–1873), Патрис Мак-Магон (1873–1879), Жюль Греви (1879–1887), Сади Карно (1887–1894), Жан Казимир-Перье (1994–1895), Феликс Фор (1895 – 1899), Эмил Лубе (1899–1906), Арман Фальер (1906–1913), Раймон Пуанкаре (1913–1920), Поль Дешанель (1920 йил февраль – сентябрь), Александр Мильеран (1920–1924), Гастон Думерг (1924–1931), Поль Думер (1931–1932), Альбер Лебрен (1932–1940).

*Учинчи Республика даври (1870–1940)да Франция премьер-министрлари:* Луи Жюль Трошю (1870–1871), Жюль Дюфор (1871–1873), герцог Альбер де Бройль (1873–1874), Эрнест де Биссе (1874–1875), Луи Бюффе (1875–1876),



www.ziyouz.com kutubxonasi

Жюль Дюфор (1876 йил март – декабрь), Жюль Симон (1876–1877), герцог Альбер де Бройль (1877 йил май – ноябрь), Гаэтан Рошбуэ (1877 йил ноябрь – декабрь), Жюль Дюфор (1877–1879), Уильям Генри Ваддингтон (1879 йил февраль – декабрь), Шарль де Фрейсине (1879–1880), Жюль Ферри (1880–1881), Леон Гамбетта (1881–1882), Шарль де Фрейсине (1882 йил январь – август), Шарль Дюклерк (1882–1883), Арман Фальер (1883 йил январь – февраль), Жюль Ферри (1883–1885), Эжен Бриссон (1885–1886), Шарль де Фрейсине (1886 йил январь – декабрь), Рене Гобле (1886–1887), Морис Рувье (1887 йил май – декабрь), Пьер Тирар (1887–1888), Шарль Флоке (1888–1889), Пьер Тирар (1889–1890), Шарль де Фрейсине (1890–1892), Эмиль Лубе (1892 йил февраль – декабрь), Александр Рибо (1892–1893), Шарль Дюпюи (1893 йил апрель – декабрь), Жан Казимир-Перье (1893–1894), Шарль Дюпюи (1894–1895), Александр Рибо (1895 йил январь – ноябрь), Леон Буржуа (1895–1896), Жюль Мелен (1896–1898), Эжен Бриссон (1898 йил июнь – ноябрь), Шарль Дюпюи (1898–1899), Пьер Вальдек-Руссо (1899–1902), Эмиль Комб (1902–1905), Морис Рувье (1905–1906), Жан-Мари Саррьен (1906 йил март – октябрь), Жорж Клемансо (1906–1909), Аристид Бриан (1909–1911), Эрнест Монис (1911 йил март – июнь), Жозеф Кайо (1911–1912), Раймон Пуанкаре (1912–1913), Аристид Бриан (1913 йил январь – март), Луи Барту (1913 йил март – декабрь), Гастон Думерг (1913–1914), Александр Рибо (1914 йил 9–12 июнь), Рене Вивиани (1914–1915), Аристид Бриан (1915–1917), Александр Рибо (1917 йил март – сентябрь), Поль Пенлеве (1917 йил сентябрь – ноябрь), Жорж Клемансо (1917–1920), Александр Мильеран (1920 йил январь – сентябрь), Жорж Лейг (1920–1921), Аристид Бриан (1921–1922), Раймон Пуанкаре (1922–1924), Фредерик Франсуа-Марсаль (1924 йил 9–13 июнь), Эдуар Эррио (1924–1925), Поль Пенлеве (1925 йил апрель – ноябрь), Аристид Бриан (1925–1926), Эдуар Эррио (1926 йил 19–23 июль), Раймон Пуанкаре



www.ziyouz.com kutubxonasi

(1926–1929), Аристид Бриан (1929 йил июль – ноябрь), Андре Тардьё (1929–1930), Камиль Шотан (1930 йил февраль – март), Андре Тардьё (1930 йил март – декабрь), Теодор Стег (1930–1931), Пьер Лаваль (1931–1932), Андре Тардьё (1932 йил февраль – июнь), Эдуар Эррио (1932 йил июнь – декабрь), Жозеф Поль-Бонкур (1932–1933), Эдуар Даладье (1933 йил январь – октябрь), Альбер Сарро (1933 йил октябрь – ноябрь), Камиль Шотан (1933–1934), Эдуар Даладье (1934 йил январь – февраль), Гастон Думерг (1934 йил февраль – ноябрь), Пьер-Этьен Фланден (1934–1935), Фернан Буиссон (1935 йил 1–7 июнь), Пьер Лаваль (1935–1936), Альбер Сарро (1936 йил январь – июнь), Леон Блюм (1936–1937), Камиль Шотан (1937–1938), Леон Блюм (1938 йил март – апрель), Эдуар Даладье (1938–1940), Поль Рейно (1940 йил март – июнь), Филипп Петен (1940 йил июнь – июль).

**Тахминан 1870 йил** – мусулмон дунёсида ислом динини модернизация қилиш учун Жамолиддин ал-Афғоний ва Муҳаммад Абду бошчилигидаги ҳаракатлар.

**1870 йил** – АҚШда Жон Дэвисон Рокфеллер томонидан «Стандарт ойл» компанияси ташкил қилинди.

**1870 йил** – Лотин Америкасидаги сиёсий жиҳатдан мустақил бўлган давлатларнинг ташкил топиш жараёни асосан тугалланди.

**1870 йил** – рус ҳукумати билан инглиз ҳукумати ўртасида Ўрта Осиёдаги таъсир доираларини аниқлаш учун музокаралар бошланди ва битим тузиш билан якунланди (1873 йил).

**1870–1880 йиллар** – Италияда икки туннель – Мон-Сени ва Сен Готард туннеллари қурилди. Улар Италияни Франция ва Швейцария билан боғлади ҳамда Ғарбий ва Марказий Европа давлатлари билан савдо алоқаларининг ривожланишига ёрдам берди.

**1870 йил 5 март – 1902 йил 25 октябрь** – ёзувчи Бенжамин Фрэнклин Норрис яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1870–1924 йиллар** – давлат ва сиёсат арбоби Владимир Ильич Ленин (ҳақиқий фамилияси: Ульянов) яшаган ва фаолият кўрсатган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1871 йил 1 январь** – Англия қироличаси Виктория Ҳиндистон қироличаси деб эълон қилинди.

**1871 йил 18 январь** – Версаль саройида герман империяси (Лотин II Рейх) эълон қилинди. Вильгельм Пруссия қироли, Бисмарк биринчи канцлер бўлди: немис ерларининг яхлитлигига эришилди (немис федерацияси таркибига кирган 25 та давлат ўз сулолаларини сақлаб қолишди).

**1871 йил февраль** – Францияда Миллий Мажлисга сайловлар. Адольф Тьер – мамлакат раҳбари (ижро этувчи ҳокимият раҳбари, сўнгра Республика президенти).

**1871 йил март** – Парижда Коммуна қўзғолони, уни ишчилар қўллаб-қувватлади.

**1871 йил 18 март – 10 май** – Париж Коммунаси даври.

**1871 йил апрель** – Германияда Таъсис Рейхстаги умумгерман конституциясини қабул қилди.

**1871 йил май** – Францияда версалчилар (Адольф Тьер ҳукумати аскарлари) томонидан Коммуна бостирилди; Сулҳ музокаралари (Версаль, февраль) ва француз – прусс сулҳ шартномаси (Франкфурт, май); Франция Эльзас ва Лотарингияни йўқотди.

**1871–1873 йиллар** – Францияда Адольф Тьер президентлиги даври.

**1871 йил** – рус саёҳатчиси Николай Михайлович Пржевальский Монголия ва Тибетни тадқиқ этди.

**1871 йил** – Усмонлилар сулоласи Санани эгаллаб, Яман (Йемен) вилоятини ташкил қилди.

**1871 йил** – Жамолиддин ал-Афғоний томонидан Усмонли турк султонлигида «Ҳизб ул-ватан» («Ватан» партияси) тузилди.

**1871 йил** – Ҳиндистоннинг Бомбай, Мадрас, Пуна, Сурат шаҳарларида иш ташлашлар бошланди.

**1871 йил** – Маҳмуд Нодим Пошо Усмонли султонлигига улуғ вазир этиб тайинланди.

**1871–1878 йиллар** – Японияда қишлоқ хўжалиги соҳасида ислоҳотлар ўтказилиб, ерни эркин олди-сотди қилишга ва исталган турдаги экинларни экишга рухсат берилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1871 йил 21 март – 1890 йил 20 март** – Отто фон Бисмарк Германиянинг биринчи рейхсканцлери.

*Германия рейхсканцлерлари (1871–1918):* Отто фон Бисмарк (1871–1890), Лео фон Каприви (1890–1894), Хлодвиг Гогенлоэ Шиллингсфюрст (1894–1900), Бернгард фон Бюлов (1900–1909), Теобальд фон Бетман-Гольвег (1909–1917), Георг Михаэлис (1917 йил июль – октябрь), Георг фон Гертлинг (1917–1918), шаҳзода Максимилиан Баденский (1918 йил октябрь – ноябрь).

**1871–1925 йиллар** – немис давлат арбоби Фридрих Эберт яшаган давр.

**1871–1937 йиллар** – инглиз олими Эрнст Резерфорд яшаган ва фаолият кўрсатган давр. У радиоактивлик назариясини яратди, нейтронларнинг мавжудлигини башорат қилди ва тарихда биринчи бўлиб сунъий ядровий реакцияни амалга оширди.

**1871–1945 йиллар** – америкалик ёзувчи Теодор Драйзер яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1872 йил 18 июль** – Мексика президенти Бенито Хуарес тўсатдан вафот этди, президентлик лавозимини Себастён Лердо Де Техада (ҳукмронлик даври: 1872 – 1876) эгаллади.

**1872 йил 27 июль** – Францияда уч йиллик мажбурий ҳарбий хизмат тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

**1872 йил** – Европа билан Жанубий Америка ўртасида океан орқали дастлабки кабель ўтказилди.

**1872 йил** – Хитойда илк Лихунчижан йирик пароход компанияси ташкил қилинди.

**1872 йил** – Японияда ялпи ҳарбий хизмат ҳақида қонун қабул қилинди.

**1872 йил** – Буэнос-Айресда миллий банк очилди.

**1872 йил** – Аргентинада ҳукумат ҳиндуларга қарши катта ҳарбий экспедиция юборди.

**1872 йил** – Италияда эмигрантлар сони 95 минг киши бўлган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1872–1873 йиллар** – Францияда қўшимча сайловларда республикачилар ғалаба қозондилар. Миллий мажлисга янги сайланган 150 кишидан 128 нафари республикачилар эди.

**1872–1879 йиллар** – Япония Хитойнинг норозилигига қарамай Рюкю оролини босиб олди.

**1872–1957 йиллар** – таниқли француз давлат арбоби Эдуард Эррио яшаган давр.

**1872–1976 йиллар** – Испанияда Учинчи Карлистлар уруши.

**1873 йил апрель** – Австрияда сайлов ислоҳоти тўғрисидаги қонун эълон қилинди.

**1873 йил 24 май** – Францияда президент Адольф Тьер истеъфо беришга мажбур бўлди.

**1873 йил 12 август** – Россия билан Хива хонлиги ўртасидаги Гандимиён шартномасининг имзоланиши ва Амударёнинг ўнг соҳили хонликдан ажратилиб, Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Амударё округи (1883 йилдан Амударё бўлими)нинг тузилиши.

**1873 йил 28 сентябрь** – Бухоро амирлиги Россиянинг протекторати деб эълон қилинган шартнома имзоланган.

**1873 йил** – Истанбул театрида Номиқ Камолнинг ватанпарварлик руҳидаги «Бечора бола» драмаси қўйилди.

**1873 йил** – ихтирочи Лодигин ўз лампаларини (лампочканинг ўтмишдоши) Петербургда биринчи марта намойиш қилди.

**1873 йил** – немис электротехниги Фарадей Хефнер-Алтенек (1811–1885) генераторни такомиллаштирди.

**1873 йил** – АҚШда ҳукмрон доиралар ва мулкдорлар инқироздан ишчиларнинг турмуш даражасини пасайтириш учун фойдаланди.

**1873 йил** – АҚШда инқироздан кейин саноат ниҳоят тез ривожланди.

**1873 йил** – Германия, Россия ва Австрия-Венгрия ўртасида ўзаро иттифоқ тўғрисида Уч император шартномаси тузилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1873 йил** – I Испания Республикаси эълон қилинди.

**1873 йил** – иқтисодий инқироз Францияга жуда катта зарар етказди.

**1873–1875 йиллар** – Кичик Осиёнинг марказий туманларида катта очарчилик бўлиб, кўп одамлар қирилиб кетди.

**1873–1879 йиллар** – Франция Республикаси президенти Маршал Мак-Магон (монархист)нинг ҳукмронлик даври.

**1873–1883 йиллар** – Ҳиндистон билан Англия савдоси 60 фоизга ўсди.

**1873–1885 йиллар** – Руфуо Барриос Гватемала мустақиллигига асос солди. Қаттиққўл диктатор сифатида у мамлакатда тез-тез бўлиб турган тўнтаришларни бартараф қилди.

**1873–1938 йиллар** – рус композитори Фёдор Иванович Шаляпин яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1873–1943 йиллар** – немис актёри ва режиссёри Андреас М.Рейнхард яшаган ва фаолият кўрсатган давр. Унинг фаолияти катта бадиий жасорат ва новаторлиги билан ажралиб турган.

**1874 йил** – Италияда коммерсия банки тузилди.

**1874 йил** – Туркияда чет эл сармоядорларига конларни ишга солишга рухсат берувчи қонун қабул қилинди.

**1874 йил** – Япония Хитойнинг Тайвань оролини босиб олди.

**1874–1877 йиллар** – Японияда самурайлар қўзғолони. У шафқатсизлик билан бостирилди.

**1874–1880 йиллар** – Англияда Бенжамин Дизраэли бошчилик қилган консерваторлар ҳукумати фаолияти.

**1874–1880 йиллар** – Аргентинада Авелянеданинг президентлик даври.

**1874–1895 йиллар** – Испанияда Альфонс XII қиёфасида бурбонлар сулоласи ҳокимияти қайта тикланди.

**1874–1931 йиллар** – Испания тахтида бурбонлар сулоласининг ҳукмронлиги даври.

**1874–1934 йиллар** – немис давлат арбоби Пауль Гинденбург яшаган давр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1874 йил 30 ноябрь – 1965 йил 24 январь** – машҳур инглиз давлат арбоби Леонард Спенсер Уинстон Черчилль яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1875 йил 25 апрель** – Япония ҳукумати Франция билан Германия ўртасида уруш хавфи пайдо бўлганлигидан ва Россиянинг Узоқ Шарқда заифлашганидан фойдаланиб, Жанубий Сахалинга бўлган даъвосидан воз кечиш шарти билан Курилл оролларини Россиядан Японияга бериш тўғрисидаги шартномани Петербургда тузишга муваффақ бўлди.

**1875 йил май** – Германия Социалистик ишчи партияси ташкил топди.

**1875 йил 13 август** –Англияда «Хўжайинлар ва хизматчилар тўғрисидаги қонун» бекор қилинди.

**1875 йил сентябрь** – Япония Кореяга ҳужум қилди ва Канхва оролини босиб олди.

**1875 йил 4 ноябрь** – Англия ҳукумати Сувайш канали акциясини сотиб олди.

**1875 йил** – Францияда Бастилия қалъаси озод этилган кун деб 14 июль илк марта эътироф қилинди.

**1875 йил** – Францияда Учинчи республика конституцияси қабул қилинди.

**1875 йил** – Парнелл инглиз парламантига депутат бўлиб олиб, Ирландияга мустақил идора ҳуқуқи берилиши (гомрул)ни талаб қилди.

**1875 йил** – Боснияда Усмонли турк султонлиги ҳукмронлигига қарши қўзғолон кўтарилди. Сербия унга аралашгач, серб – турк уруши (1876) келиб чиқди.

**1875 йил** – Қўшма Штатларда Теософлар жамияти тузилди.

**1875 йил** – Босния билан Черногорияда қўзголон бошланди.

**1875 йил** – Сербия Усмонли турк султонлигига қарши уруш эълон қилди. Лекин бу урушда Сербия маглубиятга учради ва султонлик билан ярашишга мажбур бўлди.

**1875 йил** – АҚШ Японияни тан олиб, унга мустамлакачилик ишларида мадад қўлини чўзди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1875 йил** – рус олими Федор Александрович Леш амёба дизентериясини туғдирувчи микробни аниқлади ва текширди. Кейинчалик немис олимлари Карл Жозеф Эберт ичтерлама, Роберт Кох сил ва вабо туғдирувчи микробларни, Фридрих Лёфлер бўғма туғдирувчи микробни топишди.

**1875–1919 йиллар** – Туркистондаги жадидчилик ҳаракати етакчиларидан бири, уламо ва жамоат арбоби Маҳмудхўжа Беҳбудий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**XIX асрнинг сўнгги чораги** – Африкада илмий кашфиётлар ва тадқиқотлар, католик ва протестант миссионерлари фаолиятидан сўнг мустамлака даври бошланди. Йирик Европа давлатлари Африкани бўлиб олишга киришди.

**1876 йил январь** – Францияда республикачилар Сенатга бўлган сайловларда ғалаба қозонганларидан кейин Патрис Мак-Магон кураш олиб боришни тўхтатди.

**1876 йил апрель** – Болгарияда усмонийлар ҳокимиятига қарши кўзғолон бошланди.

**1876 йил 1 июнь** – Болгарияда публицист ва шоир Христо Ботев жангда ҳалок бўлди. У ҳалок бўлган кун ҳозирда Болгарияда Хотира куни сифатида нишонланади.

**1876 йил 6 июль** – Россия билан Австрия-Венгрия ўртасида янги битим тузилди.

**1876 йил май** – Усмонли империясида ислоҳот тарафдорлари томонидан султон Абдулазиз ўлдирилди. Тахтга Абдулҳамид II ўтирди.

**1876 йил 23 декабрь** – Истанбулда конференция бўлиб, унда Усмонли турк султонлиги конституцияси эълон қилинди.

**1876 йил** – серб-турк уруши.

**1876 йил** – асли шотландиялик ихтирочи Александр Грейан Белл телефонни АҚШда ихтиро қилди.

**1876 йил** – Францияда ўтказилган сайловларда Депутатлар палатасида республикачилар, Сенатда эса монархиячилар кўпчиликни ташкил этди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1876 йил** – Францияда жуда кудратли Лонгвий металлургия синдикати вужудга келди.

**1876 йил** – Францияда мўътадил республикачи Жюль Греви президент қилиб сайланди.

**1876 йил** – Германияда Бисмаркнинг «марказ»га қарши кураши узоқ давом этмади: антиклерикал қонунлар чиқариш тўхтатилди.

**1876 йил** – Англия Усмонли турк султонлигидан Кипр оролини талаб қилди ва уни босиб олди.

**1876 йил** – Аргентинада эмиграция ва колонизация тўғрисида қонун қабул қилинди.

**1876 йил** – Мексикада давлат тўнтариши бўлиб, Порфирио Диас ўзини президент деб эълон қилди. Порфирио Диас Мексика президенти лавозимида 1911 йилгача турди (фақат 1880 – 1884 йиллар мустасно).

**1876 йил** – Хитой билан Англия ўртасида тузилган конвенция Хитойни янада асоратга солди.

**1876 йил** – Бельгия қироли Леополд II сайёҳ Генри Мортон Стэнлини Конго ҳавзасини текширишга юборди.

**1876 йил** – I Интернационал тугатилди. Марксистлар билан рус анархисти Бакунин тарафдорлари ўртасида жиддий келишмовчиликлар келиб чиқди.

**1876 йил** – Дмитрий Иванович Менделеев нефтни кимёвий қайта ишлаш усулига асос солди.

**1876 йил** – Россияда машҳур рус ихтирочиси Павел Николаевич Яблочковнинг «электр шами» деб аталган лампаси ёругликнинг янги манбаи сифатида вужудга келди.

**1876 йил** – рус ихтирочиси Александр Фёдорович Можайский (1825–1890) биринчи аэропланни яратди. Петербургда аэроплан моделларининг учиши халқ олдида намойиш қилинди.

**1876–1879 йиллар** – Россияда «Земля и воля» («Ер ва эрк») ташкилотининг фаолияти.

**1876–1888 йиллар** – Руминияда Ион Братиану ҳукумати фаолияти даври.

**1876–1909 йиллар** – Султон Абдулҳамид II нинг чекланмаган ҳукмронлик даври.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1877 йил 15 январь** – Болқон масаласида Австрия – Венгрия билан Россия ўртасида Будапешт конвенцияси имзоланди.

**1877 йил 19 март** – Усмонли турк султонлигида вилоят ҳокимлари ва мусулмон руҳонийлар вакилларидан иборат биринчи турк парламенти тўпланди.

**1877 йил 24 апрель** – Россия Усмонли турк давлатига қарши уруш эълон қилди.

**1877 йил 21 май** – Россия – Руминия ҳарбий конвенцияси имзоланди.

**1877 йил 21 май** – Валахия ва Молдова князликлари ягона давлат – Руминияга бирлашдилар ҳамда Руминия ўзини Туркиядан мустақил деб эълон қилди ва Туркияга бож тўлашни тўхтатди. Руминия тўла мустақилликка эришди. [1881 йил Руминия қироллик деб эълон қилинди. 1947 йилда Руминияда қироллик тугатилди.]

*Руминия қироллари:* Кароль I (1881–1914 йил 10 октябрь), Фердинанд I (1914 йил 10 октябрь – 1927 йил 20 июль), Михай I (1927 йил 20 июль – 1930 йил 8 июнь), Кароль II (1930 йил 8 июнь – 1940 йил 6 сентябрь), Михай I (1940 йил 6 сентябрь – 1947 йил 30 сентябрь).

**1877 йил октябрь** – Францияда ўтказилган сайловларда республикачиларнинг қўли баланд келди.

**1877 йил декабрь** – рус қўшинлари муваффакиятли ҳужум олиб бораётган бир пайтда Сербия яна Туркияга қарши урушга кирди.

**1877 йил декабрь** – Ишчи партияси АҚШ социалистик ишчи партияси деб номланди.

**1877 йил** – америкалик ихтирочи Томас Алва Эдисон овоз ёзиб олиш ва уни такрор эшиттириш аппарати – фонографни яратди.

**1877 йил** – Англия Зулилендни ўзига қарашли мустамлака деб эълон қилди.

**1877 йил** – Англия Трансваални босиб олди. Англиянинг Трансваал ва Оранж республикасини аннексия қилганлиги (ўзига қўшиб олганлиги) эълон қилинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1877 йил** – Германияда Рейхстагга сайловлар ўтказилди.

**1877–1878 йиллар** – Россия – Туркия уруши. Бу урушда Черногория Албаниянинг шимоли-шарқий туманлари Хоти ва Грудани босиб олди.

**1878 йил февраль** – АҚШ Миллий ишчи-фермер партияси (Гринбек ишчи партияси) ташкил топди.

**1878 йил 8 март** – Истанбул яқинидаги Сан-Стефано қишлоғида Россия ва Туркия ўртасида сулҳ шартномаси имзоланди. Сулҳ шартлари Европа давлатлари томонидан Берлин конгрессида муҳокама қилинди. Руминия, Сербия ва Черногория мустақиллиги тан олинди. Болгария мухторият олди. Кипр ороли инглизлар томонидан Усмонли суверенитети остида бошқариладиган бўлди.

**1878 йил 14 апрель – 1954 йил 15 июль** – бухоролик таниқли ёзувчи, жадидчилик ҳаракатининг машҳур намояндаси ва жамоат арбоби Садриддин Айний яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1878 йил апрель** – янги вужудга келган Болгариянинг давлат тузуми Тирново Таъсис Мажлиси томонидан қабул қилинган Болгар князлиги Конституциясида (Тирново Конституциясида) узил-кесил расмийлаштирилди.

**1878 йил май** – Шарқ масаласида Англия – Россия битими.

**1878 йил 10 июнь** – Албанияда Призрен лигаси (иттифоқи) тузилди.

**1878 йил июнь** – Берлинда Европа давлатларининг конгресси бўлди. Бу конгресс Италиянинг заифлашгани, дипломатия соҳасида унинг яккаланиб қолганлигини кўрсатди.

**1878 йил июль** – Австрия-Венгрия империяси Босния билан Герцеговинани оккупация қилишни бошлади.

**1878 йил** – Австрия-Венгрия томонидан Хорватия, Словения, Босния ва Герцеговина босиб олинди.

**1878 йил** – Сербия билан Черногория мустақил деб эълон қилинди.

**1878 йил** – Албаниянинг шимоли-шарқий туманлари Хоти ва Груда аҳолиси Черногорияга қарши кураш бошлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1878 йил** – Германия ҳукумати Рейхстагда социалистларга қарши қонунни тасдиқлатиб олди, унга «фавқулодда қонун» деб ном берди.

**1878 йил** – Россияда муҳандис Павел Михайлович Голубицкий (1845–1911) телефон аппаратини такомиллаштирди. У кўп кубли телефонларнинг биринчи қисмини қурди.

**1878 йил** – биринчи телефон станцияси Нью-Гаванада (АҚШ) ишга туширилди.

**1878 йил** – инглиз-афғон уруши бошланди ва «шарқ инқирози» давомида Англиянинг Россияга нисбатан душманлик сиёсатини олиб борганлиги маълум бўлди.

**1878–1880 йиллар** – Россиянинг Марказий Осиёга ҳужуми оқибатида Иккинчи инглиз-афғон уруши бўлди.

**1878–1880 йиллар** – Афғонистонда инглизларга қарши иккинчи уруш бўлиб ўтди.

**1878–1879 йиллар** – Аргентинада ҳукумат ҳиндуларга қарши катта ҳарбий экспедиция юборди.

**1878–1879 йиллар** – Африкада инглиз мустамлакачиларининг зулусларга қарши уруши.

**1878–1890 йиллар** – Германияда социалистларга қарши фавқулодда қонун қабул қилинди.

**1878–1900 йиллар** – Японияда саноат юксалиши даври.

**1878 йил – 1931 йил 23 апрель** – Тошкентдаги жадидчилик ҳаракатининг йўлбошчиси, маърифатпарвар адиб Мунавварқори Абдурашидхонов яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1878 йил – 1968 йил 28 июль** – бухоролик машҳур тараққийпарвар, таниқли давлат арбоби Усмон Хўжа (Усмонхўжа Пўлатхўжаев) яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1879 йил 4 август** – папа Лев XIII Фома Аквинский таълимотини ҳамма католик черковлари учун мажбурий деб эълон қилди. XIX ва XX асрларда унинг таълимоти неотомизм (янги томизм) номи билан ривожланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1879 йил август** – Кобулда инглизларга қарши қўзғолон кўтарилди.

**1879 йил 23 сентябрь** – Туркияда Шариф истеъфога чиқди ва ўрнига Риёз Пошо Бош вазир бўлди.

**1879 йил сентябрь** – Германия билан Австрия-Венгрия ўртасида иттифоқ шартномаси имзоланди.

**1879 йил** – Африкада зулуслар қироли Умпанденинг вориси Кетчваё уч тўқнашув давомида инглизларнинг 20 минғ кишилик армиясини яксон қилди.

**1879 йил** – Англия Афғонистонни тутқунликда сақловчи Гандамак шартномасини қабул қилишга мажбур этди.

**1879 йил** – Ҳиндистонда Маратх деҳқонларининг қўзғолони бўлди. Инглизлар бу қўзғолонни бостирди (1880).

**1879 йил** – Италияда мажбурий бошланғич (уч йиллик) таълим тўғрисида декрет чиқарилди.

**1879 йил** – АҚШнинг 20 та шаҳрида телефон тармоғи бор эди.

**1879 йил** – Парижда биринчи телефон тармоғи очилди.

**1879–1894 йиллар** – Чили билан Перу ва Боливия ўртасида Тинч океани уруши. Урушга чегара районларида селитра конларининг кўплиги сабаб бўлди.

**1879–1953 йиллар** – давлат ва сиёсат арбоби Иосиф Виссарионович Сталин (ҳақиқий фамилияси Жугашвили) яшаған ва фаолият кўрсатған.

**1879–1955 йиллар** – германиялик буюк физик Альберт Эйнштейн яшаган ва фаолият кўрсатган давр. У нисбийлик назарияси қонунини кашф қилди. Эйнштейн назарияси олам тўғрисидаги тасаввурларни буткул ўзгартириб, аниқ фанлар соҳасида XX асрда қилинган барча кашфиётларнинг пойдевори бўлди.

**1880 йил 29 май – 1936 йил 8 май** – немис файласуфи ва XX аср тарих фалсафаси концепциясининг намояндаси Освальд Шпенглер яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1880 йил 27 июль** – Афғонистоннинг Майбанд қишлоғи ёнида инглизлар билан жанг бўлди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1880 йил июль** – Александр Фёдорович Можайский ўзи ихтиро қилган буғ двигатели ўрнатилган самолётига патент олиш учун ариза ёзди, самолёт лойиҳасини аризага илова қилди.

**1880 йил** – санъатда импрессионизм тушкунликка юз тута бошлади. Поль Сезанн (1839–1906), Поль Эжен Анри Гоген (1848–1903) ва Винсент Ван Гог (1853–1890) ўша даврдаги рассомлар орасида алоҳида мавқега эга бўлган.

**1880 йил** – Кубада қулчилик бекор қилинди.

**1880 йил** – афғон халқининг Кобулда инглизларга қарши қўзғолони.

**1880 йил** – Африканинг Трансваал республикасида олтин кони топилди.

**1880 йил** – Европа давлатлари АҚШга 2 млрд. доллар капитал қўйган бўлса, 1890 йилда бу рақам 3 млрд. долларга етди.

**1880 йил** – Германияда 400 га яқин картел тузилиб, ўзаро бирлашди.

**1880 йил** – Чехияда суд ва маъмурият ишлари учун икки тил жорий қилинди.

**1880 йил** – Россияда корхона эгаларининг биринчи синдикат битимлари пайдо бўла бошлади.

**1880 йил** – Франция Саҳрои Кабирни тўрт қисмга бўлиб, у ерда ўзига тегишли вилоятлар тузди.

**1880 йил** – Франция Вьетнамни босиб олди.

**1880 йил** – Дўст Муҳаммадхоннинг набираси Абдураҳмон бошчилигида Афғонистондаги қўзғолончилар инглизлар устидан ғалаба қозонди.

**1880 йил** – Дўст Муҳаммадхоннинг набираси Абдураҳмон Шимолий Афғонистонда ўз ҳокимиятини ўрнатди.

**1880–1885 йиллар** – Англияда либераллардан бўлган Вильям Эварт Гладстоннинг иккинчи ҳукумати даври.

**1880–1886 йиллар** – Аргентинада Алехо Хулио Архентино Роканинг президентлик даври.

**1880–1901 йиллар** – Амир Абдураҳмон ҳукмронлиги даврида Афғонистон қийин иқтисодий-ижтимоий аҳволда қолди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1881 йил январь** – шиддатли жанглардан кейин Гўк-тепа (ҳозирги Туркманистон) қалъаси Россия империяси қўшинлари томонидан қўлга киритилди.

**1881 йил 27 апрель** – Болгарияда консерваторлар розилиги билан Баттенберг Тирнова конституциясини бекор қилиб, диктаторлик идора усулини ўрнатди.

**1881 йил 12 май** – Тунисда Франция протекторати ўрнатилди (Бардоский шартномаси).

**1881 йил март** – Россия императори Александр II террорчилар томонидан ўлдирилди.

**1881 йил** – Сербия князи Милан Обренович Австрия-Венгрия билан яширин конвенция тузди. Кейинчалик шартноманинг муддати узайтирилиб, у Черногорияга қарши қаратилган янги моддалар билан тўлдирилди (1899 йил).

**1881 йил** – АҚШ ва Канадада тред-юнионлар ва ишчилар иттифоқи уюшган федерацияси қайта тикланди.

**1881 йил** – Суданда маҳдийлар ҳаракати бошланди.

**1881 йил** – Усмонийлар империяси Грецияга Фессалия ва Эпирнинг бир қисмини топширди.

**1881 йил** – Шимолий Хитойда биринчи темир йўл ишга туширилди.

**1881 йил** – француз олими Луи Пастер (1822.27.12 – 1895.28.09) куйдиргига қарши, 1885 йилда эса қутуришга қарши эмлашни кашф қилди.

**1881 йил** – Берлинда биринчи телефон тармоғи очилди.

**1881 йил** – Россиянинг 5 та шаҳари: Петербург, Москва, Варшава, Рига ва Одессада телефон линиялари қурилди.

**1881 йил** – Франция Тунисни (Усмонли турк султонлигига қарашли бўлган) босиб олди.

**1881–1882 йиллар** – Францияда мажлислар қилиш ва матбуот эркинлиги тўғрисида, мажбурий дунёвий текин маълумот олиш ҳақида қонунлар қабул қилинди.

**1881–1884 йиллар** – Польша ва Россияда бўлган яҳудийлар қирғини натижасида яҳудийларнинг Фаластинга эмиграцияси кучайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1881–1898 йиллар** – Суданда Муҳаммад Аҳмад Маҳдий бошчилигида инглиз ва мисрликларга қарши қўзғолон кўтарилди.

**1881–1894 йиллар** – Александр III нинг Россияда императорлик даври. У амалдор Константин Петрович Победоносцев ёрдамида реакцион сиёсат юритди.

**1881–1922 йиллар** – таниқли давлат ва сиёсат арбоби, ҳарбий саркарда Анвар Пошо яшаган ва фаолият кўрсатган.

**1881–1936 йиллар** – Конфуций анъаналари ва янги реалистик йўналиш уйғунлашган хитойлар маданиятининг асосчиси буюк Лу Синь яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1881–1938 йиллар** – машҳур давлат арбоби Мустафо Камол Отатурк яшаган ва фаолият кўрсатган давр. У хизматларининг эътирофи сифатида Отатурк (турклар отаси) фахрий унвонини олган.

**1881–1973 йиллар** – кубизмнинг энг машҳур вакили испан рассоми Пабло Пикассо яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1882 йил 6 май** – Дублинда Ирландия ишлари бўйича статс-секретар ва Ирландия лорд-ҳокими ўлдирилди. Жаҳон инқирози натижасида ирландлар ер-мулкларини сотишга мажбур бўлдилар.

**1882 йил 6 март** – Милан Обренович ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш ниятида Сербияни қироллик деб эълон қилди.

**1882 йил 11 июль** – инглизлар Мисрга ҳужум қилиб, Искандарияни тўплардан ўққа тутдилар.

**1882 йил 7 август** – инглизлар Сувайшни босиб олди.

**1882 йил сентябрь** – Миср қўшинлари инглизлардан енгилди.

**1882 йил** – Мисрда ижтимоий ҳаракатлар маркази дастлаб босқинчиларга қарши сиёсий кураш йўлини рад этувчи маърифатпарвар Муҳаммад Абдо атрофида тўпланди.

**1882 йил** – Орабибей Пошо бошчилигида Мисрда миллий ҳаракат бошланди. Миср Конституцияси қабул қилинди. Миср устидан амалда Британия протекторати ўрнатилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1882 йил** – Хартумга Миср «Ватан» партияси ҳукумати номидан Абдулқодир генерал-губернатор бўлиб келди.

**1882 йил** – Сеулда аскарлар ва шаҳар камбағалларининг қўзғолони.

**1882 йил** – Франциянинг Монсале-Мин, Лион, Лилль, Рубе ва бошқа шаҳарларида йирик иш ташлашлар бўлди.

**1882 йил** – Германия, Австрия-Венгрия ва Италия ўртасида Уч давлат иттифоқи тузилди.

**1882 йил** – француз тадқиқотчиси Марсель Депре Мюнхен кўргазмасида 57 км узунликдаги электр узатиш линиясини тажрибада кўрсатиб берди.

**1882 йил** – рус ихтирочиси Николай Николаевич Бенардос (1842 – 1905) яратган электр билан пайвандлаш усулидан темир йўлларда рельсларни ва поездларни тузатишда кенг фойдаланилди.

**1882–1886 йиллар** – Россияда саноат узоқ муддатли депрессия (турғунлик)га учради.

**1882–1921 йиллар** – Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг раҳбарларидан бири Катта Эргаш яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1882–1945 йиллар** – рус ёзувчиси Алексей Николаевич Толстой яшаган ва фаолият кўрсатган давр. У XIX аср рус адабиёти билан генетик алоқаларни сақлаб қола билган рус адабиёти реалистик йўналишининг ёрқин вакилларидан бири ҳисобланади.

**1883 йил 10 апрель** – Боқчасаройда Исмоилбек Гаспринский муҳаррирлигида «Таржимон» газетасининг биринчи сони чоп этилган.

**1883 йил 8 июнь** – Ла-Марс (Тунис шаҳри яқинида) битимига кўра, Тунис устидан Франция ҳокимиятини министр-резидент амалга оширган.

**1883 йил 5 ноябрь** – генерал Хикс бошлиқ инглиз қўшини Судан ансорлари томонидан Эл-Обейд ёнида қириб ташланди.

**1883 йил** – Фридрих Ницше «Зардушт таваллоси» асарини ёзиб, олий одам (аъло одам) тўғрисидаги ғояларини ривожлантирди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1883 йил** – Киншасада шартнома тузилиб, катта майдонни эгаллаган Конго ҳавзасидаги ерлар Бельгия мустамлакаси деб тан олинди.

**1883 йил** – Тунисда ижтимоий ҳаракатлар бошланди. Али Бош Хамба, Башир Сафар каби илғор зиёлилар исломий маърифат йўлини таргиб қилдилар.

**1883 йил** – Германия Африканинг шимоли-ғарбий қисмини босиб олди.

**1883 йил** – немис мустамлакачилари томонидан Намибия истило қилинди.

**1883 йил** – Германия ва Австрия-Венгрия ўртасида Россияга қарши иттифоқ тузилди.

**1883 йил** – Франция Мадагаскарга қарши уруш эълон қилди.

**1883 йил** – Франция жуда ноқулай ташқи сиёсий вазиятда Шимолий Вьетнам (Тонкин)ни босиб олиш учун янги мустамлакачилик урушини бошлади.

**1883 йил** – Пуэрто-Рико халқи қулчиликни бекор қилди.

**1883 йил** – Россияда Георгий Валентинович Плеханов раҳбарлигида «Меҳнатни озод қилиш» гуруҳи тузилди.

**1883–1909 йиллар** – Гондурас, Сальвадор ва Никарагуа давлатлари иттифоқида раҳбарлик ролини Никарагуа диктатори Селая ўйнади.

**1883–1924 йиллар** – Америка меҳнат федерациясига Гомперс раислик қилди.

**1884 йил апрель** – Жануби-Ғарбий Африка устидан Германия протекторати ўрнатилди.

**1884 йил март** – Қримнинг Боқчасарой шаҳрида Исмоилбек Гаспринский томонидан илк марта янги усул (жадид) мактаби ташкил қилинди.

**1884 йил** – Германия Африканинг ўрта қисмидаги Того ва Камерун ҳудудларини, Гвинеянинг шимолий қисмини ва унга ёндош оролларни босиб олди.

**1884 йил** – Австрия-Венгрияда фавқулодда қонун жорий қилинди.

**1884 йил** – Францияда Анзен конларида иш ташлаганларга қарши қўшин юборилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1884 йил** – Австрия-Венгрияда Эдуард фон Тааффе канцлер Отто фон Бисмаркдан ўрнак олиб, ишчилар ҳаракатига қарши курашиш мақсадида «фавқулодда қонун» чиқарди.

**1884–1885 йиллар** – Буюк Британияда парламент ислоҳотлари.

**1884–1885 йиллар** – Берлинда бўлган конференцияда Африка қитъасига Европанинг таъсири ва мустамлакачилик масалалари кўриб чиқилди.

**1884–1885 йиллар** – Франция – Хитой уруши. Франциянинг Ҳиндихитойда олиб борган ҳарбий ҳаракатлари. Вьетнам босиб олинди.

**1884–1885 йиллар** – Суданда инглиз экспедицияси ҳаракати. Чарльз Жорж Гордон қўшинлари мағлубиятга учради.

**1884–1919 йиллар** – машҳур ўзбек шоири Аваз Ўтар яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1884–1924 йиллар** – Бухородаги истиқлолчилик ҳаракатининг раҳбарларидан бири Мулла Абдулқаҳҳор яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1884–1972 йиллар** – давлат арбоби Гарри Трумэн яшаган давр.

**1885 йил 21 март – 1976 йил 28 февраль** – йирик уламо ва жамоат арбоби Алихонтўра Соғуний яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1885 йил март** – Африкада Лонг-Сонг ёнида француз қўшинлари мағлубиятга учради.

**1885 йил 13 ноябрь** – Сербия — Болгария уруши.

**1885 йил 14 ноябрь** – Серб армияси уруш эълон қилмасдан Болғария тупроғига бостириб кирди.

**1885 йил** – Бухорода Россия императорлик сиёсий агентлиги таъсис этилди.

**1885 йил** – рус олими Илья Ильич Мечников тиббиёт фанининг янги тармоғи иммунологияга асос солди, яъни иммунитетнинг фаготситар назариясини яратди.

**1885 йил** – Ҳиндистоннинг Броче вилоятида Лекх бошчилигидаги қўзғолон бўлди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1885 йил** – Ҳиндистон миллий конгресс партияси Бомбай шаҳрида тузилди.

**1885 йил** – Суданда мустақил Маҳдийлар давлати тузилди.

**1885 йил** – суданликлар Хартумни ишғол қилган инглизларни қуршаб олиб, қириб ташлади.

**1885 йил** – Шарқий Румелия (Жанубий Болгария)да халқ қўзғолони бошланди.

**1885 йил** – Учинчи Англия – Бирма уруши. Бирма Англияга қарашли Ҳиндистонга қўшиб олинди.

**1885 йил** – Германия Африканинг шарқий қисмидаги ҳудудларни ва Занзибар оролини забт этди. Бу ҳудуд «Германия Шарқий Африкаси» деган ном олди. Шарқий Африка устидан Германия протектората ўрнатилди.

**1885–1887 йиллар** – Англия ва Россия ўртасида Афғонистоннинг тақдири ва унинг чегарасини белгилаш масаласи кун тартибига қўйилди. Бу масала рус-инглиз комиссияси томонидан ҳал этилди.

**1885–1962 йиллар** – машҳур физик Нильс Бор яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1886 йил март** – Шарқий Румелия масаласи ҳал этилди. Шарқий Румелияда болгар князи генерал-губернатор қилиб тайинланди.

**1886 йил 3 май** – АҚШнинг Чикаго шаҳридаги Сенно майдонида оммавий митинг бўлди.

**1886 йил ноябрь** – Россия билан Болгария ўртасида дипломатик муносабатлар узилди.

**1886 йил** – Англияда ҳокимият тепасига Роберт Гаскойн-Сесил Солсбери бошлиқ консерватив ҳукумат чиқиб олди ва босқинчилик ҳаракатини қўллаб-қувватлади.

**1886 йил** – АҚШда 1 майдаги умумий иш ташлашларда 350000 дан ортиқ ишчи қатнашди.

**1886 йил** – «Қўшма Штатлар ва Канада уюшган тред-юнионлари ва ишчи иттифоқи федерацияси» Америка меҳнат федерацияси деган ном олди.

**1886 йил** – Жанубий Африкада олтин конлари очилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1886 йил** – Қўшма Штатларда апачилар қўзғолони бостирилди (уларнинг доҳийси Жеронимо таслим бўлди).

**1886 йил** – АҚШ пўлат эритиш бўйича, кейинчалик чўян ишлаб чиқариш (1890), пахта етиштириш (1892), кўмир қазиб чиқариш (1899) бўйича Англиядан ўзиб кетди.

**1886 йил** – Поль Эру (Франция) ва Чарлз Холлер (АҚШ) электролит йўли билан алюминий ажратиб олдилар.

**1886 йил** – Аргентинада ҳукумат ҳиндуларга қарши катта ҳарбий экспедиция юборди.

**1886–1890 йиллар** – Аргентинада Хуареснинг президентлик даври.

**1886–1892 йиллар** – Англияда Солсберининг биринчи ҳукумати.

**1886–1898 йиллар** – Италия – Франция ўртасидаги «бож уруши».

**1886–1921 йиллар** – атоқли рус шоири Николай Степанович Гумилёв яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1886 йил – 1938 йил 4 октябрь** – жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаси, ёзувчи, олим, давлат ва жамоат арбоби Абдурауф Абдураҳим ўғли Фитрат яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1886 йил – 1938 йиллар** – таниқли давлат ва жамоат арбоби, жадидчилик ҳаракатининг йирик намояндаларидан бири Убайдуллахўжа Асадуллахўжаев [Убайдулла Хўжаев] яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1886 йил – 1941 йил 27 декабрь** – Туркистондаги миллий озодлик ҳаракати раҳбарларидан бири Мустафо Чўқай яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1886 йил** – шахмат бўйича шахсий жаҳон чемпионати ўтказилиб, унда Вильгельм Стейниц ғалаба қозонди ва биринчи жаҳон чемпиони бўлди.

*ФИДЕ таснифи бўйича шахматдан жаҳон чемпионлари:* Вильгельм Стейниц (1886–1894), Эммануил Ласкер (1894–1921), Хосе Рауль Капабланка (1921–1927), Александр Алёхин (1927–1935; 1937–1944), Макс Эйве (1935–1937), Михаил Ботвинник (1948–1957; 1958–1960;



www.ziyouz.com kutubxonasi

1961–1963), Василий Смислов (1957–1958), Михаил Тал (1960–1961), Тигран Петросян (1963–1969), Борис Спасский (1969–1972), Роберт Фишер (1972–1975), Анатолий Карпов (1975–1985; 1993–1999), Гарри Каспаров (1985–1993/2000), Александр Халифман (1999–2001), Вишванатан Ананд (2001–2002; 2007 йилдан), Руслан Олегович Пономарёв (2002–2004), Рустам Қосимжонов (2004–2005), Веселин Топалов (2005–2006), Владимир Крамник (2006–2007).

**1887 йил 16 январь** – Ҳабашистон ҳокими Ёхонни кучлари Адуа ёнида Италия қўшинини тор-мор қилди.

**1887 йил 18 июнь** – Уч император иттифоқи қулади. Германия билан Россия ўртасида Эҳтиёт шартномаси тузилди.

**1887 йил август** – Халқ мажлиси немис шаҳзодаси Фердинанд Кобургскийни Болгария князи қилиб сайлади.

**1887 йил 3 декабрь – 1894 йил 24 июнь** – Франция Республикасини президент Сади Карно бошқарган давр.

**1887 йил** – Россия ва Буюк Британия империялари ўртасида тузилган махфий битимга биноан, Бухоро амирлиги билан Афғонистон ўртасида янги чегара чизиғи белгиланди. Бухоро амирлиги ҳудудининг бир қисми Афгонистон ихтиёрига ўтди.

**1887 йил** – Суданда жаалин қабиласи «бош кўтарди». Маҳдийлар давлатининг биринчи халифи (халифлари тўртта эди) Абдуллоҳ қўзғолончиларни қаттиқ жазолади.

**1887 йил** – Трансваал олтин конлари ва йирик мис конлари очилди.

**1887 йил** – Германияда Киль канали қурилди. Бу канал Болтиқ денгизини Шимолий денгиз билан туташтирди.

**1887 йил** – Американинг Нью-Йорк штатида биринчи иссиқлик электр станцияси қурилди.

**1887 йил** – Россияда қанд синдикати тузилиб, у бу даврда бутун қанд заводларининг 92 фоизини ўз ичига олди.

**1887 йил** – Франция раҳнамолигида Ҳиндихитой иттифоқи тузилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1887–1889 йиллар** – Францияда буланжистлар ҳаракати.

**1887–1891 йиллар** – Италиянинг Африкадаги ер-мулки кенгайиб, аввал Сомалини (1889), кейинчалик Эритерияни (1890) қўлга киритди.

**1888 йил 29 декабрь** – Истанбулда Сувайш каналидан фойдаланиш бўйича Англия, Германия, Испания, Италия, Россия, Туркия, Франция давлатлари конвенция имзоладилар.

**1888 йил** – Бразилияда қулчилик бекор қилинди.

**1888 йил** – Сербияда янги конституция қабул қилинди.

**1888 йил** – Албанияда Дибрдаги катта халқ қўзголонлари миллий тил ва миллий мактаб учун кураш шиорларини илгари сурди.

**1888 йил** – Гайнфельддаги съездда Австрия Социал-демократик партияси ташкил топди.

**1888 йил** – Англия Шимолий Борнё устидан протекторат ўрнатди.

**1888 йил** – Шарқий Африкада Германия зулмига қарши Бутир Бин Салим Ал-Харти раҳбарлигида қўзғолон кўтарилди.

**1888 йил** – инглиз олими Жеймс Клерк Максвелл (1831.13.06–1879.05.11) назариясига асосан немис физиги Генрих Рудольф Герц (1857.22.02.–1894.01.01.) жаҳонда биринчи бўлиб электромагнит тўлқинлари пайдо бўлишини аниқлашга муваффақ бўлди.

**1888–1892 йил** – Англияда Тред-юнион аъзоларининг умумий сони икки баравар ошди ва 750 минг кишидан 1 500 000 кишига етди.

**1888 йил** – Вильгельм I ва Фридрих III вафот этгач, Вильгельм II Германия императори бўлди.

**1888–1918 йиллар** – Германия императори Вильгельм II нинг ҳукмронлик даври.

**1888–1967 йиллар** – инглиз давлат арбоби Клемент Эттли яшаган давр.

**1889 йил 11 февраль** – Японияда Пруссия конституцияси намунаси асосида тузилган парламент конституцияси юзага келди. Мамлакатда икки палатали парламент тузилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1889 йил 22 февраль – 1929 йил 18 март** – шоир, драматург, жамоат арбоби Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1889 йил март** – Ҳабашистон императори Менелик суданликлар фойдасига тузилган битимни имзолашга мажбур бўлди.

**1889 йил август** – Англия ва Мисрнинг бирлашган қўшинлари Судан маҳдийларининг 14 минг кишилик қўшини устидан ғалаба қозонди.

**1889 йил 15 ноябрь** – монархия тугатилиб, Бразилия федератив республика деб эълон қилинди.

*Бразилия Федератив Республикаси президентлари:* Деодору да Фонсека (1889–1891), Флориану Пейшоту (1891–1894), Пруденте де Мораис (1894–1898), Мануэл Ферраз де Кампос Салес (1898–1902), Франсиску де Паула Родригес Альвис (1902–1906), Афонсу Агусту Морейра Пена (1906–1909), Нилу Прокопиу Песанья (1909–1910), Эрмес Родригес да Фонсека (1910–1914), Венсеслау Брас Перейра Гомес (1914–1918), Дельфин Морейра да Коста Рибейру (1918–1919), Эпитасиу Линдолву да Силва Пессоа (1919–1922), Артур Бернардес (1922–1926), Луис Перейра де Соуза (1926–1930); Аугусту Тассу Фрагозу (1930 йил октябрь – ноябрь), Жетулиу Дорнеллес Варгас (1930–1945), Жозе Линьярес (1945–1946); *Бразилияда ҳарбий диктатура даври президентлари (1946–1985):* Эурику Гаспар Дутра (1946–1951), Жетулиу Дорнеллес Варгас (1951–1954), Жуан Фернандес Кампос Кафе Филью (1954–1955), Карлос Коимбра да Луз (1955 йил 9–11 ноябрь), Нереу де Оливейра Рамос (1955–1956), Жуселину Кубичек (1956–1961), Жуан Гуларт (1961–1964). Умберту Кастелу Бранку (1964–1967), Артур да Коста и Силва (1967–1969), Аугусту Хаман Радемакер Грюневальд (1969 йил август – октябрь), Эмилиу Гаррастазу Медичи (1969–1974), Эрнесту Бекман Гейзель (1974–1979), Жуан Фигейреду (1979 – 1985).

*Бразилияда янги республика даври президентлари:* Танкреду ди Алмейда Невис (1985 йил март – апрель), Жозе Сар-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ней (1985–1990), Фернанду Коллор ди Меллу (1990–1992), Итамар Франку (1992–1995), Фернанду Энрике Кардозу (1995–2003), Луис Инасиу Лула да Силва (2003–2010), Дилма Руссеф хоним (2010 йил 31 октябрдан).

**1889 йил** – Истанбулда ҳарбий тиббиёт билим юрти курсантлари яширин «Иттиҳод ва Тараққий» ташкилотини туздилар.

**1889 йил** – АҚШ давлат департаменти ташаббуси билан Вашингтонда биринчи Панамерика конференцияси бўлди.

**1889 йил** – Сомали устидан Италия протекторати ўрнатилди.

**1889 йил** – II Интернационал тузилди.

**1889 йил** – биринчи ҳаракатчан кино яратилди.

**1889 йил** – француз муҳандиси Александр Гюстав Эйфель Париждаги жаҳон кўргазмаси учун ўша даврда ғоят катта, баландлиги 312 метр бўлган Эйфель минорасини қурди.

**1889 йил – 1932 йил 31 август** – Бухородаги истиқлолчилик ҳаракатининг етакчиси Иброҳимбек яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1889–1945 йиллар** – Адольф Гитлер (ҳақиқий фамилияси: Шикльгрубер) яшаган.

**1889–1964 йиллар** – таниқли давлат арбоби Жавоҳарлаъл Неру яшаган йиллар. У Ҳиндистон мустақиллиги учун курашда Маҳатма Гандининг изчил сафдоши бўлди.

**1889–1966 йиллар** – атоқли рус шоираси Анна Ахматова яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1889–1975 йиллар** – инглиз файласуфи ва тарихчиси Арнольд Тойнби яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1890 йил март** – Германияда канцлер Отто фон Бисмарк истеъфо беришга мажбур бўлди.

**1890 йил 10 декабрь – 1970 йил 26 июль** – Туркистондаги миллий озодлик ҳаракатининг раҳбарларидан бири Аҳмад Закий Валидий [Тўғон] яшаган ва фаолият кўрсатган давр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1890 йил** – ҳиндулар билан америка қўшинлари ўртасида сўнгги тўқнашув бўлиб, унда Вундедни (Дакота)даги Сиу қабиласи мағлубиятга учради.

**1890 йил** – Лондонда метронинг биринчи линияси очилди.

**1890 йил** – Эфиопия ҳудудининг бир қисми Италия томонидан босиб олинди ва Эритерия мустамлакаси ташкил топди.

**1890 йил** – АҚШда трестларга қарши Шерман қонуни қабул қилинди.

**1890 йил** – Африкада Сесиль Жон Родс Кап колониясининг министри бўлди.

**1890 йил** – Англия томонидан Янги Гвинеянинг жануби-шарқий қисми босиб олинди. Африкада эса Кения билан Танганьика забт этилди.

**1890 йил** – Англияда Мустақил ишчилар партияси пайдо бўлди.

**1890 йил** – АҚШнинг шарқий штатларида ҳар бирининг капитали 1 миллион доллардан ортиқ бўлган 450 га яқин корхона бўлган.

**1890 йил** – АҚШда 1 фоиз капиталистлар қўлидаги бойлик 99 фоиз аҳоли қўлидаги бойликдан кўп эди.

**1890 йил** – Австрия-Венгрия империясида шаҳар аҳолиси бутун аҳолининг учдан бир қисмини ташкил қилган.

**1890–1894 йиллар** – Германияда генерал Лео фон Капривенинг канцлерлик даври.

**1890–1969 йиллар** – Вьетнам давлат ва сиёсий арбоби Хо Ши Мин яшаган давр.

**1891 йил** – инглизлар Қизил денгиз бўйида Судан маҳдийларини тор-мор қилди.

**1891 йил** – Яманда зайдийлар қўзғолони бошланди.

**1891 йил** – Бразилия қабул қилинган янги Республика Конституциясига биноан Бразилия Қўшма Штатлари деб аталадиған бўлди.

**1891 йил** – Гвинея Франция томонидан босиб олинди.

**1891 йил** – Луи-Ренэ Панар (1841–1908) ва Эмиль



www.ziyouz.com kutubxonasi

Левассор (1844–1897) биринчи моторли автомобилни яратишди.

**1891 йил** – Франкфурт-Майнда ташкил этилган электр кўргазмасида Доливо-Доброволский электр энергиясини қарийб 17 км масофага 3 фазали ток ёрдамида узатишни амалга оширди.

**1891 йил** – Германияда 175 км га чўзилган электр линия қурилиб, ишга туширилди.

**1891 йил** – Россияда Дмитрий Иванович Менделеев тутунсиз порохнинг «сирини» топди. Завод шароитида Менделеев усулида тутунсиз порох тайёрланди.

**1891–1892 йиллар** – Россияда очарчилик юз берди.

**1891–1908 йиллар** – Россияда Транссибирь темир йўли қурилди.

**1891–1938 йиллар** – атоқли шоир Осип Эмильевич Мандельштам яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1891–1940 йиллар** – рус ёзувчиси Михаил Афанасьевич Булгаков яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1892 йил** – инглиз ихтирочиси Горацио Филиппс жаҳонда биринчи бўлиб катта аэроплан яратди, бу аэроплан гарчи одамсиз бўлса-да, ҳавога кўтарилди.

**1892 йил** – Англияда маркиз Солсбери Роберт Гаскойн-Сесил ҳукумати либераллар ҳукуматига ўз ўрнини бўшатиб берди. Бироқ орадан кўп ўтмай ҳокимият тепасига яна либераллар келишди. Вильям Эварт Гладстон ўзининг тўртинчи ҳукуматини тузди.

**1892 йил** – Дагомея Франция томонидан босиб олинди.

**1892 йил–1920 йил 14 май** – Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг раҳбарларидан бири Мадаминбек яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1892 – 1897 йиллар** – Бразилияда деҳқонлар қўзғолони.

**1892 йил 26 ноябрь – 1941 йил 31 август** – рус шоираси Марина Ивановна Цветаева яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1892–1942 йил 4 август** – бухоролик машҳур полвон Ҳамро Полвон яшаган ва фаолият кўрсатган давр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1892–1980 йиллар** – таникли давлат арбоби, Қўшилмаслик ҳаракати йўлбошчиларидан бири Иосиф Броз Тито яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1893 йил 9 июль** – Венада 50 минг кишилик намойиш бўлди.

**1893 йил** – Францияда артиллериянинг янги тури: анча тезотар ўзи юрар тўп пайдо бўлди.

**1893 йил** – Саҳрои Кабир устидан Франция протектерати ўрнатилди.

**1893 йил** – Лаос устидан Франция протектерати ўрнатилди.

**1893 йил** – Германияда катта ер эгалари томонидан тузилган «қишлоқ хўжайинлари иттифоқи» съездида юнкерлар Капривининг янги йўлига қарши норозилик билдирди.

**1893 йил** – Мўминхўжа Вобкандий ва гиждувонлик Домла Фозил Туркистондаги дастлабки жадид мактабини Бухорода очишган. Бу мактаб Амир Абдулаҳадхоннинг отаси шаънига «Музаффарийа» мактаби деб аталган.

**1893 йил** – Афғонистон амири Абдураҳмон инглизлар билан битим тузиб, жанубдаги афғон қабилаларининг кўпчилиги инглизлар қарамоғида, деб тан олишга мажбур бўлди.

**1893 йил** – Японияда конституция қабул қилинди.

**1893 йил** – япон қўшинлари Кореяга бостириб кирди.

**1893 йил** – корейс деҳқонларининг «Тонхак» («Шарқ кураши») яширин жамияти етакчилигидаги қўзғолонни бостириш баҳонасида Хитой Кореяга қўшин юборди.

**1893–1896 йиллар** – Гавай ороллари Қўшма Штатлар томонидан қўшиб олинди.

**1893–1964 йиллар** – халқаро ишчилар ҳаракатининг йирик арбоби Пальмиро Тольятти яшаган давр.

**1893–1907 йиллар** – Ҳиндистонда инглиз капитали темир йўллар бўйича 56 фоизга, хусусий компанияларда 23 фоизга, банкларда 95 фоизгача ўсди.

**1893–1970 йил март** – Туркистондаги истиқлолчилик ҳаракатининг раҳбарларидан бири Шермуҳаммадбек яшаган ва фаолият кўрсатган давр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1894 йил 10 апрель – 1938 йил 4 октябрь** – XX аср янги ўзбек адабиётининг улкан намояндаси, ўзбек романчилигининг асосчиси Абдулла Қодирий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1894 йил июль** – Япония Сеулда сарой тўнтариши қилиб, японпараст ҳукуматини тузди ва пойтахт гарнизонини қуроллантирди.

**1894 йил сентябрь** – Хитой Шимолий флотидан ажралди.

**1894 йил 26 декабрь – 1938 йил 10 февраль** – таниқли давлат арбоби Турор Рисқулов яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1894 йил** – Буганда Англия томонидан тузилган Уганда протекторати таркибига киритилди.

**1894 йил** – АҚШда саноат маҳсулот ҳажми Ғарбий Европадаги барча мамлакатлар маҳсулотининг ярмига тенг ва Буюк Британиядан икки баробар ортиқ эди.

**1894 йил** – Англияда Вильям Эварт Гладстон вафотидан кейин ҳукуматга бошлиқ бўлган консерватор граф Розбери Арчибальд Примроуз эски либерализмга бутунлай хотима берди.

**1894 йил** – Францияда президент Сади Карно ўлдирилди, кейин Казмир Перье ҳокимият тепасига келди. Ундан сўнг Феликс Фор 1895 – 1899 йиллар президент бўлди.

**1894 йил** – француз – рус иттифоқи узил-кесил ташкил топди.

**1894 йил** – Германия канцлери Лео фон Каприве истеъфо берди.

**1894 – 1885 йиллар** – япон-хитой уруши.

**1894–1917 йиллар** – рус императори Николай II нинг ҳукмронлик даври.

**1894 йил – 1991 йил 26 июнь** – таниқли ислом уламоси ва адиби Олтинхон Тўра яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1895 йил февраль** – Хитойнинг Шандун яриморолидаги Вейхай портини японлар босиб олди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1895 йил 17 апрель** – Япониянинг Симоносеки шаҳрида битим тузилди. Япония Хитойга қарши урушда ғалаба қозонди. Хитой Тайвань, Ляодун, Пенху оролларини Японияга берди. Шаши, Сюйчжоу, Ханчжоу, Чунсин портларини «очиб» қўйди. Цин сулоласи (Хитой) Корея мустақиллигини тан олди.

**1895 йил 7 май** – рус олими Александр Степанович Попов (1859.04.03–1905.31.12) Рус физика-математика жамиятининг Петербургда ўтказилган мажлисида жаҳонда биринчи бўлиб радиоприёмникни намойиш қилди. Бу кун радио куни деб эълон қилинди.

**1895 йил декабрь** – Жексон бошчилигидаги инглиз отряди Трансваалга ҳужум қилди.

**1895 йил** – Шарқий Африкада Кения устидан Британия протекторати ўрнатилди.

**1895 йил** – Шимолий денгизни Болтиқ денгизи билан туташтирган Кил канали очилди.

**1895 йил** – Гонконгда Сун Ят Сен бошчилигида Хитой жамияти ташкил топди.

**1895 йил** – Кубада Хосе Марте ва Максимо Гомес бошчилигидаги қўзғолон бошланди.

**1895 йил** – Шанхайда йирик тўқимачилик фабрикаси ишга тушди.

**1895 йил** – немис физиги Вильгельм Конрад Рентген электромагнит нурларини кашф этиб, уларни *x*-нурлар деб атади. Кўп ўтмай Рентген нурлари узунлиги жуда қисқа электромагнит тўлқинлар эканлиги исботланди.

**1895 йил** – Германияда ҳар мингта саноат корхонасидан 6 таси йирик, яъни 50 дан ортиқ ишчиси бўлган корхоналар бўлган.

**1895 йил** – Италияда кредит банки тузилди.

**1895 йил** – француз ака-укалар Луи Жан Люмьер ва Огюст Люмьер кинематограф аппаратини яратдилар. Шу йилнинг мартида ана шу аппарат ёрдамида киноплёнкага олинган фильм тажриба мақсадида кўрсатилди, ўша йилнинг декабридан эса Парижда биринчи кинотеатр ишлай бошлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1895 йил** – Француз Ғарбий Африкаси ташкил қилиниб, унга Сенегал, Мавритания, Франция Судани (Мали), Юқори Вольта (ҳозирги Буркина-Фасо), Нигер, Фил Суяги Қирғоғи ва Дагомея (ҳозирги Бенин) мамлакатлари киритилди.

**1895 йил** – французлар Мадагаскарга қарши иккинчи урушни бошлади.

**1895–1896 йиллар** – Мадагаскар Франция томонидан босиб олинди.

**1895–1896 йиллар** – Италия – Абиссиния уруши. Адуа ёнида италян қўшинлари маглубиятга учради.

**1895–1896 йиллар** – Гондурас, Сальвадор ва Никарагуа ўзаро жанжал ва тортишувлардан сўнг ягона давлат – Буюк Марказий Америка Республикаси бўлиб бирлашди.

**1895–1898 йиллар** – Куба оролида қўзғолон бўлиб ўтди.

**1895–1902 йиллар** – Англияда Роберт Гаскойн-Сесил Солсбери бошчилигида консерватив ҳукумат тузилди ва у ўзининг эски сиёсатини давом эттирди.

**1895–1925 йиллар** – атоқли рус шоири Сергей Александрович Есенин яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1895–1989 йиллар** – Испанияда Долорес Ибаррури яшаган. У фашизмга қарши курашда катта роль ўйнади.

**1896 йил 19 март** – Италияда Криспи ҳукумати истеъфо берди.

**1896 йил 24 март** – рус олими Александр Степанович Попов биринчи марта 250 м масофага радиотелеграф узатишни амалга оширди.

**1896 йил март** – Менелик II Ҳабашистон кучларини бирлаштириб, Адуа ёнида италянларга зарба берди.

**1896 йил 1 май – 1957 йил 22 февраль** – ўзбек мусиқа театри асосчиси, машҳур ҳофиз Муҳиддин Қори Ёқубов яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1896 йил 8 май – 1991 йил 14 январь** – машҳур санъаткор Лутфихоним Саримсоқова яшаган ва фаолият кўрсатган давр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1896 йил 1 июль – 1938 йил 15 март** – таникли давлат ва сиёсат арбоби Файзулла Хўжаев яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1896 йил июль** – Аргентина Социалистик партияси ташкил топди.

**1896 йил** – Франция Мадагаскарни ўз мустамлакаси деб эълон қилди.

**1896 йил** – Англия – Миср армияси генерал Китченер бошчилигида Суданга қарши асосий курашга отланди.

**1896 йил** – Австрия-Венгрияда Эдуард фон Тааффе ҳукумати сайлов ислоҳоти лойиҳасини муҳокамага қўйишга мажбур бўлди. Бу лойиҳа қонунга айланди.

**1896 йил** – марксистик таълимот реформистлар (Эдуард Бернштейн, Пётр Бернгардович Струве) ва ортодокслар (Россияда Георгий Валентинович Плеханов, Владимир Ильич Ленин; Германияда Роза Люксембург)га ажратилди (Бу ҳолат Эдуард Бернштейн мақолаларида ўз аксини топди).

**1896 йил** – Хитой қироличаси Мин японлар томонидан ўлдирилди.

**1896 йил** – Сиам ҳақида инглиз-француз битими (Таиланд) тузилди.

**1896 йил** – итальян истилочиларининг Эфиопияга ҳужуми.

**1896–1898 йиллар** – Англия консерваторлар ҳукумати даврида «Фашода инқирози»да ғолиб бўлиб, Суданнинг шарқий қисмини бўйсундира олди.

**1896–1911 йиллар** – Канада премьер-министри Уилфрид Лорьенинг ҳукуматдаги бошқарув даври.

**1896 йил** – Афина (Греция)да I ёзги Олимпиада ўйинлари ўтказилди. Замонавий олимпия ҳаракатининг асосчиси, франциялик жамоат арбоби Пьер де Кубертен томонидан Олимпиада ўйинлари қайта тикланди.

*Ёзги Олимпиада ўйинлари:* I–1896 (Афина), II–1900 (Париж), III–1904 (Сент-Луис; АҚШ), IV–1908 (Лондон), V–1912 (Стокгольм), VII–1920 (Антверпен; Бельгия), VIII–1924 (Париж), IX–1928 (Амстердам), X–1932 (Лос-



www.ziyouz.com kutubxonasi

Анжелес; АҚШ), XI–1936 (Берлин), XIV–1948 (Лондон), XV–1952 (Хельсинки), XVI–1956 (Мельбурн; Австралия), XVII–1960 (Рим), XVII–1964 (Токио), XIX–1968 (Мехико), XX–1972 (Мюнхен; ГФР), XXI–1976 (Монреаль; Канада), XXII–1980 (Москва), XXIII–1984 (Лос-Анжелес; АҚШ), XXIV–1988 (Сеул), XXV–1992 (Барселона), XXVI–1996 (Атланта; АҚШ), XXVII–2000 (Сидней), XXVIII–2004 (Афина), XXIX–2008 (Пекин).

**1897 йил 17 январь – 1976 йил 23 апрель** – машҳур бастакор Юнус Ражабий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1897 йил апрель** – Вена келишувининг барбод бўлиши ва Чехияда халқ ҳаракатларининг ўсиб бориши муносабати билан Казимир Феликс фон Бадени ҳукумати (1895–1897) Чехия ва Моравиядаги давлат идораси ёзишмаларида чех тили билан немис тилини баб-баравар юритиш ҳуқуқи тўғрисида қарор чиқаришга мажбур бўлди.

**1897 йил 2 сентябрь – 1970 йил 18 март** – таниқли математик олим Тошмуҳаммад Ниёзович Қори Ниёзий яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1897 йил** – Россия империясида биринчи марта бутун аҳоли рўйхатга олинди.

**1897 йил** – Франция Хитойнинг Гуанчжоуван туманини босиб олди.

**1897 йил** – АҚШ Лотин Америкасига 250–300 млн. доллар капитал қўйган бўлса, 1913 йил бу капитал 1,5 млрд. долларга етди.

**1897 йил** – Албанияда Элбасандаги катта халқ қўзғолонлари миллий тил ва миллий мактаб учун кураш шиорларини илгари сурди.

**1897 йил** – Хитойда 600 га яқин чет эл фирмалари мавжуд эди.

**1897 йил** – Гульельмо Маркони (1874.25.04–1937.20.07) Англияда симсиз телеграф учун патент олди.

**1897 йил** – инглиз физиги Жозеф Жон Томсон (1856 – 1940) катод нурлари манфий зарядли заррачалар – электронлар оқими эканлигини кўрсатди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1897 йил** – дизель ёнилғи сиқилганда ўзидан-ўзи алангаланиб кетадиган янги двигатель яратилди.

**1897 йил** – Базелда Теодор Герцля ташаббуси билан сионистлар ҳаракатининг биринчи конгресси бўлди. Унда Фаластинда яҳудийлар учун Исроил давлатини тузиш асосий мақсад эканлиги таъкидланди.

**1897 йил** – Истанбул шартномасига кўра, Крит Усмонли империяси таркибида мухторият оладиган бўлди.

**1897–1962 йиллар** – машҳур америка ёзувчиси Уильям Фолкнер яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1898 йил март** – Минск шаҳрида РСДРП (Россия социал-демократик ишчи партияси)нинг I съезди бўлди.

**1898 йил 25 апрель** – Испания билан АҚШ ўртасида уруш бошланди.

**1898 йил 25 апрель – 12 август** – Испания – Америка уруши. Унда Испания маглубиятга учраб, Куба, Порта-Рика ва Гуамни Қўшма Штатларга берди. Филиппин ҳам АҚШга берилди (испан мустамлакачи империяси тугатилди).

**1898 йил 17–18 май** – Дукчи Эшон (Муҳаммадали халфа Собир ўғли) бошчилигидаги Андижон қўзголони бўлган.

**1898 йил 12 июнь** – Филиппин Республикаси мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Филиппин Республикаси президентлари:* 1. Эмилио Агинальдо (1899–1901). 2. Мануэль Луис Кесон-и-Молина (1935–1944). 3. Хосе Лаурель (1943–1945). 4. Серхио Осменья (1944–1946). 5. Мануэль Рохас-и-Акунья (1946–1948). 6. Элпидио Кирино (1948–1953). 7. Рамон Магсайсай-и-дель-Фиерро (1953–1957). 8. Карлос Полестико Гарсия (1957–1961). 9. Диосдадо Макапагал (1961–1965). 10. Фердинанд Эммануэль Идралин Маркос (1965–1986). 11. Мария Корасон (Кори) Сумулонг Кохуангко Акино (1986–1992). 12. Фидель Вальдес Рамос (1992–1998). 13. Жозеф Марсело Эхерсито Эстрада (1998–2001). 14. Глория Макапагал Арройо хоним (2001–2010). 15. Бенигно Акино (2010 йилдан).



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1898 йил 12 август** – АҚШ Испания билан Гавай оролларининг батамом аннексия қилинганлиги юзасидан бирлашган резолюция қабул қилди.

**1898 йил 21 сентябрь** – Хитойда ислоҳотчилар душмани Сиси бошлиқ тўда давлат тўнтариши қилиб, барча ислоҳотларни бекор қилди.

**1898 йил декабрь** – Испания билан АҚШ ўртасида Парижда сулҳ шартномаси имзоланди.

**1898 йил** – Англияда Хиром Максим катта аэроплан қурди ва учириб кўрди.

**1898 йил** – Москвада бадиий театр очилди.

**1898 йил** – Хитойда Юз кунлик ислоҳот татбиқ қилинди.

**1898 йил** – Куба мустақил республика деб расман эълон қилинди.

**1898 йил** – Германия императори Вильгельм II «Ҳазрати Исо қабри»ни зиёрат қилиш баҳонаси билан Францияга борди.

**1898 йил** – Англияда саноат парламенти иттифоқи тузилди.

**1898–1901 йиллар** – Филиппинда ватанпарварлар аксиламерика урушини бошладилар.

**1898–1901 йиллар** – Россия қисқа вақт давомида нефть қазиб чиқаришда АҚШдан ўзиб кетиб, дунёда биринчи ўринни эгаллади.

**1898–1920 йиллар** – Гватемалада ҳокимият йирик мулкдор Эстрада Кабрера қўлига ўтди.

**1898–1936 йиллар** – испан шоири Федерико Гарсиа Лорка яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1898–1937 йиллар** – америкалик бастакор Жорж Гершвин яшаган ва фаолият кўрсатган давр. У энг буюк жаз бастакори ҳисобланади.

**1898 йил – 1938 йил 4 октябрь** – машҳур шоир ва ёзувчи, жамоат арбоби Чўлпон яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1898–1956 йиллар** – немис шоири Бертольд Брехт яшаган ва фаолият кўрсатган давр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1898–1989 йиллар** – Эрон диний арбоби Рухулло Мусовий Ҳумайний яшаган давр.

**1899 йил февраль** – Францияда президент Феликс Фор тўсатдан вафот этди.

**1899 йил июнь** – Германия давлати Испаниядан Мариана ва Каролина оролларини сотиб олди.

**1899 йил июль** – Францияда Валдек-Руссо ҳукумати тузилди, бу ҳукумат ўзини «республикага ҳомий ҳукумат» деб атади.

**1899 йил 6 сентябрь** – АҚШ давлат котиби Александр Хейнинг Хитойни Англия, Германия, Россия, Япония, Франция ва Италияга «очиқ эшиклар ва тенг имкониятлар» мамлакати деб эълон қилди. Бу ғоя «Хейнинг доктринаси» деб ном олди.

**1899 йил 9 октябрь** – Трансваал ҳукумати ўз мустақиллиги учун Англияга қарши уруш эълон қилди.

**1899 йил 24 ноябрь** – Судан маҳдийлари қўшини Айнжадид жангида тор-мор қилинди. Маҳдийлар давлати раҳбари халифа Абдуллоҳ ҳалок бўлди.

**1899 йил декабрь** – Болгария деҳқончилик халқ уюшмаси ташкил топди.

**1899 йил** – Қувайтда давлат тўнтариши бўлди.

**1899 йил** – Судан Миср ва Англиянинг қўш доминиони (кондоминиум) деб эълон қилинди.

**1899 йил** – Англияда Тред-юнионларнинг Плимутда бўлиб ўтган навбатдаги конгрессида «парламентга яна ҳам таъсир ўтказиш йўллари ва воситаларини қидириш» ҳақида махсус конференция чақиришга қарор қилинди.

**1899 йил** – Сесил Родс ва Англия мустамлака вазири Жозеф Чемберлен ташаббуси билан инглиз-бурлар уруши бошланди.

**1899 йил** – Англиянинг Ист-Энддаги газ заводида галаёнлар бошланди.

**1899 йил** – Венесуэла билан Британия Гвинеяси ўртасидаги зиддият АҚШ бошчилигида ҳал қилинди.

**1899–1900 йиллар** – Ҳиндистоннинг марказий вилоятларида деҳқонлар қўзғолони бўлди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1899–1900 йиллар** – Хитойда Ихестюан ҳаракати кўзғолон тусини олди. Бу тарихда «боксёрлар кўзғолони» ҳам деб ном олган. «Боксёрлар» – махфий аксилғарбий жамият аъзолари.

**1899–1902 йиллар** – Жанубий Африкада бурларнинг инглизларга қарши уруши. Бурлар курашига Трансваал президенти Стефанус Йоханнес Паулус Крюгер раҳбарлик қилди.

**1899–1902 йиллар** – инглиз-бурлар уруши.

**1899–1906 йиллар** – Францияда Эмел Лубенинг президентлик даври.

**1899–1906 йиллар** – АҚШ Филиппин оролларини босиб олди.

**1899–1914 йиллар** – АҚШда корхоналар 208 мингдан 275 мингтага, ишчилар сони 4713000 кишидан 7036000 кишигача етди.

**1899–1977 йиллар** – рус ёзувчиси Владимир Владимирович Набоков яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1899–1985 йиллар** – сюрреализмнинг кубистик йўналишдаги таниқли намояндаси Марк Шагал яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**XIX асрнинг 70-йиллари – XX аср бошлари** – суюқлик механикаси янада ривожлантирилди. Немис олими Герман Людвиг Фердинанд Гельмгольц (1821–1894) суюқликнинг уюрма ҳаракати тўғрисидаги таълимотни, рус олими Николай Павлович Петров (1836–1920) ишқаланишнинг гидродинамик назариясини яратди.

**XIX асрнинг 90-йиллари** – Германиянинг ташқи сиёсатида янги давр бошланди.

**XIX асрнинг 90-йиллари охири** – француз физиклари Антуан Анри Беккерель (1852–1908) ҳамда эр-хотин Пьер Кюри ва Мария Склодовская-Кюри биргаликда табиий радиоактивликни кашф этишди.

**XIX аср охирлари** – электр симли телеграф кашф этилди. Морзе алифбоси ихтиро қилинди ва ҳарф босувчи қурилмалар яратилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**XIX аср охири** – Шотландияда қурилган «Форт-Бридж» кўприги ўша вақтдаги энг катта кўприк эди. Бу кўприкнинг узунлиги 2133 метр, баландлиги эса 47,5 метр бўлиб, кемалар ҳаракатининг тўхтовсизлигини таъминлади.

**XIX аср охири** – Туркистонда жадидчилик ҳаракати шаклланди.

**XIX аср охири – XX аср бошлари** – халқаро майдонда кучларнинг янгича жойлашиши содир бўлди.

**XIX аср охири – XX аср бошлари** – математика тараққиётида янги даврнинг бошланиши. Бу давр Николай Павлович Лобачевский (1792 – 1856), Янош Больяй (1802 – 1860) ва Георг Фридрих Бернхард Риман (1826 – 1866)нинг ноэвклидча геометрияга оид хулосаларни янада чуқурроқ текширишлари билан боғлангандир. Уларнинг тадқиқотларини итальян олими Эужению Бельтрами (1835 – 1900) ва немис математиги Феликс Христиан Клейн (1849 – 1925) ривожлантирдилар.

**XIX аср охири – XX аср бошлари** – Якоб Гендрик Вант-Гофф (1852 – 1911), Анри Луи Ле Шателье (1850 – 1936), Густав Генрихович Тамман (1861 – 1938) ва Николай Семёнович Курнаков (1860 – 1941)нинг тадқиқот ишлари туфайли физик-кимёвий таҳлил усуллари яратилди.

**XX аср бошлари** – Англия жаҳон савдосида биринчи ўринни эгаллади.

**XX аср бошлари** – Францияда иқтисодий инқироз бартараф этилди.

**1900 йил 27 январь** – Россия империяси ва Бухоро амирлиги ўртасида Амударё қирғоғидаги ерларни ҳарбий истеҳкомлар ва чегара тўсиқлари қурилиши учун ажратилиб, мустамлакачилар қўлига бериш тўғрисидаги шартнома имзоланган.

**1900 йил 17 июнь** – қўзғолончилар томонидан Хитойнинг Дагу порти босиб олинди.

**1900 йил июль** – Хитойда чет эл интервентлари ялпи ҳужумга ўтдилар. Сиси ҳукумати уларга қарши ихэтуанларни урушга солди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1900 йил сентябрь** – Англияда Консерваторлар ҳукумати парламентни тарқатиб юборди ва бурларга қарши урушни муваффақкият билан тамомлаймиз, деган шиор остида ўтказилган сайловларда ғалаба қозонди.

**1900 йил 31 декабрь – 1958 йил 3 октябрь** – машҳур санъаткор Аброр Ҳидоятов яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1900 йил** – Мулла Жўрабой (Шофиркон туманининг маркази Вардонзеда туғилган) томонидан ўз туғилган қишлоғи ва Пирмаст туманидаги Пўстиндўзон қишлоғида Бухородаги илк жадид мактаблари очилган.

**1900 йил** – Италия Франциянинг Марокашга бўлган «ҳуқуқларини» тан олди.

**1900 йил** – Чад кўли атрофидаги бир қатор қабилалар французлар қўлига ўтди.

**1900 йил** – Ўрта Осиё пахтаси Бухоро ва Хива хонликларида етиштирилган пахта билан бирга Россия фабрикаларида ишлатиладиған пахтанинг 36 фоизини ташкил этди.

**1900 йил** – рус қўшинлари Манжурияга бостириб кирди.

**1900 йил** – Руминияда ҳокимият тепасига Петре Карпнинг консерватив ҳукумати келди.

**1900 йил** – Италияда анархист Бреши томонидан қирол Умберто I ўлдирилгандан кейин сиёсий аҳвол янада ёмонлашди.

**1900 йил** – Ғермания бошқа Ғарб давлатлари билан бирга Хитойда миллий озодлик ҳаракатини бостиришда иштирок этди.

**1900 йил** – АҚШ темир йўлларининг узунлиги 193 минг милга етди.

**1900 йил** – Лондонда конференция ишчиларни парламентга сайлашни ташкил этиш учун ишчи қўмитасини тузди.

**1900 йил** – Тред-юнионларнинг Саддершильдда бўлган конгресси Англиянинг Жанубий Африкада олиб борилаётган урушини қоралади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1900 йил** – Англия Австралияга ўз-ўзини идора қилиш ҳуқуқини берди.

**1900 йил** – Хитойдаги ихетуанлар қўзғолони ва унга қарши 8 йирик давлатнинг интервенцияси.

**1900 йил** – Хитойда Син ҳукумати қўзғолончиларга қарши юборган қўшин енгилди.

**1900–1901 йиллар** – АҚШда социалистик партия майдонга чиқди.

**1900–1903 йиллар** – Германияда юз берган иқтисодий инқирозлар ишчилар аҳволини оғирлаштирди ва катта ишсизликка сабаб бўлди.

**1900–1909 йиллар** – Германияни канцлер Бернгард фон Бюлов бошқарган давр.

**1900–1904 йиллар** – Карбер кабинети Чехияни чех ва немис тилларида сўзлашадиган туманларга бўлиш йўли билан чех-немис битими тузмоқчи бўлди. Бироқ чехлар бу уринишни рад этди.

**1900–1913 йиллар** – саноат ишлаб чиқарилиши АҚШда 85 фоиз, Германияда 54 фоиз, Францияда 51 фоиз, Англияда 25 фоиз ўсган бўлса, Японияда 185 фоиз ўсди.

**1900–1946 йиллар** – Италияда қирол Виктор Эммануил III нинг ҳукмронлик даври.

**1901 йил 7 сентябрь** – саккиз қудратли давлат Хитойни асоратли шартномани имзолашга мажбур қилди.

**1901 йил 10 декабрь** – Нобель мукофоти биринчи марта топширилди.

**1901 йил** – Париж шаҳар атрофи аҳолиси темир йўл линияларида электрдан фойдалана бошлади.

**1901 йил** – Ҳиндистонда Керзон томонидан «Кон қонунлари» номли ҳужжат эълон қилинди.

**1901 йил** – АҚШ президенти Уильям Маккинли ўлдирилди. Республикачилар партиясидан Теодор Рузвельт президент бўлди (1901–1909).

**1901 йил** – Австралия Федерацияси ташкил топди ва унга Тасмания қўшилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1901 йил** – Эронда нефть ишлаб чиқариш бўйича инглиз конвенцияси.

**1901 йил** – Франция Социалистик партияси ташкил этилди.

**1901 йил** – Францияда Радикал партия ташкил топди.

**1901 йил** – Сербияда янги конституция қабул қилинди.

**1901 йил** – Англия Панама канали масаласида АҚШга «ён берди» ва АҚШ – Канада чегара масалалари ҳал қилинди.

**1901 йил** – АҚШда йирик банкир Жон Пирпонт Морган 1 миллиард долларлик капиталга эга бўлган.

**1901 йил** – Қувайт устидан протекторат эълон қилинди.

**1901 йил** – Болгариядаги сайловларда демократик партия билан тараққийпарвар – либерал партия ғалаба қозонди. Петко Карвелов бошлиқ коалицион ҳукумат тузилди.

**1901 йил** – Италияда Сенарделли бошлиқ сўл либерал ҳукумат тузилди.

**1901 йил** – Сурияда ал-Маҳдийнинг жияни Аҳмад ҳокимият тепасига келди.

**1901 йил** – Австралия Иттифоқи ташкил топди ва у доминион мақомини олди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин Австралия мустақил давлатга айланди.

*Австралия Иттифоқи генерал-губернаторлари:* Жон Хоуп (1901–1903), Холлам Теннисон (1903–1904), Генри Норткот (1904–1908), Уильям Уорд (1908–1911), Томас Денман (1911–1914), Роналд Мунро-Фергюсон (1914–1920), Генри Форстер (1920–1925), Жон Бэрд (1925–1931), Айзек Айзекс (1931–1936), Александр Хоур-Ратвен (1936 – 1945), Уильям Фредерик Альберт (1945–1947), Уильям Маккелл (1947–1953), Уильям Слим (1953–1960), Уильям Моррисон (1960–1961), Уильям Сидни (1961–1965), Ричард Кейзи (1965–1969), Пол Хэслак (1969–1974), Жон Керр (1974–1977), Зелман Коуэн (1977–1982), Ниниан Стивен (1982–1989), Уильям Хейден (1989–1996), Уильям Патрик Дин (1996–2001), Питер Холлингуорт (2001–2003), Майкл



www.ziyouz.com kutubxonasi

Жеффери (2003–2008), Квентин Брайс (2008 йил 5 сентябрдан).

*Австралия Иттифоқи премьер-министрлари:* Эдмунд Бартон (1901–1903), Альфред Дикин (1903–1904; 1905–1908; 1909–1910), Крис Уотсон (1904 йил апрель – август), Жорж Рейд (1904–1905), Эндрю Фишер (1908–1909; 1910– 1913; 1914–1915), Жозеф Кук (1913–1914), Уильям Хьюз (1915–1923), Стэнли Брюс (1923–1929), Жеймс Скаллин (1929–1932), Жозеф Лайонс (1932–1939), Эрл Пейж (1939 йил 7–26 апрель), Роберт Мензис (1939– 1941; 1949–1966), Артур Фадден (1941 йил август – октябрь), Жон Кёртин (1941–1945), Фрэнк Форд (1945 йил 6–13 июль), Бен Чифли (1945–1949), Гарольд Холт (1966 – 1967), Жон Мак-Ивен (1967–1968), Жон Гортон (1968–1971), Уильям Макмагон (1971–1972), Гоф Уитлэм (1975–1978), Малколм Фрейзер (1983 йил 11–31 март), Роберт Хоук (1991 – 1992), Пол Китинг (1996 йил март – апрель), Жон Говард (1996–2007), Кевин Радд (2007–2010), Жулия Гиллард (2010 йил 24 июндан).

**1901–1902 йиллар** – Россияда янги народник-инқилобий ташкилотлари социалист-революционерлар (эсерлар) партиясига бирлашди. Россияда социалист-революционерлар (эсерлар) партияси ташкил топди (улар террористик ҳаракатларнинг тарафдорлари бўлган).

**1901–1904 йиллар** – Руминияда либераллар ҳукуматни бошқарди.

**1901–1954 йиллар** – итальян физиги Энрико Ферми яшаган ва фаолият кўрсатган давр. У нейтронлар воситасида юзага келган сунъий радиоактивликни кашф қилди, тарихда биринчи ядро реакторини барпо этди ва унда биринчи бўлиб занжирли ядро реакциясини (1942 йил 2 декабрда) амалга оширди, бу атом бомбасининг яратилишига йўл очди.

**1901–1965 йиллар** – таниқли давлат арбоби Георге Георгиу-Деж яшаган.

**1901–1970 йиллар** – машҳур давлат арбоби Аҳмад



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сукарно яшаган ва фаолият кўрсатган давр. У Индонезия мустақиллиги эълон қилиниши учун фаол курашчи бўлган.

**1901 йилдан** – виндзорлар инглиз қироллари сулоласининг ҳукмронлик даври. Бу сулола 1917 йилгача Саксен-Кобург-Гот сулоласи деб аталган. Унга қиролича Викториянинг ўғли Эдуард VII асос солган.

*Виндзорлар сулоласи:* Эдуард VII (1901 – 1910), Георг V (1910 – 1936), Эдуард VIII (1936 йил январь – декабрь), Георг VI (1936 – 1952), Елизавета II (1952 йилдан).

**1902 йил 20 май** – Куба Республикаси тузилганлиги эълон қилинди.

*Куба Республикаси президентлари:* Томас Эстрада Пальма (1902 – 1906); Хосе Мигель Гомес (1909 – 1913), Марио Гарсия Менокль (1913 – 1921), Альфредо Сайас (1921 – 1925), Херардо Мачадо (1925 – 1933), Карлос Сеспедес-и-Кесада (1933 йил август – сентябрь), Рамон Грау Сан-Мартин (1933 – 1934), Карлос Мендиета (1934 – 1935), Хосе Агрипно Барнет (1935 – 1936), Мигель Мариано Гомес (1936 йил май – декабрь), Федерико Ларедо Бру (1936 – 1940), Фульхенсио Батиста (1940 – 1944), Рамон Грау Сан-Мартин (1944 – 1948), Карлос Прио Сокаррас (1948 – 1952), Фульхенсио Батиста (1952 – 1959); Мануэль Уррутиа Льео (1959 йил январь – июль), Освальдо Дортикос Torрадо (1959 – 1976).

**1902 йил 1 июнь** – бурлар Англияга таслим бўлдилар ва сулҳ тузилди.

**1902 йил** – Бур Республикаси Британия мустамлакалари таркибига қўшиб олинди.

**1902 йил июль** – Англияда премьер-министр Роберт Гаскойн-Сесил Солсбери истеъфо берди, унинг ўрнини Артур Балфур эгаллади.

**1902 йил декабрь** – Германия Рейхстаги томонидан янги протекционистик божхона тарифи қабул қилинди.

**1902 йил** – Абдулазиз ибн Абдураҳмон (ибн Сауд) учинчи Саудийлар давлатига асос солди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1902 йил** – саудийлар сулоласи вакили Абдулазиз II ваҳҳобийлар пойтахти бўлган Ар-Риёд шаҳрини босиб олди ва ўзини шоҳ деб эълон қилди. Абдулазиз II ҳукмронлиги 1902 йилдан 1953 йилгача давом этди.

**1902 йил** – Мисрда Асвон тўғони ва сув омбори қурилди.

**1902 йил** – Судан маҳдийларининг сўнгги отрядлари Даф Аллоҳ бошчилигида Дарфур тоғларига чекинди.

**1902 йил** – Ёш туркларнинг биринчи курултойи Париж шаҳрида бўлди. Унда 1876 йил бекор қилинган конституцияни тиклашга қарор қилинди.

**1902 йил** – Италияда чўян ва пўлат эритиш картели «Терни-Илва» синдикати юзага келди.

**1902 йил** – Ирландияда Шин фейн миллатпарварлик партияси ташкил топди.

**1902 йил** – Дакар шаҳри Француз Ғарбий Африкасининг пойтахтига айланди.

**1902 йил** – Англия лордлар палатаси Тафф водийсидаги темир йўл хўжайинларининг фойдасини кўзловчи қарор қабул қилди.

**1902 йил** – Франциядаги сайловда радикаллар Депутатлар палатасида биринчи марта кўп ўрин олди.

**1902–1905 йиллар** – Францияда Эмил Комб бошчилигида радикал ҳукумат фаолияти.

**1902–1989 йиллар** – Лотин Америкаси адабиётининг ёрқин намояндаларидан бири кубалик шоир Николас Гильен яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1903 йил февраль – апрель** – Сербияда сарой тўнтариши натижасида обреновичлар сулоласи агдариб ташланди. Сулоланинг сўнгги вакили қирол Александр I Обренович зобитлар томонидан ўлдирилди ва уларнинг бутун насл-насаби йўқ қилинди. Ҳокимият тепасига карагеоргиевичлар сулоласи вакили Пётр I келди. Белградда сиёсий намойиш. 1901 йилдаги конституция бекор қилинди. Мамлакатда 1888 йилги конституция тикланди.

**1903 йил 10 май – 1966 йил 10 июль** – таниқли шоир Ғафур Ғулом яшаган ва фаолият кўрсатган давр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1903 йил 30 июнь** – Япония давлати Россия билан музокаралар бошлаб, Кореяда унинг эришган муваффақиятларини тан олишни талаб қилди. Бунинг эвазига Россия Манжурияда темир йўллар қуриш ҳуқуқини олди.

**1903 йил июль – август** – Россия социал-демократик ишчи партияси (РСДРП, 1898 йилда ташкил топган) Лондонда бўлган II съезддан кейин Владимир Ильич Ленин бошчилигидаги большевиклар ва Георгий Валентинович Плеханов бошчилигидаги меньшевикларга ажралиб кетди.

**1903 йил 3 ноябрь** – Панамада Колумбияга қарши исён бошланди.

**1903 йил** – АҚШ Панама канали ҳудудини абадий фойдаланиш учун сотиб олди.

**1903 йил** – Панама мустақил республика деб эълон қилинди.

*Панама Республикаси президентлари:* Мануэль Амадор Герреро (1904 – 1908), Хосе Доминго де Обальдиа Гальегос (1908 – 1910), Пабло Аросемена Альба (1910 – 1912), Белисарио Поррас Бараона (1912 – 1916), Рамон Максимилиано де ла Консепсьон Вальдес Арсе (1916 – 1918), Белисарио Поррас Бараона (1918 – 1920), Белисарио Поррас Бараона (1920 – 1924), Родольфо Чиари Роблес (1924 – 1928), Флоренсио Армодио Аросемена Гильен (1928 – 1931), Армодио Ариас Мадрид (1932 – 1936), Хуан Демостенес Аросемена Барреати (1936 – 1939), Арнульфо Ариас Мадрид (1940 – 1941; 1949 – 1951), Рикардо Адольфо де ла Гуардиа Аранго (1941 – 1945), Энрике Адольфо Хименес Брин (1945 – 1948), Доминго Диас Аросемена (1948 – 1949), Алькибиадес Аросемена Кинсада (1951 – 1952), Хосе Антонио Ремон Кантера (1952 – 1955), Хосе Рамон Гисадо Вальдес (1955 йил январь – март), Рикардо Мануэль Ариас Эспиноса (1955 – 1956), Эрнесто де ла Гуардиа Наварро (1956 – 1960), Роберто Франсиско Чиари Ремон (1960 – 1964), Марко Аурелио Роблес Мендес (1964 – 1968), Хосе Мария Пинилья Фабрега (1968 – 1969), Деметрио Басилио Лакас Бахас (1969 – 1978), Аристидес Ройо Санчес (1978 – 1982), Рикардо де ла Эсприэлья Тораль (1982 – 1984), Николас Ардито



www.ziyouz.com kutubxonasi

Барлетта Вальярино (1984 – 1985), Эрик Артуро дель Валье Коэн-Энрикес (1985 – 1988), Гильермо Давид Эндара Галимани (1989 – 1994), Эрнесто Перес Бальядерес Гонсалес (1994 – 1999), Мирейя Элиса Москосо Родригес (1999 – 2004), Мартин Эрасто Торрихос Эспино (2004 – 2009), Рикардо Мартинелли Беррокаль (2009 йилдан).

**1903 йил** – Бразилияда 143 та тўқимачилик фабрикаси бўлган.

**1903 йил** – АҚШ Кубага мажбуран шартнома қабул қилдириб, унинг рухсатисиз бирорта давлат билан иттифоқ тузиш ёки ички сиёсатга ўзгартириш киритиш ҳуқуқидан маҳрум этди.

**1903 йил** – Туркия билан Германия ўртасида Бағдод темир йўли тўғрисида якунловчи битим имзоланди.

**1903 йил** – АҚШда Жон Пирпонт Морган ва Джон Дэвидсон Рокфеллернинг иккита энг катта банки темир йўл, сугурта компанияси ва 22 млрд. доллардан кўпроқ капитали бўлган 112 та банкни назорат қилган.

**1903 йил** – Бағдод темир йўли лойиҳасининг Измир – Анқара қисмини қуриш (Бағдод орқали Форс кўлтиғигача темир йўл қуриш)ни немислар тўла қўлга киритди.

**1903 йил** – ака-ука Уилбер ва Орвилл Райтлар самолётда учдилар. Рақамли ҳисоблаш машиналарини Чарлс Беббиж (Англия), тикув машиналарида дастурлаштиришни француз Жозеф Мари Жаккард (Франция), металлургияда автоматлаштиришни Густав Роберт Кирхгоф (Германия), самолётларни автоматик бошқаришни Л. Сперри (АҚШ), ракетапланни Николай Иванович Кибалчич (Россия) яратдилар.

**1903 йил** – радиоактив нурланишни кашф қилган эр-хотин Пьер Кюри ва Мария Складовская-Кюри ҳамда Антуан Анри Беккерель (Франция) Нобель мукофоти билан тақдирландилар.

**1903 – 1904 йиллар** – Марокаш Франция, Англия ва Испаниядан 85 миллион франк қарз олди.

**1903 – 1914 йиллар** – Италияда Жолиттининг премьер-министрлик (Жолитти ҳукуматга фақат 1905 – 1906, 1909 – 1911 йилларда бошчилик қилмади) даври.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1904 йил 14 январь – 1974 йил 18 апрель** – машҳур рассом Ўрол Тансикбоев яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1904 йил 27 январь** – япон флоти Порт-Артурда турган рус эскадраси (Россиянинг Манжуриядаги ҳарбий-денгиз базаси)га тўсатдан ҳужум қилди. Рус – япон уруши бошланди.

**1904 йил 8 апрель** – Франция билан Англия ўртасида самимий келишув – «Антанта» битими тузилди.

**1904 йил 15 июнь – 1993 йил 13 август** – таниқли сиёсат ва жамоат арбоби Вали Қаюмхон яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1904 йил 17 июль – 20 декабрь** – Порт-Артур мудофааси.

**1904 йил декабрь** – Руминияда консерваторлар партиясининг раҳбари Кантакузино янги ҳукумат тузишга эришди.

**1904 йил** – Италияда қанд ишлаб чиқариш картели юзага келди.

**1904 йил** – инглизлар Экваториал Судангача ўз ҳокимиятларини ўрнатди. Миср билан Судан ва Уганда ўртасида чегара белгиланди.

**1904 йил** – Германия Ғарбий Африканинг Того, Камерун ва бошқа ерларини босиб олди.

**1904 йил** – Гвинея кўрфази бўйлари Францияга қарам бўлди, унга Француз Гвинеяси деб ном берилди.

**1904 йил** – Жанубий Африкада гереро қабилалари Самиул Магареро бошчилигида немисларга қарши қўзғолон бошлади.

**1904 йил** – яманликларнинг янги имоми Яҳё ибн Муҳаммад қўзғолон кўтарди.

**1904 йил** – Англия Кобулга Ден миссиясини юбориб, Афғонистонга битим таклиф қилди.

**1904 йил** – Антанта битимига мувофиқ, Англия иттифоқчиси Францияга Марокашни босиб олиш учун «рухсат» берди.

**1904 – 1905 йиллар** – рус – япон уруши.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1904 йил** – АҚШ Панама каналини қуриш учун концессия олди.

**1904–1914 йиллар** – Панама канали қурилди.

**1904–1927 йиллар** – Камбоджада Сисоватнинг ҳукмронлик даври. У француз мустамлакаси маъмуриятининг ёрдамида мамлакатни модернизация қилди.

**1904–1973 йиллар** – чилилик шоир Пабло Неруда яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1904–1989 йиллар** – испан рассоми Сальвадор Дали яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1905 йил 9 январь** – Биринчи рус инқилоби бошланди (Санкт-Петербургда «Қонли якшанба»).

**1905–1907 йиллар** – Россияда биринчи рус инқилоби.

**1905 йил 10 январь – 1968 йил 1 июль** – таниқли ёзувчи Ойбек яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1905 йил 18 январь** – Францияда Эмиль Комб ҳукумати истеъфога чиқишга мажбур бўлди. Радикал Морис Рувье янги ҳукумат тузди.

**1905 йил апрель** – Рус монархик партияси ташкил топди.

**1905 йил 12 май** – Россиянинг Иваново-Вознесенск шаҳрида йирик иш ташлаш бўлди. Россияда биринчи депутатлар Советлари ташкил топди.

**1905 йил 14 май** – рус флоти Корея бўғозига кирди.

**1905 йил 27–28 май** – рус-япон урушида Россия узилкесил енгилди. Рус флоти Мукден ва Цусимадаги денгиз жангларида японлардан енгилди (рус флотининг 2/3 қисми яксон қилинди).

**1905 йил 14–24 июнь** – «Потёмкин» броненосеци (Россия)да матрослар қўзғолон кўтарди.

**1905 йил 7 июнь** – Швеция-Норвегия иттифоқи бекор қилинди ва Норвегия Қироллиги ташкил топди. Норвегия Қироллигини Глюксбурглар сулоласи бошқаришда давом этди.

*Норвегия Қироллиги қироллари:* Хокон VII (1905–1957), Улаф V (1957–1991), Харальд V (1991 йилдан).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Норвегия Қироллиги премьер-министрлари:* Кристиан Микельсен (1905-1907), Юрген Лёвланд (1907-1908), Гуннар Кнудсен (1908-1910), Воллерт Конов (1910-1912), Йенс Братли (1912-1913), Гуннар Кнудсен (1913 - 1920), Отто Бар Хальворсен (1920-1921), Отто Альберт Блер (1921-1923), Отто Бар Хальворсен (1923 йил март-май), Абрахам Берге (1923-1924), Йохан Людвиг Мовинкель (1924-1926), Ивар Люке (1926-1928), Кристофер Хорнсруд (1928 йил январь-февраль), Йохан Людвиг Мовинкель (1928-1931), Педер Кольстад (1931-1932), Йенс Хундсейд (1932-1933), Йохан Людвиг Мовинкель (1933-1935), Юхан Нюгорсвольд (1935-1945); Эйнар Герхардсен (1945- 1951), Оскар Торп (1951-1955), Эйнар Герхардсен (1955-1963), Йон Люнг (1963 йил август-сентябрь), Эйнар Герхардсен (1963-1965), Пер Бортен (1965-1971), Трюгве Браттели (1971-1972), Ларс Корвальд (1972-1973), Трюгве Браттели (1973-1976), Одвар Нордли (1976-1981), Гру Харлем Брундтланд (1981), Коре Вилок (1981-1986), Гру Харлем Брундтланд (1986-1989), Ян Пер Сюсе (1989-1990), Гру Харлем Брундтланд (1990-1996), Турбьёрн Ягланд (1996-1997), Хьель Магне Бунневик (1997-2000), Йенс Столтенберг (2000-2001), Хьель Магне Бунневик (2001-2005), Йенс Столтенберг (2005 йил 17 октябрдан).

**1905 йил июль - декабрь** - Францияда черковни давлатдан ажратиш тўғрисида қонун чиқарилди. Социалистик партия ташкил топди (Жан Жорес, Жюль Гед; ҳақиқий фамилияси Матьё Базиль).

**1905 йил август** - Германияга қарши Шарқий Африканинг жануби ва марказида (Танганьика) бошланган қўзғолон икки йилдан ортиқ давом этди.

**1905 йил август** - Сунь Ятсен «Хитой уюшмалари иттифоқи» (Тунминхай) деган сиёсий ташкилот тузди.

**1905-1906 йиллар** - Хитойда ижтимоий ҳаракат янада кучайди.

**1905 йил 5 сентябрь** - Портсмутда АҚШ воситачилигида Россия ва Япония ўртасида сулҳ шартномаси имзолан-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ди. Урушда Япония ғалаба қозонди. Портсмут шартномасига кўра, Россия Манжурия ва Сахалин жанубини Японияга берди, шунингдек, Япониянинг Корея устидан протекторатини тан олди.

**1905 йил 15 сентябрь** – Будапештда 150 минг кишилик намойишчилар ўққа тутилиб, бу ҳодиса «қизил жума» номи билан тарихга кирди.

**1905 йил 12–18 октябрь** – Москвада конституцион – демократлар (кадетлар) партиясининг таъсис съезди бўлди.

**1905 йил 17 октябрь** – Россия императори чиқарган манифестда сайлов ҳуқуқи, сиёсий партиялар тузиш, матбуот ва бошқа демократик эркинликлар эълон қилинди.

**1905 йил ноябрь** – Россияда «17 октябрь союзи» ўнг либерал партияси ташкил топди.

**1905 йил ноябрь** – Россияда «Рус халқи союзи» қорагуруҳчилар партияси ташкил топди.

**1905 йил ноябрь** – Венада ишчиларнинг сайлов ҳуқуқини ислоҳ қилишни талаб этган оммавий намойишлар бошланди.

**1905 йил** – Альберт Эйнштейн квантлар назариясини ривожлантириб, фотонлар, яъни ёруғлик квантлари молекуладан иборат, деган фикрни илгари сурди. У нисбийликнинг хусусий назарияси, кейинчалик (1916 йилда) эса нисбийликнинг умумий назариясини яратди.

**1905 йил** – Ирландияда Артур Гриффит «Шин фэйн» («Биз ўзимиз») партиясини ташкил этди.

**1905 йил** – Германияда меҳнат шароитини яхшилашни талаб қилган энг йирик иш ташлаш ўтказилди.

**1905 йил** – Болгарияда дастлабки монополистик бирлашмалар вужудга келди.

**1905 йил** – Норвегия ва Швеция унияси бекор қилинди. Норвегия мустақил давлатга айланди.

**1905 йил** – Жануби-Ғарбий Африкада Намаларнинг қўзғолонига Хенрик Витбой бошчилик қилди. Кейинчалик Витбой жангда халок бўлди.

**1905 йил** – Япония Корея устидан ҳукмронлик ўрнатди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1905–1906 йиллар** – Жазоирда мустамлака зулмига қарши кураш бошланди. Ёш жазоирликлар ташкилотлари пайдо бўлди.

**1905–1906 йиллар** – Францияда Морис Рувье ҳукумати бошқаруви даври.

**1905–1908 йиллар** – Ҳиндистонда инқилоб ривожланди.

**1905–1908 йиллар** – Англияда Кемпбелл-Баннерман ҳукумати бошқаруви даври.

**1905–1907 йиллар** – Эрон инқилобининг биринчи босқичи тугади.

**1905–1911 йиллар** – Эрон инқилоби. Бу инқилобни Англия, Россия ва АҚШ ҳукмрон доиралари бостирди.

**1905–1984 йиллар** – атоқли рус ёзувчиси Михаил Александрович Шолохов яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1906 йил 7 март** – Францияда Морис Рувье ҳукуматни радикал Жан-Мари Сарреньга топширди.

**1906 йил 7 апрель** – Испаниянинг Алхисерас шаҳрида тузилган Актга кўра, Марокаш «яхлит суверен давлат» деб эътироф этилди.

**1906 йил 27 апрель** – Россияда I Давлат Думаси ўз ишини бошлади. Сайловда кадетлар ғалаба қозонди. Унда 488 та депутат қатнашди.

**1906 йил** – Россияда аҳолини бир жойдан иккинчи жойга кўчириш сиёсати оқибатида бошқа жойга кўчирилганларнинг сони 141 минг кишини, 1907 йилда 427 минг кишини, 1908 йилда эса 665 минг кишини ташкил этди.

**1906 йил ёзи** – Болгариядаги Перникда кончиларнинг биринчи умумий сиёсий иш ташлаши юз берди.

**1906 йил июнь** – АҚШда Хепборн қонуни қабул қилинди.

**1906 йил 26 июль** – Эронда шоҳ амалдор Айн уд-Давлани лавозимидан четлаштирди.

**1906 йил 7 октябрь** – Эронда сайлов ўтказилди. Биринчи Мажлис тузилди ва ўз йиғилишини бошлади.

**1906–1907 йиллар** – Эронда конституция тикланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1906 йил октябрь** – Амъенда Франция синдикатларининг конгресси бўлиб ўтди. Унда Амъен хартияси қабул қилинди.

**1906 йил 9 ноябрь** – Россияда деҳқонларнинг жамоалардан чиқиши ҳақида фармон эълон қилинди. Пётр Аркадьевич Столипиннинг аграр ислоҳоти бошланди.

**1906 йил декабрь** – Англияда парламент сайловларида либераллар кўп овоз олди.

**1906 йил** – Ҳиндистон миллий конгресси партияси Англиядан Ҳиндистонга ўз-ўзини бошқариш ҳуқуқини беришни талаб қилди.

**1906 йил** – Германиянинг немислаштириш сиёсатидан норозилик сифатида 100.000 дан ортиқ поляк болалари мактабларга боришдан бош тортдилар.

**1906 йил** – Германиянинг Гамбург шаҳрида меҳнаткашларнинг ҳуқуқлари чекланишига қарши мамлакатда биринчи оммавий сиёсий иш ташлаш бўлди.

**1906 йил** – Англияда ишчи вакиллик қўмитаси лейбористлар партиясига айлантирилди. Буюк Британияда лейбористлар партияси ташкил топди.

**1906 йил** – Бутун Ҳиндистон мусулмон лигаси ташкил топди.

**1906 йил** – Сан-Францискода зилзила бўлди.

**1906 йил** – Россияда I Давлат Думаси фаолият олиб борди.

**1906 йил** – Италияда «Fiat» акциядорлик жамияти ташкил топди.

**1906 йил** – Италияда Умумий меҳнат конфедерацияси ташкил топди.

**1906 йил** – Мисрнинг Деншавай қишлоғи деҳқонлари инглизларнинг зўравонлигига қарши бош кўтарди.

**1906–1908 йиллар** – Ҳиндистонда инглиз мустамлакачиларига қарши инқилоб мағлубиятга учради.

**1906–1909 йиллар** – Францияда радикал Жорж Клемансо ҳукумати бошқаруви даври.

**1906–1913 йиллар** – Франция Республикасида президент Арман Фальернинг бошқарув даври.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1906 йил охири – 1907 йил бошлари** – Болгарияда темир йўлчиларнинг умумий иш ташлаши бўлиб ўтди.

**1907 йил 3 январь** – Болгарияда София театри очилди.

**1907 йил 8 январь** – Эронда шоҳ Музаффариддин вафот этди.

**1907–1911 йиллар** – Эрон инқилобининг иккинчи даври.

**1907 йил январь** – Россияда II Думага сайлов бўлиб ўтди.

**1907 йил** – Россияда II Давлат Думаси фаолияти.

**1907–1912 йиллар** – Россияда III Давлат Думаси фаолияти даври.

**1907–1912 йиллар** – Россия билан Япония ўртасида Мўғулистон ва Манжурияда «таъсир зоналари»ни бўлиб олиш ҳақидаги битимлар Узоқ Шарқда кучлар нисбатини Япония фойдасига кескин равишда ўзгартириб юборди.

**1907 йил январь** – Австрияда умумий сайлов ҳуқуқи тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

**1907 йил 26 февраль** – Болгария бош вазири Петков хизматдан бўшатилган бир амалдор томонидан ўлдирилди.

**1907 йил 18 август** – Петербургда Россия билан Англия ўртасида уларнинг Эрон, Афғонистон ва Тибетдаги манфаатлари доиралари чегараларини белгилаш тўғрисида битим имзоланди.

**1907 йил 31 август** – Англия – Россия битими тузилди.

**1907 йил 31 август** – Англия, АҚШ, Германия, Россия ва бошқалар Эронда зўравонлик сиёсатини юритдилар. Англия – Россия битимига кўра, Қасри Ширин – Язд – Зулфиқор – Бандер Аббос – Кирмон – Бирижанд – Газик чизиғидан жанубга қараб инглиз таъсир доираси қилиб бўлиб олинди. Оралиқ ерлар (Теҳрон чизиғи бўйлаб) бетараф Эрон деб аталди. Хуллас, Эрон рус ва британ таъсир зонасига ажратилди.

**1907 йил 17 сентябрь – 1968 йил 25 май** – машҳур ёзувчи Абдулла Қаҳҳор яшаган ва фаолият кўрсатган давр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1907 йил ноябрь** – Австрия-Венгрияда янги «қизил жума» инқилоби.

**1907 йил 17 декабрь** – Бутанда Тонгси ҳукмдори Угиен Вангчук монарх деб эълон қилинди ва у ўз сулоласига асос солди.

*Бутан қироллиги қироллари:* Угиен (1907–1926), Жигме (1926/1927–1952), Жигме Доржи (1952–1972), Жигме Сингье (1972–2006), Жигме Кхесар Намгьял (2006 йил 14 декабрдан).

*Бутан қироллиги премьер-министрлари:* Ража Угьен Доржи (1907–1917), Ража Сонам Тобгай Доржи (1917–1952), Жигме Палден Доржи (1952–1964), Вакантна (1964 йил апрель–июль), Льендуп Доржи (1964 йил июль–ноябрь); Жигме Тинлей (1998–1999; 2003–2004), Сангай Нгедуп (1999–2000; 2005–2006), Ешей Зимба (2000–2001; 2004–2005), Ханду Вангчук (2001–2002; 2006–2007), Кинзанг Доржи (2002–2003; 2007–2008), Жигме Тинлей (2008 йил 9 апрелдан).

**1907 йил** – Ҳиндистон Миллий Конгрессида ажралиш юз берди. Балгангадҳар Тилак ва унинг тарафдорлари бу ташкилот таркибидан чиқди.

**1907 йил** – Англия Янги Зеландияга ўз-ўзини идора қилиш ҳуқуқини берди.

**1907 йил** – Францияда ижтимоий ҳаракат кескинлашди.

**1907 йил** – АҚШ Никарагуа билан Гондурас ўртасида ҳарбий жанжал уюштирди.

**1907 йил** – АҚШ Доминикан Республикасига ўз солиқ тўпловчилари ва назоратчиларини юборди.

**1907 йил** – АҚШда иқтисодий инқироз.

**1907 йил** – Ҳиндистонда қурғоқчилик туфайли очлик, ўлат касаллигидан 1,5 млн. одам қирилиб кетди.

**1907 йил** – Антанта (Буюк Британия, Франция, Россия) иттифоқи ташкил топди.

**1907–1974 йиллар** – давлат арбоби Муҳаммад Аюбхон яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1907–1995 йиллар** – таниқли кимёгар олим Собир Юнусов яшаган ва фаолият кўрсатган давр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1908 йил январь** – Болгарияда демократик партия раҳбари Александр Малинов бошлиқ ҳукумат тузилди.

**1908 йил 1 май – 1977 йил 10 январь** – тарихчи ва археолог олим Яҳё Ғуломов яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1908 йил 23 июнь** – Эронда инглизлар ва руслар ёрдамида аксилинқилобий давлат тўнтариши бўлди.

**1908 йил** – Ёш турклар инқилоби галаба қилди. Ғарбча кайфият ва ислоҳот тарафдорлари бўлган Ёш турклар партияси аъзоларининг фаолияти Усмонли турк султони Абдулҳамид II томонидан конституциянинг қайта тикланишига олиб келди.

**1908 йил 20 июль** – Усмонли турк султонлигининг Монастир шаҳрида «Иттиҳод ва Тараққий» партияси тантанавий бир вазиятда конституция тикланганлигини эълон қилди.

**1908 йил ёзи** – Францияда Париж атрофидаги Древейли деган жойда ер қазувчилар иш ташлади.

**1908 йил 7 сентябрь – 1974 йил 22 июль** – файласуф олим ва жамоат арбоби, академик Иброҳим Мўминов яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1908 йил 25 октябрь – 1967 йил 19 февраль** – таниқли шоир ва адабиётшунос олим Мақсуд Шайхзода яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1908 йил октябрь** – Сербиянинг эътирозига қарамай Австрия-Венгрия империяси Босния ва Герцеговинани босиб олди.

**1908 йил октябрь** – Болгария мустақиллиги эълон қилинди.

**1908 йил октябрь** – Эронда Саттор ва Багир бошчилигидаги қўзғолончилар Табриздан шоҳ қисмларини ҳайдаб чиқарди. 1909 йил январидан то апрель ойигача Табриз шоҳ қўшинлари қамалида қолди.

**1908 йил** – Конго Бельгия мустамлакасига айланди ва ўттиз йил давомида Бельгия қироли Леопольднинг шахсий мулки бўлиб қолди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1908 йил** – Бомбей вилоятининг Сурат шаҳрида Ҳиндистон Миллий конгрессининг қурултойи бўлди.

**1908 йил** – Ҳиндистонда Бомбей темир йўлчилари иш ташлади.

**1908 йил** – Дамашқ – Мадина темир йўли қурилиши тугалланди.

**1908 йил** – Лондонда таъсис этилган «Лена Голдфилдс» жамияти Россиянинг Лена олтин саноати ширкатлари акцияларини қўлга киритди.

**1908 йил** – Англияда премьер-министр Кемпбелл-Баннерман истеъфо берди, Герберт Генри Асквит ҳокимиятни бошқаришга киришди.

**1908 йил** – Англияда молия вазири лавозимини Дэвид Ллойд Жорж эгаллади.

**1908–1916 йиллар** – Англияда премьер-министр Герберт Генри Асквит лордларнинг ҳуқуқларини чеклаб қўйди.

**1908–1909 йиллар** – Табризда қўзғолон бўлди.

**1908–1973 йиллар** – Чили социалистик партияси ташкилотчиларидан бири Сальвадор Альенде яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1908–1985 йиллар** – таниқли албан давлат арбоби Анвар Хўжа яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1908–1958 йиллар** – ярим аср давомида Конго аҳолиси 30 миллион кишидан 15 миллион кишигача қисқариб кетди.

**1909 йил 13 апрель** – Ёш турклар томонидан султон Абдулҳамид II тахтдан туширилди ва ўрнига султон Мехмед V Рашид тахтга ўтирди.

**1909 йил июль** – Теҳронда Муҳаммад Алишоҳ тахтдан туширилди ва ўрнига ўғли Аҳмад шоҳ деб эълон қилинди.

**1909 йил июль** – Францияда Клемансо ҳукумати истеъфо берди.

**1909 йил** – Мексикада ҳосил бўлмади.

**1909 йил сентябрь** – Мексикада Эмелиано Сапата деҳқонларни ҳимоя қилиш хунтасини тузди, унинг шиори Ер ва озодликдан иборат эди.

**1909 йил ноябрь** – Эронда иккинчи Мажлисга сайлов ўтказилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1909 йил** – Франция экспортида жун биринчи ўринда, ип-газлама учинчи ўринда, француз винолари саккизинчи ўринда турган.

**1909 йил** – сув сиғими 20.000 тонна келадиган мисли кўрилмаган даражада катта кемалар пайдо бўлди.

**1909 йил** – Японияда эркин театр пайдо бўлди ва Шекспир, Ибсен асарлари саҳналаштирилди.

**1909 йил** – Эрон, Афғонистон ва Тибетда таъсир доираларини чеклаш ҳақида инглиз-рус келишуви.

**1909 йил** – инглиз-эрон нефть компанияси ташкил этилди.

**1909 йил** – АҚШда саноат маҳсулотлари қиймати 20 млрд. доллардан ошди.

**1909 йил 24 июль – 1911 йил 27 февраль** – Францияда премьер-министр Аристид Брианнинг биринчи ҳукумати фаолияти даври. (У 11 марта Министрлар Кабинетини бошқарган).

**1909–1911 йиллар** –Албанияда Туркия ҳукмронлигига қарши қуролли қўзғолонлар бўлди.

**1909–1916 йиллар** – АҚШнинг Лотин Америкасига қилган интервенцияси.

**1909–1917 йиллар** – Германия канцлери Теобальд фон Бетман-Гольвегнинг бошқарув даври.

**1909–1918 йиллар** – Усмонли турк султони Мехмед V Рашиднинг ҳукмронлик даври.

**1910 йил 5 май – 1979 йил 8 июнь** – таниқли адабиётшунос олим Ҳамид Сулаймонов яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1910 йил май** – Англияда Қирол Эдуард вафот этганлиги ва Георг V тахтга ўтирганлиги ҳар иккала партия – либераллар ва консерваторларни келишиб ишлашга ундади.

**1910 йил август** – Черногория қироллик деб эълон қилинди.

**1910 йил 24 сентябрь – 1977 йил 14 февраль** – машҳур санъаткор Олим Хўжаев яшаган ва фаолият кўрсатган давр.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1910 йил 15 октябрь** – Мексикада Франциско Мадеро «Сан-Луис-Потоси режаси» деб аталган ўз дастурини эълон қилди.

**1910 йил октябрь** – Францияда темир йўлчиларнинг иш ташлашлари бошланди.

**1910 йил 30 ноябрь – 1981 йил 5 май** – таниқли санъаткор Раззоқ Ҳамроев яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1910 йил декабрь** – Англияда янги сайловлар бўлди, лекин сайловлар умумпалатадаги кучлар нисбатини ўзгартирмади.

**1910 йил** – Англия ва бурлар ўртасида келишув рўй берди.

**1910 йил** – Болгариянинг Самаков шаҳрида тесняклар ўзини ўзи идора қиладиган шаҳар бошқармасида кўпчилик овоз олди.

**1910 йил** – Францияда Аристид Бриан раҳбарлигида ҳарбий денгиз флоти қуришнинг катта дастури қабул қилинди.

**1910 йил** – Трансваал ва Оранж республикаси инглизларнинг олдинги мустамлакалари – Коп колонияси ва Натал билан федерация бўлиб бирлашди.

**1910 йил** – Буэнос-Айресда ўтказилган IV Панамерика конференциясида Америка республикалари иттифоқи ташкилоти Панамерика иттифоқи деб номланди.

**1910 йил** – Япония Корея яриморолини босиб олди.

**1910 йил** – Жанубий Африка Иттифоқи номли янги давлат ташкил топди.

**1910 йил** – Габон, Ўрта Конго (ҳозирги Конго), Убанги-Шари (ҳозирги Марказий Африка Республикаси) ва Чаддаги колониялар асосида Француз Экваториал Африкаси ташкил топди.

**1910 йил** – Жанубий Африка Иттифоқи Англиядан доминионлик ҳуқуқини олди.

**1910 йил** – Англияда иш ташлашнинг янги тўлқини бошланди.

**1910 йил** – Англияда сайловларда либераллар ғалаба қозондилар (улар 1916 йилгача ҳокимият тепасида турди).



www.ziyouz.com kutubxonasi

Қ. РАЖАБОВ, Б. ҚАНДОВ,
И. ШОЙМАРДОНОВ, О. НОРМАТОВ

# ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ МУҲИМ САНАЛАРИ

## (ЭНГ ҚАДИМГИ ДАВРЛАРДАН БУГУНГИ КУНГАЧА)

ТОШКЕНТ — «O‘ZBEKISTON» — 2011

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЭНГ ЯНГИ ТАРИХ ДАВРИ

## (1914-2011 йиллар)

**1914 йил 28 июнь** – Австрия эрцгерцоги ва Австрия-Венгрия тахтининг валиаҳди Франц Фердинанд ва унинг хотини Сараево [туркча: Сарой] шаҳри (Босния)даги ташрифи чоғида «Ёш боснияликˮ миллатчилар гуруҳи томонидан ўлдирилди.

**1914 йил 28 июль** – Австрия-Венгрия ҳукумати Франц Фердинандга қилинган суиқасд учун Сербияни айбдор топиб, Германиянинг тазйиқи остида унга қарши уруш эълон қилди. Иттифоқчиларнинг Болқон кризисига аралашиши Биринчи жаҳон урушини келтириб чиқарди. Шаҳзоданинг ўлими урушга баҳона бўлди. Аслида Европанинг йирик давлатлари ўртасида бўлинган дунёни қайтадан бўлиб олиш учун бўлган зиддиятлар Биринчи жаҳон урушининг асосий сабаблари эди.

**1914 йил 28 июль – 1918 йил 11 ноябрь** – Биринчи жаҳон уруши даври.

**1914 йил 31 июль** – Парижда француз социалистлари йўлбошчиси Жан Жорес ўлдирилди.

**1914 йил 1 август** – Францияда ёппасига армияга чақирув эълон қилинди. Германия Россияга қарши уруш эълон қилди ва Россия урушга қўшилди. Рус қўшинларининг Шарқий Пруссиядаги ҳужуми Пауль фон Гинденбург томонидан Танненберг жангида тўхтатилди (26 август). Немандан Карпатгача бўлган фронтда барқарорлик вужудга келди.

**1914 йил 3 август** – Германия Францияга қарши уруш эълон қилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1914 йил 3 август** – бетараф Бельгияга немис қўшинлари бостириб кирди ва Франция томон илгарилади (Шлифен режаси).

**1914 йил 4 август** – Буюк Британия Германияга қарши уруш эълон қилди, унинг томонида Канада, Австралия, Янги Зеландия ва бошқалар турди.

**1914 йил 4 август** – Раймон Пуанкаре «Муқаддас иттифоқ» тузишга чақирди.

Марна ёнида жанг бўлиб ўтди ва унда генерал Жозеф Жак Жоффер бошчилигидаги француз қўшини ғалаба қозонди.

**1914 йил 24 август** – Япония иттифоқчилар (Антанта) томонида туриб урушга киришди.

**1914 йил сентябрь – ноябрь** – «Денгиздаги пойгалар» операцияси ва Қора денгиздан то Швейцария чегарасигача бўлган фронт линиясида барқарорлик ҳукм сурди.

**1914 йил 31 октябрь** – Туркия Германия томонида туриб урушга кирди. Миср устидан Туркиянинг сохта сюзеренитети Британиянинг расмий протекторати билан алмаштирилди. (Халқаро ҳуқуқда вассал давлатлар қарам бўлган йирик ёки кучли давлат сюзерен деб аталган. Сюзеренларнинг ўз вассалларига нисбатан олий ҳуқуқи сюзеренитет дейилади.)

Англия томонидан Ироқ (Туркия сюзеренитети остидаги давлат)ни босиб олиш бошланди.

**1914–1921 йиллар** – Хива хонлигида Ёш хиваликлар партиясининг фаолияти.

**1915 йил 1 март – 1996 йил 1 август** – машҳур ўзбек шоираси Зулфия яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1915 йил 22 апрель** – немислар томонидан Ипр яқинидаги жангда заҳарловчи газ (иприт) қўлланилди.

**1915 йил 3 май** – Италия Уч давлат иттифоқи (Лондон шартномаси, апрель)да қатнашишни хоҳламади ва иттифоқчилар томонида туриб урушга киришди.

**1915 йил май – сентябрь** – иттифоқчилар қўшинининг Артуа ва Шампандаги ҳужуми.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1915 йил февраль – сентябрь** – немисларнинг Россия ва Польшага ҳужуми рус қўшинининг чекиниши билан тугади.

**1915 йил февраль – август** – француз – инглиз қўшини Дарданеллда маглубиятга учради ва Англия денгиз министри Уинстон Черчилль истеъфога чиқди.

**1915 йил июль** – Африканинг жануби-ғарбий қисми (Германияга қарашли) британ қўшинлари томонидан босиб олинди.

**1915 йил 10 сентябрь – 1995 йил 17 декабрь** – математик олим, академик Тошмуҳаммад Саримсоқов яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1915 йил 5 октябрь** – Болгария Марказий Европа (Германия ва Австрия) томонида туриб урушга кирди.

**1915 йил октябрь – ноябрь** – Сербия немислар ва болгарлар томонидан босиб олинди.

**1915 йил** – арманлар томонидан туркларнинг Кавказда оммавий равишда қиргин қилиниши кучли норозилик уйғотди ва ўз навбатида, Туркияда арманлар қирғинига сабаб бўлди. (Айрим маълумотларда келтирилишича, ҳар икки томондан 3 млн. киши ҳалок бўлган.)

**1915 йил** – Дания Қироллигида конституция қабул қилинди.

*Дания Қироллиги премьер-министрлари (1913 йилдан):* Карл Теодор Зале (1913 – 1920), Отто Лиэбе (1920 йил март – апрель), Михаэль Педерсен Фриис (1920 йил апрель – май), Нильс Неэргорд (1920 – 1924), Торвальд Стаунинг (1924 – 1926; 1929 – 1942), Томас Мадсен-Мюгдаль (1926 – 1929), Вильхельм Бюль (1942 йил май – ноябрь), Эрик Скавениус (1942 – 1943); Вильхельм Бюль (1945 йил май – ноябрь), Кнуд Кристенсен (1945 – 1947), Ханс Хеттофт (1947 – 1950; 1953 – 1955), Эрик Эриксен (1950 – 1953), Ханс Кристиан Хансен (1955 – 1960), Вигго Кампманн (1960 – 1962), Йенс Отто Краг (1962 – 1968; 1971 – 1972), Хилмар Баунсгорд (1968 – 1971), Анкер Йоргенсен (1972 – 1973; 1975 – 1982), Поуль Хартлинг (1973 – 1975), Поуль Шлютер



www.ziyouz.com kutubxonasi

(1982–1993), Поуль Нюруп Расмуссен (1993–2001), Андерс Фог Расмуссен (2001–2009), Ларс Лёкке Расмуссен (2009 йил 5 апрелдан).

**1916 йил** – Европада ҳарбий ҳаракатларда ҳаммаси бўлиб 2 миллиондан ортиқ киши ҳалок бўлди.

**1916 йил февраль–декабрь** – Верден жангида француз ва немис қўшинлари тўқнашди.

**1916 йил** – Россияда ҳукмрон доиралар томонидан император Николай II ва унинг рафиқаси Александра Фёдоровнанинг яқин дўсти Григорий Ефимович Распутин ўлдирилди.

**1916 йил июль** – Ўрта Осиёда мардикорликка қарши миллий озодлик қўзғолони.

**1916 йил август** – ҳарбий қўмондонлар Гинденбург ва Людендорф герман қўшинини бошқаришди.

**1916 йил 27 август** – Португалия ва Руминия иттифоқчилар томонида туриб урушга киришди.

**1916 йил 18 сентябрь–1917 йил февраль** – Туркистон ўлкасида мардикорликка олиш жараёни.

**1916 йил сентябрь** – Сомма жангида инглизларнинг биринчи зирҳли танклари пайдо бўлди. Инглиз разведкачиси Томас Эдвард Лоуренснинг дипломатик ўйинлари ва маккорлиги натижасида Ҳижоз қироли Ҳусайн Усмонли турк султонлигига қарши қўзғолон кўтарди. (Буюк Британия ва Франция ўртасида Ўрта Шарқни бўлиб олиш учун махфий музокаралар олиб борилди.)

**1916 йил сентябрь** – Хитойда Юань Шикай вафот этгач, анархия ва ҳудудларни бўлиб олиш бошланди.

**1916 йилдан** – Аргентинада президентлар очиқ ва умумий овоз бериш йўли билан сайланадиган бўлди. (Ҳарбий тўнтаришлар натижасида ҳокимият тепасига келганлар бундан мустасно.)

**1916–1918 йиллар** – Австрия-Венгрия императори Франц Иосиф I вафот этгач, Карл I ҳукмронлиги даври.

**1916–1922 йиллар** – Буюк Британияда Дэвид Ллойд-Жорж ҳукумати бошқаруви даври. Дублинда ирландлар қўзғолон кўтарди (1916 йил, Пасха).



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1917 йил 1 февраль** – Вильгельм II томонидан сув ости жанглари авж олдирилди.

**1917 йил 27 февраль** – Россияда инқилоб. Петроградда қўзғолонлар бошланиб, Февраль инқилоби ғалабаси билан якунланди.

**1917 йил 2 март** – Николай II тахтдан воз кечди ва князь Георгий Евгеньевич Львов бошчилигида Муваққат ҳукумат ташкил қилинди.

*Россияда Муваққат ҳукумат раислари* (1917 йил март – октябрь): Георгий Евгеньевич Львов (1917 йил 2 март – 24 июль), Александр Фёдорович Керенский (1917 йил 24 июль – 25 октябрь).

**1917 йил 2 март – 4 июль** – Россияда икки ҳокимиятчилик даври. Ҳокимият Муваққат ҳукумат билан ишчи ва аскар депутатлари органи бўлган Советлар ўртасида тақсимланган.

**1917 йил апрель** – Владимир Ильич Ленин «Апрель тезислари»да барча партия аъзоларига қарши бориб, ҳокимиятни куч билан эгаллаш зарурлигини таъкидлади.

**1917 йил 5 май** – Россияда биринчи коалицион Муваққат ҳукумат тузилди.

**1917 йил 15 май** – француз фронтида ғалаёнлар («таслимчилар»). Бош қўмондон Робер Нивел ўрнини Анри Филипп Петен эгаллади.

**1917 йил 3–24 июнь** – Петроградда ишчи ва солдат депутатлари Бутун Россия Советларининг I съезди бўлди.

**1917 йил июнь** – Константин I биринчи марта тахтдан воз кечди ва Греция иттифоқчилар томонида туриб урушга киришди.

**1917 йил июнь** – Россияда Муваққат ҳукумат фронтда қўшинларга ҳужумга ўтиш ҳақида буйруқ берди.

**1917 йил 4 июль** – Петроградининг ғазабланган аҳолиси оммавий намойишга чиқди. Унда 500 мингдан ортиқ киши қатнашди.

**1917 йил 4 июль** – Петроградда ишчилар намойишининг ўққа тутилиши билан икки ҳокимиятчилик барҳам топди ва Муваққат ҳукумат ҳокимияти кучайди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1917 йил 24 июль** – Россияда меҳнатчилар фракцияси раҳбари Александр Фёдорович Керенский Бош вазир қилиб сайланди. Александр Фёдорович Керенский бошчилигида иккинчи коалицион Муваққат ҳукумат тузилди.

**1917 йил июль** – Владимир Ильич Ленин «Давлат ва революция» асарида пролетариат диктатураси ғоясини асослаб берди.

**1917 йил 2 август** – АҚШ Германияга қарши уруш эълон қилиб, урушга қўшилди. Ҳарбий зиддиятлар якунига бу ҳолат катта таъсир кўрсатди.

**1917 йил 25 август** – Россияда ҳарбий диктатурани ўрнатишга мўлжалланган Корнилов исёни бўлиб, унга генерал Лавр Георгиевич Корнилов раҳбарлик қилди.

**1917 йил 1 сентябрь** – Россия республика деб эълон қилинди. Ҳокимият Александр Фёдорович Керенский бошчилигидаги Директорияга ўтди.

**1917 йил октябрь** – итальян қўшинлари Капореттода маглубиятга учради.

**1917 йил 7 октябрь** – Петроградда Предпарламент (Россия Республикасининг Муваққат кенгаши) ўз фаолиятини бошлади.

**1917 йил 10 октябрь** – РСДРП(б) МК томонидан куролли қўзғолон тўғрисида резолюция қабул қилинди. Владимир Ильич Ленин бошчилигида МК Сиёсий бюроси сайланди.

**1917 йил 25–27 октябрь [7–9 ноябрь]** – большевиклар Владимир Ильич Ленин бошчилигида Россияда ҳокимиятни босиб олишди. Муваққат ҳукумат (Александр Фёдорович Керенский ҳукумати) ағдариб ташланди. Октябрь тўнтариши натижасида Россияда совет ҳокимияти ўрнатилди. Россия Совет Федератив Социалистик Республикаси [РСФСР; совет Россияси] ташкил қилиниб, Владимир Ильич Ульянов [Ленин] совет ҳукумати – Халқ Комиссарлари Советининг дастлабки раҳбари бўлди. (1922–1991 йилларда РСФСР СССР давлати таркибида бўлган.)

*РСФСР Халқ Комиссарлари Совети раислари:* Владимир Ильич Ульянов [Ленин] (1917 йил 27 октябрь – 1924 йил 21 январь), Алексей Иванович Риков (1924 йил 2 фев-



www.ziyouz.com kutubxonasi

раль – 1929 йил 18 май), Сергей Иванович Сирцов (1929 йил 18 май – 1930 йил 3 ноябрь), Даниил Егорович Сулимов (1930 йил 3 ноябрь – 1937 йил 22 июль), Николай Александрович Булганин (1937 йил 22 июль – 1938 йил 17 сентябрь), Василий Васильевич Вахрушев (1938 йил 18 сентябрь – 1940 йил 2 июнь), Иван Сергеевич Хохлов (1940 йил 2 июнь – 1943 йил 23 июнь; амалда 1942 – 1943 йилларда Константин Дмитриевич Панфилов), Алексей Николаевич Косигин (1943 йил 23 июнь – 1946 йил 23 март); *РСФСР Министрлар Совети раислари:* Михаил Иванович Родионов (1946 йил 23 март – 1949 йил 9 март), Борис Николаевич Черноусов (1949 йил 9 март – 1952 йил 20 октябрь), Александр Михайлович Пузанов (1952 йил 20 октябрь – 1956 йил 24 январь), Михаил Алексеевич Яснов (1956 йил 24 январь – 1957 йил 19 декабрь), Фрол Романович Козлов (1957 йил 19 декабрь – 1958 йил 31 март), Дмитрий Степанович Полянский (1958 йил 31 март – 1962 йил 20 декабрь), Геннадий Иванович Воронов (1962 йил 20 декабрь – 1971 йил 23 июль), Михаил Сергеевич Соломенцев (1971 йил 30 июль – 1983 йил 24 июнь), Виталий Иванович Воротников (1983 йил 24 июнь – 1988 йил 3 октябрь), Александр Владимирович Власов (1988 йил 3 октябрь – 1990 йил 15 июнь), Иван Степанович Силаев (1990 йил 15 июнь – 1991 йил 26 сентябрь); *Россия Федерацияси Министрлар Совети раиси вазифасини бажарувчи:* Олег Иванович Лобов (1991 йил 26 сентябрь – 6 ноябрь); Борис Николаевич Ельцин (1991 йил 6 ноябрь – 1992 йил 15 июнь).

*Бутунроссия [РСФСР] Марказий Ижроия Қўмитаси [ВЦИК] раислари:* Лев Борисович Каменев [Розенфельд] (1917 йил 27 октябрь – 8 ноябрь), Яков Михайлович Свердлов (1917 йил 8 ноябрь – 1919 йил 16 март), Михаил Фёдорович Владимирский (в.б.; 1919 йил 16 – 30 март), Михаил Иванович Калинин (1919 йил 30 март – 1938 йил 15 июль); *РСФСР Олий Совети Президиуми раислари:* Алексей Егорович Бадаев (1938 йил 19 июль – 1944 йил 4 март), Иван Алексеевич Власов (в.б.; 1943 йил 9 апрель – 1944 йил 4 март), Николай Михайлович Шверник (1944 йил 4 март – 1946 йил 25 июнь),



www.ziyouz.com kutubxonasi

Иван Алексеевич Власов (1946 йил 25 июнь – 1950 йил 7 июль), Михаил Петрович Тарасов (1950 йил 7 июль – 1959 йил 16 апрель), Николай Григорьевич Игнатов (1959 йил 16 апрель – 26 ноябрь), Николай Николаевич Органов (1959 йил 26 ноябрь – 1962 йил 20 декабрь), Николай Григорьевич Игнатов (1962 йил 20 декабрь – 1966 йил 14 ноябрь), Михаил Алексеевич Яснов (1966 йил 23 декабрь – 1985 йил 26 март), Владимир Павлович Орлов (1985 йил 26 март – 1988 йил 3 октябрь), Виталий Иванович Воротников (1988 йил 3 октябрь – 1990 йил 29 май); *РСФСР Олий Совети раиси:* Борис Николаевич Ельцин (1990 йил 29 май – 1991 йил 10 июль).

**1917 йил 1 ноябрь** – Тошкентда (кейинчалик бутун Туркистонда) большевиклар томонидан зўравонлик билан Совет ҳокимияти ўрнатилди.

**1917 йил 6 ноябрь – 1983 йил 31 октябрь** – давлат ва жамоат арбоби, ёзувчи Шароф Рашидович Рашидов яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1917 йил 15 ноябрь** – Туркистон Советларининг 3-ўлка съездида Туркистон ўлкаси Халқ Комиссарлари Совети (Совнарком раиси: Фёдор Колесов) тузилган.

*Туркистон Республикаси [Туркистон АССР] Халқ Комиссарлари Совети раислари (1917 – 1924):* Фёдор Иванович Колесов (1917 йил ноябрь – 1918 йил октябрь), Владислав Дамианович Фигельский (1918 йил октябрь – 1919 йил январь), Климент Сорокин (1919 йил март – сентябрь), Ян Эрнестович Рудзутак (1920 йил февраль – сентябрь), Қайғисиз Сардорович Отабоев (1920 йил сентябрь – 1922 йил сентябрь), Турор Рисқулов (1922 йил сентябрь – 1924 йил январь), Рустам Исломов (1924 йил январь – ноябрь).

*Туркистон Республикаси [Туркистон АССР] Марказий Ижроия Қўмитаси раислари (1918 – 1924):* Петр Алексеевич Кобозев, Андрей Фёдорович Солькин, Иван Осипович Тоболин (ҳамраислар; 1918 йил апрель – октябрь), Всеволод Дмитриевич Вотинцев (1918 йил октябрь – 1919 йил январь), Аристарх Андреевич Казаков (1919 йил март – сен-



www.ziyouz.com kutubxonasi

тябрь), И.А.Апин (1919 йил сентябрь – 1920 йил январь), Турор Рискулов (1920 йил январь – июль), Муҳаммаджон Бисеров (1920 йил июль – ?), Назир Тўракулов (1920 йил сентябрь – 1921 йил август), Абдулла Раҳимбоев (1921 йил ноябрь – 1922 йил сентябрь), Иномжон Хидиралиев (1922 йил сентябрь – 1924 йил январь), Нодирбой Айтақов (1924 йил январь – ноябрь).

**1917 йил 19 ноябрь – 2008 йил 27 август** – давлат ва сиёсат арбоби Нуриддин Акромович Муҳитдинов яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1917 йил 26 ноябрь – 1918 йил 22 февраль** – Туркистон Мухторияти ҳукумати фаолият кўрсатди. Бу ҳукумат Қўқон шаҳрида ташкил этилди.

*Туркистон Мухторияти ҳукумати Бош вазирлари:* Муҳаммаджон Тинишбоев (1917 йил ноябрь – декабрь), Мустафо Чўқай (1918 йил январь – февраль).

**1917 йил** – Рус инқилоби натижасида Финляндия, кейинчалик Польша ўз мустақиллигига эришди.

**1917 йил 2 декабрь** – Молдавия Демократик Республикаси тузилганлиги эълон қилинди. 1918 йил ноябрда Руминия давлати Молдавия ҳудудини босиб олди ва республика тугатилди. (1920 йил февралда Молдавия ҳудудида зўравонлик билан совет ҳокимияти ўрнатилди. 1924 йил 12 октябрда Украина ССР таркибида Молдавия АССР ташкил топди.)

*Молдавия Демократик Республикаси парламенти [Сфатул Цэрий] раислари:* Ион Инкулец (1917 йил 21 ноябрь – 1918), Константин Стере (1918), Пантелеймон Халиппа (1918 – 1918 йил 27 ноябрь).

*Молдавия Демократик Республикаси ҳукумати [Бош директорлар Кенгаши] раислари:* Пантелеймон Ерхан (1917 йил 21 декабрь – 1918 йил 24 январь), Думитру Чугуряну (1918 йил 24 январь – 27 март), П. Казаку (1918 йил апрель – ноябрь).

**1917 йил 6 декабрь** – Финляндия сейми мустақиллик ҳақида Декларация қабул қилди ва Финляндия Россия таркибидан чиқди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1917 йил 13 декабрь – 1920 йил март** – Алаш Ўрда мухторияти ҳукумати фаолият кўрсатди. Бу ҳукумат ҳозирги Қозоғистон ҳудудида ташкил этилган бўлиб, унга Алихон Нурмуҳамедович Букейхонов раҳбарлик қилди. Алаш Ўрда мухториятининг пойтахти Семипалатинск шаҳри бўлган. Бу ҳукумат большевиклар томонидан тугатилган.

**1917 йил 17 декабрь – 2006 йил 31 октябрь** – йирик туркистоншунос олим, жамоат ва сиёсат арбоби Боймирза Ҳайит яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1917 йил 25 декабрь** – Украина ҳудудининг бир қисмида зўравонлик билан совет ҳокимияти ўрнатилди.

**1917 йил** – Ўрта Шарқда инглизлар март ойида Бағдод (Ироқ) ва декабрь ойида Қуддус (Фаластин)ни босиб олди.

**1917 йил** – Бразилия Биринчи жаҳон урушига қўшилди.

**1917–1919 йиллар** – Италияда Витторио Орландо премьер-министр вазифасида ишлади.

**1917–1921 йиллар** – Украина ҳудудида украин инқилоби даври. Бу даврда Украина Халқ Республикаси ва бошқа украин давлатлари фаолият кўрсатган. 1921 йилда Украина ҳудудида совет ҳокимияти тўлиқ ўрнатилди ва мустақил Украина давлати тугатилди.

*Украина Халқ Республикаси ҳукумати раҳбарлари:* Владимир Винниченко (1917 йил 15 июнь – 1918 йил 22 январь), Михаил Грушевский (1918 йил 22 – 30 январь), Всеволод Голубович (1918 йил 30 январь – 29 апрель);

*Украина давлати Радаси халқ министрлари:* Николай Сахно-Устимович (1918 йил 29 – 30 апрель), Николай Василенко (1918 йил 30 апрель – 4 май), Фёдор Лизогуб (1918 йил 4 май – 14 ноябрь), Сергей Гербель (1918 йил 14 ноябрь – 14 декабрь);

*Украина Халқ Республикаси Директорияси халқ министрлари:* Владимир Чеховский (1918 йил 26 декабрь – 1919 йил 13 февраль), Сергей Остапенко (1919 йил 13 февраль – 9 апрель), Борис Мартос (1919 йил 9 апрель – 27 август), Исаак Мазепа (1919 йил 27 август – 1920 йил 26 май), Вячеслав Прокопович (1920 йил 26 май – 14 октябрь/10 ноябрь).



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1917–1922 йиллар** – Испанияда 11 та ҳукумат алмашди. Испания тарихида бурбонлар монархиясининг заволи ва ҳарбий диктатура ҳукмронлиги даври бошланди.

**1918 йил 5 январь** – Мюнхенда Германия фашистлар партияси ташкил топди.

**1918 йил 5–6 январь** – Россияда Таъсис мажлиси чақирилди ва тарқатиб юборилди.

**1918 йил январь** – АҚШ президенти Томас Вудро Вильсон Конгрессда нутқ сўзлаб, 14 пунктдан иборат тинчлик дастурини эълон қилди.

**1918 йил 14 февраль** – РСФСРда григориан календари жорий этилди.

**1918 йил 16 февраль** – Литва давлатининг мустақиллиги эълон қилинди. Кейинчалик Литва Республикаси ташкил топди. (1940 йил июлда Литвага совет қўшинлари киритилди ва мустақил Литва давлати тугатилди.)

*Литва Республикаси президентлари:* Антанас Смятона (1919–1920), Александрас Стульгинскис (1922–1926), Казис Гринюс (1926), Йонас Стаугайтис (1926; в.б.), Антанас Смятона (1926–1940).

*Литва Республикаси премьер-министрлари:* Винцас Симанович Мицкявичюс-Капсукас (1918 йил 8 декабрь–1919 йил 19 июль), Аугустинас Вольдемарас (1918 йил 4 ноябрь – 26 декабрь), Миколас Слежявичюс (1918 йил 26 декабрь–1919 йил 12 март; 1919 йил 12 апрель–6 октябрь), Пранас Довидайтис (1919 йил 12 март–12 апрель), Эрнестас Галванаускас (1919 йил 7 октябрь–1920 йил 19 июнь; 1922 йил 2 февраль–1924 йил 18 июнь), Казис Гринюс (1920 йил 19 июнь–1922 йил 2 февраль), Антанас Туменас (1924 йил 18 июнь–1925 йил 4 февраль), Витаутас Петрулис (1925 йил 4 февраль–19 сентябрь), Ляонас Бистрас (1925 йил 25 сентябрь–1926 йил 15 июнь), Миколас Слежявичюс (1926 йил 15 июнь–17 декабрь), Аугустинас Вольдемарас (1926 йил 17 декабрь–1929 йил 23 сентябрь), Юозас Тубялис (1929 йил 23 сентябрь–1938 йил 24 март), Владас Миронас (1938 йил 24 март–1939 йил 28 март), Йонас Чер-



www.ziyouz.com kutubxonasi

нюс (1939 йил 28 март – 21 ноябрь), Антанас Меркис (1939 йил 21 ноябрь – 1940 йил 17 июнь), Юстас Палецкис (1940 йил 17 – 24 июнь), Винцас Креве-Мицкявичюс (1940 йил 24 июнь – 25 август; в.б.).

**1918 йил 22 февраль** – Туркистон Мухторияти ҳукумати қизил аскарлар ва арман дашноқлари томонидан тугатилди. Қўқон шаҳри ва атрофлари талон-торож қилинди ва ўн мингдан ортиқ тинч аҳоли ўлдирилди. Мусулмонлар оммавий равишда қирғин қилинди.

**1918 йил 24 февраль** – Эстония мустақиллиги эълон қилинди.

**1918 йил февраль охири** – Туркистон мустақиллиги учун истиқлолчилик ҳаракати бошланди. Бу ҳаракат совет режими ва большевиклар ҳокимиятига қарши қаратилди.

**1918 йил 3 март** – Россия ва Германия ўртасида Брест-Литовск шаҳрида Брест сулҳи тузилди.

**1918 йил 11 март** – Россия пойтахти Петроградан Москвага кўчирилди.

**1918 йил 14 март** – Антанта мамлакатлари Россиянинг шимолига бостириб кирди.

**1918 йил 25 март** – Белоруссия Халқ Республикаси тузилганлиги эълон қилинди. (1920 йил январь ойигача фаолият кўрсатган мустақил Белоруссия давлати большевиклар томонидан тугатилди.)

*Белоруссия Халқ Республикаси ҳукумати раислари:* Иосиф Воронко (1918 йил 8 март – 1 май), Роман Александрович Скирмунт (1918 йил июль; 1918 йил ноябрь – 1919 йил декабрь), Иван Середа (1918 йил июль – ноябрь), Вацлов Устинович Ластовский (1919 йил 13 декабрь – 1920 йил январь).

**1918 йил март** – Россияга қарши интервенция бошланди. Мурманск, Архангельск, Владивосток, Севастополь, Красноводск шаҳарларига, Туркистон ҳудудига десант туширилди.

**1918 йил март, май, июль** – немислар (Людендорф) нинг Пикардия, Марне, Шампанга ҳужуми.

**1918 йил март охири** – Боку (Озарбайжон)да арманлар томонидан озарбайжонлар қирғин қилинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1918 йил 9 апрель** – Закавказье Федератив Демократик Республикаси ташкил топди ва Россиядан мустақил деб эълон қилинди.

**1918 йил 30 апрель** – Туркистон ўлкаси РСФСР таркибида автоном республика (Туркистон АССР) деб эълон қилинди.

**1918 йил 26 май** – Закавказье Федератив Демократик Республикаси тарқалиб кетди.

**1918 йил 26 май** – Грузия Миллий Кенгаши мамлакатни мустақил деб эълон қилди ва Грузия Демократик Республикаси ташкил топди. (1921 йил февралда мустақил Грузия давлати большевиклар томонидан тугатилди.)

**1918 йил 27 май** – Озарбайжон Республикаси мустақиллиги эълон қилинди.

**1918 йил 28 май** – Озарбайжон Республикаси ташкил қилинди. Мусовотчилар («Мусовот» партияси вакиллари) ҳокимият тепасига келишди. (1920 йил 28 апрелда мустақил Озарбайжон давлати қизил армия ёрдамида большевиклар томонидан тугатилди.)

*Озарбайжон Демократик Республикаси Министрлар Кенгаши раислари:* Фатали Хан Хойский (1918 йил 28 май – 1919 йил 14 апрель), Насиббек Усуббеков (1919 йил 28 май – 1920 йил 30 март), Мамед Гасан Ганжинский (1920 йил 30 март – 28 апрель; в.б.).

**1918 йил 28 май** – Арманистон Республикасининг мустақиллиги эълон қилинди. Ҳокимият тепасига миллатчи дашноқлар партияси вакиллари келди. (1920 йил ноябрда большевиклар томонидан дашноқлар ҳукумати ағдариб ташланди ва мустақил Арманистон давлати тугатилди.)

**1918 йил 14 июнь** – Ботуми шаҳрида Туркия ва Арманистон ўртасида ўзаро сулҳ битими тузилди.

**1918 йил 6–7 июль** – Москвада «сўл» эсерлар исёни.

**1918 йил 16 июль** – Екатеринбургда Николай II ва унинг оила аъзолари большевиклар томонидан отиб ташланди.

**1918 йил 18 июль** – таниқли давлат арбоби Нельсон Мандела туғилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1918 йил 14 август** – Бокуга Англия десанти туширилди.

**1918 йил 15–16 август** – Владивостокка Америка десанти туширилди.

**1918 йил 15 сентябрь** – Салоникида 150 минг кишилик грек армияси болгар армиясини тор-мор келтирди.

**1918 йил 29 сентябрь** – болгар ҳукумати (Болгария) сулҳ ҳақидаги ҳужжатни имзолаб, таслим бўлди. Болгария урушдан чиқди. Шоҳ Фердинанд ўз ўғли Борис фойдасига тахтдан воз кечди.

**1918 йил сентябрь** – бирлашган инглиз – француз – серб қўшинлари Македонияда болгар – немис қўшинларини тор-мор қилди.

**1918 йил сентябрь – октябрь** – француз қўшини Ливанга туширилди, инглизлар Ироқ ва Сурияни босиб олди.

**1918 йил 3 октябрь** – Германияда князь Макс Баденский канцлер бўлди.

«Спартак» (коммунистик) ҳаракати аъзолари бошчилигида инқилоб – «Ноябрь инқилоби» бўлди.

**1918 йил 4 октябрь** – Чехия ва Словакия Австрия-Венгрия таркибидан ажралиб чиқди ҳамда мустақил Чехословакия Республикаси тузилганлигини эълон қилди.

**1918 йил 24 октябрь – 16 ноябрь** – Венгрия мустақиллиги эълон қилинди ва республика жорий этилди.

**1918 йил 30 октябрь** – Мудросс тинчлик сулҳи тузилди. Анатолия иттифоқчилар қўшини томонидан босиб олинди.

**1918 йил 31 октябрь** – Туркия Антанта давлатларига таслим бўлди.

**1918 йил 31 октябрь** – Австрия ва Венгрияда монархиялар ағдариб ташланди ҳамда Австрия ва Венгрия республикалари эълон қилинди. Улар Антанта мамлакатлари талаб қилган ярашув шартларини қабул қилди.

**1918 йил 3 ноябрь** – Австрия-Венгрия Антанта давлатларига таслим бўлди.

**1918 йил 3 ноябрь** – Германия Антанта давлатларига таслим бўлди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1918 йил 9 ноябрь** – Вильгельм II тахтдан воз кечди ва республика эълон қилинди; немис империяси (II Рейх) тугади. Германияда монархия ағдарилди.

**1918 йил 10 ноябрь – 1919 йил 10 февраль** – Фридрих Эберт ва Гуго Гаазе Германияда биринчи ҳукумат раислари бўлишди.

**1918 – 1933 йиллар** – Германияда Веймар Республикаси даври.

*Германия ҳукумати раҳбарлари (рейхсканцлерлари)* (1918 йил ноябрь – 1933 йил январь): Фридрих Эберт (1918 – 1919), Филипп Шейдеман (1919 йил февраль – июнь) [Веймар Республикасининг биринчи ҳукуматини бошқарди], Густав Бауэр (1919 – 1920), Герман Мюллер (1920 йил март – июнь), Константин Ференбах (1920 – 1921), Йозеф Вирт (1921 – 1922), Вильгельм Куно (1922 – 1923), Густав Штреземан (1923 йил август – ноябрь), Вильгельм Маркс (1923 – 1924; 1926 йил май – декабрь; 1927 – 1928), Ганс Лютер (1925 – 1926), Герман Мюллер (1928 – 1930), Генрих Брюнинг (1930 – 1932), Франц фон Папен (1932 йил июнь – ноябрь), Курт фон Шлейхер (1932 – 1933), Адольф Гитлер (1933 йил 30 январь – 1934 йил 1 август).

(1934 йил 1 августдаги қонун бўйича рейхсканцлер ва президент лавозимлари бирлаштирилди, бироқ Адольф Гитлер 1934 йил 2 августдаги декрет билан ўзини давлат бошлиғи деб атади, президент лавозимидан воз кечди ҳамда ўзини фюрер ва рейхсканцлер деб эълон қилди.)

**1918 йил 11 ноябрь** – Германия ва Антанта давлатлари ўртасида Компьен яраш аҳди тузилди. Биринчи жаҳон уруши тугади.

**1918 йил 12 ноябрь** – Карл I сургун қилинди ва Австрияда республика эълон қилинди.

**1918 йил 13 ноябрь** – Брест сулҳи бекор қилинди.

**1918 йил 14 ноябрь** – Австрия-Венгрия империясида чехлар мустақиллиги эълон қилинди.

**1918 йил 14 ноябрь** – Юзеф Пилсудский томонидан Варшавада Польша давлати тикланди ва республика эълон қилинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1918 йил 18 ноябрь** – Латвия Республикаси эълон қилинди. (1940 йил июлда Латвияга совет қўшинлари киритилди ва мустақил Латвия давлати тугатилди.)

*Латвия Республикаси премьер-министрлари:* Карлис Улманис (1918 йил 18 ноябрь – 1921 йил 18 июнь; 1925 йил 24 декабрь – 1926 йил 6 май; 1931 йил 27 март – 5 декабрь), Зигфрид Анна Мейеровиц (1921 йил 19 июнь – 1923 йил 26 январь; 1923 йил 28 июнь – 1924 йил 26 январь), Янис Паулюк (1923 йил 27 январь – 1923 йил 27 июнь), Вольдемар Замуэл (1924 йил 27 январь – 18 декабрь), Хуго Целминьш (1924 йил 19 декабрь – 1925 йил 23 декабрь; 1928 йил 1 декабрь – 1931 йил 26 март), Артур Алберинг (1926 йил 7 май – 18 декабрь), Маргерс Скуениекс (1926 йил 19 декабрь – 1928 йил 23 январь), Петерис Юрашевский (1928 йил 24 январь – 30 ноябрь), Маргерс Скуениекс (1931 йил 6 декабрь – 1933 йил 23 март), Адольф Блёдниекс (1933 йил 24 март – 1934 йил 16 март), Карлис Улманис (1934 йил 17 март – 1940 йил 17 июнь), Август Кирхенштейн (1940 йил 17 июнь – 25 август).

**1918 йил ноябрь** – Австрия республика деб эълон қилинди.

*Австрия Федератив Республикаси президентлари (Биринчи Республика даври президентлари):* Карл Зейц (1919 – 1920), Михаэль Хайниш (1920 – 1928), Вильгельм Миклас (1928 – 1938).

*Австрия Федератив Республикаси президентлари (Иккинчи Республика даври президентлари):* Карл Реннер (1945 – 1950), Теодор Кёрнер (1951 – 1957), Адольф Шерф (1957 – 1965), Франц Йонас (1965 – 1974), Рудольф Кирхшлегер (1974 – 1986), Курт Вальдхайм (1986 – 1992), Томас Клестиль (1992 – 2004), Хайнц Фишер (2004 йилдан).

**1918 йил ноябрь** – Чехословакияда биринчи ҳукумат фақат чех партиялари вакилларидан тузилди ва Чехословакия республикасининг биринчи президентлигига ҳам чех буржуазияси вакили, таниқли чех тарихчиси ва файласуфи, профессор Томаш Масарик (1850 – 1937) сайланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1918–1935 йиллар** – Чехословакия Республикасининг биринчи президенти Томаш Масарикнинг бошқаруви даври.

**1918 йил ноябрь** – Қоҳирада Миср мустақиллиги учун курашни бошқариш миллий партияси ташкил қилиниб, унга таниқли адабиёт, маданият, сиёсат ва жамоат арбоблари кирдилар. Бу партия «Вафд Мисри» («Миср вакиллари») деб номланди.

**1918 йил 1 декабрь** – Серблар, хорватлар ва словенлар қироллиги тузилгани эълон қилинди. (1929 йилдан Югославия қироллиги.)

**1918 йил** – иттифоқ қўшинлари (Фош, Першинг, Хейт) нинг Шампан ва Пикардияга қарши ҳужуми; немисларнинг чекиниши даври.

**1918 йил** – Хитойда икки инқилобий ҳаракат маркази – Хитой халқининг тан олинган миллий йўлбошчиси Сунь Ятсен (1866–1925) бошчилигидаги Гоминьдан (миллий партия) ҳамда Хитой коммунистик партияси ташкил топди.

**1918 йил** – япон қўшинлари совет Россияси ҳудудига бостириб кириб, Владивосток, Приморье, Шарқий Сибирь ва Шимолий Сахалинни эгаллади.

**1918 йил** – Руминия Трансильвания ва Буковинани босиб олди.

**1918–1919 йиллар** – Индонезияда мустамлакачилар ҳукмронлигига қарши оммавий чиқишлар бўлиб ўтди.

**1918–1922 йиллар** – Туркиядаги миллий озодлик уруши (Қуртулиш саваши)га Мустафо Камол Отатурк раҳбарлик қилди.

**1918–1922 йиллар** – Волгабўйи (Россия)да совет режими ва большевикларга қарши крестьянлар ҳаракати.

**1918–1922 йиллар** – Россияда фуқаролар уруши ва чет эл интервенциясига қарши кураш. Қизил армия жангчилари Оқ гвардиячилар (Антон Иванович Деникин, Александр Васильевич Колчак, Пётр Николаевич Врангель, Николай Николаевич Юденич ва б.)га қарши турди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1918–1922 йиллар** – Узоқ Шарқда большевикларга қарши японлар ҳарбий ҳаракатлар олиб борди.

**1918–1922 йиллар** – машҳур файласуф Освальд Шпенглер «Европанинг сўниши» асарини ёзди.

**1918–1935 йиллар** – Туркистон минтақасида совет режимига қарши қуролли ҳаракат даври.

**1918–1943 йиллар** – Болгария подшоси Бориснинг ҳукмронлик даври.

**1918–1993 йиллар** – Чехословакия давлати фаолият кўрсатди.

*Чехословакия президентлари:* Томаш Масарик (1918 – 1935), Эдуард Бенеш (1935–1938), Эмиль Гаха (1938–1939).

**1919 йил 1 январь** – Белоруссияда зўравонлик билан совет ҳокимияти ўрнатилди ва Белоруссия ССР (БССР) ташкил топди. (1922–1991 йилларда Белоруссия ССР СССР давлати таркибида бўлган.)

*Белоруссия ССР Халқ Комиссарлари Советининг раислари:* Александр Григорьевич Червяков (1921 йил–1924 йил 17 март), Иосиф Александрович Адамович (1924 йил 17 март–1927 йил 7май), Николай Матвеевич Голодед (1927 йил 7–30 май), Данила Иванович Волкович (1937 йил 30 май–8 сентябрь), Афанасий Фёдорович Ковалёв (1937 йил 10 сентябрь–1938 йил 23 июль), Кузьма Венедиктович Киселёв (1938 йил 28 июль–1940 йил 28 июнь), Иван Семёнович Билинский (1940 йил 28 июнь–1944 йил 7 февраль), Пантелеймон Кондратьевич Пономаренко (1944 йил 7 февраль–1946 йил 15 март); *Белоруссия ССР Министрлар Советининг раислари:* Пантелеймон Кондратьевич Пономаренко (1946 йил 15 март–1948 йил 15 март), Алексей Ефимович Клещев (1948 йил 15 март–1953 йил 25 июнь), Кирилл Трофимович Мазуров (1953 йил 25 июнь – 1956 йил 28 июль), Николай Ефремович Авхимович (1956 йил 28 июль – 1959 йил 9 апрель), Тихон Яковлевич Киселёв (1959 йил 9 апрель–1978 йил 11 декабрь), Александр Никифорович Аксенов (1978 йил 11 декабрь–1983 йил 8 июль), Владимир Игнатьевич Бровиков (1983 йил 8 июль–1986



www.ziyouz.com kutubxonasi

йил 10 январь), Михаил Васильевич Ковалёв (1986 йил 10 январь – 1990 йил 7 апрель), Вячеслав Францевич Кебич (1990 йил 7 апрель – 1991 йил 18 сентябрь).

*Белоруссия Компартияси Марказий Комитети биринчи котиблари:* Александр Фёдорович Мясников (1918–1919), Мицкявичюс-Капсукас Винцас (1919), Ефим Борисович Генкин (1920–1921), Вильгельм Георгиевич Кнорин (1921 – 1922), Вацлав Антонович Богуцкий (1922–1924), Александр Николаевич Асаткин-Владимирский (1924), Александр Иванович Криницкий (1924–1925), Николай Матвеевич Голодед (1925–1927), Вильгельм Георгиевич Кнориньш (1927–1928), Ян Борисович Гамарник (1928–1930), Константин Вениаминович Гей (1930–1932), Николай Фёдорович Гикало (1932–1937), Данила Иванович Волкович (1937), Василий Фомич Шарангович (1937 йил 14 март–27 июль), Яков Аркадьевич Яковлев (1937 йил 27 июль–11 август; в.б.), Алексей Алексеевич Волков (1937 йил 11 август–1938 йил июль; в.б.), Пантелеймон Кондратьевич Пономаренко (1938–1947), Николай Иванович Гусаров (1947–1950), Николай Семёнович Патоличев (1950–1953), Михаил Васильевич Зимянин (1953), Николай Семёнович Патоличев (1953–1956), Кирилл Трофимович Мазуров (1956–1965), Пётр Миронович Машеров (1965 – 1980), Тихон Яковлевич Киселёв (1980–1983), Николай Никитич Слюньков (1983–1987), Ефрем Евсеевич Соколов (1987–1990), Анатолий Александрович Малофеев (1990–1991).

*Бутунбелоруссия Марказий Ижроия Қўмитаси раислари:* Александр Григорьевич Червяков (1922–1937); *Белоруссия Олий Совети Президиуми раислари:* Никифор Яковлевич Наталевич (1938–1948), Василий Иванович Козлов (1948–1967), Фёдор Анисимович Сурганов (1967–1968; 1971 йил 13 июнь–16 июль; 1971–1976; в.б.), Сергей Осипович Притицкий (1968–1971), Владимир Елисеевич Лобанок (1976–1977; в.б.), Иван Евтеевич Поляков (1977 – 1985), Георгий Станиславович Таразевич (1985–1989), Николай Иванович Дементей (1989–1990);



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Белоруссия Олий Совети раислари:* Николай Иванович Дементей (1990 – 1991), Станислав Станиславович Шушкевич (1991 йил 25 август – 18 сентябрь).

**1919 йил 15 январь** – Германияда Коммунистик партия раҳбарлари Роза Люксембург ва Карл Либкнехт ўлдирилди. Германияда «Спартак» гуруҳи қўзғолони бостирилди.

**1919 йил 18 январь – 1920 йил 21 январь** – Париж тинчлик конференцияси бўлди. Тинчлик конференцияси ишида 27 мамлакатдан мингдан ортиқ делегат иштирок этди. Аммо амалда барча асосий масалалар беш давлат томонидан ҳал қилинди: АҚШ (Президент Вудро Вильсон), Англия (премьер-министр Дэвид Ллойд-Жорж), Франция (премьер-министр Жорж Клемансо), Италия (премьер-министр Витторио Орландо), Япония (барон Макино). Конференция давомида Миллатлар Лигаси ташкил қилинди.

**1919 йил январь** – Париждаги Версаль саройида Антанта иттифоқиға кирган ғолиб мамлакатлар вакиллари урушга хулоса ясаш ва тинчлик шартномасини имзолаш учун тўпландилар.

**1919 йил 11 февраль – 1925 йил 28 февраль** – Германиянинг биринчи президенти Фридрих Эберт фаолият юритган давр.

*Германия президентлари (1919 – 1934):* Фридрих Эберт (1919 – 1925), Ганс Лютер (1925 йил 28 февраль – 12 март; вақтинча президент вазифасини бажарган), Вальтер Симонс (1925 йил 12 март – 12 май; в.б.), Пауль Гинденбург (1925 – 1934).

**1919 йил 19 март** – Бела Кун томонидан Венгрия Совет Республикаси эълон қилинди (республика 133 кун яшади).

**1919 йил 23 март** – Миланда Бенито Муссолини томонидан биринчи фашистлар «жанговар гуруҳи» ташкил қилинди.

**1919 йил март** – Москвада III Коммунистик Интернационал (Коминтерн) тузилди. У 1943 йилгача фаолият кўрсатди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1919 йил 15 апрель** – Россияда ГУЛАГ тизимидаги концентрацион меҳнат лагерлари барпо этила бошланди.

**1919 йил 30 апрель** – француз қўшинлари Севастополдан эвакуация қилинди.

**1919 йил 3 май–3 июнь** – афғон халқининг инглиз қўшинларига қарши озодлик кураши.

**1919 йил 19 май** – Таъсис мажлиси Эстония Республикаси тузилганлигини эълон қилди. (1940 йил июлда Эстония ҳудудига совет қўшинлари киритилди ва мустақил Эстония давлати тугатилди.)

*Эстония Республикаси президенти*: Константин Пятс (1938 йил 24 апрель–1940 йил 21 июнь).

**1919 йил 22 май** – Польша қўшинлари Ригани ишғол қилди.

**1919 йил 28 май** – турк халқининг Англия–Греция босқинига қарши озодлик кураши бошланди.

**1919 йил май–1922 йил сентябрь** – грек-турк уруши. Измирга грек қўшинлари туширилгандан сўнг Кичик Осиёдаги ҳудуд Туркия билан Греция ўртасидаги шиддатли уруш майдонига айланди. Уруш грек қўшинларининг тўлиқ мағлубияти билан тугалланди. Анатолияда Мустафо Камол босқинчиларга қарши курашни ташкил қилди ва Туркияни бўлиб ташлашга қарши чиқди.

**1919 йил 28 июнь** – Германия ва унинг иттифоқчилари билан голиб давлатлар ўртасида Версаль шартномаси имзоланди. Эльзас ва Лотарингия Францияга қайтарилди. Германияга катта контрибуция солинди.

**1919 йил 1 август** – Венгрия Совет Республикаси контр-адмирал Хорти томонидан тугатилди.

**1919 йил 8 август** – Англия ва Афғонистон ўртасида сулҳ битими имзоланди.

**1919 йил 11 август** – Германияда Веймар республикаси конституцияси қабул қилинди.

**1919 йил 10 сентябрь** – Париж яқинидаги Сен-Жермен саройида Австрия билан шартномага қўл қўйилди. Унда собиқ Австрия-Венгрия империяси йўқ бўлганлиги, Австрия ҳудуди ўзгарганлиги қайд этилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1919 йил** – Финляндия республика деб эълон қилинди ва президентлик лавозими жорий этилди.

*Финляндия Республикаси президентлари:* Каарло Юхо Стольберг (1919–1925), Лаури Реландер (1925–1931), Пер Эвинд Свинхувуд (1931–1937), Кюёсти Каллио (1937–1940), Ристо Рюти (1940–1944), Гюстаф Маннергейм (1944–1946), Юхо Кусти Паасикиви (1946–1956), Урхо Кекконен (1956–1982), Мауно Койвисто (1982–1994), Мартти Ахтисаари (1994–2000), Тарья Халонен хоним (2000 йилдан).

**1919 йил** – Мисрда оммавий намойишлар бошланди.

**1919 йил** – Испанияда черков назорати ва раҳбарлиги остида Католик аграр федерацияси ташкил этилди.

**1919 йил** – социалистлар бошлиғи Фридрих Эберт Германия Веймар республикаси президенти қилиб сайланди. Веймар республикасининг биринчи ҳукуматини Филипп Шейдемон бошқарди.

**1919 йил** – Германия ишчи партияси Мюнхень шаҳрида вужудга келди. Адольф Гитлер ҳам унга аъзо бўлиб кирди. Бу партия 1920 йил октябрида Германия национал-социалистик ишчи партияси (ГНСИП) деб номланди. Ўша йили партия раҳбари Хорст Вессел ўлдирилгач, унинг ўрнини Адольф Гитлер эгаллади.

**1919 йил** – Миллатлар Лигаси ташкил қилинди. У халқларнинг тинчлик ва хавфсизлик йўлидаги ҳамкорлигини амалга оширувчи халқаро ташкилот бўлиб қолди. Миллатлар Лигасининг штаб-квартираси Швейцария давлатида жойлашган эди. Бу ташкилот 1946 йил декабрда расман тарқатиб юборилди.

**1919 йил** – Францияда Миллий блок ҳукумати (Александр Мильеран) ташкил топди ва большевиклар Россиясига қарши курашди.

**1919 йил** – Гринвич меридиани (Англия) бўйича Бутундунё вақти қабул қилинди.

**1919–1920 йиллар** – Италия тарихига «қизил икки йиллик» сифатида кирди. Касаба уюшмалари раҳбарлигида бу



www.ziyouz.com kutubxonasi

йилларда мисли кўрилмаган миқёсда иш ташлашлар, нарх-навонинг ошишига қарши оммавий чиқишлар бўлди.

**1919–1921 йиллар** – Руминияда сиёсий ва миллий қарама-қаршиликлар натижасида деҳқонлар қўзғолонлари авж олди.

**1919–1922 йиллар** – Африкадаги немис мустамлакаларини Биринчи жаҳон урушида ғолиб чиққан давлатлар ўзаро тақсимлаб олдилар.

**1919–1933 йиллар** – Германияда Веймар республикаси фаолият кўрсатди.

**1919–1933 йиллар** – Францияда 27 марта ҳукумат ўзгарди.

**1919–1935 йиллар** – АҚШнинг ҳукмрон доиралари Лотин Америкаси ва Осиёдаги турли мамлакатларга миллий-озодлик ҳаракатларини бостириш учун бир неча марта қўшин юбордилар. Америка денгиз пиёдалари Панама (1919, 1921), Гондурас (1919, 1924–1925), Хитой (1920, 1924–1925), Коста-Рика (1921)га туширилди.

**1920 йил 16 январь** – Антанта давлатлари Россияни қамал қилишни тўхтатди.

**1920 йил 1 февраль** – қизил армия Хива хонлигини тугатди. Ёш хиваликлар партияси ҳокимият тепасига келди.

**1920 йил 24 февраль** – фашистлар партияси тарафдорларининг биринчи оммавий намойиши бўлди.

**1920 йил 1 март** – Венгрияда фашистлар диктатураси ўрнатилди.

**1920 йил 25 апрель** – совет Россияси ва Польша ўртасидаги уруш бошланди. Поляк қўшинлари Украина чегарасидан ўтди.

**1920 йил 26 апрель** – Хоразм Халқ Совет Республикаси ташкил топганлиги эълон қилинди.

**1920–1924 йиллар** – Хоразм Халқ Совет Республикаси фаолият кўрсатди.

*Хоразм Муваққат инқилобий қўмита (ревком) раиси:* Мулла Жуманиёз Султонмуродов (1920 йил 2 февраль–8 апрель). *Хоразм Муваққат инқилобий ҳукумати*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*раиси:* Мулла Жуманиёз Султонмуродов (1920 йил 9–26 апрель).

*Хоразм Халқ Совет Республикаси (ХХСР) Халқ Нозирлар Шўроси раислари (1920–1924):* Полвонниёз Юсупов (1920 йил апрель–1921 йил март), Менглихўжа Ибниёминов (1921 йил май–ноябрь), Абдулла Абдураҳмонхўжаев (1921 йил ноябрь–1922 йил июль), Бобожон Отажонов (1922 йил июль–1923 йил октябрь), Бекжон Назаров (1924 йил март – август), Саъдуллахўжа Турсунхўжаев (1924 йил август–ноябрь).

*Бутун Хоразм Марказий Ижроия Қўмитаси раислари (1921–1924):* Муҳаммадрайим Оллоберганов (1921 йил май–сентябрь), Отамахсум Охун Муҳаммадрахимов (1921 йил сентябрь–ноябрь), Янгибой Муродов (1921 йил ноябрь – ?), Абдулла Ҳожиев (Абдуллахўжа Муҳаммадниёз ўғли; 1922 йил июль–1923 йил октябрь), Карим Сапаев (1923 йил октябрь – ?), Султонқори Жуманиёзов (1924 йил март–август), Нодирбой Айтақов (1924 йил август–ноябрь).

**1920 йил 28 апрель** – Озарбайжонда зўравонлик билан совет ҳокимияти ўрнатилди ва Озарбайжон ССР (ОзССР) ташкил топди. (1922–1936 йилларда Озарбайжон ССР Закавказье Федерацияси, 1936–1991 йилларда эса бевосита СССР давлати таркибида бўлган.)

*Озарбайжон ССР Халқ Комиссарлари Советининг раислари:* Нариман Нариманов (1920 йил 28 апрель–1922 йил 6 май), Газанфар Мусабеков (1922 йил 6 май–1930 йил 14 март), Дадаш Буниатзаде (1930 йил 14 март–1932 йил 23 октябрь), Мир Жафар Багиров (1932 йил 23 октябрь–1933 йил 12 декабрь), Усейн Рахманов (1933 йил 12 декабрь–1937 йил 22 август), Теймур Кулиев (1937 йил 13 ноябрь–1946 йил 28 март); *Озарбайжон ССР Министрлар Советининг раислари:* Теймур Кулиев (1946 йил 28 март–1953 йил 6 апрель; 1953 йил 20 июль–1954 йил 1 март), Мир Джафар Багиров (1953 йил 6 апрель–20 июль), Садиг Рагимов (1954 йил 1 март–1958 йил 8 июль), Вели Ахундов (1958 йил 8 июль–1959 йил 10 июль), Мамед Искандеров (1959



www.ziyouz.com kutubxonasi

йил 10 июль – 1961 йил 29 декабрь), Энвер Алиханов (1961 йил 29 декабрь – 1970 йил 10 апрель), Али Ибрагимов (1970 йил 10 апрель – 1981 йил 22 январь), Гасан Сеидов (1981 йил 22 январь – 1989 йил 27 январь), Аяз Муталибов (1989 йил 27 январь – 1990 йил 26 январь), Гасан Гасанов (1990 йил 26 январь – 1991 йил 7 февраль).

*Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети Президиуми раислари:* Мирза Давуд Гусейнов (1920 йил 28 апрель – 23 июль), Виктор Иванович Нанейшвили (1920 йил 23 июль – 9 сентябрь), Елена Дмитриевна Стасова (1920 йил 9 – 15 сентябрь), Владимир Елизбарович Думбадзе (1920 йил 15 сентябрь – 24 октябрь).

*Озарбайжон Компартияси Марказий Комитети биринчи котиблари:* Григорий Наумович Каминский (1920 – 1921), Сергей Миронович Киров (1921 – 1925), Рухулла Ахундов (1925 – 1926), Левон Исаевич Мирзоян (1926 – 1929), Николай Фёдорович Гикало (1929 – 1930), Владимир Иванович Полонский (1930 – 1933), Рубен Гукасович Рубенов (1933 йил февраль – декабрь), Мир Жафар Багиров (1933 – 1953), Мир Теймур Якубов (1953 – 1954), Имам Мустафаев (1954 – 1959), Вели Ахундов (1959 – 1969), Гейдар Алиев (1969 – 1982), Кямран Багиров (1982 – 1988), Абдул-Рахман Везиров (1988 – 1990), Аяз Муталибов (1990 – 1991).

*Озарбайжон Олий Совети Президиуми раислари:* Мир Башир Фаттах ўғли Касумов (1938 – 1949), Назар Гейдар ўгли Гейдаров (1949 – 1954), Мирза Аджар ўғли Ибрагимов (1954 – 1958), Ильяс Керим ўғли Абдуллаев (1958 – 1959), Сафтар Мамед ўгли Жафаров (1959 – 1961), Мамед Абдул ўғли Искендеров (1961 – 1969), Курбан Али ўғли Халилов (1969 – 1985), Сулейман Байрам ўғли Татлиев (1985 – 1989), Эльмира Микаил қизи Кафарова (1989 – 1990); *Озарбайжон Олий Совети раиси:* Эльмира Микаил Кафарова қизи (1990 – 1992).

**1920 йил 16 май** – Истанбул Антанта қўшинлари томонидан босиб олинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1920 йил 14 июнь** – Венгрия Трианон шартномаси (Версаль шартномасининг бир қисми)ни имзолади.

**1920 йил 10 август** – Париж яқинидаги Севр шаҳарчасида ғолиб давлатлар Туркия билан Севр тинчлик шартномасини имзолади.

**1920 йил 26 август** – Қозоғистон АССР (РСФСР таркибида) ташкил топган.

**1920 йил 2 сентябрь** – Бухоро амирлиги қизил армия томонидан босиб олинди. Ёш бухороликлар партияси ҳокимият тепасига келди.

**1920 йил 28 сентябрь –2/3 декабрь** – Туркия–Арманистон уруши бўлиб, унда Туркия ғалаба қозонди. Александрополь шаҳрида тинчлик шартномаси имзоланди.

**1920 йил 6–8 октябрь** – Бухоро Халқ Совет Республикаси ташкил топганлиғи эълон қилинди.

**1920–1924 йиллар** – Бухоро Халқ Совет Республикаси фаолият кўрсатди.

*Бухоро Халқ Совет Республикаси (БХСР) Халқ Нозирлар Шўроси раиси:* Файзулла Хўжаев (1920 йил август–1924 йил ноябрь).

*Бухоро Инқилобий Қўмитаси (ревком) раиси:* Аҳмаджон Абусаидов (1920 йил август–сентябрь). *Бутун Бухоро Инқилобий Қўмитаси (Марказий ревком) раиси:* Абдулкодир Муҳитдинов (1920 йил сентябрь–1921 йил сентябрь).

*Бутун Бухоро Марказий Ижроия Қўмитаси раислари (1921–1924):* Усмон Хўжа (Усмонхўжа Пўлатхўжаев; 1921 йил сентябрь–1922 йил январь), Порсо Хўжаев (1922 йил август–1924 йил ноябрь).

**1920 йил 29 ноябрь** – Арманистонда зўравонлик билан совет ҳокимияти ўрнатилди ва Арманистон ССР (АрмССР) ташкил топди. (1922–1936 йилларда Арманистон ССР Закавказье Федерацияси, 1936–1991 йилларда эса бевосита СССР давлати таркибида бўлган.)

*Арманистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг раислари:* Александр Федорович Мясникян (1921–1922), Сергей Лукьянович Лукашин (1922–1925), Саркис Саакович Амбар-



www.ziyouz.com kutubxonasi

цумян (1925 – 1928; 1937 йил), Саак Мирзоевич Тер-Габриэлян (1928 – 1935), Арам Арамович Гулоян (1935 – 1937), Арам Сергеевич Пирузян (1937 – 1945), Агаси Соломонович Саркисян (1945 – 1947); *Арманистон ССР Министрлар Советининг раислари:* Саак Карапетович Карапетян (1947 – 1952), Антон Ервандович Кочинян (1952 – 1966), Бадал Амаякович Мурадян (1966 – 1972), Григорий Агафонович Арзуманян (1972 – 1976), Фадей Тачатович Саркисян (1977 – 1989), Владимир Суренович Маркарьянц (1989 – 1990), Вазген Микаэлович Манукян (1990 – 1991).

*Арманистон Компартияси Марказий Комитети биринчи котиблари:* Сергей Лукьянович Лукашин (1921 – 1922), Ашот Гарегинович Ованесян (1922 – 1927), Гаик Александрович Осепян (1927 – 1928), Айказ Аркадьевич Костанян (1928 – 1930), Агаси Гевондович Ханджян (1930 – 1936), Аматуни Семенович Вартапетян (1936 – 1937), Григорий Артемьевич Арутинов (1937 – 1953), Сурен Акопович Товмасян (1953 – 1960), Яков Никитович Заробян (1960 – 1966), Антон Ервандович Кочинян (1966 – 1974), Карен Серобович Демирчян (1974 – 1988), Сурен Гургенович Арутюнян (1988 – 1990), Владимир Мигранович Мовсесян (1990), Степан Карапетович Погосян (1990 – 1991), Арам Гаспарович Саркисян (1991).

*Арманистон Марказий Ижроия Қўмитаси раислари:* Саркис Саакович Амбарцумян 1922 – 1925), Арташес Баласиевич Каринян (1925 – 1928), Армен Артемович Ананян (1930 – 1933), Серго Николаевич Мартикян (1933 – 1936), Геворг Сарибекович Анесоглян (1936 – 1937); *Арманистон Олий Совети Президиуми раислари:* Мацак Петросович Папян (1937 – 1938; 1938 – 1954), Хачик Мисакович Акопжанян (1938), Шмавон Минасович Арушанян (1954 – 1963), Нагуш Хачатурович Арутюнян (1963 – 1975), Бабкен Есаевич Саркисов (1975 – 1985), Грант Мушегович Восканян (1985 – 1990), Левон Акопович Тер-Петросян (1990 – 1991).

**1920 йил 30 ноябрь** – Арманистонда совет ҳокимияти ўрнатилди. Мустақил Арманистон Республикаси тугатилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1920 йил ноябрь** – генерал Врангель қўмондонлигидаги сўнгги оқ гвардия қисмлари Қримни тарк этди. Россиядаги фуқаролар урушининг уч йиллик тарихига якун ясалди.

**1920 йил 29 декабрь** – Россияда ГОЭЛРО режаси (электрлаштириш дастури) қабул қилинди.

**1920 йил 29 декабрь** – Франция Коммунистик партияси (ФКП) тузилганлиги эълон қилинди. У XX асрнинг 20 – 30-йилларида сўл кучларнинг демократия, тинчлик ва ижтимоий адолат учун курашига бошчилик қилди.

**1920 йил** – АҚШда бутун дунёда ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулотнинг 47% и яратилди.

**1920 йил** – «Учинчи рейх» ибораси биринчи марта немис байналмилалчи-ёзувчиси Меллер ван дер Брук томонидан қўлланди.

**1920 йил** – мустақил Чехословакия давлати ташкил топди. Чехословакияда демократик конституция қабул қилинди.

**1920 йил** – Ирландияда фуқаролар уруши. Бу уруш Шин фейн партияси миллатчилари ва Ирландия миллий армияси билан британ ҳокимияти ўртасида бўлиб ўтди.

**1920 йил** – совет Россияси Болтиқ бўйи давлатлари (Эстония, Литва, Латвия) мустақиллигини тан олди.

**1920 йил** – Антверпен (Бельгия)да шайбали хоккей бўйича биринчи жаҳон чемпионати ўтказилиб, унда шайбали хоккей ватани – Канада терма жамоаси ғолиб чиқди. 2010 йил май ойида Германияда ўтказилган 74-жаҳон чемпионатида эса Чехия терма жамоаси зафар кучди. 1920–2010 йилларда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатларида СССР/Россия 25 марта, Канада 24 марта, Чехословакия/Чехия 12 марта, Швеция 8 марта шайбали хоккей бўйича жаҳон чемпиони бўлишди.

**1920–1921 йиллар** – Совет–Польша уруши. Совет қўшинлари дастлаб Польша ҳудудига кириб борса ҳам, бу урушда совет Россияси енгилди.

**1920–1924 йиллар** – Францияда Александр Мильераннинг президентлик даври.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1921 йил 25 февраль** – Грузияда совет ҳокимияти зўравонлик билан ўрнатилди ва Грузия ССР (ГрузССР) ташкил топди. Грузия Демократик Республикаси тугатилди. (1922 – 1936 йилларда Грузия ССР Закавказье Федерацияси, 1936 – 1991 йилларда эса бевосита СССР давлати таркибига кирган.)

*Грузия ССР Халқ Комиссарлари Советининг раислари:* Поликарп Мдивани (1922 йил 7 март – апрель), Сергей Кавтарадзе (1922 – 1923), Шалва Элиава (1923 – 1927), Лаврентий Картвелишвили (1927 – 1929), Филипп Махарадзе (1929 – 1931), Леван Сухишвили (1931 йил январь – сентябрь), Герман Мгалоблишвили (1931 – 1937), Валериан Бакрадзе (1937 – 1946);

*Грузия ССР Министрлар Советининг раислари:* Валериан Бакрадзе (1946 йил 9 апрель – декабрь; 1953 йил 16 апрель – 20 сентябрь), Захарий Чхубианишвили (1946 – 1952), Захарий Кецховели (1952 – 1953), Гиви Джавахишвили (1953 – 1975), Зураб Патаридзе (1975 – 1982), Дмитрий Картвелишвили (1982 – 1986), Отар Черкезия (1986 - 1989), Зураб Чхеидзе (1989 йил 29 март – 14 апрель), Нодар Читанава (1989 – 1990), Тенгиз Ипполитович Сигуа (1990 – 1991).

*Грузия Компартияси Марказий Комитети биринчи котиблари:* Виссарион Виссарионович Ломинадзе (1922 – 1924), Кахиани (1924 – 1930), Гогоберидзе (1930), Мамулия (1930 – 1931), Лаврентий Картвелишвили (1931), Лаврентий Павлович Берия (1931 – 1938), Чарквиани (1938 – 1952), Мгеладзе (1952 – 1953), Мирцхулава (1953), Василий Павлович Мжаванадзе (1953 – 1972), Эдуард Амбросиевич Шеварднадзе (1972 – 1985), Патиашвили (1985 – 1989), Гиви Григорьевич Гумбаридзе (1989 – 1990), Маргиани (1990 – 1991), Микеладзе (1991).

*Грузия ССР Олий Совети Президиуми раислари:* Филипп Иесеевич Махарадзе (1938 – 1941), Георгий Фёдорович Стуруа (1942 – 1948), Василий Барнабович Гогуа (1948– 1952), Захарий Николаевич Чхубианишвили (1952– 1953), Владимир Гедеванович Цховребашвили (1953 йил апрель –



www.ziyouz.com kutubxonasi

октябрь), Мирон Дмитриевич Чубинидзе (1953–1959), Георгий Самсонович Дзоценидзе (1959–1976), Павел Георгиевич Гилашвили (1976–1989), Отар Евтихиевич Черкезия (1989 йил март–ноябрь), Гиви Григорьевич Гумбаридзе (1989–1990); *Грузия Олий Совети раислари:* Звиад Константинович Гамсахурдия (1990–1991), Акакий Торникович Асатиани (1991–1992).

**1921 йил 6 март** – Москвада дўстлик ва биродарлик ҳақида совет-турк шартномаси имзоланди. Совет ҳукумати Севр шартномасини тан олишдан бош тортди ва Туркияга 10 млн. рубль олтин миқдорида ёрдам берди.

**1921 йил 18 март** – Кронштадтда матрослар қўзғолон кўтарди. У қизил армия қўшинлари томонидан бостирилди.

**1921 йил 18 март** – Совет Россияси ва Польша ўртасида урушни тўхтатиш тўғрисидаги битим Рига шаҳрида имзоланди.

**1921 йил март** – Россияда янги иқтисодий сиёсат (НЭП) га ўтилди.

**1921 йил 3 август** – Италия социалистик партияси ва Умумий меҳнат конфедерацияси фашист раҳбарияти билан «тотувлик пакти»ни имзолади. Бу пактга кўра, иккала томон ҳам бир-бирини танқид қилишдан воз кечди. Фашистлар ишчи ташкилотларининг қўллаб-қувватлаши туфайли етакчи сиёсий кучга айланди.

**1921 йил 5 октябрь** – Лихтенштейн князлигининг амалдаги конституцияси кучга кирган. Лихтенштейн князлиги расмий жиҳатдан мустақил давлатга айланди. Давлат бошлиғи – князь (1990 йилдан князь Ханс Адам II фон Лихтенштейн). Ижроия ҳокимиятни ҳукумат амалга оширади.

*Лихтенштейн князлиги премьер-министрлари:* Йозеф Оспельт (1921–1922), Густав Штедлер (1922–1928), Йозеф Хооп (1928–1945), Александр Фрик (1945–1962), Герард Батлинер (1962–1970), Альфред Хильбе (1970–1974), Вальтер Кибер (1974–1978), Ханс Брунхарт (1978–1993), Маркус Бюхель (1993 йил май–декабрь), Марио Фрик



www.ziyouz.com kutubxonasi

(1993–2001), Отмар Хаслер (2001–2009), Клаус Чючер (2009 йил 25 мартдан).

**1921 йил 12 октябрь** – Украина ва Польша ўртасида Рига сулҳ шартномаси тузилди.

**1921 йил 20 октябрь** – Анқарада Франция ва Туркия ўртасидаги уруш ҳолатини тўхтатиш тўғрисидаги битим имзоланди.

**1921 йил 12 ноябрь – 1922 йил 6 февраль** – АҚШ ташаббуси билан Вашингтонда конференция ўтказилди. Унда 9 давлат – АҚШ, Англия, Япония, Франция, Италия, Бельгия, Нидерландия, Португалия ва Хитой вакиллари иштирок этди.

**1921 йил** – Италия, Греция ва Серблар қироллиги ўртасидаги узоқ мунозаралардан сўнг Албания мустақиллиги ҳамда ҳудудий яхлитлиги ҳақида эълон қилиниб, бошқарув регентлик кенгашига берилди.

**1921 йил** – Россия Давлат банки ташкил топди.

**1921 йил** – Эронда ҳарбий тўнтариш; шоҳ Ризохон ҳокимиятга янги ҳукуматни олиб келди.

**1921 йил** – Афғонистон мустақиллиги тан олинди.

**1921 йил** – Шанхайда Хитой Коммунистик партияси тузилиб, у Гоминьданнинг иттифоқчисига айланди.

**1921 йил** – совет Россия давлати Эрон, Афғонистон, Туркия ва Монголия билан дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида битимлар тузди.

**1921 йил** – Адольф Гитлер национал-социалистлар (нацистлар) партияси раҳбарига айланди.

**1921 йил** – Ирландия эркин давлати эътироф этилди; шимол (Ольстер)даги протестантлар қўшма қироллик аҳолисининг бир қисмига айланди.

**1921 йил** – Буюк Британия Леванта мамлакатларини бошқаришни ишониб, ҳошимийлар амирлари Абдуллага Трансиорданияни, Фейсал I га Ироқ қироллигини топширди.

**1921 йил** – Испания Мароккосида Абдулкарим Риф республикасини эълон қилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1921 йил** – Монголияда инқилоб натижасида халқ ҳокимияти ўрнатилди.

**1921 йил** – Украина ССР (УССР) тузилганлиги эълон қилинди. (1922–1991 йилларда Украина ССР СССР давлати таркибида бўлган.)

*Украина ССР Халқ Комиссарлари Советининг раислари:* Георгий Леонидович Пятаков (1919), Христиан Георгиевич Раковский (1919; 1920–1923), Григорий Иванович Петровский (1919–1920), Влас Яковлевич Чубарь (1923–1934), Панас Петрович Любченко (1934), Михаил Ильич Бондаренко (1937), Николай Макарович Марчак (1937–1938) в.б.; Демьян Сергеевич Коротченко (1938–1939), Леонид Романович Корниец (1939–1944), Никита Сергеевич Хрушчёв (1944–1946);

*Украина ССР Министрлар Советининг раислари:* Никита Сергеевич Хрушчёв (1946–1947), Демьян Сергеевич Коротченко (1947–1954), Никифор Тимофеевич Кальченко (1954–1961), Владимир Васильевич Шербицкий (1961–1963; 1965–1972), Иван Павлович Казанец (1963–1965), Александр Павлович Ляшко (1972–1987), Виталий Андреевич Масол (1987–1990), Витольд Павлович Фокин (1990–1991).

*Украина Компартияси Марказий Комитети биринчи котиблари:* Вячеслав Михайлович Молотов (1920–1921), Дмитрий Захарович Мануильский (1921–1923), Эммануил Ионович Квиринг (1923–1925), Лазарь Моисеевич Каганович (1925–1928; 1947), Станислав Викентьевич Косиор (1928–1938), Никита Сергеевич Хрушчёв (1938–1947; 1947–1949), Леонид Георгиевич Мельников (1949–1953), Алексей Илларионович Кириченко (1953–1957), Николай Викторович Подгорный (1957–1963), Пётр Ефимович Шелест (1963–1972), Владимир Васильевич Шербицкий (1972–1989), Владимир Антонович Ивашко (1989–1990), Станислав Иванович Гуренко (1990–1991).

*Бутунукраина Марказий Ижроия Қўмитаси раислари:* Фёдор Андреевич Сергеев (1919), Григорий Иванович Петровский (1919–1938), Леонид Романович Корниец (1938);



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Украина Олий Совети Президиуми раислари:* Леонид Романович Корниец (1938–1939), Михаил Сергеевич Гречуха (1939–1954), Демьян Сергеевич Коротченко (1954–1969), Александр Павлович Ляшко (1969–1972), Иван Самойлович Грушецкий (1972–1976), Алексей Федосеевич Ватченко (1976–1984), Валентина Семёновна Шевченко (1984–1990);

*Украина Олий Совети раислари:* Владимир Антонович Ивашко (1990 йил 4 июнь–9 июль), Иван Степанович Плюшч (1990 йил 9–23 июль; в.б.), Леонид Макарович Кравчук (1990–1991).

**1921–1924 йиллар** – Риф Республикаси Испанияга қарши уруш олиб борди.

**1921–1927 йиллар** – Руминияда национал-либераллар ҳокимият тепасида турди. Партия йўлбошчиси Ион Константин Братиану икки марта Бош вазир (1921 ва 1927 йилларда) бўлди.

**1921–1934 йиллар** – Александр I Карагеоргиевич серблар, хорватлар ва словенлар қироли (1929 йилдан Югославия қироли).

**1921–1948 йиллар** – Уильям Лайон Маккензи 27 йил давомида Канаданинг узлуксиз Бош вазири бўлди.

**1922 йил 1 февраль** – Шандунни Хитойга қайтариш тўғрисидаги Япония–Хитой битими.

**1922 йил 1 февраль** – Америка қўшинлари Кубадан олиб чиқиб кетилди.

**1922 йил 3 апрель** – РКП(б) Марказий Комитети Бош котиби лавозими таъсис этилиб, Иосиф Виссарионович Сталин (Жугашвили) бу лавозимга сайланди. (Умрининг охиригача–1953 йил 5 мартгача у большевиклар партияси ва совет ҳукуматига раҳбарлик қилди.)

**1922 йил апрель–май** – Генуя конференцияси. РСФСР нинг Европада расман тан олина бошланиши.

**1922 йил 9 сентябрь** – Муддания яқинидаги жангда грек қўшинлари тор-мор этилди ва Мустафо Камол Пошо бошчилигидаги турк қўшинлари Измирга кирди. Анатолиядан греклар қувиб чиқарилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1922 йил 11 октябрь** – турк ва греклар ўртасида Мудданиясулҳи тузилди.

**1922 йил 25 октябрь** – Владивосток япон босқинчиларидан озод қилинди.

**1922 йил 28 октябрь** – Италияда фашистлар диктатураси ўрнатилди.

**1922 йил 21 ноябрь** – Туркияда султонлик тугатилди. Собиқ султон Абдулмажид II фақат халифалик титулини ўзида сақлаб қолди (1924 йил 3 мартда халифалик ҳам тугатилди).

**1922 йил 23 ноябрь** – Италияда қирол Виктор Эммануил III ва парламент Бенито Муссолини (дуче)га чекланмаган ҳокимиятни топширди. Энди у вазифаларга тайинлаш тартибини ҳам белгилар эди. Шундан кейин барча амалдорлар ва давлат хизматчилари фашист партияси аъзолари бўлиши ёки партия раҳбарлари розилиги билан тайинланиши зарурлиги белгилаб қўйилди.

**1922 йил 30 декабрь** – Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи (СССР) ташкил топди. Унинг таркибига РСФСР (Россия), Украина ССР, Белоруссия ССР ва Закавказье Федерацияси (ЗСФСР) киритилди. СССР Халқ Комиссарлари Совети раиси лавозимини Владимир Ильич Ленин эгаллади. СССР Марказий Ижроия Қўмитаси раислари қилиб Михаил Иванович Калинин (РСФСР), Григорий Иванович Петровский (Украина ССР), Александр Григорьевич Червяков (Белоруссия ССР), Наримон Наримонович Наримонов (ЗСФСР) сайланди.

*СССР давлат, партия ва ҳукумат раҳбарлари (1922 йил 30 декабрь – 1991 йил 25 декабрь):*

*Партия раҳбарлари:*

*Россиядаги социал-демократик ва Коммунистик партия раҳбарлари:* Георгий Валентинович Плеханов (1898 – 1917) ва Владимир Ильич Ленин (норасмий тарзда: 1903 – 1922 йиллар).

*РКП(б) Марказий Комитети (1925 йил декабрдан ВКП(б) МК; 1952 йил октябрдан КПСС МК) Бош котиби:*



www.ziyouz.com kutubxonasi

Иосиф Виссарионович Сталин (Жугашвили) (1922 йил 3 апрель – 1953 йил 5 март); *КПСС Марказий Комитети Биринчи котиблари:* Никита Сергеевич Хрушчёв (1953 йил 3 сентябрь – 1964 йил 14 октябрь), Леонид Ильич Брежнев (1964 йил 14 октябрь – 1966 йил март); *КПСС Марказий Комитети Бош котиблари:* Леонид Ильич Брежнев (1966 йил 8 апрель – 1982 йил 10 ноябрь); Юрий Владимирович Андропов (1982 йил 12 ноябрь – 1984 йил 9 февраль), Константин Устинович Черненко (1984 йил 13 февраль – 1985 йил 10 март), Михаил Сергеевич Горбачёв (1985 йил 11 март – 1991 йил 25 август).

*Давлат раҳбарлари:*

*СССР Марказий Ижроия Қўмитаси (СССР ЦИК) раислари (1922 – 1938):* Михаил Иванович Калинин (РСФСР номидан; 1922 йил 30 декабрь – 1938 йил 17 январь); Григорий Иванович Петровский (Украина ССР номидан; 1922 йил 30 декабрь – 1938 йил 17 январь); Наримон Наримонов (ЗСФСР номидан; 1922 йил 30 декабрь – 1925 йил 19 март), Газанфара Мусабеков (ЗСФСР номидан; 1925 йил 21 май – 1937 йил июнь); Александр Григорьевич Червяков (Белоруссия ССР номидан; 1922 йил 30 декабрь – 1937 йил 16 июнь); Файзулла Хўжаев (Ўзбекистон ССР номидан; 1925 йил 21 май – 1937 йил 17 июнь); Нодирбой Айтақов (Туркманистон ССР номидан; 1925 йил 21 май – 1937 йил 21 июль); Нусратулла Махсум (Тожикистон ССР номидан; 1931 йил 18 март – 1934 йил 4 январь), Абдулла Раҳимович Раҳимбоев (Тожикистон ССР номидан; 1934 йил 4 январь – 1937 йил сентябрь).

*СССР Олий Совети Президиуми раислари (1938 – 1989):* Михаил Иванович Калинин (1938 йил 17 январь – 1946 йил 19 март), Николай Михайлович Шверник (1946 йил 19 март – 1953 йил 15 март), Климент Ефремович Ворошилов (1953 йил 15 март – 1960 йил 7 май), Леонид Ильич Брежнев (1960 йил 7 май – 1964 йил 15 июль; 1977 йил 16 июнь – 1982 йил 10 ноябрь), Анастас Иванович Микоян (1964 йил 15 июль – 1965 йил 9 декабрь), Николай Викторович Подгорний (1965 йил 9 декабрь – 1977 йил 16 июнь),



www.ziyouz.com kutubxonasi

Юрий Владимирович Андропов (1983 йил 16 июнь–1984 йил 9 февраль), Константин Устинович Черненко (1984 йил 11 апрель – 1985 йил 10 март), Андрей Андреевич Громико (1985 йил 2 июль–1988 йил 1 октябрь), Михаил Сергеевич Горбачёв (1988 йил 1 октябрь–1989 йил 25 май).

*СССР Олий Совети раислари (1989–1991):* Михаил Сергеевич Горбачёв (1989 йил 25 май–1990 йил 15 март), Анатолий Иванович Лукьянов (1990 йил 15 март–1991 йил 26 август).

*СССР Олий Совети Иттифоқ Совети раислари (1938–1991):* Андрей Андреевич Андреев (1938 йил 12 январь – 1946 йил 10 февраль), Андрей Александрович Жданов (1946 йил 12 март–1947 йил 25 февраль), Иван Андреевич Парфёнов (1947 йил 25 февраль–1950 йил 12 март), Михаил Алексеевич Яснов (1950 йил 12 июнь–1954 йил 14 март), Александр Петрович Волков (1954 йил 20 апрель–1956 йил 14 июль), Павел Павлович Лобанов (1956 йил 14 июль–1962 йил 18 март), Иван Васильевич Спиридонов (1962 йил 23 апрель–1970 йил 14 июнь), Александр Павлович Шитиков (1970 йил 14 июль–1984 йил 4 март), Лев Николаевич Толкунов (1984 йил 11 апрель–1988 йил 24 май), Юрий Николаевич Христораднов (1988 йил 24 май–1989 йил 26 март), Евгений Максимович Примаков (1989 йил 3 июнь–1990 йил 28 март), Иван Димитреевич Лаптев (1990 йил 3 апрель–1991 йил 28 октябрь), Константин Дмитриевич Лубенченко (1991 йил 28 октябрь–1991 йил 25 декабрь).

*СССР Олий Совети Миллатлар Совети раислари (1938–1991):* Николай Михайлович Шверник (1938 йил 12 январь–1946 йил 10 февраль), Василий Васильевич Кузнецов (1946 йил 12 март–1950 йил 12 март), Жумабой Шаяхметов (1950 йил 12 июнь–1954 йил 14 март), Вилис Тенисович Лацис (1954 йил 20 апрель–1958 йил 16 март), Ян Вольдемарович Пейве (1958 йил 27 март–1966 йил 12 июнь), Ян Вольдемарович Пейве (1958 йил 27 март–1966 йил 12 июнь), Юстас Игнович Палецкис (1966 йил 2 август – 1970 йил 14 июнь), Ёдгора Содиковна Насриддинова (1970 йил 14



www.ziyouz.com kutubxonasi

июль–1974 йил 16 июнь), Виталий Петрович Рубен (1974 йил 25 июль–1984 йил 4 март), Август Эдуардович Восс (1984 йил 11 апрель–1989 йил 26 март), Рафиқ Нишонович Нишонов (1989 йил 6 июнь–1991 йил 5 сентябрь).

*Республикалар Совети раиси:* Ануарбек Турлибекович Алимжонов (1991 йил 29 октябрь–25 декабрь).

*СССР Президенти:* Михаил Сергеевич Горбачёв (1990 йил 15 март–1991 йил 25 декабрь).

*СССР вице-президенти:* Геннадий Иванович Янаев (1990 йил 27 декабрь–1991 йил 22 август).

*СССР Президенти аппарати раҳбарлари (1990–1991):* Валерий Иванович Болдин (1990 йил 17 апрель–1991 йил 22 август), Григорий Иванович Ревенко (1991 йил 22 август – 1991 йил 25 декабрь).

*Ҳукумат раҳбарлари:*

*СССР Халқ Комиссарлари Совети (СНК СССР) раислари (1923–1946):* Владимир Ильич Ленин (Ульянов) (1922 йил 30 декабрь – 1923 йил 6 июль/1924 йил 21 январь), Алексей Иванович Риков (1924 йил 2 февраль–1930 йил 19 декабрь), Вячеслав Михайлович Молотов (1930 йил 19 декабрь–1941 йил 6 май), Иосиф Виссарионович Сталин (1941 йил 6 май–1946 йил 15 март).

*СССР Министрлар Совети раислари (1946–1990):* Иосиф Виссарионович Сталин (1946 йил 19 март–1953 йил 5 март), Георгий Максимилианович Маленков (1953 йил 5 март–1955 йил 8 февраль), Николай Александрович Булганин (1955 йил 8 февраль–1958 йил 27 март), Никита Сергеевич Хрушчёв (1958 йил 27 март–1964 йил 15 октябрь), Алексей Николаевич Косигин (1964 йил 15 октябрь–1980 йил 23 октябрь), Николай Александрович Тихонов (1980 йил 23 октябрь–1985 йил 27 сентябрь), Николай Иванович Рижков (1985 йил 27 сентябрь–1990 йил 26 декабрь).

*СССР Министрлар Кабинети (Премьер-министр):* Валентин Сергеевич Павлов (1991 йил 14 январь–22 август).

*СССР Халқ хўжалигини оператив бошқарувчи комитет раиси:* Иван Степанович Силаев (1991 йил 24 август–20 сентябрь).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*СССР Республикалари ўртасидаги иқтисодий комитет раиси:* Иван Степанович Силаев (1991 йил 20 сентябрь – 25 декабрь).

**1922 йил** – Германия билан Россия Генуя конференцияси пайтида дипломатик муносабатлар ўрнатиш ҳақида шартнома тузди. Бу аҳдлашув Рапалло шартномаси деб номланди.

**1922 йил** – АҚШда ишлаб чиқаришнинг ўсиши бошланди. Автомобилсозлик, самолётсозлик, радио, электротехника саноатлари жадал суръатларда ривожланди. Ўсиш янги техникавий асосда, энг янги техника ускуналари, конвейер тизими, стандартлаштириш, модернлаштириш усулларини кенг татбиқ этиш йўли билан амалга оширилди.

**1922 йил** – Бразилияда президент Бернардиснинг террористик диктатураси ўрнатилди.

**1922 йил** – Англия Мисрга чекланган «мустақиллик» беришга рози бўлди. Халқнинг кураши натижасида инглиз протекторати бекор қилиниб, Миср мустақил подшоҳлик деб эълон қилинди.

*Миср подшоҳлари:* Аҳмад Фауд I (1922 – 1936), Фарук (1936– 1952), Аҳмад Фауд II (1952 – 1953).

**1922 йил охири** – РСФСР Халқ Комиссарлари Совети раиси ва большевиклар йўлбошчиси Владимир Ильич Ленин оғир бетоблиги туфайли фаол сиёсий ҳаётдан четлашди. СССРда олий сиёсий ҳокимият учун Иосиф Виссарионович Сталин билан Лев Давидович Троцкий (Бронштейн, 1879 – 1940) ўртасида шиддатли кураш бошланди. Бу курашда Иосиф Виссарионович Сталин ғалаба қозонди.

**1922 – 1923 йиллар** – Ирландияда фуқаролар уруши даври.

**1922 – 1937 йиллар** – Арманистон, Грузия ва Озарбайжон кирган Закавказье Федерацияси фаолият кўрсатди (СССР таркибида).

**1922 – 1939 йиллар** – папа Пий XI нинг понтификатлик даври.

**1923 йил январь** – Франция ҳукумати (Раймон Пуанкаре) Германия Версаль конференцияси қарорларини ба-



www.ziyouz.com kutubxonasi

жармаётганлигини эълон қилди ва Рейн вилоятини босиб олди. Француз қўшини немис иқтисодиёти устидан назорат ўрнатиш ва Рур вилоятини Германиядан ажратиб олиш мақсадида бу вилоят ҳудудига кирди.

**1923 йил апрель** – Туркияда Мустафо Камол ташаббуси билан янги партия – Халқ партияси ташкил этилди.

**1923 йил 9 июнь** – Болгарияда Александр Стамболийский ҳукумати агдарилди, Стамболийскийнинг ўзи ўлдирилди, касаба уюшмалари ва ишчи ташкилотлари тарқатиб юборилди. Ҳокимият тепасига Александр Цанков (1879–1959)нинг фашистпараст ҳукумати келди.

**1923 йил 24 июль** – Лозаннада Шарқий Фракияни ва Кичик Осиёдаги ҳудудларни Туркияда қолдирган Лозанна тинчлик шартномаси имзоланди. Севр шартномаси бекор қилинди ва Туркия ҳозирги чегараларида шаклланди. Антанта давлатлари Туркия мустақиллигини тан олди.

**1923 йил 19 август** – Москвада қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик соҳасида биринчи СССР кўргазмаси очилди.

**1923 йил 13 сентябрь** – Испанияда давлат тўнтариши. Генерал Примо де Риверанинг ҳарбий-монархик диктатураси ўрнатилди. Қирол Альфонс XIII ҳукумат тузишни унга топширди.

**1923 йил 6 октябрь** – Истанбул Антанта босқинчиларидан озод қилинди.

**1923 йил 29 октябрь** – Туркия Республикаси [Туркэли Жумҳурияти] эълон қилинди. Мустафо Камол Туркия Республикасининг биринчи президенти этиб сайланди.

*Туркия Республикаси президентлари:* Мустафо Камол Отатурк (1923–1938), Исмет Иненю (1938–1950), Жалол Баяр (1950–1960), Жамол Гюрсел (1960–1966), Жавдат Сунай (1966–1973), Фаҳри Корутурк (1973–1980), Кенан Эврен (1982–1989), Турғут Ўзал (1989 –1993), Сулаймон Демирел (1993–2000), Ахмет Нежет Сезер (2000–2007), Абдулла Гул (2007 йилдан).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Туркия Республикаси Бош вазирлари:* Исмет Иненю (1923-1924; 1925-1937; 1961-1965), Али Фатхи Ўкёр (1924-1925), Жалол Баяр (1937-1939), Рефик Сайдам (1939-1942), Сюкрю Саражўғли (1942-1946), Мехмет Ражап Пекер (1946-1947), Ҳасан Сака (1947-1949), Шемшеттин Гюналтай (1949-1950), Аднан Мендерес (1950-1960), Жамол Гюрсель (1960-1961), Суат Хайри Ургюплю (1965 - 1965), Сулаймон Демирел (1965-1971; 1975-1977; 1977-1978; 1979-1980; 1991-1993), Нихат Эрим (1971-1972), Феррит Мелен (1972-1973), Наим Талу (1973-1974), Бюлент Эжевит (1974 йил 25 январь-17 ноябрь; 1977 йил 21 июнь-11 июль; 1978-1979; 1999-2002), Сади Ирмак (1974-1975), Бюлент Улусу (1980-1983), Турғут Ўзал (1983-1989), Йилдирим Оқбулут (1989-1991), Месут Йилмаз (1991 йил 23 июнь-20 ноябрь; 1996 йил 6 март - 28 июнь; 1997-1999), Эрдал Иненю (1993 йил 16 май-25 июнь; в.б.), Тансу Чиллер (1993-1996), Нажмеддин Эрбакон (1996-1997), Абдулла Гул (2002-2003), Ражап Тайип Эрдўғон (2003 йил 14 мартдан).

**1923-1938 йиллар** - Туркия Республикасида Мустафо Камол Отатуркнинг президентлик даври.

**1923 йил 8 ноябрь** - Мюнхендаги «пиво исёни». Гитлер фашистлар диктатурасини ўрнатишга уринди. У Бавария-да давлат тўнтариши қилишга ҳаракат қилди ва ҳукумат ағдарилганлигини эълон қилди. Бироқ Мюнхенда Гитлер томонидан амалга оширилган «пиво исёни» бостирилди ва у қамоққа олинди (Гитлер қамоқхонада «Майн кампф» - «Менинг курашим» асарини ёзди).

**1923 йил 23 декабрь** - Қирол Георг V Лейбористлар партияси раҳбари Рамсей Макдональдга Англия тарихида биринчи марта лейбористлар ҳукуматини тузишни топширди.

**1923 йил** - Краковда қўзғолон юз берди. Польшада санация (иқтисодиётни соғломлаштириш) тартиботи ўрнатилди.

**1924 йил 21 январь** - СССР Халқ Комиссарлари Совети раиси Владимир Ильич Ленин вафот этди. Бу лавозимга



www.ziyouz.com kutubxonasi

унинг биринчи ўринбосари Алексей Иванович Риков тайинланди.

**1924 йил** – Владимир Ильич Ленин вафотидан кейин СССРдаги ВКП(б) раҳбариятида икки бош гуруҳ юзага келди. Биринчиси – Троцкий (Лев Бронштейн; 1879 – 1940), иккинчисини эса, 1922 йилда партия Бош котиби қилиб тайинланиб, партия ва мамлакатда улкан ҳокимиятни қўлга киритган Сталин (Иосиф Жугашвили; 1879 – 1953) бошқарди.

**1924 йил январь** – Хитойнинг шимоли-шарқида Гоминдан ва Хитой Компартияси ҳамкорлиги асосида умуммиллий бирлашган инқилобий фронт тузилди.

**1924 йил 3 март** – Туркияда халифаликни бекор қилиш тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

**1924 йил 18 март** – СССР билан Англия, Италия, Норвегия, Австрия ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

**1924 йил 25 март** – Греция республика деб эълон қилинди.

*Грецияда биринчи республика даври президентлари (1827– 1832):* Иоанн Каподистрия (1827 – 1831), Августинос Каподистрия (1831 – 1832); *Грецияда иккинчи республика даври президентлари (1924 – 1935):* адмирал Павлос Кунтуриотис (1924 – 1926; 1926 йил август – декабрь), генерал Теодорос Пангалос (1926 йил март – август), Александрос Заимис (1929 – 1935). *Грецияда полковниклар режими президентлари (1973 – 1974):* полковник Георгиос Пападопулос (1973 йил 1 июнь – 25 ноябрь), генерал Федон Гизикис (1973 – 1974);

*Грецияда учинчи республика даври президентлари (1974 йилдан):* Михаил Стасинопулос (1974 – 1975), Константинос Цацос (1975 – 1980), Константинос Караманлис (1980 – 1985), Иоаннис Алеврас (1985 йил 10 – 30 март), Христос Сартдзетакис (1985 – 1990), Константинос Караманлис (1990 – 1995), Константинос Стефанопулос (1995 – 2005), Каролос Папульяс (2005 йил 12 мартдан).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Греция қироллигида Иккинчи жаҳон урушидан кейинги премьер-министрлар (1945–1967):* Николаос Пластирас (1945; 1951–1952), Петрос Вулгарис (1945), Фемистоклис Софулис (1945–1946; 1947–1949), Констандинос Цалдарис (1946–1947), Александрос Диомидис (1949–1950), Софоклис Венизелос (1950–1951), Александрос Папагос (1952–1955), Константинос Караманлис (1955–1963), Георгиос Папандреу (1963–1965), Стефанос Стефанопулос (1965–1966), Иоанис Параскевопулос (1966–1967), Панайотис Канелопулос (1967); *Грецияда ҳарбий хунта давридаги премьер-министрлар (1967–1974):* Констандинос Колиас (1967–1967), Георгиос Пападопулос (1967–1973), Спирос Маркезинис (1973–1973), Адамандиос Андруцопулос (1973–1974); *Грецияда учинчи республика давридаги премьер-министрлар (1974 йилдан):* Константинос Караманлис (1974–1980), Георгиос Раллис (1980–1981), Андреас Папандреу (1981–1989; 1993–1996), Ксенофон Золотас (1989–1990), Константинос Мицотакис (1990–1993), Константинос Симитис (1996–2004), Костас Караманлис (2004–2009), Георгиос Папандреу (2009 йил 6 октябрдан).

**1924 йил 20 апрель** – Туркия Республикаси Конституцияси қабул қилинди.

**1924 йил 29 октябрь** – Англияда парламентга янги сайловлар бўлиб ўтди. Унда консерваторлар ғалаба қозонди. Стэли Болдуин бошчилигида консерваторлар ҳукумати тузилди.

**1924 йил 26 ноябрь** – Монголия Халқ Республикаси ташкил топганлиги эълон қилинди. [1992 йилдан мамлакат Монголия деб атала бошланди.]

*Монголия Буюк Давлат Хурали раислари:* Навандоржийн Жадамба (1924 йил 28–29 ноябрь), Пэлжидийн Гэндэн (1924–1927), Жамцангийн Дамдинсурэн (1927–1929), Хорлогийн Чойбалсан (1929–1930), Лосолин Лааган (1930 – 1932), Анандин Амар (1932–1936), Дансрабилэгийн Догсом (1936–1939), (1939–1940), Гончигийн Бумцэнд (1940 – 1953); *Монголия Буюк Давлат Хурали Президиуми раислари:*



www.ziyouz.com kutubxonasi

Сухбатарийн Янджмаа (1953 – 1954), Джамцарагийн Самбу (1954 – 1972), Сономин Лувсан (1972 – 1974), Юмжагийн Цэдэнбал (1974 – 1984), Жамбин Батмунх (1984 – 1990), Пунсалмаагийн Очирбат (1990 – 1997), Нацагийн Багабанди (1997 – 2005), Намбарин Энхбаяр (2005 – 2009), Цахиагийн Элбэгдорж (2009 йил 18 июндан).

*Монголия халқ-революцион партияси раҳбарлари:* Пэлжидийн Гэндэн (1932 – 1936), Хорлоогийн Чойбалсан (1936 – 1952), Юмжагийн Цеденбал (1952 – 1984), Жамбин Батмунх (1984 – 1990).

*Монголия Республикаси [Монгол Улус] президентлари:* Пунсалмаагийн Очирбат (1990 – 1997), Нацагийн Багабанди (1997 – 2005), Намбарин Энхбаяр (2005 – 2009), Цахиагийн Элбэгдорж (2009 йилдан).

*Монголия премьер-министрлари:* Сайн-Нойон-хан Тугс-Очирын Намнансурэн (1912 – 1919), Гончигжалцангийн Бадамдорж (1919 – 1920), Хатан-Батор Сандагдоржийн Максаржав (1921 йил февраль – март), Дамбин Чагдаржав (1921 – 1921), Догсомин Бодо (1921 – 1922), Жалханз Хутагт Содномин Дамдинбазар (1922 – 1923), Балингийн Цэрэндорж (1923 – 1928), Анандин Амар, (1928 – 1930; 1936 – 1939), Цэнгэлтийн Жигжиджав (1930 – 1932), Пэлжидийн Гэндэн (1932 – 1936), Хорлоогийн Чойбалсан (1939 – 1952), Юмжагийн Цэдэнбал (1952 – 1974), Жамбин Батмунх (1974 – 1984), Думаагийн Содном (1984 – 1990), Шаравин Гунгаадор (1990 – 1990), Дашийн Бямбасурэн (1990 – 1992), Пунцагийн Жасрай (1992 – 1996), Мэндсайхани Энхсайхан (1996 – 1998), Цахиагийн Элбегдорж (1998 – 1998; 2004 – 2006), Жанлавин Наранцацралт (1998 – 1999), Ринчиннямин Амаржаргал (1999 – 2000), Намбарин Энхбаяр (2000 – 2004), Миеэгомбин Энхболд (2006 – 2007), Санжийн Баяр (2007 – 2009), Сухбаатарин Батболд (2009 йил 29 октябрдан).

**1924 йил** – Нажаф султони Абдул Азиз III ибн Сауд Маккани эгаллади.

**1924 йил** – Россияда қурғоқчилик бўлди.

**1924 йил** – Италияда сайловларда фашистлар катта ғалабага эришдилар ва депутатлар палатасини тўла ўз назо-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ратлари остига олдилар. Бу имкониятдан улар мамлакатдаги қонун чиқарувчи парламент ҳокимиятини узил-кесил бартараф этиш учун фойдаландилар.

**1924 йил** – Англия ва Франция СССРни тан олди ва дипломатик алоқалар ўрнатилди.

**1924 йил** – Америка халқ инқилобий алянси ташкил топди.

**1924 йил** – Жанубий Африка Иттифоқида қабул қилинган «Оқ танли бўлмаган аҳоли ва цивилизациялашган меҳнат» тўғрисидаги қонун африкаликларни малака ёки қисман малака талаб қилинадиган ишларга қўйишни тақиқлади. Африкаликлар сайлов ҳуқуқларидан махрум қилинган эди. Бош вазир Джеймс Барри Герцог даврида (миллий партия раҳбари) мамлакатда апартеид (иркчилик) ўзининг энг юқори чўққисига чиқди.

**1924 йил** – Туркияда ўтказилган ислоҳотлар мамлакатни замонавийлаштирди. Мусулмон диний мактаблари ёпилди, дин ва вақф ишлари вазирлиги тугатилди, барча ўқув юртлари дунёвий бўлди ва фақат маориф вазирлигига бўйсундирилди.

**1924 йил** – диктаторлик ҳуқуқлари берилган Аҳмад Зогу бошчилигида Албания расман республика деб эълон қилинди.

**1924 йил** – Кубада ҳокимиятни АҚШдаги «Клобэн электрик компани» компаниясининг собиқ вице-президенти Херардо Мачадо қўлга киритди.

**1924 йил** – Францияда сайловларда Миллий иттифоқдан чиққан сўл буржуа партиялари, энг аввало, Эдуард Эррио бошчилигидаги радикаллар партияси Социалистлар партияси билан сайлов битими тузди ва Сўл иттифоқни ташкил этди.

**1924 йил** – Шамони (Франция) шаҳрида спортнинг қишки турлари бўйича биринчи Қишки олимпиада ўйинлари ўтказилди.

*Қишки Олимпиада ўйинлари:* I – 1924 (Шамони; Франция), II – 1928 (Санкт-Мориц; Швейцария), III – 1932 (Лейк-Плэсид; США), IV – 1936 (Гармиш-Партенкирхен; Гер-



www.ziyouz.com kutubxonasi

мания), V – 1948 (Санкт-Мориц; Швейцария), VI – 1952 (Осло; Норвегия), VII – 1956 (Кортина д'Ампеццо; Италия), VIII – 1960 (Скво-Вэлли; США), IX – 1964 (Инсбрук; Австрия), X – 1968 (Гренобль; Франция), XI – 1972 (Саппоро; Япония), XII – 1976 (Инсбрук; Австрия), XIII – 1980 (Лейк-Плэсид; США), XIV – 1984 (Сараево; Югославия), XV – 1988 (Калгари; Канада), XVI – 1992 (Альбервиль; Франция), XVII – 1994 (Лиллехаммер; Норвегия), XVIII – 1998 (Нагано; Япония), XIX – 2002 (Солт-Лейк-Сити; США), XX – 2006 (Турин; Италия), XXI – 2010 (Ванкувер; Канада), XXII – 2014 (Сочи; Россия).

**1924 йил охири** – Ўрта Осиёда миллий-ҳудудий чегараланиш ўтказилди. Туркистон АССР, Бухоро ва Хоразм республикалари тугатилди. Марказ томонидан ягона Туркистон минтақаси совет республикаларига парчалаб ташланди.

**1924 – 1926 йиллар** – Францияда Сўл иттифоқ ҳукумат (Эдуар Эррио, Поль Пенлеве, Аристид Бриана ҳукуматлари) устидан назорат ўрнатди.

**1924 – 1927 йиллар** – Хитойдаги биринчи фуқаролар уруши даври.

**1924 – 1931 йиллар** – Франция Республикасида Гастон Думергнинг президентлик даври.

**1924 – 1932 йиллар** – Францияда мамлакат иқтисодиётини барқарорлаштириш даври. Ишсизлик нафақаси жорий этилди, кексалик нафақаси, шунингдек, касаллик, ногиронлик ва ҳомиладорликда ёрдам пули бериладиган бўлди.

**1925 йил январь** – совет-япон битими имзоланди. Сўнгги япон қўшинлари Узоқ Шарқдан чиқиб кетди.

**1925 йил 6 – 12 февраль** – Бухорода бўлиб ўтган Ўзбекистон Компартиясининг 1-таъсис съездида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети масъул котиблари қилиб Владимир Иванов ва Акмал Икромовлар сайланди.

**1925 йил 13 – 17 февраль** – Бухорода бўлиб ўтган Умумўзбек советларининг 1-қурултойида Ўзбекистон ССР (ЎзССР) тузилганлиги эълон қилинди (1929 йилгача унинг таркибида Тожикистон АССР бўлган). Файзулла



www.ziyouz.com kutubxonasi

Хўжаев Ўзбекистон ССР ХКС раиси, Йўлдош Охунбобоев Ўзбекистон ССР МИК раиси лавозимларига сайланишди. (1925–1991 йилларда Ўзбекистон ССР СССР давлати таркибида бўлган.)

*Ўзбекистон ССР Инқилобий Қўмитаси (Ревком) – Муваққат ишчи-деҳқон ҳукумати раиси:* Файзулла Убайдуллаевич Хўжаев (1924 йил ноябрь–1925 йил февраль).

*Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг раислари (1925–1946):* Файзулла Убайдуллаевич Хўжаев (1925 йил 17 февраль–1937 йил 17 июнь), Абдуллажон Каримович Каримов (1937 йил 16 июнь–октябрь), Султон Сегизбоев (1937 йил октябрь–1938 йил июль), Абдужаббор Абдураҳмонов (1938 йил 23 июль–1946 йил 15 март); *Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг раислари (1946–1990):* Абдужаббор Абдураҳмонов (1946 йил 15 март–1950 йил 21 август), Абдураззоқ Мавлонов (1950 йил 21 август–1951 йил 18 май), Нуриддин Акрамович Муҳитдинов (1951 йил 18 май–1953 йил 6 апрель; 1954 йил 18 декабрь–1955 йил 22 декабрь), Усмон Юсупович Юсупов (1953 йил 7 апрель–1954 йил 18 декабрь), Собир Камолович Камолов (1955 йил 22 декабрь–1957 йил 30 декабрь), Мансур Зиёевич Мирзааҳмедов (1957 йил 30 декабрь–1959 йил 16 март), Ориф Алимович Алимов (1959 йил 16 март–1961 йил 27 сентябрь), Раҳмонқул Қурбонович Қурбонов (1961 йил 27 сентябрь–1971 йил 20 февраль), Нормуҳанмади Жўраевич Худойбердиев (1971 йил 25 февраль–1984 йил 19 ноябрь), Ғайрат Ҳамидуллаевич Қодиров (1984 йил 19 ноябрь–1989 йил 21 октябрь), Мираҳмад Мирҳожиевич Мирқосимов (1989 йил 21 октябрь–1990 йил 26 март), Шукурулла Раҳматович Мирсаидов (1990 йил 26 март–1 ноябрь); *Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг раиси:* Ислом Абдуғаниевич Каримов (1990 йил 1 ноябрь–1991 йил 31 август/1992 йил 13 январь).

*Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиблари (1925–1991):* Владимир Иванович Иванов



www.ziyouz.com kutubxonasi

(1925 йил 12 февраль - 1927), Киприян Осипович Киркиж (1927 - 1929 йил апрель), Николай Фёдорович Гикало (1929 йил апрель - июнь), Исаак Абрамович Зеленский (1929 йил июнь - декабрь), Акмал Икромович Икромов (1929 йил декабрь - 1937 йил 21 сентябрь), Усмон Юсупович Юсупов (1937 йил 27 сентябрь - 1950 йил апрель), Аминжон Эрматович Ниёзов (1950 - 1955 йил 22 декабрь), Нуриддин Акрамович Муҳитдинов (1955 йил 22 декабрь - 1957 йил 28 декабрь), Собир Камолович Камолов (1957 йил 28 декабрь - 1959 йил 15 март), Шароф Рашидович Рашидов (1959 йил 15 март - 1983 йил 30 октябрь), Иномжон Бузрукович Усмонхўжаев (1983 йил 3 ноябрь - 1988 йил 12 январь), Рафиқ Нишонович Нишонов (1988 йил 12 январь - 1989 йил 23 июнь), Ислом Абдуғаниевич Каримов (1989 йил 23 июнь - 1991 йил 3 ноябрь).

*Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси раиси:* Йўлдош Охунбобоев (1925 йил 17 февраль - 1938 йил 19 июль); *Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми раислари (1938 - 1991):* Йўлдош Охунбобоев (1938 йил 2 июль - 1943 йил 28 февраль), Абдували Мўминов (1943 йил 22 март - 1947 йил 14 март), Аминжон Эрматович Ниёзов (1947 йил 17 март - 1950 йил 21 август), Шароф Рашидович Рашидов (1950 йил 21 август - 1959 йил 24 март), Ёдгора Содиқовна Насриддинова (1959 йил 24 март - 1970 йил 25 сентябрь), Назар Маткаримович Матчонов (1970 йил 25 сентябрь - 1978 йил 20 декабрь), Иномжон Бузрукович Усмонхўжаев (1978 йил 20 декабрь - 1983 йил 18 декабрь), Оқил Умурзоқович Салимов (1983 йил 21 декабрь - 1986 йил 9 декабрь), Рафиқ Нишонович Нишонов (1986 йил 9 декабрь - 1988 йил 9 апрель), Пўлат Қирғизбоевич Ҳабибуллаев (1988 йил 9 апрель - 1989 йил 6 март), Мирзаолим Иброҳимович Иброҳимов (1989 йил 6 март - 1990 йил 24 март); *Ўзбекистон ССР Олий Совети раислари:* Мирзаолим Иброҳимович Иброҳимов (1990 йил 26 март - 1991 йил 12 июнь), Шавкат Муҳитдинович Йўлдошев (1991 йил 12 июнь - 31 август).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Ўзбекистон ССР Президенти:* Ислом Абдуғаниевич Каримов (1990 йил 24 март – 1991 йил 31 август).

*Ўзбекистон ССР вице-президенти:* Шукурулла Раҳматович Мирсаидов (1990 йил 1 ноябрь – 1992 йил 4 январь).

**1925 йил 16 февраль** – Қорақалпоғистон мухтор вилояти (Қозоғистон АССР таркибида) ташкил қилинди.

*Қорақалпоғистон АССР Халқ Комиссарлари Советининг раислари (1932–1946):* Қосим Авезов (1932 – 1934), Жумабой Қурбонов (1934 – 1937), Хўжабой Ниетуллаев (1938 – 1941), Пиржон Сеитов (1941 – 1946); *Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раислари (1946–1991):* Пиржон Сеитов (1946 – 1947; 1954 – 1956), Науруз Жапаков (1947 – 1952; 1956 – 1959), Жолимбет Сейтниязов (1952 – 1954), Қаллибек Камолов (1959 – 1963), Ережеп Айтмуратов (1963 – 1981), Марат Юсупов (1981 – 1985), Дамир Ёдгоров (1985 – 1988), Согиндиқ Ниетуллаев (1988 – 1989), Амин Тожиев (1989 – 1991).

*Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи котиблари (1925–1992):* Аллаёр Коразович Дўстназаров (1925), Абу Ержанович Қудабоев (1925 – 1927), Пётр Варламов (1927 – 1930), Тимофей Чурбанов (1930 – 1933), Ислом Содиқович Алиев (1933 – 1937), Карим Болтаев (1937 – 1938), Давлат Ризаев (1938), Холмурот Халекеев (1938 – 1941), Собир Камолович Камолов (1941 – 1947), Пиржон Сеитов (1947 – 1949; 1951 – 1952), Турсун Қамбаров (1949 – 1951), Орзи Маҳмудов (1952 – 1956), Носир Маҳмудов (1956 – 1963), Қаллибек Камолов (1963 – 1984), Какимбек Саликов (1984 – 1989), Соғиндиқ Ниетуллаев (1989 – 1991), Даулетбай Нуратдинович Шамшетов (1991 – 1992).

*Қорақалпоғистон АССР Марказий Ижроия Қўмитаси раислари (1925–1937):* Абу Қудабоев (1925), Қосим Авезов (1925 – 1927), Коптлеу Нурмуҳамедов (1927 – 1933), Нурум Сапаров (1934 – 1937); *Қорақалпоғистон АССР Олий Совети Президиуми раислари (1938–1992):* П.Бекназаров (1938 – 1941), Матеке Жуманазаров (1941 – 1955; 1956 – 1960), Наврўз Жапақов (1955 – 1956), Даулет Ешимбетов



www.ziyouz.com kutubxonasi

(1960–1978), Камол Рзаев (1978–1985), Турсун Ешимбетова (1985–1991), Даулетбай Нуратдинович Шамшетов (1991–1992).

**1925 йил 20 февраль** – Туркманистон ССР (ТуркмССР) ташкил топди. (1925–1991 йилларда Туркманистон ССР СССР давлати таркибида бўлган.)

*Туркманистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг раислари:* Қайғисиз Сардорович Отабоев (1925 йил февраль – 1937), Аитбай Худайбергенов (1937 йил август – 1945 йил октябрь), Сухан Бабаев (1945–1946); *Туркманистон ССР Министрлар Советининг раислари:* Сухан Бабаев (1946–1951), Балиш Овезов (1951 йил 14 июль – 1958 йил 14 январь; 1959 йил 20 январь – 1960 йил 13 июнь), Жума Дурди Караев (1958 йил 14 январь – 1959 йил 20 январь), Абди Анналиевич Анналиев (1960 йил 13 июнь – 1963 йил 26 март), Мухамедназар Гапурович Гапуров (1963 йил 26 март – 1969 йил 25 декабрь), Ораз Назарович Оразмухамедов (1969 йил 25 декабрь – 1975 йил 17 декабрь), Балли Язкулиев (1975 йил 17 декабрь – 1978 йил 15 декабрь), Чори Суюнович Карриев (1978 йил 15 декабрь – 1985 йил 28 февраль), Сапармурат Атаевич Ниязов (1985 йил 18 март – 1986 йил 4 январь), Аннамурод Хўжамуродов (1986 йил 4 январь – 1989 йил 17 ноябрь), Хан Ахмедов (1989 йил 5 декабрь – 1991 йил 13 ноябрь).

*Туркманистон Компартияси Марказий Комитети биринчи котиблари:* Иван Иванович Межлаук (1925–1926), Шаймардан Нуриманович Ибрагимов (1926–1927), Н.А. Паскуцкий (1927–1928), Аронштам (1928–1930), Попок (1930–1937), Муҳаммедов (1937), Чубин (1937–1939), Фонин (1939–1947), Батиров (1947–1951), Сухан Бабаев (1951–1958), Жума Дурди Караев (1958–1960), Балиш Овезович Овезов (1960–1969), Муҳамадназар Гапурович Гапуров (1969–1985), Сапармурат Атаевич Ниязов (1985 – 1991).

*Туркманистон Марказий Ижроия Қўмитаси раиси:* Нодирбой Айтақов (1925 йил февраль – 1937 йил июль); *Турк-*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*манистон Олий Совети Президиуми раислари:* Хивали Бабаевич Бабаев (1938 йил 26 июль – 1942 йил январь), Бердиев Аллаберди (1942 йил 27 январь – 1948 йил 6 март), Акмамед Сариев (1948 йил 6 март – 1959 йил 30 март), Нурберди Байрамов (1959 йил 30 март – 1963 йил 26 март), Аннамухаммед Қиличев (1963 йил 26 март – 1978 йил 15 декабрь), Балли Язкулиев (1978 йил 15 декабрь – 1988 йил 13 август), Роза Атамурадовна Базарова (1988 йил 13 август – 1990 йил 18 январь); *Туркманистон Олий Совети раислари:* Сапармурат Атаевич Ниязов (1990 йил 18 январь – 2 ноябрь), Сахат Непесович Мурадов (1990 йил 18 ноябрь – 1991).

**1925 йил февраль** – Ўзбекистон ССР, Туркманистон ССР, Қорақалпоғистон мухтор вилояти (1936 йилдан Ўзбекистон ССР таркибида), кейинчалик Қирғизистон автоном вилояти, Тожикистон АССР (1925 – 1929 йилларда Ўзбекистон ССР таркибида) каби республикалар тузилиб, улар СССР таркибига киритилди.

**1925 йил 12 март** – Сунь Ятсен вафот этди. Чан Кайши Гоминьдан партиясининг ҳарбий раҳбари бўлиб, шимолга қарши ҳарбий юриш ўтказди.

**1925 йил 15 март** – Душанбе шаҳридаги митингда Ўзбекистон ССР таркибида Тожикистон АССР тузилганлиги тантанали равишда эълон қилинди.

**1925 йил 26 апрель** – фельдмаршал Пауль фон Гинденбург Веймар республикаси (Германия) президентлигига сайланди. У 1934 йилгача Германия президенти бўлди.

**1925 йил апрель** – Бутунрус патриархи Тихон большевиклар тазйиқи натижасида вафот этди.

**1925 йил апрель** – Францияда социалистларнинг қўллаб-қувватлашидан маҳрум бўлган Эдуард Эррио ҳукумати истеъфога чиқди.

**1925 йил 1 июль** – Гуанчжоу ҳукумати Хитой республикасининг миллий ҳукуматига айлантирилди.

**1925 йил 30 ноябрь** – Туркияда тасаввуф тариқатларини тугатиш ва дарвишлар, қаландарларнинг хонақоларини ёпиш тўғрисидаги қонун қабул қилинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1925 йил 12 декабрь** – Эрон Таъсис мажлиси томонидан қожарлар сулоласи ағдарилди ва Ризошоҳ Паҳлавий шоҳ деб эълон қилинди. У Эронда паҳлавийлар сулоласига асос солди.

**1925 йил декабрь** – СССРда ялпи иқтисодиётни ривожлантиришнинг ҳал қилувчи воситаси сифатида саноатлаштиришга ўтиш тўғрисида эълон қилинди.

**1925 йил** – Италиядан бошқариладиган Албания Миллий банки тузилди.

**1925 йил** – хорижий банклар Венгрияга «соғломлашиш қарзи»ни тақдим этишгач, бу валютани барқарорлаштириш ва индустриал ривожланиш учун асос яратди.

**1925 йил** – Бенито Муссолини Италияда чекланмаган ҳокимиятни қўлга киритди. У эълон қилган қонунлар (1925–1926) асосида фашистлар ўз рақибларини террор қилди, партиялар ва касаба уюшмаларини тугатди. Италияда фашистик диктатура ўрнатилди.

**1925–1927 йиллар** – Гуандун провинцияси Хитойдаги биринчи инқилобий фуқаролар урушининг таянч базасига айланди.

**1925–1931 йиллар** – Ухон провинцияси марказида ХКП бошчилик қилган биринчи инқилобий Хитой ҳукумати жойлашган эди.

**1925–1979 йиллар** – Эронни паҳлавийлар сулоласи бошқарди.

*Паҳлавийлар сулоласи:* Ризошоҳ Паҳлавий (1925–1941), Муҳаммад Ризо Паҳлавий (1941–1979).

**1926 йил 21 март** – Буюк Британия қироличаси Елизавета II туғилди.

**1926 йил 12–13 май** – Польшада диктатор Юзеф Пилсудский томонидан давлат тўнтариши амалга оширилди. У 1926–1930 йилларда мамлакат Бош вазири бўлди.

**1926 йил 28 май** – Португалияда ҳокимиятни фашистлар эгаллади. Португалияда давлат тўнтариши оқибатида ўрнатилган фашистлар диктатураси энг кўп – 48 йил ҳукм сурди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1926 йил 13 август** – Куба давлат арбоби Фидель Кастро Рус туғилди.

**1926 йил 1–12 декабрь** – Душанбеда бўлиб ўтган Тожикистон АССР Советларининг I Таъсис съездида Ўзбекистон ССР таркибида Тожикистон Автоном Совет Социалистик Республикаси (Тожикистон АССР) тузилганлиги ҳақида декларация қабул қилинди.

*Ўзбекистон ССР таркибидаги Тожикистон АССР раҳбарлари (1926–1929):*

*Ўзбекистон Компартиясининг Тожикистон АССРдаги Ташкилий бюроси масъул котиблари:* Чинор Имомов ва С.Соколов (1924 йил 6 декабрь–1925); *Ўзбекистон Компартиясининг Тожикистон АССРдаги Ташкилий қўмитаси масъул котиби:* Чинор Имомов (1925–1927); *Ўзбекистон Компартияси Тожик области партия қўмитаси масъул котиблари (1927–1930):* Мўмин Хўжаев (1927 йил октябрь – 1928), Алий Ширвоний (1928–1929 йил февраль), Шириншо Шотемур (Шириншоҳ Шоҳтемуров; 1929 йил февраль – 1930 йил декабрь).

*Тожикистон АССР Инқилобий Қўмитаси (ревком) раиси:* Нусратулло Махсум Лутфуллаев (1924 йил 26 ноябрь – 1926 йил декабрь); *Тожикистон АССР МИК раиси:* Нусратулло Махсум Лутфуллаев (1926 йил 12 декабрь–1929 йил октябрь).

*Тожикистон АССР Халқ Комиссарлари Совети раиси:* Абдулқодир Муҳитдинов (1926 йил 12 декабрь–1929 йил октябрь).

**1926 йил 17 декабрь** – СССРда илк марта Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш ўтказилди.

**1926 йил** – Италияда фашистлардан бошқа сиёсий партиялар тарқатиб юборилди. Йил охирига келиб, Италия бир партияли диктаторлик давлатига айлантирилди.

**1926 йил** – Шимолий қутбга америка учувчиси Ричард Берд биринчи марта парвозни амалга оширди.

**1926 йил** – Чехословакияда дастлабки фашистик ташкилотлар тузилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1926–1927 йиллар** – Голландиянинг мустамлакачилик сиёсатига қарши оммавий чиқишларнинг янги тўлқини мунтазам қўшинлар томонидан бостирилди.

**1926–1927 йиллар** – бутун Индонезияни қўзғолонлар қамраб олди.

**1926–1935 йиллар** – Америка қўшинлари Никарагуа ва Кубада сақлаб турилди. Бу даврда Америка сармояси Ғарбий ярим шарда танҳо ҳукмронлик қилди. Лотин Америкасидаги 20 мамлакатнинг 14 таси АҚШ моддий назорати остида бўлиб, бу мамлакатларда Америка ҳукмрон доираларининг иродасига бўйсунган тузумлар қарор топди.

**1926–1989 йиллар** – Японияда Хирохито ҳукмронлиги даври. Мамлакатда Схова эраси бошланди (1926).

**1927 йил 22 март** – миллий-инқилобий армия томонидан Шанхай озод қилинди.

**1927 йил 12 апрель** – Чан Кайши Хитойда аксилинқилобий тўнтариш қилди.

**1927 йил 27 май** – Буюк Британия билан СССР ўртасида дипломатик муносабатлар тўхтатилди.

**1927 йил июль** – Руминияда қирол Фердинанд вафот этди. Тахтни унинг кичик ёшли ўғли Михаил (Михай) эгаллаши лозим эди. Лекин бундан икки йил аввал қувиб юборилган валиаҳд Карол (Карл) мамлакатга қайтиб келиб, тўнтаришни амалга оширди ва ўзини қирол деб эълон қилди.

**1927 йил 1 август** – Хитойда иккинчи фуқаролар уруши бошланди.

**1927 йил** – Хитойда Гоминьдан миллатчилари (Чан Кайши) ва коммунистлар (Мао Цзэдун, Чжоу Эньлай) ўртасида ажралиш бошланди (коммунистлар яширин ишлашга ўтишга мажбур бўлди).

**1927 йил** – Бандунгда Индонезия Миллий партияси тузилди. Бу партияга муҳандис Сукарно асос солди. Индонезияда миллий-озодлик ҳаракати кучайди.

**1927 йил** – Вьетнамдаги миллий-озодлик ҳаракатининг демократик қанотига Хо Ши Мин бошчилик қила бошлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

толик черковининг сиёсий, маъмурий ва мафкуравий маркази.

*Рим папаларининг понтификатлик даври:* Лев XIII (1878–1903), Муқаддас Пий X (1903–1914), Бенедикт XV (1914–1922), Пий XI (1922–1939), Пий XII (1939–1958), Блаженний Иоанн XXIII (1958–1963), Павел VI (1963–1978), Иоанн Павел I (1978 йил 26 август – 28 сентябрь), Иоанн Павел II (1978–2005); 265-папа. Бенедикт XVI (2005 йил 19 апрелдан) ва бошқалар.

**1929 йил май** – Англияда парламент сайловларида лейбористлар партияси кўпчилик овоз олди ва партия раҳбари Рамсей Макдональд Бош вазир этиб (1929–1935) тайинланди. У 27 йил давомида парламент депутати, уч марта мамлакат Бош вазири бўлди.

**1929 йил 3 октябрь** – Буюк Британия билан СССР ўртасида дипломатик муносабатлар тикланди.

**1929 йил 16 октябрь** – Тожикистон АССР ўрнига Тожикистон ССР (ТожССР) ташкил топди. (1929–1991 йилларда Тожикистон ССР СССР давлати таркибида бўлган.)

*Тожикистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг раислари:* М. Хўжаев (1928 йил март – 1929 йил декабрь), Абдураҳим Ҳожибоев (1929 йил 15 декабрь – 1933 йил 23 декабрь), Абдулло Раҳимович Раҳимбоев (1933–1937), Ўрумбой Ашурович Ашуров (1937 йил февраль – сентябрь), Мамадали Қурбонов (1937 йил сентябрь – 1946 йил апрель).

*Тожикистон ССР Министрлар Советининг раислари:* Жаббор Расулович Расулов (1946–1955), Турсунбой Ўлжабоевич Ўлжабоев (1955–1956), Назаршо Додхудоев (1956–1961), Абдулаҳад Каҳҳоров (1961–1973), Раҳмон Набиевич Набиев (1973–1982), Каҳҳор Маҳкамович Маҳкамов (1982–1985 йил декабрь), Изатулло Ҳаёев (1986 йил январь – 1992).

*Тожикистон Компартияси Марказий Комитети биринчи котиблари (1930–1991):* Мирза Довуд Багир ўғли Гусейнов (1930 йил декабрь – 1933 йил декабрь), Григорий Исаакович Бройдо (1933 йил декабрь – 1934 йил ноябрь), Сурен Кон-



www.ziyouz.com kutubxonasi

стантинович Шадунтс (1934 йил ноябрь – 1936 йил декабрь), Ўрумбой Ашурович Ашуров (1936 йил декабрь – 1937 йил октябрь), Дмитрий Захарович Протопопов (1937 йил октябрь – 1946 йил июнь), Бобожон Ғафурович Ғафуров (1946 йил июнь – 1956 йил май), Турсунбой Ўлжабоевич Ўлжабоев (1956 йил май – 1961 йил апрель), Жаббор Расулович Расулов (1961 йил апрель – 1982 йил апрель), Раҳмон Набиевич Набиев (1982 йил апрель – 1985 йил декабрь), Қаҳҳор Маҳкамович Маҳкамов (1985 йил декабрь – 1991 йил сентябрь).

*Тожикистон Марказий Ижроия Қўмитаси раислари:* Нусратулло Махсум Лутфуллаев (1929 йил октябрь – 1933 йил 23 декабрь), Абдулла Раҳимович Раҳимбоев (1934 – 1937).

*Тожикистон Олий Совети раиси:* Қадриддин Аслонович Аслонов (1990 йил 30 ноябрь – 1991 йил 9 сентябрь).

*Тожикистон ССР президентлари:* Қаҳҳор Маҳкамович Маҳкамов (1990 йил 30 ноябрь – 1991 йил 31 август), Қадриддин Аслонович Аслонов (1991 йил 31 август – 23 сентябрь; в.б.).

**1929 йил 24 декабрь** – жаҳон иқтисодий инқирози Нью-Йорк биржасида бошланди.

**1929 йил** – Германия пўлат ва чўян ишлаб чиқаришда дунёда иккинчи ўринга чиқди, бу борада Европадаги барча мамлакатларни ортда қолдирди.

**1929 йил** – Германияда 120 минг автомобиль сотилди.

**1929 йил** – Германияда Крупп заводлари қурол-аслаҳа ишлаб чиқаришга ўтди.

**1929 йил** – АҚШда Дауэс режаси Юнг режаси (америкалик йирик банкир, «Женерал электрик» компанияси президенти) билан алмаштирилди. Бу режага кўра, Германиянинг товон тўловлари янада камайтирилди, уни тамомила тўхтатиш шартлари киритилди, Германия устидан барча турдаги хорижий назорат ва кузатув бекор қилинди.

**1929 йил** – Германияда Версаль шартномасида белгиланган чеклашлар тўла бекор қилинди.

**1929 йил** – СССР раҳбари Иосиф Виссарионович Сталин идеолог Николай Иванович Бухарин ва унинг тараф-



www.ziyouz.com kutubxonasi

дорларини ўз ғояларининг хато эканини тан олиш ва тавба қилишга мажбур қилди.

**1929 йил** – Люсьен Февр ва Марк Блок «Социал-иқтисодий тарихда анналлар» номли журнал ташкил қилди.

**1929–1932 йиллар** – СССРда қишлоқ хўжалигини жамоалаштириш сиёсати ўтказилди.

**1929–1932 йиллар** – Францияда 8 марта ҳукумат алмашди.

**1929–1933 йиллар** – жаҳон иқтисодий инқирози йиллари.

**1929–1933 йиллар** – АҚШда Гёрберт Кларк Гуверниг президентлик даври.

**1929–2003 йиллар** – Югославия давлати мавжуд бўлган давр.

**1929–2004 йиллар** – Фаластин қаршилик кўрсатиш ҳаракати арбоби Ёсир Арафот яшаган ва фаолият кўрсатган давр.

**1930 йил 28 январь** – Испанияда генерал Примо де Ривера истеъфога чиқишга мажбур бўлди.

**1930 йил январь** – СССРда ялпи коллективлаштириш ва қулоқларни синф сифатида тугатиш бошланди.

**1930 йил 27 март** – Германияда Герман Мюллер ҳукумати истеъфо берди.

**1930 йил март** – Испанияда монархистларнинг тарқоқ гуруҳлари ўнг либерал-республикачилар партиясига бирлашди.

**1930 йил 1 апрель** – Германияда президент Пауль фон Гинденбург рейхсканцлер қилиб Католик марказ партияси вакили Генрих Брюнингни тайинлади.

**1930 йил апрель** – Ҳиндистон Миллий Конгресси ҳинд халқини фуқаровий бўйсунмасликка чақирди.

**1930 йил май** – Сурия республика деб эълон қилинди, аммо Франция мандати сақланиб қолинди, бу мандат 1943 йил декабрда бекор қилинди. [1946 йил 17 апрелдагина тўла мустақилликка эришди. Ҳозирда расмий номи Сурия Араб Республикаси (САР).]



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Франция мандати даврида Сурия раҳбарлари (1922–1936):* Суби-Бей Баракат ал-Халиди (1922–1925), Франсуа Пьер-Алип (1926 йил февраль–апрель), Дамади Шахрияри Аҳмад Нами Бей (1926–1928), Тадж эд-Дин ал-Ҳасани (1928–1931), Муҳаммед Али-Бей ал-Абид (1932–1936).

**1930 йил 25 май** – СССРда умумий бошлангич таълим жорий этилди.

**1930 йил 17 июнь** – СССРда дастлабки энг йирик Сталинград трактор заводи ишга туширилди.

**1930 йил 13–30 июль** – футбол бўйича I жаҳон чемпионати Уругвайда ўтказилди. Унда Уругвай терма жамоаси биринчи жаҳон чемпиони бўлди. Ҳозиргача Бразилия 5 марта, Италия 4 марта, Германия 3 марта, Уругвай 2 марта, Аргентина 2 марта, Англия, Франция, Испания бир мартадан жаҳон чемпиони бўлишди.

*Футбол бўйича жаҳон чемпионатлари:* I–1930 (Уругвай), II–1934 (Италия), III–1938 (Франция), IV–1950 (Бразилия), V–1954 (Швейцария), VI–1958 (Швеция), VII – 1962 (Чили), VIII–1966 (Англия), IX–1970 (Мексика), X–1974 (Германия), XI–1978 (Аргентина), XII–1982 (Испания), XIII–1986 (Мексика), XIV–1990 (Италия), XV–1994 (АҚШ), XVI–1988 (Франция), XVII–2002 (Япония ва Жанубий Корея), XVIII–2006 (Германия), XIX–2010 (Жанубий Африка Республикаси).

**1930 йил ноябрь–декабрь** – СССРда «Промпартия иши».

**1930 йил** – Бразилияда давлат тўнтариши натижасида ҳокимият тепасига йирик чорвадор бой Жетулиу Дорнеллес Варгас келди. У конституцияни бекор қилиб, парламентни тарқатиб юборди ва инқилобий ҳаракатни янада шафқатсизлик билан бостиришга киришди. Касаба уюшмаларининг сиёсий фаолият билан шуғулланиши тақиқлаб қўйилди. Варгас тузуми 1945 йилгача сақланиб қолди.

**1930 йил** – СССР саноатни жадал ривожлантириш даврига қадам қўйди. Умумий ишлаб чиқариш 1928 йилдан



www.ziyouz.com kutubxonasi

1939 йилгача бўлган даврда 6 баравар, электр энергиясини ишлаб чиқариш – 14, қора металлургия – 6, кимё ва нефтькимё саноати – 15, машинасозлик – 15 баравар ўсди. Янги шаҳарлар, саноат гигантлари, ишлаб чиқариш комплекслари барпо қилинди. Бироқ бу тараққиёт халқнинг машаққатли меҳнати эвазига қўлга киритилди.

**1930 йил** – Ҳиндистонда Пешавор, Читтагонг, Бомбей, Калькутта, Мадрас шаҳарларидаги галаёнлар муносабати билан ҳарбий ҳолат эълон қилинди.

**1930 – 1931 йиллар** – Ҳиндистонда авж олган оммавий миллий-озодлик ҳаракатини шафқатсиз қатағонлар туфайли бостиришга муваффақ бўлинди.

**1930 – 1934 йиллар** – Италияда 22 та соҳавий ташкилотлар тузилиб, улар корпорациялар деб номланди.

**1930 – 1941 йиллар** – СССР Халқ Комиссарлари Совети раиси лавозимида Вячеслав Михайлович Молотов фаолият кўрсатди.

**1931 йил март** – «Меньшевикларнинг иттифоқ бюроси» иши бўйича суд жараёни бўлиб ўтди.

**1931 йил 14 апрель** – Испанияда қирол Альфонс XIII тахтдан воз кечишга мажбур бўлди ва мамлакатдан бадарға қилинди ҳамда II Республика эълон қилинди.

**1931 йил 8 сентябрь** – япон қўшинлари Манжурияга бостириб кирди.

**1931 йил сентябрь** – Япония Хитойга қарши ҳужумини бошлаб, уч ой мобайнида мамлакатнинг шимоли-шарқий провинцияларини босиб олди ва 1 млн. км$^2$ дан зиёд майдонга эга қўғирчоқ давлат тузди.

**1931 йил 3 октябрь** – Югославия қироллигининг янги конституцияси кучга кирди.

**1931 йил 31 октябрь** – Англия парламентида қабул қилинган Вестминстер статутига кўра, ички ва ташқи ишларда доминионлар (Канада, Австралия ва Янги Зеландия)нинг мустақиллиги тан олинди. Янги қонунга кўра, инглиз ҳукуматининг раҳбари Ҳамдўстликнинг бошлиғи ҳисобланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1931 йил 9 декабрь** – Испанияда республика конституцияси қабул қилинди.

**1931 йил** – Лондонда «доира столи» конференцияси очилди ва бунда Англия вакиллари табақалар ва диний гуруҳлар (ҳиндпарастлар ва мусулмонлар) ўртасига нифоқ солишга уринди. Унда Махатма Ганди қатнашди. Ўша йили декабрда Махатма Ганди Ҳиндистонга қайтди.

**1931 йил** – жаҳон иқтисодий инқирози Европани қамраб олди.

**1931 йил** – Болгарияда сайловларда Халқ блокига бирлашган мухолифатчи партиялар ишончли ғалабага эришдилар.

**1931 йил** – Венгрияда Умумвенгер кредит банкини инқирозга учратган кескин молиявий инқироз бошланди.

**1931–1940 йиллар** – Поль Думер ўлдирилгандан кейин Франция Республикасида Альбер Лебреннинг президентлик даври.

**1931–1947 йиллар** – Британия миллатлар ҳамдўстлиги мавжуд бўлган. Унинг ҳуқуқий мақоми Вестминстер статути билан белгилаб берилган (унга 1947 йил аниқлик киритилган).

**1932 йил 1 январь** – СССРда Горький автомобиль заводи ишга туширилди.

**1932 йил 27 январь** – Гитлернинг ўз ҳомийлари билан биринчи учрашуви бўлиб ўтди. Американинг автомобиль қироли Генри Форд Гитлерни 1922 йилдаёқ маблағ билан таъминлай бошлаган эди.

**1932 йил 31 январь** – Магнитогорск металлургия комбинати ишга туширилди.

**1932 йил 9 март** – Манъчжоу-Го давлати эълон қилинди.

**1932 йил 20 май** – Кубада ҳокимият диктатор Херардо Мачадо томонидан эгалланди.

**1932 йил 25 июнь** – СССР билан Польша ўртасида ҳужум қилмаслик ҳақида пакт тузилди.

**1932 йил 7 август** – СССРда қонунга мувофиқ «социалистик мулкни қўриқлаш» бўйича ўта кескин чоралар



www.ziyouz.com kutubxonasi

кўрилди. Халқ орасида «бошоқлар тўғрисидаги қонун» номи билан машҳур бу қонунга мувофиқ колхоз мулкини ўғирлаганлик (далада бошоқ терганлик) учун бутун мулкини мусодара қилган ҳолда ўлим жазоси ёки 10 йил муддатга сургун кўзда тутилди.

**1932 йил 23 сентябрь** – Саудия Арабистони подшоҳлиги ташкил топди. Давлатни саудийлар сулоласи бошқаришда давом этди. Абдул Азиз III ибн Сауд янги давлат – Саудия Арабистонини шакллантирди.

*Саудия Арабистони подшоҳлари:* Абдул Азиз III ибн Сауд (1932 – 1953), Сауд (1953 – 1964), Файсал (1964 – 1975), Холид ибн Абдулазиз (1975 – 1982), Фаҳд ибн Абдулазиз (1982 – 2005), Абдуллоҳ ибн Абдулазиз ал-Сауд (2005 йил 1 августдан).

**1932 йил сентябрь** – Колумбия ва Перу ўртасида Колумбия жануби, Амазонканинг юқори томони – Летисия ҳудудидаги бой нефть кони сабабли қонли уруш бошланди. Бу ерга Перу қўшинлари кириб келди. Фақат 1934 йилнинг май ойида икки мамлакат ўртасида сулҳ тузилди ва унга кўра Летисия Колумбияга қайтарилди.

**1932 йил 29 ноябрь** – ҳужум қилмаслик ҳақида совет-француз пакти имзоланди.

**1932 йил декабрь** – СССРда паспорт тизими жорий этилди.

**1932 йил** – Туркия Миллатлар лигасига кирди.

**1932 йил** – СССР Ёзувчилар уюшмаси (Максим Горький раислигида) ташкил қилинди. Социалистик реализм методи эълон қилинди.

**1932 йил** – Германия президентлигига сайловлар бўлиб ўтди. Пауль Гинденбургнинг ёши 83 да эканига қарамай, ўта консерватив кайфиятдаги ўнг доиралар унинг номзодини қайта сайлашга кўйдилар. Президентликка иккинчи номзод Гитлер эди. У биринчи турда 30%, иккинчи турда эса 37% овоз олди.

**1932 йил** – Португалияда юз берган ҳарбий тўнтариш натижасида ҳукумат тепасига диктатор Антониу ди Оли-



www.ziyouz.com kutubxonasi

вейра Салазар келди. У мустамлака ўлкаларни эзиш ҳисобига ҳукмронлик қила бошлади.

**1932 йил** – Сиёмда давлат тўнтариши натижасида конституцияли монархия эълон қилинди (1939 йилдан мамлакат Таиланд деб юритила бошланди).

*Таиланд Қироллиги қироллари:* Прачатипок [Рама VII] (1925–1935), Ананда Махидол [Рама VIII] (1935–1946), Пумипон Адульядет [Рама IX] (1946 йилдан).

**1932–1933 йиллар** – Волгабўйи, Шимолий Кавказ, Ғарбий Сибирь ҳудудларида рўй берган қурғоқчилик натижасида СССРда даҳшатли очарчилик бўлди. Очарчилик оқибатида бир неча млн. киши ҳалок бўлди.

**1932–1934 йиллар** – Францияда сўлларнинг 5 марта ҳукумати алмашди ва уларнинг ҳар бири уч ойдан оз ҳукм сурди. Уларнинғ энғ сўнггиси Эдуард Даладье (1884–1970) ҳукумати бўлди.

**1932–1945 йиллар** – Вьетнам императори Бао Даянинг ҳукмронлик даври.

**1933 йил 30 январь** – Германия президенти Пауль Гинденбург нацистлар раҳбари Адольф Гитлерга ҳокимият тузишни топширди ва у Германия рейхсканцлери қилиб тайинланди. Германияда фашистик диктатура ўрнатилди. Нацистлар (миллий социалистик партия аъзолари) ҳокимиятга келди. Германияда III Рейх ташкил топди.

**1933 йил 30 январь – 1945 йил 30 апрель/9 май** – Германияда фашистик диктатура даври. Ҳокимият тепасида национал-социалистлар (нацистлар) партиясининг раҳбари Адольф Гитлер турди.

**1933 йил 27 февраль** – Берлинда фашистлар томонидан рейхстаг биноси ёқиб юборилди. Улар бу жиноятни коммунистларга тўнкашди ва уларни жазолашди.

**1933 йил 28 февраль** – Гитлер ҳукумати томонидан шахс, сўз, матбуот, йиғилишлар эркинлиги кафолатланган Веймар конституцияси моддаларини бекор қилиш ҳақида фавқулодда декрет чиқарилди.

**1933 йил 23 март** – Германия фашистик ҳукуматига



www.ziyouz.com kutubxonasi

фавқулодда ваколатлар берилиши ҳақидаги қонун қабул қилинди.

**1933 йил 27 март** – Япония Миллатлар Лигасидан чиқди.

**1933 йил апрель** – ВКП(б) МК партияда «тозалаш» ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

**1933 йил май** – Германияда 25 ёшгача бўлган кишилар учун икки йиллик кўнгилли меҳнат мажбурияти жорий қилинди.

**1933 йил 7 июнь** – Франция дипломатияси фашистлар билан келишувга борди. Англия, Франция, Италия ва Германия ўртасида Тўртлар битими имзоланди.

**1933 йил 20 июнь** – Беламор – Балтика канали очилди.

**1933 йил 15 июль** – Германияда қонунга кўра яҳудийларнинг мол-мулклари мусодара қилинди, банклар ва саноат корхоналари эса «орийлаштирилди» (яъни тоза қонли немисларга берилди).

**1933 йил 28 июль** – СССР билан Испания ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

**1933 йил июль** – Германияда штурмчилар назорати остида умумхалқ плебисцити (референдуми) ўтказилиб, унда 36 млн. аҳоли Гитлер сиёсатини қўллаб-қувватлашларини билдирди. Бу Адольф Гитлерни руҳлантирди ва ўз сиёсатининг амалга ошишига тўлиқ ишонч бағишлади.

**1933 йил 12 август** – Кубада диктатор Мачадо ҳокимияти ағдарилди.

**1933 йил 2 сентябрь** – СССР билан Италия ўртасида дўстлик, ҳужум қилмаслик ва бетарафлик ҳақида шартнома имзоланди.

**1933 йил 3 сентябрь** – Нюрнбергда бўлиб ўтган съездда Адольф Гитлер ўзининг немислар барча халқлар бўйсуниши лозим бўлган олий ирқ (орийлар) вакиллари экани тўғрисидаги назариясини эълон қилди.

**1933 йил 10 октябрь** – Грецияда ҳарбий министр, генерал Кондилис ҳарбий тўнтариш уюштириб, монархия эълон қилди. У сохта плебисцит ўтказган ҳолда Англиядан қирол Георг II ни қайтариб келди (1935 йил 25 ноябрь). Грецияда террор ва қатағонларнинг узоқ даври бошланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1933 йил 14 октябрь** – Германия Миллатлар Лигасидан чиқди.

**1933 йил 16 ноябрь** – СССР билан АҚШ ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

**1933 йил ноябрь – 1937 йил охири** – Руминияни «темир гвардия» фашистик бўлинмалари эгаллаб олди.

**1933 йил** – Афғонистон шоҳи Нодиршоҳ ўлимидан сўнг, унинг ўгли Зоҳиршоҳ мамлакатнинг янги етакчиси деб эълон қилинди.

**1933 йил** – фашистлар Германиясида давлат махфий полицияси – Гестапо ташкил топди. Гестапо Германия ва унинг ташқарисида оммавий террорни амалга оширди. Нюрнбергдаги халқаро ҳарбий трибунал томонидан у жиноятчи ташкилот деб тан олинди.

**1933 йил** – биринчи концлагер Бухенвальдда – Шиллер ва Гётенинг ватани ҳисобланган Веймар яқинида барпо этилди. Бухенвальд лагери фаолият юритган 12 йил давомида газ камералари, крематорийлар, мерганлик тирларида 1 млн. 350 минг киши йўқ қилинди.

**1933 йил** – АҚШ ҳукумати Лотин Америкаси мамлакатларига нисбатан «яхши қўшничилик» сиёсатини эълон қилди. Франклин Делано Рузвельт Гаитидан Америка қўшинларини чақириб олди.

**1933 йил** – Конрад Генлайн бошчилигидаги судетлик национал-социалистлар Судет вилоятининг Чехословакиядан ажратилишини ва Германияга берилишини талаб қилди.

**1933–1939 йиллар** – Перуда ҳокимият фашизм тарафдори бўлган генерал Оскар Бенавидес қўлига ўтди.

**1933–1945 йиллар** – АҚШ президенти Франклин Делано Рузвельтнинг бошқарув даври. Бу йилларда мамлакатда «янги йўл» сиёсати юритилиб, ислоҳотлар ўтказилди.

**1933–1945 йиллар** – Адольф Гитлернинг Германияда ҳукмронлик даври.

**1933–1973 йиллар** – Афғонистонда Зоҳиршоҳнинг ҳукмронлик даври. Бу давр иқтисодий қийинчиликлар, турмуш



www.ziyouz.com kutubxonasi

даражасининг пастлиги билан ажралиб туради. Унинг 40 йиллик бошқаруви даврида мамлакатда деярли ҳеч қандай ўзгариш юз бермади, бироқ тинчлик сақланди. Шу даврда жами 300 та саноат корхонаси (шундан 140 таси Совет Иттифоқи ёрдамида) қурилди. Афғонистон дунёда ҳаёт даражаси энг паст қолоқ давлат бўлиб қолаверди.

**1934 йил 1 январь** – Кубада АҚШнинг бошқа бир тарафдори – Фульхенсио Батиста ҳукумати ўрнатилди. (Херардо Мачадонинг террорчи диктатураси ағдариб ташланди. У 1925 йил май ойида давлат тепасига келган эди.). Мамлакатда ҳарбий-полиция террорига таянган тузум қарор топди. Фульхенсио Батиста ҳукуматни 1944 йилгача бошқарди.

**1934 йил январь – февраль** – СССРда кейинроқ «отилганлар съезди» номини олган ВКП (б) XVII съезди ўтказилди. Чунки съезд делегатларининг кўпчилиги 1936 – 1938 йилларда отиб ташланди.

**1934 йил 7 февраль** – Францияда Эдуар Даладье ўзига ишонч билдирилганига қарамай истеъфо берди. Премьер-министр қилиб фашизмнинг очиқ тарафдори бўлган Гастон Думерг (1863 – 1937) тайинланди.

**1934 йил февраль** – Италия, Венгрия ва уларга қўшилган Болгария томонидан душманлик ҳаракатлари кучайганлиги туфайли Югославия, Руминия, Туркия ва Греция қўшилган Болқон пакти тузилишига эришилди.

**1934 йил 19 май** – Болгарияда реакцион кучлар давлат тўнтаришини амалга оширди ва фашистик диктатура ўрнатилди.

**1934 йил 30 июнь** – Германияда нацистлар партияси ичида тозалаш ўтказилиб, бир кечада Гитлернинг рақиблари йўқотилди. Нацистлар партияси ҳарбий кучлари қўмондони Эрнст Рем ва бошқалар ўлдирилди. (Бу тун «Узун пичоқлар туни» сифатида тарихга кирди).

**1934 йил 10 июль** – СССРда ОГПУ (Бирлашган Давлат сиёсий бошқармаси) тарқатилди ва унинг вазифалари НКВД (Ички ишлар халқ комиссарлиги) зиммасига топширилди.

**1934 йил 25 июль** – Австрияда фашистлар фитнаси.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1934 йил 2 август** – Пауль Гинденбург вафот этди; Адольф Гитлер канцлер ва давлат раҳбари функцияларини бирлаштирди ва фюрер бўлди. Хуллас, Адольф Гитлер «герман халқининг фюрери ва рейхсканцлери» деб эълон қилинди.

**1934 йил 18 сентябрь** – СССР Миллатлар Лигасига кирди.

**1934 йил октябрь** – Франция премьер-министрлигига Пьер Лавал тайинланди.

**1934 йил 1 декабрь** – Ленинградда партия ташкилотининг раҳбари Сергей Миронович Киров ўлдирилди. Бу ҳодиса СССРда узоқ давом этган оммавий қатагонлар бошланишига баҳона бўлди. ОГПУ ўрнини НКВД эгаллади. Террор бошланди ва концентрация лагерлари тизими (ГУЛАГ) яратилди. «Ленинград маркази» аъзолари қамоққа олинди, ёпиқ суд жараёни ўтказилди ва улар отиб ташланди.

**1934 йил** – Германияда иккинчи концлагер Дахауда барпо этилди. Дахауда 1 млн. 200 минг киши йўқ қилинди.

**1934 йил** – Чехословакия СССР ва Франция билан дипломатик алоқалар ўрнатди.

**1934 йил** – АҚШ конгресси «вагнер қонун»ларини қабул қилди.

**1934 йил** – АҚШда буржуазиянинг бир қисми Дюпон (Пьер Самюэль Дюпон де Немур) ва Морган (Жон Пирпонт Морган)лар йирик монополистик гуруҳларининг бевосита иштирокида Америка озодлик лигаси тузилди.

**1934 йил** – партизан бўлинмаларининг бирлашиши натижасида Корея халқ инқилобий армияси ташкил этилди.

**1934 йил** – Япония дунёдаги энг қудратли армиялардан бирига эга бўлди.

**1934 йил** – ахлоқ тузатиш-меҳнат лагерлари, сургун ва қамоқ жойлари Бош бошқармаси (ГУЛАГ) ташкил топди ва 1956 йилгача фаолият кўрсатди. ГУЛАГ тизимида XX асрнинг 30–50-йилларидаги шахсга сиғиниш даври оммавий қатагонлари ҳамда СССРдаги тоталитар тузум қурбонлари сақланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1934–1935 йиллар** – Хитой Коммунистик партияси (ХКП) нинг қуролли кучлари япон интервенциясига қарши кураш учун мамлакат шимолига юрди.

**1934–1935 йиллар** – Мао Цзэдун Хитойда «буюк юриш» қилди. Гоминьдан қўшини коммунистлар устига юргач, улар жанубдаги базаларини ташлаб, Яньань (Шэньси)га йўл олишди.

**1934–1951 йиллар** – Бельгияда Леопольд III нинг ҳукмронлик даври.

**1935 йил январь** – «Москва маркази» иши юзасидан суд жараёни.

**1935 йил 2 март** – Форс давлатига янги расмий ном – Эрон номи берилди.

**1935 йил 16 март** – Версаль шартномасига зид равишда Германия фашистик ҳукумати томонидан умумий ҳарбий мажбурият ҳақида қонун қабул қилинди.

**1935 йил 15 май** – Москва метрополитенининг биринчи навбати ишга туширилди.

**1935 йил май** – СССР ва Франция ҳамда СССР ва Чехословакия ўртасида ўзаро ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги битимлар имзоланди.

**1935 йил 18 июнь** – Англия – Германия денгиз битими имзоланди (Германия Болтиқ денгизида флот ташкил қилиш ҳуқуқини қўлга киритди).

**1935 йил июнь** – Боливия ва Парагвай ўртасида ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилди.

**1935 йил 2 август** – Бирма Ҳиндистондан ажралиб чиқди.

**1935 йил 31 август** – АҚШда «Бетарафлик ҳақида қонун» қабул қилинди.

**1935 йил 3 октябрь** – фашистик Италия қўшинлари Эфиопияга бостириб кирди.

**1935 йил октябрь–1936 йил май** – итальян-эфиопия уруши.

**1935 йил 11 октябрь** – Миллатлар Лигаси томонидан Эфиопияга бостириб кирганлиги учун Италияга иқтисодий санкциялар қўллаш ҳақида қарор қабул қилинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1935 йил 21 ноябрь** – Мисрнинг барча шаҳарларида умумий иш ташлашлар бўлди.

**1935 йил 13 декабрь** – Мисрда 1923 йилги конституция тикланди.

**1935 йил декабрь** – Испанияда ҳукумат истеъфога чиқди ва 1936 йил 16 февралда янги сайловлар бўлиши белгиланди. Бу сўл кучларни бирлашишга ундади ва 1936 йил 15 январда сўл республикачи партиялар ва касаба уюшмалари вакиллари Халқ фронти ҳақида битимни имзолашди.

**1935–1937 йиллар** – АҚШ билан СССР ўртасида икки мамлакатнинг ўзаро фойдали иқтисодий муносабатлари ривожланишига имкон берувчи савдо битимлари тузилди.

**1936 йил 7 март** – Германия қўшинлари Рейн вилоятига бостириб кирди ва Германия томонидан Локарно битими шартлари бузилди.

**1936 йил 27 апрель** – Бельгия ўзини бетараф деб эълон қилди.

**1936 йил июнь** – Францияда социалистлар, коммунистлар ва радикаллардан иборат Халқ фронти фаолияти: Леон Блюм бошчилигидаги ҳукумат бошқаруви даври.

**1936 йил 17 июль** – ҳарбий-фашистик исён Марокашнинг испан зонасида бошланиб, 18 июлда Испания ҳудудига кўчди.

**1936 йил 18 июль** – Испанияда фуқаролар уруши бошланишига олиб келган фашистлар исёни бошланди.

**1936 йил июль – 1939 йил март** – Испанияда фуқаролар уруши.

**1936 йил июль** – Австрия канцлери Курт Шушниг (1897– 1977) Германия билан шартнома имзолади.

**1936 йил 4 август** – ҳарбий министр генерал Иоанис Метаксас Грецияда шахсий диктатура тартибини ўрнатиб, давлат тўнтаришини амалга оширди. У умрининг охиригача (1941 й.) диктатор сифатида Грецияда ҳукмронлик қилди.

**1936 йил 26 август** – Англия ва Миср ўртасида иттифоқчилик ва инглиз истилочи қўшинларининг Мисрда қолдирилиши тўғрисидаги битим тузилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1936 йил август** – СССРда «антисовет бирлашган троцкийчи-зиновьевчи марказ» иши юзасидан суд жараёни бўлиб ўтди.

**1936 йил сентябрь** – фашистлар Мадридга ҳужум бошлади.

**1936 йил 25 октябрь** – Англия ва Германия ўртасида ҳарбий-сиёсий иттифоқ расмийлаштирилди.

**1936 йил 25 октябрь** – Берлин – Рим иттифоқи расмийлаштирилди. Италия ва Германия тобора яқинлашди ҳамда улар ўртасида Испания республикасига қарши ҳамкорликда кураш бошланди. Италия томонидан Эфиопия босиб олинишини тан олиш тўғрисидаги битим тузилди.

**1936 йил октябрь** – Испанияда сўл социалистлар йўлбошчиси Ларго Кабальеро бошчилигида янги ҳукумат тузилди.

**1936 йил 9 ноябрь** – биринчи байналмилал бригада Мадрид учун жангга кирди.

**1936 йил 25 ноябрь** – Германия ва Япония ўртасида Коминтернга қарши битим имзоланди.

**1936 йил 5 декабрь** – СССРда Сталин Конституцияси қабул қилинди. СССР ФА Тарих институти очилди.

**1936 йил 5 декабрь** – Қозогистон АССР ўрнида Қозоғистон ССР (ҚозССР) ташкил топди. (1936-1991 йилларда Қозоғистон ССР СССР давлати таркибида бўлган.)

*Қозогистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг раислари:* Ураз Дзаизакович Исаев (1929/1936 йил 5 декабрь-1937), Ибрагим Таусиевич Тожиев (1937-1938 йил июль), Нуртас Дандибаевич Ундасинов (1938 йил июль-1946 йил 15 март);

*Қозогистон ССР Министрлар Советининг раислари:* Нуртас Дандибаевич Ундасинов (1946 йил 15 март-1954 йил январь), Елубай Базимович Тайбеков (1954 йил январь-1955 йил 31 март), Динмухамед Ахмедович Кунаев (1955 йил 31 март-1960 йил 20 январь), Жумабек Ахметович Ташенев (1960 йил 20 январь-1961 йил 6 январь), Салькен Дауленович Дауленов (1961 йил 24 январь-1962 йил 13



www.ziyouz.com kutubxonasi

сентябрь), Масимхан Бейсембаевич Бейсембаев (1962 йил 13 сентябрь – 1962 йил 26 декабрь), Динмухамед Ахмедович Кунаев (1962 йил 26 декабрь – 1964 йил 7 декабрь), Масимхан Бейсембаевич Бейсембаев (1964 йил 7 декабрь – 1970 йил 31 март), Байкен Ашимович Ашимов (1970 йил 31 март – 1984 йил 22 март), Нурсултон Абишевич Назарбоев (1984 йил 22 март – 1989 йил 27 июль), Узакбай Караманович Караманов (1989 йил 27 июль – 1990 йил 20 ноябрь); *Қозоғистон ССР Ҳукумати раиси:* Узакбай Караманович Караманов (1990 йил 20 ноябрь – 1991 йил 16 октябрь).

*РКП(б) МК Қирғиз (Қозоқ) область бюроси котиблари:* Станислав Станиславович Пестковский (1920 йил 30 апрель – 1920 йил август), Иван Алексеевич Акулов (1920 йил август – 1921 йил январь), Мухамедхафий Мурзагалиев (1921 йил январь – 1921 йил июнь); *РКП(б) Қирғиз (Қозоқ) обкоми котиблари:* Мухамедхафий Мурзагалиев (1921 йил июнь – июль), Мария Михайловна Костеловская (1921 йил июль), Георгий Алексеевич Коростелёв (1921 йил июль – 1924 йил сентябрь), Виктор Иванович Нанейшвили (1924 йил сентябрь – 1925 йил 19 февраль); *ВКП(б) Қозоғистон ўлка комитети котиблари:* Виктор Иванович Нанейшвили (1925 йил 19 февраль – июнь), Филипп Исаевич Голошёкин (1925 йил 12 сентябрь – 1933 йил февраль), Левон Исаевич Мирзоян (1933 йил февраль – 1937 йил 23 апрель).

*Қозоғистон Компартияси Марказий Комитети биринчи котиблари:* Левон Исаевич Мирзоян (1937 йил 23 апрель – 1938 йил 23 май), Николай Александрович Скворцов (1938 йил 23 май – 1945 йил май), Геннадий Андреевич Борков (1945 йил май – 1946 йил 22 июнь), Жумабай Шаяхметов (1946 йил 22 июнь – 1954 йил 6 февраль), Пантелеймон Кондратьевич Пономаренко (1954 йил февраль – 1955 йил 7 май), Леонид Ильич Брежнев (1955 йил 7 май – 1956 йил 6 март), Иван Дмитриевич Яковлев (1956 йил 6 март – 1957 йил 26 декабрь), Николай Ильич Беляев (1957 йил 26 декабрь – 1960 йил 19 январь), Динмухамед Ахмедович Кунаев (1960 йил 19 январь – 1962 йил 26 декабрь), Исмаил Юсу-



www.ziyouz.com kutubxonasi

пович Юсупов (1962 йил 26 декабрь – 1964 йил 7 декабрь), Динмухамед Ахмедович Кунаев (1964 йил 7 декабрь – 1986 йил 16 декабрь), Геннадий Васильевич Колбин (1986 йил 16 декабрь – 1989 йил 22 июнь), Нурсултон Абишевич Назарбоев (1989 йил 22 июнь – 1991 йил 14 декабрь).

*Қозоғистон Олий Совети Президиуми раислари:* А. Казакпаев (1938–1947), Д. Керимбаев (1947–1954), Нуртас Дандибаевич Ундасинов (1954 – 1955 йил 19 апрель), Жумабек Ахметович Ташенев (1955 йил 19 апрель – 1960 йил 25 август), Исагали Шарипович Шарипов (1960 йил 25 август – 1965 йил 5 апрель), Сабир Билялович Ниязбеков (1965 йил 5 апрель – 1978 йил 19 декабрь), Исатай Абдукаримович Абдукаримов (1978 – 1979), Саттар Нурмашевич Имашев (1979 йил 13 декабрь – 1984 йил 22 февраль), Байкен Ашимович Ашимов (1984 йил 22 февраль – 1985 йил 27 сентябрь), Саламат Мукашевич Мукашев (1985 йил 27 сентябрь – 1988 йил 9 февраль), Закаш Камалиденович Камалиденов (1988), М. Сагдиев (1989 – 1990); *Қозоғистон Олий Совети раислари:* Қўйлибой Усенович Медеубеков (1990), Нурсултон Абишевич Назарбоев (1990 йил 22 февраль – 24 апрель), Ерик Магзумович Асанбаев (1990 йил 24 апрель – 1991 йил 16 октябрь).

*Қозоғистон ССР президенти:* Нурсултон Абишевич Назарбоев (1990 йил 24 апрель – 1991 йил 16 декабрь).

**1936 йил** – Англия қўшинлари фақат Сувайш канали ҳудуди, Қоҳира ва Искандариядагина қолдирилди.

**1936 йил** – АҚШ гумаштаси генерал Анастасио Сомоса Никарагуа диктаторлигини қўлга киритди ва мамлакат устидан АҚШнинг тўла ҳукмронлигини ўрнатди.

**1936 йил** – Венесуэлада президент Элеасар Контрерасдан демократик эркинликлар, касаба уюшмалари ҳуқуқларини тиклаш ва ижтимоий ислоҳотлар ўтказишни талаб қилган оммавий намойишлар авж олди.

**1936 йил** – Берлинда ёзги Олимпия ўйинлари ўтказилди.

**1936 йил** – Испанияда Халқ фронти сайловларда ғалаба қилди; суиқасд ва қотилликлар кўпайди; генерал Франко-



www.ziyouz.com kutubxonasi

нинг ҳарбий тўнтариши, фуқаролар урушининг бошланиши. Урушда республикачиларга қарши миллатчилик кайфиятидаги франкочилар жанг олиб борди.

**1936 йил** – Германияда нацистлар раҳбарияти бутун иқтисодиётни уруш йўналишига ўтказишнинг тўрт йиллик режасини ишлаб чиқди.

**1936 йил** – АҚШда президент Франклин Делано Рузвельт сайловларда иккинчи марта ғалаба қозонди. Мамлакатдаги 48 штатдан 46 таси унинг номзодини қувватлади. Бу умумхалқ қўллаб-қувватланишига эришган неолиберализмнинг зафари эди.

**1936–1938 йиллар** – СССРда катта террор даври.

**1936–1938 йиллар** – Москвада большевиклар партиясининг собиқ раҳбарлари устидан суд жараёнлари бўлиб ўтди. Николай Иванович Бухарин, Григорий Евсеевич Зиновьев, Лев Борисович Каменев, Алексей Иванович Риков, Михаил Павлович Томский ва бошқалар фитна, диверсиялар уюштирганликда ва жосусликда айбланиб, ўлим жазосига ҳукм қилинди. Улар сафида Ўзбекистон ССР раҳбарлари Файзулла Хўжаев ва Акмал Икромов ҳам бор эди.

**1936–1939 йиллар** – Фаластинда араб қўзғолончилари ҳаракати.

**1937 йил январь** – Москвада «Параллел антисовет троцкийчи марказ» иши бўйича суд жараёни бўлиб ўтди.

**1937 йил 26 апрель** – фашист учувчилари Гернике шаҳрини тамомила вайрон қилди.

**1937 йил 20 март** – испан республикачи қўшинлари томонидан Гвадалахара остонасида исёнчи ва интервентлар тор-мор келтирилди.

**1937 йил июнь** – қизил армия (СССР)да оммавий террор бошланди.

**1937 йил 7 июль**–Япония Хитойнинг шимоли-шарқига бостириб кирди ва япон-хитой уруши бошланди. Японлар томонидан Нанкинда қўғирчоқ ҳукумат тузилди.

**1937 йил июль–1945 йил сентябрь**–япон-хитой уруши даври. Бу урушда Хитой миллатчилари ва коммунистлари биргаликда босқинчи японларга қарши курашди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1937 йил ноябрь** – Италия давлати Германия ва Япония имзолаган Антикоминтерн битимига қўшилди.

**1937 йил 29 декабрь** – Ирланд эркин давлати (1932 йилдан Имон де Валер – премьер-министр) ўз номини Эйре мустақил давлати деб ўзгартирди. Давлатнинг янги конституцияси қабул қилинди.

*Ирландия президентлари:* Дуглас Хайд (1938–1945), Шон Томас О'Келли (1945–1959), Имон де Валер (1959 – 1973), Эрскин Чайлдерс (1973–1974), Кэрролл О'Дэли (1974–1976), Патрик Хиллери (1976–1990), Мэри Робинсон (1990–1997), Мэри Макэлис хоним (1997 йил 11 ноябрдан).

**1937 йил** – мустақиллик ва демократик эркинликлар учун курашган индонез халқи ҳаракати (гериндо) ташкил этилди.

**1937 йил** – Кореяда Ким Ир Сен бошчилигидаги партизан бўлинмаси қисқа муддатга Почхонбо шаҳрини озод қилди.

**1937 йил** – Югославия билан Германия ўртасида «абадий дўстлик» ҳақида шартнома имзоланди.

**1937–1938 йиллар** – СССРда оммавий қатағон ва қатли ом (репрессия ва террор) ўтказилди.

**1938 йил 10 февраль** – Руминияда қирол Карл томонидан 1923 йилдаги конституция бекор қилинди ва «қирол диктатураси» ўрнатилди.

**1938 йил 11 март** – Адольф Гитлер гўёки Германияга тарафдор австрияликларни таъқиб остига олгани учун Курт Шушнигнинг истеъфо беришини талаб қилди.

**1938 йил 13 март** – Австрия Германия қўшинлари томонидан эгалланди (Австрия «аншлюс» қилинди).

**1938 йил март** – Москвада «антисовет ўнг троцкийчи блок» иши бўйича суд жараёни бўлиб ўтди. Суд ҳукмига кўра Файзулла Хўжаев ва Акмал Икромов ҳам 15 киши қаторида отиб ташланди.

**1938 йил 10 апрель – 1940 йил 18 март** – ҳокимиятни бошқарган Эдуар Даладье ҳукумати давридаёқ Франция меҳнаткашлари учун Халқ фронти ҳукумати жорий



www.ziyouz.com kutubxonasi

қилган имтиёзларга барҳам берила бошланди. Халқ фронти ҳукумати тугади.

**1938 йил 18 июнь** – Германияда Чехословакияни тор-мор этиш ва йўқ қилишнинг «Грюн» деб номланган операцияси режаси тайёрланди.

**1938 йил 21 июль** – Боливия ва Парагвай ўртасида сулҳ битими имзоланиб, унга мувофиқ ҳududнинг катта қисми АҚШнинг йирик «Стандарт ойл компани» тресги қўлига ўтди.

**1938 йил 29 июль – 11 август** – СССР ҳудудига бостириб кирган япон қўшинлари Ҳасан кўлида тор-мор келтирилди (Ҳасан кўлидаги жанг).

**1938 йил 22 сентябрь** – Прагада кўп минг кишилик намойиш бўлиб ўтди. Намойишчилар Годжа хукуматининг истеъфо беришини ва умумий сафарбарлик эълон этилишини талаб қилди.

**1938 йил 28 сентябрь** – Германияда ҳарбий сафарбарлик бошланди.

**1938 йил 29–30 сентябрь** – Англия, Франция, Германия ва Италия вакилларининг Мюнхендаги конференциясида Чехословакияни бўлиб ташлаш тўғрисидаги битим (Мюнхень битими) имзоланди. Бу битимни Англия Бош вазири Невилл Чемберлен ва бошқалар имзолади.

**1938 йил 30 сентябрь** – Англия ва Германия ўртасида ҳужум қилмаслик ва баҳсли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш тўғрисидаги декларация имзоланди.

**1938 йил 4 октябрь** – Франция Миллий Мажлиси шармандали Мюнхень битимини ратификация қилди.

**1938 йил 10 октябрь** – Германия қўшинлари Судет вилояти (Чехословакия)га кирди ва у фашистик рейхнинг бир қисмига айланди. Давлат раҳбари Эдвард Бенеш Гитлернинг талабига кўра истеъфога чиқди ва чет элга кетди. Унинг ўрнига Эмиль Гаха президент бўлди. Лекин Чехословакия фожиаси бу билан тугамади.

**1938 йил октябрь** – Венгрия Жанубий Словакияни ўзига қўшиб олган ҳолда Чехословакиянинг парчаланишида иштирок этди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1938 йил 2 ноябрь** – Венгрия томонидан Словакиянинг бир қисми ва Карпаторти Украинаси босиб олинди.

**1938 йил 10 ноябрь** – Туркия Республикаси асосчиси ва биринчи президенти Мустафо Камол Отатурк вафот этди. Исмет Иненю президент қилиб сайланди.

**1938 йил 30 ноябрь** – Францияда умумий иш ташлаш бошланди.

**1938 йил ноябрь** – Польша Мюнхень битимидан фойдаланган ҳолда Чехословакиянинг Тешин вилоятини ўзига қўшиб олди ва бу Чехословакия суверенитетига ғоят қаттиқ зарба берди.

**1938 йил 6 декабрь** – Франция ва Германия ўртасида ҳужум қилмаслик ва баҳсли масалаларни тинч йўл билан ҳал қилиш тўғрисидаги декларация имзоланди.

**1938 йил** – Мексикада нефть қазиб чиқариш саноати национализация қилинди (давлат тасарруфига ўтказилди).

**1938 йил** – Халқ фронти Чилида ғалабага эришди. Мамлакат президентлигига Педро Агирра Серда сайланди (1938–1941 й.). Президент Агирра 1932 йилдан сўнг ҳарбий диктатура даврида бекор қилинган фуқаровий эркинликларни қайта тиклади.

**1938 йил** – Адольф Гитлер билан Бенито Муссолини ўртасида таъсир доираларини бўлиб олиш ҳақида келишув амалга оширилди ва Албания итальян доирасига киритилди.

**1939 йил январь** – СССРда илк марта Бутуниттифоқ аҳолини рўйхатга олиш бўлиб ўтди.

**1939 йил январь – март** – Франсиско Франко қўшинлари Барселонани босиб олиб, Мадридга киргач, Испанияда фуқаролар уруши тугади. Ғарб давлатлари Франко ҳукуматини дарҳол тан олишди. Қатағонлар бошланди. (Уруш давомида ҳар икки томон: Франко миллатчилари фашистлар Италияси ва нацистлар Германиясидан; республикачилар СССР, Коминтерн ва «интернационал бригадалар»дан мадад олиб турди.)

**1939 йил 14 март** – Германия қўшинлари Чехословакия ҳудудига бостириб кирди. 16 мартда Гитлер Прагадаги



www.ziyouz.com kutubxonasi

Градчина саройининг балконидан туриб Чехословакиянинг давлат сифатида тугатилиши ва унинг ўрнида Германиянинг Богемия ва Моравия протекторати (вассаллиги) тузилишини эълон қилди.

**1939 йил 22 март** – Литва ҳукумати Клайпедани Германияга топширди.

**1939 йил апрель** – Италия Албанияни босиб олди.

**1939 йил 22 май** – Германия ва Италия (Жан Галеаццо Чиано ва Иоахим фон Риббентроп) ўртасидаги «пўлат» битим.

**1939 йил 11 май – 31 август** – Япония Холхин-Голда Монголия Халқ Республикаси ҳудудига бостириб кирди. Япония қўшинларининг мағлубияти.

**1939 йил 1 август–17 сентябрь** – Фаргона водийсида узунлиги 270 км бўлган Катта Фаргона канали ҳашар усули билан қурилди.

**1939 йил 23 август** – СССР ва Германия ўртасида ҳужум қилмаслик тўғрисида битим 10 йил муддатга имзоланди (бу битим Молотов-Риббентроп пакти номи билан машҳур). Битимнинг махфий қисмида иккала давлатнинг бўлажак чегаралари ва таъсир доиралари белгилаб олинди. Польша, Болтиқ бўйи ва Финляндияда Совет Иттифоқининг таъсир доираси кучайтирилди.

**1939 йил 1 сентябрь** – фашистлар Германияси Польшага ҳужум қилди. Иккинчи жаҳон уруши бошланди.

**1939 йил 1 сентябрь – 1945 йил 2 сентябрь** – Иккинчи жаҳон уруши даври.

**1939 йил 3 сентябрь** – Франция ва Англия давлатлари Германияга қарши уруш эълон қилди.

**1939 йил 17 сентябрь** – СССР ва Германия ўртасидаги ҳужум қилмаслик тўғрисидаги битимнинг махфий моддаларига мувофиқ СССР қўшинлари Польша ҳудудига кирди. Польшани бўлиб олиш жараёни бошланди.

**1939 йил 19 сентябрь** – қизил армия қўшинлари Вильнюсни эгаллади.

**1939 йил 22 сентябрь** – Брест-Литовскда Польшани тормор келтириш операциясининг тугатилиши шарафига совет ва немис қўшинларининг қўшма паради ўтказилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1939 йил 28 сентябрь** – СССР ва Германия ўртасида дўстлик ва чегаралар тўғрисидаги шартнома имзоланди.

**1939 йил 8–12 октябрь** – Германия ҳукумати томонидан Польша давлати тугатилди. Польшанинг ғарбий вилоятлари Германияга қўшиб олинди ва мамлакатнинг қолган қисмида «босиб олинган Польша вилоятлари генерал-губернаторлиги»нинг ташкил этилиши тўғрисидаги декретлар эълон қилинди.

**1939 йил 30 ноябрь–1940 йил 12 март** – совет-фин уруши. Уруш натижасида СССР Виборг шаҳри ва Ладога кўли атрофидаги ҳудудларни қўлга киритди.

**1939 йил 14 декабрь** – Миллатлар Лигаси СССРни агрессиячи мамлакат деб эълон қилиб, уни Лигага аъзоликдан чиқарди.

**1939 йил** – қуролланишга мутаносиб нархларда Англия – 5 млрд., Франция – 2,3 млрд. марка пул сарфлагани ҳолда, Германиянинг бу борадаги харажатлари 18 млрд. маркани ташкил қилди.

**1939 йил** – Англия урушга тайёрланди ва умумий ҳарбий мажбурият жорий қилинди.

**1939 йил** – инглиз физиклари томонидан радар кашф этилди.

**1939 йил** – Саудия Арабистонида дунёдаги энг бой ва сердаромад нефть конларини саноат асосида ишлаб чиқариш бошланди. Саудия Арабистони жаҳон глобаллашуви жараёнига қўшилди.

**1939 йил** – Германияда дастлабки реактив самолёт – «Хенкель-178»нинг биринчи парвози.

**1939–1945 йиллар** – Иккинчи жаҳон уруши даврида Туркиянинг нейтралитети.

**1939–1975 йиллар** – Испанияда Франсиско Франко диктатураси ҳукм сурди.

**1940 йил 8–9 апрель** – «Везерюбунг» операцияси бошланиб, унинг натижасида атиги икки кун ичида немис қўшинлари Норвегия ва Данияни босиб олди.

**1940 йил 10 май**–уч давлат: Голландия (Нидерландия),



www.ziyouz.com kutubxonasi

Бельгия ва Люксембургни тор-мор келтиришни кўзда тутувчи «Гелб» операцияси ўтказилди.

**1940 йил май** – Германия Францияга қарши ҳужум қилди. Францияни босиб олиш бошланди.

**1940 йил 10 июнь** – Италия давлати Англия ва Францияга уруш эълон қилди.

**1940 йил 10–11 июнь** – маршал Петен француз давлати Миллий Мажлиси раислигига сайланди: Вишидаги ҳукумат Германия билан ҳамкорлик қила бошлади.

**1940 йил 14 июнь** – немис-фашист қўшинлари Парижни ишғол қилди.

**1940 йил 14 июнь** – Италия давлати Германия томонида туриб урушга кирди.

**1940 йил 18 июнь** – Францияда Қаршилик ҳаракати ташкил топди. Генерал де Голль Лондондан туриб, французларни немисларга қарши урушни давом эттиришга чақирди.

**1940 йил 22 июнь** – Компьен ўрмонида (1918 йилги Компьен яраш аҳди имзоланган жойда) маршал Фошнинг музейдан олиб келинган штаб вагонида Франция билан Германия ўртасида яраш аҳди имзоланди.

**1940 йил 1 июль–19 август** – Италия қўшинлари Шимолий Африкага ҳужумга ўтди.

**1940 йил 21 июль** – Латвияда зўравонлик билан совет ҳокимияти ўрнатилди ва Латвия ССР (ЛатССР) ташкил топди. (1940–1990 йилларда Латвия ССР СССР давлати таркибида бўлган.)

*Латвия ССР Халқ Комиссарлари Советининг раислари:* Вилис Лацис (1940 йил 25 август–1959 йил 27 ноябрь); *Латвия ССР Министрлар Советининг раислари:* Янис Пейве (1959 йил 27 ноябрь–1962 йил 23 апрель), Виталий Рубэн (1962 йил 23 апрель–1970 йил 5 май), Юрий Рубэн (1970 йил 5 май–1988 йил 6 октябрь), Вилнис Эдвин Бресис (1988 йил 6 октябрь–1990 йил 7 май), Иварс Годманис (1990 йил 7 май–1993 йил 3 август).

*Латвия Компартияси Марказий Комитети биринчи котиблари:* Янис Калнберзин (1940–1959), Арвид Пель-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ше (1959–1966), Август Восс (1966–1984), Пуго (1984 – 1988), Янис Янович Вагрис (1988–1990), Борис Рубикс (1990–1991).

*Латвия Олий Совети Президиуми раислари:* Август Кирхенштейн (1940–1952), Карлис Озолиньш (1952–1959), Янис Калнберзиньш (1959–1970), Виталий Рубенис (1970–1974), Петерис Страутманис (1974–1985), Янис Вагрис (1985–1988), Анатолий Горбунов (1988–1990); *Латвия Олий Совети раиси:* Анатолий Горбунов (1989–1993).

**1940 йил 21 июль**–Литвада зўравонлик билан совет ҳокимияти ўрнатилди ва Литва ССР (ЛитССР) ташкил топди. (1940–1990 йилларда Литва ССР СССР давлати таркибида бўлган.)

*Литва ССР Халқ Комиссарлари Советининг раиси:* Мечисловас Гедвилас (1940 йил 25 август–1946 йил 2 апрель); *Литва ССР Министрлар Советининг раислари:* Мечисловас Гедвилас (1946 йил 2 апрель–1956 йил 16 январь), Мотеюс Шумаускас Юозович (1956 йил 16 январь–1967 йил 14 апрель), Иосиф Антонович Манюшис (1967 йил 14 апрель–1981 йил 16 январь), Рингудас-Броинславас Игнович Сонгайла (1981 йил 16 январь–1985 йил 18 октябрь), Витаустас Владович Скалаускас (1985 йил 18 ноябрь–1990 йил 11 март), Казимира Дануте Прано Прунскене (1990 йил 17 март–1991 йил 8 январь), Альбертас Винцович Шименас (1991 йил 10 январь–1991 йил 13 январь), Гядиминас Зенович Вагнорюс (1991 йил 13 январь–1992 йил 14 июль).

*Литва Компартияси Марказий Комитети биринчи котиблари:* П.В. Эйдукявичус (1918–1919), В.С. Мицкявичус-Капсукас (1919–1920), Каролис Пожела (1923–1926), А.Ю. Снечкус (1936–1939); А.Ю. Снечкус (1940–1974), П.П. Гришкявичус (1974–1987), Рингаудас-Брониcловас Сонгайла (1987–1988), Альгирдас Бразаускас (1988–1990), Миколас Бурокявичус (1990 йил 4 мартдан).

*Литва Олий Совети Президиуми раислари:* Юстас Палецкис (1940 йил 25 август–1941 йил 24 июнь; 1944 йил 13



www.ziyouz.com kutubxonasi

июнь – 1967 йил 17 апрель), Мотеюс Шумаускас (1967 йил 14 апрель – 1975 йил 24 декабрь), Антанас Стасевич Баркаускас (1975 йил 24 декабрь – 1985 йил 18 ноябрь), Рингаудас-Брониcловас Сонгайла (1985 йил 18 ноябрь – 1987 йил 7 декабрь), Витаутас Стасевич Астраускас (1987 – 1990), Альгирдас Миколас Бразаускас (1990 йил 15 январь – 11 март).

**1940 йил 21 июль** – Эстонияда зўравонлик билан совет ҳокимияти ўрнатилди ва Эстония ССР (ЭССР) ташкил топди. (1940 – 1991 йилларда Эстония ССР СССР давлати таркибида бўлган.)

*Эстония ССР Халқ Комиссарлари Советининг раислари:* Лауристин Йоханнес Ансович (1940 йил 25 август – 1941 йил 28 август), Оскар Адович Сепре (? – 1944 йил; в.б.), Арнольд Тинувич Веймер (1944 – 1946); *Эстония ССР Министрлар Советининг раислари:* Арнольд Тинувич Веймер (1946 – 1951), Алексей Александрович Мюрисепп (1951 – 1961), Вальтер Иванович Клаусон (1961 – 1984), Бруно Эдуардович Сауль (1984 – 1988), Индрек Хербертович Тооме (1988 – 1990), Сависаар Эдгар (1990 – 1992).

*Эстония Компартияси Марказий Комитети биринчи котиблари:* Карл Янович Сяре (1940 – 1943), Николай Георгиевич Каротамм (1944 – 1950), Йоханнес Густавович Кэбин (1950 – 1978), Карл Генрихович Вайно (1978 – 1988), Вайно Иосипович Вяльяс (1988 – 1990), Лембит Эльмарович Аннус (1991 йил январь – сентябрь).

*Эстония Олий Совети Президиуми раислари:* Варес (Барбарус) Иоганнес (1940 – 1946), Андрезен Нигол (1946 – 1947; в.б.), Эдуард Николаевич Пялль (1947 – 1950), Аугуст Михкелевич Якобсон (1950 – 1958), Иоганн Гансович Эйхфельд (1958 – 1961), Алексей Александрович Мюрисепп (1961 – 1970), Ансберг Александр (1970), Артур Павлович Вадер (1970 – 1978), Мета Вильямовна Янголенко-Ваннас (1978), Иван Густавович Кэбин (1978 – 1983), Арнольд Федорович Рюйтель (1983 – 1990).

**1940 йил 2 август** – Молдавия ҳудудида тўлиқ совет ҳокимияти ўрнатилди ва Молдавия АССР ўрнига Молдавия



www.ziyouz.com kutubxonasi

ССР (МолдССР) ташкил топди. (1940–1991 йилларда Молдавия ССР СССР давлати таркибида бўлган.)

*Молдавия ССР Халқ Комиссарлари Советининг раислари:* Тихон Константинов (1940–1945), Николай Коваль (1945–1946), Герасим Рудь (1946 йил январь–апрель); *Молдавия ССР Министрлар Советининг раислари:* Герасим Рудь (1946–1958), Александру Диордица (1958–1970), Петру Паскарь (1970–1976), Семён Гроссу (1976–1980), Ион Устиян (1980–1985), Иван Калин (1985–1990), Петру Паскарь (1990 йил январь–май),

*Молдавия Компартияси Марказий Комитети биринчи котиблари:* П.Г.Бородин (1940–1942), Н.Л.Сологор (1942–1946), Н.Г.Коваль (1946–1950), Леонид Ильич Брежнев (1950–1952), Д.С. Гладкий (1952–1954), Зиновий Темофеевич Сердюк (1954–1961), Иван Иванович Бодюл (1961–1980), Семён Кузьнич Гроссу (1980–1989), Петру Лучинский (1989–1991), Г.Еремей (1991 йил февраль–сентябрь),

*Молдавия Олий Совети Президиуми раислари:* Ф. Бровко (1941–1951), И.Кодица (1951–1963), К.Ильяшенко (1963–1980), И.Калин (1980–1986), Александр Александрович Мокану (1986–1989), Мирча Иванович Снегур (1989–1990); *Молдавия Олий Совети раиси:* Мирча Иванович Снегур (1990 йил 27 апрель–3 сентябрь).

**1940 йил август–октябрь** – Англия учун жанглар. Қиролликнинг ҳарбий ҳаво кучлари нацистлар Германияси учувчилари устидан ғалабага эришди.

**1940 йил 6 сентябрь** – Руминияда Ион Антонеску ҳукумат тепасиға келгач, қирол Каролнинг ҳокимиятдан воз кечишини талаб қилди, уни Руминиядан қувиб чиқарди ва ҳокимиятни қирол Михайга топширди.

**1940 йил 16 сентябрь** – АҚШда умумий ҳарбий мажбурият тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

**1940 йил 22 сентябрь** – Германия ва Финляндия ўртасида Финляндиянинг СССРга қарши урушда қатнашиши тўғрисидаги ҳарбий битим имзоланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1940 йил 27 сентябрь** – Япония, Германия ва Италия ўртасида Уч томонлама пакт имзоланди.

**1940 йил 12 октябрь** – фашист қўшинлари Румиянияга бостириб кирди.

**1940 йил 28 октябрь** – Италия Грецияга бостириб кирди.

**1940 йил 14–19 ноябрь** – Германия авиацияси Англиядаги Бирмингем ва Ковентрини бомбардимон қилди.

**1940 йил 20 ноябрь** – Венгрия фашист давлатларининг Уч томонлама битимига қўшилди.

**1940 йил 23 ноябрь** – Руминия фашист давлатларининг Уч томонлама битимига қўшилди.

**1940 йил 18 декабрь** – Гитлер томонидан СССРга қарши уруш тўғрисидаги 21-сон директива («Барбаросса режаси») имзоланди.

**1940 йил** – Германия босиб олган ҳудудда 290 млн. киши яшар, 45 млн. тонна пўлат қуйилар, 400 млн. тонна кўмир ва 10 млн. тонна нефть қазиб олинар, 700 минг автомобиль, 110 млрд. квт. электр қуввати ишлаб чиқариларди.

**1940 йил** – Литва, Латвия ва Эстония республикалари мажбурий тарзда Совет Иттифоқи таркибига қўшилди.

**1940 йил** – Югославияда Цветкович ҳукумати СССР билан дипломатик алоқалар ўрнатди.

**1940–1956 йиллар** – Карелия-Фин ССР мавжуд бўлган (СССР таркибида). 1956 йилда у Карелия АССРга (РСФСР таркибида) айлантирилди.

**1940–1966 йиллар** – Иосип Броз Тито Югославия Коммунистлар Союзи (ЮКС) Бош котиби бўлди (У 1966–1980 йилларда ЮКС раиси бўлган).

**1941 йил 1 март** – Болгария фашист давлатларининг Уч томонлама битимига қўшилди.

**1941 йил 11 март** – АҚШ конгресси томонидан «Қурол-яроғни қарзга ёки ижарага бериш (ленд-лиз) тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1941 йил 24 март** – Югославия фашист давлатларининг Уч томонлама битимига қўшилди.

**1941 йил март** – немис қўшинлари Болгарияни босиб олди.

**1941 йил 5 апрель** – Германия Югославия ва Грецияга бостириб кирди. (Бу ҳудудни 1940 йил октябрда итальянлар босиб олган эди.)

**1941 йил 17 апрель** – Югославия армияси Германияга таслим бўлди.

**1941 йил 27 апрель** – Германия қўшинлари Греция армиясининг қаршилигини енгиб, Афинага кирди.

**1941 йил 6 май** – ВКП(б) МК Бош котиби Иосиф Виссарионович Сталин СССР Халқ Комиссарлари Совети раиси лавозимига тайинланди.

**1941 йил 11 июнь** – Руминияда Адольф Гитлер ва Ион Антонеску томонидан Совет Иттифоқига биргаликда ҳужум қилиш режалари узил-кесил белгилаб олинди.

**1941 йил 22 июнь** – ўзаро ҳужум қилмаслик тўғрисидаги совет-немис пактини бузиб, Германия кўққисдан СССРга ҳужум қилди. Фашизмга қарши уруш бошланди. СССР ҳудудида 1905–1918 йилларда туғилган ҳарбий хизматга мажбурларни фронтга сафарбар қилиш бошланди.

**1941 йил 22 июнь–20 июль** – Брест қалъаси мудофааси.

**1941 йил 22 июнь–1942 йил 18 ноябрь** – СССРнинг фашистлар Германиясига қарши олиб борган урушининг биринчи босқичи.

**1941 йил 22 июнь–1945 йил 9 май** – Германия ва СССР ўртасидаги уруш.

**1941 йил 23 июнь, 27 июнь, декабрь** – Германия томонидан туриб Руминия, Венгрия ва Болгария урушга киришди.

**1941 йил 24 июнь** – АҚШ президенти Франклин Делано Рузвельт Совет Иттифоқини қўллаб-қувватлашини маълум қилди.

**1941 йил 30 июнь–1945 йил 4 сентябрь** – Иосиф



www.ziyouz.com kutubxonasi

Виссарионович Сталин бошчилигида Давлат Мудофаа Комитети фаолият кўрсатди.

**1941 йил 10 июль–10 сентябрь** – Смоленск учун жанг Гитлернинг «шиддатли уруш» режаси йўлига тўғаноқ бўлди.

**1941 йил 10 июль–1944 йил 9 август** – Ленинград мудофааси. «Шимол» қўшинлар группировкаси (29 та дивизия) олдига Болтиқбўйидаги совет қўшинларини тор-мор келтириб, «Марказ» қўшинлар группировкаси қисмлари билан ҳамкорликда Ленинград ва Кронштадтни қўлга олиш вазифаси қўйилган эди. 1941 йил 8 сентябрда немис қўшинлари Ленинградни қуруқликдан кесиб қўйди. Шаҳар қамалда қолди. Фақат 1943 йил 18 январда совет қўшинлари қамални ёриб ўтдилар, 1944 йил январь–февралда унга батамом барҳам берилди. 1944 йил 9 августда Ленинград жанги ниҳоясига етди.

**1941 йил 12 июль** – СССР ва Буюк Британия ўртасида Германияга қарши бирга ҳаракат қилиш тўғрисидаги битим имзоланди.

**1941 йил 8 август** – Иосиф Виссарионович Сталин СССР Қуролли Кучларининг Олий бош қўмондони лавозимига тайинланди.

**1941 йил 14 август** – «Уэлс шаҳзодаси» инглиз ҳарбий кемасида Уинстон Черчилль ва Франклин Делано Рузвельт фашизмга қарши курашиш нияти баён этилган «Атлантика хартияси»ни имзоладилар. Шу йилнинг 24 сентябрида Совет ҳукумати хартияга қўшилди.

**1941 йил 14 август** – нейтралитет (ўзаро дахлсизлик) тўғрисида совет-япон шартномаси.

**1941 йил 29 сентябрь–1 октябрь** – СССР, АҚШ ва Буюк Британия вакиллари Москвада конференция ўтказди.

**1941 йил 30 сентябрь** – Москва остонасида жанг бошланди.

**1941 йил 30 сентябрь–1942 йил 20 апрель** – Москва ва унинг атрофлари учун жанглар бўлиб ўтди.

**1941 йил октябрь–декабрь** – Москва учун жанг. Немис қўшинларининг ҳужуми тўхтатилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1941 йил октябрь** – Эрон Халқ партияси (Туде) тузилди, демократик кучлар фаоллашди.

**1941 йил 7 ноябрь** – АҚШ президентининг СССРга ленд-лиз бўйича ҳарбий ва моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги декларацияси.

**1941 йил ноябрь** – Руминия армиясининт талафоти ҳалок бўлганлар ва ярадорларни қўшганда 300 минг кишидан ортиқни ташкил этди.

**1941 йил 2 декабрь** – япон қўшинлари томонидан Гонконғ босиб олинди.

**1941 йил 5–6 декабрь** – фашист қўшинлари Москва остонасида тор-мор келтирилди. Германия ҳарбий кучлари Иккинчи жаҳон урушида биринчи марта мағлубиятга учради.

**1941 йил 6 декабрь** – Англия давлати Финляндия, Венгрия ва Руминияга қарши уруш эълон қилди.

**1941 йил 7 декабрь** – якшанба куни эрталаб японлар АҚШнинг Пирл-Харбор (Гавай ороллари)даги бош ҳарбий-денгиз базасига ҳаво ҳужуми уюштирди. Шунингдек, японлар Гонконг, Малайзия ва Филиппинга ҳужум қилди. Тинч океанида уруш ҳаракатлари бошланди. Япония АҚШга қарши уруш эълон қилди.

**1941 йил 8 декабрь** – АҚШ Японияга қарши уруш эълон қилди.

**1941 йил 11 декабрь** – Германия ва Италия АҚШга қарши уруш эълон қилди.

**1941 йил 11 декабрь** – Германия, Италия ва Япония томонидан АҚШ ва Англияга қарши урушда ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги битим имзоланди.

**1941 йил декабрь** – Панама, Куба, Гаити, Гватемала, Никарагуа, Коста-Рика, Доминика Республикалари Германия, Италия ва Японияга қарши уруш эълон қилди.

**1941 йил** – Эроннинг бир қисми совет ва инглиз қўшинлари томонидан босиб олинди. Эрон шоҳи Ризошоҳ ўз ўғли Муҳаммад Ризо Паҳлавий фойдасига тахтдан воз кечди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1941 йил** – Британ қўшинлари Бағдодни эгаллади. «Озод Франция» қўшини Сурия ва Ливанга мустақиллик берди.

**1941 йил** – япон қўшинлари Вьетнамни босиб олди.

**1941 йил** – британ қўшинлари Сомали ва Эритрейдаги итальянлар устидан галаба қозонди. Май ойида Негус Хайл Селассия Эфиопияда қўзголон кўтарди.

**1942 йил 29 январь** – Теҳронда СССР, Англия ва Эрон ўртасида иттифоқчилик битими имзоланди.

**1942 йил январь–май** – Япония томонидан Жануби-Шарқий Осиёнинг катта қисми: Филиппин, Малайзия, Бирма, Индонезия, Янги Гвинея, Гонконг, Гуам ва бошқа ҳудудлар босиб олинди. Тинч океанига японларнинг таъсири Америка флотининг галабалари натижасида тугатилди (август).

**1942 йил 15 февраль** – Япония томонидан Англиянинг Сингапурдаги ҳарбий-денгиз базаси босиб олиниб, Тинч океанидаги мудофаа тизими яксон этилди.

**1942 йил 18 апрель** – Америка авиацияси Токио, Иокогама ва бошқа япон шаҳарларига ҳужум қилди.

**1942 йил 17 июль–1943 йил 2 февраль** – Сталинград жанги. Иккинчи жаҳон урушида ҳал қилувчи бурилиш босқичи бошланди.

**1942 йил 25 июль–1943 йил 9 октябрь** – Кавказ учун жанглар бўлиб ўтди.

**1942 йил 22 август** – Бразилия давлати Германия ва Италияга қарши уруш эълон қилди.

**1942 йил 23 октябрь–4 ноябрь** – Ал-Аламайн (Миср) шаҳарчаси яқинида ҳал қилувчи жанг бўлди. Бу жангда Италия – Германия қўшинлари инглизлардан мағлубиятга учради.

**1942 йил 19 ноябрь–1943 йил охири** – СССРнинг фашистлар Германиясига қарши олиб борган урушининг иккинчи босқичи. Иккинчи жаҳон урушида туб бурилиш.

**1942 йил ноябрь** – Англия ва АҚШ Жазоир ва Марокаш қирғоқларига десант туширди. Генерал Дуайт Эйзенхауэр (1890–1969) қўмондонлигидаги Англия – АҚШ



www.ziyouz.com kutubxonasi

қўшинлари Тунисга ҳужум бошлади. Тунисда немис ва итальянларга қарши жанглар бўлди.

**1942 йил ноябрь** – Букач шаҳрида Югославия халқ халоскорлик антифашистик вечеси йиғилди ва бу халқ ҳокимиятини яратиш йўлидаги биринчи қадам бўлди.

**1942 йил** – Бразилия ва Мексика Германияға қарши уруш эълон қилди.

**1942 йил** – АҚШ ишлаб чиқаришни ҳарбий тартибга ўтказди ва бу тезда ўз натижасини берди.

**1943 йил 10 январь** – Сталинград остонасида фельдмаршал Паулюс қўмондонлигидаги қўшинлар гуруҳи куршовга олинди.

**1943 йил 12–30 январь** – Ленинград қамали ёриб ўтилди.

**1943 йил 13 январь** – Германияда тотал сафарбарлик эълон қилинди.

**1943 йил 19 март** – немис-фашист қўшинлари томонидан Венгрия босиб олинди.

**1943 йил май** – инглиз қўшинлари ва Англия – АҚШ экспедиция корпуси Тунисда бирлашиб, Италия-Германия қўшинларини қайта маглубиятга учратди.

**1943 йил 5 июль–23 август** – Курск жанги. Иккинчи жаҳон урушида биринчи ҳал қилувчи бурилиш якунланди.

**1943 йил 10 июль**–иттифоқчилар қўшини Сицилияга туширилди. Италияликлар жиддий қаршилик кўрсата олмадилар.

**1943 йил 24–25 июль** – Италияда фашист ҳукумати ағдарилди ва дуче Бенито Муссолини ҳибсга олинди.

**1943 йил август–ноябрь** – «рельслар уруши». Партизанлар ҳаракати авж олди.

**1943 йил август–декабрь** – Днепр учун жанг.

**1943 йил 8 сентябрь** – Италия таслим бўлди.

**1943 йил 13 сентябрь** – Италия (Пьетро Бадольо ҳукумати) томонидан Германияга қарши уруш эълон қилинди.

**1943 йил 19–30 октябрь** – СССР, АҚШ ва Буюк Британия Ташқи ишлар вазирларининг Москвадаги конференцияси.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1943 йил 20 октябрь** – Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонлари диний бошқармаси таъсис этилди. Диний бошқарма идораси Тошкентда жойлаштирилди.

**1943 йил 22 ноябрь** – Ливан мустақилликка эришди.

*Ливан Республикаси президентлари:* Бишар Хури (1943–1952), Фуад Шехаб (1952 йил 18–22 сентябрь), Комил Шамун (1952–1958), Фуад Шехаб (1958–1964), Шарль Хелу (1964–1970), Сулаймон Франжье (1970–1976), Илёс Саркис (1976–1982), Амин Жмайель (1982–1988), Салим Хосс (1988–1989), Рене Муавад (1989 йил 5–22 ноябрь), Илёс Храуи (1989–1998), Эмиль Лахуд (1998–2007), Фуад Синьора (2007–2008), Мишель Сулаймон (2008 йил 25 майдан).

**1943 йил 28 ноябрь–1 декабрь** – СССР, АҚШ ва Буюк Британия ҳукумат раҳбарларининг Теҳрон конференцияси. Унда Иосиф Виссарионович Сталин, Франклин Делано Рузвельт ва Уинстон Черчилль қатнашди.

**1943 йил** – Рус православ черковининг собори бўлиб, унда Сергей Бутунрус ва Москва патриархи қилиб сайланди.

**1943 йил** – Албанияда барча урушишга қодир аҳоли партизан отрядларида иштирок этди. Бошида бу отрядлар пароканда ҳолда ҳаракат қилди, бироқ 1943 йил июлида улар Анвар Хўжа (1908–1985) қўмондонлигидаги халқ озодлик армиясига бирлашди.

**1943 йил** – Боливия ҳамда Колумбия Германия ва иттифоқчиларига қарши уруш эълон қилди.

**1943 йил** – Варшава геттоси (Польша)да гетто қочоқлари кўтарган қўзғолон фашистлар томонидан шафқатсизлик билан бостирилди.

**1943 йил** – Ливан мустақилликка эришди.

**1943 йил** – Марокашда «Истиқлол» партияси тузилиб, мустақил давлат учун курашни ўз олдига асосий мақсад қилиб қўйди.

**1943 йил** – Тинч океанидаги урушда бурилиш ясалди. Америка флоти японлар устидан қатор ғалабаларга эришди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1944 йил январь–1945 йил 9 май** – СССРнинг фашистлар Германиясига қарши олиб борган урушининг учинчи босқичи.

**1944 йил 14 январь–1 март** – Ленинград ва Новгород остонасида немис-фашист қўшинлари тор-мор келтирилди.

**1944 йил 26 март** – совет қўшинлари Прут дарёси бўйлаб СССР давлат чегарасига чиқди.

**1944 йил 8 апрель–12 май** – Қримни озод қилиш операцияси. Қрим яримороли фашистлардан озод этилди.

**1944 йил 4 июнь** – иттифоқчиларнинг қўшинлари Римга кирди. Рим озод қилинди.

**1944 йил 6 июнь** – иттифоқчилар қўшинлари Нормандияга туширилди ва Франция озод қилинди. Германияга қарши Ғарб давлатлари томонидан Европада Иккинчи фронт очилди.

**1944 йил 17 июнь** – Исландия республика деб эълон қилинди.

*Исландия Республикаси президентлари:* Свейн Бьернсон (1944–1952), Аусгейр Аусгейрссон (1952–1968), Кристиан Эльдьяурн (1968–1980), Вигдис Финнбогадоттир хоним [Европада биринчи аёл президент, жаҳонда иккинчи аёл президент] (1980–1996), Олавур Рагнар Гримссон (1996 йил 1 августдан).

**1944 йил 20 июль** – Адольф Гитлер ўзининг бош қароргоҳида мажлис ўтказаётган пайтда портлаш содир бўлди. Унинг натижасида тўрт офицер ҳалок бўлди. Адольф Гитлернинг ўзи ҳеч қандай зарар кўрмади. Суиқасд вермахт офицерлари томонидан уюштирилган, бомбани полковник Штауффенберг қўйган эди.

**1944 йил июль** – Тинч океанида уруш бошлаган Япония Бош вазири Тодзе ҳукумати истеъфога чиқарилди.

**1944 йил июль** – Бреттон–Вудс конференциясида Америка долларининг халқаро валюта тизимидаги ҳукмронлик мақоми тасдиқланди.

**1944 йил 23 август** – Руминияда Антонескунинг фашистик диктатураси ағдариб ташланди. Руминия урушдан чиқди ва фашистлар Германиясига уруш эълон қилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1944 йил 24–25 август** – генерал Леккерк ва генерал Шарль де Голль қўшинлари Парижни озод қилди.

**1944 йил 4 сентябрь** – Финляндия урушдан чиқди ва Германия билан муносабатларни узди.

**1944 йил 9 сентябрь** – Болгарияда Ватан фронти ҳокимият тепасига келди. Болгария Германияга қарши уруш эълон қилди.

**1944 йил 12 сентябрь** – Москвада Буюк Британия, Совет Иттифоқи ва АҚШ ҳукуматлари Руминия билан ярашув аҳдномасини имзолади.

**1944 йил 15 сентябрь** – Бельгия озод қилинди.

**1944 йил 28 сентябрь** – Югославиядаги немис қўшинларини тор-мор қилиш бўйича Белград операцияси бошланди.

**1944 йил сентябрь** – Венгрия учун узоқ ва қонли жанглар бошланди.

**1944 йил 3 октябрь** – Англия қўшинлари Греция қирғоқларига туширилди.

**1944 йил октябрь** – Лейта жанги (Филиппин яқини)да япон флоти яксон қилинди.

**1944 йил 13 октябрь** – гитлерчилар Афинани тарк этдилар.

**1944 йил 19 октябрь** – Германияда 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган аҳолига ҳарбий сафарбарлик эълон қилинди.

**1944 йил 20 октябрь** – Белград шаҳри озод қилинди.

**1944 йил 25 октябрь**–Руминия фашистлардан озод қилинди.

**1944 йил октябрь–ноябрь** – Албанияда Халқ озодлик армияси мамлакатнинг барча йирик шаҳарларини қўлга киритди.

**1944 йил 10–11 ноябрь** – Германия қўшинлари Грециядан чекинди.

**1944 йил ноябрь** – Грециядаги инглиз қўшинлари қўмондони босқинчиларга қарши курашган Халқ фронти отрядлари ва партизанларни қуролсизлантириш тўғрисида буйруқ чиқарди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1944 йил ноябрь** – немис-фашист қўшинлари Болқон яриморолидан қувиб чиқарилди.

**1944 йил 2 декабрь** – Венгриядаги антифашистик демократик кучлар бирлашган мустақиллик миллий фронтини ташкил қилди.

**1944 йил 16 декабрь** – Арденна операцияси бошланиб, унда немис қўшинлари Ғарбий Европадаги вазиятни Германия фойдасига ўзгартиришга уриндилар.

**1944 йил** – қизил армиянинг шиддатли ҳужуми совет давлати ҳудудининг фашист босқинчиларидан тўлиқ тозаланишига олиб келди. Уруш СССР ташқарисига, Марказий Европа ҳудудига кўчди. Қизил армия кирган биринчи мамлакат Руминия бўлди.

**1944 йил** – қизил армиянинг Болқонда бошланган ҳужуми муносабати билан Югославия халқ озодлик армиясининг фашистларга қарши жанглари авж олди.

**1944 йил** – Америка санъат ва адабиёт академияси ёзувчи Теодор Драйзерни фахрий олтин медаль билан тақдирлади.

**1944–1945 йиллар** – Польша ва Финляндиянинг катта қисми озод қилинди.

**1944–1946 йиллар** – Францияда Шарль де Голль раҳбарлигидаги Муваққат ҳукумат фаолияти даври.

**1944–1949 йиллар** – Шарқий Туркистон Республикаси фаолият кўрсатди.

*Шарқий Туркистон Республикаси президентлари:* Алихон тўра Соғуний [Алихон Шокирхўжаев] (1944–1946). Аҳмаджон Қосимий (1046–1049).

**1944/1952–1989 йиллар** – Польша Халқ Республикаси (ПХР) фаолият кўрсатди.

*Польша Халқ Республикаси президенти:* Болеслав Берут (1944–1952).

*Польша Давлат кенгаши раислари:* Александр Завадский (1952–1964), Эдвард Охаб (1964–1968), Мариан Спихальский (1968–1970), Юзеф Циранкевич (1970–1972), Генрик Яблоньский (1972–1985), Войцех Ярузельский (1985–1989).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Польша Бирлашган ишчи партияси (ПБИП) Марказий Комитети котиблари:* Владислав Гомулка (1943–1948), Болеслав Берут (1948–1956), Эдвард Охаб (1956 йил март – октябрь), Владислав Гомулка (1956–1970), Эдвард Герек (1970–1980), Станислав Каня (1980–1981), Войцех Ярузельский (1981–1989), Мечислав Раковский (1989–1990).

*Польша Министрлар Совети раислари:* Эдвард Осубка-Моравский (1944–1947), Юзеф Циранкевич (1947–1952; 1954–1970), Болеслав Берут (1952–1954), Пётр Ярошевич (1970–1980), Эдвард Бабюх (1980 йил февраль–август), Юзеф Пиньковский (1980–1981), Войцех Ярузельский (1981–1985), Збигнев Месснер (1985–1988), Мечислав Раковский (1988–1989), Чеслав Кишак (1989 йил август).

**1945 йил январь** – совет армиясининг дастлабки қисмлари Германия чегарасига чиқди.

**1945 йил 12 январь** – Висла – Одер операцияси бошланди.

**1945 йил 13 январь** – Шарқий Пруссиядаги фашист қўшинларига қарши операция бошланди. У Гитлер қўшинларининг тор-мор келтирилиши билан якунланди.

**1945 йил 18 январь – 17 февраль** – кизил аскарлар Венгрияда ҳужумга ўтиб, Пешт ва Буда шаҳарларини (ҳозирги Будапешт) қўлга киритди. Совет танк қўшинлари ва қисмлари шиддат билан бутун фронт бўйлаб ҳужумни ривожлантирди.

**1945 йил 20 январь** – Венгрия вақтли ҳукумати антигитлер коалицияси давлатлари билан ярашув ҳақида битим имзолади. Венгрия давлати Германияга қарши уруш эълон қилди.

**1945 йил 4–11 февраль** – СССР, Буюк Британия ва АҚШ ҳукумат раҳбарларининг Ялта (Қрим) конференцияси. Унда Германияни ажратиш ва урушдан кейинги дунё харитаси кўриб чиқилди.

**1945 йил 19 февраль – 17 март** – Иводзи оролида Америка ва Япония қўшинлари ўртасидаги жанг бўлиб ўтди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1945 йил 23 февраль** – Туркия давлати Германия ва Японияга қарши уруш эълон қилди.

**1945 йил 6 март** – Руминияда Петру Гроза бошчилигидаги Халқ демократик фронти ҳукумати тузилди.

**1945 йил 7 март** – Иосип Броз Тито Белградда Югославияни озод этиш миллий қўмитаси вакилларидан иборат ҳукуматни шакллантирди.

**1945 йил 20 март** – Руминияда аграр ислоҳот ҳақидаги қонун қабул қилинди.

**1945 йил 1 апрель–21 июнь** – америка қўшинлари Окинава оролини эгаллади.

**1945 йил 4 апрель** – Венгрия немис-фашист босқинчиларидан озод қилинди.

**1945 йил 11 апрель** – Иосип Броз Титонинг Москвага ташрифи чоғида дўстлик, ўзаро ёрдам ва урушдан кейинги ҳамкорлик ҳақида шартнома имзоланди.

**1945 йил 16 апрель–8 май** – Берлин учун жанг.

**1945 йил 20 апрель** – Москвада дўстлик, ўзаро ёрдам ва урушдан кейинги ҳамкорлик ҳақидаги Совет – Польша шартномаси имзоланди.

**1945 йил 25 апрель** – совет ва Америка қўшинлари Германиянинг Торгау шаҳри яқинида (Эльба дарёси бўйида) ўзаро учрашди.

**1945 йил 29 апрель** – Шимолий Италия озод қилинди. Бенито Муссолини қатл этилди.

**1945 йил 30 апрель** – Адольф Гитлер Берлинда ўз жонига қасд қилди. Бу пайтда шаҳарга совет қўшинлари кирди.

**1945 йил апрель–май** – Сербия, Хорватия, Македония, Черногория, Босния ва Герцоговина, Словения ҳукуматлари тузилди. Югославияда янги давлат аппарати ташкил топди.

**1945 йил 2 май** – Вермахтнинг Берлин группировкаси тор-мор қилинди.

**1945 йил 5–9 май** – Прагада халқ қўзғолони. Шаҳар немислардан озод қилинди.

**1945 йил 8 май** – Карлсхортда Германия қуролли кучларининг сўзсиз таслим бўлиши тўғрисидаги ҳужжат имзоланди. Европада уруш ҳаракатлари тугади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1945 йил 9 май** – фашистлар Германияси устидан ғалаба қозонилган кун.

**1945 йил майдан** – Шарқий Берлин совет оккупация зонасида, Ғарбий Берлин эса Ғарб давлатлари назорати остида бўлди.

**1945 йил 26 июнь** – Сан-Францискодаги конференцияда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) низоми ишлаб чиқилди ва имзоланди.

**1945 йил июнь** – АҚШ қўшинлари Филиппинни эгаллаб, Окинавага десант тушириш операциясини бошладилар. Японларнинг қаршилигини синдириш учун уларга салкам уч ой вақт зарур бўлди.

**1945 йил июль** – Буюк Британияда Клемент Эттли бошчилигида лейбористлар ҳукумати ташкил топди. Улар давлатда бутун жамиятнинг манфаатларини ифодалашга ҳаракат қилдилар.

**1945 йил 17 июль–2 август** – СССР, Буюк Британия ва АҚШ давлат раҳбарларининг Постдам конференцияси. Унда Иосиф Виссарионович Сталин, Гарри Трумэн, Уинстон Черчилль (кейинчалик Уинстон Черчилль ўрнига Клемент Эттли) қатнашди. Конференцияда иттифоқчилар Германия устидан назоратни белгиладн, Одер-Нейс дарёлари линиясидан герман-польша чегараси ўтказилди ва Кёнигсберг (ҳозирги Калининград) СССРга қайтарилди.

**1945 йил 6 ва 9 август** – Хиросима ва Нагасакига АҚШ авиацияси атом бомбаси ташлади. Хиросимада 90 минг, Нагасакида 75 минг тинч аҳоли ҳалок бўлди.

**1945 йил 8 август** – АҚШ, Англия ва Франция ҳукуматлари томонидан Европа мамлакатларининг бош ҳарбий жиноятчиларини суд қилиш учун Халқаро ҳарбий трибунални таъсис этиш тўғрисидаги битим имзоланди.

**1945 йил 9 август** – СССР Японияга қарши урушга киришди.

**1945 йил 10 август** – Монголия Японияга қарши уруш эълон қилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1945 йил 14 август** – Япония таслим бўлди.

**1945 йил 15 август** – Япония императори Хирохито Япониянинг сўзсиз таслим бўлганлиги ҳақида фармойиш чиқарди.

**1945 йил 15 август** – Индонезия озод қилинди ва ўз мустақиллигини эълон қилди (Нидерландия тан олмади).

**1945 йил 17 август** – Индонезия республика деб эълон қилинди. Аҳмад Сукарно унинг биринчи президенти қилиб сайланди. (У 1967 йил февралда ҳокимиятни Сухартога топширди.)

*Индонезия Республикаси президентлари:* Аҳмад Сукарно (1945–1967), Сухарто (1967–1998), Бухаруддин [Бурҳониддин] Юсуф Ҳабибий (1998–1999), Абдураҳмон Воҳид (1999–2001), Мегавати Сукарнопутри хоним (2001–2004), Сусило Бамбанг Юдойоно (2004 йилдан).

**1945 йил 21 август** – АҚШ ленд-лиз бўйича қурол-яроғ етказиб беришни тўхтатди.

**1945 йил 24 август** – Вьетнам императори Бао Дай тахтдан воз кечди.

**1945 йил август** – Хитой босқинчилардан озод қилинди ҳамда мамлакатда коммунистлар ва миллатчилар ўртасидаги фуқаролар уруши қайта бошланди.

**1945 йил август–сентябрь** – совет қўшинлари Кореяга кириб, шимолда 38-параллелгача борди (ҳозирги КХДР); Америка қўшинлари жанубга туширилди (ҳозирги Жанубий Корея Республикаси).

**1945 йил август–сентябрь** – Ҳиндихитойда Хо Ши Мин томонидан Вьетнам Демократик Республикаси мустақиллиги эълон қилинди (Франция тан олмади); Лаос мустақиллиги эълон қилинди (яна Франция тан олмади).

**1945 йил 2 сентябрь** – Япония вакиллари томонидан Токиода япон қуролли кучларининг сўзсиз таслим бўлиши тўғрисидаги ҳужжат имзоланди.

**1945 йил 2 сентябрь** – Иккинчи жаҳон уруши тугади.

**1945 йил 2 сентябрь** – мустақил Вьетнам Демократик Республикаси ташкил топди. Кейинчалик француз



www.ziyouz.com kutubxonasi

босқинчилари Вьетнамни икки қисм (шимолий ва жанубий қисмлар)га ажратиб юборишди.

*Вьетнам Демократик Республикаси президентлари:* Хо Ши Мин (1945–1969), Тон Дик Тханг (1969–1976).

*Вьетнам Коммунистик партияси Бош котиблари:* Хо Ши Мин (1946–1969), Тон Дик Тханг (1969–1976).

*Вьетнам Демократик Республикаси премьер-министрлари*: Хо Ши Мин (1945–1955), Фам Ван Донг (1955 йил 20 сентябрь), Фам Ван Донг (1955–1976/1987).

*Жанубий Вьетнам президентлари:* Нгуен Ван Тинг (1946), Ле Ван Хоач (1946–1947), Нгуен Ван Ксуан (1948–1949), Бао Дай (1949–1955), Нго Динь Зьем (1955–1963), Зионг Ван Минь (1963–1964), Нгуен Кхань (1964), Фан Кхак Шиу (1964–1965), Нгуен Ван Тхиеу (1965–1975), Чан Ван Хионг (1975), Зионг Ван Минь (1975), Хуинг Тан Фат (1975–1976).

**1945 йил 3 сентябрь** – Манжурия ва Корея япон босқинидан озод қилинди.

**1945 йил 8 сентябрь** – АҚШ қўшинлари Жанубий Кореяга туширилди.

**1945 йил 29 сентябрь** – Индонезияга Англия қўшинлари туширилди.

**1945 йил 24 октябрь** – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ) ўз фаолиятини бошлади. Унинг штаб-квартираси Нью-Йорк (АҚШ)да жойлашган. Бугунги кунда (2006 й.) 193 давлат БМТ аъзоси ҳисобланади.

**1945 йил 24 октябрь** – Чехословакияда йирик корхоналар, банклар национализация қилинди.

**1945 йил октябрь** – Венгрия республика деб эълон қилинди.

**1945 йил 11 ноябрь** – Югославия парламентига сайловлар бўлди.

**1945 йил 18 ноябрь** – Болгарияда биринчи демократик сайловлар ўтказилиб, унда Ватан фронти голиб чиқди. Халқ кенгашининг раиси қилиб Васил Коларов (1877–1950) сайланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1945 йил 20 ноябрь–1946 йил 1 октябрь** – асосий немис ҳарбий жиноятчилари устидан Нюрнбергда халқаро суд жараёни ўтказилди.

**1945 йил 29 ноябрь** – Югославия Таъсис скупшчинаси монархияни тамомила тугатиш тўғрисида Декларация қабул қилди ва Югославия Халқ Федератив Республикаси (ЮХФР) тузилганлигини эълон қилди. (1963 йил апрелда мамлакатнинг номи Югославия Социалистик Федератив Республикаси–ЮСФР деб эълон қилинди.)

*Югославия президенти:* Иосип Броз Тито (1953–1980).

*Югославия Халқ Социалистик иттифоқи раиси:* Иосип Броз Тито (1945–1963).

*Югославия Социалистик Федератив Республикаси (ЮСФР) Президиуми раиси:* Иосип Броз Тито (1971–1980).

*Югославия Коммунистлар союзи (ЮКС) Марказий Комитети Бош котиби (кейинчалик Президиум раиси):* Иосип Броз Тито (1939–1980).

*ЮКС Президиуми раислари:* Бранко Микулич (в.б. 1978–1979; Хорватия Республикаси), Стеван Дороньский (в.б.; 1979–1980; Воеводина ўлкаси), Лазар Мойсов (1980–1981; Македония Республикаси), Душан Драгосавац (1981 – 1982; Хорватия Республикаси), Митя Рибичич (1982–1983; Словения Республикаси), Драгослав Маркович (1983–1984; Сербия Республикаси), Али Шукрия (1984–1985; Косово ўлкаси), Видое Жаркович (1985–1986; Черногория Республикаси), Миланко Реновица (1986–1987; Босния ва Герцеговина Республикаси), Бошко Крунич (1987–1988; Воеводина ўлкаси), Стипе Шувар (1988–1989; Хорватия Республикаси), Милан Панчевский (1989–1990; Македония Республикаси).

*Югославия Халқ Федератив Республикаси (ЮХСР) ҳукумати раислари:* Иосип Броз Тито (1945–1963), Петр Стамболич (1963 йил январь–апрель).

*Югославия Социалистик Федератив Республикаси (ЮСФР) ҳукумати (Иттифоқ ижроия вечеси) раислари:* Петр Стамболич (1963–1967), Мика Шпиляк (1967– 1969),



www.ziyouz.com kutubxonasi

Митя Рибичич (1969–1971), Жемаль Биедич (1971–1977), Веселин Джуранович (1977–1982), Милка Планинц (1982–1986), Бранко Микулич (1986–1989), Анте Маркович (1989–1991), Александр Митрович (1991– 1992).

*Югославия Иттифоқ Республикаси премьер-министрлари:* Милан Панич (1992–1993), Радое Контич (1993–1998), Момир Булатович (1998–2000), Зоран Зизич (2000–2001), Драгиша Пешич (2001–2003).

**1945 йил ноябрь** – таниқли сиёсий арбоб Георгий Димитров Болгарияга қайтиб келди.

**1945 йил декабрь** – СССРда «авиация иши» натижасида ҳарбийларга қарши қатагон ўтказилди.

**1945 йил** – чех ва словак ерлари ягона халқ республикаси (кейинчалик Чехословакия)га қўшилди.

**1945 йил** – Польшада коммунистик подполье томонидан шакллантирилган Люблин комитети Муваққат ҳукуматга айлантирилди.

**1945 йил** – Бирма ва Малайзия озод қилинди.

**1945 йил** – Араб давлатлари Лигаси ташкил қилинди.

**1945–1951 йиллар** – Климент Эттли ҳукуматининг Англияда бошқарув даври.

**1945–1953 йиллар** – АҚШда президент Гарри Трумэннинг бошқарув даври.

**1945–1954 йиллар** – Вьетнам халқининг француз мустамлакачиларига нисбатан қаршилик кўрсатиш даври.

**Тахминан 1945–1954 йиллар** – Осиёдаги мустамлакаларда миллий озодлик ҳаракатлари бўлиб, давлатлар мустақилликни қўлга киритдилар. Бу жараён Африкада ҳам 1955 йилдан кейин бошланди.

**1945–1963 йиллар** – Иосип Броз Тито Югославия ҳукуматини бошқарди.

**1945–1966 йиллар** – Индонезия Республикасида Аҳмад Сукарнонинг президентлик даври.

**1946 йил 10 январь** –Лондонда БМТ Бош Ассамблеясининг биринчи сессияси очилди.

**1946 йил 11 январь** – Албания Халқ Республикаси эълон қилинди. (1976 йил 28 декабрдан то 1991 йил май ойи-



www.ziyouz.com kutubxonasi

гача мамлакат Албания Халқ Социалистик Республикаси деб аталди.)

*Албания Халқ Мажлиси Президиуми раислари:* Умар Нишани (1946–1953), Ҳожи Леши (1953–1982), Рамиз Алия (1982–1991).

*Албания Меҳнат партияси раҳбарлари:* Анвар Хўжа (1941–1985), Рамиз Алия (1985–1991). *Албания Коммунистик партияси раҳбари:* Хюсни Милоши (1991–2006).

*Албания Министрлар Совети раислари:* Анвар Хўжа (1944–1954), Мехмет Шеху (1954–1981), Одил Чарчани (1982–1991).

**1946 йил 31 январь** – скупшина (парламент) янги конституцияни тасдиқлади. Югославия олти тенг ҳуқуқли республика–Сербия, Хорватия, Словения, Босния ва Герцеговина, Македония, Черногорияни бирлаштирувчи федерация деб эълон қилинди. Сербия таркибида мухтор ўлка Воеводина ва мухтор вилоят Косово-Мотохия ташкил этилди.

**1946 йил январь** – Польшада халқ хўжалигининг асосий тармоқлари национализация қилинди.

**1946 йил 1 февраль** – Венгрия республика деб эълон қилинди. (1949–1989 йилларда Венгрия Халқ Республикаси деб аталган.)

*Венгрия Халқ Республикаси (ВХР) Президиуми раислари:* Золтан Тилди (1946–1948), Арпад Сакасиц (1948–1950), Шандор Ронай (1950–1952), Иштван Доби (1952–1967), Пал Лошонци (1967–1987), Карой Немеет (1987–1988), Бруно Штрауб (1988–1989).

*Венгрия Коммунистик партияси раҳбари:* Матьяш Ракоши (1945–1948); *Венгрия Социалистик ишчи партияси (ВСИП) раҳбарлари:* Янош Кадар (1956–1988), Карой Грос (1988–1989), Р. Ньерш (1989 йил июнь–декабрь), Дьюла Тюрмер (1989–1993).

*Венгрия Министрлар Совети раислари:* Ференц Надь (1946–1947), Лайош Диньеш (1947–1948), Иштван Доби (1948–1952), Матьяш Ракоши (1952–1953), Имре Надь (1953–1955), Андраш Хегедюш (1955–1956), Имре Надь



www.ziyouz.com kutubxonasi

(1956 йил 24 октябрь–4 ноябрь), Янош Кадар (1956–1958), Ференц Мюнних (1958–1961), Янош Кадар (1961–1965), Дюла Каллаи (1965–1967), Ене Фок (1967–1975), Дьердь Лазар (1975–1987), Карой Грос (1987–1988), Миклош Немеет (1988–1990).

**1946 йил февраль** – Руминиянинг янги ҳукуматини АҚШ ва Буюк Британия ҳам тан олди.

**1946 йил 19 февраль** – Бомбейдаги «Талвар» крейсерида ғалаён бошланди.

**1946 йил март** – Болгарияда аграр ислоҳот ўтказилиб, унга кўра экин экиладиган шахсий ер мулкини 20 гектардан ошириш чекланди.

**1946 йил 5 март** – Фултонда АҚШ президенти Гарри Трумэн иштирокида Уинстон Черчиллнинг «совуқ уруш» бошланишига сабаб бўлган чиқиши. У Ғарб давлатларини СССРга қарши курашга чақирди.

**1946 йил 17 апрель** – Сурия Республикаси тўла мустақилликка эришди.

*Сурия Араб Республикаси президентлари:* Шукри ал-Куатли (1943/1946–1949), Ҳусни ал-Заим (1949 йил март–август), Ҳошим ал-Атасси (1949–1951), Фаузи Селу (1951–1953), Адиб ал-Шишекли (1953–1954), Ҳошим ал-Атасси: (1954–1955), Шукри ал-Куатли (1955–1958); Жамол Абдул Носир (1958–1961 йилларда БАР таркибида); Маъмун ал-Кусбари: 1961 йил сентябрь–ноябрь), Иззат ан-Нусс (1961 йил ноябрь–декабрь), Нозим ал-Қудси: (1961–1963), Луаи ал-Атасси (1963 йил 9 март–27 июль), Амин Ҳафиз (1963–1966), Нуриддин ал-Атасси (1966–1970), Аҳмад ал-Хатиб (1970–1971), Ҳафиз Асад (1971–2000), Башар Асад (2000 йил 17 июлдан).

**1946 йил 27 апрель** – Токиода Иккинчи жаҳон уруши йилларидаги асосий жиноятчилар устидан суд жараёнлари бошланди.

**1946 йил 25 май** – Трансиордания Иордания номи билан мустақил давлат, Амир Абдуллоҳ эса унинг подшоҳи деб эълон қилинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Иордания Республикаси подшоҳлари:* Амир Абдуллоҳ I (1946–1951), Талал (1951–1952), Ҳусайн (1952–1999), Абдуллоҳ II ибн ал-Ҳусайн (1999 йилдан).

*Иордания Республикаси премьер-министрлари:* Иброҳим Ҳошим (1946–1947; 1957–1958), Самир ал-Рифаи (1947 йил февраль–декабрь; 1950–1951; 1956 йил январь – май; 1963 йил март–апрель), Тавфиқ Абу ал-Худа (1947–1950; 1951–1953; 1954–1955), Саид ал-Муфти (1950 йил апрель–декабрь; 1955 йил май–декабрь), Фавзи ал-Мулки (1953–1954), Сулаймон ал-Набулси (1956–1957), Самир ал-Рифаи (1958–1959), Хазза ал-Мажали (1959–1960), Бахжат ат-Талхуни (1960–1962; 1964–1965; 1967–1969; 1969–1970), Васфи ал-Тал (1962–1963; 1970–1971), Ҳусаин ибн Носир (1963–1964), Васфи ал-Тал (1965–1967), Абдулмуним ал-Рифаи (1970 йил июнь–сентябрь), Аҳмад ал-Лавзи (1971–1973), Саид ал-Рифаи (1973–1976; 1985–1989), Мудар Бадран (1976–1979; 1980–1984; 1989–1991), Абдулҳамид Шараф (1979–1980), Аҳмад ал-Убайдат (1984–1985), Саид ибн Шокир (1991–1993; 1995–1996), Абдулсалом ал-Мажали (1993–1995; 1997–1998), Абдулкарим ал-Кабарити (1996–1997), Файз ал-Таравнах (1998–1999), Абдулрауф ал-Равабдах (1999–2000), Али Абурагеб (2000–2003), Фейсал ал-Файз (2003–2005), Аднан Бадран (2005 йил апрель–ноябрь), Маруф ал-Бахит (2005–2007), Нодир ад-Дахаби (2007–2009), Самир ал-Рифаи [кичик] (2009 йил 14 декабрдан).

**1946 йил 26 май** – Чехословакияда Клемент Готвальд бошчилигида коалицион ҳукумат тузилди.

**1946 йил 2 июнь** – Италия республика деб эълон қилинди. Христиан демократларининг йўлбошчиси Альчиде де Гаспери Италия премьер-министри бўлди.

*Италия Республикаси президентлари:* Энрико де Никола (1946–1948), Луиджи Эйнауди (1948–1955), Жованни Гронки (1955–1962), Антонио Сеньи (1962–1964), Жузеппе Сарагат (1964–1971), Жованни Леоне (1971–1978),



www.ziyouz.com kutubxonasi

Алессандро Пертини (1978–1985), Франческо Коссига (1985–1992), Оскар Луиджи Скальфаро (1992–1999), Карло Адзелио Чампи (1999–2006), Жоржо Наполитано (2006 йил 15 майдан).

*Италия Республикаси премьер-министрлари:* Альчиде де Гаспери (1946–1953), Жузеппе Пелла (1953–1954), Аминторе Фанфани (1954 йил январь–февраль; 1958–1959; 1960– 1963; 1982–1983; 1987 йил апрель–июль), Марио Шельба (1954–1955), Адоне Дзоли (1957–1958), Фернандо Тамброни (1960 йил 25 март–26 июль), Жованни Леоне (1963 йил июнь–декабрь), Альдо Моро (1963–1968; 1974–1976), Жованни Леоне (1968 йил июнь–декабрь), Мариано Румор (1968–1970; 1973–1974), Эмилио Коломбо (1970–1972), Джулио Андреотти (1972–1973; 1976–1979; 1989–1992), Франческо Коссига (1979–1980), Арнальдо Форлани (1980–1981), Джованни Спадолини (1981–1982), Беттино Кракси (1983–1987), Джованни Горья (1987–1988), Чириако де Мита (1988–1989), Жулиано Амато (1992–1993; 2000–2001), Карло Адзелио Чампи (1993–1994), Сильвио Берлускони (1994–1995; 2001–2006), Ламберто Дини (1995–1996), Романо Проди (1996–1998; 2006–2008), Массимо д'Алема (1998–2000), Сильвио Берлускони (2008 йил 8 майдан).

**1946 йил июль** – Хитойда фуқаролар урушининг янги даври бошланди.

**1947 йил август** – Вазиристон тарихий вилояти мустақил Покистон давлати таркибига киритилди.

**1946 йил 15 сентябрь** – Болгария Халқ Республикаси (БХР) деб эълон қилинди.

*Болгария Халқ Мажлиси Президиуми раислари:* Минчо Нейчев (1947–1950), Георгий Дамянов (1950–1958), Димитр Ганев (1958–1964), Георгий Трайков (1964–1971); *Болгария Давлат кенгаши раислари:* Тодор Живков (1971–1989), Пётр Младенов (1989–1990).

*Болгария Коммунистик партияси (БКП) Марказий Комитети биринчи котиблари:* Георгий Димитров (1946 –



www.ziyouz.com kutubxonasi

1949), Вилко Червенков (1949–1954), Тодор Живков (1954 – 1989), Пётр Младенов (1989–1990).

*Болгария Халқ Республикаси премьер-министрлари:* Георгий Димитров (1946–1949), Васил Коларов (1949–1950), Вилко Червенков (1950–1956), Антон Югов (1956–1962), Тодор Живков (1962–1971), Станко Тодоров (1971–1981), Гриша Филиппов (1981–1986), Георгий Атанасов (1986–1990), Андрей Луканов (1990 йил февраль–декабрь).

**1946 йил 13 октябрь** – Францияда Тўртинчи республика эълон қилинди.

**1946 йил 22 ноябрь** – Болгарияда Георгий Димитров бошчилигидаги Ватан фронти ҳукумати ташкил топди.

**1946 йил ноябрь** – Руминияда парламентға илк сайловлар, демократик сайловлар блоки ғалаба қилди.

**1946 йил 11 декабрь** – БМТнинг болаларга ёрдам бериш жамғармаси – ЮНИСЕФ ташкил топди.

**1946 йил 19 декабрь** – француз мустамлакачилик ҳукумати Вьетнамни Хо Ши Мин раҳбарлигида республика деб эълон қилган ватанпарвар кучларга қарши уруш бошлади. Бу уруш 8 йил давом этди ва 1954 йили Франция мағлубияти билан якунланди.

**1946 йил** – Японияда Конституция қабул қилиниб, мамлакатда конституцион монархия ўрнатилди.

**1946 йил** – биринчи электрон ҳисоблаш машинаси (компьютернинг ўтмишдоши) Пенсильвания университети олимлари Жон Мочли (ҳақиқий фамилияси: Жон Уильям Мокли; 1907–1980) ва Жон Преспер Эккерт томонидан яратилди.

**1946 йил** – Жанубий Африка Республикасида ирқий камситишга қарши биринчи чиқишлар бошланди.

**1946 йил** – Грецияда монархия бошқаруви тикланди. Плебисцит (референдум) натижасида мамлакатда қирол Георг II бошчилигидаги монархия тизими тасдиқланди.

**1946 йил** – Албанияда аграр ислоҳот.

**1946 йил** – Мартиника Франциянинг денгиздаги департаменти мақомини олди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Мартиника Бош Кенгаш президенти:* Альфред Мари-Жан (1998 йилдан).

*Мартиника префекти [Франция президенти номидан]:* Анж Мансини (2008 йилдан).

**1946 йил** – Шарль де Голль Францияда Муваққат ҳукумат бошлиғи лавозимидан кетди. IV Республика Конституцияси кучга кирди. «Француз иттифоқи» тузилиб, унга Франциянинг барча мустамлакалари кирди.

**1946 йил** – Руминияда Кондукатор қирол Михай буйруғи билан қамоққа олинди, суд уни ҳарбий жиноятлари учун ўлим жазосига ҳукм қилди (у 1946 йил майида отиб ташланди). Ҳокимиятни генерал Константин Санатеску ҳукумати эгаллади.

**1946–1949 йиллар** – Грецияда фуқаролар уруши даври.

**1946–1954 йиллар** – Франция–Вьетнам уруши даври.

**1946–1969 йиллар** – Хо Ши Миннинг Вьетнамда президентлик даври. Айни пайтда у 1946–1955 йилларда Вьетнам премьер-министри бўлди.

**1946–1958 йиллар** – Францияда IV Республика даври. Бу даврда Қаршилик кўрсатиш ҳаракатида қатнашган социалистик ва коммунистик партиялар таъсири кучайди.

*Тўртинчи Республика даври (1946–1958)да Франция президентлари:* Винсент Ориоль (1947–1954), Рене Коти (1954 –1958).

*Тўртинчи Республика даври (1946–1958)да Франция премьер-министрлари:* Леон Блюм (1946–1947), Поль Рамадье (1947 йил январь–ноябрь), Робер Шуман (1947–1948), Андре Мари (1948 йил июль–август), Робер Шуман (1948 йил 5–7 сентябрь), Анри Кей (1948–1949), Жюль Мок (1949 йил 13–17 октябрь), Рене Мейер (1949 йил 20–22 октябрь), Жорж Бидо (1949–1950), Анри Кей (1950 йил 2–12 июль), Рене Плевен (1950–1951), Анри Кей (1951 йил март–июль), Рене Плевен (1951–1952), Эдгар Фор (1952 йил январь–февраль), Антуан Пине (1952 йил март–декабрь), Рене Мейер (1953 йил январь–май), Жозеф Ланьель (1953–1954), Пьер Мендес-Франс (1954–1955),



www.ziyouz.com kutubxonasi

Эдгар Фор (1955–1956), Ги Молле (1956–1957), Морис Буржес-Монури (1957 йил июнь–сентябрь), Феликс Гайяр (1957–1958), Пьер Пфлимлен (1958 йил 14–28 май), Шарль де Голль (1958–1959).

**1946–1985 йиллар** – Албания Халқ Республикасида Анвар Хўжанинг ҳокимиятда ўтирган даври.

**1947 йил 4 январь** – Бирма мустақиллиги эълон қилинди ва у Британия ҳамдўстлиги таркибидан чиқди.

**1947 йил 10 февраль** – Парижда Иккинчи жаҳон урушидаги голиб давлатлар билан Германиянинг собиқ иттифоқчилари–Италия, Руминия, Венгрия ва Финляндия ўртасида тинчлик шартномалари имзоланди.

**1947 йил 20 февраль** – Англия Бош вазири Климент Эттли Ҳиндистон тўғрисидаги янги декларация билан чиқди.

**1947 йил 12 март** – АҚШ конгресси «Трумэн доктринаси» деб аталадиган ҳужжатни тасдиқлади. Конгресс доктринага мувофиқ Греция ва Туркияга моддий-молиявий ва ҳарбий ёрдам кўрсатди.

**1947 йил апрель** – Грецияда Георг II вафот қилди, тахтга унинг укаси Павел I ўтирди ва мамлакатни ўн етти йил (1947–1964) бошқарди.

**1947 йил 26 май** – СССРда ўлим жазоси бекор қилинди.

**1947 йил 29 май** – Ҳиндистонда дахлсизлик табақаларини тугатиш ҳақида қарор қабул қилинди.

**1947 йил 5 июнь** – президент Гарри Трумэн коммунизмни тўхтатиш сиёсатини эълон қилди. АҚШ давлат котиби Жорж Кэтлетт Маршалл Гарвард университетида сўзлаган нутқида Америка иқтисодий ёрдами «Маршалл режаси» кўрсатиш орқали Европани тиклаш ва ривожлантириш дастурини баён қилади. «Маршалл режаси» АҚШ Конгрессида қабул қилинди (июнь).

**1947 йил июнь** – Ҳиндистон вице-қироли лорд Маунтбеттен «Ҳиндистон ҳокимиятини топшириш тўғрисида»ги актни эълон қилди. Унга кўра мамлакат ҳиндлар давлати–Ҳиндистон ва мусулмон давлати–Покистонга бўлинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1947 йил июль** – голландларнинг Индонезияга қарши босқинчилиги бошланди.

**1947 йил август** – Ҳиндистон мустақилликка эришди ва мамлакат 2 давлатга ажратилди: асосан ҳинд аҳолиси яшайдиган Ҳиндистон (Бош министр–Жавоҳарлаъл Неру) ва мусулмонлар яшайдиган Покистон (давлат раҳбари Муҳаммад Али Жинна). Покистон бир-биридан 1700 км узоқликда жойлашган 2 ҳудудга: Ғарбий Покистон ва Шарқий Покистон (Бенгалия)га бўлиниб қолди. Биринчи Покистон – Ҳиндистон уруши бошланиб, янги ташкил топган икки давлат ўртасидаги асосий можаро–Кашмир штати устида бўлди.

**1947 йил 15 август** – Ҳиндистон давлати ташкил топди. Ҳиндистоннинг биринчи Бош министри, Ҳиндистон Миллий конгресси етакчиси Жавоҳарлаъл Неру эди. Бу лавозимда Жавоҳарлаъл Неру умрининг охири (1964 йил)гача фаолият кўрсатди.

*Ҳиндистон Республикаси Бош министрлари:* Жавоҳарлаъл Неру (1947–1964), Гулзарилал Нанда (1964 йил 27 май–2 июнь), Лаъл Баҳодир Шастри (1964–1966), Гулзарилал Нанда (1966 йил 11–19 январь), Индира Ганди (1966–1977), Моражи Ранчхожи Десаи (1977–1979), Чоудхари Чаран Сингх (1979–1980), Индира Ганди (1980–1984), Ражив Ганди (1984–1989), Вишванат Пратап Сингх (1989–1990), Чандра Шекхар Сингх (1990–1991), Памулапарти Венката Нарасимха Рао (1991–1996), Атал Бихари Важпаи (1996 йил май–июнь), Хараданахалли Додде Деве Говда (1996–1997), Индер Кумар Гужрал (1997–1998), Атал Бихари Важпаи (1998– 2004), Манмохан Сингх (2004 йил 22 майдан).

*Ҳиндистон Республикаси президентлари:* Раджендра Прасад (1950–1962), Сарвепалли Радхакришнан (1962–1967), Закир Хусейн (1967–1969), Варахагири Венката Гири (1969–1974), Фахрутдин Али Ахмед (1974–1977), Неелам Санджива Редди (1977–1982), Заил Сингх (1982–1987), Рамасвами Венкатамаран (1987–1992),



www.ziyouz.com kutubxonasi

Шанкар Шарма (1992–1997), Кочерил Раман Нараянан (1997–2002), Абдул Калам (2002–2007), Пратибха Патил (2007 йилдан).

**1947 йил 15 август** – Покистон давлати ташкил топди. Покистоннинг биринчи генерал-губернатори қилиб Мусулмонлар лигасининг раҳбари ва Покистон озодлиги ҳаракатининг йўлбошчиси Муҳаммад Али Жинна (1876–1948) сайланди.

*Покистон Ислом Республикаси президентлари:* Соҳибзода Искандар Али Мирза (1956–1958), Муҳаммад Айюбхон (1958–1969), Оға Муҳаммад Яҳёхон (1969–1971), Зулфиқор Алихон Бхутто (1971–1973), Фазал Илахи Чоудхури (1973–1978), Муҳаммад Зиёулҳақ (1978–1988), Ғулом Исҳоқхон (1988–1993), Сардар Фарук Аҳмадхон Лағарий (1993–1997), Муҳаммад Рафиқ Тарар (1998–2001), Парвиз Мушарраф (2001–2008), Асиф Али Зардорий (2008 йилдан).

*Покистон Ислом Республикаси Бош министрлари:* Лиакат Алихон (1947–1951), Хаважа Назимуддин (1951–1953), Муҳаммад Али Богра (1953–1955), Чоудхри Муҳаммадали (1955–1956), Ҳусайн Шоҳид Сухраварди (1956–1957), Иброҳим Исмоил Чундригар (1957 йил октябрь–декабрь), Ферозхон Нун (1957–1958), Муҳаммад Айюбхон (1958 йил 7–28 октябрь); Нурул Амин (1971 йил 7–20 декабрь), Зулфиқор Алихон Бхутто (1973–1977), Муҳаммад Зиёулҳақ (1977–1985; 1988 йил июнь–август), Муҳаммад Хан Жунеджо (1985–1988), Беназир Бхутто (1988–1990; 1993–1996), Гулам Мустафа Джатой (1990 йил август–ноябрь), Наваз Шариф (1990–1993; 1993 йил май–июль; 1997–1999), Балах Шер Мазари (1993 йил апрель–май), Моинуддин Аҳмад Куреши (1993 йил июль–октябрь), Малик Мерадж Халид (1996–1997), Парвиз Мушарраф (1999–2002), Зафаруллохон (2002–2004), Чоудхри Шужат Ҳусайн (2004 йил июнь–август), Шавкат Азиз (2004–2007), Моҳаммадмиан Сумро (2007–2008), Юсуф Реза Гилани (2008 йил 25 мартдан).

**1947 йил август** – Болгария деҳқонлар халқ иттифоқи фаолияти тақиқланди ва бу Болгария коммунистик партия-



www.ziyouz.com kutubxonasi

си (БКП) диктатурасига йўл очиб берди. 1947 йил декабрда қабул қилинган қонунлар нафақат йирик, балки ўртаҳол капитал ва кўчмас мулк эгаларини ҳам тугатди. Кейинчалик бошқа партиялар ҳам ўз фаолиятини тўхтатди (1949 й.).

**1947 йил 18 сентябрь** – АҚШда Марказий разведка бошқармаси (МРБ) ташкил топди.

**1947 йил сентябрь** – Совет Иттифоқида Коммунистик ва ишчи партияларнинг информацион бюроси (Коминформ) ташкил қилинди. У Франция, Италия, Венгрия, Польша, Руминия, Чехословакия, Югославия Коммунистик партияларининг кенгашида тузилди.

**1947 йил 18 октябрь** – узоққа учувчи биринчи совет ракеталари учирилди.

**1947 йил ноябрь** – Венгрияда йирик банклар, корхоналар национализация қилинди.

**1947 йил 29 ноябрь** – БМТ Бош Ассамблеяси Фаластинни яҳудийлар ва араблар қисмига бўлиш ҳақида қарор чиқарди. Қарорга кўра, Буюк Британия мандатидаги Фаластин мустақил деб эълон қилинди; унинг ҳудуди араб ва яҳудий мустақил давлатларига бўлинди. Яҳудий давлатининг ҳудуди 14,1 минг км$^2$, аҳолиси 498 000 яҳудий ва 497 000 араб (шундан 90 минг бадавий) деб белгиланди. Қуддус БМТ бошқарувидаги мустақил маъмурий бирлик деб ажратилди.

**1947 йил 30 декабрь** – Руминиянинг сўнгги қироли Михай тож-тахтдан воз кечди. Руминия Халқ Республикаси деб эълон қилинди. (1965 йил 21 август – 1989 йил 22 декабрда давлат Руминия Социалистик Республикаси деб аталган.)

*Руминия Давлат кенгаши раислари:* Константин Пархон (1947/1948 – 1952), Петру Гроза (1952 – 1958), Ион Георге Маурер (1958 – 1961), Георге Георгиу-Деж (1961 – 1965), Киву Стойка (1965 – 1967), Николае Чаушеску (1967 – 1974).

*Руминия Социалистик Республикаси президенти:* Николае Чаушеску (1974 – 1989).

*Руминия ишчилар партияси (РИП) Марказий Комитети биринчи котиби:* Георге Георгиу-Деж (1948 – 1965); *Руми-*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*ния Коммунистик партияси (РКП) Бош котиби:* Николае Чаушеску (1965–1989).

*Руминия Халқ Республикаси Министрлар Советининг раислари (1947–1965):* Петру Гроза (1948–1952), Георге Георгиу-Деж (1952–1955), Киву Стойка (1955–1961), Ион Георге Маурер (1961–1965); *Руминия Социалистик Республикаси премьер-министрлари:* Ион Георге Маурер (1965–1974), Маня Мэнеску (1974–1979), Илие Вердец (1979–1982), Константин Дэскэлеску (1982–1989).

**1947 йил декабрь** – СССРда пул ислоҳотлари ўтказилди, озиқ-овқат ва саноат маҳсулотларига нисбатан карточка бекор қилинди.

**1947 йил** – Франция Республикаси президенти қилиб Винсент Ориоль, премьер-министр қилиб Поль Рамадье сайланди. Коммунистлар ҳукуматдан чиқариб юборилди (май). «Голлистлар» («Голлчилар») партияси тузилди.

**1947 йил** – Британия Миллатлар ҳамдўстлиги бирлашмаси Ҳамдўстлик деб атала бошланди. Ҳамдўстлик таркибига Буюк Британия ва унинг собиқ кўпгина доминионлари ҳамда мустамлакалари кирган. Бугунги кунда Ҳамдўстлик таркибига 30 республика ва 21 монархия киради. Буюк Британия монархи Ҳамдўстлик бошлиғи ва унинг рамзи ҳисобланади.

**1947–1948 йиллар** – Биринчи араб-исроил уруши. (Исроил мустақил давлат сифатида 1948 йил 14 майда ташкил топди; Фаластин давлати эса халқаро миқёсда ҳозиргача тан олинмаяпти).

**1947–1948 йиллар** – Мадагаскарда қуролли қўзғолон кўтарилди.

**1947–1951 йиллар**–Югославияда биринчи беш йиллик режаси амалга оширилди.

**1947–1953 йиллар** – Франция Республикасида Винсент Ориолнинг президентлик даври.

**1948 йил 4 январь** – Бирма Иттифоқи расмий равишда мустақил давлат деб эълон қилинди. У қироллик Ҳамдўстлигидан чиқиб кетди. (1989 йилдан мамлакат Мьянма Иттифоқи деб аталмоқда.)



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Мьянма Иттифоқи Республикаси президентлари:* Ба У (1952–1957), У Вин Маунг (1957–1962), У Не Вин (1974–1981), У Сейн Льин (1981–1988), У Со Маунг (1988–1992), У Тан Шве (1992 йилдан).

**1948 йил 20 январь** – Ҳиндистонда таниқли сиёсий арбоб Махатма Гандини ҳинд экстремисти суиқасд қилиб ўлдирди.

**1948 йил 4 февраль** – Буюк Британия мустамлакаси Цейлон мустақилликка эришди.

**1948 йил 18 февраль** – Чехословакияда коммунистлар роли ўсаётганлигига норозилик сифатида 12 министр истеъфога чиқди; ҳокимиятни коммунистлар босиб олди: «Прага тўнтариши». «Совуқ уруш» бошланди.

**1948 йил 13 апрель** – Руминия Республикаси ўзининг биринчи конституциясини қабул қилди.

**1948 йил 16 апрель** – «Маршалл режаси» доирасида Европа иқтисодий ҳамкорлиги тўғрисидаги битим имзоланди. Ғарбий Европа ва Туркия бу ёрдамни қабул қилди. СССР ва Шарқий Европа давлатлари ундан воз кечди

**1948 йил 2 май** – Баготада Америка давлатлари ташкилоти (АДТ) ташкил топди ва унинг хартияси қабул қилинди. АҚШ қитъада тинчликни сақлаш учун асосий роль ўйнади.

**1948 йил 9 май** – Чехословакиянинг янги конституцияси социализм қурилишини эълон қилди.

**1948 йил 9 май** – Чехословакия Халқ Демократик Республикаси (ЧХДР) эълон қилинди ва мамлакатнинг янги конституцияси қабул қилинди. (1960 йил 11 июлдан мамлакат Чехословакия Социалистик Республикаси–ЧССР деб атала бошланди. 1990 йил 20 апрелдан мамлакат федератив давлат сифатида Чехия ва Словакия Федератив Республикаси–ЧСФР номида бўлди.)

*Чехословакия президентлари:* Эдуард Бенеш (1945–1948), Клемент Готвальд (1948–1953), Антонин Запотоцкий (1953–1957), Антонин Новотний (1957–1968), Людвик Свобода (1968–1975), Густав Гусак (1975–1989), Вацлав Гавел (1989–1992).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Чехословакия Коммунистик партияси (ЧКП) Марказий Комитети Бош [биринчи] котиблари (1921–1990):* Богумил Илек (1921–1922), Антонин Запотоцкий (1922–1925), Богумил Илек (1925–1929), Клемент Готвальд (1929 – 1945), Рудольф Сланский (1945–1951); Антонин Новотний (1953–1968), Александр Дубчек (1968–1969), Густав Гусак (1969–1987), Милош Якеш (1987–1989), Карел Урбанек (1989 йил ноябрь–декабрь), Василь Могорита (1989 – 1990).

*Чехословакия Министрлар Совети раислари:* Зденек Фирлингер (1945–1946), Клемент Готвальд (1946–1948), Антонин Запотоцкий (1948–1953), Вильям Широкий (1953–1963), Йозеф Ленарт (1963–1968), Олдржих Черник (1968–1970), Любомир Штроугал (1970–1988), Ладислав Адамец (1988–1989), Мариан Чалфа (1989–1992), Ян Страский (1992).

**1948 йил 14 май** – Исроил мустақил давлат сифатида ташкил топганлиги эълон қилинди.

*Исроил Давлати президентлари:* Хаим Вейцман (1949–1952), Ицхак Бен-Цви (1952–1963), Залман Шазар (1963–1973), Эфраим Кацир (1973–1978), Исхак Навон (1978–1983), Хаим Герцог (1983–1993), Эзер Вейцман (1993–2000), Моше Кацав (2000–2007), Шимон Перес (2007 йилдан).

*Исроил Давлати премьер-министрлари:* Давид Бен-Гурион (1948–1954; 1955–1963), Моше Шарет (1954–1955), Леви Эшколь (1963–1966), Игаль Алон (1966–1969), Голда Меир (1969–1974), Исхак Рабин (1974–1977; 1992–1995), Менахем Бегин (1977–1983), Исхак Шамир (1983–1984; 1986–1992), Шимон Перес (1984–1986; 1995–1996), Биньямин Нетаньяху (1996–1999), Эхуд Барак (1999–2001), Ариэль Шарон (2001–2005), Эхуд Ольмерт (2005–2009), Биньямин Нетаньяху (2009 йил 31 мартдан).

**1948 йил 15 май** – Исроил ва Араб давлатлари ўртасида дастлабки уруш бошланди.

**1948 йил 15 май – 1949 йил январь** – Биринчи Араб–Исроил уруши. Бу уруш араб давлатлари (Миср, Иордания,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Ироқ, Сурия, Ливан, Саудия Арабистони, Яман) ва Исроил давлати ўртасида бўлди. Исроил томонидан Қуддуснинг ғарбий қисми ва Фаластиннинг бир қисми босиб олинди. Қуддус Исроилнинг пойтахти деб эълон қилинди (расмий пойтахт қилиб Тель-Авив белгиланган эди). Исроил босиб олган ҳудуддан 1 млн. араб қувгин қилинди.

**1948 йил май** – Европа Иттифоқига бирлашиш тарафдорларининг Гаага конгресси. Конгресс Уинстон Черчиллнинг раҳбарлиги остида ўтди, у Европа бирлиги учун ҳаракатни қувватлади.

**1948 йил 14 июнь** – Эдуард Бенеш истеъфога чиқди. Клемент Готвальд Чехословакия президенти этиб сайланди. (У 1953 йил мартда вафот этди).

**1948 йил 18 июнь** – Ирландия Британия Ҳамдўстлигидан чиқди. Ирландия республика деб эълон қилинди.

**1948 йил 24 июнь** – Ғарбий Берлин совет қўшинлари томонидан қамал қилинди.

**1948 йил июль** – Германия иқтисодини кўтаришда «Маршалл режаси» бўйича Ғарб давлатлари ёрдам берди.

**1948 йил 20 июль** – Ли Син Ман Жанубий Корея президенти этиб сайланди.

**1948 йил 15 август ва 9 сентябрь** – Корея икки давлатга ажралди: Жанубий Корея (пойтахти Сеул, президент Ли Син Ман) ва Корея Халқ Демократик Республикаси (пойтахти Пхеньянь, давлат бошлиғи Ким Ир Сен).

*Корея Республикаси президентлари:* Ли Син Ман (1948–1960), Юн Бо Сон (1960–1962), Пак Чон Хи (1963–1979), Чхве Гю Ха (1979–1980), Чон Ду Хван (1980–1988), Ро Дэ У (1988–1993), Ким Ён Сам (1993–1998), Ким Дэ Чжун (1998–2003), Но Му Хён (2003–2007), Ли Мён Бак (2007 йилдан).

*Корея Халқ Демократик Республикаси президентлари (КХДР):* Ким Ир Сен (1972–1994), Ким Чен Ир (1994 йилдан).

**1948 йил 25 сентябрь**–СССРда биринчи марта атом бомбаси синаб кўрилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1948 йил 6 октябрь** – Ашхободда кучли зилзила бўлиб, шаҳар бутунлай вайронага айланди. Зилзила оқибатида 100 минг нафардан ортиқ одам ўлган.

**1948 йил 10 октябрь** – СССРда Р-1 балластик ракеталари муваффақиятли равишда биринчи марта учирилди.

**1948 йил 10 декабрь** – БМТ Бош Ассамблеяси Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини қабул қилди.

**1948 йил** – АҚШ 20 км баландликда 12 минг км узоқликка қадар уча оладиган Б-52 қитъалараро бомбардимончи самолётга эга бўлди, у етти йилдан сўнг СССРда ҳам яратилди.

**1948 йил** – Польшада совет намунаси амалга оширилди: «социализмнинг Польша йўли» тарафдори бўлган Владислав Гомулка ҳукуматдан чиқарилди, унинг ўрнини Сталиннинг гумаштаси Болеслав Берут эгаллади.

**1948 йил** – Цейлон (1972 йилдан Шри Ланка деб атала бошланди) мустақилликка эришди.

**1948 йил** – Канадада либераллар АҚШ билан яқинлашиш сиёсатини юритишди. Улар 1984 йилгача мамлакатни бошқаришди.

**1948–1949 йиллар** – Сталин ва Тито ўртасида бузилиш: Югославия социалистик дунё ташқарисида қолди. Югославия Коммунистик партияси Коминформдан қувилди. Иосип Броз Тито 1948 йилдан мамлакатни ривожлантиришнинг ўз моделини илгари сурди, СССР йўлидан воз кечди.

**1948–1993 йиллар** – Италияда республика мавжуд бўлган 45 йил мобайнида 51 марта ҳукумат ўзгарди.

**1949 йил 25 январь** – Шарқий Европада Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгаши (ЎИЁК) ташкил этилди. У СССР, Болгария, Венгрия, Польша, Руминия, Чехословакия, сўнгра Албания ва ГДР ўртасида иктисодий кооперацияни амалга оширди.

**1949 йил январь** – СССРда «космополитизм»га қарши кураш бошланди.

**1949 йил февраль–март** – «Ленинград иши».



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1949 йил 4 апрель** – АҚШ, Канада ва Ғарбий Европанинг ўнта давлати (Буюк Британия, Франция, Италия, Бельгия, Нидерландия, Люксембург, Дания, Исландия, Норвегия, Португалия) Шимолий Атлантика шартномаси ташкилоти (НАТО) тўғрисидаги шартномани имзолади. Ташкилотга 1952 йил Греция ва Туркия, 1955 йил ГФР, 1982 йил Испания, 1999 йил Венгрия, Польша ва Чехия, 2004 йил Латвия, Литва, Эстония, Словакия, Словения, Болгария, Руминия қабул қилинди. 1966 йил Франция НАТОнинг ҳарбий тузилмаларидан чиқди.

**1949 йил май** – Ғарбий Берлин қамали тугади.

**1949 йил 19 июль** – Лаос мустақилликка эришди, мамлакатдан француз босқинчилари қувиб чиқарилди.

*Лаос премьер-министрлари:* Бун Ум (1949–1951), Суванна Фума (1951–1954), Катай Дон Сасорит (1954–1956), Суфанувонг (1956), Суванна Фума (1956–1958), Фуп Сананикон (1958–1959), Ку Абхай (1960 йил январь – июнь), Тяо Самсанит (1960 йил июнь–август), Суванна Фума (1960 йил 16 август–декабрь; 1962 йил 11 июнь–1975 йил декабрь), Бун Ум (1960 йил 16 декабрь–1962 йил июнь).

**1949 йил** – Венгрия Халқ Совет Республикаси эълон қилинди.

**1949 йил 20 август** – Венгрияда янги конституция қабул қилинди, пролетариат диктатураси мустаҳкамланди.

**1949 йил 29 август** – Совет Иттифоқида ядро (атом) бомбаси илк марта синаб кўрилди.

**1949 йил 20 сентябрь** – Ғарбда Германия Федератив Республикаси (ГФР) (пойтахти Бонн, канцлер Конрад Аденауэр) ва Шарқда Германия Демократик Республикаси (ГДР) (1950–1973 йилларда мамлакат тепасида Вальтер Ульбрихт турган, пойтахти Берлин) ташкил топди. Германия Федератив Республикаси (ГФР) тузилганлиги эълон қилинди. Аденауэр даври бошланди.

*Германия Федератив Республикаси (ГФР) федерал канцлерлари:* Конрад Аденауэр (1949–1963), Людвиг Эрхард (1963–1966), Курт Георг Кизингер (1966–1969), Вилли



www.ziyouz.com kutubxonasi

Брандт (1969–1974), Гельмут Шмидт (1974–1982), Гельмут Коль (1982–1998), Герхард Шрёдер (1998–2005), Ангела Меркель (2005 йил 22 ноябрдан).

*Германия Федератив Республикаси (ГФР) федерал президентлари:* Теодор Хойс (1949–1959), Генрих Любке (1959–1969), Густав Хайнеман (1969–1974), Вальтер Шеель (1974–1979), Карл Карстенс (1979–1984), Рихард фон Вайцзеккер (1984–1994), Роман Херцог (1994–1999), Йоханнес Рау (1999–2004), Хорст Кёлер (2004–2010), Кристиан Вульф (2010 йил 2 июлдан).

**1949 йил сентябрь** – Гарбий Европада сиёсий характерда дастлабки Европа ташкилоти – Европа Иттифоқи ташкил топди.

**1949 йил 1 октябрь** – Хитой Халқ Республикаси тузилганлиги эълон қилинди.

*Хитой Халқ Республикаси Марказий ҳукумати раиси:* Мао Цзэдун (1949–1954).

*Хитой Халқ Республикаси раислари:* Мао Цзэдун (1954 – 1959), Лю Шаоци (1959–1968); [*раис ўринбосарлари:* Дун Биу (1968–1975) ва Сун Цинлин (1968–1972)]; Джу Дэ (1975–1976), Е Цзяньин (1978–1983), Ли Сяньнянь (1983–1988), Ян Шанкунь (1988–1993), Цзян Цзэминь (1993–2003), Ху Цзиньтао (2003 йил 15 мартдан).

*Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси раиси:* Мао Цзэдун (1943–1956); *Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети Секретариати раиси:* Мао Цзэдун (1943–1956); *Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети раислари:* Мао Цзэдун (1945–1976), Хуа Гофэн (1976–1981), Ху Яобан (1981–1982); *Хитой Коммунистик партияси Марказий Комитети Бош котиблари:* Дэн Сяопин (1956–1966); Ху Яобан (1980–1987), Чжао Цзиян (1987–1989), Цзян Цзэминь (1989–2002), Ху Цзиньтао (2002 йилдан); *Хитой Коммунистик партияси Марказий ҳарбий кенгаши раислари:* Мао Цзэдун (1943–1976), Хуа Гофэн (1976–1981), Дэн Сяопин (1981–1989), Цзян Цзэминь (1989–2004), Ху Цзиньтао (2004 йилдан).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Хитой Халқ Республикаси Давлат кенгаши бош вазирлари:* Чжоу Эньлай (1954–1976), Хуа Гофэн (1976–1980), Чжао Цзиян (1980–1987), Ли Пэн (1988–1998), Чжу Жунцзи (1998–2003), Вэнь Цзябао (2003 йил 16 мартдан).

**1949 йил 7 октябрь** – Германия Демократик Республикаси (ГДР)нинг ташкил этилганлиги эълон қилинди.

**1949 йил 7 октябрь–1990 йил 2 октябрь** – Германия Демократик Республикаси (ГДР) мавжуд бўлган.

*ГДР президенти:* Фридрих Вильгельм Рейнхольд Пик (1949–1960).

*ГДР Давлат кенгаши раислари:* Вальтер Ульбрихт (1960–1973), Вилли Штоф (1973–1976), Эрих Хонеккер (1976–1989), Эгон Кренц (1989 йил октябрь–декабрь), Манфред Герлах (1989–1990).

*Германия Бирлашган Социалистик партияси (ГБСП) раҳбарлари:* Вильгельм Пик (1934–1946); Вильгельм Пик ва Отто Гротеволь (1946–1950), Вальтер Ульбрихт (1950–1971), Эрих Хонеккер (1971–1989), Эгон Кренц (1989 йил октябрь–декабрь).

*ГДР Халқ палатаси раислари:* Йоханнес Дикман (1949 – 1969), Геральд Гёттинг (1969–1976), Хорст Зиндерман (1976–1989), Гюнтер Малойда (1989–1990), Сабина Бергман-Поль (1990 йил апрель–октябрь).

*ГДР Министрлар Совети раислари:* Отто Гротеволь (1949–1964), Вилли Штоф (1964–1973), Хорст Зиндерман (1973–1976), Вилли Штоф (1976–1989), Ханс Модров (1989–1990), Лотар де Мезьер (1990 йил 12 апрель–2 октябрь).

**1949 йил октябрь** – Грецияда демократик кучлар мағлубиятга учради ва монархия режими мустаҳкамланди.

**1949 йил 7 ноябрь** – Коста-Рика давлатининг амалдаги конституцияси қабул қилинди.

*Коста-Рика президентлари:* Луис Эмилио Рафаэль де ла Тринидад Отилио Улате-и-Бланко (1949–1953), Хосе Мария Иполито Фигерес Феррер (1953–1958; 1970–1974), Марио



www.ziyouz.com kutubxonasi

Хосе Эчанди Хименес (1958–1962), Франсиско Хосе Орлич Больмарич (1962–1966), Хосе Хоакин Антонио Трехос Фернандес (1966–1970), Порфирио Рикардо Хосе Луис Даниэль Одубер Кирос (1974–1978), Родриго Хосе Рамон Франсиско де Хесус Карасо Одно (1978–1982), Луис Альберто Монхе Альварес (1982–1986), Оскар Рафаэль де Хесус Ариас Санчес (1986–1990), Рафаэль Анхель Кальдерон Фурнье (1990–1994), Хосе Мария Фигерес Ольсен (1994–1998), Мигель Анхель Родригес Эчеверрия (1998–2002), Абель Пачеко де ла Эсприэлья (2002–2006), Оскар Рафаэль де Хесус Ариас Санчес (2006–2010), Лаура Чинчилья Миранда (2010 йил 8 майдан).

**1949 йил** – Хитойда коммунистлар (Мао Цзэдун) миллатчилар (Чай Кайши)ни енгиб, Хитой Халқ Республикасига асос солдилар. Миллатчилар Формоз (ҳозирги Тайвань) га чекиндилар.

**1949 йил** – Трансиордания ҳошимийлар қироллиги (1921 йилда ташкил топган) ва Қуддуснинг шарқий қисмида Иордания қироллиги ташкил топди.

**1949 йил** – Ғазо сектори Миср томонидан оккупация қилинди.

**1949 йил** – Иккинчи жаҳон уруши даврида бетарафлик эълон қилган Ирландия ўз мустақиллигига эришди.

**1949 йил** – Болгарияда Георгий Димитров вафот этди, давлат раҳбарлигига Васил Коларов, 1950 йилдан Вилко Червенков келди.

**1949 йил** – Индонезия ташкил топди. Нидерландлар (голландлар) Индонезия мустақиллигини эътироф этишди (Янги Гвинея голландлар назорати остида қолди).

**1949–1963 йиллар** – Германия Федератив Республикаси (ГФР)да Аденауэр даври. Конрад Аденауэр ГФР канцлери лавозимида ишлади.

**1950 йил 12 январь** – СССРда «Ватан хоинлари, жосуслар, кўпорувчи-диверсантлар учун» ўлим жазоси жорий қилинди.

**1950 йил 26 январь**–Ҳиндистон суверен республика



www.ziyouz.com kutubxonasi

деб эълон қилинди. Янги конституция қабул қилиниб, мамлакат федерал, дунёвий, парламент давлатига айланди.

**1950 йил 25 июнь** – КХДР ҳудудига Жанубий Корея қўшинлари ҳужум қилди. Кореяда уруш бошланди. АҚШ Жанубий Кореяга ёрдам берди.

**1950 йил сентябрь** – «Ленинград иши» бўйича айбланган Николай Алексеевич Вознесенский, Алексей Александрович Кузнецов, Михаил Иванович Родионов ва бошқалар ўлим жазосига ҳукм қилиниб, отиб ташланди.

**1950 йил** – Тибетни Хитой Халқ Республикаси босиб олди (Хитой ҳукумати Тибет ҳудудини Хитойнинг ажралмас қисми деб эълон қилди).

**1950 йил** – Ҳиндихитойдаги уруш байналмилаллашди: Хо Ши Мин ва Вьетнам қўшинига хитой-совет ёрдами берилди; америкаликлар эса французларни қувватлади.

**1950 йил** – Венгрия аграр-саноат мамлакатидан саноат-аграр давлатга айланди.

**1950 йил** – Германия Федератив Республикасида «ижтимоий йўналтирилган бозор хўжалиги» дастури бажарила бошланди.

**1950 йил** – Туркияда кўппартияли умумхалқ сайловлари. Сайловда Демократик партия ғалаба қилди. Бош вазир Аднан Мендерес мамлакатда Ғарбга йўналтирилган сиёсат олиб борди.

**1950 йил** – Хитой Халқ Республикасида ер ислоҳоти.

**1950 йил** – АҚШ Вьетнамнинг жанубидаги Бао Дай, СССР Вьетнамнинг шимолидаги Хо Ши Мин ҳукуматларини тан олди.

**1950 йил** – Югославияда йирик иқтисодий муваффақиятларга эришилган давр, аҳолининг турмуш даражаси ўсди.

**1950–1952 йиллар** – Покистон қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар: чекланган йирик ер эгалиги.

**1950–1952 йиллар** – Покистон раҳбарияти АҚШ билан ҳамкорлик қилишга уриниб, қурол-яроғ сотиб олиш тўғрисида бир қатор битимлар тузди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1950–1953 йиллар** – Корея уруши. СССР ва Хитой қўллаб-қувватлаган Шимолий Корея АҚШ бошчилигидаги НАТО давлатлари ёрдамига таянган Жанубий Кореяга қарши курашди. Корея уруши тугади.

**1950–1954 йиллар** – АҚШда Жозеф Маккарти бошчилигида қизғин антикоммунистик компания ўтказилди.

**1951 йил 1 сентябрь** – Сан-Францискода АҚШ ва Япония ўртасида хавфсизлик тўғрисида шартнома имзоланди. Япониядан АҚШ қўшинлари олиб чиқиб кетилди. Японияга унинг суверенитети қайтариб берилди.

**1951 йил ноябрь** – СССРда «Мингрель иши» бошланди (1953 йил 10 апрелда «Мингрель иши» тўхтатилди).

**1951 йил декабрь** – Франция ташаббуси билан Париж битими асосида Европа кўмир ва пўлат бирлашмаси (ЕКПБ) ташкил этилди. Бу Франция ва Германиянинг кўмир ҳамда пўлат эритиш саноати бирлашувига асос солди. Робер Шуман ва Жан Монне («Европа оталари»)нинг Шуман режаси (1950)ға биноан, бирлашманинг бош органи халқаро ташкилот ҳисобланади.

**1951 йил** – Ливия мустақилликка эришди. Ливияда мустамлакачилар ҳокимиятни қонунийлаштириш учун энг қадимги мусулмон мазҳаби–сануситлар вакилини Идрис I номи билан Ливия қироли деб эълон қилди. У мустамлакачиларнинг ашаддий тарафдорига айланди.

**1951 йил** – Эроннинг бўлғуси Бош вазири Масоддиқ нефть саноатини национализация қилди. Эрон шоҳи Римга қочиб кетди.

**1951–1955 йиллар** – Буюк Британияда яна Уинстон Черчиллнинг ҳукумат бошқарувидаги даври.

**1951–1955 йиллар** – Руминияда иқтисодиётни ривожлантиришнинг биринчи беш йиллик режаси.

**1951–1964 йиллар** – Англияда консерваторлар партиясининг ҳукуматдаги бошқарув даври. Бу пайтда Уинстон Черчилль (1951–1955), Энтони Иден (1955–1957) ва Гарольд Макмиллан (1957–1964) премьер-министр лавозимида ишладилар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1951–1993 йиллар** – Бельгияда Бодуэн I нинг ҳукмронлик даври.

**1952 йил 6 февраль** – Елизавета II Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Қўшма Қироллиги қироличаси деб эълон қилинди. Виндзор сулоласидан. У қирол Георг ва қиролича Елезаветанинг қизи. Отасининг вафотидан сўнг тахтга ўтирди. У ҳозир ҳам мамлакатни бошқармоқда.

**1952 йил 18 февраль** – Греция ва Туркия НАТО таркибига кирди.

**1952 йил 10 март** – Кубада ҳокимият тепасига яна Фульхенсио Батиста келди.

**1952 йил 31 май**–Волга–Дон канали очилди.

**1952 йил май–июнь** – Москвада яҳудий антифашист комитети иши бўйича суд жараёни бўлиб ўтди.

**1952 йил 23 июль** – Жамол Абдул Носир раҳбарлигидаги «Зуббат ал-Аҳрор» («Озод зобитлар») ватанпарварлик кайфиятидаги ҳарбийлар гуруҳи Мисрда қирол Фаррух ва ҳукуматни агдарди. Мисрда миллий инқилоб рўй берди.

**1952 йил 26 июль** – Миср қироли Фаррух тахтдан воз кечди.

**1952 йил 27 сентябрь** – Руминия конституцияси қабул қилинди.

**1952 йил 30 октябрь** – Англияда биринчи бор атом бомбаси синови ўтказилди.

**1952 йил** – Ҳусайн Иордания қироли бўлди.

**1952 йил** – биринчи Америка водород бомбаси Эневиток ороли (Маршалл ороллари)да синаб кўрилди.

**1952 йил** – Франция ва Буюк Британия ўртасида биринчи халқаро телевидение алоқаси ўрнатилди.

**1952 йил** – Парижда «Европа мудофаа уюшмаси» тўғрисидаги шартнома имзоланди ва у Германиянинг қайта қуролланишига олиб келди.

**1953 йил 5 март** – ВКП(б) МК Бош котиби ва СССР Министрлар Советининг раиси Иосиф Виссарионович Сталин вафот этди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1953 йил 5 март** – Георгий Максимилианович Маленков Министрлар Советининг раиси лавозимига тайинланди.

**1953 йил 27 март** – СССРда огир жиноят қилган 1,2 млн. кишини амнистия қилиш ҳақида буйруқ чиқди.

**1953 йил 12 июнь** – ГУЛАГни СССР Юстиция министрлигига ўтказиш бошланди.

**1953 йил 19 июнь** – АҚШда атом бомбасини яратиш сирларини СССРга сотганликда айбланган эр-хотин Юлиус ва Эмель Розенберглар қатл қилинди.

**1953 йил 23 июнь** – Миср республика деб эълон қилинди.

*Миср Араб Республикаси президентлари:* Муҳаммад Нажиб (1953–1954), Жамол Абдул Носир (1954–1970), Муҳаммад Аҳмад Анвар Садат (1970–1981), Муҳаммад Ҳусний Муборак (1981–2011).

**1953 йил 26 июнь** – СССР Ички ишлар министри Лаврентий Павлович Берия қамоққа олинди ва кейинчалик отиб ташланди (23 декабрь).

**1953 йил 27 июль** – Кореяда ярашувга келишилди ва 38-параллел бўйича аввалги чегара чизиғи ўрнатилди.

**1953 йил 12 август** – СССРда биринчи термо-ядро (водород) бомбаси синови ўтказилди.

**1953 йил 19 август** – Теҳронда давлат тўнтариши амалга оширилди. Бош вазир Масоддиқ қамоққа олинди ва шоҳ ҳокимияти қайта тикланди. Мамлакатда қатағонлар ва қамоққа олишлар кучайди, сиёсий партиялар ман этилди.

**1953 йил ёзи** – Воркута лагери (СССР)да маҳбуслар қўзғолон кўтарди.

**1953 йил 3 сентябрь** – Никита Сергеевич Хрушчев КПСС МК биринчи котиби лавозимига тайинланди.

**1953 йил 9 ноябрь** – Камбоджа давлати мустақиллиги эълон қилинди.

**1953 йил** – Японияда тузилган дўстлик, савдо ва денгиз кемалари қатнови тўғрисидаги америка-япон шартномаси ҳар икки мамлакат фуқаролари ҳамда компанияларига



www.ziyouz.com kutubxonasi

бир-бирларининг ҳудудларида тижорат фаолияти борасида тенғ ҳуқуқда эга бўлиш имкониятини берди.

**1953 йил** – Ливия Анғлияга мамлакат ҳудудида ҳарбий базаларни жойлаштириш ҳуқуқини берди.

**1953 йил** – америкалик олим Жеймс Ватсон ва инглиз олими Фрэнсис Крин Кембриж университетида бирга ишлаган чоғларида илк бор ДНК тузилиши формуласини маълум қилди.

**1953 йил** – Евровидения ташкил қилинди.

**1953 йил** – Гренландия ороли Дания ҳудуди деб эълон қилинди.

**1953 йил** – Югославия билан СССР ўртасида дипломатик муносабатлар қайта тикланди.

**1953–1955/56 йиллар** – Венгрияда Бош вазир Имре Надь мамлакатда десталинизация сиёсатини юритди.

**1953–1961 йиллар** – АҚШ президенти Дуайт Эйзенхауэр (республикачи) ҳукмронлиги даври. Жон Фостер Даллесга ташқи сиёсат топширилди (1959 йилгача). Бу пайтда мамлакатда реакция авж олди, маккартизм ва қуролланиш пойғаси даври.

**1953–1980 йиллар** – Югославияда Иосип Броз Титонинг президентлик даври.

**1954 йил 19 февраль** – СССР Олий Совети Президиумининг фармони билан Қрим РСФСР таркибидан чиқарилиб, Украина ССРга берилди.

**1954 йил 13 март** – СССР Министрлар Совети ҳузурида Давлат Хавфсизлик Комитети (КГБ) тузилди.

**1954 йил 30 апрель** – СССРда ўлим ҳукми қасддан одам ўлдирганларга нисбатан қайта тикланди.

**1954 йил апрель** – Жазоирда бирлик ва ҳаракатлар инқилобий қўмитаси тузилди, кейинчалик у Миллий Озодлик Фронтига айлантирилди.

**1954 йил апрель–июнь** – Кенгир (СССР)да маҳбуслар қўзғолон кўтарди.

**1954 йил май** – Ҳиндистон ҳукумати Жамми ва Кашмирни штат сифатида Ҳиндистонга қўшиб олиш тўғрисида қарор қабул қилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1954 йил 27 июнь** – СССРда дунёда биринчи саноат атом электростанцияси ишга туширилди.

**1954 йил сентябрь** – Хавфсизлик тўғрисида Тинч океани ташкилоти (АНЗЮС) тузилди. Унинг таркибига Австралия, Янги Зеландия ва Қўшма Штатлар кирди. Манила шаҳри (Филиппин)да чақирилган кенгаш (1954 йил сентябрь)да янада кенгайтирилди. АНЗЮСга Англия, Таиланд, Филиппин ва Покистон ҳам аъзо бўлиб киргач, СЕАТО–Жануби-Шарқий Осиё шартномаси ташкилоти деб юритиладиган бўлди.

**1954 йил 1 ноябрь** – Жазоирнинг шимоли-гарбидаги тоғларда қўзголон кўтарилди ва Жазоирда уруш бошланди. Миллий озодлик фронти (унга Аҳмад Бен Белла асос солган) бу курашга раҳбарлик қилди.

**1954 йил** – Рене Коти Франция Республикаси президенти бўлди.

**1954 йил** – СССР (асосан, Қозоғистон ва Сибирь ҳудудлари)да қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш бошланди.

**1954 йил** – полковник Жамол Абдул Носир ҳокимиятдан Муҳаммад Нажибни четлаштирди ва ўзи президент бўлди.

**1954 йил** – Лаос ва Камбоджа мустақиллиги тасдиқланди.

**1954 йил** – Ҳиндихитойда Франциянинг Дьен бьен фу лагери қулади. Женева шартномаси (26 апрель–21 июль)га кўра Вьетнам 17-параллелда икки қисмга бўлинди: шимолда Вьетнам Демократик Республикаси (пойтахти Ханой) – Хо Ши Мин ҳокимияти остида; жанубда Жанубий Вьетнам (пойтахти Сангон)–Бао Дай ҳукумати қўлида. Хуллас, Вьетнам Францияға қарши урушда катта ғалабага эришди.

**1954 йил** – АҚШда биринчи транзисторли радиоприёмник яратилди.

**1954–1962 йиллар** – Жазоир халқи босқинчиларга қарши курашди ва мамлакат мустақиллиги эълон қилинди.

**1955 йил 8 февраль** – СССР Министрлар Советининг раиси лавозимига Николай Александрович Булганин тайинланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1955 йил 24 февраль** – Кубада президент этиб Фульхенсио Батиста сайланди.

**1955 йил 18 апрель** – Венгрияда Бош вазир Имре Надь истеъфога чиқди.

**1955 йил 9 май** – Германия Федератив Республикаси (ГФР) НАТО таркибига кирди. Бунга жавоб сифатида Совет Иттифоқи 1944 йилдаги совет-француз шартномасини бекор қилди.

**1955 йил 14 май** – дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисида Варшава шартномаси тузилди (СССР, Польша, Чехословакия, ГДР, Венгрия, Руминия, Болгария, Албания). Варшава шартномаси НАТОга қарши тузилган ҳарбий иттифоқ эди. Варшава шартномаси ташкилоти 1991 йил 1 июлда тугатилди.

**1955 йил июнь** – СССР раҳбарлари Никита Сергеевич Хрушчёв ва Николай Александрович Булганиннинг Югославияга ташрифи.

**1955 йил июль** – Покистон араб мамлакатларидаги миллий озодлик ҳаракатига қарши йўналтирилган Бағдод пактини имзолади.

**1955 йил 26 октябрь** – Жанубий Вьетнамда император Бао Дай ҳукумати ағдариб ташланди ва ҳокимиятни Нго Динь Дъем эгаллади. У Вьетнамда республика эълон қилди ва АҚШ мададига таяниб, коммунизмга қарши сиёсат юргизди.

**1955 йил** – Хитой Халқ Республикасида биринчи беш йиллик режаси қабул қилинди.

**1955 йил** – Бандунг (Индонезия)да Осиё ва Африка давлатларининг конференцияси. Бандунг конференциясида мустамлакачилик қораланди ва Қўшилмаслик ҳаракатига асос солинди. Дунё сиёсий майдонига «учинчи дунё» вакиллари чиқди.

**1955 йил** – мустақил ва демократик Австрия Республикасини қайта тиклаш тўғрисида СССР, АҚШ, Буюк Британия ва Франция ўртасида Давлат шартномаси тузилди. Австрия мустақил давлатга айланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1955 йил** – Югославия ва Совет Иттифоқи ўртасида дўстлик ҳақида шартнома имзоланди.

**1955 йил** – Колдер–Холл (Буюк Британия)да биринчи атом электр станцияси ишга туширилди.

**1955–1970 йиллар** – япон иктисодига 15 мингдан ортиқ янги техника патенти ва лицензияси жорий қилинди.

**1956 йил 1 январь** – Судан мустақил давлат деб эьлон қилинди.

**1956 йил 25 февраль** – КПСС XX съездининг ёпиқ мажлисида партия раҳбари Никита Сергеевич Хрушчёв шахсга сиғиниш ва унинг оқибатлари тўғрисида маъруза қилди. Маърузада Сталин шахсига сиғиниш қораланди. СССРда десталинизация жараёни ва тинч ҳамкорлик қилиш принципи бошланди. Коминформ бекор қилинди.

**1956 йил 2 март** – Марокаш мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Марокаш Қироллиги қироллари:* Муҳаммад V (1957–1961), Ҳасан II (1961–1999), Муҳаммад VI (1999 йилдан).

**1956 йил** – Тунис ва Марокаш (Марокко) мустақилликка эришди.

**1956 йил 23 март** – Покистон Ислом Республикаси деб эълон қилинди.

**1956 йил 23 июнь** – Мисрда янги конституция қабул қилинди, унга кўра Миср демократик республика, араб халқи эса араб миллатининг бир қисми деб эълон қилинди. Жамол Абдул Носир эса Мисрнинг биринчи президенти бўлди.

**1956 йил июнь**–Польшада тартибсизликлар ва Владислав Гомулка коммунистик партия раҳбарлигига қайтди.

**1956 йил июнь–1958 йил февраль** – Жамол Абдул Носирнинг Мисрда президентлик даври.

**1956 йил 26 июль** – Миср томонидан Сувайш канали национализация қилинди.

**1956 йил 19 октябрь** – дипломатик муносабатларни тиклаш тўғрисида совет-япон декларацияси имзоланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1956 йил 23 октябрь–4 ноябрь** – Венгрияда мавжуд тоталитар режим (Матьяш Ракоши ҳукумати)га қарши халқ қўзғолони. У Будапештга киритилган совет қўшинлари томонидан бостирилди. Партия ва ҳукумат раҳбарлигига келган Янош Кадар Венгрияни иқтисодий ислоҳотлар йўлига бошлади. Янош Кадар Венгрия инқилобий ишчи-деҳқон ҳукумати тузилиши ҳақида хабар берди. Венгрия меҳнаткашлар партияси Венгрия социалистик ишчи партиясига айлантирилди. Тўрт кун мобайнида венгерларнинг қаршилик кўрсатиши бостирилди. Имре Надь қамоққа олинди, давлатга хиёнат қилишда айбланди ва 1958 йил 17 июнда қатл этилди.

**1956 йил 30 октябрь** – Мисрга қарши Исроил, Франция ва Буюк Британиянинг бирлашган ҳарбий тажовузкор юриши бошланди. СССР ва АҚШ урушни тўхтатишга чақирди.

**1956 йил ноябрь**–Мисрда урушаётган давлатлар сулҳ тузишди. Араб дунёсида «ғарб империализми»га қарши курашаётган Жамол Абдул Носирнинг мавқеи ошиб кетди.

**1956 йил декабрь** – инглиз-француз қўшинлари Мисрдан олиб чиқиб кетилди.

**1956 йил** – Суданда республика эълон қилинди.

**1956 йил** – инқилобчи Фидель Кастро Кубага қайтиб, партизанлар курашини бошлади.

**1956–1978/79 йиллар** – Никарагуада самосалар клани ҳокимиятни босиб олди ва ҳукмронлик қилди.

**1957 йил 6 февраль** – Исроил қўшинлари Ғазо секторини БМТ қуролли кучлари назорати остига топширди.

**1957 йил 6 март** – Британия Олтин қирғоғи – Африкадаги дастлабки давлат мустақилликка эришди. У Тогони ҳам қўшиб олиб, ўзига Гана деган янги ном олди.

**1957 йил март** – Исроил армияси Мисрдан чиқиб кетишга мажбур бўлди.

**1957 йил 25 апрель**–Европа иқтисодий ҳамжамияти («Умумий бозор») ташкил қилиш тўғрисида Римда иккита шартнома имзоланди. Ҳамжамият асосчилари (Германия,



www.ziyouz.com kutubxonasi

Франция, Бельгия, Люксембург, Голландия ва Италия) Европадаги катта олтиликни шакллантирди.

**1957 йил 22–29 июнь** – КПСС МК Пленумида антихрушчёв оппозицияси («антипартия группаси») барбод бўлди.

**1957 йил 25 июль** – Тунис подшоҳи Муҳаммад Аминбий тахтдан ағдарилди, монархия тугатилди ва республика эълон қилинди. Мамлакат премьер-министри Ҳабиб Бурғиба президент этиб сайланди.

*Тунис президентлари:* Ҳабиб Бурғиба (1957–1987), Зайн ал-Обидин бин Али (1987 йил 7 ноябрдан).

*Тунис премьер-министрлари:* Ҳабиб Бурғиба (1956–1957), Бахи Ладгам (1969–1970), Хеди Нуира (1970–1980), Мохаммед Мзали (1980–1986), Рашид Сфар (1986–1987), Зайн ал-Обидин бин Али (1987 йил октябрь–ноябрь), Хеди Баккуш (1987–1989), Хамед Каруи (1989–1999), Мохаммед Ганнучи (1999 йил 17 ноябрдан).

**1957 йил 31 август** – Малакка яриморолида турли султонликларни бирлаштирган Малайзия Федерацияси мустақилликка эришди. Амалдаги конституциясига кўра Малайзия ҳукуматини премьер-министр бошқаради (1963 йилдан).

*Малайзия қироллари:* Аҳмад Шоҳ (1979–1984), Маҳмуд Искандар ал-Хаж ибни Исмаил ал-Халиди (1984–1989), Азлан Шоҳ (1989–1994), Туанку Джафар ибни аль-Махрум Ямтуан Абдул Раҳмон (1994–1999), Салоҳуддин Абдул Азиз Шоҳ ибни ал-Мархум Султан Хизамуддин Алам Шоҳ (1999–2001), Туанку Сайед Сирожиддин (2001–2006), Мизан Зайнал Абидин (2006 йил 13 декабрдан).

*Малайзия премьер-министрлари:* Абдул Раҳмон (1963 – 1970), Абдул Раззоқ (1970–1976), Ҳусейн Онн (1976–1981), Махатхир Муҳаммад (1981–2003), Абдулла Аҳмад Бадавий (2003–2009), Мохд Нажиб бин Тун Ҳожи Абдул Раззоқ (2009 йилдан).



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1957 йил 4 октябрь** – СССРда Ернинг биринчи сунъий йўлдоши (Спутник-1) учирилди. Космосни амалий тадқиқ этиш бошланди, инсониятга космик эра очилди.

**1957 йил** – Францияда саноат ишлаб чиқариш урушдан олдинги даврдан икки баравар ошди.

**1957 йил** – Чехословакияда Антонин Новотний президент бўлди.

**1957 йил** – Тинч океани акваториясида Совет Иттифоқининг 10 минг км. дан зиёдроқ масофада нишонни аниқ урувчи қитъалараро баллистик ракетаси синовдан ўтказилди. Бир йилдан сўнг АҚШда ҳам шундай ракета яратилди.

**1957 йил** – Султон Муҳаммад V Марокаш қироли бўлди.

**1957 йил** – рус ёзувчиси Борис Леонидович Пастернак (1890–1960) хорижда (Миланда) «Доктор Живаго» романини эълон қилди. Унда 1917 йил Октябрь тўнтаришининг салбий оқибатлари тўла-тўкис очиб берилди. Б. Пастернакни чиқиштирмаслик умрининг охиригача давом этди. Унга «Доктор Живаго» романи учун Нобель мукофоти берилди, бироқ у бу мукофотдан воз кечишга мажбур бўлди (1959).

**1957–1973 йиллар** – Таиландда ҳокимият тепасида ҳарбий диктатура фаолият юритган давр.

**1958 йил 27 март** – КПСС МК биринчи котиби Никита Сергеевич Хрушчёв СССР Министрлар Советининг раиси лавозимини эгаллади.

**1958 йил 15 май** – Англияда биринчи марта водород бомбаси синаб кўрилди.

**1958 йил 1 июнь** – Жазоирдаги қўзголон (13 май) натижасида Францияда генерал Шарль де Голль ҳокимият тепасига келди (Франция премьер-министри бўлди).

**1958 йил 14 июль** – Бағдодда ҳарбий тўнтариш юз берди. Натижада монархия агдарилиб, республика эълон қилинди. Англиянинг собиқ иттифоқдоши Нури Саид ўлдирилди. Ироқ Багдод пактидан чиқди ва ўз ҳудудидаги барча чет эл базаларини тугатиб, Совет Иттифоқи билан дўстона муносабатларни ривожлантира бошлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1958 йил август** – Шимолий Кореяда қишлоқ хўжалигини кооперациялаш тугади.

**1958 йил сентябрь** – Америка [АҚШ] ҳукумати Ливанга, Англия эса Иорданияга десант туширди. Мустақил давлатларга ҳарбий тажовуз бошланди.

**1958 йил 28 сентябрь** – Гвинея «Ҳамдўстлик» режасини рад қилиб, мустақил давлатга айланди. Мамлакатни ўлимига қадар Аҳмад Секу Туре бошқарди (1958–1984).

**1958 йил 2 октябрь** – Гвинея мустақил республика деб эълон қилинди.

*Гвинея Республикаси президентлари:* Аҳмад Секу Туре (1958–1984), Луи Лансана Беавоги (1984 йил март – апрель; в.б.), Лансана Конте (1984–2008), Мусса Дади Камара (2008 йил 24 декабрдан).

**1958 йил 4 октябрь** – Францияда V Республика даври бошланди. Мамлакатда Бешинчи Республика Конституцияси қабул қилинди. Франция ўз мустамлакаларидаги сиёсатини қайта кўриб чиқиб, уларга ички автономия беришга қарор қилди.

*Бешинчи Республика даврида Франция президентлари:* Шарль де Голль (1958–1969), Ален Поэр (1969 йил апрель – июнь; 1974 йил апрель–май; вақтинча президентлик вазифасини бажарган), Жорж Помпиду (1969–1974), Валери Жискар д'Эстен (1974–1981), Франсуа Миттеран (1981–1995), Жак Ширак (1995–2007), Николя Саркози (2007 йилдан).

*Бешинчи Республика даврида Франция премьер-министрлари:* Мишель Дебре (1959–1962), Жорж Помпиду (1962–1968), Морис Кув де Мюрвиль (1968–1969), Жак Шабан-Дельмас (1969–1972), Пьер Мессмер (1972–1974), Жак Ширак (1974–1976; 1986–1988), Раймон Барр (1976 – 1981), Пьер Моруа (1981–1984), Лоран Фабиус (1984–1986), Мишель Рокар (1988–1991), Эдит Крессон (1991 – 1992), Пьер Береговуа (1992–1993), Эдуар Балладюр (1993–1995), Ален Жюппе (1995–1997), Лионель Жоспен (1997–2002), Жан Пьер Раффарен (2002–2005), Доминик де Вильпен (2005–2007), Франсуа Фийон (2007 йил 17 майдан).



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1958 йил октябрь** – Америка ҳарбий қўшини Ливан ҳудудидан олиб чиқиб кетилди.

**1958 йил октябрь** – Тошкентда Осиё ва Африка ёзувчиларининг конференцияси бўлиб ўтди. Бу воқеа жаҳон миқёсида санъат, адабиёт ва маданият соҳасидаги жараёнлар интеграллашувини бошлаб берди. Конференцияда Шарқ адабиётининг таниқли вакиллари иштирок этиб, конференциянинг асосий ғоясини қўллаб-қувватладилар ҳамда турли қитъалардаги маданият арбобларининг тинчлик ва ижтимоий тараққиёт учун курашда бирлашиш муаммолари бўйича баҳсларда фаол иштирок этдилар.

**1958 йил 21 декабрь** – генерал Шарль де Голль умумхалқ овози билан Франция президенти этиб сайланди.

**1958 йил** – Хитой Халқ Республикасида Мао Цзэдун коммунизм қуриш учун «катта сакраш» йўлини эълон қилди. Халқ коммуналари ташкил қилинди (Бу ҳолат иқтисодий таназзулга олиб келди).

**1958 йил** – Руминиядан совет қўшинлари олиб чиқилди.

**1958 йил** – Рим черкови раҳбари қилиб папа Иоанн XXIII сайланди.

**1958 йил** – Совет Иттифоқи Ғарб давлатларига Ғарбий Берлинни 6 ой давомида эркин шаҳар қилиш тўғрисида ультиматум қўйгач, Берлин инқирози бошланди.

**1958 йил** – Ироқда генерал Абдул Карим Кассем (Қосим) томонидан ҳарбий давлат тўнтариши ўтказилди. Ҳошимийлар сулоласи ағдарилиб, республика эълон қилинди.

*Ироқ Республикаси президентлари:* Муҳаммад Нажиб ал-Рубаи (1958–1963), Абдул Салам Ареф (1963–1966), Абдул Раҳмон Ареф (1966–1968), Аҳмед Ҳасан ал-Бакр (1968–1979), Саддам Ҳусайн (1979–2003); Ғози Машал Ажил ал-Явер (2004–2005), Жалол Талабоний (2005 йил 6 апрелдан).

*Ироқ Республикаси премьер-министрлари:* Абдул Карим Кассем (1958–1963), Аҳмад Ҳасан ал-Бакр (1963), Тоҳир Яҳё (1963–1965), Абдул Раҳмон ал-Баззаз



www.ziyouz.com kutubxonasi

(1965–1966), Наджи Талиб (1966–1967), Абдул Раҳмон Ареф (1967 йил май–июль), Тоҳир Яҳё (1967–1968), Абд ар-Раззоқ ан-Наиф (1968 йил 17 июль–30 июль), Аҳмад Ҳасан ал-Бакр (1968–1979), Саддам Ҳусайн (1979–1991; 1994–2003), Саадун Ҳаммади (1991 йил март–сентябрь), Муҳаммад Ҳамза аз-Зубайди (1991 йил 13 сентябрь–1993), Аҳмад Ҳусайн ас-Самарраи (1993–1994); Айяд Аллауи (2004–2005), Иброҳим ал-Жафарий (2005–2006), Нури ал-Маликий (2006 йил 22 апрелдан).

**1958 йил** – далай-лама Тибетни тарк этиб, Ҳиндистонга яширинди.

**1958 йил** – СССРда «Ленин» номидаги биринчи атом музёрар кемаси қурилди.

**1958–1961 йиллар** – Миср ва Сурия давлатлари Жамол Абдул Носир бошчилигида Бирлашган Араб Республикасини ташкил қилди.

**1958–1963 йиллар** – Италияда Фанфанининг ҳукмронлик даври. «Итальян иқтисодий мўъжизаси»нинг энг ёрқин даври.

**1959 йил 1 январь** – Кубада американапараст Фульхенсио Батиста тузуми ағдариб ташланди. Кубада инқилоб ғалаба қозонди. Фидель Кастро Рус бошчилигидаги ёш инқилобчилар Кубада ҳокимият тепасига келишди.

**1959 йил январь** – СССРда аҳолини рўйхатга олиш (208,8 млн. киши) ўтказилди.

**1959 йил 8 февраль** – Кубада конституция қабул қилинди. Фидель Кастро Рус Куба инқилобий ҳукумати премьер-министри қилиб сайланди. У Куба давлатини қарийб 50 йил бошқарди. (Фидель Кастро соғлиғи ёмонлашганлиги туфайли 2008 йил февралда давлат ва ҳукумат бошқарувини укаси Рауль Кастрога топширди.)

*Куба премьер-министри:* Фидель Кастро Рус (1959–1976); *Куба Министрлар Совети раиси:* Фидель Кастро Рус (1976–2008), Рауль Кастро Рус (2008 йил 25 февралдан).

*Куба Давлат кенгаши раислари:* Фидель Кастро Рус (1976–2008), Рауль Кастро Рус (2008 йил 25 февралдан).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Куба Коммунистик партияси МК биринчи котиби:* Фидель Кастро Рус (1965 йилдан).

**1959 йил 16 июнь** – Москвада Халқ Хўжалик Ютуқлари Кўргазмаси (ВДНХ) очилди.

**1959 йил 15–28 сентябрь** – совет ҳукумати раҳбари Никита Сергеевич Хрушчёвнинг АҚШга биринчи ташрифи.

**1959 йил** – Гавая ороли АҚШнинг 50-штатига айланди.

**1959 йил**–архиепископ Макариос III (1959–1977) ва турк жамоасининг вице-президенти бошчилигида Кипр мустақилликка эришди.

**1959 йил** – Покистонда ҳарбий тўнтариш. Генерал Муҳаммад Айюбхон диктатураси ўрнатилди ва конституция бекор қилинди. Мамлакатда қатағон кучайди.

**1959 йил** – Ливияда нефть конлари очилди.

**1959 йил** – хитой-совет можаросида дастлабки белгилар кўринди.

**1959–1962 йиллар** – Мишель Дебренинг Францияда премьер-министрлик даври.

**1959–1969 йиллар** – Шарль де Голлнинг Францияда президентлик даври.

**1960 йил 1 январь** – Шарқий Камерун мустақиллиги эълон қилинди ва давлат 13 ноябрдан Камерун Республикаси деб юритила бошланди.

*Камерун Республикаси президентлари:* Аҳмадий Аҳиджо (1960–1982), Поль Бийя (1982).

**1960 йил 27 апрель** – Франция мустамлакаси Того мустақилликка эришди.

*Того Республикаси президентлари:* Силванус Олимпио (1960–1963), Николас Груницкий (1963–1967), Гнассингбе Эйадема (1967–2005), Фор Эссозимна Гнассингбе (2005 йил 4 майдан).

**1960 йил 26 июнь**–Мадагаскар мустақилликка эришди.

*Мадагаскар Республикаси президентлари:* Филибер Циранана (1960–1972), Габриэль Раманацуа (1972–1975), Ришар Рацимандрава (1975 йил 5–11 февраль), Жиль Андриамахазу (1975 йил февраль–июнь), Дидье Рацирака



www.ziyouz.com kutubxonasi

(1975 йил июнь–декабрь), Дидье Рацирака (1975–1992), Дидье Рацирака (1992–1993; 1997–2002), Альберт Зафи (1993–1996), Норберт Рацирахонана (1996–1997), Марк Раваломанана (2002–2009), Андри Радзуэлина (2009 йил 17 мартдан).

**1960 йил 30 июнь** – мустақил Конго Республикаси (1971–1997 йилларда Заир Республикаси) эълон қилинди. Ҳукумат раиси сифатида Миллий ҳаракат партияси (1958 йил тузилган) раҳбари Патрис Лумумба, президент лавозимига Жозеф Касавубу сайланди. 1964 йил Конго Демократик Республикаси деб номланди. Пойтахти–Киншаса шаҳри.

*Конго Демократик Республикаси президентлари:* Жозеф Касавубу (1960–1965), Сесе Секо Мобуту (1965–1997), Лоран-Дезире Кабила (1997–2001), Жозеф Кабила (2001 йил 17 январдан).

**1960 йил 1 июль** – Гана республика деб эълон қилинди.

*Гана Республикаси президентлари:* Нии Амаа Олленну (1970 йил 7–31 август; в.б.), Эдвард Акуфо-Аддо (1970–1972); *Гана Республикаси миллий қутқариш қўмитасининг раиси:* Игнатиус Куту Квазе Ачеампонг (1972–1975); *Гана Республикаси Олий Ҳарбий қўмитаси раислари:* Игнатиус Куту Квазе Ачеампонг (1975–1978), Фредерик [Фред] Уильям Кваси Акуффо (1978–1979); *Гана Республикаси Ҳарбий инқилобий қўмитаси раиси:* Еремия Жерри Жон Квази Ролингс (1979 йил июнь–сентябрь); *Гана Республикаси президентлари(1979 йилдан):* Хилла Лиманн-Бабини (1979–1981), Еремия Жерри Жон Квази Ролингс (1981–2001), Жон Куфуор (2001–2009), Жон Атта Миллз (2009 йил 7 январдан).

**1960 йил 1 июль**–Сомали Демократик Республикаси мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Сомали Республикаси президентлари:* Аден Абдулла Усмон Даар (1960–1967), Абдирашид Али Шермарк (1967 – 1969), Шайх Мухтор Моҳамад Ҳусайн (1969 йил 15–21 октябрь), Муҳаммад Сиад Баре (1969–1991), Али Маҳди Мухаммед (1991), ҳукмдор йўқ (1991–1995), Муҳаммад



www.ziyouz.com kutubxonasi

Фарах Айдид (1995–1996), Ҳусайн Муҳаммад Фараҳ Айдид (1996–1997); Абдулқосим Салад Ҳасан (2000–2004), Абдуллоҳ Юсуф Аҳмад (2004–2008), Абан Мухамед Нур Мадоб (2008–2009), Шайх Шариф Аҳмад (2009 йил 31 январдан).

**1960 йил 6–10 июль** – футбол бўйича I Европа чемпионати [дастлаб Европа кубоги деб номланган] Францияда ўтказилди. Унда СССР терма жамоаси Европа чемпиони бўлди. Ҳозиргача Германия 3 марта, Франция ва Испания 2 марта, СССР, Италия, Чехословакия, Голландия, Дания, Греция бир мартадан футбол бўйича Европа чемпиони бўлишди.

*Футбол бўйича Европа чемпионатлари:* I–1960 (Франция), II–1964 (Испания), III–1968 (Италия), IV–1972 (Бельгия), V–1976 (Югославия), VI–1980 (Италия), VII–1984 (Франция), VIII–1988 (Голландия), IX–1992 (Швеция), X–1996 (Англия), XI–2000 (Бельгия ва Голландия), XII–2004 (Португалия), XIII–2008 (Швейцария ва Австрия), XIV–2012 (Польша ва Украина).

**1960 йил 1 август** – Дагомея тўлиқ мустақилликка эришди ва Дагомея Республикаси деб номланди. 1975 йилдан мамлакат Бенин Халқ Республикаси деб атала бошлади. 1990 йил мартдан бошлаб Бенин Республикаси деб аталадиган бўлди.

*Дагомея Республикаси президентлари (1960–1975):* Юбер Мага (1960–1963; 1970–1972), Кристоф Согло (1963–1964; 1965–1967), Суру Миган Апити (1964–1965), Жюстен Ахомадегбе-Тометин (1965 йил 27–29 ноябрь; в.б.), Тахиру Конгаку (1965 йил ноябрь–декабрь; в.б.), Жан-Батист Хашем (1967 йил 19–20 декабрь), Морис Куандете (1967 йил 20–21 декабрь), Альфонс Амаду Алле (1967–1968), Эмиль Зинсу (1968–1969), Морис Куандете (1969 йил 10–13 декабрь), Поль-Эмиль де Соуза (1969 – 1970), Жюстен Ахомадегбе-Тометин (1972 йил май–октябрь), Матьё Кереку (1972–1975);

*Бенин Халқ Республикаси президенти (1975–1990):* Матьё Кереку (1975–1990);



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Бенин Республикаси президентлари (1990 йилдан):* Матьё Кереку (1990–1991), Нисефор Согло (1991–1996), Матьё Кереку (1996–2006), Яйи Бони (2006 йил 6 апрелдан).

**1960 йил 3 август** – Нигер мустақил республика деб эълон қилинди ва у Франция Ҳамжамияти таркибидан чиқди. Шу йилнинг ноябрь ойида Миллий мажлис янги Конституцияни қабул қилди ва мамлакат премьер-министри Амин Диорини республиканинг биринчи президенти этиб сайлади.

*Нигер Республикаси президентлари:* Амин Диори (1960–1974), Сейни Кунче (1974–1987), Али Саибу (1987–1993), Моҳаман Усман (1993–1996), Ибрагим Баре Маинассара (1996–1999), Дауда Малам Ванке (1999 йил апрель–декабрь), Танжа Мамаду (1999–2010), Салу Жибо (2010 йилдан).

**1960 йил 5 август** – Франция мустамлакаси бўлган Юқори Вольта мустақил давлат деб эълон қилинди. Кейинчалик мамлакат Буркина-Фасо Республикаси деб атала бошланди (1984 йил 4 августдан).

*Юқори Вольта президентлари:* Морис Ямеого (1960–966), Сангуле Ламизана (1966–1980), Сей Зербо (1980–1982), Жан Батист Уэдраого (1982–1983), Томас Санкара (1983–1984).

*Буркина-Фасо Республикаси президентлари:* Томас Санкара (1984–1987), Блэз Компаоре (1987 йил 31 октябрдан).

**1960 йил 7 август** – Франция мустамлакаси Кот-д'-Ивуар мустақил республика деб эълон қилинди. Мамлакат премьер-министри Феликс Уфуэ-Буаньи президент қилиб сайланди.

*Кот-д'Ивуар Республикаси президентлари:* Феликс Уфуэ-Буаньи (1960–1993), Анри Конан Бедье (1993–1999), Робер Геи (1999–2000), Лоран Гбагбо (2000 йил 26 октябрдан).

**1960 йил 11 август** – Чад мустақил давлат деб эълон қилинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Чад Республикаси президентлари:* Франсуа Нгарта Томбалбай (1960–1975), Феликс Маллум (1978–1979), Гукуни Уэддей (1979–1982), Хиссен Хабре (1982–1990), Идрис Деби (1990 йилдан).

**1960 йил 13 август** – Марказий Африка Республикаси мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Марказий Африка Республикаси президентлари:* Давид Дако (1960–1966), Жан-Бедель Бокассо (1966–1976; у 1976–1979 йилларда ўзини Марказий Африка императори Бокассо I деб эълон қилган), Давид Дако (1979–1981), Андре Колингба (1981–1993), Анж-Феликс Патассе (1993–2003), Франсуа Бозизе (2003 йил 15 мартдан).

**1960 йил 15 август** – Конго мустақилликка эришди. 1969 йил 30 декабрда Конго Халқ Республикаси, 1991 йилдан Конго Республикаси деб атала бошланди. Пойтахти – Браззавиль шаҳри.

*Конго Республикаси президентлари:* Массамба-Деба (1963–1968), Нгуаби (1968–1977), Жак Жоахим Йомби-Опанго (1977–1979), Дени Сассу-Нгессо (1979–1992), Паскаль Лиссуба (1992–1997), Дени Сассу-Нгессо (1997 йил 25 октябрдан).

**1960 йил 16 август** – Кипр Республикаси [Қибрис жумҳурияти] мустақиллиги эълон қилинди. Макариос III (Кипр грекларидан) Кипр Республикаси президенти, Фозил Кичик (Кипр туркларидан) вице-президент қилиб сайланди.

*Кипр Республикаси президентлари:* Янги Юстиниан ва бутун Кипрнинг архиепископи Макариос III (1960–1977); Спирос Киприану (1977–1988), Георгиос Василиу (1988 – 1993), Глафкос Клиридис (1993–2003), Тассос Пападопулос (2003–2008), Димитрис Христофиас (2008 йил 28 февралдан).

**1960 йил 17 август** – Габон мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Габон Республикаси президентлари:* Леон Мба (1961 – 1964), Жан-Илер Обам (1964), Леон Мба (1964–1967), Омар Бонго Ондимба (1967–2009), Роза Франсина Рогомбе (2009



www.ziyouz.com kutubxonasi

йил июнь–октябрь), Али бен Бонго Ондимба (2009 йил 16 октябрдан).

**1960 йил 20 август** – Сенегал мустақил республика деб эълон қилинди.

*Сенегал Республикаси президентлари:* Леопольд Седар Сенгор (1960–1980), Абду Диуф (1981–2000), Абдулай Вад (2000 йил 1 апрелдан).

**1960 йил 22 сентябрь** – Судан Республикасининг Қонун чиқарувчи ассамблеяси Судан Республикасини Мали Республикаси номи билан суверен ва мустақил давлат деб эълон қилди ва у Франция Ҳамжамиятидан чиқди.

*Мали Республикаси президентлари:* Модибо Кейта (1960–1968), Муса Траоре (1968–1991), Амаду Тумани Туре (1991–1992), Альфа Умар Конаре (1992–2002), Амаду Тумани Туре (2002 йил 8 июндан).

**1960 йил октябрь** – СССРда биринчи лазер яратилди.

**1960 йил 14 ноябрь** – нефтни экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК) ташкил топди.

**1960 йил 28 ноябрь** – Мавритания тўлиқ мустақилликка эришди.

*Мавритания Ислом Республикаси президентлари:* Моктар ульд Дадда (1961–1978); Мауйя ульд Сиди Аҳмад Тайя (1984/1992–2005); Сиди Муҳаммад ульд Шайх Абдуллоҳ (2007–2008), Муҳаммад ульд Абдулазиз (2008 йил 19 апрелдан).

**1960 йил 14 декабрь** – БМТ Бош Ассамблеясининг мустамлака мамлакатлари ва халқларига мустақиллик бериш ҳақидаги баёноти қабул қилинди.

**1960 йил 20 декабрь** – Жанубий Вьетнамда Нго Динь Дъем режимига қарши коммунистик қўзғолон бошланди. Уни Шимолий Вьетнам қувватлади. Озодлик миллий фронти ташкил қилинди.

**1960 йил** – Туркияда ҳарбий тўнтариш бўлди ва Бош вазир Аднан Мендерес қатл этилди.

**1960 йил** – Франция ўз атом бомбасини синовдан ўтказди. Янги франк муомалага киритилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1960 йил** – Бразилиа шаҳри Бразилия пойтахти деб эълон қилинди.

**1960 йил** – Француз ҳамжамияти парчаланди. Франция Мавритания, Юқори Вольта (ҳозирги Буркина-Фасо), Нигерь, Чадь, Сенегал, Мали (собиқ Француз Судани), Фил Суяғи қирғоғи (ҳозирги Кот-д' Ивуар), Того, Дагомея (ҳозирги Бенин), Камерун, Габон, Конго, Марказий Африка Республикаси, Мадагаскар каби Африка давлатларига мустақиллик берди.

**1960 йил** – Нигерия мустақилликка эришди.

**1960 йил** – Фидель Кастро томонидан Кубадаги америка корхоналари национализация қилинди, бунга жавобан АҚШ ҳукумати Американинг Куба билан савдо-сотиғига эмбарго қўйди.

**1960 йил** – биринчи лазер генератори америкалик муҳандис Теодор Майман томонидан яратилди.

**1960–1969 йиллар** – Муҳаммад Аюбхоннинг Покистон Ислом Республикасида президентлик даври.

**1961 йил январь** – АҚШ қўшниси Куба билан дипломатик муносабатларни узди **ва** Когинос қўлтиғи орқали Кубага бостириб киришга уринди.

**1961 йил 4–6 февраль** – Ангола пойтахтида қуролли қўзғолон бошланди.

**1961 йил 12 апрель** – совет космонавт учувчиси Юрий Гагарин космосга биринчи бор парвоз қилди. Бу пайтдан америка ва совет олимлари ўртасида космосни ўзлаштиришда ўзига хос мусобақа бошланди.

**1961 йил 17 апрель** – Фидель Кастро душманлари Плоя-Хирон районига ҳужумга ўтди.

**1961 йил 27 апрель** – Сьерра-Леоне мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Сьерра-Леоне Республикаси президентлари:* Маргаи (1962–1964), Альберт Маргаи (1964–1967), С. Стивенс 1968–1985);

*Сьерра-Леоне давлат Олий совети раислари:* майор Джозефу Саиду Момо (1985–1992), Валентин Мелвин Страссер (1992–1996).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Сьерра-Леоне Республикаси президентлари:* Аҳмад Тиджан Кабба (1996–2007), Эрнест Бай Корома (2007 йил 17 сентябрдан).

*Сьерра-Леоне генерал-губернаторлари:* Морис Генри Дорман (1961–1962), Генри Жозайя Лайтфут Бостон (1962–1967), Эндрю Жаксон-Смит (1967–1968), Банжа Тежан-Сие (1968–1971), Кристофер Окоро Коле (1971 йил март–апрель).

**1961 йил 31 май** – Жанубий Африка Иттифоқи ҳукумати «оқ танли»лар ўртасида референдум ўтказиб, мамлакатни Жанубий Африка Республикаси деб эълон қилди.

*Жанубий Африка Республикаси президентлари (1961 – 1984 йиллар парламентар республика):* Чарльз Роббертс Сварт (1961–1967), Теофилус Эбенхайзер Дёнгес (1967 йил май–декабрь), Джошуа Франсуа Науде (1967–1968), Якобус Йоханнес Фуше (1968–1975), Йоханнес де Клерк (1975 йил 9–19 апрель), Николаас Йоханнес Дидерихс (1975–1978), Марайс Вильюн (1978 йил август–октябрь), Балтазар Йоханнес Форстер (1978–1979), Марайс Вильюн (1979 – 1984); Питер Виллем Бота (1984–1989), Фредерик Виллем де Клерк (1989–1994), Нельсон Мандела (1994–1999), Табо Мбеки (1999–2008), Кгалема Мотланте (2008 – 2009), Жейкоб Зума (2009 йил 9 майдан).

**1961 йил 2–4 июнь** – Венада СССР раҳбари Никита Сергеевич Хрушчёв ва АҚШ президенти Жон Кеннеди ўзаро учрашдилар.

**1961 йил 19 июнь** – Буюк Британия мустамлакаси бўлган Қувайт мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Қувайт давлати амирлари:* Абдулла III бен Салим ас-Сабоҳ (?–1965), Сабоҳ ас-Салим ал-Мубарак ас-Сабоҳ [Сабоҳ III] (1965–1977), Жобир ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ [Жобир III] (1977–2006), Саад ал-Абдулла ас-Салим ас-Сабоҳ [Саад I] (2006 йил 15–24 январь), Сабоҳ ал-Аҳмад ал-Жобир ас-Сабоҳ [Сабоҳ IV] (2006 йил 24 январдан).

**1961 йил 12–13 август** – Германия Демократик Республикаси Бранденбург дарвозаси орқали ўтиладиган Шарқий



www.ziyouz.com kutubxonasi

ва Ғарбий Берлин ўртасидаги эркин ўтиш чегарасини ёпиб қўйди. Берлин девори қурилди.

**1961 йил 29 сентябрь** – Сурия Араб Республикаси эълон қилинди.

**1961 йил 1 октябрь** – Ғарбий Камеруннинг Камерун Республикасига бирлашуви натижасида Камерун Федератив Республикаси (КФР) тузилди. Кейинчалик у Камерун Республикаси деб аталадиган бўлди (1984 йил 25 январдан).

**1961 йил ноябрь** – Москвада Владимир Ильич Ленин ва Иосиф Виссарионович Сталин мавзолейидан Сталин жасади олиб чиқилиб, мавзолей орқасидаги Қизил майдонга дафн этилди. Хитой-совет муносабатлари ёмонлашганлиги КПСС XXII съездида жамоатчиликка маълум қилинди. Съездда қабул қилинган партиянинг янги дастурига кўра, СССР 1970 йилда АҚШдан ўтиб кетиши ва 1981 йилда коммунистик жамият қуриши керак эди. (Бироқ бу дастур ҳам фақат қоғозда қолиб кетди.)

**1961 йил** – Туркияда янги конституция қабул қилинди.

**1961 йил** – «Қўшилмаслик ҳаракати давлатлари блоки» Белградда Иосип Броз Тито, Жамол Абдул Носир ва Жавоҳарлаъл Неру раҳбарлигида биринчи конференцияни ўтказди. Унда мустамлакачиликка қарши кураш, бетарафликка риоя қилиш, мамлакатларнинг иқтисодий тараққиёти принциплари ишлаб чиқилди.

**1961 йил** – Сьерра-Леоне мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Сьерра-Леоне генерал-губернаторлари:* Морис Генри Дорман (1961–1962), Генри Жозайя Лайтфут Бостон (1962–1967), Эндрю Жаксон-Смит (1967–1968), Банжа Тежан-Сие (1968–1971), Кристофер Окоро Коле (1971 йил март–апрель).

**1961–1963 йиллар** – АҚШда Жон Кеннеди (демократ) нинг президентлик даври.

**1961–1965 йиллар** – Руминия Халқ Республикасида Георге Георгиу-Дежнинг президентлик даври.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1962 йил 1 январь** – Самоа мустақил давлат деб эълон қилинди. 1970 йилдан Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстликка қўшилди. Мамлакат 1997 йилгача Ғарбий Самоа деб аталди.

*Самоа давлати ҳукмдорлари:* Малиетоа Танумафили II Сусуга (1962–2007), Туиатуа Тупуа Тамасесе Эфи (2007 йилдан).

*Самоа давлати премьер-министрлари:* Матаафа Мулинуу II (1959–1970; 1973–1975), Тупуа Тамасесе Леалофи IV (1970–1973; 1975–1976), Туиатуа Тупуа Тамасесе Эфи (1976–1982; 1982 йил сентябрь–декабрь), Вааи Колоне (1982 йил апрель–сентябрь; 1985–1988), Тофилау Эти Алесана (1982–1985), Тофилау Эти Алесана (1988–1998), Тиулаепа Саилеле Малиелогаи (1998 йил 23 ноябрдан).

**1962 йил 18 март** – Эвиан битими. Франция премьер-министри Жорж Помпиду ва Жазоир миллий озодлик фронти раҳбари Бен Белла Женева кўли яқинидаги Эвиан шаҳрида урушни тўхтатиш ва ҳукуматни жазоир халқи қўлига топшириш шартлари тўғрисидаги Француз – Жазоир битимини имзоладилар. Жазоирда 8 йил давом этган уруш якун топди. Европаликлар оммавий равишда Жазоирдан чиқиб кетди. Жазоир мустақил деб эълон қилинди ва Жазоир Халқ Демократик Республикаси деб номланди.

**1962 йил апрель–1969 йил июнь** – Жорж Помпидунинг Францияда премьер-министрлик даври. Президент Шарль де Голлга Пти-Кламорда суиқасд қилинди (август).

**1962 йил 1 июнь** – Руанда мустақил республика деб эълон қилинди.

*Руанда Республикаси президентлари:* Грегуар Кайибанд (1962–1973), Жювеналь Хабьяриман (1973–1994), Теодор Синдикубвабо (1994 йил апрель–июль), Пастер Бизимунгу (1994–2000), Поль Кагаме (2000 йил 24 мартдан).

**1962 йил 2 июнь** – Новочеркасск (СССР)да ишчилар намойиши ўққа тутилди.

**1962 йил 1 июль** – Бурунди мустақил давлат деб эълон қилинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1962 йил 3 июль** – Жазоир Халқ Демократик Республикаси тузилганлиги эълон қилинди. Республиканинг биринчи ҳукуматини Аҳмад Бин Белла бошқарди. 1963 йил августдаги конституцияга биноан президентлик ва якка партиялик тизими жорий қилиниб, Аҳмад Бин Белла президент деб эълон қилинди.

*Жазоир Халқ Демократик Республикаси президентлари:* Аҳмад Бин Белла (1963–1965), полковник Хуари Бумиддин (1965–1978), Рабаҳ Битат (1978–1979), полковник Шадли Бенжадид (1979–1992), Муҳаммад Будиаф (1992 йил январь–июнь), Али Кафи (1992–1994), Ламин Зеруаль (1994–1999), Абдул Азиз Бутефлика (1999 йил 27 апрелдан).

**1962 йил 6 август** – Ямайка мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Ямайка генерал-губернаторлари:* Кеннет Блэкбёрн (1962 йил август–ноябрь), Клиффорд Кэмпбелл (1962–1973), Герберт Даффас (1973 йил март–июнь; в.б.), Флоризель Глэсспол (1973–1991), Эдвард Закка (1991 йил март – август; в.б.), Говард Кук (1991–2006), Кеннет Холл (2006 – 2009), Патрик Аллен (2009 йил 26 февралдан).

*Ямайка премьер-министрлари:* Александр Бустаманте (1962–1967), Дональд Сангстер (1967), Хью Ширер (1967–1972), Майкл Мэнли (1972–1980; 1989–1992), Эдвард Сэага (1980–1989), Персиваль Жеймс Паттерсон (1992–2006), Поршия Симпсон-Миллер (2006–2007), Брюс Голдинг (2007 йилдан).

**1962 йил 31 август** – Буюк Британиянинг мустамлакаси бўлган Тринидад ва Тобаго мустақил давлат деб эълон қилинди.

**1962 йил 26 сентябрь** – Саудия Арабистонига қўшни Шимолий Яман (пойтахти Сана)да бўлиб ўтган монархияга қарши инқилоб қирол Саудга ҳам энг жиддий огоҳлантириш бўлди. Шимолий Яманда Зайдит имомлари сулоласи агдариб ташланди ва Яман Араб Республикаси эълон қилинди. Уруш бошланиб, имом тарафдорлари (Саудия Арабисто-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ни қувватлаган) ва республикачилар (Миср қувватлаган) ўртасида жанглар бўлди (1962–1970).

**1962 йил 9 октябрь** – Уганда мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Уганда Республикаси президентлари:* Мутеса II (1962–1966), Милтон Оботе (1966–1971), Иди Амин (1971–1979), Юсуф Киронд Луле (1979 йил апрель–июнь), Годфри Бинайса (1979–1980), Пауло Муванга (1980 йил 12–22 май), Милтон Оботе (1980–1985), Базилио Олара-Окелло (1985 йил 27–29 июль), Тито Окелло (1985–1986), Йовери Кагута Мусевени (1986 йил 26 январдан).

**1962 йил сентябрь–октябрь** – Кариб инқирози.

**1962 йил 22–26 октябрь** – Куба ороли АҚШнинг йирик ҳарбий-денгиз кучлари, ҳарбий-ҳаво, денгиз пиёдалари, парашютчилар, стратегик авиация бирлашмалари ёрдамида тўлиқ ўраб олинди. Дунё термоядро уруши ёқасига келиб қолди. Бу давр «Кариб инқирози» номини олди. АҚШ президенти Линдон Жонсон Кеннеди ва СССР раҳбари Никита Сергеевич Хрушчев ўзаро келишгач, совет ракеталари Куба оролидан олиб чиқилди. АҚШ эса Туркиядан ўз ракеталарини олиб чиқди. «Совуқ уруш» тарихи мобайнидаги энг йирик танглик тинчлик билан якунланди.

**1962 йил** – II Ватикан собори очилди.

**1962 йил** – Руминияда жамоалаштириш тугалланди.

**1962–1985 йиллар** – Танганьика республика бўлди, унинг биринчи президенти Жулиус Ньереренинг бошқарув даври.

**1962–1988 йиллар** – Бирмада генерал Не Виннинг ҳукмронлик даври.

**1963 йил 22 март** – Франция ва ГФР ўртасида ҳамкорлик қилиш тўғрисидаги шартнома имзоланди.

**1963 йил июль** – Кремль ва Оқ уй (Москва ва Вашингтон) ўртасида ушбу мамлакатлар раҳбарлари ҳар қандай пайтда алоқа қилиши мумкин бўлган тўғридан-тўғри телефон линияси ўрнатилди. Москвада ядро қуролларининг барча турлари синовини тақиқлаш тўғрисида шартнома имзоланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1963 йил август** – атмосферада ядро қуроли синови тақиқланди.

**1963 йил 1 октябрь** – Нигерия федератив республика деб эълон қилинди.

*Нигерия Федератив Республикаси президентлари:* Ннамди Азикиве (1963–1966), Агийи-Иронси (1966 йил январь–июль), Якубу Говон (1966–1975), Муртала Муҳаммад (1975–1976), Олусегун Обасанджо (1976–1979), Шеху Шагари (1979–1983), Мохаммаду Бухари (1983–1985), Ибрагим Бабангида (1985–1993), Эрнест Шонекан (1993), Сани Абача (1993–1998), Абдусалам Абубакар (1998–1999), Олусегун Обасанджо (1999–2007), Умару Яр-Адуа (2007–2010), Гудлак Жонатан (2010 йил 6 майдан).

**1963 йил 15 октябрь** – Германия Федератив Республикасида Аденауэр даври якун топди. Канцлер Конрад Аденауэр истеъфога чиқди.

**1963 йил октябрь** – Франция ўз ҳарбий-денгиз базасини Бизертидан кўчирди ва Тунис тўлиқ суверен бўлиб олди.

**1963 йил 22 ноябрь** – Даллас (Техас штати)да АҚШ президенти Жон Кеннеди ўлдирилди. Унинг ўрнини вице-президент Линдон Жонсон эгаллади. Жон Кеннеди томонидан амалга оширилаётған «янги уфқ» дастури давом эттирилди.

**1963 йил 12 декабрь** – Кения мустақил давлат, кейинчалик эса республика деб эълон қилинди (1964 йил 12 декабрь).

*Кения Республикаси президентлари:* Жомо Кениата (1964–1978), Даниэль арап Мои (1978–2002), Мваи Кибаки (2002 йил 30 декабрдан).

**1963 йил** – СССР ва АҚШ ўртасида ўзаро ишонч тиклана бошланди.

**1963 йил** – Жанубий Вьетнамда Нго Динь Дъем ҳокимиятдан агдарилди ва ўлдирилди.

**1963 йил** – Рим папаси Иоанн XXIII халққа мурожаат қилди. Павел VI янги папа бўлди (1963–1978).

**1963 йил** – Ироқда навбатдаги давлат тўнтаришида генерал Кассем ҳокимиятдан ағдарилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1963 йил** – Эронда «оқ инқилоб» (аграр ислоҳотлар) бошланди.

**1963–1966 йиллар** – ГФР канцлери Людвих Эрхарднинг ҳукмронлик даври.

**1964 йил 7 январь** – Бухоро–Урал газ қувурининг биринчи навбати қурилиши якунланди.

**1964 йил 26 апрель** – Танганьика билан Занзибар бирлашиб, Танзания Бирлашган Республикасини туздилар.

*Танзания Бирлашган Республикаси президентлари:* Жулиус Ньерере (1964–1985), Али Хассан Мвиньи (1985–1995), Бенжамин Уильям Мкапа (1995–2005), Жакайя Киквете (2005 йил 21 декабрдан).

**1964 йил 14 май** – Мисрда Асвон (Асуан) тўғони очилди.

**1964 йил 28 май** – Қуддусда қочоқдаги фаластинликларнинг Фаластин Озодлик Ташкилоти (ФОТ) тузилди. Ташкилотнинг асосий қароргоҳи ҳозирги пайтда Рамаллоҳ шаҳрида жойлашган.

*Фаластин Озодлик Ташкилоти Ижроия Қўмитаси раислари:* Аҳмад Шукейри (1964–1969), Ёсир Арафот (1969–2004), Маҳмуд Аббос (2004 йилдан).

**1964 йил 14 октябрь** – КПСС МК биринчи котиби ва СССР Министрлар Совети раиси Никита Сергеевич Хрущёв ишдан олинди. КПСС МК биринчи котиби (1966 йилдан КПСС МК Бош котиби) лавозимига Леонид Ильич Брежнев сайланди. СССР Министрлар Совети раиси лавозимига эса Алексей Николаевич Косигин тайинланди. «Хрущёв даври» тугаб, «Брежнев даври» бошланди ва бу деярли йигирма йил давом этди.

**1964 йил 16 октябрь** – Хитойда биринчи бор атом қуроли синаб кўрилди. (Мамлакатда 1967 йили водород бомбаси пайдо бўлди.)

**1964 йил 24 октябрь** – Замбия мустақил республика деб эълон қилинди.

*Замбия Республикаси президентлари:* Кеннет Каунда (1964–1991), Фредерик Чилуба (1991–2002), Леви Мванаваса (2002–2008), Рупия Банда (2008 йил 29 июндан).



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1964 йил 1 ноябрь** – Саудия Арабистонида қирол Сауд руҳоний мусулмон йўлбошчилари босими остида тахтдан воз кечди ва Фейсал Саудия Арабистонининг янги қироли деб эълон қилинди.

**1964 йил** – Мозамбикда озодлик ҳаракати бошланди – Халоскорлик фронти ташкил топди.

**1964 йил** – Мальта мустақиликка эришди.

**1964 йил** – Ҳиндистонда Лаъл Баҳодир Шастри Бош вазир лавозимини эгаллади.

**1964 йил** – Белиз ички ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини олди. 1973 йилдан мамлакат расмий равишда Белиз деб атала бошланди.

**1964–1970 йиллар** – Буюк Британияни Гарольд Вильсоннинг лейбористик ҳукумати бошқарди.

**1964–1978 йиллар** – Кения республика бўлди ва Жомо Кениатанинг ҳукмронлик даври.

**1965 йил 7 февраль** – Вьетнам Демократик Республикаси (ВДР) ҳудудини АҚШ авиацияси томонидан оммавий бомбардимон қилиш бошланди.

**1965 йил 18 февраль** – Гамбия мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Гамбия Республикаси премьер-министрлари:* Пьер Сарр Н'Жи (1961–1962), Дауда Кайраба Жавара (1962–1970).

**1965 йил апрель** – АҚШнинг Вьетнамга қарши тажовузи.

**1965 йил апрель** – Грецияда ҳарбий тўнтариш бўлди.

**1965 йил 26 июль** – Малдив мустақил давлат деб эълон қилинди.

**1965 йил 9 август** – Сингапур алоҳида мустақил республика деб эълон қилинди.

*Сингапур Республикаси президенти:* Селлапан Раманатан (1999 йил 1 сентябрдан).

*Сингапур Республикаси премьер-министрлари:* Дэвид Соул Маршалл (1955–1956), Тун Лим Ю Хок (1956–1959), Ли Куан Ю (1959–1990), Го Чок Тонг (1990–2004), Ли Сянь Лун (2004 йил 12 августдан).



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1965 йил 30 сентябрь** – Индонезияда ҳарбий тўнтариш бўлди. Уни коммунистпараст зобитлар гуруҳи амалга оширди. Президент Аҳмад Сукарнонинг ваколатлари чекланди.

**1965 йил 25 ноябрь** – Конго Демократик Республикасида ҳукумат армия қўлига ўтди. Армия бош қўмондони генерал-лейтенант Сесе Секо Мобуту мамлакат президенти деб эълон қилинди.

**1965 йил** – Югославияда саноатлаштириш якунланди.

**1965 йил** – Шарль де Голль яна Франция Республикаси президенти қилиб сайланди.

**1965 йил** – Кашмир фронтида иккинчи ҳинд-покистон можароси.

**1965 йил** – Хитой Тибетга автоном район мақомини берди.

**1965 йил** – Туркияда эркин сайловларда Сулаймон Демирел бошчилигидаги Адолат партияси ғалаба қозонди. Сулаймон Демирел Туркия Бош вазири лавозимини эгаллади.

**1965 йил** – Кука ороллари ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқига эга бўлди.

*Кука ороллари премьер-министрлари:* Альберт Генри (1965–1978), Том Дэвис (1978–1983; 1983–1987), Жеффри Генри (1983 йил 13 апрель–16 ноябрь; 1989–1999), Пупуке Робати (1987–1989), Жо Уильямс (1999 йил июль – ноябрь), Терераи Маоате (1999–2002), Роберт Вунтон (2002–2004), Жим Марураи (2004 йил 14 декабрдан).

**1965–1978 йиллар** – Жазоирда Хуари Бумедьеннинг ҳукмронлиги даврида социалистик йўналиш сақланди.

**1966 йил 4–10 январь** – Ҳиндистон Бош вазири Лаъл Баҳодир Шастри билан Покистон президенти Муҳаммад Айюбхон Тошкентда учрашиб, «Тошкент декларацияси»га имзо чекдилар.

**1966 йил 19 январь** – Ҳиндистон Бош вазири лавозимини Индира Ганди (Жавоҳарлаъл Нерунинг қизи) эгаллади.

**1966 йил март** – Франция НАТО таркибидан чиқиб кетди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1966 йил 26 апрель** – Тошкентда кучли зилзила рўй берди.

**1966 йил 26 май** – Британия Гвинияси мустақил давлат деб эълон қилинди ва у Гайана деб номланди.

**1966 йил 6 июль** – Малави мустақил республика деб эълон қилинди.

*Малави Республикаси президентлари:* Хейстингс Банда (1966–1994), Бакили Эльсон Мулузи (1994–2004), Бингу Ва Мутарика (2004 йилдан).

**1966 йил 30 сентябрь** – Бечуаналенд давлати Ботсвана номи билан мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Ботсвана Республикаси президентлари:* Серетсе Кхама (1966–1980), Кветт Кетумиле Масире (1980–1998), Фестус Могае (1998–2008), Ян Кхама (2008 йил 1 апрелдан).

**1966 йил 4 октябрь** – Лесото мустақил давлат деб эълон қилинди.

Лесото *Қироллиги қироллари:* Мошвешве II (1966–1990), Летсие III (1990–1995), Мошвешве II (1995–1996), Летсие III (1996 йил 7 февралдан).

**1966 йил 9 октябрь** – инқилобчи Эрнесто Че Гевара Боливиядаги фуқаролар урушида ҳалок бўлди.

**1966 йил 1 ноябрь** – монархия ағдарилиб, Бурунди республика деб эълон қилинди.

*Бурунди Республикаси президентлари:* Мишель Мичомберо (1966–1976), Жан Батист Багаза (1976–1987), Пьер Буйоя (1987–1993), Мельхиор Нгезе Ндадайе (1993), Сильви Киниги (1993–1994), Сиприен Нтарьямира (1994 йил февраль–апрель), Сильвестр Нтибантунганья (1994 – 1996), Пьер Буйоя (1996–2003), Дометьен Ндайизейе (2003 – 2005), Пьер Нкурунзиза (2005 йил 26 августдан).

**1966 йил 28 ноябрь** – Доминикана Республикасининг амалдаги конституцияси қабул қилинди.

*Доминикана Республикаси президентлари:* Хоакин Балагер (1966–1978), Антонио Гусман Фернандес (1978–1982), Хакобо Махлута Азар (1982 йил июль–август), Сальвадор Хорхе Бланко (1982–1986), Хоакин Балагер (1986 – 1996),



www.ziyouz.com kutubxonasi

Леонель Фернандес Рейна (1996–2000), Иполито Мехиа Домингес (2000–2004), Леонель Фернандес Рейна (2004 йил 16 августдан).

**1966 йил 30 ноябрь** – Барбадос мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Барбадос генерал-губернаторлари:* Жон Монтегю Стоу (1966–1967), Арли Уинстон Скотт (1967–1976), Уильям Дуглас (1976 йил август–ноябрь), Дейтон Лайл Уорд (1976–1984), Уильям Дуглас (1984 йил январь–февраль), Хью Спрингер (1984–1990), Дама Нита Бэрроу (1990–1995), Денис Уильямс (1995–1996), Клиффорд Хасбэндс (1996 йил 1 июндан).

**1966 йил** – Намибиядаги озодлик ҳаракатига Жануби-Ғарбий Африка Халқ ташкилоти (СВАПО) раҳбарлик қилди. Мазкур ташкилот 7 йил давомида ЖАР истилочи қўшинларига қарши кураш олиб борди.

**1966–1968 йиллар** – Индонезияда генерал Сухартонинг ҳукмронлик даври. Бу даврда у премьер-министр ўринбосари, мудофаа ва хавфсизлик министри, премьер-министр, қуруқликдаги қўшинлар қўмондони, 1967 йил февралдан президент вазифасини бажарувчи лавозимларида ишлади.

**1966–1969 йиллар** – ГФРда Курт Георг Кизингернинг канцлерлик даври.

**1966–1976 йиллар** – Хитой Халқ Республикасида Мао Цзэдун томонидан маданий инқилоб амалга оширилди. Мамлакатда хунвэйбинлар зўравонлиги кучайди, иқтисодиёт ва маданият инқирозга учради.

**1966–1977, 1980–1984 йиллар** – Ҳиндистонда Индира Гандининг Бош вазирлик лавозимида бошқарув даври.

**1967 йил 21 апрель** – Грецияда ҳарбий тўнтариш бўлиб, ҳукумат тепасига «қора полковниклар» келди. Қирол Константин II муҳожирликка жўнаб кетишга мажбур бўлди.

**1967 йил 10 май** – Стокгольмда бўлган ҳарбий трибунал Вьетнамга қарши урушда АҚШни айблади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1967 йил 5–10 июнь** – Учинчи араб-исроил уруши. Миср, Иордания ва Сурияга қарши Исроил ҳарбий агрессияси («олти кунлик уруш»). Бу урушда ғалаба қозонган Исроил Синай ярим ороли, Эски Қуддус, Ғазо сектори ва Голан тепаликлари устидан назорат ўрнатди. Фаластинлик қочоқлар Иордания ва Ливанни тўлдиришди.

**1967 йил август** – Судан пойтахти Хартумда араб мамлакатлари раҳбарлари учрашиб, «учта йўқ» деб номланувчи умумий платформани қабул қилди, яъни Исроил билан музокарага бормаслик, уни тан олмаслик, у билан бир томонлама тинчлик сулҳини тузмасликка келишиб олишди.

**1967 йил 2 сентябрь** – Буюк Британия мустамлакаси бўлган Силенд мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Силенд князлари:* Рой I Бейтс (1968–1999), Михаил I Бейтс (1999 йилдан).

**1967 йил 30 ноябрь** – Буюк Британия Жанубий Ямании мустақил деб тан олишга мажбур бўлди ва Адан шаҳридан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетди. Ўша куни Мустақил Жанубий Яман Халқ Республикаси (1970 йилдан Яман Халқ Демократик Республикаси) тузилганлиги эълон қилинди. Жанубий Яман давлатининг пойтахти Адан шаҳри бўлган.

**1967 йил** – Покистон халқ партиясига Зулфиқор Алихон Бхутто (1928 –1979) асос солди.

**1967 йил** – Франция ва СССРда рангли телевизор пайдо бўлди.

**1967 йил** – Руминияда партия ва давлат тепасига Николае Чаушеску келди. Диктатор Николае Чаушеску қатл қилингунга қадар (1989 йил 25 декабрь) Руминияни бошқарди.

**1967 йил** – Жануби-Шарқий Осиё давлатлари уюшмаси (АСЕАН) ташкил топиб, унга 5 давлат (Филиппин, Таиланд, Сингапур, Малайзия, Индонезия) кирди. Кейинчалик унга Бруней ва Вьетнам қабул қилинди. Қароргоҳи Жакарта (Индонезия)да.

**1967 йил** – дунёда энг узун Ўрта Осиё–Марказ магистрал газ қувури (узунлиги  13750 км) қурилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1968 йил 31 январь** – Науру мустақил республика деб эълон қилинди (олдинги номи – Ёқимли орол).

*Науру Республикаси президентлари:* Хаммер де Робурт (1968–1976; 1978–1986; 1986–1989), Бернард Довийого (1976–1978; 1989–1995; 1998–1999; 2000–2001), Лагумот Харрис (1978 йил апрель–май; 1995–1996), Аданг Кеннан (1986 йил сентябрь–октябрь), Кенос Арои (1989 йил август–декабрь), Рубен Кун (1996–1997), Кинза Клодумар (1997–1998), Рене Харрис (1999–2000; 2001–2004), Людвиг Скотти (2004–2007) Маркус Стивен (2007 йил 19 декабрдан).

**1968 йил март** – Индонезияда генерал Сухарто республика президенти бўлди. У президент лавозимидан фақат 1998 йил июнь ойида истеъфога чиқишга мажбур бўлди.

**1968 йил апрель** – АҚШда пастор Мартин Лютер Кинг ўлдирилди. Америка қўшинининг Вьетнамдаги ҳарбий ҳаракатларига қарши жамоатчилик фикри кучайди.

**1968 йил 21 август** – Чехословакияда талабаларнинг норозилик чиқишлари билан ислоҳотлар, демократиялаштириш ва социализмни инсонпарварлаштириш ҳаракати бошланди. «Прага баҳори». Варшава Шартномаси иштирокчилари бўлган 5 та давлат: Болгария, ГДР, Венгрия, Польша, СССР қўшинлари Чехословакия чегараларини кесиб ўтди. Прагадаги ҳаракат («Прага баҳори») бостирилди. Александр Дубчек, ҳукумат ҳамда партиянинг бир қатор аъзолари қамоққа олинди ва Москвага юборилди. Чехословакияда «Прага баҳори»нинг юз минглаб фаол иштирокчилари лавозимларидан бўшатилди ва ишдан ҳайдалди. Кўппартиявий тизим ҳали ҳам бор эди, бироқ цензура мухолифатнинг овозини ўчиришга мажбур қилди.

**1968 йил август** – Франция биринчи марта водород бомбасини синовдан ўтказиб, жаҳондаги ядро қуролига эга мамлакатлар сафидан ўрин олди.

**1968 йил 6 сентябрь** – Свазиленд мустақил давлат деб эълон қилинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Свазиленд Қироллиги қироллари:* Собуза II (1968–1982), Мсвати III (1986 йилдан).

*Свазиленд Қироллиги премьер-министрлари:* Макосини Дламини (1967–1976), Мафеву Дламини (1976–1979), Бен Нсибандзе (1979 йил октябрь–ноябрь; в.б.), Мабандла Дламини (1979–1983), Бхекимпи Дламини (1983–1986), Сотша Дламини (1986–1989), Обед Дламини (1989–1993), Андреас Факудзе (1993 йил октябрь–ноябрь; в.б.), Жеймсон Мбилини Дламини (1993–1996), Сишайи Нксумало (1996 йил май–июль; в.б.), Барнабас Сибусисо Дламини (1996–2003), Пол Шабангу (2003 йил сентябрь–ноябрь; в.б.), Темба Дламини (2003–2008), Бхеки Дламини (2008 йил сентябрь–октябрь; в.б.), Барнабас Сибусисо Дламини (2008 йил 23 октябрдан).

**1968 йил сентябрь** – Португалияда Марсело Каэтану бошчилигидаги ҳукумат ҳокимият тепасига келди.

**1968 йил 5 октябрь** – Шимолий Ирландияда католик аҳолиси намойиши тарқатиб юборилди. «Ольстер инқирози» бошланди.

**1968 йил 12 октябрь** – Испания Гвинеяси Экваториал Гвинея номи билан мустақилликка эришди.

*Экваториал Гвинея Республикаси президентлари:* Франсиско Масиас Нгема Бийого (1968–1979), Теодоро Обианг Нгема Мбасого (1979 йил 3 августдан).

**1968 йил октябрь** – Панамада генерал Омар Эфраин Торрихос Эрреро бошчилигида ватанпарварлик кайфиятидаги ҳарбийлар ҳокимият тепасига келди.

**1968 йил** – Тошкентда Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари халқаро 1-кинофестивали бўлиб ўтган.

**1968 йил** – Мальдив республика деб эълон қилинди.

*Мальдив Республикаси президентлари:* Ибрагим Насир Раннабадери (1968–1978, Момун Абдул Гаюм (1978–2008), Мохамед Нашид (2008 йил 11 ноябрдан).

**1968–1973 йиллар** – Вьетнам – Америка урушини тўхтатиш ҳақида Парижда музокаралар олиб борилди.

**1968–1998 йиллар** – Сухартонинг Индонезияда президентлик даври.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1969 йил 3 февраль** – Ёсир Арафот Фаластин Озодлик ташкилоти (ФОТ) раиси этиб сайланди. (ФОТ 1964 йилда ташкил топган эди.)

**1969 йил 28 апрель** – Франция президенти генерал Шарль де Голль истеъфога чиқди. Унинг вазифасини вақтинчалик Сенат раиси Ален Поэр бажариб турди.

**1969 йил апрель** – Чехословакияда партия йўлбошчиси Александр Дубчек лавозимидан олинди ва ўрнига Густав Гусак партия раҳбари бўлди. Янги раҳбарият социализмнинг барча ислоҳотларидан воз кечишини билдирди.

**1969 йил 15 июнь** – Жорж Помпиду Франция президенти этиб сайланди. У 1974 йилгача мамлакатни бошқарди.

**1969 йил 20 июль** – америкалик астронавтлар Нейл Армстронг ва Эдвин Олдрин ҳамда Майкл Коллинз биринчи бўлиб Ойга кўнди.

**1969 йил 1 сентябрь** – Ливияда Идрис I нинг ғарбпарастлик сиёсати норозилик уйғотди ва 27 ёшли полковник Муаммар Қаззофий (Каддафий) бошчилигидаги зобитлар гуруҳи ҳарбий тўнтариш қилди ҳамда монархия тузумини ағдарди. Мамлакат Ливия Араб Республикаси деб номланди. Ливия инқилоби раҳбари, Ливия Араб Социалистик Халқ Жамаҳирияси бошлиғи вазифасини ҳозиргача полковник Муаммар Қаззофий бажариб келмоқда.

**1969 йил** – Шимолий Ирландия (Ольстер), Бельфаст ва Лондондеррида турли ғалаёнлар ва тартибсизликлар юз берди. Ирландия миллий-озодлик армиясининг террористик фаолияти бошланди.

**1969 йил** – Чехославакия икки субъект: Чехия ва Словакия республикаларидан иборат федерация қилиб қайта ташкил қилинди.

**1969 йил** – Покистонда Муҳаммад Айюбхон истеъфога чиқди ва мамлакат президенти генерал Яҳёхон бўлди.

**1969–1970 йиллар** – Гондурас ва Сальвадор ўртасидаги чегара конфликти натижасида «футбол уруши» бўлди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1969–1972 йиллар** – Жак Шабан-Дельмаснинг Францияда премьер-министрлик даври.

**1969–1974 йиллар** – АҚШда президент Ричард Никсоннинг бошқарув даври. Иқтисодий ва сиёсий инқироз, ишлаб чиқаришнинг пасайиши, нархлар ва инфляциянинг ошиши юз берди. Ричард Никсоннинг шахсий маслаҳатчиси бўлган Генри Киссинжер кейинчалик АҚШ ташқи сиёсатини юритди (1973–1977).

**1969–1974 йиллар** – Германия Федератив Республикасида канцлер Вилли Брандтнинг бошқарув даврида ички ва ташқи сиёсатда ўзгаришлар юз берди. Шарқий Европа давлатлари билан яқинлашиш сиёсати олиб борилди.

**1970 йил январь** – СССРда аҳолини рўйхатга олиш (241,7 млн. киши) ўтказилди.

**1970 йил 23 февраль** – Гайана республика деб эълон қилинди.

*Гайана Республикаси президентлари:* Эдвард Лакху (1970 йил февраль–март), Артур Чжун (1970–1980), Форбес Бурнхам (1980–1985), Десмонд Хойте (1985–1992), Чедди Жаган (1992–1997), Сэм Хиндс (1997 йил март–декабрь), Жанет Жаган (1997–1999), Бхаррат Жагдео (1999 йил 11 августдан).

**1970 йил 18 март** – Камбоджада давлат тўнтариши бўлди; қирол Нородом Сианук ўрнига генерал Лон Нол давлат бошлиги лавозимини эгаллади.

**1970 йил 24 апрель** – Гамбия республика деб эълон қилинди.

*Гамбия Республикаси президентлари:* Дауда Кайраба Жавара (1970–1996), Яйя Жамме (1996 йил 18 октябрдан).

**1970 йил 4 июнь** – Тонга мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Тонга Қироллиги қироллари (Тупоу сулоласи):* Жорж Тупоу I (1845–1893), Жорж Тупоу II (1893–1918), Салоте Тупоу III хоним (1918–1965), Тауфаахау Тупоу IV (1965–2006), Жорж Тупоу V (2006 йилдан).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Тонга Қироллиги премьер-министрлари:* Фатафехи Туипелехаке (1970–1991), Сиаоси Туихала Алипате Тупоу (1991–2000), Улукалала Лавака Ата (2000–2006), Фелети Вакаъута Севеле (2006 йил 11 февралдан).

**1970 йил 4 сентябрь** – Чили президентлигига сайловларда Халқ бирлиги коалициясидан номзод социалистик партия йўлбошчиси Сальвадор Альенде ғалаба қозонди. У 1970–1973 йилларда Чили президенти бўлди.

**1970 йил 29 сентябрь** – Анвар Садат Миср президенти этиб сайланди. У вафот этган президент Жамол Абдул Носир ўрнини эгаллади.

**1970 йил 9 октябрь** – Пномпенда Камбоджа давлати ғайридемократик «Кхмер Республикаси» деб эълон қилинди.

**1970 йил 10 октябрь** – Фижи мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Фижи Республикаси генерал-губернаторлари:* сэр Роберт Сидней Фостер (1970–1973), сэр Жорж Закомбау (1973–1983), сэр Пенайя Нанилау (1983–1987).

*Фижи Республикаси президентлари:* Ситивени Рамбука (1987 йил 7 октябрь–5 декабрь; в.б.), сэр Пенаиа Нганилау (1987–1993), сэр Камисесе Маара (1993–2000), Фрэнк Мбаинимарама (2000 йил май – июль; в.б.), Хосефа Илойло (2000–2009), Эпели Наилатикау (2009 йил 30 июлдан).

*Фижи Республикаси премьер-министрлари:* Мара Камисесе (1967–1987), Тимоти Мбавандра (1987 йил апрель – май), Камисесе Мара (1987–1992), Ситивени Рамбука (1992–1999), Махендра Чондри (1999–2000), Лаисениа Нгарасе (2000–2006), Йона Сенилангакали (2006–2007), Фрэнк Мбаинимарама (2007 йилдан).

**1970 йил 7 декабрь** – Ғарбий Германия ва Польша Одер–Нейса бўйича чегараларни тан олиш тўғрисидаги шартномани имзолади.

**1970 йил** – Гданьск (Польша)да ғалаёнлар. Польша Бирлашган ишчи партияси МК биринчи секретари лавозимини Владислав Гомулка ўрнига Эдвард Герек эгаллади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1970 йил** – Сурияда Ҳафиз Асад (Баас партиясидан) нинг президентлик даври бошланди.

**1971 йил 24 март** – Лаосдан Жанубий Вьетнам қўшинлари қувиб чиқарилди.

**1971 йил 26 март** – Шарқий Покистон (Шарқий Бенгалия) ажралиб чиқиб, мустақил Бангладеш давлати ташкил топди (Мужибур Раҳмон аввал Бош вазир, сўнгра президент бўлди). Бу ҳолат учинчи ҳинд-покистон уруши келиб чиқишига сабаб бўлди (1971 йил 3–17 декабрь).

*Бангладеш Халқ Республикаси президентлари:* Сайид Насрул Ислом (1971–1972), Шайх Мужибур Раҳмон (1972 йил 10–12 январь), Абу Сайид Човдхури (1972–1973), Муҳаммад Муҳаммадуллоҳ (1973–1975), Шайх Мужибур Раҳмон (1975 йил 25 январь–15 август), Хундакар Муштак Аҳмед (1975 йил 15 август–6 ноябрь), Абу Садат Муҳаммад Сайем (1975–1977), Зиаур Раҳмон (1977–1981), Абдус Саттор (1981–1982), Ҳусейн Муҳаммад Эршод (1982 йил 24–27 март), Абул Фазал Муҳаммад Ахсануддин Човдхури (1982–1983), Ҳусейн Муҳаммад Эршод (1983–1990), Шахабуддин Аҳмед (1990–1991), Абдур Раҳмон Бисвас (1991–1996), Шахабуддин Ахмед (1996–2001), Бадруддоза Човдхури (2001–2002), Жамируддин Сиркар (2002 йил 21 июнь – 6 сентябрь), Ияжуддин Аҳмед (2002 йил сентябрдан).

**1971 йил май** – Шарқий Германияда коммунистик партия тепасига В.Ульбрихт ўрнига Эрих Хонеккер келди. У иқтисодий аҳволни яхшилашга уринди. Мамлакатда демократлаштириш талаби остидаги намойишлар бўлиб, ГФРга оммавий кочиб ўтишлар кучайди.

**1971 йил 16 август** – Баҳрайн амирлиги мустақилликка эришди.

*Баҳрайн давлати амирлари:* Шайх Иса ибн Салман ал-Халифа (1971–1999), Шайх Ҳамад ибн Иса ал-Халифа (1999–2002).

*Баҳрайн давлати қироли:* Шайх Ҳамад ибн Иса ал-Халифа (2002 йил 14 февралдан).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Баҳрайн давлати премьер-министри:* Шайх Халифа ибн Салман ал-Халифа (1970 йил 19 январдан).

**1971 йил 3 сентябрь**–Қатар мустақил давлат деб эълон қилинди. Қатар амирлари ат-Тани сулоласи вакиллари бўлиб, бу сулолага Муҳаммад бин Тани асос солган.

*Қатар давлати амирлари:* Тани бин Муҳаммад (1825–1850), Муҳаммад бин Тани (1850–1878), Яссим бин Муҳаммад ат-Тани (1878–1913), Муҳаммад бин Яссим ат-Тани (1913–1914), Абдалла бин Яссим ат-Тани (1914–1945), Ҳамад бин Абдалла ат-Тани (1945–1947), Абдалла бин Яссим ат-Тани (1947–1949), Али бин Абдалла ат-Тани (1949–1960), Аҳмад бин Али ат-Тани (1960–1972), Халифа бин Ҳамад ат-Тани (1972–1995), Ҳамад бин Халифа ат-Тани (1995 йил 27 июндан).

**1971 йил 28 октябрь** – Англия Европа «умумий бозор»ига кирди.

**1971 йил 2 декабрь** – Арабистон ярим оролининг шарқидаги олти амирлик (Абу-Даби, Ажман, Дубай, Умм ул-Қайвайн, Ал-Фужайра, Шаржа) суверен федератив давлат–Бирлашган Араб Амирликлари ташкил этилганлигини эълон қилди. [1972 йил 10 февралда Раъс ул-Хайва амирлиги ҳам федерацияга қўшилди.]

*Бирлашган Араб Амирликлари президентлари:* Зайд ибн Султон ан-Нахайян (1971–2004), Шайх Халифа ибн Зоид ан-Нахаён (2004 йил 3 ноябрдан).

**1971 йил** – космосда биринчи орбитал станция–«Салют-1» (СССР) фаолият кўрсатди.

**1971 йил** – Буюк Британия мустамлакаси бўлган Уммон мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Уммон Султонлиги султони:* Қобус ибн Саид ибн Темур (1970 йил 23 июлдан).

*Уммон Султонлиги премьер-министри:* Қобус ибн Саид ибн Темур (1972 йил 2 январдан).

**1971 йил** – Хорватия (Югославия)да йирик ғалаёнлар юзага келди. Уларнинг иштирокчилари мустақил Хорватия давлати тузилишини талаб қилдилар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1971–1980 йиллар** – Иосип Броз Тито Югославия Социалистик Федератив Республикаси (ЮСФР) Президиуми раиси лавозимида фаолият кўрсатди.

**1972 йил 22 май** – Цейлон давлати Шри Ланка Республикаси деб эълон қилинди. [1978 йил 7 сентябрдан мамлакат Шри Ланка Демократик Социалистик Республикаси деб атала бошланди.]

*Шри Ланка Демократик Социалистик Республикаси президентлари:* Уильям Гопаллава (1972–1978), Жуниус Жаявардене (1978–1988), Ранасингхе Премадаса (1989 – 1993), Дингири Вижетунге (1993–1994), Чандрика Кумаратунга хоним (1994–2005), Махинда Ражапаксе (2005 йилдан).

*Шри Ланка Демократик Социалистик Республикаси премьер-министрлари:* Сиримаво Ратватте Диас Бандаранаике (1972–1977), Жуниус Ричард Жаявардене (1977–1978), Ранасингхе Премадаса (1978–1989), Дингири Банда Вижетунге (1989–1993), Ранил Викрамасингхе (1993–1994), Чандрика Бандаранаике Кумаратунга хоним (1994 йил август–ноябрь), Сиримаво Ратватте Диас Бандаранаике (1994–2000), Ратнасири Викреманаяке (2000–2001), Ранил Викрамасингхе (2001–2004), Махинда Ражапаксе (2004–2005), Ратнасири Викреманаяке (2005–2010), Дисанаяка Мудиянселаге Жаяратне (2010 йил 21 апрелдан).

**1972 йил июль–1974 йил май** – Пьер Мессмернинг Францияда премьер-министрлик даври.

**1972 йил** – президент Ричард Никсон расмий визит билан ХХРга келди ва икки давлат АҚШ ва ХХР ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилди. Ракетага қарши мудофаани чеклаш тўғрисида совет-америка шартномаси (ОСВ-1) имзоланди.

**1972 йил** – икки немис давлати бир-бирини тан олиш тўғрисида шартнома имзолади.

**1972 йил** – Дагомей (1975 йилдан Бенин)да Матье Кереку ҳокимиятни эгаллаб, 1991 йилгача уни бошқарди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1973 йил 1 январь** – Буюк Британия, Дания ва Ирландия Европа иқтисодий кенгашиға аъзо бўлишди. Европа «тўққизлиги» вужудга келди.

**1973 йил 27 январь** – АҚШ томонидан Шимолий Вьетнамга қарши ҳарбий операциялар тўхтатилди. Бу ҳақда Парижда битим тузилди. Вьетнамдан америка қўшинлари олиб чиқила бошланди.

**1973 йил 10 июль** – Багам ороллари мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Багам ороллари генерал-губернаторлари:* сэр Жон Уорбертон Пол (1973 йил 10–31 июль), сэр Майло Батлер (1973–1979), сэр Жеральд Кэш (1979–1988), сэр Генри Милтон Тейлор (1988–1992), сэр Клиффорд Дарлинг (1992–1995), сэр Орвилл Олтон Тернкуэст (1995–2001), Айви Дюмонт хоним (2001–2005), сэр Пол Эддерли (2005–2006), сэр Артур Дион Хана (2006–2010), сэр Артур Фоулкс (2010 йил 14 апрелдан).

**1973 йил 17 июль** – Афғонистонда ҳарбий тўнтариш юз берди ва монархия ағдарилиб (Муҳаммад Зоҳиршоҳ), Афғонистон республика деб эълон қилинди. Афғонистон подшоси Зоҳиршоҳнинг жияни Муҳаммад Довуд Афғонистон Бош вазири бўлди. У кейинчалик Афғонистоннинг биринчи президенти бўлди.

*Афғонистон давлати раҳбарлари (1973 йилдан):*

*Афғонистон Бош вазири:* Муҳаммад Довуд (1973–1977).

*Афғонистон Республикаси президенти:* Муҳаммад Довуд (Муҳаммад Довуд Хон) (1977–1978); *Афғонистон Демократик Республикаси президентлари:* Нурмуҳаммад Тараққий (1978–1979), Ҳафизулла Амин (1979 йил сентябрь–декабрь), Бабрак Кармаль (1979–1986), Ҳожи Муҳаммад Чамканий (в.б.; 1986–1987), Муҳаммад Нажибулло (1987–1992).

*Афғонистон Ислом Давлати президентлари [Шимолий альянс]:* Сибғатуллоҳ Мужаддадий (1992), Бурҳонуддин Раббоний (1992–1996/2001); *Афғонистон Ислом амирлиги амири:* Мулла Умар [Муҳаммад Умар; Саид Муҳаммад Охунзода] (1996 йил 27 сентябрь–2001 йил 13 ноябрь).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Афғонистон Ислом Республикаси президентлари:* Бурҳонуддин Раббоний (2001–2004), Ҳамид Карзай (2001/2004 йил 9 октябрдан).

**1973 йил 11 сентябрь** – Чилида генерал Аугусто Пиночет бошчилигида ҳарбий тўнтариш бўлиб, президент Сальвадор Альенде ўлдирилди. Генерал Аугусто Пиночет мамлакат «Бош қўмондони» бўлди.

**1973 йил 24 сентябрь** – Гвинея-Бисауда Миллат халқ мажлисининг биринчи сессияси мустақил Гвинея-Бисау Республикаси тузилганлигини эълон қилди. Португалиядаги фашистлар режими агдарилгач (1974), Португалиянинг янги ҳукумати Гвинея-Бисау мустақиллигини тан олди (1974 йил 10 сентябрь).

**1973 йил 18 октябрь** – Гарбий Германия (ГФР) ва Шарқий Германия (ГДР) БМТга қабул қилинди.

**1973 йил 6–23 октябрь** – Тўртинчи араб-исроил уруши («Йом-Киппур уруши»). Сурия ва Миср қўшинлари Исроилга ҳужум бошлади. Иордания урушда иштирок этмади, аммо Марокаш қўшинлари мисрликлар армияси сафида туриб курашди. Исроил биринчи марта урушда мағлуб бўлди. АҚШ, СССР, Миср, Исроил ва Сурия иштирок этган Женева халқаро конференциясида ушбу мамлакатлар қуролли кучларини БМТнинг тинчлик ўрнатувчи кучлари билан ажратиб қўйиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу арабларнинг илк ғалабаси бўлди.

**1973 йил декабрь** – рус ёзувчиси, драматург ва шоири Александр Исаевич Солженициннинг «ГУЛАГ архипелаги» китоби Парижда нашр этилди. Совет ҳокимияти ёзувчини 1974 йил 12–13 февралда СССРдан чиқариб юборди.

**1973 йил** – Греция республика деб эълон қилинди ва янги конституция қабул қилинди.

**1973 йил** – Саудия Арабистонида араб-америка нефть компанияси (АРАМКО) национализация қилинди.

**1973 йил** – КПСС МК Бош котиби Леонид Ильич Брежневнинг АҚШга ташрифи натижасида иқтисодий ҳамкорлик



www.ziyouz.com kutubxonasi

ва ядро куролларини қисқартириш тўғрисидаги битим имзоланди.

**1973–1977 йиллар** – Муҳаммад Довуднинг Афғонистонда Бош вазирлик даври.

**1974 йил 7 февраль** – Гренада мустақилликка эришди.

*Гренада генерал-губернаторлари:* Лео де Гейл (1974–1978), Пол Скун (1978–1992), Режинальд Палмер (1992–1996), Дэниэл Уильямс (1996–2008), Карлайл Глин (2008 йил 27 ноябрдан).

*Гренада премьер-министрлари (1984 йилдан):* Герберт Блэйз (1984–1989), Бен Жонс (1989–1990), Николас Брэтуэйт (1990–1995), Жорж Бризан (1995 йил февраль–июнь), Кит Митчелл (1995–2008), Тиллман Томас (2008 йил 9 июлдан).

**1974 йил февраль** – Югославияда иттифоқдош республикалар ҳуқуқларини чекловчи мамлакат конституцияси қабул қилинди. Хорватия, Сербия ва Воеводинада миллатчилик ҳаракатлари вакиллари давлат органлари раҳбарлигидан четлатилди.

**1974 йил 25 апрель** – Португалияда «чиннигуллар инқилоби». Португалияда фашистик диктатура барҳам топди ва ҳокимият генерал ди Спинола бошлиқ ҳарбий хунта [Миллий нажот кенгаши] қўлига ўтди. Янги ҳукумат Португалиянинг мустамлакалари Гвинея-Бисау, Мозамбик ва Анголага деколонизация ҳуқуқини берди.

*Португалия Республикаси президентлари:* Антониу душ Сантуш Рамалью Эаниш (1976–1986), Мариу Алберту Нобре Лопеш Суариш (1986–1996), Жоржи Фернанду Бранку де Сампайю (1996–2006), Анибал Антониу Каваку Силва (2006 йилдан).

**1974 йил 16 май** – Югославияда Иосип Броз Тито чекланмаган муддатга давлат раҳбари этиб сайланди.

**1974 йил май** – Германия Федератив Республикасида канцлер Вилли Брандт истеъфога чиқиб, Гельмут Шмидт канцлер қилиб сайланди. У 1974–1982 йилларда ГФР канцлери бўлди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1974 йил май – 1976 йил август** – Францияда Жак Ширакнинг премьер-министрлик даври.

**1974 йил 9 август** – «Уотергейт иши» ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини бузувчи ноқонуний хатти-ҳаракатлар, коррупцияга доир далиллар президентнинг истеъфога чиқиши учун кенг ҳаракатларни юзага келтирди. АҚШ президенти Ричард Никсон импичмент (давлат лавозимидан мажбурий четлантириш) хавфи остида истеъфога чиқди. Вице-президент Жеральд Форд АҚШнинг 38-президенти бўлди.

**1974 йил октябрь** – Таиландда демократик конституция қабул қилинди. Таъсис мажлиси чақирилди.

**1974 йил** – Кипр ороли миллий белгиларга кўра иккига бўлинди. Кипрда Грецияга қўшилиш тарафдорлари томонидан давлат тўнтариши ўтказилди. Орол ҳудудининг бир қисмида Шимолий Қибрис [Кипр] Турк жумҳурияти ташкил топди.

**1974 йил 13 декабрь** – Мальта республика деб эълон қилинди.

*Мальта Республикаси президентлари:* Антони Мамо (1974–1976), Антон Буттиджич (1976–1981), Альберт Хизлер (1981–1982; в.б.), Агата Барбара (1982–1987), Пол Швереб (1987–1989; в.б.), Ченсу Табоне (1989–1994), Уго Мифсуд Бонничи (1994–1999), Гвидо де Марко (1999 – 2004), Эдвард Фенек Адами (2004–2009), Жорж Абела (2009 йилдан).

**1974 йил** – Покистон мустақил Бангладеш давлатини тан олди. Покистонда янги конституция қабул қилинди.

**1974 йил** – Ҳиндистонда атом бомбаси ишлаб чиқилди.

**1974 йил** – Жорж Помпиду вафот этгач, Францияда президент вазифасини Ален Поэр, кейинчалик Валери Жискар д' Эстен бажарди.

**1974–1977 йиллар** – АҚШда Жеральд Форднинг президентлик даври.

**1974–1981 йиллар** – Францияда Валери Жискар д' Эстеннинг президентлик даври.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1974–1989 йиллар** – Николае Чаушескунинг Румынияда президентлик даври.

**1975 йил 25 март** – Саудия Арабистонида қирол Фейсал ўз саройида жияни томонидан ўлдирилди.

**1975 йил 17 апрель** – Камбоджада Пол Пот бошчилигидаги ҳарбий тўнтариш амалга оширилди. Мамлакатда «қизил кхмерлар» (прохитой коммунистлари) режими ва Пол Потнинг қонли диктатураси ўрнатилди.

**1975 йил 30 апрель** – Шимолий Вьетнам қўшинлари АҚШ томонидан босиб олинган Сайгон (ҳозирги Хо Ши Мин шаҳри)ни озод қилишди.

**1975 йил 25 июнь**–Мозамбик расман мустақил давлат мақомига эга бўлди. Мозамбик мустақиллиги эълон қилинди.

*Мозамбик Республикаси президентлари:* Самора Машел (1975–1986), Жоаким Алберту Чиссано (1986–2005), Армандо Габуза (2005 йилдан).

**1975 йил июнь** – Ҳиндистонда сиёсий партиялар тақиқланди, қатағон кучайди. Мамлакат парламенти Индира Гандининг фавқулодда ваколатини тасдиқлади.

**1975 йил 5 июль** – Кабо-Верде мустақил республика деб эълон қилинди.

*Кабо-Верде Республикаси президентлари:* Аристидиш Перейра (1975–1991), Антониу Машкареньяш Монтейру (1991–2001), Педру Пиреш (2001 йилдан).

**1975 йил 6 июль** – Комор ороллари мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Комор Ороллари Федерал Ислом Республикаси президентлари:* Аҳмад Абдуллоҳ (1975), Али Суалих (1975–1978), Аҳмад Абдуллоҳ (1978–1989), Саид Муҳаммад Жоҳар (1990–1995), Тожидин Бин Саид Массунде (1995–1996), Моҳаммад Таки Абдукарим (1996–1998), Азали Ассумани (1999–2006), Аҳмад Абдулла Самби (2006 йил 26 майдан).

**1975 йил 12 июль** – Сан-Томе ва Принсипи Республикаси ўз мустақиллигига эришди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Сан-Томе ва Принсипи Демократик Республикаси президентлари:* Мануэл Пинту да Кошта (1975–1991), Мигел Тровоада (1991–1995; 1995–2001), Мануэл Кинташ де Альмейда (1995 йил 15–21 август; ҳарбий), Фрадике Мелу де Менезеш (2001–2003); Фернанду Перейра (2003 йил 16–23 июль; ҳарбий); Фрадике Мелу де Менезеш (2003 йил 23 июлдан).

**1975 йил 1 август** – Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик бўйича Хельсинки битими имзоланди. Совет Иттифоқининг Шарқий Европага таъсири Ғарб давлатлари томонидан эътироф этилди. Бу ҳужжатнинг имзоланиши Ғарб ва СССР ўртасида маданий алоқаларнинг ривожланиши учун кенг йўл очиб берди.

**1975 йил 16 сентябрь** – Папуа–Янги Гвинея мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Папуа–Янги Гвинея Мустақил давлати генерал-губернаторлари:* Жон Гайс (1975–1977), Торе Локолоко (1977–1983), Кингсфорд Дибела (1983–1989), Игнейшес Килаге (1989 йил март–декабрь), Сереи Эри (1990–1991), Деннис Янг (1991 йил октябрь–ноябрь), Вива Корови (1991–1997), Сайлас Атопаре (1997–2003), Уильям Скейт (2003–2004), Жеффри Нейп (2004 йил май–июнь), Полиас Матане (2004 йил 29 июндан).

*Папуа–Янги Гвинея премьер-министрлари:* Майкл Томас Сомаре (1972–1980; 1982–1985), Жулиус Чан (1980 – 1982; 1994–1997; 1997 йил июнь–июль), Паяс Уингти (1985–1988; 1992–1994), Рабби Намалиу (1988–1992), Жон Гихено (1997 йил март–июнь), Уильям Жек Скейт (1997–1999), Мекере Мораута (1999–2002), Майкл Томас Сомаре (2002 йил 5 августдан).

**1975 йил 11 ноябрь** – Ангола мустақил республика деб эълон қилинди.

*Ангола Республикаси президентлари:* Агостиньо Нетто (1975–1979), Жозе Эдуарду душ Сантуш (1979 йил 10 сентябрдан).

**1975 йил 20 ноябрь** – Испанияда фашистик диктатор Франсиско Франко 82 ёшида вафот этди. Шаҳзода Хуан



www.ziyouz.com kutubxonasi

Карлос – давлат бошлиғи, Адольфо Суарес премьер-министр лавозимида фаолият олиб боришди.

**1975 йил 22 ноябрь** – Альфонс XIII нинг невараси Хуан Карлос I Испания қироли деб эълон қилинди.

*Испания Қироллиги қироли:* Хуан Карлос I (1975 йилдан).

*Испания Қироллиги ҳукумати раислари:* Адольфо Суарес (1976 – 1981), Леопольдо Кальво-Сотело и Бустело (1981 – 1982), Фелипе Гонсалес Маркес (1982 – 1996), Хосе Мария Аснар (1996 – 2004), Хосе Луис Родригес Сапатеро (2004 йил 14 мартдан).

**1975 йил 25 ноябрь** – Нидерландия мустамлакаси Суринам мустақил республика деб эълон қилинди.

*Суринам Республикаси президентлари:* Йоханн Хенри Элиза Ферье (1975 – 1980), Хендрик Рудольф Чан А Сен (1980 – 1982), Лахмиперсад Фредерик Рамдат Мисир (1982 – 1988), Рамсевак Шанкар (1988 – 1990), Йоханнес Самуэль Петрус Краг (1990 – 1991), Рунальдо Рональд Венетиаан (1991 – 1996; 2000 – 2010), Юлес Альберт Вейденбосх (1996 – 2000), Дези Баутерсе (2010 йилдан).

**1975 йил 2 декабрь** – халқ вакиллари анжумани монархия тугатилганини ва Лаос Халқ Демократик Республикаси тузилганлигини эълон қилди.

*Лаос Халқ Демократик Республикаси президентлари:* Суфанувонг (1975 – 1986/1991), Фуми Вонгвичит (1986 – 1991; вақтинча президентлик вазифасини бажарувчи), Кейсон Фомвихан (1991 – 1992), Нухак Пхумсаван (1992 – 1998), Кхамтай Сипхандон (1998 – 2006), Тюммали Саяньасон (2006 йилдан).

*Лаос халқ – инқилобий партияси Бош котиблари:* Кхамтай Сипхандон (1992 – 2006), Тюммали Саяньасон (2006 йил 21 мартдан).

*Лаос Халқ Демократик Республикаси премьер-министрлари:* Кейсон Фомвихан (1975 – 1991), Кхамтай Сипхандон [Сифандон] (1991 – 1992), Пхун Сипасет (1992 – 2006), Буасон Буппхаван (2006 йил 8 июндан).



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1975 йил** – Таиландда демократик сайловлар ўтказилиб, мамлакат сиёсий ҳаёти либераллаштирилди.

**1975 йил** – дунёнинг энг ривожланган 7 давлати ўртасида биринчи саммит (Рамбуйеда) бўлди.

**1975 йил** – Ангола ва Мозамбик (Португалия мустамлакалари) мустақилликка эришди. Анголада фуқаролар уруши бошланди. Анголага Кубанинг ҳарбий босқини бошланди.

**1975–1991 йиллар** – Ливанда фуқаролар уруши. Фаластин муаммоси туфайли мамлакатда мусулмонлар ҳамда христианлар ўртасида диний ва сиёсий қарама-қаршиликлар вужудга келди.

**1976 йил 26 февраль** – Ғарбий Саҳрои Кабир ҳудудида Саҳрои Кабир Араб Демократик Республикаси тузилганлиги эълон қилинди.

*Саҳрои Кабир Араб Демократик Республикаси президентлари:* Эль-Сайид Мустафо Уали (1976 йил февраль – июнь), Махфуд Али Бейба (1976 йил июнь–август), Муҳаммад Абдулазиз (1976 йил 30 августдан).

*Саҳрои Кабир Араб Демократик Республикаси премьер-министрлари:* Муҳаммад Ламине Ульд Аҳмад (1976–1982), Махфуд Али Бейба (1982–1985; 1988–1993; 1995–1999), Муҳаммад Ламине Ульд Аҳмад (1985–1988), Бухрая Хаммуди Баюн (1993–1995; 1999–2003), Абдулқодир Талеб Умар (2003 йил 29 октябрдан).

**1976 йил 25 апрель** – Вьетнамда Миллий мажлисга умумий сайловлар бўлиб ўтди.

**1976 йил 2 июнь** – Шимолий Вьетнам ва Жанубий Вьетнамнинг расмий бирлашган куни ва Вьетнам Социалистик Республикаси тузилганлиги эълон қилинди.

*Вьетнам Социалистик Республикаси президентлари:* Тон Дик Тханг (1976–1980), Нгуен Ху Тхо (1980–1981), Чионг Тинь (1981–1987), Во Чи Конг (1987–1992), Ле Дик Ань (1992–1997), Чан Дик Лионг (1997–2006), Нгуен Минь Чиет (2006 йилдан).

*Вьетнам Социалистик Республикаси Министрлар Совети раислари:* Нгуен Тат Тхань [Хо Ши Мин] (1945–1955),



www.ziyouz.com kutubxonasi

Фам Ван Донг (1955/1976–1987), Во Ван Киет (1987 йил апрель–июнь), Фам Хунг июнь (1987–1988), До Миой (1988–1991), Во Ван Киет (1991–1992); *Вьетнам Социалистик Республикаси премьер-министрлари:* Во Ван Киет (1992–1997), Фан Ван Кхай (1997–2006), Нгуен Тан Зунг (2006 йил июндан).

**1976 йил 29 июнь** – Сейшель ороллари мустақилликка эришди.

*Сейшель ороллари Республикаси президентлари:* Жеймс Мэнчем (1976–1977), Франс Альбер Рене (1977–2004), Жеймс Эликс Майкл (2004 йил 16 апрелдан).

**1976 йил 4 июль** – АҚШ мустақиллигининг 200 йиллиги нишонланди.

**1976 йил август–1981 йил май** – Жак Ширак истеъфога чиққач, Францияда Р. Баррнинг премьер-министрлик даври.

**1976 йил 9 сентябрь** – Хитой раҳбари Мао Цзэдун вафот этди. «Маданий инқилоб» оқибатларини тугатишга киришилди.

**1976 йил декабрь** – Испанияда сиёсий ислоҳот тўғрисидаги қонун қабул қилинди.

**1976 йил**–Тринидад ва Тобаго республика деб эълон қилинди.

*Тринидад ва Тобаго Республикаси президентлари:* Эллис Кларк (1976–1987), Ноор Хассанали (1987–1997), Артур Н.Р. Робертсон (1997–2003), Жорж Максвелл Ричардс (2003 йил 17 мартдан).

**1976 йил** – Италияда коммунистик партия (Энрико Берлингуэр; 1922–1984) ва христиан демократлари ўртасида «тарихий муроса»; терроризм («қизил бригадалар»)нинг кучайиши.

**1976 йил** – Аргентинада ҳокимиятни ҳарбий хунта (генерал Хорхе Рафаэль Видела Редондо) босиб олди.

**1976 йил**–«чиннигуллар инқилоби» натижасида сиёсий жўшқинлик вужудга келган Португалияда социалист Мариу Алберту Нобре Лопеш Соариш премьер-министр бўлди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1976 йил** – Суриянинг Ливанга қарши ҳарбий тажовузи бошланди.

**1976 йил** – Покистон ва Ҳиндистон ўртасида дипломатик алоқалар тикланди.

**1976 йил** – Ҳиндистондаги умумхалқ сайловларида Бош вазир Индира Ганди мағлубиятга учради. Барча округлар бўйича Жаната партияси вакиллари ғалаба қозонди. Мораржий Десай Бош вазир лавозимини эгаллади.

**1976 йил** – Польшада иш ташлаш ҳаракати.

**1976 йил** – «Счау-1» компьютерини (бир сонияда 250 млн. операция бажарадиган) серияли ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

**1976–1979 йиллар** – «Кхмер Республикаси»да (Камбоджада) ҳокимиятни Пол Пот–Иенг Сари диктатураси бошқарган давр. Бу пайтда мамлакатда фашистсимон мустабид тартиблар ўрнатилиб, халқ қирғин қилинди.

**1976–1981 йиллар** – қирол Хуан Карлос I томонидан премьер-министр қилиб тайинланган Адольфо Суарес Испанияда ислоҳотлар ўтказиб, уни конституцион монархия давлатига айлантирди.

**1977 йил февраль–1978 йил апрель** – Муҳаммад Довуднинг Афғонистонда президентлик даври.

**1977 йил 27 июнь** – Жибути мустақил республика деб эълон қилинди.

*Жибути Республикаси президентлари:* Ҳассан Гулед Аптидон (1977–1999), Исмоил Омар Гелле (1999 йил 8 майдан).

**1977 йил июнь** – КПСС МК Бош котиби Леонид Ильич Брежнев СССР Олий Совети Президиуми раиси лавозимига сайланди (Николай Викторович Подгорний ўрнига).

**1977 йил 5 июль** – Покистонда навбатдаги ҳарбий тўнтариш юз берди ва ҳокимият генерал Зиё-ул Ҳақ (1924–1988) қўлига ўтди. Янги маъмурият конституцияни бекор қилди, парламентни тарқатиб юборди ва Покистон халқ партияси тарафдорларини таъқиб қила бошлади. Кейинчалик президент Зулфиқор Алихон Бхутто қатл қилинди (1979).



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1977 йил 7 октябрь** – СССРда янги конституция қабул қилинди. Конституция миллий республикалар ҳуқуқини расмий чеклади ва Марказга кенг ваколатлар олиб берди. Бу конституция Леонид Ильич Брежнев раҳбарлигида тайёрланди ва ривожланган социалистик жамият қуриш назариясини асослаб берди.

**1977 йил** – Бельгия учта автономия: Валлония, Фландрия, Брюсселга бўлинди («Эғмон пакти»).

**1977 йил** – Венесуэлада генерал Хименес диктатураси ўрнатилди.

**1977 йил** – АҚШда нейтрон бомба ишлаб чиқарилди.

**1977–1981 йиллар** – АҚШда демократ Жимми Картернинг президентлик даври. Бу давр ижтимоий даромадларнинғ қисқариши ва ҳарбий сарфларнинг ошиши, норозиликларнинг ўсиши, СССР билан муносабатларнинг ёмонлашуви билан ажралиб туради.

**1977–1981 йиллар** – Хитой сиёсатида аста-секин янги йўл кучайиб борди. Дян Сяопин асос солган бу йўлга кўра, иқтисодиёт модернизация қилинди, очиқ ташқи сиёсат юритилди, профессионал армия ташкил қилинди.

**1977–1988 йиллар** – Сомали ва Эфиопия ўртасидаги зиддиятлар натижасида эфиоп-сомали уруши бўлди.

**1978 йил январь**–Тунисда касаба уюшмалари йирик иш ташлашлар ўтказди ва у аёвсиз бостирилди. Зўрлик янги сиёсий кучларни келтириб чиқарди.

**1978 йил 27 апрель** – Савр инқилоби. Афғонистонда ҳокимиятни коммунистлар (шўровийлар) эгаллади. Афғонистон президенти Муҳаммад Довуд ва унинг акаси Сардор Насим ўлдирилди. Афғонистон Демократик Республикаси эълон қилинди. Афғонистон Халқ Демократик партиясининг раҳбари Нурмуҳаммад Тароққий бошчилигидаги кучлар ҳокимиятга келди. Савр инқилоби Афғонистонда ҳозиргача давом этаётган фуқаролар уруши ва турли хунрезликларни бошлаб берди. Савр инқилобини амалга оширган сиёсий ва ҳарбий кучлар СССР ёрдамига таянди. Афғонистонга совет маслаҳатчилари юборилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1978 йил 7 июль** – Соломон ороллари мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Соломон ороллари генерал-губернаторлари:* Бэддли Девеси (1978–1988), Жорж Леппинг (1988–1994), Мозес Питакака (1994–1999), Жон Лапли (1999–2004), Натаниэль Ваена (2004–2009), Фрэнк Кабуи (2009 йил 7 июндан).

*Соломон ороллари премьер-министрлари:* Соломон Мамалони (1974–1976), Питер Кенилореа (1976–1978); Питер Кенилореа (1978–1981; 1984–1986), Соломон Сунаоне Мамалони (1981–1984; 1989–1993; 1994–1997), Эзикиел Алебуа (1986–1989), Френсис Билли Хилли (1993–1994), Бартоломью Улуфаалу (1997–2000), Манассе Согаваре (2000–2001; 2006–2007), Алан Кемакеза (2001–2006), Снайдер Рини (2006 йил апрель–май), Дерек Сикуа (2007–2010), Дэнни Филипп (2010 йил 25 августдан).

**1978 йил сентябрь** – Эронда шоҳга қарши оммавий чиқишлар. Эроннинг қарийб барча шаҳарларида оммавий намойишлар бўлиб ўтди. Теҳрон ва бошқа 11 та йирик шаҳарда ҳарбий ҳолат жорий этилди.

**1978 йил 1 октябрь** – Тувалу мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Тувалу генерал-губернаторлари:* Фиатау Пенитала Тео (1978–1986), Тупуа Леупена (1986–1990), Тоарипи Лаути (1990–1993), Тому Сионе (1993–1994), Тулага Мануелла (1994–1998), Томаси Пуапуа (1998–2003), Фаималага Лука (2003–2005), Филоимеа Телито (2005 йилдан).

*Тувалу премьер-министрлари:* Тоарипи Лаути (1978–1981), Томаси Пуапуа (1981–1989), Бикенибеу Паениу (1989–1993; 1996–1999), Камута Латаси (1993–1996), Ионатана Ионатана (1999–2000), Лагитупу Туилиму (2000–2001), Фаималага Лука (2001 йил февраль–декабрь), Колоа Талаке (2001–2002), Сауфату Сопоанга (2002–2004), Маатиа Тоафа (2004–2006), Aписаи Иелемиа (2006–2010), Маатиа Тоафа (2010 йил 29 сентябрдан).

**1978 йил 3 ноябрь** – Буюк Британиянинг мустамлакаси бўлган Доминика мустақил давлат деб эълон қилинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Доминика Ҳамдўстлиги президентлари:* Льюис Кулс-Лартиг (1978–1979), Фред Дегазон ва Женнер Армор (1979–1980), Орелиюс Мари (1980–1983), Кларенс Сеньоре (1983–1993), Криспен Сорендо (1993–1998), Вернон Шоу (1998–2003), Николас Ливерпуль (2003 йил 2 октябрдан).

*Доминика Ҳамдўстлиги премьер-министрлари:* Патрик Жон (1978–1979), Оливер Серафин (1979–1980), Юджиния Чарлз (1980–1995), Эдисон Жеймс (1995–2000), Рози Дуглас (2000 йил февраль–октябрь), Пьер Чарлз (2000–2004), Рузвельт Скеррит (2004 йил 8 январдан).

**1978 йил декабрь –** собиқ Бош вазир Индира Ганди парламент имтиёзларини суиистеъмол қилганлиги учун ҳибсга олинди. У кейинчалик озодликка чиқди ва яна Ҳиндистон Бош вазири бўлди (1980–1984 й.).

**1978 йил** – Камбоджа Вьетнам томонидан босиб олинди ва «қизил кхмерлар» режими тугатилди. Бироқ «қизил кхмерлар» ва Сианука тарафдорлари янги кураш бошладилар.

**1978 йил** – Иоанн Павел II Рим папаси этиб сайланди.

**1978 йил** – Албания билан Хитой ўртасидаги ажралиш.

**1978 йил** – Францияда сўл кучлар иттифоқи ажралиб кетди.

**1978 йил** – АҚШ (президент Жимми Картер) воситачилигида Кэмп-Дэвидда Исроил (Бегин) ва Миср (Анвар Садат) ўртасида битим имзоланди. Бу битим Вашингтонда тинчлик шартномаси имзолаш учун асос бўлди (1979).

**1978 йил** – Испанияда иқтисодий танглик. Испанияда янги конституция қабул қилиниб, мамлакат парламент монархияси деб эълон қилинди.

**1978 йил** – Дания фолкетинги (парламенти) Гренландия оролининг ички мухториятини тан олди ва бу ҳужжат 1979 йил 1 майдан кучга кирди.

*Гренландия премьер-министрлари:* Йонатан Мотцфелдт (1979–1991; 1997–2002), Ларс-Эмиль Йохансен (1991–1997), Ханс Эноксен (2002–2009), Куупик Клейст (2009 йил 12 июндан).



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1979 йил 7 январь** – Кампучияда «қизил кхмерлар» режими ағдарилди. Пол-Пот-Иенг Сари режими қулади.

**1979 йил январь** – СССРда аҳолини рўйхатга олиш (262,4 млн. киши) ўтказилди.

**1979 йил 11 февраль** – Теҳронда умумий қуролли қўзғолон бошланди. Эронда олти ойлик тартибсизликлардан кейин ислом инқилоби ғалаба қозонди. Шоҳ Муҳаммад Ризо Паҳлавий тахтдан ағдарилди ва мамлакатдан чиқариб юборилди. Оятулло (Оятуллоҳ) Ҳумайний раҳбарлигида Эрон Ислом Республикаси ташкил топди (1979 йил 1 апрель).

**1979 йил 22 февраль** – Сент-Люсия мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Сент-Люсия генерал-губернаторлари:* сэр Аллен Монтғомери Льюис (1979–1980), Босуэлл Уильямс (1980–1982), сэр Аллен Монтгомери Льюис (1982–1987), Винсент Флуассак (1987–1988), сэр Станислаус Жеймс (1988–1996), сэр Жорж Маллет (1996–1997), Перлетт Луизи хоним (1997 йил 17 сентябрдан).

*Сент-Люсия премьер-министрлари:* Жон Комптон (1967–1979; 1979 йил февраль–июль; 1982–1996; 2006–2007), Аллан Луиси (1979–1981), Уинстон Ценак (1981–1982), Майкл Пилгрим (1982 йил январь–май; в.б.), Вогэн Льюис (1996–1997), Кенни Энтони (1997–2006), Стивенсон Кинғ (2007 йил 7 сентябрдан).

**1979 йил февраль–март** – Хитой ва Вьетнам ўртасида чегара низоси.

**1979 йил 26 март** – Кэмп-Дэвид (АҚШ)да Миср билан Исроил ўртасида ўзаро битим имзоланди. Унга кўра Исроил 1982 йил апрелигача Синай яриморолидан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетиш мажбуриятини олди. Шундан сўнг Миср ва Исроил дипломатик алоқаларни ўрнатиши, АҚШ эса ҳар икки мамлакатга иқтисодий ёрдам кўрсатиши керак эди.

**1979 йил 1 апрель** – Эрон давлати Эрон Ислом Республикаси деган расмий ном олди. Шу йили янги конституция қабул қилинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Эрон Ислом Республикаси раҳбарлари:* Оятуллоҳ Ҳумайний (1979–1989), Саид Али Хаманайи (1989 йилдан).

*Эрон Ислом Республикаси президентлари:* Абулҳасан Банисадр (1980–1981), Муҳаммад Али Ражоий (1981 йил 2–30 август), Саид Али Хаманайи (1981–1989), Али Акбар Ҳошимий-Рафсанжоний (1989–1997), Муҳаммад Ҳотамий (1997–2005), Маҳмуд Аҳмадий Нажод (2005 йил 3 августдан).

**1979 йил 4 май** – Англияда парламент сайловларида консерваторлар ғалаба қозонди. Ҳукумат бошлиғи этиб илк бор аёл киши– консерваторларнинг янги йўлбошчиси Маргарет Тэтчер сайланди. Инглизлар уни «темир хоним» деб аташди. У ҳукуматни кетма-кет ўн бир йил бошқарди. (1979–1990 й.) Бу пайтни тарихчилар «Тэтчер даври», унинг дастурини эса «тэтчеризм» деб аташди. Маргарет Тэтчер Англияни жаҳон миқёсида буюк давлат сифатида тиклашга уринди.

**1979 йил 12 июль** – Кирибати мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Кирибати Республикаси президентлари:* Иеремиа Табаи (1979–1982), Рота Онорио (1982–1983), Иеремиа Табаи (1983–1991), Театао Теаннаки (1991–1994), Текирее Тамуэра (1994 йил 24–28 май), Ата Теаотаи (1994 йил май – октябрь), Тебуроро Тито (1994–2003), Тион Отанг (2003 йил март–июль), Аноте Тонг (2003 йил 10 июлдан).

**1979 йил 16 июль** – Саддам Ҳусайн Ироқ президенти этиб сайланди.

**1979 йил 16 сентябрь** – Афғонистонда Ҳафиз Амин ҳокимиятни эгаллаб, Нурмуҳаммад Тараққий жонига қасд қилди.

**1979 йил 26–27 декабрь** – Афгонистонда президент Ҳафиз Амин ўлдирилди. Мамлакат раҳбари Бабрак Кармал бўлди. СССР Давлат Хавфсизлик комитетининг «Альфа» бўлинмаси жангчилари президент саройини ишғол қилиб, Бабрак Кармални «президент» қилди. Чекланган совет қўшинлари Афғонистонга киритилди. Аслини



www.ziyouz.com kutubxonasi

олганда СССР ўз қўшниси Афғонистонга ҳужум қилди. Ғарб билан Шарқ ўртасидаги «илиқлик» даври якунланди. Афғонистонда коммунистик режим ўрнатилди.

**1979 йил 27 октябрь** – Сент-Винсент ва Гренадина мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Сент-Винсент ва Гренадина генерал-губернаторлари:* Сидней Ган-Манро (1979–1985), Жозеф Ламберт Юстас (1985–1988), Генри Харви Уильямс (1988–1989), Дэвид Эммануэль Жек (1989–1996), Чарльз Антробус (1996–2002), Моника Дейкон (2002 йил июнь–сентябрь; в.б.), Фредерик Баллантайн (2002 йил 2 сентябрдан).

*Сент-Винсент ва Гренадина премьер-министрлари:* Милтон Като (1969–1972; 1974–1979), Жеймс Фитц-Аллен Митчелл (1972–1974; 1984–2000); Милтон Като (1979–1984), Арним Юстас (2000–2001), Ральф Гонсалвеш (2001 йилдан).

**1979 йил** – нефть баҳоси кўтарилди (иккинчи «нефть шоки»).

**1979 йил** – Маршалл ороллари ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини олди.

**1979 йил** – Угандада Иди Амин диктатураси ағдариб ташланди.

**1979 йил** – Марказий Африка Республикасида император Жан-Бедель Бокасса (1976 йилда император бўлган) ҳокимиятдан ағдарилди ва мамлакат яна республика деб эълон қилинди.

**1979 йил** – Афғонистоннинг 26 та вилоятидан 18 тасида қуролли мухолифат гуруҳлари мавжуд эди.

**1979 йил** – ядро қуролларини чеклаш ҳақида (ОСВ-2) совет-америка шартномаси имзоланди.

**1979 йил** – Эфиопия давлатида Салмон сулоласининг охирги вакили Хайле Селассие тахтдан ағдарилди.

**1979 йил** – Покистонда барча сиёсий партиялар фаолияти тақиқланди. Ҳарбий режим ички сиёсат асосига жамият ҳаётини ҳар томонлама исломлаштиришни киритди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1979 йил** – Никарагуада Самоса диктатураси Сандино миллий-озодлик фронти кўзғолончилари (сандиночилар) томонидан ағдарилди.

**1979–1980 йиллар** – Рим папаси Иоанн Павел II томонидан Галилио Галилейни суд қилган инквизиция суди ҳужжатлари қайта кўриб чиқилди ва олим гуноҳсиз деб топилди.

**1979–1983 йиллар** – Европада танглик. (Кўҳна қитъада НАТО «Першинг-2» ва Варшава шартномаси давлатлари «СС-20» ракеталарини жойлаштирган эди.)

**1979–1989 йиллар** – Имом Ҳумайний Эрон Ислом Республикаси раҳбари ва оятуллоҳ (шиаларнинг олий руҳоний унвони) бўлди.

**1980 йил 22 январь** – академик Андрей Дмитриевич Сахаров (1921.21.05–1989.20.12) Горький (ҳозирги Нижний Новгород) шаҳрига сургун қилинди.

**1980 йил январь** – Болгарияда саноатга янги иқтисодий механизм олиб кирилди: бошқарувни марказлаштиришдан воз кечиб, либераллаштириш томон йўл тутилди.

**1980 йил 18 апрель** – Жанубий Родезия ўз мустақиллигини эълон қилиб, янги ном–Зимбабве давлати номи билан аталди. Зимбабве мустақил республика деб эълон қилинди.

*Зимбабве Республикаси президентлари:* Канаан Содиндо Банана (1980–1987), Морган Цвангираи (1987 йил 31 декабрдан).

**1980 йил 4 май** – Югославия президенти ва ЮСФР Президиуми раиси Иосип Броз Тито 88 ёшида вафот этди. СССР ва Югославия ўртасида муносабатлар узилгач, Тито ўзининг социалистик жамият қуриш моделини илгари сурди. У Қаршилик кўрсатиш ҳаракати раҳбарларидан бири бўлган.

**1980 йил 30 июль** – Вануату мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Вануату Республикаси президентлари:* Жорж Калкоа [Сокуману] (1980–1984; 1984–1989), Фредерик Карлому-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ана Тимаката (1984 йил февраль–март; 1989–1994), Оннейн Тахи (1989 йил февраль–январь; в.б.), Альфред Мазенг (1994 йил январь–март; 2004 йил апрель–май; в.б.), Жан Мари Лейе Ленеглау (1994–1999), Эдуард Натапеи (1999 йил 2–24 март; в.б.), Жон Бани (1999–2004), Рожер Абьют (2004 йил март–апрель; 2004 йил май–июль; в.б.), Жозиас Моли (2004 йил июль–август; в.б.), Калкот Матаскелекеле (2004–2009), Максим Карлот Корман (2009 йил август–сентябрь; в.б.), Иолу Жонсон Абил (2009 йил 2 сентябрдан).

**1980 йил июль** – Польшада сиёсий инқироз бошланди. Гданьскда порт ишчиларининг иш ташлаш ҳаракати ва «Солидарность» («Бирдамлик») касаба уюшмаси ташкил топди. Лех Валенса бошчилигидаги «Солидарность» ҳаракатини ҳукумат ҳам тан олди.

**1980 йил июль–август** – Москвада ёзги XXII Олимпия ўйинлари ўтказилди.

**1980 йил сентябрь** – Эрон ва Ироқ ўртасида уруш бошланди.

**1980 йил** – автомобиль ишлаб чиқариш бўйича Япония жаҳонда биринчи ўринга чиқиб, АҚШни қувиб ўтишга эришди.

**1980 йил** – Чилида ҳарбий хунта янги конституцияни қабул қилди. Генерал Пиночет мамлакат президенти этиб тасдиқланди.

**1980 йил** – Исландия давлати бошлиги бўлган Вигдис Финнбогадоттир дунёда умумий сайловлар орқали сайланган дастлабки давлат раҳбари бўлган аёл эди. (Ҳолбуки, 1959–1970 йилларда ўзбек қизи Ёдгора Насриддинова [1920–2010] Ўзбекистон ССР Олий Советі Президиуми раиси лавозимида ишлаган.)

**1980 йил** – Эронда президентликка ва Ислом кенгаши мажлисига илк сайловлар бўлиб ўтди. Конституцияга мувофиқ мамлакатнинг олий сиёсий ва руҳоний раҳбари ҳокимиятнинг барча органлари фаолиятини назорат этувчи Оятуллоҳ Ҳумайний эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1980 йил** – Туркияда янги ҳарбий тўнтариш. Барча партиялар тарқатиб юборилди, цензура жорий этилди.

**1980 йил** – Шимолий Корея иқтисодиётида инқироз.

**1980 йил** – Ҳиндистонда бўлиб ўтган сайловларда Ҳиндистон Миллий Конгресси ғалаба қозонди.

**1980–1984 йиллар** – Индира Гандининг Ҳиндистонда Бош вазирлик даври.

**1980–1987/89 йиллар** – Хитойда Ху Яобан ва Чжао Цзиян партия ва ҳукуматда ҳокимиятни ўзаро бошқаришди. Мамлакатда чет эл сармояси учун биринчи махсус иқтисодий зоналар ташкил қилинди.

**1980–1992 йиллар** – Сальвадорда фуқаролар уруши.

**1980–1987 йиллар** – Жанубий Корея президенти Чон Ду Хваннинг диктаторлик тузуми.

**1980–1988 йиллар** – Эрон–Ироқ уруши ёки кўрфаздаги биринчи уруш. Бу уруш Эронга қарийб 350 миллиард долларга тушди. 700 минг эронлик ҳалок бўлди. Миллий кам-сонли аҳоли билан муносабатлар кескинлашди: курдлар, туркманлар, белужлар ва бошқа халқлар ўзи учун миллий мухторият талаб этиб чиқди.

**1981 йил январь** – Греция Европа Иқтисодий Иттифоқига аъзо бўлди. Константинос Караманлис Греция президенти этиб сайланди.

**1981 йил февраль** – Польшада ҳарбий ҳолат жорий қилинди. Генерал Войцех Ярузельский ҳокимият тепасига келди. «Солидарность» ман этилди ва унинг йўлбошчилари қамоққа олинди.

**1981 йил июнь–1984 йил июнь** – Францияда Пьер Моруа бошчилигидаги социалистлар ҳукумати фаолияти даври.

**1981 йил 9 июль** – Палау давлатининг амалдаги конституцияси қабул қилинди.

*Палау Республикаси президентлари:* Харуо Ремелиик (1981–1985), Томас Ременгесау (катта) (1985 йил июнь–июль; 1988–1989), Альфонсо Оитеронг (1985 йил июль–октябрь), Лазарус Салии (1985–1988), Нгираткел Эт-



www.ziyouz.com kutubxonasi

писон (1989–1993), Куниво Накамура (1993–2001), Томас Ременгесау [кичик] (2001–2009), Жонсон Торибионг (2009 йил 15 январдан).

**1981 йил 21 сентябрь** – Белиз мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Белиз генерал-губернаторлари:* Дама Минита Гордон (1981–1993), сэр Колвилл Янг (1993 йил 17 ноябрдан).

*Белиз премьер-министрлари:* Жорж Кэдл Прайс (1961–1964; 1964–1973; 1973–1981; 1981–1984; 1989–1993), Мануэль Эскивель (1984–1989; 1993–1998), Саид Муса (1998–2008), Дин Барроу (2008 йил 8 февралдан).

**1981 йил 6 октябрь** – Миср президенти Анвар Садат фитначилар томонидан Қоҳирада ўлдирилди. Ҳокимият тепасига вице-президент Ҳусни Муборак келди.

**1981 йил 17 ноябрь** – Чехословакияда «бахмал инқилоби» бошланди.

**1981 йил** – Антигуа ва Барбуда Буюк Британия бошчилигидаги Ҳамдўстлик таркибига кирувчи мустақил давлатга айланди.

*Антигуа ва Барбуда генерал-губернаторлари:* сэр Уилфред Жекобс (1981–1993), сэр Жеймс Карлайл (1993–2007), Луиза Лейк-Тэк (2007 йил 14 июлдан).

**1981 йил** – Францияда президент сайловида сўлчилар вакили Франсуа Миттеран голиб чиқди. У Миллий мажлисни тарқатиб юборди ва янги сайловларни тайинлади. Унда социалистлар кўпчилик овозга эга бўлди.

**1981 йил** – Эрон Ислом Республикасида биринчи президент Абдулҳасан Банисадр ҳокимиятдан ағдариб ташлангач, Оятуллоҳ Ҳумайний бошчилигидаги ислом режими мустаҳкамланди.

**1981–1982 йиллар** – Германия Федератив Республикасида иқтисодий ўсиш суръати секинлашиб, иқтисодий танглик юз берди.

**1981–1983 йиллар** – Грецияда Андреас Папандреу (социалист) раҳбарлигидаги ҳукумат фаолияти даври.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1981–1989 йиллар** – АҚШда республикачи президент Рональд Рейганнинг ҳукмронлик даври. «Рейганомика», «юлдузлар уруши» дастури, ташқи сиёсатдаги ғалабалар.

**1982 йил 28 апрель** – Аргентина қўшинлари Буюк Британия мустамлакаси бўлган Фолкленд (Мальвин) оролларига туширилди. Бу урушда Буюк Британия давлати Аргентина устидан ғалаба қилди.

**1982 йил 30 май** – Италия НАТОга қабул қилинди.

**1982 йил 10 ноябрь** – КПСС МК Бош котиби ва СССР Олий Совети Президиуми раиси Леонид Ильич Брежнев вафот этди. СССРда «Брежнев даври» тугади. Унинг вазифаларини Юрий Владимирович Андропов эгаллади (1982 – 1984).

**1982 йил** – Канадада янги конституция қабул қилинди.

**1982 йил** – Испания НАТОга кирди. Мамлакат премьер-министри қилиб социалист Фелипе Гонсалес тайинланди.

**1982 йил** – Исроил Мисрга Синай ярим оролини қайтарди. Исроил армияси Жанубий Ливанга бостириб кирди. Проэрон кайфиятидаги шиаларнинг «Хизбиллоҳ» ва ислом экстремистларининг «Жиҳод» гуруҳлари фаолияти кучайди.

**1982 йил** – Эронда осиб ўлдириш орқали қатл этишлар бошланди. Шиа йўлбошчилари 1978–1979 йиллар инқилобининг етакчи кучи бўлган ва Ҳумайнийнинг Эронга қайтишини таъминлаган Туде партиясини деярли йўқ қилиб ташлади.

**1982 йил** – Германия Федератив Республикасида канцлер Гельмут Коль ҳокимият тепасига келди. У «янги неоконсерватизм» сиёсати олиб бориб, жамият ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётида давлатнинг ролини кучайтирди.

**1983 йил 19 сентябрь** – Сент-Китс ва Невис Федерацияси мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Сент-Китс ва Невис Федерацияси генерал-губернаторлари:* Клемент Арринделл (1983–1995), Катберт Себастьян (1996 йил 1 январдан).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Сент-Китс ва Невис Федерацияси премьер-министрлари:* Роберт Брэдшоу (1967–1978), Пол Саутвелл (1978–1979), Ли Мур (1979–1980), Кеннеди Симмондс (1980–1983); Кеннеди Симмондс (1983–1995), Дензил Дуглас (1995 йил 7 июлдан).

**1983 йил** – Шри Ланкада фуқаролар уруши кучайди (ҳиндуизм дини вакиллари «Тамил-Элам йўлбарслари» ва Сингаль буддавийлари ўртасида).

**1983 йил** – АҚШ давлати Гренадага ҳарбий босқин уюштирди.

**1983 йил** – НАТОнинг Европадаги давлатлари (ГФР, Италия, хусусан, Буюк Британия)да Американинг «Першинг-2» қанотли ракеталари жойлаштирилди. Тинчлик тарафдорлари НАТО ҳаракатига қарши чиқишди.

**1983 йил** – ГФР парламентига «кўклар» ҳаракати вакиллари сайланганлиги экология янги сиёсий кучга айланганлигини кўрсатди.

**1983 йил** – Кипр ороли ҳудудида Шимолий Қибрис [Кипр] Турк Республикаси тузилганлиги эълон қилинди. Бу давлатга Рауф Денкташ асос солди ва биринчи президент қилиб сайланди.

*Шимолий Қибрис Турк Республикаси президентлари:* Рауф Денкташ (1975/1983–2005), Мехмет Али Талъат (2005–2010), Дервиш Эрўғли (2010 йил 23 апрелдан).

*Шимолий Қибрис Турк Республикаси премьер-министрлари:* Нехат Конук (1976–1978), Осман Эрек (1978 йил 21 апрель–12 декабрь), Мустафо Чиғатой (1978–1985), Дервиш Эрўғли (1985–1994; 1996–2004; 2009–2010), Хакки Атун (1994–1996), Мехмет Али Талъат (2004–2005), Ферди Сабит Сойер (2005–2009), Ҳусайн Озгюргюн (2010 йил 23 апрель–17 май; в.б.;), Ирсен Кючюк (2010 йил 17 майдан).

**1983 йил**–Туркияда Турғут Ўзал раҳбарлигида Ватан партияси сайловда ғалаба қозонди. Туркия Бош вазири лавозимини Турғут Ўзал эгаллади.

**1983 йил**–Польшада ҳарбий ҳолат бекор қилинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1983 йил** – Ҳиндистонда этник ва диний негиздаги оммавий ғалаёнлар кучайди. Ассомда шундай галаёнлар бўлиб ўтди. Панжобда сикхлар терроризми ҳукм суриб, этник ва диний тўқнашувлар давом этди.

**1983–1986 йиллар** – Испанияда демократияни мустаҳкамлашга қаратилган қонунлар қабул қилинди.

**1983–1987 йиллар** – Италияда Беттино Краксининг премьер-министрлик даври.

**1984 йил 1 январь** – Бруней мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Бруней султонлари (1852 йилдан):* Абдул Момин (1852 – 1885), Ҳошим Жалилул Алам Акамаддин (1885–1906), Муҳаммад Жамалул Алам II (1906–1924), Аҳмад Тажуддин (1924–1950), Омар Али Сайфуддин III (1950–1967), Ҳассанал Болкиах (1967 йилдан).

**1984 йил 9 февраль** – КПСС МК Бош котиби ва СССР Олий Совети Президиуми раиси Юрий Владимирович Андропов вафот этди. Унинг вазифаларини Константин Устинович Черненко эгаллади (1984–1985).

**1984 йнл 5 июнь** – Ҳиндистонда фукаролар урушининг олдини олиш учун Индира Ганди сикхларнинг Амритсардаги ўчоғи–Олтин ибодатхонани штурм билан босиб олишга буйруқ берди. Сикхлар бунга қаттиқ қаршилик кўрсатди. Олтин ибодатхона учун жангда 300 киши ҳалок бўлди.

**1984 йил июль–1986 йил март** – Францияда Лоран Фабиуснинг премьер-министрлик даври. Ўта ўнг сўллар (Миллий фронт) нуфузининг кўтарилиши.

**1984 йил 31 октябрь** – Ҳиндистон Бош вазири Индира Ганди сикх экстремистлари томонидан Деҳлида суиқасд натижасида ўлдирилди. Унинг ўғли Ражив Ганди янги Бош вазир қилиб тайинланди.

**1984 йил 4 ноябрь** – Никарагуада Сандино миллийозодлик фронти раҳбари Даниэль Ортега президент қилиб сайланди. У 1990 йил февралгача ҳокимиятни бошқарди. АҚШ аксилинқилобчилар («контрас»)ни қувватлади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1984 йил** – Заир (Конго) янги конституция қабул қилди. Мамлакат республика деб эълон қилинди.

**1984 йил** – Жанубий Африка Республикасида янги конституция қабул қилинди.

**1984–1989 йиллар** – Ражив Ганди Ҳиндистоннинг Бош вазири бўлди. (У ҳам 1991 йил 21 майда суиқасд натижасида ўлдирилди.)

**1984–1993 йиллар** – Канадада консерваторлардан Брайан Малрунининг премьер-министрлик даври.

**1985 йил 10 март** – КПСС МК Бош котиби ва СССР Олий Совети Президиуми раиси Константин Устинович Черненко вафот этди.

**1985 йил 11 март** – КПСС МК Бош котиби қилиб Михаил Сергеевич Горбачёв сайланди.

**1985 йил 23 апрель** – Михаил Сергеевич Горбачёв томонидан СССРда қайта қуриш ва ошкоралик сиёсати ҳамда мамлакат иқтисодиётини жадаллаштириш эълон қилинди. Шарқ билан Ғарб ўртасидаги янги «илиқлик» (кескинликнинг юмшаши); Рейган ва Горбачёв ўртасидаги учрашувлар.

**1985 йил 2 июль** – СССР Олий Совети Президиуми раиси лавозимига Ташқи ишлар министри Андрей Андреевич Громико сайланди.

**1985 йил** – Европа Иқтисодий Иттифоқи [ЕИИ]га кирувчи мамлакатлар чегараларида виза режимини бекор қилишга қаратилган биринчи Шенгенъ шартномаси.

**1985 йил** – Афина шаҳри Европанинг маданий пойтахти деб эълон қилинди.

**1985 йил** – Албанияда ҳокимиятда Анвар Хўжа ўрнини Рамиз Алия эгаллади.

**1985 йил** – Бруней султонлиги мустақилликка эришди ва АСЕАН (Жануби-Шарқий Осиё давлатлари уюшмаси) таркибига кирди.

**1985 йил** – АҚШ ва СССР ҳарбий кучлари стратегик жиҳатдан мувозанатга келди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1986 йил 1 январь** – Голландия мустамлакаси бўлган Аруба мухторият мақомига эга бўлди.

*Аруба премьер-министрлари:* Хенни Эман (1986–1989; 1994–2001), Нельсон Одубер (1989–1994; 2001–2009), Михель Годфрид Эман (2009 йил 30 октябрдан).

**1986 йил 1 январь** – Испания ва Португалия ЕИИ аъзолигига қабул қилинди.

**1986 йил март–1988 йил май** – Францияда ўнг кучлардан иборат Жак Ширакнинг премьер-министрлик даври.

**1986 йил 15 апрель** – Америка бомбардимончи самолётлари Ливия ҳудудига бостириб кириб, Муаммар Каддафийнинг Триполидаги қароргоҳига бомба зарбаларини берди. У мўъжиза туфайли ўлимдан омон қолди.

**1986 йил 26 апрель** – Чернобиль атом электрстанцияси (Украина)да авария рўй берди. Чернобиль фожиаси жуда катта йўқотишларга олиб келди.

**1986 йил 3 ноябрь** – АҚШдан ўзини ўзи бошқариш ҳуқуқини олган Микронезия кейинчалик ўз мустақиллигини эълон қилди (1991 йил 3 ноябрь).

*Микронезия Федератив Штатлари президентлари:* Тосиво Накаяма (1986–1987), Жон Хэглелгэм (1987–1991), Бейли Олтер (1991–1996), Жейкоб Нена (1996–1999), Лео Фолкэм (1999–2003), Жозеф Урусемал (2003–2007), Иммануил Мори (2007 йил 11 майдан).

**1986 йил 17–19 декабрь** – Олма-Ота (Қозоғистон)да декабрь ҳодисаси. Митинг қилаётган қозоқ ёшлари аскарлар томонидан калтакланди ва қамоққа ташланди.

**1986 йил** – Филиппинда 1965 йилдан ҳокимият тепасида турган Фердинанд Маркос уни Корасон Акинога топширишга мажбур бўлди.

**1986 йил** – АҚШда Эронга қурол сотиш бўйича можаро бўлди («Эрон-контрас»).

**1986 йил** – СССР билан АҚШ муносабатлари яхшиланди.

**1986 йил** – Европада тоталитар режим barҳам топди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1987 йил 27–28 январь** – КПСС МК Январь пленумида «Қайта қуриш ва партиянинғ кадрлар сиёсати» масаласи муҳокама қилинди.

**1987 йил 1 июнь** – Маргарет Тэтчер учинчи марта Англия Бош вазирлигига сайланди.

**1987 йил июнь** – Эронда Оятуллоҳ Ҳумайний Ислом республикачилар партиясини тарқатиб юборди.

**1987 йил сентябрь** – Эфиопия Социалистик Республикаси (1975 йил мартдан)нинг номи Эфиопия Халқ Демократик Республикаси деб ўзгартирилди. [Мамлакат 1995 йил августдан Эфиопия Федератив Демократик Республикаси деб номланди.]

*Эфиопия Федератив Демократик Республикаси [Ҳабашистон] президентлари:* Менгисту Хайле Мариам (1987–1991), Тесфайе Гебре Кидан (1991 йил 21–28 май), Мелес Зенауи (1991–1995), Негассо Гидада (1995– 2001), Гирма Уольде-Гиоргис Лука (2001 йил 8 октябрдан).

**1986 йил 19 октябрь** – Мозамбик президенти Самора Машел авиация ҳалокатига учраб ҳалок бўлди.

**1987 йил 21 октябрь** – КПСС МК Октябрь пленумида Москва шаҳар партия комитети биринчи котиби Борис Николаевич Ельцин КПСС МК Секретариати фаолияти ва қайта қуришнинг боришини танқид қилди. Борис Николаевич Ельцин ўз нутқида Михаил Сергеевич Горбачёв юритаётган сиёсат ноизчил, чала эканлигини кескин қоралади. Бунинг учун у ўз лавозимидан четлаштирилди ва Сиёсий бюро аъзолигидан чиқариб юборилди.

**1987 йил 7 ноябрь** – Тунисда Ҳабиб Бурғиба истеъфога чиққач, Зайн ал-Обидин бен Али мамлакат президентлигига сайланди.

**1987 йил 30 ноябрь** – Афғонистонда Нажибулло президент этиб сайланди. Мамлакатда янги конституция қабул қилинди.

**1987 йил декабрь** – Исроил босиб олган ҳудудларда Фаластин қўзғолони бошланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1987 йил** – Тибетда Хитойга қарши ғалаёнлар бошланди.

**1987 йил** – Михаил Сергеевич Горбачёв АҚШга ташриф буюрди. Михаил Сергеевич Горбачёв ва Рональд Рейған ўртасида ракета-ядро қуролларини қисқартириш ҳамда кичик ва ўртача олисликдаги ракеталарни йўқ қилиш тўғрисидаги шартномалар имзоланди.

**1987 йил** – Болгарияда «социализмнинг янги модели» эълон қилинди.

**1987 йил** – Жанубий Кореяда янги конституция қабул қилинди: президент ҳокимияти қисқарди; сўз, матбуот, намойишлар эркинлиги, кўппартиявийлик эълон қилинди.

**1987–1993 йиллар** – Жанубий Кореяда президент Ро Де Вунинг халққа қарши сиёсати.

**1988 йил 23 февраль** – Озарбайжоннинг Тоғли Қорабоғ автоном вилоятида миллатлараро тўқнашув бошланди. Арманлар озарбайжонларни ваҳшиёна тарзда қирғин қилди.

**1988 йил 15 май** – Совет қўшинларини Афғонистондан олиб чиқиш бошланди. Улар Амударё орқали Термизга олиб ўтилиб, дастлаб Тошкент шаҳри яқинидаги Чирчиққа жойлаштирилди.

**1988 йил 15 июнь** – Арманистон ССР Олий Совети Озарбайжон ССР таркибидаги Тоғли Қорабоғ автоном вилоятини Арманистон таркибига қўшиб олиш тўғрисида асоссиз қарор чиқарди. Арманлар билан озарбайжонлар ўртасида тўқнашувлар бошланди. Кейинчалик Арманистон Республикаси Озарбайжон Республикаси ҳудудиға ҳужум қилди ва туркий халқлар юрти бўлган Тоғли Қорабоғни босиб олди.

**1988 йил 28 июнь–1 июль** – КПССнинг Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси. СССРда сиёсий ислоҳотлар бошланди.

**1988 йил июнь** – Русь чўқинтирилганлигининг 1000 йиллик тантанаси нишонланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1988 йил август** – Покистонда генерал Зиё-ул Ҳақ авиация фалокатида ҳалок бўлди ва Сенат раиси Ғулом Исҳоқ Хон президентлик лавозимини эгаллади.

**1988 йил 4 сентябрь** – Косовода аҳолини албан сепаратчиларидан ҳимоя қилиш учун фавқулодда ҳолат жорий этилишини ҳимоя қилган ҳолда серблар ва черногорецлар намойиши ўтказилди.

**1988 йил 18 сентябрь** – Бирмада Не Вин бошчилигидаги диктатура ағдарилди ва ҳокимиятни ҳарбийлар эгаллади. Мамлакат Мьянма (Мьянма Иттифоқи Республикаси) деб юритила бошланди.

**1988 йил 1 октябрь** – Андрей Андреевич Громико ўрнига КПСС МК Бош котиби Михаил Сергеевич Горбачёв СССР Олий Совети Президиуми Раиси (1989 йил 25 майдан СССР Олий Совети Раиси) этиб сайланди. (Бу лавозимда у 1990 йил 15 мартгача турди.)

**1988 йил 5 октябрь** – Чилидаги плебисцит (референдум)да давлат раҳбари Аугусто Пиночет мағлубиятга учради.

**1988 йил 15 ноябрь** – Фаластин Озодлик ташкилотининг олий органи Фаластин Миллий кенгаши Жазоир шаҳрида мустақил Фаластин давлати тузилганини эълон қилди.

*Фаластин давлати президентлари (Фаластин Миллий Маъмурияти раислари)*: Ёсир Арафот (1989 йил 29 март–2004 йил ноябрь); Маҳмуд Аббос (в.б.; 2004 йил ноябрдан; раиси – 2005 йил январдан).

*Фаластин давлати [Фаластин Мухторияти] премьер-министрлари:* Маҳмуд Аббос (2003 йил апрель–октябрь), Аҳмад Куреи (2003–2005; 2005–2006), Набиль Шаат (в.б.; 2005 йил 15–24 декабрь), Исмаил Хания (2006–2007), Салом Файяд (2007 йил 15 июндан).

**1988 йил 16 ноябрь**–Покистонда бўлган умумхалқ сайловларида Беназир Бхутто (Зулфиқор Али Бхуттонинг қизи) Бош вазир бўлди. (1990 йилда у истеъфога чиқишга мажбур бўлди.)



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1988 йил** – Франсуа Миттеран Франция президенти қилиб қайта сайланди. Мишел Рокар бошчилигидаги социалистик ҳукумат (1988 йил май – 1991 йил май) марказчилар (центристлар) учун очиқ бўлди.

**1988 йил** – СССРда миллий ҳаракат бошланди. Олма-Ота (Қозоғистон)да қозоқ талабалари ўққа тутилди (1986 йил декабрь); Тоғли Қорабоғ (Озарбайжон)да арманлар миллий зиддиятни авж олдиришди; Ўзбекистонда «пахта иши» «ўзбеклар иши»га айлантирилди; Болтиқбўйи республикаларида миллий фронтлар тузилди (сентябрь–октябрь).

**1988 йил** – Польшада демократизация жараёни бошланди (сиёсий плюрализм).

**1988 йил** – Никарагуада қуролли курашни тўхтатиш ҳақидаги битим имзоланди.

**1988 йил** – совет космонавтлари Владимир Георгиевич Титов ва Мусо Манаров космосда 366 кун бўлиб, бу соҳада рекорд ўрнатишди.

**1989 йил 7 январь** – Япония императори Хирохито вафот этди. Унинг ўғли Акихито тахтга ўтирди.

**1989 йил январь** – Венгрия парламент демократиясига ўтди.

**1989 йил 15 февраль** – совет қўшинларининг Афғонистондан олиб чиқилиши якунланди.

**1989 йил 26 март** – СССРда биринчи демократик ва миллий сайловлар бўлди. СССР халқ депутатлари сайланди. Демократик кучлар ёрдамида Борис Николаевич Ельцин СССР халқ депутати этиб сайланди.

**1989 йил 29 март** – Фаластин Озодлик Ташкилоти Ижроия Қўмитаси Ёсир Арафотни Фаластин давлати президенти қилиб тайинлади.

**1989 йил апрель** – Тбилисидаги митинг совет қўшинлари томонидан зўрлик билан тарқатиб юборилди.

**1989 йил 25 май – 9 июнь** – СССР халқ депутатларининг I съездида М.С.Горбачёв СССР Олий Совети раиси этиб сайланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1989 йил 19 июль** – генерал Войцех Ярузельский Польша президентлигига сайланди.

**1989 йил август** – Польшада «Солидарность» (Бирдамлик) йўлбошчилари раҳбарлик қилган коалицион ҳукумат тузилди. Польша Халқ Республикасининг номи Польша Республикаси деб эълон қилинди.

*Польша Республикаси президентлари:* Войцех Ярузельский (1989–1990), Лех Валенса (1990–1995), Александр Квасьневский (1995–2005), Лех Качиньский (2005–2010), Бронислав Коморовский (2010 йил апрель–июль; вақтинча президент вазифасини бажарувчи), Гжегож Схетина (2010 йил 8 июль–6 август; в.б.), Бронислав Коморовский (2010 йил 6 августдан).

*Польша Республикаси премьер-министрлари:* Тадеуш Мазовецкий (1989–1991), Ян Кжиштоф Белецкий (1991 йил январь–декабрь), Ян Ольшевский (1991–1992), Ханна Сухоцка (1992–1993), Вальдемар Павляк (1993–1995), Юзеф Олекси (1995–1996), Влодзимеж Чимошевич (1996–1997), Ежи Бузек (1997–2001), Лешек Миллер (2001–2004), Марек Белка (2004–2005), Казимеж Марцинкевич (2005–2006), Ярослав Качиньский (2006–2007), Дональд Туск (2007 йил 16 ноябрдан).

**1989 йил сентябрь** – Жанубий Африка Республикаси (ЖАР)даги парламент сайловларида апартеидга қарши курашувчи Фредерик Виллем де Клерк раҳбарлигидаги Миллий партия ғалаба қозонди.

**1989 йил 7–9 октябрь** – Берлин, Дрезден, Лейпциг ва бошқа шаҳарларда ўн минглаб кишилар мамлакатда туб ўзгаришни талаб қилган ҳолда кўчага чиқдилар.

**1989 йил 18 октябрь** – коммунистлар ҳокимиятдан четлаштирилди ва Венгрия Халқ Республикасининг номи Венгрия Республикаси деб эълон қилинди.

*Венгрия Республикаси президентлари:* Матьяш Сюрёш (1989–1990), Арпад Гёнц (1990–2000), Ференц Мадл (2000–2005), Ласло Шойом (2005–2010), Пал Шмитт (2010 йилдан).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Венгрия Республикаси премьер-министрлари:* Йожеф Антал (1990–1993), Петер Борош (1993–1994), Дьюла Хорн (1994–1998), Виктор Орбан (1998–2002), Петер Медьеши (2002–2004), Ференц Дюрчань ( 2004–2009), Гордон Байнаи (2009–2010), Виктор Орбан (2010 йил 29 майдан).

**1989 йил 31 октябрь** – Турғут Ўзал Туркия Республикаси президенти этиб сайланди.

**1989 йил октябрь** – ГДРда Эрих Хонеккер истеъфога чиқди.

**1989 йил 4 ноябрь** – Берлин кўчаларига 500 мингдан ортиқ киши чиқди.

**1989 йил 9 ноябрь** – Шарқий ва Ғарбий Германия ўртасидаги чегаралар очилиши эълон қилинди. «Берлин девори» қулади.

**1989 йил 10 ноябрь** – Болгарияда Тодор Живков истеъфога чиқди. Бир партияли сиёсий тизим тугатилди.

**1989 йил 17 ноябрь** – Прагада талабалар намойиши қатнашчилари қаттиқ жазоланди. Бу ҳол Чехословакияда «бахмал инқилоби»нинг бошланишига туртки бўлди.

**1989 йил 12–14 декабрь** – СССР халқ депутатларининг II съезди бўлди.

**1989 йил 14 декабрь** – академик Андрей Дмитриевич Сахаров вафот этди. СССРда водород бомбасини яратган йирик олим айни пайтда инсон ҳуқуқларининг фаол ҳимоячиси бўлган.

**1989 йил декабрь** – Чехославакияда ҳукумат истеъфога чиқди ва республика президенти лавозимига Вацлав Гавел сайланди («бахмал инқилоби»).

**1989 йил 22 декабрь** – Руминияда халқ қўзғолон кўтарди. Президент Николае Чаушеску ва унинг хотини Елена мамлакатдан қочиш чоғида қамоққа олинди ва суд қарори билан қатл этилди (25 декабрь). Ҳокимият тепасига Ион Илиеску бошчилигидаги Миллий қутқарув фронти келди.

**1989 йил 22 декабрь** – Руминия Социалистик Республикасининг номи Руминия деб эълон қилинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Руминия президентлари:* Ион Илиеску (1989–1996; 2000–2004), Эмиль Константинеску (1996–2000), Траян Бэсеску (2004–2007), Николае Вакарою (2007 йил апрель – май; вақтинча президент вазифасини бажарувчи), Траян Бэсеску (2007 йил 23 майдан).

*Руминия премьер-министрлари:* Петре Роман (1989–1991), Теодор Столожан (1991–1992), Николае Вэкэрою (1992–1996), Виктор Чорбя (1996–1998), Раду Василе (1998–1999), Мугур Исэреску (1999–2000), Адриан Нэстасе (2000–2004), Кэлин Попеску-Тэричану (2004–2008), Эмиль Бок (2008–2009), Ливиу Негоица (2009 йил ноябрь – декабрь) ва бошқалар.

**1989 йил** – Оятуллоҳ Ҳумайний вафотидан сўнг Эрон президенти этиб Али Акбар Ҳошимий–Рафсанжоний сайланди (у 1989–1997 йилларда президент бўлди). У либерал қарашларга эга киши сифатида иқтисодий ислоҳотлар ва ижтимоий ҳаётни эркинлаштириш йўлини олиб борди.

**1989 йил** – Грецияда демократия тикланди.

**1989 йил** – ЖАР Намибия ҳудудидан ўз қўшинларини олиб чиқиб кетди.

**1989 йил** – ЖАР қўшинлари Анголадан олиб чиқилди.

**1989 йил** – Хитойда режимни демократлаштирмоқчи бўлганларнинг намойишлари, жумладан, Тяньаньминь майдонидаги талабалар чиқишлари армия томонидан бостирилди («Пекин баҳори»).

**1989 йил** – Вьетнам қўшинлари Камбоджадан олиб чиқилди.

**1989 йил** – Ҳиндистонда ҳиндларнинг мусулмонларга қарши чиқишлари бўлди.

**1989 йил** – Араб Мағриби иттифоқи тузилиб, унга Марокаш (Марокко), Жазоир, Тунис, Ливия ва Миср кирди.

**1989 йил** – америкаликлар Панамага бостириб кирди ва Норьеги агдарилди.

**1989 йил** – Парагвайда генерал Альфредо Стресснер (у 1954 йилдан ҳокимият тепасида турган) мамлакатдан ҳайдаб чиқарилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1989–1990 йиллар** – Шарқий Европа давлатларида коммунистик режим ағдарилди.

**1989–1990 йиллар** – Албанияда иқтисодий аҳвол ёмонлашди, талабаларнинг норозилик чиқишлари бўлди.

**1989–1993 йиллар** – Жорж Буш (республикачи)нинг АҚШда президентлик даври.

**XX асрнинг 90-йиллари** – жаҳон тарихида «янги демократия даври».

**1990 йил февраль** – Никарагуада сандинистлар (сандиночилар) режими тугатилди. Сайловларда мамлакат президенти этиб Виолетто Чаморро сайланди.

**1990 йил 11 март** – Литва Олий Кенгаши Литва давлатини қайта тиклаш ҳақидаги ҳужжатни қабул қилди ва мамлакат Литва Республикаси деб атала бошланди.

**1990 йил 15 март** – КПСС МК Бош котиби ва СССР Олий Совети раиси Михаил Сергеевич Горбачёв СССР президенти этиб сайланди.

**1990 йил 17 март** – Литва Республикаси Олий Кенгаши Литва давлати мустақиллигини тиклаш тўғрисида қонун, май ойида эса давлат суверенитети тўғрисида Декларация қабул қилди. Болтиқбўйи республикалари СССР таркибидан чиқиб кетди.

**1990 йил 18 март** – Германия Демократик Республикасида кўппартиялик асосида ўтказилган сайловлар бўлиб ўтди.

**1990 йил 21 март** – Намибия мустақил республика деб эълон қилинди.

*Намибия Республикаси президентлари:* Сэм Нуйома (1990–2005), Хификепунье Похамба (2005 йил 21 мартдан).

**1990 йил 24 март** – Ўзбекистон ССРда президентлик бошқаруви таъсис этилди ва Ўзбекистон Компартияси МК биринчи котиби Ислом Абдуғаниевич Каримов Ўзбекистон ССР Президенти этиб сайланди.

**1990 йил 24 апрель** – Қозогистон ССРда президентлик бошқаруви жорий этилиб, Нурсултон Назарбоев Қозогистон ССР президенти этиб сайланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1990 йил 8 май** – Эстония ССР Олий Кенгаши Эстония Республикасини эълон қилди.

**1990 йил 22 май** – Яман Араб Республикаси (Шимолий Яман) билан Яман Халқ Демократик Республикаси (Жанубий Яман) бирлашиши натижасида Яман Республикаси ташкил топди.

*Яман Республикаси президенти:* Али Абдуллоҳ Солиҳ (1990 йил 22 майдан); у 1978–1990 йилларда Яман Араб Республикаси президенти).

**1990 йил 29 май** – Борис Николаевич Ельцин РСФСР Олий Совети раиси этиб сайланди. (Бу лавозимда у 1991 йил 10 июлгача турди.)

**1990 йил май** – Литва Олий Кенгаши Литва Республикасининг давлат мустақиллиги ҳақидаги Декларацияни қабул қилди.

*Литва Олий Совети раислари:* Ландсбергис Витаутас (1990 йил 11 март–1992 йил 25 март).

*Литва Республикаси президентлари:* Альгирдас Бразаускас (1992–1998), Валдас Адамкус (1998–2003), Роландас Паксас (2003–2004), Артурас Паулаускас (2004 йил апрель – июль; в.б.), Валдас Адамкус (2004–2009), Даля Грибаускайте (2009 йил 12 июлдан).

*Литва Сейми (парламенти) раислари:* Витаутас Ландсбергис (1990 йил 10 март–1992 йил 22 ноябрь), Чесловас Юршенас (1992 йил 25 ноябрь–1996 йил 26 ноябрь), Витаутас Ландсбергис (1996 йил 26 ноябрь–2000 йил 18 октябрь), Паулаускас, Артурас (2000 йил 19 октябрь–2004 йил 6 апрель), Чесловас Юршенас (2004 йил 20 апрель–11 июль; в.б.), Артурас Паулаускас (2004 йил 12 июль–14 ноябрь); Викторас Мунтянас (2006–2008), Чесловас Юршенас (2008 йил 1 апрель–17 ноябрь), Арунас Валинскас (2008–2009), Ирена Дегутене (2009 йил 17 сентябрдан).

*Литва Республикаси премьер-министрлари:* Казимир Дануте Прано Прунскене (1990 йил 17 март–1991 йил 8 январь), Альбертас Винцович Шименас (1991 йил 10 январь – 1991 йил 13 январь), Гядиминас Зенович Вагнорюс



www.ziyouz.com kutubxonasi

(1991 йил 13 январь–1992 йил 14 июль), Александрас Абишала (1992 йил июль–декабрь), Бронисловас Лубис (1992–1993), Адольфас Шляжявичюс (1993–1996), Миндаугас Станкявичюс (1996 йил февраль–ноябрь), Гедиминас Вагнорюс (1997–1999), Ирена Дягутене (1999 йил 4–18 май; 1999 йил октябрь–ноябрь; в.б.), Роландас Паксас (1999 йил май–октябрь; 2000–2001), Андрюс Кубилюс (1999–2000), Эугениюс Гентвилас (2001 йил 20–29 июнь; в.б.), Альгирдас Бразаускас (2001–2006), Зигмантас Бальчитис (2006 йил июнь–июль; в.б.), Гедиминас Киркилас (2006–2008), Андрюс Кубилюс (2008 йил 28 ноябрдан).

**1990 йил май** – Республика Олий Кенгаши Латвия мустақиллигини тиклаш ҳақида Декларация қабул қилди ва унинг номи Латвия Республикаси деб ўзгартирилди.

*Латвия Республикаси президентлари:* Анатолий Горбунов (1991–1993), Гунтис Ульманис (1993–1999), Вайра Вике-Фрейберга (1999–2007), Валдис Затлерс (2007 йилдан).

*Латвия Сейми (парламенти) раислари:* Ингрида Удре (2002 йил 5 ноябрь–2006 йил 7 ноябрь), Латвии Индулис Эмсис (2006 йил 7 ноябрь–2007 йил 21 август), Гундарс Даудзе (2007 йил 24 сентябрдан) ва бошқалар.

*Латвия Республикаси премьер-министрлари:* Годманис Иварс (1990–1993); Валдис Биркавс (1993–1994), Марис Гайлис (1994–1995), Андрис Шкеле (1995–1997; 1999–2000), Гунтарс Крастс (1997–1998), Вилис Криштопанс (1998–1999), Андрис Берзиньш (2000–2002), Эйнар Репше (2002–2004), Эмсис Индулис (2004 йил март–декабрь), Айгар Калвитис (2004–2007), Иварс Годманис (2007–2009), Валдис Домбровскис (2009 йил 26 февралдан).

**1990 йил май–июнь** – РСФСР халқ депутатларининг I съезди бўлди.

**1990 йил 4–11 июнь** – Ўш (Қирғизистон)да ўзбек халқига нисбатан геноцид сиёсати қўлланилди ва улар қирғин қилинди.

**1990 йил 12 июнь** – РСФСРнинг давлат суверенитети ҳақидаги Декларация қабул қилинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Россия Федерацияси президентлари:* 1. Борис Николаевич Ельцин (1991 йил 10 июль–1999 йил 31 декабрь). 2. Владимир Владимирович Путин (в.б.; 1999 йил 31 декабрь –2000 йил 26 март; 2000 йил 26 март –2008 йил 6 май). 3. Дмитрий Анатольевич Медведев (2008 йил 7 майдан).

*Россия Федерацияси вице-президенти: Александр Владимирович Руцкой* (1991 йил 10 июль– 1993 йил 4 октябрь).

*Россия Федерацияси Олий Совети раиси:* Руслан Имранович Хасбулатов (1991 йил 29 октябрь – 1993 йил 21 сентябрь/4 октябрь).

*Россия Федерацияси Олий Советининг Республика Совети раиси:* Вениамин Соколов (1993); *Россия Федерацияси Олий Советининг Миллатлар Совети раиси:* Рамзан Абдулатипов (1990–1993).

*Россия Федерацияси Ҳукумати раислари:* Егор Тимурович Гайдар (в.б.; 1992 йил 15 июнь–14 декабрь), Виктор Степанович Черномирдин (1992 йил 14 декабрь–1998 йил 23 март), Сергей Владиленович Кириенко (1998 йил 23 март/24 апрель–23 август), Евгений Максимович Примаков (1998 йил 11 сентябрь–1999 йил 12 май), Сергей Вадимович Степашин (1999 йил 12 май/19 май–9 август), Владимир Владимирович Путин (1999 йил 9 август/16 август–2000 йил 7 май), Михаил Михайлович Касьянов (2000 йил 7 май/17 май – 2004 йил 24 февраль), Виктор Борисович Христенко (в.б.; 2004 йил 24 февраль–5 март), Михаил Ефимович Фрадков (2004 йил 5 март–2007 йил 12 сентябрь), Виктор Алексеевич Зубков (2007 йил 14 сентябрь–2008 йил 7 май), Владимир Владимирович Путин (2008 йил 8 майдан).

*Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Давлат думаси раислари:* Иван Петрович Рибкин (1994 йил 14 январь – 1996 йил 17 январь), Геннадий Николаевич Селезнёв (1996 йил 17 январь–2003 йил 29 декабрь), Борис Вячеславович Гризлов (2003 йил 29 декабрдан).

*Россия Федерацияси Федерал Мажлисининг Федерация Совети раислари:* Владимир Филиппович Шумейко



www.ziyouz.com kutubxonasi

(1994–1996), Егор Семёнович Строев (1996–2001), Сергей Михайлович Миронов (2001 йил 5 декабрдан).

**1990 йил 20 июнь** – Ўзбекистон ССР Олий Совети Мустақиллик Декларациясини қабул қилди.

**1990 йил 23 июнь** – Молдавия Республикаси суверенитети эълон қилинди.

**1990 йил 2–13 июль** – КПСС XXVIII съездида янги Устав қабул қилинди ва Михаил Сергеевич Горбачёв КПСС МК Бош котиби қилиб қайта сайланди.

**1990 йил 20 июль** – Россия ҳукумати томонидан «500 кун» номли иқтисодий дастур эълон қилинди.

**1990 йил 27 июль** – Белоруссия ССРнинг давлат мустақиллиги ҳақидаги Декларация қабул қилинди.

**1990 йил 22 август** – Туркманистон ССРнинг давлат суверенитети ҳақидаги Декларация қабул қилинди.

**1990 йил 23 август** – Арманистоннинг мустақиллиги тўғрисида Декларация қабул қилинди.

**1990 йил 27 август** – Татаристон АССР Олий Кенгаши республиканинг давлат суверенитетини (Россия таркибида) эълон қилди. (1992 йилдан Татаристон Республикаси деб атала бошланди.

*Татаристон Республикаси президентлари:* Минтимер Шарипович Шаймиев (1991–2010), Рустам Нургалиевич Минниханов (2010 йилдан).

**1990 йил август** – Ироқ давлати Қувайтга бостириб кирди. Кейинчалик Форс қўлтиғи ва Саудия Арабистонига АҚШ бошчилигида ҳарбий кучлар киритилди.

**1990 йил 12 сентябрь** – ГФР канцлери Гельмут Коль ва СССР президенти Михаил Сергеевич Горбачёв СССРнинг Германияга нисбатан ўз бошқарув сиёсати тугаганлиги тўғрисида Шартнома имзолади. Бир вақтнинг ўзида совет қўшинларини 1994 йил охиригача Германиядан олиб чиқиб кетиш масаласи ҳал этилди.

**1990 йил сентябрь** – Чувашияда республиканинг давлат суверенитети тўғрисида Декларация (Россия таркибида) қабул қилинди ҳамда Чувашия АССР Чувашия Республикаси мақомини олди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Чувашия Республикаси [Чаваш Республикаси] президентлари:* Николай Васильевич Фёдоров (1994–2010), Михаил Васильевич Игнатьев (2010 йилдан).

**1990 йил сентябрь** – Якутияда республиканинг давлат суверенитети (Россия таркибида) эълон қилинди. (1991 йил декабрда Якутия АССРнинг номи ўзгартирилиб, Саха Республикаси [Якутия] деб аталадиган бўлди.

*Саха Республикаси [Якутия] президентлари:* Михаил Ефимович Николаев (1991–2002), Вячеслав Анатольевич Штиров (2002–2010), Егор Афанасьевич Борисов (2010 йил 31 майдан).

**1990 йил 3 октябрь** – Германия қайта бирлашди (пойтахти–Берлин). ГДР Германия Федератив Республикаси (ГФР)ға қўшилди. Гельмут Коль бирлашган Германиянинг канцлери бўлди.

**1990 йил 11 октябрь** – Бошқирдистоннинг давлат суверенитети ҳақидаги Декларация (Россия таркибида) қабул қилинди. (1992 йил февралдан Бошқирдистон янги ном–Башкортостон [Бошқирдистон] Республикаси номини олди.)

*Бошқирдистон Республикаси президентлари:* Муртаза Губайдуллаевич Рахимов (1991–2010), Рустэм Закиевич Хамитов (2010 йилдан).

**1990 йил 25 октябрь** – Қозоғистон ССРнинг давлат суверенитети тўғрисида Декларация қабул қилинди.

**1990 йил 27 октябрь** – Асқар Акаев Қирғизистон ССР президенти этиб сайланди.

**1990 йил 27 октябрь** – Сапармурат Ниёзов Туркманистон ССР президенти этиб сайланди.

**1990 йил октябрь** – Удмуртия АССР суверенитети тўғрисида (Россия таркибида) Декларация қабул қилинди ва кейинчалик Удмуртия Республикаси деб атала бошланди.

*Удмуртия Республикаси президенти:* Александр Александрович Волков (2000 йилдан).

**1990 йил октябрь** – Бурятиянинг давлат суверенитети тўғрисида Декларация (Россия таркибида) қабул қилинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

(Бурятия АССР 1991 йилдан Бурятия Республикаси деб номланди.)

*Бурятия Республикаси Олий Совети раиси:* Леонид Васильевич Потапов (1991–1994).

*Бурятия Республикаси президентлари:* Леонид Васильевич Потапов (1994–2007), Вячеслав Владимирович Наговицин (2007 йил 10 июлдан).

**1990 йил октябрь –** Қалмоғистоннинг давлат суверенитети тўғрисида декларация (Россия таркибида) Олий Кенгаш томонидан қабул қилинди. (1992 йил февралдан Қалмоғистон Республикаси [Хальмг-Тангч] деб атала бошланди.)

*Қалмоғистон Республикаси президентлари:* Кирсан Николаевич Илюмжинов (1991/1993–2010); *Қалмоғистон Республикаси бошлиғи:* Алексей Маратович Орлов (2010 йил 9 сентябрдан).

**1990 йил 15 ноябрь –** Болгария Халқ Республикасининг номи Болгария Республикаси деб эълон қилинди. (1991 йил 12 июлда мамлакат конституцияси кучга кирган.)

*Болгария Республикаси раис(президент)лари:* Пётр Младенов (1990 йил апрель–июль), Желю Желев (1990–1992);

*Болгария Республикаси президентлари:* Желю Желев (1992–1997), Пётр Стоянов (1997–2002), Георгий Пирванов (2002 йил 22 январдан).

*Болгария Республикаси премьер-министрлари:* Димитр Попов (1990–1991), Филип Димитров (1991–1992), Любен Беров (1992–994), Ренета Инджова (1994–1995), Жан Виденов (1995–1997), Стефан Софиянский (1997 йил февраль – май), Иван Костов (1997–2001), Симеон Сакскобургготский (2001–2005), Серғей Станишев (2005–2009), Бойко Борисов (2009 йил 27 июлдан).

**1990 йил 17 ноябрь –** Нахичеван АССРнинг номи ўзгариб, Нахичеван Мухтор Республикаси (Озарбайжон таркибида) ташкил қилинди.

*Нахичеван Мухтор Республикаси Олий Мажлиси раислари:* Гейдар Алиев (1991–1993), Восиф Юсуф ўғли Толибов (1993 йил 3 июлдан).



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1990 йил 28 ноябрь** – Буюк Британияда премьер-министр этиб Жон Мейжор Маргарита Тэтчер ўрнига сайланди.

**1990 йил 14 декабрь** – Ўзбекистон ССР таркибида Қорақалпоғистон АССР суверенитети тўғрисида Декларация қабул қилинди.

**1990 йил 15 декабрь** – Қирғиз Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида Декларация қабул қилинди.

**1990 йил декабрь** – Лех Валенса Польша президенти бўлди.

**1990 йил декабрь** – Мордва Республикасининг давлат суверенитети тўғрисида Декларация (Россия таркибида) қабул қилинди. (1994 йил Мордва АССР Мордовия Республикаси мақомини олди.)

*Мордовия Республикаси бошлиғи:* Николай Иванович Меркушкин (1995 йил 22 сентябрдан).

**1990 йил декабрь** – Шимолий Осетия АССР Олий Кенгаши давлат суверенитети тўғрисида Декларация (Россия таркибида) қабул қилди. (1993 йил ноябрдан мухтор республика Шимолий Осетия-Алания Республикаси мақомини олди.)

*Шимолий Осетия-Алания Республикаси президентлари:* Ахсарбек Ҳожимурзаевич Галазов (1994–1998), Александр Сергеевич Дзасохов (1998–2005), Таймураз Дзамбекович Мамсуров (2005 йилдан).

**1990 йил декабрь** – Грузия ССР таркибидаги Жанубий Осетия АССР тугатилди.

**1990 йил** – Ион Илиеску Руминия президенти бўлди.

**1990 йил** – Европада оддий қуролларни қисқартириш тўғрисида совет-америка шартномаси имзоланди.

**1990 йил** – Бангладешда Эршод диктатураси тугади (у 1983 йили ҳокимиятга келган эди).

**1990 йил** – Либерияда фуқаролар уруши бошланди. Ҳокимият тепасида 1980 йилдан турган Самюэль Доу ўлдирилди.

**1990 йил** – Намибия мустақилликка эришди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1990 йил** – Чилида президент Патрисио Эйлвин (Олвин) ўз вазифасини бажаришга киришгандан сўнг демократик тузум тикланди.

**1990 йил** – Албанияда десталинизация жараёни. (Десталинизация–Сталин таълимотини инкор қилиш ва ундан воз кечиш.)

**1990 йил** – Шарқий Европада эркин сайловлар.

**1990 йил** – Жанубий Африка Республикасида Африка Миллий Конгресси (АМК) фаолиятини тақиқлаш бекор қилинди.

**1990 йил** – Японияда иқтисодий пасайиш, сиёсий танглик бўлиб, АҚШ иқтисодиётига боғлиқлик кузатилди.

**1990 йил** – Мьянма Иттифоқи (Бирма)да биринчи умумхалқ ва эркин сайловларнинг ўтказилиши: демократия учун миллий лига ғалабаси.

**1990 йил** – Монголияда биринчи марта кўппартияли демократик сайловлар бўлиб ўтди ва унда Монголия халқ ишчи партияси (МХИП) ғалаба қозонди.

**1990 йил** – Таиландда иқтисод юқори суръатда ривожланди.

**1990 йил** – СССРда коммунистик партиянинг ҳукмронлик ролидан воз кечилди; миллий ҳаракат кучайди, хусусан, Болтиқбўйи мамлакатлари (Литва, Латвия, Эстония) ўз мустақилликларини эълон қилишди.

**1990 йил** – Чечен-Ингушия АССР Олий Кенгаши давлат суверенитети ҳақида Декларация қабул қилди.

**1990 йил** – Коми Республикасининг давлат суверенитети тўғрисида Декларация (Россия таркибида) Олий Кенгашда қабул қилинди. (1992 йил Коми АССР Коми Республикаси мақомини олди.)

*Коми Республикаси бошлиқлари:* Юрий Алексеевич Спиридонов (1994–2002), Владимир Александрович Торлопов (2002–2010), Вячеслав Михайлович Гайзер (2010 йил 15 январдан).

**1990 йил** – Марий Эл Республикасининг давлат суверенитети тўғрисида Декларация (Россия таркибида) Олий



www.ziyouz.com kutubxonasi

Кенгашда қабул қилинди. (1992 йил Мари АССР Марий Эл Республикаси мақомини олди.)

*Марий Эл Республикаси президентлари:* Владислав Максимович Зотин (1991–1997), Вячеслав Александрович Кислицин (1997–2001), Леонид Игоревич Маркелов (2001 йилдан).

**1990–1999 йиллар** – БМТ томонидан Халқаро ҳуқуқ ўн йиллиги даври, деб эълон қилинди.

**1991 йил бошлари** – Жанубий Осетия Республикаси ташкил қилинди. Бу республика ҳудуди аввал Грузия ССР таркибида бўлган. (Бу республика ҳозиргача Россия Федерациясидан ташқари бошқа давлат томонидан тан олинмаган.)

*Жанубий Осетия Республикаси президентлари:* Людвиг Александрович Чибиров (1991–2001), Эдуард Жабеевич Кокойти (2001 йил 18 декабрдан).

*Жанубий Осетия Республикаси Олий Совети раислари:* Торез Георгиевич Кулумбегов (1991–1993), Людвиг Алексеевич Чибиров (1993–1996), Коста Георгиевич Дзугаев (1996–1999) ва бошқалар.

*Жанубий Осетия парламенти раҳбарлари:* Станислав Яковлевич Кочиев (1999–2004), Знаур Николаевич Гассиев (2004–2009), Кочиев, Станислав Яковлевич (2009 йил 25 октябрдан).

*Жанубий Осетия Республикаси премьер-министрлари:* Олег Тезиев (1991–1993), Герасим Хугаев (1993–1994), Феликс Зассеев (1994–1995), Владислав Габараев (1995 – 1996), Александр Шавлохов (1996–1998), Мераб Чигоев (1998–2001), Дмитрий Санакоев (2001 йил июнь–декабрь), Герасим Хугаев (2001–2003), Игорь Санакоев (2003 – 2005), Зураб Кокоев (2005 йил май–июль; в.б.), Юрий Морозов (2005–2008), Борис Чочиев (2008), Асланбек Булацев (2008–2009), Вадим Бровцев (2009 йил 5 августдан)

**1991 йил 15 январь–28 февраль** – Форс қўлтиғида уруш. АҚШ ва иттифоқчилари Қувайтни Ироқ босқинидан озод этиш бўйича «саҳродаги бўрон» операциясини ўтказди. Ироқ Қувайт ҳудудини тарк этган бўлса ҳам, бу



www.ziyouz.com kutubxonasi

урушда АҚШ мағлубиятга учради. Ироқ курдлари кўзғолон кўтарди.

**1991 йил 22 январь** – Қирғизистон халқларининг биринчи қурултойи.

**1991 йил январь** – Кабарда-Балкария Олий Кенгаши давлат суверенитети тўғрисида Декларация (Россия таркибида) қабул қилди. (1992 йил февралдан Кабарда-Балкария Республикаси деб атала бошланди.)

*Кабарда-Балкария Республикаси президентлари:* Валерий Мухамедович Коков (1992–2005), Арсен Баширович Каноков (2005 йилдан).

**1991 йил 12 февраль** – Қрим АССРнинг номи ўзгариб, Қрим Мухтор Республикаси (Украина таркибида) ташкил қилинди.

*Қрим Республикаси президенти:* Юрий Мешков (1994 йил 4 февраль –?).

*Қрим Мухтор Республикаси Олий Совети раислари:* Николай Васильевич Багров (1991–1994), Сергей Павлович Цеков (1994–1995), Евгений Владимирович Супрунюк (1995–1996), Василий Алексеевич Киселев (1996–1997), Анатолий Павлович Гриценко (1997–1998), Леонид Иванович Грач (1998–2002), Борис Давидович Дейч (2002–2006), Анатолий Павлович Гриценко (2006–2010), Владимир Андреевич Константинов (2010 йил 17 мартдан).

*Қрим Министрлар Совети раислари (премьер-министрлари):* Виталий Владимирович Курашик (1991–1993), Борис Иванович Самсонов (1993–1994), Евгений Фёдорович Сабуров (1994 йил 4 февраль–6 октябрь), Анатолий Романович Франчук (1994–1995; 1995–1996; 1997–1998), Анатолий Иванович Дроботов (1995 йил 22–31 март), Аркадий Фёдорович Демиденко (1996–1997), Сергей Владимирович Куницин (1998–2001; 2002–2005), Валерий Миронович Горбатов (2001–2002), Анатолий Сергеевич Матвиенко (2005 йил 20 апрель–21 сентябрь), Анатолий Фёдорович Бурдюгов (2005–2006), Виктор Тарасович Плакида (2006–2010), Василий Георгиевич Жарти (2010 йил 17 мартдан).



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1991 йил февраль** – Таиландда навбатдаги ҳарбий тўнтариш ҳарбий диктатуранинг ўрнатилишига олиб келди.

**1991 йил март** – Албанияда дастлабки кўппартиявий сайловлар бўлиб ўтиб, унда Албания Меҳнат партияси ғалаба қозонди.

**1991 йил март** – РСФСРда президентлик лавозими таъсис этилди.

**1991 йил 9 апрель** – Грузиянинг давлат мустақиллиги тикланди.

*Грузия Республикаси президентлари:* Звиад Константинович Гамсахурдия (1991–1992); Эдуард Амвросиевич Шеварднадзе (1995–2003), Нино Анзоровна Бурджанадзе (2003–2004; в.б.), Михаил Саакашвили (2004–2007), Нино Анзоровна Бурджанадзе (2007–2008; в.б.), Михаил Саакашвили (2008 йил 20 январдан).

*Грузия Республикаси парламенти раислари:* Эдуард Амвросиевич Шеварднадзе (1992–1995), Зураб Виссарионович Жвания (1995–2001), Нино Анзоровна Бурджанадзе (2001–2008), Давид Шукриевич Бакрадзе (2008 йил 7 июндан).

*Грузия Республикаси премьер-министрлари:* Мурман Оманидзе (1991 йил 18–23 август; в.б.), Бесарион Гугушвили (1991–1992), Тенгиз Сигуа (1992–1993; в.б.), Эдуард Амвросиевич Шеварднадзе (1993 йил 5–20 август; в.б.), Отар Пацация (1993–1995), Бакур Гулуа (1995 йил октябрь – декабрь); *Грузия Республикаси давлат министрлари:* Нико Лекишвили (1995–1998), Важа Лордкипанидзе (1998–2000), Георгий Арсенишвили (2000–2001), Автандил Жорбенадзе (2001–2003), Зураб Виссарионович Жвания (2003–2004); *Грузия Республикаси премьер-министрлари:* Зураб Виссарионович Жвания (2004–2005), Михаил Саакашвили (2005 йил 3–8 февраль; в.б.), Зураб Ногаидели (2005–2007), Владимир Гургенидзе (2007–2008), Григол Мгалоблишвили (2008–2009), Николоз Гилаури (2009 йил 6 февралдан).

**1991 йил май** – Гвинея-Бисау республикасининг амалдаги конституцияси қабул қилинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Гвинея-Бисау Республикаси президентлари:* Жуан Бернарду Виейра (1994–1999), Кумба Яла (1999–2005), Жуан Бернарду Виейра (2005–2009), Малам Бакай Санья (2009 йил 8 сентябрдан).

**1991 йил май** – Албания республика деб эълон қилинди. Мамлакат президенти этиб Рамиз Алия сайланди.

*Албания Республикаси президентлари:* Рамиз Алия (1991–1992), Сали Бериша (1992–1997), Режеп Мейдани (1997–2002), Альфред Мойсю (2002–2007), Бамир Топи (2007 йилдан).

*Албания Республикаси премьер-министрлари:* Вильсон Ахмети (1991–1992), Александр Мекси (1992–1997), Фатос Нано (1997–1998; 2002–2005), Пандели Майко (1998–1999), Илир Мета (1999–2002), Сали Бериша (2005 йилдан).

**1991 йил май** – Доғистон АССРнинг номи ўзгариб, Доғистон Республикаси (Россия Федерацияси таркибида) деб номланди.

*Доғистон Республикаси президентлари:* Магомедали Магомедович Магомедов (1990–2006), Муху Гимбатович Алиев (2006–2010), Магомедсалом Магомедалиевич Магомедов (2010 йилдан).

**1991 йил май–1992 йил апрель** – Францияда Эдит Крессоннинг премьер-министрлик даври.

**1991 йил 12 июнь**–умумхалқ сайловида РСФСР Олий Совети раиси Борис Николаевич Ельцин РСФСРнинг биринчи президенти этиб сайланди.

**1991 йил 17 июнь** – Жанубий Африка Республикасида апартеид бекор қилинди.

**1991 йил 25 июнь**–Словения мустақиллик эълон қилди.

*Словения Республикаси президентлари:* Милан Кучан (1991–2002), Янез Дрновшек (2002–2007), Данило Тюрк (2007 йилдан).

*Словения Республикаси премьер-министрлари:* Алоиз Петерле (1990–1992), Янез Дрновшек (1992–2000), Андрей Баюк (2000 йил май–ноябрь), Янез Дрновшек (2000 –



www.ziyouz.com kutubxonasi

2002), Антон Роп (2002–2004), Янез Янша (2004–2008), Борут Пахор (2008 йил 7 ноябрдан).

**1991 йил 26 июнь** – Хорватия Республикаси мустақиллик эълон қилди.

*Хорватия Республикаси президентлари:* Франьо Туж-ман (1990–1999), Влатко Павлетич (1999 йил ноябрь–декабрь; вақтинча президент вазифасини бажарувчи), Влатко Павлетич (1999–2000), Златко Томчич (2000 йил 2–18 февраль; в.б.), Степан Месич (2000–2010), Иво Йосипович (2010 йилдан).

*Хорватия Республикаси премьер-министрлари:* Степан Месич (1990 йил май–август), Йосип Манолич (1990 – 1991), Франьо Грегурич (1991–1992), Хрвое Шаринич (1992–1993), Никица Валентич (1993–1995), Златко Матеша (1995–2000), Ивица Рачан (2000–2003), Иво Санадер (2003–2009), Ядранка Косор (2009 йил 6 июлдан).

**1991 йил июнь–декабрь** – Хорватияда хорватлар ва хорват серблари ўртасида уруш бўлиб, хорват сербларини югослав федерал армияси қўллаб-қувватлади.

**1991 йил 1 июль** – Варшава шартномаси ташкилоти тарқатилганлиги эълон қилинди.

**1991 йил 10 июль–1999 йил 31 декабрь** – Борис Николаевич Ельциннинг Россия Федерациясида президентлик даври.

**1991 йил июль** – Хакасия мухтор области Хакасия ССРга айлантирилди.

**1991 йил 19–21 август** – СССР парчаланиши жараёнининг олдини олишга қаратилган давлат тўнтаришига уриниш бўлди. СССР ҳудудида Фавқулодда ҳолат Давлат Комитети (ГКЧП) тузилди. СССР вице-президенти Геннадий Иванович Янаев унга раҳбарлик қилди. Унга КПСС МК раҳбарлари, мудофаа, ички ва ташқи ишлар министрлари кирган эди. СССР президенти Михаил Сергеевич Горбачёв Фобос оролида даволанаяпти деб эълон қилинди, Москвага қўшин киритилди. Бироқ ушбу путч РСФСР президенти Борис Николаевич Ельцин раҳбарлигидаги демократик куч-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лар томонидан бостирилди. Путч барбод бўлгач, СССРдаги иттифоқдош республикалар ўз мустақилликлари ва суверенитетларини эълон қилишди.

**1991 йил 20 август** – Эстония Олий Кенгаши Эстония Республикасининг миллий мустақиллиги тўғрисида қарор қабул қилди.

*Эстония Республикаси президентлари:* Леннарт Мери (1992–2001), Арнольд Рюйтель (2001–2006), Тоомас Хендрик Ильвес (2006 йил 9 октябрдан).

*Эстония Республикаси премьер-министрлари:* Эдгар Сависаар (1991–1992), Тийт Вяхи (1992 йил январь–октябрь; в.б. 1995–1997), Март Лаар (1992–1994; 1999–2002), Андрес Таранд (1994–1995), Март Сийманн (1997–1999), Сийм Каллас (2002–2003), Юхан Партс (2003–2005), Андрус Ансип (2005 йил 13 апрелдан).

*Эстония Давлат кенгаши (Райгикогу) раислари:* Тоомас Сави; Эне Эргма (2003–2006), Тоомас Варек (2006–2007), Эне Эргма (2007 йил 2 апрелдан).

**1991 йил 21 август** – Латвия мустақиллиги эълон қилинди.

*Латвия Республикаси президентлари:* Анатолий Горбунов (1991–1993), Гунтис Ульманис (1993–1999), Вайра Вике-Фрейберга (1999–2007), Валдис Затлерс (2007 йилдан).

*Латвия Республикаси премьер-министрлари:* Годманис Иварс (1990–1993); Валдис Биркавс (1993–1994), Марис Гайлис (1994–1995), Андрис Шкеле (1995–1997; 1999–2000), Гунтарс Крастс (1997–1998), Вилис Криштопанс (1998–1999), Андрис Берзиньш (2000–2002), Эйнар Репше (2002–2004), Эмсис Индулис (2004 йил март–декабрь), Айгар Калвитис (2004–2007), Иварс Годманис (2007–2009), Валдис Домбровскис (2009 йил 26 февралдан).

**1991 йил 24 август** – Украина мустақиллиги эълон қилинди.

*Украина Республикаси президентлари:* Леонид Макарович Кравчук (1991–1994), Леонид Данилович Кучма



www.ziyouz.com kutubxonasi

(1994 – 2005), Виктор Андреевич Ющенко (2005–2010), Виктор Фёдорович Янукович (2010 йил 25 февралдан).

*Украина Республикаси премьер-министрлари:* Витольд Фокин (1990 йил октябрь–ноябрь; 1990–1992), Леонид Кучма (1992–1993), Ефим Звягильский (1993–1994), Виталий Масол (1994–1995), Евгений Марчук (1995–1996), Павел Лазаренко (1996–1997), Валерий Пустовойтенко (1997–1999), Виктор Ющенко (1999–2001), Анатолий Кинах (2001–2002), Виктор Янукович (2002–2005; 2006 – 2007), Юлия Тимошенко (2005 йил февраль–сентябрь; 2007–2010), Юрий Ехануров (2005–2006), Николай Азаров (2010 йил 11 мартдан).

*Украина Олий Радаси (парламенти) раислари:* Иван Степанович Плюшч (1991–1994; 2000–2002), Александр Александрович Мороз (1994–1998), Александр Николаевич Ткаченко (1998–2000), Владимир Михайлович Литвин (2002–2006), Александр Александрович Мороз (2006–2007), Арсений Петрович Яценюк (2007–2008), Александр Владимирович Лавринович (2008 йил ноябрь–декабрь), Владимир Михайлович Литвин (2008 йил 9 декабрдан).

**1991 йил 25 август** – Михаил Сергеевич Горбачёв КПСС МК Бош котиби лавозимини ўзидан соқит қилди.

**1991 йил 27 август** – Молдова Республикаси (Молдавия)нинг мустақиллиги тўғрисида Декларация қабул қилинди.

*Молдова Республикаси президентлари:* Мирча Снегур (1990–1997), Петру Лучинский (1997–2001), Владимир Воронин (2001–2009), Михай Гимпу (2009 йил 11 сентябрдан).

*Молдова Республикаси премьер-министрлари:* Валериу Муравски (1991–1992), Андрей Сангели (1992–1997), Ион Чубук (1997–1999), Ион Стурдза (1999 йил март–декабрь), Думитру Брагиш (1999–2001), Василе Тарлев (2001–2008), Зинаида Гречаная (2008–2009), Виталие Пирлог (2009 йил 14–25 сентябрь), Влад Филат (2009 йил 25 сентябрдан).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Молдова парламенти раислари:* Александр Константинович Мошану (1990–1993), Петру Лучинский (1993 – 1996), Д.Моцлан (1997–1998), Д.Дьянов (1998–2001), Евгений Остапчук (2001–2005), М.Лупу (2005–2009), Владимир Николаевич Воронин (2009 йил 5 апрель–28 август), Михай Гимпу (2009 йил 28 август–2010 йил 29 сентябрь).

**1991 йил 30 август** – Озарбайжон Республикаси давлат мустақиллиги тўғрисида Декларация қабул қилди.

*Озарбайжон Республикаси президентлари:* Аяз Муталибов (1991–1992), Ягуб Мамедов (1992 йил март–14 май; в.б.), Аяз Муталибов (1992 йил 14 май–18 май), Иса Гамбаров (1992 йил май–июль; в.б.), Абульфаз Эльчибей (1992 – 1993), Гейдар Алиев (1993–2003), Илҳом Алиев (2003 йилдан).

*Озарбайжон Республикаси премьер-министрлари:* Гасан Гасанов (1991–1992), Фейруз Мустафаев (1992 йил апрель – май; в.б), Рагим Гусейнов (1992–1993), Али Масимов (1993 йил февраль–апрель; в.б.), Панах Гусейнов (1993 йил апрель–июнь), Сурет Гусейнов (1993–1994), Фуад Гулиев (1994–1996), Артур Расизаде (1996 йил июль – ноябрь; в.б.), Артур Расизаде (1996–2003), Илҳом Алиев (2003 йил август–ноябрь), Артур Расизаде (2003 йил 4 ноябрдан).

*Озарбайжон Миллий Мажлиси раислари:* Якуб Жавод ўғли Мамедов (1992 йил 5 март–1992 йил 18 май), Иса Юнис ўғли Гамбар (1992 йил 18 май–1993 йил 15 июнь), Гейдар Алиев (1993 йил 15 июнь–2003 йил 31 октябрь); Октай Асадов (2005 йил 2 декабрдан) ва бошқалар.

**1991 йил 31 август** – Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги тўғрисида Олий Кенгаш баёноти ва «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мустақиллиги асослари тўғрисида» қонун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси давлат ва ҳукумат раҳбарлари:

*Ўзбекистон Республикаси Президенти:* Ислом Абдуғаниевич Каримов (1991 йил 31 августдан/29 декабрдан).

*Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши раислари:* Шавкат Муҳитдинович Йўлдошев (1991 йил 31 август –



www.ziyouz.com kutubxonasi

1993 йил 29 декабрь), Эркин Ҳамдамович Халилов (1993 йил 29 декабрь – 1995 йил 23 февраль). *Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси раиси:* Эркин Ҳамдамович Халилов (1995 йил 23 февраль–2005 йил январь).

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг раислари:* Мурод Шарифхўжаев (2005 йил 27 январь–2006 йил 23 февраль), Илгизар Матёкубович Собиров (2006 йил 24 февралдан).

*Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг спикерлари:* Эркин Ҳамдамович Халилов (2005 йил 27 январь–2008 йил 22 январь), Дилором Ғофуржоновна Тошмуҳамедова (2008 йил 23 январдан).

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг раиси:* Ислом Абдуғаниевич Каримов (1991 йил 31 август–2005 йил январь);

*Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлари:* Абдулҳошим Муталович Муталов (1992 йил 13 январь–1995 йил 21 декабрь), Ўткир Тўхтамуродович Султонов (1995 йил 21 декабрь–2003 йил 11 декабрь), Шавкат Миромонович Мирзиёев (2003 йил 11 декабрдан).

**1991 йил 31 август** – Қиргизистон Республикаси Олий Кенгаши Қирғизистонни мустақил, суверен, демократик давлат деб эълон қилди. (1993 йил 5 майдан давлат Қирғиз Республикаси деб номланди.)

*Қирғиз Республикаси [Қирғизистон] президентлари:* Аскар Акаевич Акаев (1990–2005), Қурмонбек Салиевич Бакиев (2005–2010), Роза Исаковна Отунбаева (Қиргизистонда ўтиш даврининг президенти; 2010 йил 19 май–2011 йил 31 декабрь).

*Қирғиз Республикаси премьер-министрлари:* Насирдин Исанов (1991 йил январь–ноябрь), Андрей Иордан (1991 – 1992; в.б.), Турсунбек Чингишев (1992–1993), Апас Жумагулов (1993–1998), Кубаничбек Жумалиев (1998 йил март – декабрь), Жумабек Ибраимов (1998–1999), Амангельди Муралиев (1999–2000), Курманбек Бакиев (2000–2002; 2005 йил март–август), Николай Танаев (2002–2005), Ме-



www.ziyouz.com kutubxonasi

детбек Керимкулов (2005 йил июнь–июль), Феликс Кулов (2005–2007), Азим Исабеков (2007 йил январь–март), Алмазбек Атамбаев (2007 йил март–ноябрь; в.б.), Искендербек Айдаралиев (2007 йил ноябрь–декабрь; в.б.), Игорь Чудинов (2007–2009), Данияр Усенов (2009–2010), Роза Отунбаева (муваққат ҳукумат раиси; 2010 йил 7 апрелдан).

*Қирғиз Республикаси Жокорғу Кенеши [Қонунчилик йиғилиши] раислари:* Медеткан Шеримкулов (1990–1994), Мукар Чолпонбаев (1995–1997), Алманбет Матубраимов (1995–1997), Усуп Мукамбаев (1997–2000), Абдиганы Эркебаев (1997–2000), Алтай Борубаев (2000–2005), Ишенбай Кадирбеков (2005 йил 24–25 март), Муратбек Мукашев (2005 йил март), Омурбек Текебаев (2005 йил 28 март – 2006), Марат Султанов (2006–2007), Адахан Мадумаров (2008 йил январь–май), Аитибай Тагаев (2008 – 2009), Зайнидин Курманов (2009 йил декабрь–2010 йил баҳори).

**1991 йил 2 сентябрь** – Тоғли Қорабоғ автоном области ўрнига Тоғли Қорабоғ Республикаси (Озарбайжон Республикаси таркибида) ташкил топди.

**1991 йил 6 сентябрь** – СССР Давлат Кенгаши Литва, Латвия ва Эстониянинг мустақиллигини тан олди.

**1991 йил 9 сентябрь** – мустақиллик тўғрисида Декларация эълон килинди ва Тожикистон Республикаси номи тасдиқланди.

*Тожикистон Республикаси президентлари:* Раҳмон Набиевич Набиев (1991 йил 23 сентябрь–6 октябрь; 1991 йил 2 декабрь–1992 йил 7 сентябрь), Акбаршо Искандарович Искандаров (1991 йил 6 октябрь–2 декабрь; 1992 йил 7 сентябрь–19 ноябрь; в.б.), Эмомали Раҳмон [Эмомали Шарипович Раҳмонов] (1994 йил 16 ноябрдан).

*Тожикистон Республикаси Мажлиси Оли раислари:* Қадриддин Аслонович Аслонов (1991 йил 9–23 сентябрь), Раҳмон Набиевич Набиев (1991 йил 23 сентябрь–7 октябрь), Акбаршо Искандарович Искандаров (1991–1992); Эмомали Шарипович Раҳмонов (1992–1994) ва бошқалар.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Тожикистон Республикаси премьер-министрлари:* Изатулло Ҳаёев (1991–1992), Жамшид Каримов (1992 йил май – сентябрь; в.б.), А. Абдулложонов ( 1992–1993), Абдужалил Самадов (1993–1994), Жамшид Каримов (1994 – 1996), Яҳё Нуридинович Азимов (1996–1999), Оқил Оқилов (1999 йил декабрдан).

**1991 йил 19 сентябрь** – Белоруссия ССР ўз номини ўзгартириб, Беларусь Республикаси деб атала бошланди.

*Беларусь Республикаси президенти:* Александр Лукашенко (1994 йил 10 июлдан).

*Беларусь Республикаси премьер-министрлари:* Вячеслав Францевич Кебич (1991–1994), Михаил Николаевич Чигирь (1994–1996), Сергей Степанович Линг (1996–2000), Владимир Васильевич Ермошин (2000–2001), Геннадий Васильевич Новицкий (2001–2003), Сергей Сергеевич Сидорский (2003 йил 10 июлдан).

*Беларусь Олий Совети раислари:* Станислав Станиславович Шушкевич (1991–1994), Мечислав Иванович Глеб (1994–1996), Семён Георгиевич Шарецкий (1996 йил январь–ноябрь; в.б.).

*Беларусь Миллат Мажлисининг Вакиллар палатаси раислари:* Вадим Александрович Попов (2000–2004; 2007–2008), Владимир Николаевич Коноплев (2004–2007), Владимир Павлович Андрейченко (2008 йил 27 октябрдан).

**1991 йил 23 сентябрь** – Арманистон Республикаси мустақил деб эълон қилинди.

*Арманистон Республикаси президентлари:* Левон Тер-Петросян (1991–1998), Роберт Кочарян (1998–2008), Серж Саркисян (2008 йил 9 апрелдан).

*Арманистон Республикаси премьер-министрлари:* Гагик Арутюнян (1991–1992), Хосров Арутюнян (1992–1993), Грант Багратян (1993–1996), Армен Саркисян (1996 – 1997), Роберт Кочарян (1997–1998), Армен Дарбинян (1998 – 1999), Вазген Саркисян (1999 йил июнь–октябрь), Арам Саркисян (1999–2000), Андраник Маргарян (2000–2007), Серж Саркисян (2007–2008), Тигран Саркисян (2008 йил 9 апрелдан).



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Арманистон парламенти спикерлари:* Бабкен Араркцян (1991–1998), Хосров Арутюнян (1998–1999), Карен Демирчян (1999 йил 11 июнь–27 октябрь), Армен Хачатрян (1999–2003), Артур Багдасарян (2003–2006), Тигран Торосян (2006–2008), Овик Абрамян (2008 йил 29 сентябрдан).

**1991 йил сентябрь** – Туркияда янги сайловлар бўлиб, Сулаймон Демирел ғалаба қозонди. У Бош вазир лавозимини эгаллади.

**1991 йил сентябрь** – Болгарияда янги конституция қабул қилиниши билан боғлиқ ҳолда янги парламент сайлови ўтказилди ва унда СДИ ғолиб чиқди.

**1991 йил сентябрь** – чечен халқининг умуммиллий конгресси Чеченистон Республикасининг давлат суверенитетини эълон қилди.

**1991 йил 12 октябрь** – Асқар Акаев Қирғиз Республикаси президенти этиб сайланди.

**1991 йил 27 октябрь** – мустақиллик тўғрисида Декларация қабул қилинди ва мамлакат Туркманистон деб атала бошланди.

*Туркманистон президентлари:* Буюк Сапармурат Туркманбоши [Сапармурат Атаевич Ниязов] (1990 йил 27 октябрь–2006 йил 21 декабрь), Гурбангули Мяликкулиевич Бердимуҳамедов (в.б.; 2006 йил 21 декабрь–2007 йил 12 февраль; 2007 йил 13 февралдан).

*Туркманистон премьер-министрлари:* Хон Ахмедов (1990–1991), Сапармурат Ниязов (1991–1992). [1992 йил 1 июнда бу лавозим тугатилди].

*Туркманистон Мажлиси спикери:* Акия Нурбердиева (2006 йил декабрдан).

**1991 йил октябрь** – Тува АССР Россия Федерацияси таркибидаги Тива Республикаси [Тува] расмий номини олди.

*Тива Республикаси [Тува] президентлари:* Каадир-оол Алексеевич Бичелдей (1991–1992), Шериг-оол Дизижикович Ооржак (1992–2007), Шолбан Валерьевич Кара-оол (2007 йилдан).



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1991 йил 17 ноябрь** – Македония мустақиллик эълон қилди.

*Македония Республикаси президентлари:* Киро Глигоров (1991–1999), Борис Трайковский (1999–2004), Бранко Црвенковский (2004–2009), Георге Иванов (2009 йил 12 майдан).

*Македония Республикаси премьер-министрлари:* Никола Клюсев (1991–1992), Бранко Црвенковский (1992–1998; 2002–2004), Любчо Георгиевский (1998–2002), Радмила Шекеринская (2004 йил май–июнь), Хари Костов (2004 йил июнь–ноябрь), Радмила Шекеринская (2004 йил ноябрь–декабрь), Владо Бучковский (2004–2006), Никола Груевский (2006 йил 27 августдан).

**1991 йил ноябрь –** Тожикистонда бўлган президентлик сайловларида Раҳмон Набиев ғалаба қозонди.

**1991 йил ноябрь** – Карелия АССР Карелия Республикаси (Россия Федерацияси таркибида) деб атала бошланди.

*Карелия Республика раҳбарлари:* Сергей Леонидович Катанандов (1998/2002–2010), Андрей Витальевич Нелидов (2010 йил 1 июлдан).

**1991 йил 8 декабрь** – Руминияда янги конституция қабул қилинди.

**1991 йил 8 декабрь** – Белая вежа пушчасида (Беларусь) Россия, Украина ва Беларусь раҳбарлари Борис Николаевич Ельцин, Леонид Макарович Кравчук ва Станислав Станиславович Шушкевич ўзаро битим имзолаб, СССР тугатилганлиги ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) ташкил этилганлигини расман эълон қилдилар.

**1991 йил 16 декабрь** – Қозогистон Республикаси Олий Кенгаши давлат мустақиллиги тўғрисида қонун қабул қилди.

*Қозоғистон Республикаси [Қазақстан] президенти:* Нурсултон Абишевич Назарбоев (1991 йил 16 декабрдан).

*Қозоғистон Олий Совети раислари:* С.А. Абдильдин (1992–1993); А. Кекилбаев (1994–1995).

*Қозоғистон Республикаси парламенти Сенати раис-*



www.ziyouz.com kutubxonasi

*лари:* О.Байгельди (1996–1999), Оралбай Абдикаримов (1999–2004 йил март), Нуртай Абикаевич Абикаев (2004 йил март–2007 йил 11 январь), Қосим-Жомарт Кемелевич Токаев (2007 йил 11 январдан).

*Қозоғистон Республикаси парламенти Мажлиси раислари:* М.Т.Оспанов (1996–1999), Ж.А.Туякбой (1999–2004), Урал Байгунсович Мухамеджанов (2004 йилдан).

*Қозоғистон Республикаси премьер-министрлари:* Сергей Александрович Терешченко (1991–1994), Кажегельдин Акежан Магжанович (1994–1997), Нурлан Утепович Балгимбаев (1997–1999), Қосимжомарт Кемелевич Токаев (1999–2002), Имангали Нургалиевич Тасмагамбетов (2002–2003), Даниал Кенжетаевич Ахметов (2003–2007), Карим Кажимканович Масимов (2007 йил 10 январдан).

**1991 йил 21 декабрь** – Озарбайжон, Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Тожикистон, Туркманистон ва Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ)га аъзо бўлишди. Улар Алматида МДҲнинг мақсад ва тамойиллари ҳақидаги Декларацияни Россия, Украина ва Белоруссия билан биргаликда имзолашди.

**1991 йил 25 декабрь** – СССР Президенти Михаил Сергеевич Горбачёв истеъфога чиқди. СССР халқаро ҳуқуқ субъекти сифатида барҳам топди. Россия Федерацияси СССРнинг ҳуқуқий вориси сифатида эълон қилинди. «Совуқ уруш» даври тугади.

СССР парчаланиб кетиш натижасида 15 та мустақил давлат: Россия Федерацияси, Украина, Белоруссия, Ўзбекистон, Қозогистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Эстония, Литва, Латвия, Молдавия, Грузия, Озарбайжон, Арманистон давлатлари пайдо бўлди.

**1991 йил 25 декабрь** – РСФСР Олий Кенгаши давлатнинг расмий номи Россия Федерацияси (Россия) деб аталишини тасдиқлади.

**1991 йил 29 декабрь** – Ислом Абдуғаниевич Каримов 5 йил муддатга Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1991 йил** – Совет Иттифоқи парчаланиши арафасида Ўрта Осиё республикалари ўрнида бешта мустақил давлат: Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистон пайдо бўлди. Улар жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинди ва 1992 йил март ойида БМТ сафига қабул қилинди.

**1991 йил** – Мисрда ислом фундаменталистларининг уч гуруҳи–Ислом гуруҳи, Ислом жиҳоди ва Мусулмон биродарлари мавжуд бўлди. Мисрда террорчилик фаоллашди. Улар Миср президенти Ҳусни Мубораккa бир неча бор суиқасд қилишди.

**1991 йил** – Югославия Социалистик Федератив Республикаси (ЮСФР) парчаланиб кетди. Словения, Хорватия, Босния ва Герцеговина, Македония федерация таркибидан чиқиб кетди ва мустақил давлатларга айланди. Сербия билан Черногория 1992 йили Югославия Иттифоқ Республикасини туздилар.

**1991 йил** – Ҳиндистонда Бош вазир Нарасимха Рао ҳукумати мамлакатда туб ўзгаришларни амалга оширди.

**1991 йил** – Жанубий Африка Республикасида Нельсон Мандела қамоқдан озод қилинди, у Африка Миллий Конгресси (АМК) президенти этиб сайланди.

**1991 йил** – Эфиопия (Мариам Хайле Менгисту) ва Сомали (Муҳаммад Сиад Баре)да режимлар ағдарилди. Сомалида фуқаролар уруши бошланди.

**1991 йил** – Намибия умумхалқ сайловларида СВАПО ғалабаси. Намибияда мустақиллик эълон қилинди.

**1991 йил** – стратегик қуролланишни қисқартириш тўғрисидаги совет-америка шартномаси Жорж Буш ва Михаил Сергеевич Горбачёв томонидан имзоланди.

**1991 йил** – Ливанда давлат ҳокимияти қайта тикланди (Сурия таъсирида).

**1991 йил** – Маршалл ороллари мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Маршалл ороллари президентлари:* Амата Кабуа (1979–1996), Кунио Лемари (1996–1997), Имата Кабуа



www.ziyouz.com kutubxonasi

(1997–2000), Кесаи Ноте (2000–2008), Литоква Томеинг (2008–2009), Рубен Закхрас (2009 йил 21–26 октябрь), Джуреланг Зедкайя (2009 йил 26 октябрдан).

**1991 йил** – Адигей АССРнинг номи ўзгариб, Адигея Республикаси (Россия Федерацияси Краснодар ўлкаси таркибида) деб атала бошланди. (1995 йил мартда Адигея конституцияси қабул қилинди.)

*Адигея Республикаси президентлари:* Аслан Алиевич Жаримов (1992–2002), Ҳазрат Мажидович Совмен (2002–2007), Асланчерий Китович Тхакушинов (2007 йилдан).

**1991 йил** – Чечен-Ингушия АССР Чечен-Ингушия Республикаси деб номланди.

**1991–1992 йиллар** – Румминияда ислоҳотлар ўтказилди, давлат мулкчилиги тугатилди.

**1991–1998 йиллар** – Заир (Конго)да фуқаролар уруши.

**1992 йил 2 январь** – Россия Федерацияси Президенти Борис Николаевич Ельцин баҳоларни либераллаштириш тўғрисида қонун чиқарди.

**1992 йил январь** – Россия Федерациясида маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш мақсадини кўзловчи иқтисодий ислоҳот бошланганлиги эълон қилинди.

**1992 йил 6 январь** – Тоғли Қорабоғ Республикаси ўз «мустақиллиги»ни эълон қилди. Аслини олганда республикада яшовчи арманлар Арманистон давлати ёрдамида бу ҳудуднинг туб аҳолиси бўлган озарбайжонларни у ердан ҳайдаб чиқариб, ўзлари ҳокимиятни эгаллаб олишди.

*Тоғли Қорабоғ Республикаси президентлари:* Роберт Кочарян (1994–1997), Аркадий Гукасян (1993–2007), Бако Саакян (2007 йил 19 июлдан).

*Тоғли Қорабоғ Олий Совети раислари:* Артур Мкртчян (1992 йил январь–апрель), Георгий Петросян (1992–1993), Карен Бабурян (1993–1994).

*Тоғли Қорабоғ Республикаси премьер-министрлари:* Олег Есаян (1992–1994), Роберт Кочарян (1994 йил ав-



www.ziyouz.com kutubxonasi

густ–декабрь), Леонард Петросян (1994–1998), Жирейр Погосян (1998–1999), Анушавал Даниелян (1999–2007), Араик Арутюнян (2007 йил 14 сентябрдан).

**1992 йил 9 январь** – Қорақалпоғистон Республикасининг Ўзбекистон Республикаси таркибида суверен республика бўлиши қонун йўли билан мустаҳкамланди.

*Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раислари:* Уббинияз Аширбеков (1992–1997), Тимур Камолович Камолов (1997–2002), Муса Тажетдинович Ерниязов (2002 йил 3 майдан).

*Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раислари:* Ражапбой Юлдашев (1992–1995), Баҳром Жуманиязов (1995), Сапарбай Авезматов (1995–1998), Амин Тожиев (1998–2002), Турсунбой Тлеубаевич Тангибергенов (2002–2006), Баҳодир Янгибоев (2006 йилдан).

**1992 йил 13 январь** – Тошкентда Республика байналмилал маданият маркази ташкил қилинди.

**1992 йил 13 январь** – Монголиянинг амалдаги конституцияси қабул қилинди.

**1992 йил 30 январь** – Ўзбекистон Республикаси Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотига қабул қилинди.

**1992 йил январь** – Қорачой-Черкасия автоном вилояти Қорачой-Черкасия Республикаси (Россия Федерацияси таркибида) деб атала бошланди.

*Қорачой-Черкасия Республикаси президентлари:* Владимир Исламович Хубиев (1992–1999), Владимир Магомедович Семёнов (1999–2003), Мустафа Азрет-Алиевич Батдиев (2003–2008), Борис Сафарович Эбзеев (2008 йилдан).

**1992 йил 1 февраль** – Россия Федерацияси ва АҚШ «совуқ уруш» ҳолатини тўхтатиш ҳақидаги Декларацияни қабул қилди.

**1992 йил 4 февраль** – Венесуэлада Уго Чавес бошчилигидаги ҳарбий исён муваффақиятсизликка учради.

**1992 йил 7 февраль** – Европада самарали иқтисодий ва сиёсий иттифоқ ташкил қилиш тўғрисида Маастрихт



www.ziyouz.com kutubxonasi

(Нидерландия) шартномаси имзоланди. Унга кўра Европа Ҳамжамияти Европа Иттифоқига айлантирилди.

**1992 йил 12 февраль** – Монголияда янги конституция қабул қилинди ва унга кўра мамлакатда кўп укладли иқтисод, хусусий мулкчилик ва кўппартиялилик эълон қилинди.

**1992 йил февраль** – Хакасия ССРнинг номи ўзгарди ва Хакасия Республикаси (Россия Федерацияси таркибида) ташкил қилинди.

*Хакасия Республикаси Ҳукумати раислари:* Евгений Александрович Смирнов (1992–1997), Алексей Иванович Лебедь (1997–2009), Виктор Михайлович Зимин (2009 йил 15 январдан).

**1992 йил 2 март** – Ўзбекистон Республикаси Бирлашган Миллатлар Ташкилоти (БМТ)га қабул қилинди.

**1992 йил 2 март** – Боснияда фуқаролар уруши бошланди.

**1992 йил 12 март** – Маврикия мустақил республика деб эълон қилинди.

*Маврикия Республикаси президентлари:* Вирасами Рингаду (1992 йил март–июнь), Кассем Утим (1992–2002), Ангиди Четтьяр (2002 йил 15–18 февраль), Ариранга Пиллай (2002 йил 18–25 февраль), Карл Оффман (2002–2003), Рауф Бундхун (2003 йил 1–7 октябрь), Анируд Жагнот (2003 йил 7 октябрдан).

**1992 йил апрель** – мамлакат парламенти Босния ва Герцеговинани мустақил деб эълон қилди.

**1992 йил апрель** – Сербия ва Черногория бирлашиб, Югославия Федератив [Иттифоқ] Республикасини тузди.

**1992 йил апрель** – Афғонистонда Нажибулло ҳокимияти ағдарилди (Совет давлати унга ёрдам бериб турган эди). Исломий кучлар ҳокимиятни қўлга олди. Мамлакат шу йилдан Афғонистон Ислом Давлати деб атала бошлади.

**1992 йил апрель–1993 йил март** – Францияда Пьер Береговуанинг премьер-министрлик даври.

**1992 йил май** – Тоғли Олтой автоном республикаси Олтой Республикаси (Россия Федерацияси таркибида) деб атала бошланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Олтой Республикаси бошлиқлари:* Валерий Чаптинов (1991–1997), Владилен Волков (1997–1998), Семён Зубакин (1998–2002), Михаил Лапшин (2002–2006), Александр Бердников (2006 йилдан).

**1992 йил 15 июнь** – Егор Тимурович Гайдар Россия ҳукумати премьер-министри вазифасини бажарувчи этиб тайинланди.

**1992 йил 17 июнь** – Словакия Республикасининг суверенитети тўғрисида Декларация қабул қилинди (1992 йил 1 сентябрда Словакиянинг конституцияси қабул қилинди).

**1992 йил июль** – Абхазия АССР ўрнига Абхазия Республикаси ташкил топди (Грузия Республикаси таркибида).

*Абхазия Республикаси президентлари:* Владислав Григорьевич Ардзинба (1994–2005), Сергей Васильевич Багапш (2005 йил 12 февралдан).

*Абхазия Республикаси вице-президентлари:* Валерий Шалвович Аршба (1995–2005), Рауль Жумкович Хажимба (2005–2009), Александр Золотинский Анкваб (2010 йилдан).

*Абхазия Республикаси премьер-министрлари:* Геннадий Леонидович Гагулия (1994–1997), Сергей Васильевич Багапш (1997–1999), Вячеслав Михайлович Цугба (1999 йил 20 декабрдан).

**1992 йил 25 август** – қирғизларнинг Бутунжаҳон биринчи съезди бўлди.

**1992 йил 28 сентябрь** – Алматида Бутундунё қозоқларининг I қурултойи ўтказилди.

**1992 йил 2 ноябрь** – Хўжандда бўлган сессияда Эмомали Раҳмонов Тожикистон Республикаси Олий Кенгаши раиси қилиб сайланди.

**1992 йил 1–15 декабрь** – Россия Федерацияси халқ депутатларининг VII съезди. Виктор Степанович Черномирдин Россия ҳукумати премьер-министри қилиб тайинланди.

**1992 йил 8 декабрь** – Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1992 йил декабрь** – Чечен-Ингушия Республикаси ўрнида Россия Федерацияси таркибида Ингушия Республикаси ва Чеченистон Республикаси тузилди.

*Ингушия Республикаси президентлари:* Руслан Султанович Аушев (1992–2002), Мурат Магометович Зязиков (2002–2008), Юнусбек Баматгиреевич Евкуров (2008 йилдан).

*Чеченистон Республикаси президентлари:* Жавҳар Дудаев (1992–1996), Аслан Масхадов (1997–2000/2003); Ахмат Қодиров (2000/2003–2004), Сергей Абрамов (2004; в.б.), Алу Алханов (2004–2007), Рамзан Қодиров (2007 йилдан) ва бошқалар.

**1992 йил** – Чеченистонда президент лавозими таъсис этилди ва генерал Жавҳар Дудаев Чеченистон Республикасининг биринчи президенти этиб сайланди.

**1992 йил** – Афғонистонда коммунистик режим тугади. Бироқ ҳукумат ва ислом кучлари ўртасидаги уруш давом этди ва тобора кучайди.

**1992 йил** – Албания коммунизмни рад қилди.

**1992 йил** – ЖАРда мустамлакачилик тузуми энг узоқ сақланиб қолди.

**1992 йил** – Россия, Арманистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркманистон, Ўзбекистон ва Қирғизистон давлатлари Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги Шартномани имзолади.

**1992 йил** – Сальвадорда фуқаролар уруши тугади (1980 йилда бошланган эди).

**1992 йил** – Сали Беришу Албания президенти этиб сайланди.

**1992 йил** – Афғонистонда Бурҳониддин Раббоний президент этиб сайланди, у янги конституцияни қабул қилиш учун Таъсис мажлисини чақиришга даъват этди. Бурҳониддин Раббоний Афғонистон ислом жамиятининг раҳбари бўлди.

**1992 йил** – собиқ Югославияда Босния ва Герцеговина мустақиллик эълон қилгач, уруш бошланди. Бир-бирига қарама-қарши турган «миллатчилик» руҳидаги учта куч: Босния серблари (Сербия қувватлаб турди), хорватлар ва



www.ziyouz.com kutubxonasi

мусулмонлар ўзаро урушди. Серблар ғалаба қилиб, «этник тозалаш» фикрини илгари сурди. Сараево қамал қилинди. Югославия Федератив (Иттифоқ) Республикаси ташкил топиб (апрель), у Сербия ва Черногорияни бирлаштирди.

**1992 йил** – БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзоси сифатида СССР ўрнини Россия эгаллади.

**1992 йил кузи** – Тожикистон халқ фронти (Сафарали Кенжаев, Сангак Сафаров, Р.Абдураҳимов) мамлакатдаги оппозицияга қарши курашни кучайтирди.

**1992–1997 йиллар** – Тожикистонда фуқаролар уруши.

**1993 йил 1 январь** – Чехославакия икки давлатга: Чехия Республикаси (президент Вацлав Гавел) ва Словакия Республикасига (президент Михал Ковач) ажралди.

**1993 йил 1 январь** – Чехия Республикаси ташкил топди.

*Чехия Республикаси президентлари:* Вацлав Гавел (1993 – 2003), Вацлав Клаус (2003 йилдан).

*Чехия Республикаси премьер-министрлари:* Вацлав Клаус (1993–1997), Йозеф Тошовский (1997–1998), Милош Земан (1998–2002), Владимир Шпидла (2002–2004), Станислав Гросс (2004–2005), Иржи Пароубек (2005–2006), Мирек Тополанек ( 2006–2009), Ян Фишер (2009 йилдан).

**1993 йил 1 январь** – Словакия Республикаси ташкил топди.

*Словакия Республикаси президентлари:* Михал Ковач (1993–1998), Рудольф Шустер (1999–2004), Иван Гашпарович (2004 йилдан).

*Словакия Республикаси премьер-министрлари:* Владимир Мечьяр (1993–1994; 1994–1998), Йозеф Моравчик (1994 йил март–декабрь), Микулаш Дзуринда (1998– 2006), Роберт Фицо (2006–2010), Ивета Радичова (2010 йил 8 июлдан).

**1993 йил 1 январь ва 1 ноябрь** – Европа Иқтисодий Ҳамжамияти давлатларининг ягона бозор ҳақида келишуви ва Маастрихт шартномаси кучга кирди.

**1993 йил январь** – стратегик куролларни чеклаш тўғрисида америка-россия шартномаси Жорж Буш ва Борис Николаевич Ельцин томонидан имзоланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1993 йил 14 март** – Андорра мустақил давлат деб эълон қилинди.

*Андорра князлиги князи:* Жоан Энрик Вивес Сисилиа (2003 йил 12 майдан).

*Андорра князлиги премьер-министрлари:* Оскар Рибас Реч (1982–1984), Жозеп Пинтат-Соланс (1984–1990), Оскар Рибас Реч (1990–1994), Марк Форне Мольне (1994–2005), Альберт Пинтат Сантолария (2005–2009), Жауме Бартумеу Кассани (2009 йил 5 июндан).

**1993 йил март–1995 йил май** – Эдуар Балладур Франция премьер-министри бўлиб, ўнг ҳукумат тузди.

**1993 йил март охири** – Россия Федерацияси халқ депутатларининг IX съездида президент Борис Николаевич Ельцинни вазифасидан четлаштиришга ҳаракат қилинди.

**1993 йил 25 апрель** – Россияда президентга ишонч ҳақида умумхалқ референдуми ўтказилди, кўпчилик овоз билан президент Борис Николаевич Ельцинга ишонч билдирилди.

**1993 йил 24 май** – Эритрея Давлати ўз мустақиллигини эълон қилди.

*Эритрея Давлати президенти:* Исайяс Афеворк (1993 йил 24 майдан).

**1993 йил май** – президент Турғут Ўзал вафот этгач, Бош вазир Сулаймон Демирел Туркия Республикаси президенти этиб сайланди. Танси Чиллер Туркия Бош вазири қилиб сайланди.

**1993 йил август** – Италияда янги сайлов тизими ҳақидаги қонун қабул қилинди.

**1993 йил 13 сентябрь** – Вашингтонда президент Билл Клинтон ёрдами асосида Фаластин президенти Ёсир Арафот ва Исроил Бош вазири Исҳоқ Рабин (1928–1995) ўртасида ўзаро битим (Тамойиллар декларацияси) имзоланди. Унга кўра Исроил қўшинларининг Ғазо ва Иерихон минтақасидан олиб чиқиб кетилиши ҳамда у ерда Фаластин миллий маъмуриятини ташкил этиш кўзда тутилган эди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1993 йил 21 сентябрь** – Камбоджада янги конституция қабул қилиниб, монархия тикланди.

*Камбоджа Қироллиги қироллари:* Нородом Сианук (1993–2004), Нородом Сиамони (2004 йил 10 октябрдан).

**1993 йил 21 сентябрь** – Борис Николаевич Ельцин Россия Федерацияси Олий Советини тарқатиб юборди ва янги сайловларни тайёрлади. Бунга жавобан парламент уни ишдан олинган деб эълон қилди. Президентга қарши кучлар вице-президент Александр Владимирович Руцкой ва Олий Совет раиси Руслан Имранович Хасбулатов бошчилигида Оқ уй биносида жамланди ва баррикада тўсиқларини қўйди. Улар умумхалқ қўзғолони ва фуқаролар урушидан умид қилишган эди.

**1993 йил 23 сентябрь** – Россия Федерацияси халқ депутатларининг X съезди.

**1993 йил 3–4 октябрь** – Москва (Оқ уй)да қуролли тўқнашувлар. Президент ва парламент ўртасида қонли тўқнашувлар юз берди. Россия президенти Борис Николаевич Ельцин фармойиши билан Оқ уйни забт этишга киришилди. Депутатлар таслим бўлди. Бу воқеалар чоғида 140 га яқин киши ҳалок бўлди.

**1993 йил 16 октябрь** – Судан Республикасида илк марта президентлик сайловлари бўлиб ўтди.

*Судан Республикаси президенти:* Умар Ҳасан Аҳмад ал-Башир (1993 йил 16 октябрдан).

**1993 йил 12 декабрь** – Россия Федерацияси Конституцияси лойиҳаси асосида референдум ўтказилди; Давлат Думасига депутатлар сайланди. Россия Федерацияси Конституцияси қабул қилинди.

**1993 йил** – Чили президенти этиб Демократия учун коалиция вакили Эдуарде Фрей сайланди.

**1993 йил** – Рим прокуратураси томонидан мафиянинг олий давлат арбоблари билан алоқасини аниқлаш бўйича «Тоза қўллар» операцияси ўтказилганда, «кўринмас ҳокимият» раҳбари Италия премьер-министри ва сенатор Жулио Андреоттининг ўзи эканлиги маълум бўлди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1993 йил** – Жанубий Кореяда демократик партия йўлбошчиси либерал Ким Ян Сам президент этиб сайланди.

**1993 йил** – Покистонда Беназир Бхутто яна ҳукуматни бошқарди.

**1993 йил** – Хитойда партия раҳбари Цзян Цзэминь (1989 йилдан) давлат бошқарувини ҳам қўлга олиб, партия ва давлат бошқарувини бирлаштирди. У Хитой Халқ Республикаси раиси лавозимини эгаллади.

**1993 йил** – Нельсон Мандела ва Фредерик Виллем де Клеркка (Жанубий Африка Республикаси) тинчлик ўрнатиш борасидаги хизматлари учун Нобель мукофоти берилди.

**1993 йил** – Грузия (Эдуард Шеварднадзе) Россия қўшинлари ёрдамида Абхазиянинг ажралиб чиқишига йўл қўймади. Грузия МДҲга қўшилди. Шу йили МДҲ Низоми қабул қилинди, у давлатларнинг бирғаликдаги фаолияти соҳаларини кўзда тутди.

**1993–2001 йиллар** – АҚШда демократлардан Билл Клинтоннинг президентлик даври.

**1994 йил январь** – Россияда Давлат Думасининг фаолияти бошланди (раис Иван Петрович Рибкин ва Федерация Совети раиси Владимир Филиппович Шумейко).

**1994 йил 26 апрель** – Жанубий Африкада ирқий камситишларсиз дастлабки сайлов бўлди. Унда Нельсон Мандела бошчилигидаги Африка Миллий Конгресси (АМК) ғолиб чиқди ва Нельсон Мандела Жанубий Африка Республикаси президенти этиб сайланди.

**1994 йил апрель** – Руандада генерал Жювеналь Хабьяримон (у 1973 йилдан ҳокимият тепасида турган) вафот этганлиғи эълон қилинди. Мамлакатда тутси ва хуту халқлари ўртасида фуқаролар уруши бошланиб, унда тутси халқи ғолиб чиқди.

**1994 йил апрель – декабрь** – Италияда Сильвио Берлускони бошчилигида ўнг коалицион ҳукумат тузилди.

**1994 йил май** – Исроил қўшинлари Иерихон (Иорданиянинг ғарбий қирғоғи) ва Ғазо минтақасидан олиб чиқиб



www.ziyouz.com kutubxonasi

кетилди. Фаластин Озодлик Ташкилоти (ФОТ) ва Исроил ярашуви учун биринчи қадамлар қўйилди.

**1994 йил 21 июль** – ёзувчи Александр Исаевич Солженицин Россияга қайтди.

**1994 йил 25 июль** – Вашингтонда Иордания ва Исроил урушининг тугаганлиги тўғрисида Декларация имзоланди.

**1994 йил июль** – Россия Федерацияси воситачилигида Арманистон ва Озарбайжон ўртасида ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш тўғрисида келишувга эришилди.

**1994 йил июль** – Корея Меҳнат партияси МК Бош котиби (1966 йилдан), КХДР президенти (1972 йилдан) Ким Ир Сен вафот этди. У мамлакатни Иккинчи жаҳон урушидан кейин қарийб 50 йил бошқарди. Шимолий Корея президенти лавозимини унинг ўғли Ким Чен Ир эгаллади.

**1994 йил 31 август** – Ғарбий Германиядан Россия қўшинлари контингенти чиқарилди.

**1994 йил 2–13 сентябрь** – Қирғизистонда парламент инқирози ва Олий Кенгашнинг ўз-ўзини тарқатиши.

**1994 йил 1 октябрь** – Палау Республикаси АҚШ билан «эркин уюшма» доирасида мустақилликка эга бўлди.

**1994 йил октябрь** – Фаластин Озодлик Ташкилоти ва Исроил раҳбарларининг Яқин Шарқ муаммосини ҳал этишдаги хизмати тан олиниб, Ёсир Арафот, Шимон Перес ва Исҳоқ Рабинга тинчлик ўрнатишдаги хизматлари учун Нобель мукофоти берилди.

**1994 йил октябрь** – Иордания ва Исроил ўртасида тинчлик шартномаси имзоланди ва ушбу давлатлар орасида 46 йил давом этган урушга чек қўйилди.

**1994 йил 6 ноябрь** – Эмомали Шарипович Раҳмонов Тожикистон Республикаси президенти этиб сайланди.

**1994 йил ноябрь** – Афгонистон сиёсий майдонида янги куч–толибонлар ҳаракати (толиблар) пайдо бўлди. Уларнинг дастури Афғонистонда бир-бирига душман гуруҳларни қуролсизлантириш ва тугатиш ҳамда изчил ислом ҳукмронлигини ўрнатишни кўзда тутди. Улар Покистонда ҳарбий тайёргарликни ўтаб, энг замонавий



www.ziyouz.com kutubxonasi

қурол-яроққа эга бўлди. Толиблар раҳбари Мулла Умар изчил исмоилийлик ва ваҳҳобийлик вакили бўлди. Унинг ҳарбий маслаҳатчиси Саудия Арабистонида туғилган халқаро террорчи Усома бин Лоден эди. Толибонларни АҚШ, Покистон каби давлатлар моддий жиҳатдан қувватлаб турди.

**1994 йил 10 декабрь** – Россия федерал қўшинлари Чеченистонга киритилди.

**1994 йил 31 декабрь** – федерал қўшинлар томонидан Грозныйни штурм қилиш барбод бўлди.

**1994 йил** – Беларусь Республикасида бўлган президентлик сайловларида Александр Георгиевич Лукашенко мазкур давлатнинг биринчи президенти этиб сайланди.

**1994 йил** – Россияда ўз мустақиллигини талаб қилган Чеченистонга қарши уруш бошланди. Бу уруш «чечен экстремист-сепаратистларга қарши уруш» деб ниқобланди.

**1994–1996 йиллар** – Россия қўшини Чеченистонда «конституциявий тартибни ўрнатиш бўйича» ҳарбий ҳаракатлар олиб борди.

**1995 йил 1 январь** – Швеция, Финляндия ва Австрия Европа Иттифоқига қўшилди. Иттифоққа аъзо давлатлар сони 15 тага етди. Шенгень шартномаси ҳаётга жорий этилди (март).

**1995 йил 5 февраль** – Қирғизистонда икки палатали Олий Кенгаш сайланди.

**1995 йил 1 март** – Қозоғистон халқлари Ассамблеяси тузилди.

**1995 йил май** – Жак Ширак Франция Республикаси президенти этиб сайланди, Лионель Жюппе премьер-министр этиб тайинланди.

**1995 йил июль–август** – Чеченистонда ҳарбий ҳаракатлар тўхтатилди.

**1995 йил 25–31 август** – Қирғизистонда «Манас» эпосининг 1000 йиллиги нишонланди.

**1995 йил август** – Эфиопия давлати Эфиопия Федератив Демократик Республикаси деб номланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1995 йил 15–16 сентябрь** – Тошкентда Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича Халқаро семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда БМТ, ЕХҲК, Ислом конференцияси ташкилоти, БМТ Хавфсизлик Кенгашида иштирок этувчи мамлакатлар, МДҲга аъзо бўлган мамлакатлар делегациялари, Марказий Осиё давлатлари ва уларга қўшни бўлган давлатлар вакиллари иштирок этди.

**1995 йил 4 ноябрь** – Тель-Авив (Исроил)да премьер-министр Исҳоқ Рабин яҳудий экстремисти томонидан ўлдирилди ва унинг ўрнини Шимон Перес эгаллади. Бу ҳол Фаластин билан тинч муносабатлар жараёнига таҳдид солиш билан тенг эди.

**1995 йил 21 ноябрь** – Босния ва Герцеговина, Югославия ва Хорватия вакиллари Босния можаросини тартибга солиш бўйича шартнома имзолади.

**1995 йил ноябрь** – Дейтон (АҚШ)да бўлиб ўтган музокараларда Босния ва Герцеговина ҳақида шартнома тузилди; мамлакат ҳудудида халқаро ҳуқуқдаги иккита субъект: Мусулмон–Хорват федерацияси ва Серб Республикаси ташкил этилди.

**1995 йил 14 декабрь** – 2-чақириқ Россия Давлат Думасига сайловлар бўлди.

**1995 йил декабрь** – Босния ва Герцеговина Республикасининг конституцияси кучга кирди. Конституцияга кўра, давлат бошлиғи Босния ва Герцеговина Президуми раиси. Давлат икки тузилма: Босния ва Герцеговина Федерацияси ҳамда Серб Республикасидан иборат.

*Босния ва Герцеговина Республикаси Президуми аъзолари:* Алия Изатбегович (боснияли), Момчило Краишник (сербиялик), Крешимир Зубак (хорват) [1996–1998]; Алия Изатбегович (боснияли) (1998–2000), Халид Геньяч (боснияли) (2000–2001), Бериз Белкич (боснияли) (2001–2002), Живко Радишич (сербиялик), Анте Йелавич (хорват) (1998–2001), Йозо Крижанович (хорват) (2001–2002); Драган Чович (хорват), Мирко Шарович (сербиялик) [ 2002–2003], Сулейман Тихич (босния-



www.ziyouz.com kutubxonasi

лик), Борислав Паравац (2003–2006), Иво Миро Йовичем (2003–2006); Желько Комшич (хорват), Небойша Радманович (сербиялик), Харис Силайджич (босниялик) [2006 йил октябрдан].

*Босния ва Герцеговина Республикаси премьер-министрлари:* Юре Пеливан (1990–1992), Миле Акмаджич (1992–1993), Харис Силайджич (1993–1996), Хасан Муратович (1996–1997); Харис Силайджич ва Боро Бошич (1997–1999), Харис Силайджич ва Светозар Михайлович (1999–2000). *Министрлар Советининг раислари (2000 йилдан):* Спасое Тушевляк (2000 йил 6 июнь –18 октябрь), Мартин Рагуз (2000–2001), Божидар Матич (2001 йил 22 февраль–18 июль), Златко Лагумжия (2001–2002), Драган Микеревич (2002 йил 15 март–23 декабрь), Аднан Терзич (2002–2007), Никола Шпирич (2007 йил 11 январдан).

**1995 йил** – Туркияда сайловлар бўлиб, ҳукумат тепасига Нажмедтин Эрбақон келди.

**1995 йил** – Польшада Лех Валенса ўрнига Александр Квасьневский давлат бошлиғи бўлди.

**1996 йил январь** – 2-чақириқ Россия Давлат Думаси фаолияти бошланди (раис Геннадий Николаевич Селезнёв ва Федерация Совети раиси Егор Семёнович Строев).

**1996 йил февраль** – Россия Европа Иттифоқига кирди.

**1996 йил 2 апрель** – Москвада икки мамлакат Ҳамжамиятини тузиш ҳақида Россия–Беларусь шартномаси имзоланди.

**1996 йил 20–26 апрель** – ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида «Темурийлар даврида фан, маданият ва маорифнинг гуллаб-яшнаши» мавзуида илмий конференция ва кўргазма бўлиб ўтди.

**1996 йил апрель** – Италияда Романьо Проди бошчилигида ҳукумат тузилди. Сўл кучлар коалицияси қонунчилик органлари учун сайловларда ғалаба қозонди.

**1996 йил май** – Ҳиндистон Миллий Конгресси партияси Ҳиндистонда қонун чиқарувчи органларга бўлган сайловларда индуистлар (ҳинд миллатчилари)га ютқазиб



www.ziyouz.com kutubxonasi

қўйди. Бу пайтда Ҳиндистонда жанговар индуизм миллатчилиги фаоллашди.

**1996 йил июнь** – Исроилда Биньямин Нетаньяху (Ликуд партияси) премьер-министр этиб сайланди.

**1996 йил 3 июль** – Борис Николаевич Ельцин Россияда бўлган президент сайловларининг 2-турида ғалаба қозонди. Россияликлар нафақат Борис Николаевич Ельцин учун, балки коммунистларга қарши ва ўтмишга қайтмаслик учун ҳам овоз беришди.

**1996 йил 8 август** – Гамбия Республикасининг амалдаги конституцияси қабул қилинди.

**1996 йил август** – Грознийда шафқатсиз жанглар. Жангарилар Россия федерал кучларини қамал қилди.

**1996 йил 27 сентябрь** – толиблар Кобулни эгаллаб, президент Бурҳониддин Раббоний ва Гулбиддин Ҳикматёр ҳукуматини ағдариб ташлади. Афғонистоннинг собиқ президенти Муҳаммад Нажибулло суд қилинмай қатл этилди. Ваҳҳобийлик тамойилларига мувофиқ аёлларга ўқиш ва ишлаш ман этилди. Уларга кўчада очиқ юз билан юриш тақиқланди. Дунёвий мактаблар ёпилди, ҳамманинг намоз ўқиши мажбурий қилиб қўйилди. Кобулда зўравонлик одатий тусга кирди.

**1996 йил 10 октябрь** – Афғонистон шимолида ҳарбий раҳбарлар – Абду Рашид Дўстум (ўзбек), Аҳмад Шоҳ Масъуд (тожик), Муҳаммад Карим Халилий ҳарбий иттифоқ ҳақида битим имзоладилар ва толибларга қарши коалиция тузилди. Улар Олий Мудофаа кенгаши ташкил қилишди. Унинг қароргоҳи Мозори Шарифда жойлашди.

**1996 йил 21 октябрь** – Тошкент шаҳрида Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Туркманистон, Туркия ҳамда Ўзбекистон раҳбарларининғ учрашуви бўлиб ўтди ва унда Тошкент Декларацияси имзоланди.

**1996 йил 23–26 октябрь** – Тошкент шаҳрида «Амир Темур ва унинг жаҳон тарихидаги ўрни» мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.

**1996 йил** – Машҳад (Эрон) ва Сарахс (Туркманистон)



www.ziyouz.com kutubxonasi

ўртасида темир йўл қурилиши тугалланди. Бу йўл Ўрта Осиё республикалари–Туркманистон, Ўзбекистан, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистон республикаларини Форс кўлтиғига олиб чиқди.

**1996 йил** – Испанияда «Халқ альянси» партиясининг сайловдаги ғалабаси, ҳукумат раҳбари қилиб Хосе Мария Аснар сайланди. У Бош вазир Фелипе Гонсалес Маркес ўрнини эгаллади.

**1996 йил** – Руминия президенти этиб либерал партия йўлбошчиси И. Константинеску сайланди.

**1997 йил январь** – Аслан Масхадов Чеченистон Республикаси президенти этиб сайланди.

**1997 йил январь** – Сеул (Корея)да касаба уюшмалар чақириғи билан 15 минг ишчи иш ташлаш эълон қилди.

**1997 йил 3 февраль** – Навоз Шариф етакчилигидаги Покистон мусулмон лигаси ҳокимият тепасига келди.

**1997 йил март** – Албания жанубида социалистлар раҳбарлигида қўзғолон кўтарилди. Давлат раҳбари Беришу чет элга кочиб, ҳокимият тепасига Фато Нано бошчилигидаги социалистлар келди.

**1997 йил 2 апрель** – Россия ва Беларусь ўртасида иттифоқ шартномаси имзоланди.

**1997 йил 12 май** – Россия Федерацияси ва Чеченистон ўртасида тинчлик шартномаси тузилди.

**1997 йил 1 июль** – Хитойнинг махсус ҳудуди сифатида Гонконг [Сянган] Хитой давлати таркибига қайта қўшилди. Бугунги кунда Гонконг Хитой таркибидаги махсус маъмурий район ҳисобланади.

*Гонконг ҳукумати бошлиқлари:* Дун Цзяньхуа (1997–2005), Дональд Цанг (2005 йил 25 июндан).

**1997 йил июль** – Мьянма Иттифоқи (Бирма 1989 йили шу номни олган) АСЕАН аъзолигига қабул қилинди.

**1997 йил август** – Эронда янги президент сайловлари бўлиб ўтди. Унда 54 ёшли руҳонийлар йўлбошчиси Муҳаммад Ҳотамий ғалаба қозонди, у шиа руҳониятининг янги авлоди вакили сифатида майдонга чиқди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1997 йил 18–19 октябрь** – Бухоро шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига бағишланган тантанали маросим ўтказилди. «Инсониятнинг илмий ва маданий мероси–учинчи минг йилликка» мавзуида халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

**1997 йил 20 октябрь** – Хива шаҳрининг 2500 йиллик юбилейига бағишланган тантанали маросим ўтказилди.

**1997 йил декабрь** – Ким Де Чжун Жанубий Корея президенти бўлди.

**1997 йил** – Таиландда молиявий танглик юзага келди.

**1997 йил** – Чилида Пиночет умрбод сенатор этиб тайинланди.

**1998 йил 23 март** – Россия Федерацияси ҳукумати раиси Виктор Степанович Черномирдин истеъфога чиқди.

**1998 йил 26 апрель** – Давлат Думаси Сергей Владиленович Кириенкони Россия Федерацияси ҳукумати бошлиғи лавозимига тасдиқлади.

**1998 йил 10 июнь** – Остона (аввалги Оқмўла) шаҳри Қозоғистоннинг янги пойтахти деб эълон қилинди.

**1998 йил июнь** – Индонезияда талабалар намойишидан бошланган норозилик тўлқини президент Сухартонинг истеъфога чиқишига олиб келди.

**1998 йил 23 август** – Сергей Владиленович Кириенко бошчилигидаги ҳукумат истеъфога чиқди, Россия ҳукумати бошлиғи вазифасини бажарувчи этиб Виктор Степанович Черномирдин тайинланди.

**1998 йил 11 сентябрь** – Россия Давлат Думаси ҳукумат бошлиғи этиб Евгений Максимович Примаковни тасдиқлади.

**1998 йил 27 сентябрь** – Герхард Шрёдер Германия канцлери этиб сайланди.

**1998 йил ноябрь** – Индонезиянинг учинчи президенти этиб Бахарутдин Ҳабибий сайланди. Бу даврда мамлакатда сиёсий ва ижтимоий беқарорлик юз берди.

**1998 йил** – Венесуэлада парлемент сайловларида ватанпарварлар блоки ғалаба қилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1998 йил** – ГУАМ шартномаси имзоланди. У Грузия, Украина, Озарбайжон, Молдова ўртасида транспорт ҳамкорлиги интеграциявий жараёнларини амалга оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйди.

**1998 йил** – Венгрия ва Чехия НАТОга аъзо бўлиб кирди.

**1999 йил** – Болгария НАТОнинг Югославияга қарши ҳарбий ҳаракатини қўллаб-қувватлади. Болгария ҳукумати НАТОга киришга тайёр эканлигини билдирди.

**1999 йил март** – Ғарб давлатлари Косово ҳудудида тинчлик ўрнатиш учун у ерга НАТО қўшинларини олиб киришни талаб қилиб чиқди. Югославия президенти Слобадан Милошевич бунга рози бўлмади ва натижада НАТО Сербияга қарши йирик ҳарбий-ҳаво операцияларини бошлаб юборди.

**1999 йил март** – Россия Давлат Думасида яна импичмент ҳақидаги масала қўйилди ва президент Борис Николаевич Ельцин қонунчилик йўли билан ҳокимиятдан четлаштиришдан қутулишга муваффақ бўлди.

**1999 йил апрель–май** – Ҳиндистон ва Покистонда ядро қуроли синови ўтказилди.

**1999 йил 1–2 май** – Тошкентда кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати бўлиб ўтди. Унда жаҳоннинг 48 та мамлакатидан спортчилар қатнашди. Бухоролик Акобир Қурбонов, Камол Муродов ва бошқа ўзбек курашчилари дастлабки жаҳон чемпионлари бўлишди.

**1999 йил 12 май** – Россия Федерацияси ҳукумати раиси Евгений Максимович Примаков истеъфога чиқди.

**1999 йил 19 май–14 август** – Сергей Вадимович Степашин Россия Федерацияси ҳукумати раиси этиб тайинланди.

**1999 йил 19–20 июль** – Тошкентда Афғонистон муаммосини ҳал этиш бўйича «6+2» гуруҳининг БМТ ҳомийлигидаги учрашуви бўлиб ўтди. Унда тарихий Тошкент Декларацияси қабул қилинди.

**1999 йил 28 август** – Владимир Владимирович Путин Россия Федерацияси ҳукумати раиси этиб тайинланди.

**1999 йил сентябрь** – Косово ҳудудига НАТО қўшини киритилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**1999 йил октябрь** – Индонезияда ҳарбий тўнтариш юз берди. Мамлакатда умумхалқ сайлови бўлди. Демократияни тиклаш тўғрисида Декларация қабул қилинди. Мусулмон диний партияси ғалаба қилди.

**1999 йил 6 ноябрь** – Ўзбекистонда «Алпомиш» достонининг 1000 йиллиги нишонланди.

**1999 йил 14 ноябрь** – БМТ Афғонистонга қарши санкция киритиб, озиқ-овқат ёрдамидан маҳрум этди. Бунга жавобан толиблар ўз тузуми душманларига қарши қатағонларни кучайтирди. Улар Шимолий иттифоқ қўшинлари қўмондонига нисбатан террористик актни амалга оширдилар ва уни ўлдирдилар. Бомиён вилоятида қадимдан буён мавжуд бўлган Будда ҳайкали ваҳшийларча портлатиб юборилди.

**1999 йил 8 декабрь** – Беларусь ва Россия иттифоқини тузиш тўғрисида шартнома имзоланди.

**1999 йил 31 декабрь** – Россия президенти Борис Николаевич Ельцин ўз ихтиёри билан истеъфога чиқди. У ўз ўрнига Россия Федерацияси ҳукумати раиси Владимир Владимирович Путинни президент этиб тайинлади.

**2000 йил 1 январь** – Венесуэла янги ном билан Венесуэла Боливарча Республикаси деб аталди.

**2000 йил 9 январь** – Ислом Абдуғаниевич Каримов 5 йил муддатга иккинчи марта Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.

**2000 йил 26 март** – Владимир Владимирович Путин Россия Федерациясининг иккинчи президенти этиб сайланди.

**2000 йил март** – Чили президенти этиб чилиликларни бирлашишга чақирган Рикардо Лагос Эскобар сайланди.

**2000 йил апрель** – Чеченистонда ҳарбий амалиётлар тугаганлиги ҳақида расмий эълон қилинди.

**2000 йил 17 май** – Россия Давлат Думаси Михаил Михайлович Касьяновни Министрлар Совети раиси лавозимига тасдиқлади.

**2000 йил 12 июнь** – Аҳмад Қодиров Чеченистон Республикаси Администрацияси бошлиғи этиб тайинланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**2000 йил июнь** – Жанубий ва Шимолий Корея президентлари Пхеньянда Кореянинг иккала қисмини бирлаштириш тўғрисида шартнома ва ўзаро сулҳ имзолашди.

**2000 йил 12 август** – Россия атом сувости кемаси – «Курск» чўкиб кетди.

**2000 йил 1 сентябрь** – Россия Федерацияси Давлат Кенгаши тузилди.

**2000 йил сентябрь** – Сидней (Австралия)да 27-ёзги Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтди.

**2000 йил октябрь** – Корея ярим оролида барқарорлик ва ҳамкорликни ўрнатишга йўл очган Ким Де Чжунга тинчлик соҳасидаги Нобель мукофоти берилди.

**2000 йил 16 ноябрь** – Марғилонда буюк фиқҳ олими Имом Бурҳониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги (ҳижрий сана бўйича) тантанали нишонланди. Шу муносабат билан Марғилон шаҳри марказида Бурҳониддин Марғиноний ёдгорлик мажмуи бунёд этилиб, шу ерда унинг рамзий мақбараси ўрнатилди.

**2000 йил 17 ноябрь** – Самарқандда буюк фиқҳ олими, калом илмининг мотуридийлик оқими асосчиси Имом Абу Мансур Мотуридийнинг 1130 йиллик юбилейи тантанали нишонланди. Самарқанд шаҳрида Мотуридий ёдгорлик мажмуи очилди. Тошкент ва Самарқандда Мотуридий таълимоти ва унинг ислом оламида тутган мавқеига бағишланган халқаро илмий анжуманлар ўтказилди.

**2000 йил** – «Америка он Лайн» компанияси «Тайм Уорнер» фирмасини сотиб олди ҳамда уяли телефонлар ва интернет соҳасида жаҳондаги энг йирик компанияга айланди.

**2000 йил** – Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида Евроосия иқтисодий жамияти (Евр Аз ЭС) тузилганлиги тўғрисидаги шартнома имзоланди.

**2000 йил** – Исроил президенти Эзер Вайцман молия соҳасидаги суиистеъмоллари туфайли истеъфо берди.

**2000 йил** – Туркияда президент лавозимига Аҳмед Сезер сайланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**2000 йил** – Испанияда Хосе Мария Аснарнинг сайловлардаги янги ғалабаси.

**2000 йил** – Ион Илиеску Руминия президенти этиб қайта сайланди.

**2001 йил январь** – Ҳиндистонда зилзила бўлиб, Гужарат штатида 20 минг одам ҳалок бўлди.

**2001 йил февраль** – Ариэль Шарон Исроил Бош вазири этиб сайланди.

**2001 йил апрель** – америкалик тадбиркор Денис Тито фазодаги дастлабки туристга айланди.

**2001 йил 15 июнь** – Хитойнинг Шанхай шаҳрида 6 мамлакат раҳбарлари Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотини тузиш тўғрисидаги декларацияга имзо чекдилар. Шанхай форуми Ўзбекистон Республикаси унга аъзо бўлгач, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти деб ўзгартирилди.

**2001 йил июнь** – Непаль қироли ва қироличаси ўз ўғли Дипендро томонидан ўлдирилди, кейинчалик Дипендро ўзини ўзи ўлдирди.

**2001 йил август** – Россия ва Хитой ўртасида дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди.

**2001 йил 11 сентябрь** – Нью-Йоркдаги Жаҳон савдо маркази ва Вашингтондаги Пентагон қароргоҳида террорчилик ҳаракатлари содир бўлди.

**2001 йил 7 октябрь** – Афғонистонда террорчиликка қарши компания бошланди. АҚШ ҳарбий ҳаво кучлари Афғонистондаги жанговар нишонларни бомбардимон қилди. Афғонистонга АҚШ ва унинг иттифоқчилари ўз ҳарбий қисмларини киритди.

**2001 йил 3 ноябрь** – Ўзбекистонда «Авесто» китобининг 2700 йиллиғи нишонланди.

**2001 йил** – Италияда Сильвио Берлускони бошчилигидаги ҳукумат тузилди.

**2001 йил** – Сербия президенти Слобадан Милошевич сайловда мағлубиятга учради.

**2001 йил** – лейбористлар партияси Англияда бўлиб ўтган парламент сайловида ғалаба қозонди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**2001 йил** – Кофи Аннан БМТ Бош котиби этиб сайланди. Кофи Аннанга халқаро Нобель тинчлик мукофоти берилди.

**2001 йил** – Японияда Жуничиро Коизуми премьер-министр бўлди.

**2001–2009 йиллар** – АҚШда Кичик Жорж Бушнинг президентлик даври.

**2002 йил январь** – Афғонистонда қайта тиклаш ишларини бошлаган қонуний ҳокимият қарор топди. Мамлакатни қайта тиклаш дастури жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинди. Ҳамид Карзай ҳукумат бошлиғи этиб сайланди.

**2002 йил 20 май** – Шарқий Тимор давлати (Жануби-Шарқий Осиёда) мустақилликка эришди ва Шанана Гужмау унинг биринчи президенти этиб сайланди. (Ғарбий Тимор ҳозиргача Индонезия давлати таркибидаги ҳудуд ҳисобланади.)

*Шарқий Тимор президентлари:* Шанана Гужмау (2002–2007), Жозе Рамуш-Орта (2007 йилдан).

**2002 йил июнь** – Францияда президент сайлови бўлиб, унда Жак Ширак президент этиб сайланди.

**2002 йил 10 сентябрь** – Швейцария давлати БМТга аъзо бўлди.

**2002 йил сентябрь** – Германияда сайлов бўлиб, унда Германия Социал-демократик партияси ғалаба қозонди. Герхард Шрёдер Германия канцлери лавозимида қолди.

**2002 йил 23–24 октябрь** – Туркистон шаҳрида Бутунжаҳон қозоқларининг II қурултойи ўтказилди.

**2002 йил 23 октябрь** – Мовсар Сулаймонов (бошқа фамилияси Бараев) бошчилигидаги террорчилар отряди Москвадаги Дубровка театри марказида одамларни гаровга олди.

**2003 йил 4 февраль** – Югославия Иттифоқ Республикаси тугатилиб, унинг ўрнида Сербия ва Черногория давлати ташкил топди. Сербия ва Черногория Республикаси Югославия Федератив (Иттифоқ) Республикасининг вориси саналади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Сербия ва Черногория давлат иттифоқи премьер-министрлари:* Драгиша Пешич (2003 йил февраль–март), Предраг Маркович (2003–2006).

*Сербия Республикаси президентлари:* Слободан Милошевич (1991–1997), Драган Томич (1997 йил июль–декабрь; вақтинча президент вазифасини бажарувчи), Милан Милутинович (1997–2002), Наташа Мичич (2002–2004; в.б.), Драган Маршичанин (2004 йил февраль–март), Предраг Маркович (2004 йил март–июль; в.б.), Борис Тадич (2004–2006).

*Сербия Республикаси премьер-министрлари:* Драгутин Зеленович 1991 йил 11 февраль–23 декабрь), Радоман Божович (1991–1993), Никола Шаинович (1993–1994), Мирко Марьянович (1994–2000), Миломир Минич (2000–2001; в.б.), Зоран Жинжич (2001–2003), Небойша Чович (2003 йил 12–17 март), Жарко Корач (2003 йил 17–18 март; в.б.), Зоран Живкович (2003–2004), Воислав Коштуница (2004–2006).

*Черногория Республикаси президентлари:* Момир Булатович (1990–1998), Мило Жуканович (1998–2002), Филип Вуянович (2002–2003; вақтинча президент вазифасини бажарувчи), Рифат Растодер (2003 йил май; в.б.), Драган Куяович (2003 йил май; в.б.), Филип Вуянович (2003–2006).

**2003 йил 20 март** – АҚШ ва Буюк Британия террористик ҳаракатларга жавоб бериш ниқоби остида мустақил давлат – Ироққа ҳужум бошлади. Урушда Ироқ мағлубиятга учраб, мамлакат иқтисодиётига жиддий зарар етказилди. (2003 йил 13 декабрда Ироқ президенти Саддам Ҳусайн яширинган жойида АҚШ армияси томонидан қўлга олинди.)

**2003 йил 5 октябрь** – Аҳмад Қодиров Чеченистон Республикаси президенти этиб сайланди.

**2003 йил 30 октябрь** – Дмитрий Анатольевич Медведев Россия Федерацияси президенти Администрациясининг раҳбари этиб тайинланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**2003 йил декабрь** – Озарбайжонда сайлов бўлиб, президент Гейдар Алиевнинг ўғли Илҳом Алиев президент этиб сайланди.

**2003 йил** – АҚШ президенти Кичик Жорж Буш, Исроил премьер-министри Ариэль Шарон ва Фаластин Мухторияти ҳукумати раиси Маҳмуд Аббос ўзаро учрашиб, «йўл харитаси» тўғрисида режа қабул қилишди.

**2004 йил январь** – Грузияда Михаил Саакашвили сайловда ғалаба қилди ва президент этиб сайланди.

**2004 йил май** – Ҳиндистон Бош вазири этиб Монмахон Синх сайланди.

**2004 йил 13 июль** – Ливия пойтахти Триполи шаҳрида бўлиб ўтган шахмат бўйича жаҳон чемпионатида ўзбек шахматчиси, халқаро гроссмейстер Рустам Қосимжонов шахмат бўйича 17-жаҳон чемпиони унвонини олишга сазовор бўлди.

**2004 йил октябрь** – Ҳамид Карзай Афғонистон президенти этиб сайланди.

**2004 йил декабрь** – Украинада сайлов бўлиб, Виктор Юшченко президент этиб сайланди.

**2005 йил апрель** – Қиргизистонда «лола инқилоби». Президент Аскар Акаев истеъфога чиқди. Кейинчалик Қурмонбек Боқиев Қирғиз Республикаси президенти этиб сайланди.

**2005 йил май** – Эронда сайлов бўлиб, унда Маҳмуд Аҳмадий Нажот президент этиб сайланди.

**2005 йил 29 сентябрь** – Остона шаҳрида Бутунжаҳон қозоқларининг III қурултойи ўтказилди.

**2005 йил 6–7 октябрь** – Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилоти – МОҲТ (2002 йил 28 февралда Олма-ота (Алмати) шаҳрида тузилган) Евроосиё Иқтисодий ҳамжамияти (2000 йил 10 октябрда Остона шаҳрида ташкил топган) халқаро ташкилотига Санкт-Петербургдаги йиғилишда қўшилди.

**2005 йил ноябрь** – ГФР тарихида биринчи аёл киши Ангела Маркел канцлер этиб сайланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**2005 йил 4 декабрь** – Нурсултон Назарбоев Қозоғистон Республикаси президенти этиб қайта сайланди.

**2005 йил** – Эво Моралес Боливияда бўлган президент сайловларида ғолиб чиқди.

**2005 йил** – Даниэль Ортега Никарагуада бўлган президент сайловларида ғолиб бўлди.

**2006 йил 25 январь** – Санкт-Петербург саммитида Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига Ўзбекистон Республикаси расман аъзо бўлди.

**2006 йил 14 февраль** – Шимолий Вазиристон ҳудудида толибонлар томонидан Вазиристон Ислом давлати эълон қилинди. (Толибонлар 2001 йилдан Вазиристон ҳудудини ўзларига таянч қилиб олиб, 2004 йил бу ерда амалда ҳокимиятни зўравонлик билан эгаллашди.) Кейинчалик толибонлар Жанубий Вазиристонни ҳам босиб олишди.

*Вазиристон Олий руҳонийлар кенгаши бошлиғи:* Муҳаммад Умар [Мулла Умар] (2006 йил 14 февралдан).

**2006 йил 9–15 апрель** – Измир шаҳри (Туркия)да Турк дунёси улусларaро I конгресси бўлиб ўтди.

**2006 йил 21 май** – Сербия ва Черногория Республикаси икки мустақил давлатга ажралиб кетди. Черногория Республикаси ташкил топди.

*Черногория Республикаси президенти:* Филип Вуянович (2006 йилдан).

*Черногория Республикаси премьер-министрлари:* Мило Джуканович (2006 йил июнь–ноябрь), Желько Штуранович (2006–2008), Мило Джуканович (2008 йил 29 февралдан).

**2006 йил 21 май** – Сербия Республикаси ташкил топди.

*Сербия Республикаси президенти:* Борис Тадич (2004 йилдан).

*Сербия Республикаси премьер-министрлари:* Воислав Коштуница (2006–2008), Мирко Цветкович (2008 йил 7 июлдан).

**2006 йил сентябрь** – Синдзо Абе Япония премьер-министри этиб сайланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**2006 йил 27 октябрь** – Қарши шаҳрининг 2700 йиллигига бағишланган тантанали маросим бўлди.

**2006 йил ноябрь** – Роман Проди Италия премьер-министри лавозимига келди.

**2006 йил декабрь** – БМТ Бош секретари лавозимини Пан Ги Мун эгаллади.

**2006 йил 21 декабрь** – Туркманистон президенти Сапармурат Ниёзов (Буюк Сапармурат Туркманбоши) вафот этди.

**2006 йил 30 декабрь** – Ироқнинг собиқ президенти Саддам Ҳусайн АҚШ трибуналининг қарори билан Қурбон Ҳайити куни Бағдод қамоқхонасида осиб ўлдирилди.

**2006 йил** – Уго Чавес Венесуэлада президент этиб сайланди.

**2006 йил** – Мишель Бачилет Чилидаги президент сайловларида ғолиб чиқди.

**2007 йил февраль** – Гурбангули Бердимуҳамедов Туркманистон президенти этиб сайланди.

**2007 йил 23–25 май** – Ашхобод ва Дошоғуз (Туркманистон)да машҳур қомусий олим Маҳмуд Замахшарий фаолиятига бағишланған халқаро конференция бўлиб ўтди.

**2007 йил июнь** – Горден Браун Буюк Британия Бош вазири лавозимини эгаллади.

**2007 йил 25 август** – Самарқанд шаҳрининг 2750 йиллик юбилейига бағишланган тантанали маросим ўтказилди. Бу маросим Самарқандда 1997 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Шарқ тароналари» VI халқаро мусиқа фестивалига уланиб кетди.

**2007 йил 7 сентябрь** – Марғилон шаҳрининг 2000 йиллик юбилейига бағишланган тантанали маросим ўтказилди.

**2007 йил 13–15 ноябрь** – Ашхобод (Туркманистон) да буюк сўфий ва шоир Абу Саид Абулхайр фаолиятига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди.

**2007 йил 23 декабрь** – Ислом Абдуганиевич Каримов 7 йил муддатга учинчи марта Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб сайланди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**2007 йил** – Николя Саркози Франция президенти этиб сайланди.

**2007 йил** – Буюк Британияда Тони Блэр ҳукумати истеъфога чиқди ва лейбористлар партиясининг янги лидери Горден Браун премьер-министр бўлди.

**2008 йил 17 февраль** – Косово давлати мустақиллиги эълон қилинди. (Бу пайтгача Косово ва Мотохия ўлкаси Сербия Республикаси таркибида бўлган.)

*Косово президентлари:* Ибрагим Ругова (1992–2006), Нажот Дачи (в.б.; 2006 йил январь–февраль), Фатмир Сейдиу (2006–2010), Якуп Красничи (2010 йил 27 сентябрдан).

*Косово премьер-министрлари:* Байрам Косуми (?–2006), Агим Чеку (2006–2008); Хошим Тачи (2008 йил 9 январдан).

**2008 йил** – Косово давлати БМТга аъзо бўлди.

**2008 йил 25 февраль** – Кубада ҳокимият тепасига саломатлиги ёмонлашган Фидель Кастро Рус ўрнига унинг укаси Рауль Кастро Рус келди.

**2008 йил 7 май** – Россия Федерациясининг учинчи президенти Дмитрий Анатольевич Медведов ўз вазифасини бажаришга киришди.

**2008 йил 12–14 май** – Ашхобод (Туркманистон) да машҳур шоир Маҳтумқули фаолиятига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди.

**2008 йил 28 май** – Непал республика деб эълон қилинди.

*Непал Республикаси президенти:* Рам Баран Ядав (2008 йил 23 июлдан).

**2008 йил август** – Россия Федерацияси ва Грузия ўртасида Жанубий Осетияни ўз таъсир доирасига киритиш учун қисқа муддатли уруш бўлди.

**2008 йил сентябрь** – АҚШда ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган тангликдан сўнг Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози бошланди.

**2008 йил 20–25 октябрь** – Анқарада машҳур аллома Маҳмуд Кошғарий таваллудининг 1000 йиллигига бағишланган 6-халқаро турк тили қурултойи бўлиб ўтди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**2009 йил 20 январь** – АҚШнинг 44-президенти Барак Обама президентлик вазифасини бажаришга киришди.

**2009 йил 26–27 май** – Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига бағишланган «Ўзбекистон пойтахти Тошкент–2200 ёшда» мавзуида халқаро илмий конференция ўтказилди.

**2009 йил 28 август** – Тошкент шаҳри марказида «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройи очилди.

**2009 йил 1 сентябрь** – Ўзбекистон Республикаси пойтахти Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали маросим ўтказилди. Бу маросим Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллик тантаналарига уланиб кетди.

**2009 йил 5–6 октябрь** – Душанбе (Тожикистон)да Имоми Аъзам (Абу Ҳанифа ибн Собит) фаолиятига бағишланган халқаро симпозиум булиб ўтди.

**2010 йил** – Истанбул (Туркия) ҳамда Печ (Венгрия) ва Эссен (Германия) шаҳарлари Европанинг маданий пойтахти деб эълон қилинди.

**2010 йил февраль** – Украинада Виктор Янукович президент этиб сайланди.

**2010 йил 12 январь** – Гаитида кучли зилзила содир бўлиши натижасида 230.000 киши ҳалок бўлди.

**2010 йил 12–28 февраль** – Ванкувер (Канада)да XXI Қишки Олимпия ўйинлари бўлиб ўтди.

**2010 йил 12–24 март** – Ванкувер (Канада)да X Қишки параолимпия ўйинлари бўлиб ўтди.

**2010 йил 10 апрель** – Смоленск (Россия Федерацияси)да бўлган авиаҳалокат натижасида Польша президенти Лех Качиньский, унинг рафиқаси Мария Качиньская ва бошқалар (97 киши) ҳалок бўлди.

**2010 йил 14 апрель** – Исландияда Эйяфьядлайокудль вулқони отилиши натижасида Европа кул остида қолди. Европа давлатларидаги самолёт қатнови вақтинча тўхтатилди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**2010 йил 19–25 апрель** – Измир (Туркия)да II улусларaро Турк дунёси маданият конгресси бўлиб, унда 43 та давлатлардан келган 440 нафар олим қатнашди.

**2010 йил апрель** – Қиргизистонда мухолифат кучлари президент Қурмонбек Бакиевни ҳокимиятдан ағдариб ташлади. Қурмонбек Бакиев ва унинг яқинлари Минск (Беларусь)га жўнаб кетди. Роза Отунбоева бошчилигида муваққат ҳукумат ташкил қилинди.

**2010 йил 1–4 май** – Тошкентда Осиё тараққиёт банки Бошқарувчилар кенгашининг 43 йиллик мажлиси бўлиб ўтди.

**2010 йил 10–12 июнь** – Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг Тошкент саммити Кўксарой қароргоҳида бўлиб ўтди. Унда ШҲТга аъзо давлатларнинг раҳбарлари: Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов, Қозоғистон Республикаси президенти Нурсултон Назарбоев, Хитой Халқ Республикаси раиси Ху Цзиньтао, Россия Федерацияси президенти Дмитрий Медведев, Тожикистон Республикаси президенти Эмомали Раҳмон, Қирғизистон Республикаси ташқи ишлар вазири вазифасини бажарувчи Руслан Казакбоевдан ташқари кузатувчи мамлакатлар – Мўғулистон президенти Цахнағийн Элбегдорм, Покистон Ислом Республикаси президенти Осиф Али Зардорий, Эрон Ислом Республикаси ташқи ишлар вазири Манучеҳр Муттақий, Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Соманаҳалли Малайя Кришна ҳамда саммит меҳмонлари – Афғонистон Ислом Республикаси президенти Ҳамид Карзай, Туркманистон президенти Гурбангули Бердимуҳамедов иштирок этди.

**2010 йил 10–15 июнь** – Қиргизистоннинг жанубидаги Ўш, Жалолобод ва Ўзган шаҳарларида этник низолар уюштирилиши натижасида ўзбеклар қирғин қилинди. Расмий маълумотларға кўра, тўқнашувларда 2500 дан ортиқ ўзбек ҳалок бўлди, тожик, рус, татар ва бошқа миллат вакиллари ҳам ўлдирилди. Қирғизистонлик 400 000 нафардан ортиқ қочоқлар Ўзбекистон чегарасидан ўтди. Кейинчалик улар ўз ватанларига қайтишди.

**2010 йил 11 июнь** – Жанубий Африка Республикасида бошланган футбол бўйича XIX жаҳон чемпионатининг



www.ziyouz.com kutubxonasi

Йоханнесбург шаҳридаги очилиш учрашуви – ЖАР ва Мексика терма жамоалари ўйинини Осиёнинг 2007 ва 2009 йиллардаги энг яхши ҳаками, халқаро тоифадаги ФИФА рефериси ўзбекистонлик Равшан Эрматов бошқарди. Унга қанот ҳакамлари Рафаэль Ильясов (Ўзбекистон) ва Баҳодир Қўчқоров (Қирғизистон) ёрдам беришди. (Равшан Эрматов 2010 йилда ҳам Осиёнинг энг яхши ҳаками бўлди.)

**2010 йил июль – август** – Покистонда мамлакат тарихида энг йирик сув тошқинлари юз берди ва у давлат иқтисодиётига жуда катта зарар етказди. Табиий офат натижасида 1600 киши ҳалок бўлди.

**2010 йил 14–26 август** – Сингапурда ўсмирлар ўртасида биринчи ёзги Олимпиада ўйинлари бўлиб ўтди. Унда Хитой, Россия, Украинадан келган ёш спортчилар умумжамоа ҳисобида совринли ўринларни эгаллашди. Ўзбекистон ўсмирлари 3 та кумуш ва 5 та бронза медаль билан 60-ўринни қўлга киритди.

**2010 йил август** – Эроннинг Бушер шаҳрида мамлакат тарихида биринчи атом электрстанцияси ишга туширилди.

**2010 йил сентябрь** – АҚШ ўз қўшинларини Ироқдан олиб чиқишни бошлади. (Бу жараённи 2010 йил декабрда тугатиш мўлжалланган.)

**2010 йил сентябрь** – Истанбулда туркий тилли давлатларнинг юбилей 10-саммити бўлди. Унда туркий тилли давлатларнинг ҳамкорлик кенгаши – Туркий кенгаш тузилди.

**2010 йил октябрь** – «Арсеналь» (Лондон) футбол клубининг йирик акционерларидан бири россиялик таниқли олигарх Алишер Усмонов Буюк Британиядаги футбол клубларининг энг бой хўжайинлари рўйхатида 8 млрд. фунт-стерлинг миқдоридаги бойлик билан «Челси» (Лондон) клубининг хўжайини россиялик Роман Абрамовични (7,4 млрд. фунт-стерлинг) ортда қолдиришга муваффақ бўлди. «Four Four Two» журнали талқинига кўра, бу рўйхатда 1-ўринни «Манчестер Сити» раҳнамоси араб Шайх Мансур (20 млрд. фунт-стерлинг), 2-ўринни «Куинз Парк Рейнжерс» клубининг эгаси ҳиндистонлик пўлат магнати Лакшми Миталл ва унинг оиласи эгаллади.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**2010 йил 4–11 октябрь** – Роберт Эдвардс (АҚШ) тиббиёт ва физиология, Константин Новоселёв ва Андрей Гейм (Россия) физика, Ричард Хек (АҚШ) ҳамда Акиро Сузуки ва Эль-ичи Негиши (Япония) кимё, Марио Варгас Льоса (Перу) адабиёт, Ля Сяобо (Хитой) тинчлик, Питер Даймонд ва Дейл Мортансен (АҚШ) ҳамда Кристофер Писсаридес (Англия) иқтисод бўйича халқаро Нобель мукофотига сазовор бўлишди.

**2010 йил 14–15 октябрь** – Ашхободда «Ўғузнома» эпосига бағишланган халқаро илмий конференция бўлиб ўтди.

**2010 йил 16–24 октябрь** – Аргентинада бўлиб ўтган футбол бўйича ногиронлар ўртасидаги жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси финал ўйинида Аргентинани 3:1 ҳисобида маглубиятга учратиб, иккинчи марта жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлди.

**2010 йил 18–20 октябрь** – Туркманистон (Тошҳовуз вилояти)да туркман ва ўзбек халқлари дўстлиги Фестивали бўлиб ўтди. Унда Туркманистон президенти Гурбангули Бердимуҳамедов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов қатнашди.

**2010 йил 31 октябрь** – Бразилия давлатида ўтган президент сайловларида илк марта аёл киши–Дилма Руссеф хоним голиб чиқди ва президент этиб сайланди.

**2010 йил 12–27 ноябрь** – Гуанжоу шаҳри (Хитой)да XXI ёзги Осиё ўйинлари ўтказилди. Унда Ўзбекистон терма жамоаси 11 та олтин, 22 та кумуш, 23 та бронза (жами 56 та) медалларни қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 8-ўринни эгаллади.

**2010 йил 1–2 декабрь** – Остона шаҳри (Қозогистон) да Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг XXI асрдаги дастлабки саммити бўлди. Унда 61 давлат ва 50 дан ортиқ халқаро ташкилотларнинг раҳбарлари қатнашди.

**2010 йил 19 декабрь** – Беларусда бўлиб ўтган президент сайловларида Александр Лукашенко яна президент этиб сайланди.

**2011 йил 1 январь** – Эстония давлати евроҳududнинг 17-аъзоси бўлиб, евро пул бирлигини қабул қилди. Европа Иттифоқи Кенгашига раислик қилиш Қозоғистондан Венгрия давлати ихтиёрига ўтди.



www.ziyouz.com kutubxonasi

**2011 йил 7–29 январь** – Қатарда футбол бўйича бўлиб ўтган XV Осиё чемпионатида Япония терма жамоаси тўртинчи марта қитъа чемпиони бўлди. Япония ва Австралия ўртасида бўлиб ўтган финал ўйинини ўзбекистонлик ФИФА рефериси, 2010 йилда жаҳоннинг иккинчи ҳаками ва Осиёнинг биринчи ғаками Равшан Эрматов бошқарди. Унга ўзбекистонлик қанот ҳакамлари Абдулҳамид Расулов ва Рафаэль Ильясов ёрдам беришди. Ўзбекистон терма жамоаси ўз тарихида биринчи марта ярим финалга чиқди ва кучли тўртликдан жой олди.

**2011 йил 14 январь** – Турку (Финляндия) шаҳри Европанинг маданий пойтахти деб эълон қилинди.

**2011 йил 14 январь** – Тунис президенти Зин ал-Обидин бин Али лавозимидан четлатилди ва у мамлакатдан қочиб кетишга мажбур бўлди.

**2011 йил 16 январь** – Жанубий Суданда референдум ўтказилиб, у мустақил давлат деб эълон қилинди.

**2011 йил 25 январь–11 февраль** – Мисрда 30 йил мобайнида президентлик лавозимида турган 83 ёшли Ҳусний Муборак режимига қарши норозилик бошланди. Намойишга чиққан 300 дан ортиқ киши ҳукумат кучлари томонидан ўлдирилди. Мамлакат пойтахти Қоҳира, Искандария ва бошқа шаҳарларда комендантлик соати жорий қилинди. Режимга қарши норозилик Ҳусний Муборакнинг истеъфоси билан якунланди.

**2011 йил январь** – Бразилия ва Австралияда юз берган кучли сув тошқинлари бу мамлакатлар иқтисодиётига катта зарар етказди.

**2011 йил 17 февраль** – Ливия Араб Социалистик Халқ Жамаҳириясида Ливия инқилоби раҳбари ва жамаҳирия бошлиғи Муаммор Қаззофий (Каддафий) ҳокимиятига қарши норозилик чиқишлари бошланди. Қаззофий 1969 йил 27 ёшида ҳокимиятни эгаллаган эди. Расмий маълумотларга қараганда, ҳукумат кучлари 300 дан ортиқ (айрим манбаларда 1000 дан ортиқ) кишини ўлдирди. Ливия Араб давлатлари лигасидан чиқарилди.

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ КИЧИК ҚОМУСИ

## (сўнгсўз ўрнида)

Тарихчи олим Қаҳрамон Ражабов бошчилигидаги муаллифлар жамоаси ниҳоятда масъулиятли ва шу билан бирга ўта хайрли ишга қўл урганлар. Улар мазкур китобда энг қадимги замонлардан бошлаб, яъни инсон зотининг пайдо бўлишидан тортиб, то XXI асрнинг бошларигача бўлган тарихий саналарни мантиқий изчилликда келтириб, уларнинг ҳар бирига шарҳ берганлар. Бизнинг назаримизда, тарих фанининг ўзига хос хусусияти бу инсоният цивилизациясининг энг муҳим воқеа, ҳодисаларининг, авваламбор, тарихий шахсларнинг ҳаёти ва фаолиятини, уларнинг кашфиётларини ўрганиш ва умумлаштириш билан бирга, тарихда қабила, миллат, элат ва турли халқларнинг инсоният тамаддунига қўшган ҳиссаларини жамлаб, ўрганиб, улардан тўгри хулоса ва сабоқ чиқаришдан иборат. XX асрнинг тарихчиларидан бири француз Фернанд Бродельнинг хулосасига кўра, тарихий тараққиёт диалектик йўл билан ҳам, изчиллик билан ёки даврийлик асосида ҳам ривожланмайди. Унинг бу сўзлари ундан деярли юз йил олдин истиқомат қилган рус мутафаккири Николай Чернишевскийнинг «Тарих – бу Нева шоҳбекатидан иборат эмас!» деган сўзлари билан ҳамоҳанг.

Муаллифлар жамоаси тарихни даврийлаштиришда тарихшуносликнинг кўпчилик тарихчилар учун мақбул бўлган услубидан фойдаланганлар. Агар ўрта асрлар Ғарбий Рим империясининг ағдарилишидан бошланган бўлса, янги давр Шарқий Рим империяси [Византия империяси]нинг Усмонли турклари томонидан эгалланишидан ўз ибтидосини олган. Демак, ўрта аср воқеа-ҳодисалари деярли минг йиллик (476–1453 й.) босқични қамраб олади. Баъзи бир, шу жум-



www.ziyouz.com kutubxonasi

ладан, социал-демократик адабиётда «феодализм» номини олган бу давр саналари муаллифлар томонидан атрофлича асослаб берилган.

Бизнинг фикримизча, китобда янгича ёндашув ва тарихий воқеаларга холисона баҳо бериш мезонлари бир талай. Масалан, илгариги тарихий адабиётларда ўрта асрлар уч даврга бўлиниб ўрганилган ҳамда янги даврнинг XVI – XVII асрлари сўнгги ўрта асрлар ёки феодализмнинг инқирози деб қаралган. Муаллифлар бундай синфийлик ва синфий кураш каби бир ёқламаликка асосланган ёндашувни инкор этиб, тадрижийлик ёки цивилизацион қарашни ўзлари учун асос қилиб олишган. Шу нуқтаи назардан олиб қарайдиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг 1998 йил 26 июнда тарихчи олимлар билан бўлган учрашуви маҳсули бўлган асар – «Тарихий хотирасиз келажак йўқ» тарих фани ривожи учун муҳим босқич бўлди, десак муболаға бўлмайди. Гап шундаки, муаллифлар жамоаси бу китобни яратишда И.Каримовнинг айнан шу ва бошқа асарларини ўз услубларининг асоси қилиб қабул қилганлар.

Мазкур китобда тарихий ҳодисаларга янгича қараш ва уларни баҳолашнинг тадрижий мезонлари кўзга яққол ташланади. Масалан, совет [шўролар] даврида Буюк француз инқилобининг бошланиш санаси 1789 йил 14 июль – Бастилия қамоқхонасининг олиниши деб ҳисобланса, унинг ниҳояси 1794 йил 27 июль ёки 9-термидор, яъни М.Робеспьер бошчилигидаги якобинчиларнинг ағдарилиши деб ҳисобланарди. Муаллифлар эса бу масалага кенг ёндашганлар ва маълум маънода француз ҳамда ғарб тарихчиларининг сўнгги тадқиқотларига таяниб Буюк француз инқилобининг ибтидоси сифатида Бастилиянинг олинишини эмас, балки 1789 йил 5 май куни Генерал штатлар фаолияти бошланишини ҳақли равишда асос қилиб олганлар. Буюк француз инқилобининг интиҳосини эса, 1794 йил 27 июль ёки 9-термидор эмас, аксинча, 1799 йил 9 ноябрь ёки 18 брюмер деб ҳисоблайдилар. Маълумки, 1799 йил 9 ноябрь куни Наполеон Бонапарт давлат тўнтариши ўтказди ва ҳарбий диктатурага асосланган тизимни Францияда ўрнатди. Бу давлат тўнтариши орадан



www.ziyouz.com kutubxonasi

5 йил ўтгач, Францияда I-Империя ўрнатилишига олиб келди. Наполеон Бонапарт 1804 йил 2 декабрь куни Наполеон I номи билан «Барча французларнинг императори» деб эълон қилинди. Демак, Буюк француз инқилобининг интиҳоси 1794 йил 27 июль куни эмас, балки 1799 йил 9 ноябрь куни деб ҳисобланиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Биз юқорида қайд қилганимиздек, янги давр 1453 йилда Константинополнинг Усмонли турклар томонидан эгалланиши ва бу шаҳарнинг ислом шаҳри – Истанбул деб эълон қилиниши, буюк географик кашфиётлар, уйғониш даври, гуманизм, Шарқ ва Ғарб ўртасидаги халқаро муносабатлар ва алоқаларнинг кучайиши билан бошланиб XX аср бошларигача давом этди. Муаллифлар ана шу ёндашув асосида иш тутиб, 1453 – 1914 йиллар воқеаларини янги тарих даврига киритганлар. Энг янги тарих даври эса 1914 йилдан то бугунги кунгача бўлган қарийб 100 йиллик воқеаларни қамраб олган. Демак, инсониятнинг энг янги тарихи 1914 йил, яъни Биринчи жаҳон урушининг бошланиши, икки жаҳон уруши оралиғидаги воқеалар, саналар, Иккинчи жаҳон уруши, ундан кейинги тараққиёт, совуқ уруш, СССРнинг тарқалиши ва Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши ва жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви жараёнларини ўз ичига олган.

Мазкур китобнинг яна бир қимматли томони шундаки, жаҳон тарихи воқеа-ҳодисаларини шарҳлаш жараёнида муаллифлар Турон ва Туркистон (ҳозирги Марказий Осиё ҳудуди), қолаверса, Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизациясида тутган ўрни, файласуфу уламолари, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Бобур, Абдуллахон II каби юзлаб буюк сиймоларнинг фаолиятларига ҳам алоҳида эътибор қаратганлар. Айтиш жоизки, бундай кенг кўламли тарихий воқеалар, илм-фан, маданият, сиёсат, дипломатия соҳасида ном қолдирган буюк сиймоларнинг фаолиятлари, кашфиётлари, денгизчилик, коинотни ўрганиш ва самога парвоз қилишдаги хизматлари китобдан кенг ўрин олган.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Мукаммалликнинг интиҳоси йўқ. Китобда жуда кўп тарихий саналар тилга олинган. Шу нуқтаи назардан қараганда, у ё бу воқеалар баҳс ва мунозараларга сабаб бўлиши мумкин. Масалан, 1812 йил Москва яқинидаги Бородино жангида муаллифлар Наполеон армиясининг руслар устидан ғалабаси ҳақида очиқ ёзмаганлар, ҳолбуки, бу жангда руслар чекинишга мажбур бўлдилар ва Наполеон армияси Москвани эгаллади. Бизнинг назаримизда, китобда Россия ва Шарқий Европа давлатлари ҳамда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги тарихига кўпроқ ўрин ажратилган.

XX асрда жаҳон халқлари қаторида ўзбекистонликлар ҳам бир қанча кашфиётлар қилдилар. 1928 йилда Тошкентда телевизор кашф этилди. Ҳ. Абдуллаев, И. Мўминов, С. Юнусов, Х. Сулаймонова, Ҳ. Сулаймонов, Я. Ғуломов каби ўнлаб олимларимиз жаҳон фанининг турли соҳаларига баракали ҳисса қўшдилар. Жаҳон адабиёти хазинасига бебаҳо ҳисса қўшган шоир ва адиблардан Садриддин Айний, Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат, Ҳамза, Ғафур Ғулом, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия каби сиймоларнинг фаолиятлари китобда келтирилганлиги яна ҳам яхши иш бўлган.

Бундай кенг қамровли китобнинг Ўзбекистонда нашр этилиши тарих фанида ажойиб воқеа бўлиб қолади. Китоб фақатгина тарихчилар учун эмас, кенг жамоатчиликка ҳам мўлжалланган. У Ўзбекистон олий ўқув юртларининг тарих факультетлари талабалари учун ўқув қўлланма бўлиб қолмай, ўз навбатида, жуда кўп тарихий воқеаларни акс эттирган маълумотнома ҳамдир. Бу нашр биринчи нашр бўлиб, бундай китобнинг ихлосмандлари кўп бўлишига аминмиз. Келгуси нашрда китоб янги маълумотлар билан бойитилиб, унинг айрим ўринлари такомиллаштирилади. Сўнгсўз ўрнида биз китоб муаллифларини шундай баракали, кенг маълумотлар берадиган асар, жаҳон тарихининг ўзига хос кичик қомусини яратганликлари билан қутлаймиз ва омадлар тилаймиз.

*Раҳмон Фармонов, тарих фанлари доктори, профессор,*
*Чори Кўчаров, сиёсатшунослик фанлари доктори*

www.ziyouz.com kutubxonasi

# ТАВСИЯ ҚИЛИНАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

*Каримов И.* Асарлар. 1–18-т.–Т.: «Ўзбекистон», 1996–2010.

*Агибалова Е., Донской Г., Салимов Т.* Жаҳон тарихи (V–XVII асрлар). 7-синф ўқувчилари учун дарслик.–Т.: «Ўқитувчи», 1995.

*Абусеитова М. и др.* История Казахстана и Центральной Азии. Учебное пособие. Алматы: «Дайк-Пресс», 2001.

*Алимова Д., Каримов Р., Оқилов К., Ражабов Қ., Алимов И., Маврулов А.* Ўзбекистон тарихи (1917–1991 йиллар). 10-синф ўқувчилари учун дарслик.–Т.: «Шарқ», 2000–2006.

*Алимова Д., Каримов Р., Акилов К., Раджабов К., Алимов И., Маврулов А.* История Узбекистана (1917–1991 гг.). Учебник для учащихся 10 классов.–Т.: «Шарк», 2002–2005.

*Аяган Б.Г., Шаймерденова М.Д.* Новейшая история Казахстана. Учебник 9-класса. 2-изд. Алматы: «Атамура», 2009.

*Босворт К.Э.* Мусульманские династии (Справочник по хронологии и генеалогии).–М.: «Наука», 1971.

*Босворт К.Э.* Мусулмон сулолалари (Йилнома ва шажаралар бўйича маълумотнома).–Т.: «Фан», 2007.

*Бойназаров Ф.А.* Қадимги дунё тарихи (дарслик).– Т.: «Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти», 2004.

*Века А.В.* История России с древнейших времен до наших дней. – Минск: Хорвест, 2006.

Всемирная история в датах и событиях. Перевод с французского *В.Румянцева.*–М.: «Радуга», 2002.

Всемирная история. Т.1–13.–М.: Государственное издательство политической литературы.–«Мысль», 1955–1983. [Т.1–10; 1955–1965; Т.11–13: 1977–1983.]

Всемирная история. Энциклопедия. Под общей редакцией В.Макаровича и др.–М.: Большая Российская энциклопедия, 2003.

*Васильев Л.С.* История Востока. В 2 т.–М.: 1993.

Германия. Факты. Берлин, 2003.

*Гуревич А.Я., Харитонович Д.Э.* История средних веков. Учебник для средных школ.–М.: 1994.

Жаҳон мамлакатлари. Қисқа маълумотнома. Тузувчилар: Ш.Эргашев., Т.Бобоматов ва б.–Т.: «Шарқ», 2006.

*Jo'rayev U., Lafasov M., Ergashev Sh.* Jahon tarixi. O'rta asrlar davri. 7-sinf uchun darslik.–T.: «Cho'lpon», 2005.

*Jo'rayev U., Farmonov R., Ergashev Sh.* Yangi tarixning birinchi davri. 8-sinf o'quvchilari uchun darslik.–T.: Cho'lpon nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi, 2006.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Jahon tarixi. Qisqacha ma'lumotnoma. – T.: «Vektor-Press», 2007.

Жаҳон мамлакатларининг ҳуқуқий тизимлари. Қомусий луғат. Масъул муҳаррир А.Х. Саидов. – Т.: «Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази», 2006.

*Жўраев С.* ва бошқалар. Америка Қўшма Штатлари. – Т.: «Тошкент Давлат шарқшунослик институти» нашриёти, 2003.

*Загладин Н.* Всеобщая история / Конец XIX – начало XXI в. Учебник для 11-класса. – М.: Русское слово, 2008.

История стран Азии и Африки в средние века. В 2 частях. – М., 1987.

*Иманқулов М.* Қирғизистон тарихи (1917 – 1995 й.). 9-синф учун дарслик. – Жалолобод, 1996.

Ислом. Энциклопедия.– Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» нашриёти, 2004.

История государственности Узбекистана. В трех томах. Т. 1. Вторая половина II тысячелетия до нашей эры – III век нашей эры. Ответственные редакторы: Э.В. Ртвеладзе, Д.А. Алимова.– Т.: «Ўзбекистон», 2009.

История Узбекистана. Т.III. (XVI – первая половина XIX века). Главный редактор: А. Аскаров. – Т.: «Фан», 1993.

История Узбекистана (Учебное пособие для студентов неисторических специальностей). – Т.: «Университет», 2002.

История Казахстана. Курс лекций. Под редакцией К.С. Каражана. Алматы: «Қазақ университеті», 2008.

История Казахстана. С древнейших времен до наших дней. В пяти томах. Т. 1–5. Алматы: «Атамура», 2010.

История России XX век. Учебное пособие вузов. – М.: АСТ, 2000.

История России XX век. Учебное пособие вузов. Минск: РИВШ, 2005.

История таджикского народа. Т.V. Новейшая история (1917 – 1941 гг.). – Душанбе, 2004.

История таджикского народа. Т. II. Эпоха формирования таджикского народа. Душанбе, 1999.

*Койгелдиев М. и др.* История Казахстана. Учебник для 11-классов. Алматы: «Мектеп», 2007.

*Кабиров А.* Всемирная история. С древнейших времен до V века нашей эры. Учебное пособие 6-класса. – Т.: «O'qituvchi», 2001.

*Kabirov A.* Jahon tarixi. Eng qadimgi davrdan milodning V asrigacha. 6-sinf o'quvchilari uchun darslik. – T.: «O'qituvchi», 2001.

*Кан Г.* История Казахстана. Учебник для вузов. 3-изд. Алматы: «Алматы кітап баспасы», 2009.

*Лафасов М., Холиқов Э., Қодирова Д.* Жаҳон тарихи (1870 – 1914 йиллар). 9-синф учун ўқув қўлланма. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2001.

*Lafasov M., Jo'rayev U., Xoliqov E., Qodirova D.* Jahon tarixi (1870 – 1914-yillar). 9-sinf uchun darslik. – T.: «Talqin», 2006.

*Lafasov M., Jo'raev U.* Jahon tarixi. Akademik litseylar va kasb-hunar kollejlari uchun darslik. – T.: «Turon-Iqbol», 2007.



www.ziyouz.com kutubxonasi

Iste Turkiye. Ankara, 1998.

Мировая /всеобщая/ история. Школьный справочник.–Ярославль: «Академия развития», 1997.

*Мухамметбердиев Б., Оразгылыжов Я.* Туркменистанын тарыхыдан материаллар. 1227–1994.– Ашгабат, 1997.

Muntasar Osmanli Tarihi (1299–1922). Istanbul. 2008.

*Масанов Н. и др.* История Казахстана: народы и культуры. Учебное пособие.–Алматы: «Дайк-Пресс», 2001.

Новейшая история Казахстана. Хрестоматия. Для 9-класса. Составитель Б.Г. Аяган. Алматы: «Атамура», 2005.

Новая история стран Европы и Америки. Первый период.–М.: «Высшая школа», 1998.

Новая история стран Европы и Америки. Второй период.–М.: «Высшая школа», 1998.

*Ражабов Қ., Ҳайдаров М.* Туркистон тарихи (1917–1924 й.). Университетлар ва педагогика институтлари учун ўкув қўлланма.–Т.: «Университет», 2002.

*Ражабов Қ., Ҳасанов Ф., Шоймардонов И., Тожибоев Б.* Ўзбекистон тарихининг муҳим саналари (Энг қадимги даврлардан бугунги кунгача). 3-нашри.–Т.: «O‘zbekiston», 2010.

*R.Rajabov.* Qadimgi dunyo tarixi. O‘quv qo‘llanma. –T.: «Fan», 2009.

*Ратьковский И., Ходяков М* История Советской России. Учебное пособие вузов.–Санкт-Петербург: Лань, 2001.

*Сагдуллаев А., Аминов Б., Мавлонов Ў., Норқулов Н.* Ўзбекистон тарихи: давлат ва жамият тараққиёти. 1-қисм.–Т.: «Академия», 2000.

*Сагдуллаев А., Мавлонов Ў.* Ўзбекистонда давлат бошқаруви тарихи. (Ўқув қўлланма).–Т.: «Академия», 2006.

*Салимов Т., Махкамов С.* «Жаҳон тарихи» (Ўрта асрлар даври). 6-синф ўқувчилари учун дарслик. –Т.: «Шарқ», 2004.

*Салимов Т., Маҳкамов С.* Жаҳон тарихи. Ўрта асрлар даври. 7-синф ўқувчилари учун дарслик.–Т.: «Шарқ», 1999.

*Садыков Т., Каирбекова Р., Тимченко С.* Всемирная история. Учебник для 11-классов.–Алматы. «Мектеп», 2007.

*Salimov T., Mahkamov S.* Jahon tarixi. O‘rta asrlar davri. 7-sinf uchun o‘quv qo‘llanma.–T.: «Sharq», 2004.

*Salimov T., Sultonov F.* Jahon tarixi (milodiy V asr oxiridan XV asr oxirigacha). 7-sinf uchun darslik.–T.: «O‘zbekiston milliy ensiklopediyasi» nashriyoti, 2009.

*Sagdullayev A., Kostetskiy V.* Tarix. Qadimgi dunyo. 6-sinf uchun darslik.–T.: «Sharq», 2003.

*Saidov I., Bodirov A., Sultonov E.* Jahon tarixi faniga oid testlar to‘plami (uslubiy qo‘llanma). Samarqand, 2008.

*Степанюк В.* Государственность Молдовского народа. Исторические, политические и правовые аспекты. Кишенёв, 2006.

*Стэнли Лэн-Пуль.* Мусульманские династии. – Москва – Ташкент – Бишкек: «Туркестан», 1996.



www.ziyouz.com kutubxonasi

*Толеубаев А.* История Казахстана. Учебник для 10-классов. Алматы: «Мектеп», 2006.

*Турлыгул Т. и др.* История Казахстана. Учебник для 11-классов. Алматы: «Мектеп», 2007.

*Фармонов Р., Садыков А.* Всемирная история. Новая история XVII–XIX вв. Учебное пособие 8-класса.–Т.: «Ўқитувчи», 2001.

*Farmonov R., Sadiqov O.* Jahon tarixi. (Yangi tarix davri–XVII–XIX asrlar). 8-sinf uchun qo'llanma.–T.: «O'qituvchi», 2001.

*Хачикян А.Э.* История Армении (Краткий очерк). Учебное пособие. 2- издание. Ереван: Эдит Принт, 2009.

*Чигринов П.Г.* Очерки истории Беларуси. Учебное пособие. 3-издание. Минск: Вышэйшая школа, 2007.

*Чориев З.* Тарих атамаларининг қисқача изоҳли луғати. 2-нашри.–Т.: «Академия», 2002.

*Чоротегин Т., Омурбеков Т.* Қирғизистон тарихи (VII аср боши–XVIII аср охири). 2-қисм. 7-синф учун дарслик. Жалолобод, 2000.

*Эргашев Ш.* Хорижий мамлакатлар янги тарихи (XVI–XVIII асрлар) [дарслик].– Фарғона: «Фаргона» нашриёти, 2004.

*Эрол Гунгўр.* Тарихда туркий давлатлар.–Т.: «Янги аср авлоди», 2003.

Ўзбекистон миллий энциклопедияси. –Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2000–2006.

Ўзбекистон тарихи (олий ўқув юртларининг номутахассислик факультетлари талабалари учун дарслик). Р. Муртазаева таҳрири остида.–Т.: «Янги аср авлоди», 2003.

Ўзбекистоннинг янги тарихи. 1-китоб. Туркистон чор Россияси мустамлакачилиги даврида.–Т.: «Шарқ», 2000.

Ўзбекистоннинг янги тарихи. 2-китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Илмий муҳаррир М. Жўраев.–Т.: «Шарқ», 2000.

Ўзбекистоннинг янги тарихи. 3-китоб. Мустакил Ўзбекистон тарихи.–Т.: «Шарқ», 2000.

Ўзбекистон давлатчилиги тарихи очерклари. Масъул муҳаррирлар: Д. Алимова, Э. Ртвеладзе.–Т.: «Шарқ», 2001.

Ўзбекистон Республикаси. Энциклопедия.–Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2006.

Қадимги дунё тарихи. II қисм. Педагогика институтлари учун ўқув қўлланма. –Т.: «Ўқитувчи», 1975.

Қорақалпогистоннинг янги тарихи. Қорақалпоғистон XIX асрнинг иккинчи ярмидан XXI асрга қадар (қорақалпоқ тилида). Нукус: Қарақалпақстан, 2003.

*Ҳидоятов Г.* Жаҳон тарихи. Энг янги давр: биринчи қисм (1914–1945 йиллар). 10-синф ўқувчилари учун дарслик.–Т.: «Шарқ», 2000.

*Ҳидоятов Г.* Жаҳон тарихи. Энг янги давр: иккинчи қисм (1945–2002 йиллар). 11-синф ўқувчилари учун дарслик.–Т.: «Шарқ», 2003.

www.ziyouz.com kutubxonasi

## МУНДАРИЖА


Сўз боши *(Муаллифлар)* ..... 3
Ибтидоий жамоа тузуми ..... 6
Қадимги Шарқ ..... 12
Қадимги Миср ..... 12
Қадимги Месопотамия ..... 18
Кичик Осиё ва Олд Осиё мамлакатлари ..... 28
Қадимги Эрон ва Турон ..... 34
Қадимги Ҳиндистон ..... 49
Қадимги Хитой ..... 53
Қадимги Юнонистон ва Рим ..... 66
Қадимги Юнонистон ..... 66
Қадимги Рим ..... 78
Илк ўрта асрлар даври (V–VIII асрлар) ..... 102
Ривожланган ўрта асрлар даври (IX аср–XV аср биринчи ярми) ..... 119
Янги тарих даври (XV аср иккинчи ярми–XX аср бошлари) ..... 181
Энг янги тарих даври (1914–2011 йиллар) ..... 354
Жаҳон тарихининг кичик қомуси (сўнгсўз ўрнида)
[*Раҳмон Фармонов, Чори Кўчаров*] ..... 598
Тавсия қилинадиган адабиётлар рўйхати ..... 602



***Қаҳрамон Кенжаевич Ражабов, Баҳодир Мирзоевич Қандов,***
***Ибодулла Элмирзаевич Шоймардонов,***
***Отабек Маҳамаджонович Норматов***

**ЖАҲОН ТАРИХИНИНГ МУҲИМ САНАЛАРИ**

Муҳаррир *А. Зиядов*
Бадиий муҳаррир *О. Фозилов*
Техник муҳаррир *У. Ким*
Мусаҳҳиҳ *М. Исҳоков*
Компьютерда тайёрловчи *Л. Абкеримова*
Компьютерда матн терувчилар: *Л. Солиева, С. Ражабова*

Нашр. лиц. AI № 158, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 28.02.2011.
Қоғоз ўлчами 84x108$^1/_{32}$. Офсет қоғози. Таймс гарнитурада офсет
усулида босилди. Шартли б.т. 32,34.
Нашр т. 31,27. Адади 5000. Буюртма № 09-8.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг «O‘zbekiston» нашриёт-матбаа
ижодий уйи. 100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20 Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.
*iptduzbekistan@-mail.ru www.iptd-uzbekistan. uz*



www.ziyouz.com kutubxonasi